ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ
МАЛАКА ОШИРИШ ИНСТИТУТИ

ФУҚАРОЛАР БИЛАН ИШЛАШ МОДУЛИ

(ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИ ХИЗМАТИ ХОДИМЛАРИ УЧУН)

ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУА

ТОШКЕНТ – 2023

Ўқув-услубий мажмуа Ўзбекистон Республикаси ИИВ Малака ошириш институти Илмий Кенгашида кўриб чиқилган ва маъқулланган. 2023 йил “ ” ____даги __-сонли баённома.

Тузувчилар: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Малака ошириш институти Махсус-касбий фанлар кафедраси ўқитувчиси, майор **Б.Б. Раджабов;**

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Малака ошириш институти Махсус-касбий фанлар кафедраси катта ўқитувчиси, подполковник **Ж.Р. Равшанов.**

Тақризчилар: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Малака ошириш институти Юридик фанлар кафедраси бошлиғи, полковник **М.И. Суванкулов;**

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Малака ошириш институти Махсус-касбий фанлар кафедраси катта ўқитувчиси, полковник **И.Б. Ахмедов.**

Мазкур ўқув-услубий мажмуа Ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси хизмати ходимларнинг фуқаролар билан мулоқот жараёнида касбий маҳорати, интеллектуал салоҳияти, муомала маданиятини юксалтириш ҳамда психоэмоционал руҳий барқарорлигини сақлаш бўйича зарур амалий кўникмаларини ошириш, замонавий таълим ва инновацион педагогик технологиялар асосида ситуацион машғулотлар орқали ходимларни ностандарт ва мураккаб шароитларда тезкор қарор қабул қилиш ҳамда вазиятни реал баҳолашга доир касбий компитентликни шакллантириш, ходимларнинг мураккаб вазиятларда жисмоний куч ишлатиш, махсус воситалар ва ўқотар қуролни қўллаш, таълим жараёнида назария билан амалиётни интеграция қилиш орқали содир этилиши мумкин бўлган ножўя хатти-ҳаракатлар, суиистеъмолчилик, коррупция ва тизим обрўсига салбий таъсир кўрсатувчи низоли вазиятларнинг барвақт олдини олиш учун ҳуқуқий, касбий билимлари ҳамда амалий кўникмаларини юксалтириш учун ишлаб чиқилган.

УДК _____

© Ўзбекистон Республикаси ИИВ Малака ошириш институти, 2023

МУНДАРИЖА

Кириш.....6
Модул бўйича дарслар тақдимоти:.....9
I. УМУМИЙ БЛОК
1. Жисмоний тайёргарлик. Спортнинг якка кураш турларини (қўл жанги, кураш, самбо) қўллаш.....13
1.1.Мавзу: Тик турган ҳолда кураш усуллари.....13
1.2.Мавзу: Қўл ва оёқ билан бериладиган зарбалар. Қўл ва оёқ зарбаларидан ҳимояланиш усуллари.....17
1.3.Мавзу: Қўлга олиш ва кузатиб олиб бориш усуллари ҳамда ташқи тинтувни ўтказиш тартиби.....22
1.4.Мавзу: Совуқ қурол (пичоқ ва бошқа ўткир ускуналар) билан ҳужум қилганда қуролсизлантириш ва қўлга олиш усуллари.....25
2. Жанговор тайёргарлик. Ўқ отар қуролларни қўллаш ва ундан фойдаланиш тартиби. Оммавий тартибсизлик содир этилганида уни бартараф этиш бўйича махсус-тактик харакатлар.....28
2.1.Мавзу: ИИО ходимлари томонидан жисмоний куч ишлатиш, махсус воситаларни ва ўқ отар қуролни қўллашнинг ҳуқуқий асослари...,.....28
2.2.Мавзу: Ўқотар қуролларни қўллаш ва ундан фойдаланиш тартиби.....37
2.3.Мавзу: Оммавий тартибсизликларни бартараф этишда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси хизмати ходимлари томонидан амалга ошириладиган махсус-тактик харакатлар.....42
3. Психологик тайёргарлик. Конфликтология, мулоқот психологияси, ностандарт вазиятларда ўзини-ўзи бошқариш.....43
3.1.Мавзу: Ходимларни нутқ маданияти ва мантиқий фикрлашини ривожлантириш усуллари.....43
3.2.Мавзу: Ҳуқуқбузар шахслар билан мулоқот психологияси.....53
3.3.Мавзу: Турли ностандарт вазиятларда ҳуқуқбузарлик содир этувчи шахслар билан мулоқотда ходимларни ўзини бошқариш усуллари.....64
4. Юридик тайёргарлик. Жамоатчилик назорати субъектлари билан мулоқотга киришишнинг ҳуқуқий асослари.....100
4.1.Мавзу: Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 12 апрелдаги “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги қонунининг мазмун-моҳияти.....100
4.2.Мавзу: Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 11 сентябдаги “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги қонунининг мазмун-моҳияти.....109
4.3.Мавзу: Маъмурий ҳуқубузарлик тўғрисида иш юритишда қатнашувчи шахслар ҳамда жиноят процесси иштирокчиларининг процессуал ҳуқуқ ва мажбуриятлари.....124
5. Хизмат жараёнида Ички ишлар органлари ходимларининг касбий маданияти ва хизмат интизоми кодексининг аҳамияти.....145
5.1.Мавзу: Ички ишлар органларида касбий маданият қоидалари, хизмат интизомига оид талаблар, бошлиқлар ва ходимларнинг ўзаро муносабатлари.....145
5.2.Мавзу: Ички ишлар органларида касбий маданият ва хизмат интизомини таъминлаш.....147
II. МАХСУС БЛОК.
1.Профилактика инспекторларининг фуқаролар билан мулоқот жараёнида юзага келадиган муаммоли ситуацион вазиятлар.....150
1.1.Мавзу: Профилактика инспекторлари томонидан фуқароларнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатларини текшириш ва уларни шахсий тинтув ўтказиш жараёнида юзага келадиган муаммоли ҳолатлар.....151

1.2.Мавзу: Профилактика инспекторларини хизмат вақтида жамоатчилик назорати субъектлари томонидан фото, аудио ва видео сёъмка қилиш жараёнидаги муаммоли ситуацион вазиятлар.....153
1.3.Мавзу: Профилактика инспекторлари томонидан вояга етмаганлар шахслар билан мулоқот жараёнида юзага келадиган муаммоли ситуацион вазиятлар.....155
1.4.Мавзу: Профилактика инспекторлари томонидан чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар билан мулоқот жараёнида юзага келадиган муаммоли ситуацион вазиятлар.,.....158
1.5.Мавзу: Профилактика инспекторлари томонидан алкоголь, гиёҳвандлик воситалари таъсиридан ёки ўзгача тарзда мастлик ҳолатида бўлиб, мустақил ҳаракатланиш қобилиятини йўқотган ёки қаердалигини аниқ англаб етмайдиган шахслар билан мулоқот жараёнида юзага келадиган муаммоли ситуацион вазиятлар.....159
1.6.Мавзу: Жиноят ёки маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилган ҳодиса жойини сақланишини таъминлашда юзага келадиган казуслар.....163
2. Профилактика инспекторларининг маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахслар билан мулоқот жараёнида юзага келадиган муаммоли ситуацион вазиятлар.....165
2.1.Мавзу: Ўзбекистон Республикаси МЖтКнинг 40, 41, 47, 54, 56, 56^{1}, 61-моддаларида кўрсатилган ҳуқуқбузарликни содир этган шахслар билан ходимлар ўртасидаги ситуацион муаммоли вазиятлар.....165
2.2.Мавзу: Ўзбекистон Республикаси МЖтКнинг 101, 110, 111, 113, 114, 122-моддаларида кўрсатилган ҳуқуқбузар-ликни содир этган шахслар билан ходимлар ўртасидаги ситуацион муаммоли холатлар.....168
2.3.Мавзу: Ўзбекистон Республикаси МЖтКнинг 123, 127, 128^{6}, 147-моддаларида кўрсатилган ҳуқуқбузарликни содир этган шахслар билан ходимлар ўртасидаги ситуацион муаммоли холатлар.....172
2.4.Мавзу: Ўзбекистон Республикаси МЖтКнинг 148, 161, 183, 187-моддаларида кўрсатилган ҳуқуқбузарликни содир этган шахслар билан ходимлар ўртасидаги ситуацион муаммоли холатлар.....175
2.5.Мавзу: Ўзбекистон Республикаси МЖтКнинг 186, 188, 188^{2}, 188^{3}-моддаларида кўрсатилган ҳуқуқбузарликни содир этган шахслар билан ходимлар ўртасидаги ситуацион муаммоли вазиятлар.....177
2.6.Мавзу: Ўзбекистон Республикаси МЖтКнинг 189, 190, 191-моддаларида кўрсатилган ҳуқуқбузарликни содир этган шахслар билан ходимлар ўртасидаги ситуацион муаммоли вазиятлар.....179
2.7.Мавзу: Ўзбекистон Республикаси МЖтКнинг 192, 1921-моддаларида кўрсатилган ҳуқуқбузарликни содир этган шахслар билан ходимлар ўртасидаги ситуацион муаммоли холатлар.....181
2.8.Мавзу: Ўзбекистон Республикаси МЖтКнинг 194, 195-моддаларида кўрсатилган ҳуқуқбузарликни содир этган шахслар билан ходимлар ўртасидаги ситуацион муаммоли вазиятлар.....184
2.9.Мавзу: Ўзбекистон Республикаси МЖтКнинг 206, 206^{1}-моддаларида кўрсатилган ҳуқуқбузарликни содир этган шахслар билан ходимлар ўртасидаги ситуацион муаммоли вазиятлар.....185
2.10.Мавзу: Ўзбекистон Республикаси МЖтКнинг 223, 223^{1}, 223^{3}, 223^{4}, 225-моддаларида кўрсатилган ҳуқуқбузарликни содир этган шахслар билан ходимлар ўртасидаги ситуацион муаммоли вазиятлар.....188
3. Профилактика инспекторларининг жиноят процесси иштирокчилари билан мулоқот жараёнида юзага келадиган муаммоли ситуацион вазиятлар.....190

3.1.Мавзу: Маъмурий ҳуқуқбузарликлар содир этган шахсларни, шунингдек жиноятларни содир этишда гумон қилинаётган шахсларни ушлаш ва ички ишлар органларига олиб бориш жараёнида юзага келадиган муаммоли ситуацион вазиятлар.....190
3.2.Мавзу: Судья, прокурор, терговчи ва суриштирувчилар томонидан чиқарилган мажбурий келтириш тўғрисидаги қарорларни ижро этишда муаммоли вазиятлар.....192
3.3.Мавзу: Жиноят ёки маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилган ҳодиса жойини сақланишини таъминлашда юзага келадиган казуслар.....194
3.4.Мавзу: Ҳуқуқбузарликлар содир этишга моил бўлган шахслар билан мулоқот жараёнида юзага келадиган муаммоли вазиятлар.....196
3.5.Мавзу: Профилактик ҳисобда турган шахслар билан мулоқотда юзага келадиган муаммоли ҳолатлар.....198
4. Профилактика инспекторларининг жамоат хавфсизлигини таъминлаш жараёнида гуруҳда (оломон) билан юзага келадиган муаммоли ситуацион вазиятлар.....199
4.1.Мавзу: Таълим муассасалари ўртасида ўзаро гуруҳбозлик кўринишида бўладиган жанжалларни бартараф этишда юзага келадиган муаммоли ҳолатлар...,.....199
4.2.Мавзу: Рухсат этилмаган йиғилишлар, митинглар, кўча юришлари ва намойишларда юзага келадиган ситуацион муаммоли вазиятлар.....202
4.3.Мавзу: Фавқулодда вазиятларда профилактика инспекторлари билан фуқаролар ўртасидаги юзага келиши мумкин бўлган муаммоли ҳолатлар.....204
4.4.Мавзу: Оммавий тадбирлар ўтказилганда томошабинлар билан юзага келадиган ситуацион муаммоли вазиятлар....,.....205
4.5.Мавзу: Ахолида норозилик кайфияти келтириб чиқарувчи холатларда, улар билан мулоқотда юзага келадиган ситуацион муаммоли вазиятлар.,,.....207
5. Профилактика инспекторларининг ахборот технологиялари, махсус-техник воситаларни қўллаш ва улардан фойдаланиш жараёнида юзага келадиган муаммоли ситуацион вазиятлар.....208
5.1.Мавзу: Профилактика инспекторлари томонидан планшетлардан фойдаланиш тартиби.....208
5.2.Мавзу: Профилактика инспекторига масофадан туриб мурожаат юбориш ва уни кўриб чиқиш жараёнини кузатиб бориш, аҳоли билан ўзаро тезкор мулоқотни йўлга қўйиш, профилактика инспекторлари ва сектор раҳбарлари фаолиятига баҳо бериш имконини берувчи «Smart маҳалла» ахборот дастуридан фойдаланиш тартиби.....212
5.3.Мавзу: Профилактика инспекторлари ваколатига кирувчи маъмурий ҳуқуқбузарликлар бўйича иш юритувни электрон шаклга ўтказиш ва профилактика инспекторларининг суд мажлисларида «масофавий» тарзда қатнашиш тартиби.....220
5.4.Мавзу: Ички ишлар органлари ходимларининг фуқаролар билан ўзаро муносабатларда бодикамерадан фойдаланиш тартиби.....226
5.5.Мавзу: Профилактика инспекторлари томонидан ҳуқуқбузарга нисбатан электрошокер махсус воситасини қўллаш жараёнида юзага келадиган муаммоли ситуацион вазиятлар.....229
Тест саволлари.....232
Глоссарий.....242
Фойдаланилган адабиётлар.....289

КИРИШ

Мазкур ўқув-услубий мажмуа Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 20 январдаги “Ички ишлар органларини халқчил профессионал тузилмага айлантириш ва аҳоли билан янада яқин ҳамкорликда ишлашга йўналтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-10-сонли қарорлари ҳамда 2023 йил 28 февралдаги “Ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, йўл-патруль ва патруль-пост хизмати бўлинмалари ходимларини “Фуқаролар билан ишлаш модули” бўйича узлуксиз ўқитиш тизимини ташкил этиш тўғрисида”ги 98-сонли буйруғига мувофиқ ишлаб чиқилган бўлиб, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси хизматининг бевосита фуқаролар билан мулоқотда бўладиган ходимларини “Фуқаролар билан ишлаш модули” бўйича узлуксиз ўқитиш жараёнини ташкил этишни назарда тутади.

Ушбу ўқув-услубий мажмуа ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси хизмати бўлинмалари ходимларнинг фуқаролар билан мулоқот жараёнида касбий маҳорати, интеллектуал салоҳияти, муомала маданиятини юксалтириш ҳамда психоэмоционал руҳий барқарорлигини сақлаш бўйича зарур амалий кўникмаларини ошириш, замонавий таълим ва инновацион педагогик технологиялар асосида ситуацион машғулотлар орқали ходимларни ностандарт ва мураккаб шароитларда тезкор қарор қабул қилиш ҳамда вазиятни реал баҳолашга доир касбий компитентликни шакллантириш, ходимларнинг мураккаб вазиятларда жисмоний куч ишлатиш, махсус воситалар ва ўқотар қуролни қўллаш, таълим жараёнида назария билан амалиётни интеграция қилиш орқали содир этилиши мумкин бўлган ножўя хатти-ҳаракатлар, суиистеъмолчилик, коррупция ва тизим обрўсига салбий таъсир кўрсатувчи низоли вазиятларнинг барвақт олдини олиш учун ҳуқуқий, касбий билимлари ҳамда амалий кўникмаларини юксалтиришга қаратилган.

Ўқув курсининг мақсади. Ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси хизмати бўлинмалари ходимларини (бундан буён матнда тингловчилар деб юритилади) “Фуқаролар билан ишлаш модули” асосида соҳавий хизматда ишлаш лаёқатини аниклаш, ходимларда мулоқот психологияси ва муомала маданияти ҳамда ностандарт вазиятларда руҳий барқарорликни сақлаш бўйича зарур амалий кўникмаларни шакллантириш ҳамда ходимларнинг фуқаролар билан юзага келиши мумкин бўлган ностандарт вазиятларда тезкор ва адолатли қарор қабул қилишига доир интеллектуал ва касбий профессионаллигини мустаҳкамлашдан иборат.

Ўқув курсининг асосий вазифалари:

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ҳукумати ва Ички ишлар вазирлиги томонидан ички ишлар органлари ходимларига қўйилаётган бугунги кун талабларига жавоб берадиган юксак касбий маҳоратини ривожлантириш;

тингловчиларни “Фуқаролар билан ишлаш модули” бўйича ўқитишни сифатли ва тизимли ташкил этиш;

тингловчиларни «Инсон қадри учун» тамойили асосида давлатнинг юксак маънавий-ахлоқий фазилатларга эга, ўз бурчига содиқ, ватанпарвар ва халқпарвар вакили этиб тарбиялаш;

тингловчиларда хизмат вазифаларига ҳалол, виждонан, Ватан ва халқ олдидаги бурчини чин дилдан ҳис этган ҳолда, юксак масъулият билан ёндашиш, жамиятда умумэътироф этилган одоб-ахлоқ нормаларига сўзсиз амал қилиш туйғусини шакллантириш;

тингловчиларни ички ишлар тизими обрўсига салбий таъсир кўрсатувчи низоли вазиятларни юзага келтирмасликни олдини олишни ўргатиш;

тингловчиларнинг ўқитишда замонавий шакл ва усулларини, инновацион технологияларини, шу жумладан аниқ вазиятлар таҳлили машғулотларида ахборот-ҳуқуқий ва таълим ресурсларидан фойдаланиш имкониятларини таъминлаш, ҳамда илғор хорижий тажрибаларни етказиш;

тингловчиларнинг юқори даражада жанговар ва жисмоний, маънавий-ахлоқий ва

руҳий тайёргарликни ҳар томонлама таъминлаш ва такомиллаштириб бориш;

тингловчиларни тезкор ва криминоген вазиятни баҳолашнинг замонавий усулларини ўргатиш ҳамда жамоат хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларни барвақт олдини олиш ва жиноятчиликка қарши курашишда ички ишлар органларининг мавжуд куч, восита ва усулларидан самарали фойдаланиш кўникмаларини шакллантиришдан иборат.

Тингловчиларнинг билим, кўникма ва малакасига қўйиладиган талаблар:

Тингловчиларнинг билим, кўникма ва малакаларига қўйиладиган талаблар касбий тайёрлаш мазмуни, сифати ва уларнинг тайёргарлиги ҳамда компетентлигига қўйиладиган умумий малака талаблари билан белгиланади.

Тингловчи:

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишларига амал қилиш, ИИВнинг норматив ҳужжатлари талабларини қатъий бажарилишини;

ўзига юклатилган хизмат вазифалари ва функционал мажбуриятларини;

одоб-ахлоқ қоидаларига амал қилишни;

жисмоний куч ишлатиш, махсус воситаларни ва ўқ отар қуролни қўллашнинг ҳуқуқий асосларни;

нутқ маданияти ва мантиқий фикрлашини ривожлантириш усулларини;

жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлашни;

ички ишлар органларида касбий маданият қоидалар, хизмат интизомига оид талабларни;

ходимлар ўртасида ўзаро муносабатлар кодекс қоидаларига амал қилиш, бошлиқлар ва ҳамкасбларни ҳурмат қилишни;

нутқ маданияти ва мантиқий фикрлашни;

маъмурий ҳуқубузарлик тўғрисида иш юритишда қатнашувчи шахслар ҳамда жиноят процесси иштирокчиларининг процессуал ҳуқуқ ва мажбуриятларини;

фавқулодда вазиятларда ички ишлар органлари ходимларининг хатти-ҳаракатларини ***билиши*** керак.

Тингловчи:

ҳодисаси рўй берган жойда ҳодиса иштирокчиларини аниқлаш ва тегишли чора кўриш;

хизмат фаолиятида мавжуд бўлган техник воситалардан самарали фойдаланиш;

ички ишлар органлари ходимларининг ўз фаолиятини режалаштириш;

ҳуқуқбузар шахсларни қўлга олиш ва кузатиб олиб бориш усуллари ҳамда ташқи тинтувни ўтказиш;

махсус воситаларни ва ўқ отар қуролларни қўллаш;

махсус воситалар билан жанг қилиш;

ҳуқуқбузар шахслар билан мулоқотга кириш;

жамоатчилик назорати субъектлари билан мулоқотга кириш;

ностандарт вазиятларда агрессив шахслар билан мулоқотда ходимларни ўзини ўзи бошқариш;

ички ишлар органлари ходимларининг доимий равишда ўз билим ва касбий кўникмаларини такомиллаштириб бориш, малака ва ҳуқуқий маданиятини ошириш бўйича ***кўникмаларига*** эга бўлиши лозим.

Тингловчи:

мураккаб шароитларга тез мослашиш, кескин вазиятларда энг мақбул қарорлар қабул қилиш;

давлат органлари, ички ишлар органларининг бошқа сохавий хизматлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан самарали ҳамкорликни таъминлаш;

ички ишлар органлари ходимлари фуқаролар, турли тоифадаги ҳуқуқбузарлар, жамоатчилик вакиллари билан мулоқот қила олиш;

ички ишлар органлари ходимлари янги инновацион ғояларни хизмат фаолиятига жорий этиш;

соҳавий хизматлар фаолиятини ташкил этишда ахборотлар билан таъминлаш ва алмашиш;

ички ишлар органлари ходимлари фуқароларнинг шаъни ва қадр-қимматини камситувчи хатти-ҳаракатларга, қонунга хилоф равишда жисмоний куч ишлатишга, ҳақорат қилиш ёки қийноққа солишга йўл қўймаслик;

фаолиятига таалуқли ҳуқуқ нормаларидан фойдаланиш ва қўллаш ***малакаларига*** эга бўлиши зарур.

Тингловчи:

ички ишлар органлари ходимлари шахс, жамият ва давлат хавфсизлигини таъминлаш;

иш фаолиятида юзага келган турли зиддиятли ҳолатлар ва муаммоларни ҳал этиш ҳамда тегишли бошқарув қарорларини қабул қилиш;

самарали иш юритиш ва ҳужжатлар айланишини ҳамда жисмоний ва юридик шахслар мурожаатлари билан ишлаш тизимини йўлга қўйиш;

хизмат вазифасини амалга ошириш давомида фуқароларнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатларини текшириш ва уларни шахсий кўрикдан ўтказиш;

ахборот технологиялар, махсус-техник воситаларни қўллаш ва улардан фойдаланиш;

илғор иш тажрибаси ва услубларини амалиётга татбиқ этиш ***компетенцияларига*** эга бўлиши лозим.

Ўқув жараёнини ташкил этиш ва унда қўлланиладиган инновацион педагогик технологиялар.

Ўқув машғулотлари соҳавий хизматларнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, ўқитишнинг замонавий интерактив методларига асосланган илғор педагогика, ахборот-коммуникация ва инновацион педагогик-технологиялар асосида интерактив (“Ақлий ҳужум”, “Асиссмент”, “Кейс-стади”, “Кичик гуруҳларда ишлаш”, “SWOT-таҳлил” “Муаммоли вазият”, “FOX-гуруҳ”, “Бинар”, “Ролли ўйинлар” ва бошқа) ва ноанъанавий симуляцион машгулотлар олиб борилади.

Ўқув дастурини тўлиқ ўзлаштирган, якуний синовлардан муваффақиятли ўтган тингловчиларга белгиланган намунадаги сертификат берилади.

МАВЗУИЙ РЕЖА

Т/р	Ўқитиладиган блок, модуллар номи	Жами	Ўқув соатлари		
			Шу жумладан		
			Назарий машғулот	Амалий машғулот	Назорат
I. УМУМИЙ БЛОК		**36**	**18**	**18**	**-**
1.	**Жисмоний тайёргарлик. Спортнинг якка кураш турларини (қўл жанги, кураш, самбо) қўллаш**				
1.1	Тик турган ҳолда кураш усуллари	**4**	-	4	-
1.2	Қўл ва оёқ билан бериладиган зарбалар. Қўл ва оёқ зарбаларидан ҳимояланиш усуллари	**2**	-	2	-
1.3	Қўлга олиш ва кузатиб олиб бориш усуллари ҳамда ташқи тинтувни ўтказиш тартиби	**2**	-	2	-
1.4	Совуқ қурол (пичоқ ва бошқа ўткир ускуналар) билан ҳужум қилганда қуролсизлантириш ва қўлга олиш усуллари	**2**	-	2	-
2	**Жанговор тайёргарлик. Ўқ отар қуролларни қўллаш ва ундан фойдаланиш тартиби. Оммавий тартибсизлик содир этилганганида уни бартараф этиш бўйича махсус-тактик харакатлар**				
2.1	ИИО ходимлари томонидан жисмоний куч ишлатиш, махсус воситаларни ва ўқ отар қуролни қўллашнинг ҳуқуқий асослари.	**2**	2	-	-
2.2	Ўқотар қурольларни қўллаш ва ундан фойдаланиш тартиби	**2**	-	2	-
2.3	Оммавий тартибсизликларни бартараф этишда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси хизмати ходимлари томонидан амалга ошириладиган махсус-тактик харакатлар	**6**	-	6	-
3	**Психологик тайёргарлик. Конфликтология, мулоқот психологияси, ностандарт вазиятларда ўзини-ўзи бошқариш**				
3.1	Ходимларни нутқ маданияти ва мантиқий фикрлашини ривожлантириш усуллари	**2**	2	-	-
3.2	Ҳуқуқбузар шахслар билан мулоқот психологияси	**2**	2	-	-
3.3	Турли ностандарт вазиятларда ҳуқуқбузарлик содир этувчи шахслар билан мулоқотда ходимларни ўзини бошқариш усуллари	**2**	2	-	-
4	**Юридик тайёргарлик. Жамоатчилик назорати субъектлари билан мулоқотга киришишнинг ҳуқуқий асослари**				
4.1	Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 12 апрелдаги “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги қонунининг мазмун-моҳияти	**2**	2	-	-
4.2	Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 11 сентябдаги “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги қонунининг мазмун-моҳияти	**2**	2	-	-
4.3	Маъмурий ҳуқубузарлик тўғрисида иш юритишда қатнашувчи шахслар ҳамда жиноят процесси иштирокчиларининг процессуал ҳуқуқ ва мажбуриятлари	**2**	2	-	-

5	**Хизмат жараёнида Ички ишлар органлари ходимларининг касбий маданияти ва хизмат интизоми кодексининг аҳамияти**				
5.1	Ички ишлар органларида касбий маданият қоидалари, хизмат интизомига оид талаблар, бошлиқлар ва ходимларнинг ўзаро муносабатлари	**2**	2	-	-
5.2	Ички ишлар органларида касбий маданият ва хизмат интизомини таъминлаш	**2**	2	-	-
II. МАХСУС МОДУЛ		**104**	**-**	**104**	**-**
1	**Профилактика инспекторларининг фуқаролар билан мулоқот жараёнида юзага келадиган муаммоли ситуацион вазиятлар**				
1.1	Профилактика инспекторлари томонидан фуқароларнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатларини текшириш ва уларни шахсий тинтув ўтказиш жараёнида юзага келадиган муаммоли ҳолатлар	4	-	4	-
1.2	Профилактика инспекторларини хизмат вақтида жамоатчилик назорати субъектлари томонидан фото, аудио ва видео сёъмка қилиш жараёнидаги муаммоли ситуацион вазиятлар	4	-	4	-
1.3	Профилактика инспекторлари томонидан вояга етмаганлар шахслар билан мулоқот жараёнида юзага келадиган муаммоли ситуацион вазиятлар	4	-	4	-
1.4	Профилактика инспекторлари томонидан чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар билан мулоқот жараёнида юзага келадиган муаммоли ситуацион вазиятлар	4	-	4	-
1.5	Профилактика инспекторлари томонидан алкоголь, гиёҳвандлик воситалари таъсиридан ёки ўзгача тарзда мастлик ҳолатида бўлиб, мустақил ҳаракатланиш қобилиятини йўқотган ёки қаердалигини аниқ англаб етмайдиган шахслар билан мулоқот жараёнида юзага келадиган муаммоли ситуацион вазиятлар	4	-	4	-
1.6	Жиноят ёки маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилган ҳодиса жойини сақланишини таъминлашда юзага келадиган казуслар	2	-	2	-
2	**Профилактика инспекторларининг маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахслар билан мулоқот жараёнида юзага келадиган муаммоли ситуацион вазиятлар**				
2.1	Ўзбекистон Республикаси МЖтКнинг 40, 41, 47, 54, 56, 56^{1}-моддаларида кўрсатилган ҳуқуқбузарликни содир этган шахслар билан ходимлар ўртасидаги ситуацион муаммоли вазиятлар	2	-	2	-
2.2	Ўзбекистон Республикаси МЖтКнинг 101, 110, 111, 113, 114, 122-моддаларида кўрсатилган ҳуқуқбузарликни содир этган шахслар билан ходимлар ўртасидаги ситуацион муаммоли холатлар	2	-	2	-
2.3	Ўзбекистон Республикаси МЖтКнинг 123, 127, 128^{6}, 147-моддаларида кўрсатилган ҳуқуқбузарликни содир этган шахслар билан ходимлар ўртасидаги ситуацион муаммоли холатлар	2	-	2	-
2.4	Ўзбекистон Республикаси МЖтКнинг 148, 161, 183, 187-моддаларида кўрсатилган ҳуқуқбузарликни содир этган шахслар билан ходимлар ўртасидаги ситуацион муаммоли холатлар	4	-	4	-

2.5	Ўзбекистон Республикаси МЖтКнинг 186, 188, 188^2, 188^3-моддаларида кўрсатилган ҳуқуқбузарликни содир этган шахслар билан ходимлар ўртасидаги ситуацион муаммоли вазиятлар	2	-	2	-
2.6	Ўзбекистон Республикаси МЖтКнинг 189, 190, 191-моддаларида кўрсатилган ҳуқуқбузарликни содир этган шахслар билан ходимлар ўртасидаги ситуацион муаммоли вазиятлар	2	-	2	-
2.7	Ўзбекистон Республикаси МЖтКнинг 192, 192^1-моддаларида кўрсатилган ҳуқуқбузарликни содир этган шахслар билан ходимлар ўртасидаги ситуацион муаммоли холатлар	2	-	2	-
2.8	Ўзбекистон Республикаси МЖтКнинг 194, 195-моддаларида кўрсатилган ҳуқуқбузарликни содир этган шахслар билан ходимлар ўртасидаги ситуацион муаммоли вазиятлар	2	-	2	-
2.9	Ўзбекистон Республикаси МЖтКнинг 206, 2061-моддаларида кўрсатилган ҳуқуқбузарликни содир этган шахслар билан ходимлар ўртасидаги ситуацион муаммоли вазиятлар	2	-	2	-
2.10	Ўзбекистон Республикаси МЖтКнинг 223, 2231, 2233, 2234, 225-моддаларида кўрсатилган ҳуқуқбузарликни содир этган шахслар билан ходимлар ўртасидаги ситуацион муаммоли вазиятлар	2	-	2	-
3	**Профилактика инспекторларининг жиноят процесси иштирокчилари билан мулоқот жараёнида юзага келадиган муаммоли ситуацион вазиятлар**				
3.1	Маъмурий ҳуқуқбузарликлар содир этган шахсларни, шунингдек жиноятларни содир этишда гумон қилинаётган шахсларни ушлаш ва ички ишлар органларига олиб бориш жараёнида юзага келадиган муаммоли ситуацион вазиятлар	4	-	4	-
3.2	Судья, прокурор, терговчи ва суриштирувчилар томонидан чиқарилган мажбурий келтириш тўғрисидаги қарорларни ижро этишда муаммоли вазиятлар	4	-	4	-
3.3	Жиноят ёки маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилган ҳодиса жойини сақланишини таъминлашда юзага келадиган казуслар	4	-	4	-
3.4	Ҳуқуқбузарликлар содир этишга моил бўлган шахслар билан мулоқот жараёнида юзага келадиган муаммоли вазиятлар	4	-	4	-
3.5	Профилактик ҳисобда турган шахслар билан мулоқотда юзага келадиган муаммоли ҳолатлар	4	-	4	-
4	**Профилактика инспекторларининг жамоат хавфсизлигини таъминлаш жараёнида гуруҳда (оломон) билан юзага келадиган муаммоли ситуацион вазиятлар**				
4.1	Таълим муассасалари ўртасида ўзаро гуруҳбозлик кўринишида бўладиган жанжалларни бартараф этишда юзага келадиган муаммоли ҳолатлар	4	-	4	-
4.2	Рухсат этилмаган йиғилишлар, митинглар, кўча юришлари ва намойишларда юзага келадиган ситуацион муаммоли вазиятлар	4	-	4	-

4.3	Фавқулодда вазиятларда профилактика инспекторлари билан фуқаролар ўртасидаги юзага келиши мумкин бўлган муаммоли ҳолатлар	4	-	4	-
4.4	Оммавий тадбирлар ўтказилганда томошабинлар билан юзага келадиган ситуацион муаммоли вазиятлар	4	-	4	-
4.5	Ахолида норозилик кайфияти келтириб чиқарувчи холатларда, улар билан мулоқотда юзага келадиган ситуацион муаммоли вазиятлар	4	-	4	-
5	**Профилактика инспекторларининг ахборот технологиялари, махсус-техник воситаларни қўллаш ва улардан фойдаланиш жараёнида юзага келадиган муаммоли ситуацион вазиятлар**				
5.1	Профилактика инспекторлари томонидан планшетлардан фойдаланиш тартиби	4	-	4	-
5.2	Профилактика инспекторига масофадан туриб мурожаат юбориш ва уни кўриб чиқиш жараёнини кузатиб бориш, аҳоли билан ўзаро тезкор мулоқотни йўлга қўйиш, профилактика инспекторлари ва сектор раҳбарлари фаолиятига баҳо бериш имконини берувчи «Smart маҳалла» ахборот дастуридан фойдаланиш тартиби	4	-	4	-
5.3	Профилактика инспекторлари ваколатига кирувчи маъмурий ҳуқуқбузарликлар бўйича иш юритувни электрон шаклга ўтказиш ва профилактика инспекторларининг суд мажлисларида «масофавий» тарзда қатнашиш тартиби	4	-	4	-
5.4	Ички ишлар органлари ходимларининг фуқаролар билан ўзаро муносабатларда бодикамерадан фойдаланиш тартиби	4	-	4	-
5.5	Профилактика инспекторлари томонидан ҳуқуқбузарга нисбатан электрошокер махсус воситасини қўллаш жараёнида юзага келадиган муаммоли ситуацион вазиятлар	4	-	4	-
Якуний имтиҳон		**4**	**-**	**-**	**4**
Жами		**144**	**18**	**122**	**4**

I. УМУМИЙ БЛОК

1. ЖИСМОНИЙ ТАЙЁРГАРЛИК. СПОРТНИНГ ЯККА КУРАШ ТУРЛАРИНИ (ҚЎЛ ЖАНГИ, КУРАШ, САМБО) ҚЎЛЛАШ МОДУЛИ.

1.1-Мавзу: “Тик турган ҳолатда кураш усуллари”.

1-Амалий машғулот (2 соат)

РЕЖА:

1. Орқага, олдинга ўмбалоқ ошиш, елкадан юмалаш техникаси. Чўккалаб ўтирган ҳолатда орқа ва ёнга эхтиёткорлик билан йиқилиш.

2. Куч сифатларини ривожлантирувчи машқлар.

1-ўқув саволи: Орқага, олдинга ўмбалоқ ошиш, елкадан юмалаш техникаси. Чўккалаб ўтирган ҳолатда орқа ва ёнга эхтиёткорлик билан йиқилиш.

Тингловчиларга машқларни ўргатиш учун аввалом, бор уларни иккита шеренгали сафга қўйилади. Шеренгалар орасидаги масофа 3 метр ва шеренгадаги ҳар бир тингловчи ораси бир метр бўлиши лозим. Машқларни бажаришдан олдин тингловчиларга эхтиёткорлик чоралари ва машқларни бажариш кетма-кетлигини оғзаки тушунтириб амалий тарзда бир неча бор кўрсатиб берилади. Бажарилаётган ҳар бир машқ фазаларга бўлиб ўқитувчининг ҳисоб командаси бўйича бажарилади. Шундан сўнг, ўқитувчи тингловчилар томонидан бажарилаётган машқларни назорат қилиш, кузатиш ва ҳисоб командаларини бериш учун қулай жой танланади. Кузатув давомида ўқитувчи доимо ҳаракатда бўлади ва тингловчилар томонидан машқларни бажаришда хатоликлар йўл қўйилса, барча харакатлар тўхтатилиб, уларга машқнинг хар бир элементларини тўғри кетма-кетликда тушинтирилади.

Олдинга ўмбалоқ ошиш.

Тингловчилар оралиқ масофаларни сақлаган ҳолда гилам бўйлаб, икки шеренгали сафда турадилар. Олдинга ўмбалоқ ошишни икки фазага бўлиб, ўқитувчининг командаси билан бажарилади. ***“Бир”*** командаси берилганда тингловчилар оёқларини тизза бўғинида ярим букиб, қўллар кафтини гиламга теккизадилар. ***“Икки”*** командасида бошнинг орқа қисмини гиламга теккизиб, олди тарафга юмалайдилар ва қўллари билан оёқларининг болдиридан ушлаб, сон қисмига қараб тортадилар. Шу тариқа тингловчилар дастлабки холатда саф тортадилар. Машқ 8-10 маротаба икки фазада ўқитувчи командаси бўйича бажарилади ва шундан сўнг машқни тўлиқ бажариш мумкин бўлади.

1-расм

2-расм

3-расм

Орқага ўмбалоқ ошиш техникаси.

Машқни бажариш тартиби: Тингловчилар залнинг бўш қолган томонига орқа ўгириб икки шеренгали сафда турадилар. Биринчи ва иккинчи шеренгалар оралиғидаги масофа уч метр бўлиши лозим. “Бир” командаси берилганда оёқлари тизза бўғинида ярим букилган ҳолатда ва қўлларни тиззиларга қўйилади. “Икки” командаси берилиши билан орқа томонга ўмбалоқ оширилади ва бошининг орқа қисми гиламга тегиши билан қўлларга таяниб тик турилади. Шу машқ бир неча бор гилам бўйлаб шеренгали сафда 8-10 маротаба такрорланади. Орқага ўмболоқ ошиш вақтида ўқитувчи аввалом бор эҳтиёткорлик чораларига ва машқнинг бажарилиш техникаси ҳамда кетма-кетлигига этибор бериши лозим. Машқ 8-10 маротаба икки фазада ўқитувчи командаси бўйича бажарилади ва шундан сўнг машқни тўлиқ бажариш мумкин бўлади.

Чўккалаб ўтирган холатда орқага эҳтиёткорлик билан йиқилиш техникаси.

Тингловчилар оёқлари тизза бўғинида ярим букилган холатда ва қўлларни тиззаларга қўйиб, тўрт колонна бўлиб саф тортадилар. Орқага йиқилиш машқини бажариш учун тингловчилар ўқитувчининг ***“Бир”*** командаси бўйича қўлларини тўғрига қилиб, оёқлар ярим букилган холатда турадилар.

“Икки” командаси бўйича охиста ўтириб, орқа тарафга йиқиладилар. Йиқилиш вақтида бошини олдинга эгиб икки куракка тушиш керак ва қўлларни тўғри қилган холатда кафт қисмлари билан гиламга қаттиқ зарба берилади. Шу машқ бир неча бор гилам бўйлаб шеренгали сафда такрорланади. Машқни бажариш вақтида ўқитувчи аввалам бор хавфсизлик чораларига эътибор қаратиши лозим.

1-расм *2-расм* *3-расм* *4-расм*

2-ўқув саволи: Кучни сифатларини ривожлантирувчи машқлар.

Куч сифатларини ривожлантирувчи машқлар:

ерга таяниб ётган ҳолда қўлларни букиш ва ёзиш 10 маротабадан 3 қайтарма (қўлларни оддий, кенг, ўрта қўйган ҳолатларда);

қорин мушакларига (пресс) машқлар 20 маротабадан 3 қайтарма;

бир оёкда ва икки оёкда ўтириб-туришлар 15 маротабадан 3 қайтарма.

Ташкилий услубий кўрсатмалар: Куч жисмоний сифати дарс жараёнида асосий мавзу машқлари орасида ёки асосий қисмнинг оҳирида ривожлантирилиши мумкин. Машқ бажариш вақтида нафас олиш маромига эътибор қаратилади. Тингловчининг ташқи кўринишидан зўриқиш аломатлари сезилса енгил машқларга ўтилади. Ўз-ўзини назорат қилиш пульс орқали амалга оширилади. Куч машқлари сўнгида мушакларни чўзилиш

машқларини бажариш муҳум аҳамиятга эга бўлиб, машғулот давомидаги толиқиш даражаси пасайтириш ва организмни қайта тикланишига кўмак беради.

1-машқ. Тингловчилар икки шеренгали сафда турадилар тиззаларга таянган холда танани тўғри тутиб турадилар. Ўқитувчи команда бериши билан шу ҳолатда тезликга югуриш машқи бажарилади. Машқлар уч-тўрт маротаба гилам бўйлаб юриб такрорланади.

2-машқ. Тингловчилар қўлларини бош орқасига қилиб, оёқларига таянган холатда ўтирадилар ўқитувчининг командаси билан шу холатда ўтириб, гилам бўйлаб олди тарафга юриш машқларини бажарадилар.

Орқа тараф билан юриш худди шу ҳолатда ўқитувчининг командаси билан бажарилади. Бунинг учун тингловчилар гиламнинг бўш қолган қисмига орқа тараф билан туриб сафланадилар.

3-машқ. Тингловчилар икки шеренгали сафда турадилар қўлларига таянган холатда гиламга ётадилар ва ўқитувчи команда бериши билан фақат қўллари ёрдамида гилам бўйлаб олдинга ҳаракатланадилар.

Мустақил ўрганиш учун топшириқ:

1. Олдинга ва орқага умбалоқ ошишни такрорлаш.
2. Чўккалаб ўтирган холатда орқага эҳтиёткорлик билан йиқилишни такрорлаш.

2-Амалий машғулот (2 соат)

РЕЖА:

1. Олдинга ва орқага чалиб йиқитиш. Белдан ошириб ташлаш усуллари.
2. Куч сифатларини ривожлантирувчи машқлар.

1-ўқув саволи: Олдинга ва орқага чалиб йиқитиш. Белдан ошириб ташлаш усуллари.

***Олдиндан чалиб йиқитиш усули*:** Биринчи рақамли курашчи ўнг тараф билан иккинчи рақамли курашчи чап тараф билан туриш ҳолатида чап қўл билан рақибнинг ўнг қўлини тирсак қисмидан ўнг қўли билан рақиб ёқасидан ушланади. Рақибнинг ўнг қўлидан ўзига тортиб, чап қўл билан ўзига-тепага тортилади ва шу вақтнинг ўзида чап оёқда орқага айланма ҳаракат билан ўнг оёқ олдинга қўйилади. Тана оғирлиги чап оёққа ўтказилади ва шу оёқ ярим букилган холатга келтирилади. Ўнг оёқ билан рақибнинг оёғи тўсилган холатда олдинга чалинади ҳамда ўнг ва чап қўллар биргаликда харакатланади. Рақиб гиламга чап тарафи билан тушганда уни чап қўл билан ушлаб қолиш лозим.

1-расм

2-расм

3-расм

4-расм

Орқага чалиб йиқитиш усули. Хил бир жуфтлик колоннадаги тингловчиларни тартиб билан ҳаракатланиш учун уларни биринчи ва иккинчи рақамларга бўлиб чиқиш лозим. Кураш усулларини бажаришдан олдин тингловчиларга эҳтиёткорлик чоралари ва уларни бажариш кетма-кетлигини оғзаки тушунтириб амалий тарзда бир неча бор кўрсатиб берилади. Бажарилаётган хил бир усул фазаларга бўлиб ўқитувчининг командаси бўйича бажарилади.

1-расм

2-расм

3-расм

4-расм

Икки курашчи ўнг холатда бир бирига юзланиб тик туради. Биринчи рақам билан ҳаракатланаётган курашчи чап қўли билан шеригининг тирсак қисмидан, ўнг қўли билан эса ёқасидан тепа қисмидан ушлайди. Чап оёқ билан тўғрига-чапга бир қадам ташланади. Олди тарафга энгашган холатда бир вақтнинг ўзида шеригининг ўнг қўлини пастга-чап тарафга тортади ва ўнг қўли билан уни танасини ортга букади. Шундан сўнг оғирлигини чап оёққа ўтказиб, ўнг оёқ билан шеригининг ўнг оёғини тизза бўғинига зарб билан тўғри қўйилади. Ташлаш вақтида шеригини чап қўл билан ушлаб қолинади. Йиқилаётган курашчи гиламга чап ёни билан тушади.

Белдан ошириб ташлаш усули. Биринчи рақамли курашчи ўнг тараф билан иккинчи рақамли курашчи чап тараф билан туриш ҳолатида чап қўл билан рақибнинг ўнг қўлини тирсак қисмидан ўнг қўли билан қўлтиғи орасидан ўтказиб куракдаги кийимидан ушланади. Рақибнинг ўнг қўлидан ўзига тортиб, чап қўл билан ўзига-тепага тортилади ва шу вақтнинг ўзида чап оёқда орқага айланма ҳаракат билан ўнг оёқ олдинга қўйилади. Тана оғирлиги чап оёққа ўтказилади ва шу оёқ ярим букилган холатга келтирилади. Ўнг оёқ билан рақибнинг чап оёғи болдир қисмига зарб билан орқага урилади ва бир вақтнинг ўзида тоз қисми ўнг тарафга бурилиб, чап оёқ тўғирланади. Рақибнинг йиқилишини қўллар билан назорат килинади. Рақиб гиламга чап тарафи билан тушганда, уни чап қўл билан ушлаб қолиш лозим.

2- ўқув саволи: Куч сифатларини ривожлантирувчи машқлар.

Куч сифатларини ривожлантирувчи машқлар:

ерга таяниб ётган ҳолда қўлларни букиш ва ёзиш 10 маротабадан 3 қайтарма (қўлларни оддий, кенг, ўрта қўйган ҳолатларда);

қорин мушакларига (пресс) машқлар 20 маротабадан 3 қайтарма;

бир оёқда ва икки оёқда ўтириб-туришлар 15 маротабадан 3 қайтарма.

Ташкилий услубий кўрсатмалар: Куч жисмоний сифати дарс жараёнида асосий мавзу машқлари орасида ёки асосий қисмнинг охирида ривожлантирилиши мумкин. Машқ бажариш вақтида нафас олиш маромига эътибор қаратилади. Тингловчининг ташқи кўринишидан зўриқиш аломатлари сезилса енгил машқларга ўтилади. Ўз-ўзини назорат қилиш пульс орқали амалга оширилади. Куч машқлари сўнгида мушакларни чўзилиш машқларини бажариш муҳум аҳамиятга эга бўлиб, машғулот давомидаги толиқиш даражаси пасайтириш ва организмни қайта тикланишига кўмак беради.

1-машқ. Тингловчилар икки шеренгали сафда турадилар тиззаларга таянган холда танани тўғри тутиб турадилар. Ўқитувчи команда бериши билан шу ҳолатда тезликга югуриш машқи бажарилади. Машқлар уч-тўрт маротаба гилам бўйлаб юриб такрорланади.

2-машқ. Тингловчилар қўлларини бош орқасига қилиб, оёқларига таянган холатда ўтирадилар ўқитувчининг командаси билан шу холатда ўтириб, гилам бўйлаб олди тарафга юриш машқларини бажарадилар.

Орқа тараф билан юриш худди шу ҳолатда ўқитувчининг командаси билан бажарилади. Бунинг учун тингловчилар гиламнинг бўш қолган қисмига орқа тараф билан туриб сафланадилар.

3-машқ. Тингловчилар икки шеренгали сафда турадилар қўлларига таянган холатда гиламга ётадилар ва ўқитувчи команда бериши билан фақат қўллари ёрдамида гилам бўйлаб олдинга ҳаракатланадилар.

Мустақил ўрганиш учун топшириқ:

1. Олдинга ва орқага чалиб йиқитиш усулларини такрорлаш.
2. Белдан ошириб ташлаш усулини такрорлаш.

1.2-Мавзу: “Қўл ва оёқ билан бериладиган зарбалар. Қўл ва оёқ зарбаларидан ҳимояланиш усуллари”.

Амалий машғулот (2 соат)

РЕЖА:

1. Қўл ва оёқ билан бериладиган зарбалар техникаси. (Қўл билан тўғридан, ён томондан, пастдан зарба бериш. Оёқ билан тўғридан, ён томондан зарба бериш)

2. Куч сифатларини ривожлантирувчи машқлар.

1-ўқув саволи: Қўл ва оёқ билан бериладиган зарбалар техникаси.

Қуролсиз жангга шайликда чап томонлама ҳолат олинади, чап қўл энгак баландлигида кўтарилади, чап мушт орқа томони билан чапга ва юқорига кўтарилган ҳолда олдинда туради, ўнг мушт орқа томони пастга ва ўнгга қаратилган ҳолда белнинг ён тарафида туради. Жангга ўнг томонлама шайлик (жанговар ҳолат) ҳам худди шу тариқа тайёрланади.

Ҳаракатланишлар қўл жангларида ҳаракатларни тўғри бажариш керакли жанговар ҳолат, ҳужум ёки ҳимоя учун дастлабки вазиятни ўз вақтида олишда муҳим ўрин тутади. Ҳаракатлар юриб, сакраб ва югуриб бажарилади.

Олдинга бир қадам ташлаш жанговар ҳолатдан олдинда турган оёқ билан товондан бутун оёқ кафтига босиш орқали, орқага бир қадам ташлаш эса орқада турган оёқ билан оёқ учидан бутун кафтига туриш орқали бажарилади. Бошқа оёқ тезда барқарор, барча йўналишларда ҳаракатланиш учун қулай жанговар ҳолат сақланиб қоладиган ҳолатга кўчирилади.

Сакраш жанговар (фронтал ёки ёнлама) ҳолатдан узоқроқ турган оёқ билан сакраш йўналишида ҳар қайси томонга гилам (ер)дан кескин итарилиш орқали бажарилади. Сакрагандан кейин ерга тушиш бошқа оёққа ёки иккала оёққа бажарилади. Муайян

вазиятда сакраш иккала оёқ билан итарилиш орқали бажарилади. Сакрашлар рақибга яқинлашиш ёки ундан узоқлашишнинг жуда самарали усули ҳисобланади.

Мушт билан тўғридан зарба турли ҳолатлардан туриб бошга ҳамда гавдага яқин ва ўрта масофадан туриб берилади. Қўл билан тўғри зарба бериш учун чап томонлама ҳолатдан кескин, аммо гавда ва қўл мушакларини ҳаддан ташқари зўриқтирмай, ўнг муштни энг қисқа йўл билан ўнгдан чапга буриб нишонга йўллаш зарур. Айни вақтда бошқа қўл тирсаги кескин орқага тортилади, мушт кафти юқорига бурилади. Мушт нишонга тегаётган пайтда ўнг оёқ чап оёққа яқинлаштирилади, гавда мушклари қисқа вақтда кучли таранглаштирилади. Зарбадан сўнг дарҳол жанговар ҳолатга қайтиш керак.

Ён томондан мушт билан зарба бериш.

Ён томондан мушт билан зарба бериш яқин масофадан ҳужум қилиш, шунингдек, рақибнинг ураётган қўли тагидан энгашиб қарши ҳужум қилиш чоғида самаралидир. Зарба муштга тугилган панжаларнинг асоси билан чакка, жағ, қулоқ, қуёш ўрилмаси ва гавдага берилади. Ён томондан зарба бериш учун жанговар ҳолатда туриб, қўл нишонга йўналтирилади, мушт ичкарига бурилиб ва горизонтал йўналиш бўйича ёйсимон зарба берилади. Зарба вақтида билак тирсаги олдинга кўтарилиши керак. Зарбани қадам ташлаб ёки ташламай, кескин, гавдани буриб бериш мумкин.

1-расм

2-расм

Пастдан мушт билан зарба бериш қисқа масофада қўлланилади, зарба қуёш ўрилмаси, энгакка, рақиб олдинга энгашганида эса юзга берилади. Зарба кафт қисми юқорига (урувчининг ўзига) қаратилган мушт асоси билан бажарилади. Зарбага гавданинг бурилишидан ҳосил бўладиган инерция кучи берилади.

1-расм

2-расм

Оёқ билан тўғридан қорин қисмга зарба бериш.

Зарба жанговар тик туришдан берилади. Ўнг оёқ сони олдинга ва юқорига (оёқ кафти товони билан юқорига думба томонга) кўтарилади, кескин ҳаракат билан оёқ тиззадан охиригача тўғриланади ва оёқ учи билан нишонга зарба берилади.

1-расм

2-расм

Оёқ билан ён томондан зарба бериш.

Зарба жанговар тик туришдан берилади. Оёқ сони юқорига тортилади, оёқ кафти пошнаси билан чап оёқнинг ички юзаси бўйлаб путга томон кўтарилади. Сон тизза ёрдамида нишон томонга бурилиб ва оёқ тиззасидан охиригача тўғрилаб, рақиб сонига оёқ кафтининг қирраси билан ёки қовурға остига (қорнига) ва бош томонга зарба берилади.

1-расм

2-расм

Рақиб қўли билан зарба берганда ҳимояланиш, қўлига оғриқ бериш ва қарши зарба бериш

Рақиб қўли билан зарба берганда, чап оёқ олдинга қўйилиб зарбага чап берилади. Чап қўл билан рақибни бел қисмидан ва ўнг қўл билан рақибни сон қисмидан ушланади. Рақибни ердан кўтариб тегирмон усулида ерга йиқитилади. Рақибни чап қўлига оғритувчи усул бажарилади ва ўнг қўл билан юзига зарба берилади.

1-расм

2-расм

3-расм

4-расм

5-расм

Рақиб қўл билан тўғридан қорингa зарба берганда ҳимояланиш ва қарши зарба бериш.

Рақиб ўнг қўли билан тўғридан қорингa зарба берганда, берилган зарбага қарши чап оёқ билан олдинга қадам ташлаб қўлни ичкаридан ташқарига йўналтириб (блок) қўйилади ва ўнг қўл билан юзига ёки қорнига қарши зарба берилади.

1-расм

2-расм

3-расм

Рақиб оёғи билан тўғридан зарба берганда ҳимояланиш, қўлига оғриқ бериш ва қарши зарба бериш.

Рақиб ўнг оёғи билан тўғридан қорингa зарба берганда, берилган зарбага қарши чап оёқ билан ёнга қадам ташлаб, ўнг қўл билан пастга ташқаридан ичкарига йўналтириб (блок) қўйилади ва тепилган оёқ ушланади.

Чап қўл билан рақибни ўнг қўли ушланади. Рақибни қўллар ёрдамида ердан кўтариб ва чап оёқ билан оёғига тепиб чалинади ҳамда ерга йиқитилади. Рақибни чап қўлига оғритувчи усул бажарилади ва ўнг қўл билан юзига зарба берилади.

1-расм

2-расм

3-расм

4-расм

Рақиб оёғи билан ёндан зарба берганда ҳимояланиш, оёғига оғриқ бериш ва қарши зарба бериш.

Рақиб ўнг оёғи билан ёндан юзга зарба берганда, берилган зарбага қарши ўнг оёқ билан олдинга қадам ташлаб, ўнг қўл тирсаги билан рақибни сон қисмига зарба ҳамда (блок) қўйилади ва чап қўл билан тепилган оёқ ушланади. Ўнг қўл билан рақибни ёқасининг тепа қисмини ушлаб, ўнг оёқ билан чалинади. Рақибни ўнг оёғига оғритувчи усул бажарилади ва ўнг қўл билан юзига зарба берилади.

1-расм

2-расм

3-расм

4-расм

5-расм

6-расм

2- ўқув саволи: Куч сифатларини ривожлантирувчи машқлар.

Куч сифатларини ривожлантирувчи машқлар:

ерга таяниб ётган ҳолда қўлларни букиш ва ёзиш 10 маротабадан 3 қайтарма (қўлларни оддий, кенг, ўрта қўйган ҳолатларда);

қорин мушакларига (пресс) машқлар 20 маротабадан 3 қайтарма;

бир оёқда ва икки оёқда ўтириб-туришлар 15 маротабадан 3 қайтарма.

Ташкилий услубий кўрсатмалар: Куч жисмоний сифати дарс жараёнида асосий мавзу машқлари орасида ёки асосий қисмнинг охирида ривожлантирилиши мумкин. Машқ бажариш вақтида нафас олиш маромига эътибор қаратилади. Тингловчининг ташқи кўринишидан зўриқиш аломатлари сезилса, енгил машқларга ўтилади. Ўз-ўзини назорат қилиш пульс орқали амалга оширилади. Куч машқлари сўнгида мушакларни чўзилиш машқларини бажариш муҳум аҳамиятга эга бўлиб, машғулот давомидаги толиқиш даражаси пасайтириш ва организмни қайта тикланишига кўмак беради.

1-машқ. Тингловчилар икки шеренгали сафда турадилар тиззаларга таянган холда танани тўғри тутиб турадилар. Ўқитувчи команда бериши билан шу ҳолатда тезликга югуриш машқи бажарилади. Машқлар уч-тўрт маротаба гилам бўйлаб юриб такрорланади.

2-машқ. Тингловчилар қўлларини бош орқасига қилиб, оёқларига таянган холатда ўтирадилар ўқитувчининг командаси билан шу холатда ўтириб, гилам бўйлаб олди тарафга юриш машқларини бажарадилар.

Орқа тараф билан юриш худди шу ҳолатда ўқитувчининг командаси билан бажарилади. Бунинг учун тингловчилар гиламнинг бўш қолган қисмига орқа тараф билан туриб сафланадилар.

3-машқ. Тингловчилар икки шеренгали сафда турадилар қўлларига таянган холатда гиламга ётадилар ва ўқитувчи команда бериши билан фақат қўллари ёрдамида гилам бўйлаб олдинга ҳаракатланадилар.

Мустақил ўрганиш учун топшириқ:

1. Жанговар ҳолатлар ва харакатланишлар. Қўл билан бериладиган зарбаларни такрорлаш.

2. Оёқ билан тўғридан, ён томондан зарба беришни такрорлаш.

1.3-мавзу. Қўлга олиш ва кузатиб олиб бориш, қўлга оғриқ бериш усуллари.

Амалий машғулот (2 соат)

РЕЖА:

1. Жиноятчини тик ҳолатда олди тарафидан келганда “силташ ва туртиш” усули билан қўлга олиш техникаси.

2. Куч ва чидамлиликни ривожлантирувчи машқлар.

1-ўқув саволи: Жиноятчини тик ҳолатда олди тарафидан келганда “силташ”, усули билан қўлга олиш техникаси.

Рақибни чап қўли билан билак қисмидан, ўнг қўли билан эса елкасининг тепа қисмидан ушланади. Ўнг оёқ билан олдига бир қадам ташланади. Рақибни ўнг қўли билан елкасидан олди тарафга силтаб тортган вақтда чап қўли билан унинг ўнг қўлини орқага йўналтиради ва бир вақтнинг ўзида тизза билан қорнига зарба берилади. Рақиб олди тарафга энгашган ҳолатга келади. Айланма ҳаракат қилиб, ўнг қўлининг тирсагидан ушлаб қўлини тана олдиига қайирилади ва жағ қисмидан ушланиб тепага тортилади.

1-расм

2-расм

3-расм

4-расм

Жиноятчини тик ҳолатда орқа тарафидан келганда “туртиш” усули билан қўлга олиш техникаси.

Рақибнинг орқа томонидан келиб ўнг қўл билан ўнг қўли билак-кафт бўғинидан ушланади ва куч билан орқага ва ёнга тортилади. Бир пайтнинг ўзида чап қўл кафти билан елкасидан туртиб зарба берилади ва чап оёқ билан тизза букилиш жойига зарба берилади. Ўнг қўл билан рақибни ўнг қўлини орқа қайириб, чап қўл тирсак букилиш жойига жойлаштирилади. Ўнг қўл билан жағ қисмидан ушланиб тепага тортилади.

1-расм

2-расм

3-расм

4-расм

5-расм

2-ўқув саволи: Куч ва чидамлиликни ривожлантирувчи машқлар.

1-машқ. Тингловчилар икки шеренгали сафда турадилар тиззаларга таянган холда танани тўғри тутиб турадилар. Ўқитувчи буйруқ бериши билан шу холатда тезликга югуриш машқи бажарилади. Машқлар уч-тўрт маротаба такрорланади.

2-машқ. Тингловчилар икки шеренгали сафда турадилар ўқитувчи буйруқ бериши билан қўлларига таянган холатда қўлларни букиб ёзадилар(отжимание). Машқ уч-тўрт маротаба такрорланади.

3-машқ. . Тингловчилар икки шеренгали сафда турадилар ўқитувчи буйруқ бериши билан белларига ётган ҳолатда қорин мушакларига машқлар бажаришади. Машқ уч-тўрт маротаба такрорланади.

4-машқ. Шеренгали сафга қўлларига таяниб ётган холда сафланадилар ва шериги унинг оёқларидан ушлаб кўтаради. Шу холатда қўлларни букиб ёзиш йўли билан орқанга харакатланганда шериги унинг оёқларидан ушлаб, ортидан юриб боради.

1.4-Мавзу: Совуқ қурол (пичоқ ва бошқа ўткир ускуналар) билан хужум қилганда ҳимояланиш ва қуролсизлантириш усуллари.

Амалий машғулот (2 соат)

РЕЖА:

1. Пичоқ билан юқоридан, пастдан ва тўғридан хужум қилганда ҳимояланиш усулларини такомиллаштириш.

2. Куч сифатларини ривожлантирувчи машқлар.

1-ўқув саволи: Пичоқ билан юқоридан, пастдан ва тўғридан хужум қилганда ҳимояланиш усулларини такомиллаштириш.

Пичоқ билан юқоридан ҳужум қилганда ҳимояланиш.

Рақибни ўнг қўлида пичоқ. Рақиб пичоқ билан юқоридан зарба берганда, бир қадам олдинга ташлаб, чап қўл билак қисми билан рақибни пичоқ ушлаб турган қўлини билак қисмига қўйиб ҳимояланилади. Ўнг қўл билан пичоқ ушлаб турган қўлни билак қисми, яъни пичоққа яқин қисми ушланади. Билагидан шундай ушлаш керакки, рақиб пичоқни қимирлатишга имкон бўлмаслиги лозим. Рақибни қўли ташқарига қайирилтирилади ва ерга йиқитилади. Ерга йиқилгандан сўнг, бош томондан айланиб қўлини ўзига тортиб қорин қисмига ётқизилади. Пичоқ ушлаб турган қўли чап қўлтиқ орасига олинади, қўл билак қисмига оғриқ берилади ва рақибдан пичоқ олиб қўйилади.

1-расм

2-расм

3-расм

4-расм

5-расм

6-расм

Пичоқ билан пастдан ҳужум қилганда.

Пичоқ рақибнинг ўнг қўлида бўлганда, рақиб пичоқ билан пастдан ҳужум қилганда бир қадам олдинга ташлаб, чап қўл билак қисми билан рақибни пичоқ ушлаб турган қўлини билак қисмига қўйиб ҳимояланилади. Ўнг қўлни рақибни елкасига қўйиб, ўзига тортиб ўнг оёқ тиззаси билан қорнига зарба берилади. Рақиб олдинга эгилади ва пичоқ ушлаб турган қўли чап қўлтиқ орасига олинади, қўл билак қисмига оғриқ берилиб, ерга ётқизилади. Рақибдан пичоқ олиб қўйилади.

1-расм

2-расм

3-расм

4-расм

Пичоқ билан тўғридан ҳужум қилганда ҳимояланиш.

Пичоқ рақибнинг ўнг қўлида бўлганда, пичоқ билан тўғридан кўкрак қисмига зарба берилганда, пичоқ йўналишидан четга, яъни рақибнинг ўнг томонига ўтиб, чап қўл билан пичоқ зарбасига қарши блок қўйилади. Ўнг қўл билан пичоқ ушлаб турган қўлининг билак қисмига оғриқ берилади. Рақибни қўли ташқарига қайиртирилади ва ерга йиқитилади. Ерга йиқилгандан сўнг, бош томондан айланиб, қўлини ўзига тортиб қорин қисми билан ётқизилади. Пичоқ ушлаб турган қўли чап қўлтиқ орасига олинади, қўл билак қисмига оғриқ берилади ва рақибдан пичоқ олиб қўйилади.

1-расм

2-расм

3-расм

4-расм

5-расм

6-расм

2- ўқув саволи: Куч сифатларини ривожлантирувчи машқлар.

Куч сифатларини ривожлантирувчи машқлар:

ерга таяниб ётган ҳолда қўлларни букиш ва ёзиш 10 маротабадан 3 қайтарма (қўлларни оддий, кенг, ўрта қўйган ҳолатларда);

қорин мушакларига (пресс) машқлар 20 маротабадан 3 қайтарма;

бир оёқда ва икки оёқда ўтириб-туришлар 15 маротабадан 3 қайтарма.

Ташкилий услубий кўрсатмалар: Куч жисмоний сифати дарс жараёнида асосий мавзу машқлари орасида ёки асосий қисмнинг оҳирида ривожлантирилиши мумкин. Машқ бажариш вақтида нафас олиш маромига эътибор қаратилади. Тингловчининг ташқи кўринишидан зўриқиш аломатлари сезилса, енгил машқларга ўтилади. Ўз-ўзини назорат қилиш пульс орқали амалга оширилади. Куч машқлари сўнгида мушакларни чўзилиш машқларини бажариш муҳум аҳамиятга эга бўлиб, машғулот давомидаги толиқиш даражаси пасайтириш ва организмни қайта тикланишига кўмак беради.

1-машқ. Тингловчилар икки шеренгали сафда турадилар тиззаларга таянган холда танани тўғри тутиб турадилар. Ўқитувчи команда бериши билан шу ҳолатда тезликка югуриш машқи бажарилади. Машқлар уч-тўрт маротаба гилам бўйлаб юриб такрорланади.

2-машқ. Тингловчилар қўлларини бош орқасига қилиб, оёқларига таянган холатда ўтирадилар ўқитувчининг командаси билан шу холатда ўтириб, гилам бўйлаб олди тарафга юриш машқларини бажарадилар.

Орқа тараф билан юриш худди шу ҳолатда ўқитувчининг командаси билан бажарилади. Бунинг учун тингловчилар гиламнинг бўш қолган қисмига орқа тараф билан туриб сафланадилар.

3-машқ. Тингловчилар икки шеренгали сафда турадилар қўлларига таянган холатда гиламга ётадилар ва ўқитувчи команда бериши билан фақат қўллари ёрдамида гилам бўйлаб олдинга ҳаракатланадилар.

4-машқ. Шеренгали сафга қўлларига таяниб ётган ҳолда сафланадилар ва шериги унинг оёқларидан ушлаб кўтаради. Шу ҳолатда қўлларни букиб ёзиш йўли билан гилам бўйлаб олдинга харакатланганда шериги унинг оёқларидан ушлаб, ортидан юриб боради.

Мустақил ўрганиш учун топшириқ:

1. Пичоқ билан юқоридан, пастдан ва тўғридан хужум қилганда ҳимояланиш усулларини такрорлаш.

2. Куч сифатларини ривожлантирувчи машқларни такрорлаш.

2. ЖАНГОВОР ТАЙЁРГАРЛИК. ЎҚ ОТАР ҚУРОЛЛАРНИ ҚЎЛЛАШ ВА УНДАН ФОЙДАЛАНИШ ТАРТИБИ. ОММАВИЙ ТАРТИБСИЗЛИК СОДИР ЭТИЛГАНИДА УНИ БАРТАРАФ ЭТИШ БЎЙИЧА МАХСУС-ТАКТИК ХАРАКАТЛАР МОДУЛИ.

2.1-Мавзу: Ички ишлар органлари ходимлари томонидан жисмоний куч ишлатиш, махсус воситаларни ва ўқотар қуролларни қўллашнинг ҳуқуқий асослари.

Назарий машғулот (2 соат)

РЕЖА:

1. Жисмоний куч ишлатиш, махсус воситалар ва ўқотар қуролларни қўллашда ҳуқуқий асослари.

2. Махсус воситалар ва ўқотар қуролларни қўллаш вақтида хавфсизлик чоралари.

1-ўқув саволи. Жисмоний куч ишлатиш, махсус воситалар ва ўқотар қуролларни қўллашда ҳуқуқий асослари.

2016 йил 12 август куни Қонунчилик палатаси томонидан тасдиқланган ва 2016 йил 24 август куни Сенат томонидан қабул қилинган, шу йилнинг 16 сентябрь кунидан кучга кирган “**Ички ишлар органлари тўғрисида**”ги Қонуни. Ушбу қабул қилинган қонунда, ички ишлар органларининг зиммасига фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини, жисмоний ва юридик шахсларнинг мулкини, конституциявий тузумни ҳимоя қилиш, қонун устуворлигини, шахс, жамият ва давлатнинг хавфсизлигини таъминлаш шунингдек ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактикаси каби асосий вазифалар аниқ белгилаб ўтилди. Шу билан бирга ички ишлар органлари ходими махсус воситаларни хизматларини олиб бориш чоғида қўллаш ҳуқуқига эга бўлди (қонунни 5-бобининг 21,22,23,24-моддаларида ички ишлар органлари ходимлари томонидан жисмоний куч ишлатиш, махсус воситалар ва ўқотар қуролларни қўллаш) тартиби ёритиб ўтилган.

Жисмоний куч ишлатиш, махсус воситаларни ва ўқотар қуролни қўллаш шартлари (21-модда).

Ички ишлар органи ходими ўзига бириктирилган ўқотар қурол ва махсус воситаларни хизмат мажбуриятларини бажариш чоғида олиб юриш, сақлаш, жисмоний куч ишлатиш, махсус воситаларни ва ўқотар қуролни қўллаш ҳуқуқига фақат қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибда эга бўлади.

Ички ишлар органи ходими махсус тайёргарликдан, шунингдек жисмоний куч ишлатилиши, махсус воситалар ва ўқотар қурол қўлланилиши билан боғлиқ шароитлардаги ҳаракатларга касбий яроқлилигини текшириш учун даврий текширувдан ўтиши шарт. **Махсус тайёргарликдан ўтган ходимга тегишли сертификат берилади.**

Жисмоний куч ишлатилиши, махсус воситалар ва ўқотар қурол қўлланилиши билан боғлиқ шароитлардаги ҳаракатларга касбий яроқлилигини аниқлаш бўйича текширувдан ўта олмаган ички ишлар органи ходими эгаллаб турган лавозимга мувофиқлигини аниқлаш учун аттестациядан ўтади.

Жисмоний куч ишлатилиши, махсус воситалар ва ўқотар қурол қўлланилишидан аввал уларни қўллаш нияти тўғрисида аниқ ифодаланган огоҳлантириш бўлиши керак, бундан ушбу огоҳлантиришнинг имкони бўлмаган ёхуд уларнинг қўлланилишини кечиктириш фуқароларнинг ва ички ишлар органи ходимининг ҳаёти ва соғлиғига бевосита хавф туғдирадиган ҳамда бошқа оғир оқибатларга олиб келиши мумкин бўлган ҳоллар мустасно.

Жисмоний куч ишлатилиши, махсус воситалар ёки ўқотар қурол қўлланилиши юзага келган вазиятга, шахслар хатти-ҳаракатларининг хусусиятига ва хавфлилик даражасига мувофиқ бўлиши керак. Бунда ички ишлар органи ходими ҳар қандай зарарнинг имкон қадар кам бўлишига интилиши шарт.

Ички ишлар органи ходими, агар юзага келган вазиятда махсус воситаларни ёки ўқотар қуролни қўллаш учун мазкур моддада ҳамда ушбу Қонуннинг 23 ва 24-моддаларида назарда тутилган асослар вужудга келиши мумкин деб ҳисобласа, **махсус воситаларни ёки ўқотар қуролни қўллаш** учун тайёрлаш ҳамда уларни жанговар ҳолатга келтириш ҳуқуқига эга.

Жисмоний куч ишлатилганлиги, махсус воситалар ёки ўқотар қурол қўлланилганлиги натижасида тан жароҳати олган фуқароларга биринчи ёрдам кўрсатилиши, шунингдек имкон қадар қисқа вақт ичида тиббий ёрдам кўрсатиш чоралари кўрилиши, уларнинг қариндошлари эса йигирма тўрт соат ичида бу ҳақда хабардор қилиниши керак.

Жисмоний куч ишлатилган, махсус воситалар ва ўқотар қурол қўлланилган ҳар бир ҳолат тўғрисида ички ишлар органининг ходими бевосита бошлиғига дарҳол ахборот бериши шарт.

Жисмоний куч ишлатилганлиги ва махсус воситалар қўлланилганлиги натижасида жисмоний ёхуд юридик шахсларнинг ҳаётига, соғлиғига ёки мол-мулкига зарар етказилган ҳар бир ҳолат ҳақида, шунингдек ўқотар қурол қўлланилган барча ҳоллар тўғрисида ички ишлар органлари прокурорга дарҳол хабар беради.

Ички ишлар органи ходимининг жисмоний куч ишлатиш, махсус воситаларни ёки ўқотар қуролни қўллаш чоғида ўз ваколатлари доирасидан чиққанлиги қонунда белгиланган жавобгарликка сабаб бўлади.

Агар жисмоний куч ишлатиш, махсус воситаларни ёки ўқотар қуролни қўллаш қонунда белгиланган асослар бўйича ва тартибда амалга оширилган бўлса, ичк и ишлар органи ходими жисмоний куч ишлатиш, махсус воситаларни ёки ўқотар қуролни қўллаш чоғида жисмоний ва юридик шахсларга етказилган зарар учун жавобгар бўлмайди.

Агар ички ишлар органи ходими томонидан жисмоний куч ишлатилганлиги, махсус воситалар ёки ўқотар қурол қўлланилганлиги натижасида фуқарога тан жароҳати етказилса ёхуд у ҳалок бўлса, ички ишлар органи ходими ҳодиса жойини ўзгаришсиз сақлашга қаратилган чораларни кўриши шарт.

Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органлари тўғрисидаги қонундан келиб чиқиб, ИИВнинг 2017 йил 15 мартдаги “**ИИО ходимлари томонидан жисмоний куч ишлатиш, махсус воситаларни ва ўқотар қуролни қўллаш тартиби тўғрисида**”ги 55-сонли буйруғи билан йўриқнома тасдиқланди.

Жисмоний куч ишлатиш, махсус воситалар ва ўқотар қурол қўллашнинг умумий шартлари

Ходим томонидан ички ишлар органларига юклатилган вазифаларни бажариш чоғида жисмоний куч ишлатиши, ўқотар қурол ва махсус воситаларни қўллаши ушбу Йўриқномада назарда тутилган ҳолларда ва тартибда амалга оширилади.

Ички ишлар органи ходими махсус тайёргарликдан, шунингдек жисмоний куч ишлатиш, махсус воситалар ва ўқотар қуролни қўллаш билан боғлиқ шароитлардаги ҳаракатларга касбий яроқлилигини текшириш учун даврий текширувдан ўтиши шарт.

Махсус тайёргарликдан ўтган ходимга тайёргарлик якуни бўйича Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Жазони ижро этиш бош бошқармаси, «Қўриқлаш» республика бирлашмаси, Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармаси, Транспортдаги ва вилоятлар ички ишлар бошқармалари, Шахсий таркиб билан ишлаш хизматлари, таълим муассасалари бошлиқлари (ўринбосарлари), Қоровул қўшинлари қўмондони ва ҳарбий қисм командирлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларида белгиланган тартибда сертификат берилади.

Сертификатга эга бўлган ходимга хизмат вақтида жисмоний куч ишлатиш, махсус воситалардан фойдаланиш ва ўқотар қуролни қўллашга рухсат этилади.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Қоровул қўшинлари ва Тошкент олий ҳарбий-техника билим юрти муддатли ҳарбий хизматчилари учун сертификат бошланғич харбий тайёргарлик курси якунлари бўйича қисм командирлари ва билим юрти бошлиғи томонидан берилади.

Хизмат ва жанговар тайёргарлик бўйича ўқув йили якунида синовларни ижобий топширган ва тиббий кўрик натижалари бўйича хизматга яроқли деб топилган ходим жисмоний куч ишлатиш, махсус воситалар ва ўқотар қуролни қўллаш билан боғлиқ шароитлардаги ҳаракатлари бўйича даврий текширувдан ўтган ҳисобланади.

Даврий текширувидан ўта олмаган ходим эгаллаб турган лавозимига мувофиқлигини аниқлаш учун аттестациядан ўтади. Аттестациядан ўтказилгунга қадар ходимга куч ишлатиш, ўқотар қурол ва махсус воситаларни қўллаши эҳтимоли юқори бўлган шароитлар билан боғлиқ вазифалар юклатилмайди.

Жисмоний куч ишлатиш, махсус воситалар ва ўқотар қуролни қўллашдан аввал ходим уларни қўллаш нияти тўғрисида аниқ ифодаланган ҳолда огоҳлантиради, бундан ушбу огоҳлантиришнинг имкони бўлмаган ёхуд уларнинг қўлланилишини кечиктириш фуқароларнинг ва ходимнинг ҳаёти ва соғлиғига бевосита хавф туғдирадиган ҳамда бошқа оғир оқибатларга олиб келиши мумкин бўлган ҳоллар мустасно.

Ходим, агар юзага келган вазиятда махсус воситаларни ёки ўқотар қуролни қўллаш учун қонун ҳужжатларида назарда тутилган асослар вужудга келиши мумкин деб ҳисобласа, махсус воситаларни ёки ўқотар қуролни қўллаш учун тайёрлаш ҳамда уларни жанговар ҳолатга келтириш ҳуқуқига эга.

Махсус операцияларни ўтказиш даврида махсус воситаларни ва ўқотар қуролни қўллаш тўғрисида давлат тилида (зарур ҳолларда бошқа тилларда) овоз кучайтириш мосламаларидан фойдаланиб огоҳлантирилгандан сўнг қўлланилади.

Жисмоний куч ишлатилганлиги, махсус воситалар ёки ўқотар қурол қўлланилганлиги натижасида тан жароҳати олган фуқароларга биринчи ёрдам кўрсатилиши, шунингдек имкон қадар қисқа вақт ичида тиббий ёрдам кўрсатиш чораларини кўриш, уларнинг қариндошлари йигирма тўрт соат ичида бу ҳақда хабардор қилиниши лозим.

Хизмат мажбуриятларини бажариш давомида жисмоний куч ишлатган, махсус воситалар ва ўқотар қурол қўллаган ходим ушбу ҳолат юзасидан бевосита бошлиғи (командири)га дарҳол ахборот беради.

Жисмоний куч ишлатилганлиги, махсус воситалар ва ўқотар қурол қўлланилганлиги натижасида фуқаронинг ҳаёти, соғлиғига ёки жисмоний ва юридик шахсларнинг мол-мулкига зарар етказилган ҳар бир ҳолат тўғрисида ички ишлар органлари раҳбари томонидан дарҳол ҳудудий прокурорга хабар берилади ва ваколатли раҳбар томонидан хизмат текшируви тайинланади.

Хабарномада қаерда, қачон, кимга қарши, нима сабабдан ёки кимнинг кўрсатмаси билан жисмоний куч ишлатилганлиги, махсус воситалар ва ўқотар қурол қўлланилганлиги кўрсатилиши лозим.

Ходим томонидан жисмоний куч ишлатиш, махсус воситалар ёки ўқотар қуролни қўллаш Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари ва ушбу Йўриқномада белгиланган асослар ва тартибда амалга оширилган деб топилса, у жисмоний ва юридик шахсларга етказилган зарар учун жавобгар бўлмайди.

Ходим томонидан жисмоний куч ишлатилиши, махсус воситалар ёки ўқотар қурол қўлланилиши оқибатида фуқарога тан жароҳати етказилса ёки у ҳалок бўлса, ходим ҳодиса жойини ўзгаришсиз сақлашга қаратилган чораларни кўриши шарт.

Жисмоний куч ишлатилиши, махсус воситалар ёки ўқотар қурол қўлланилиши юзага келган вазиятга, шахслар хатти-ҳаракатларининг хусусиятига ва хавфлилик даражасига мувофиқ бўлиши керак. Бунда ходим ҳар қандай зарарнинг имкон қадар кам бўлишига интилиши лозим.

Жисмоний куч ишлатиш (22-**модда**).

Агар куч ишлатилмайдиган усуллар ички ишлар органи ходимининг зиммасига юклатилган мажбуриятларнинг бажарилишини таъминламаса, у қуйидаги ҳолларда шахсан ўзи ёки бўлинма (гуруҳ) таркибида жисмоний куч ишлатиш, шу жумладан курашнинг жанг усулларини қўллаш ҳуқуқига эга бўлади:

жиноятларга ва маъмурий ҳуқуқбузарликларга чек қўйиш учун;

жиноятлар ёки маъмурий ҳуқуқбузарликлар содир этган шахсларни энг яқиндаги ички ишлар органига ёхуд ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа органга олиб бориш ва бу шахсларни ушлаб туриш учун;

ички ишлар органи ходимининг қонуний талабларига қаршилик кўрсатилишини бартараф этиш учун.

Ички ишлар органи ходими ушбу Қонунда махсус воситалар ёки ўқотар қурол қўлланилишига рухсат этилган ҳолларда ҳам жисмоний куч ишлатиш ҳуқуқига эга.

Махсус воситаларни қўллаш (23-модда).

Ички ишлар органи ходими қуйидаги ҳолларда махсус воситаларни қўллаш ҳуқуқига эга:

фуқарога ёки ички ишлар органи ходимига қилинган ҳужумни қайтариш учун;

жиноятга ёки маъмурий ҳуқуқбузарликка чек қўйишда;

ички ишлар органи ходимига қаршилик кўрсатилишига чек қўйишда;

жиноятни содир этиш чоғида ёки уни содир этганидан кейин дарҳол кўриб қолинган, яширинишга уринаётган шахсни ушлашда;

қуролли қаршилик кўрсатиши мумкин бўлган шахсни ушлашда;

ушлаб турилган шахсларни ва қамоққа олинган, маъмурий қамоққа олинган шахсларни олиб бориш, қўриқлаб бориш ва қўриқлашда, шунингдек қочишга уринишини, атрофдагиларга ёки ўзига зарар етказишини бартараф этиш мақсадида;

зўравонлик билан ушлаб турилган шахсларни, эгаллаб олинган бинoларни, хоналарни, иншоотларни, транспорт воситаларини ва ер участкаларини озод қилишда;

фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига, жамоат хавфсизлигига таҳдид солувчи оммавий тартибсизликларга ҳамда бошқа ғайриқонуний хатти-ҳаракатларга чек қўйишда;

ҳайдовчиси ички ишлар органи ходимининг тўхташ тўғрисидаги талабини бажармаган транспорт воситасини тўхтатишда;

жиноятлар ёки маъмурий ҳуқуқбузарликлар содир этаётган ёхуд содир этган шахсларни аниқлашда;

муҳофаза қилинадиган объектларни ҳимоя қилишда, ғайриқонуний хатти-ҳаракатларни содир этаётган фуқаролар гуруҳларининг ҳаракатланишини тўсиб қўйишда.

Ички ишлар органи ходими қуйидаги махсус воситаларни қўллаш ҳуқуқига эга:

резина таёқлар:

- жиноятга ёки маъмурий ҳуқуқбузарликка чек қўйишда;

- ушлаб турилган шахсларни ва қамоққа олинган, маъмурий қамоққа олинган шахсларни олиб бориш, қўриқлаб бориш ва қўриқлашда, шунингдек қочишга уринишини, атрофдагиларга ёки ўзига зарар етказишини бартараф этиш мақсадида;

- фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига, жамоат хавфсизлигига таҳдид солувчи оммавий тартибсизликларга ҳамда бошқа ғайриқонуний хатти-ҳаракатларга чек қўйишда;

- ҳайдовчиси ички ишлар органи ходимининг тўхташ тўғрисидаги талабини бажармаган транспорт воситасини тўхтатишда;

жиноятлар ёки маъмурий ҳуқуқбузарликлар содир этаётган ёхуд содир этган шахсларни аниқлашда;

муҳофаза қилинадиган объектларни ҳимоя қилишда, ғайриқонуний хатти-ҳаракатларни содир этаётган фуқаролар гуруҳларининг ҳаракатланишини тўсиб қўйишда.

кўздан ёш оқизувчи моддалар, газли, шикастлантирувчи қурол:

- жиноятга ёки маъмурий ҳуқуқбузарликка чек қўйишда;

- ушлаб турилган шахсларни ва қамоққа олинган, маъмурий қамоққа олинган шахсларни олиб бориш, қўриқлаб бориш ва қўриқлашда, шунингдек қочишга уринишини, атрофдагиларга ёки ўзига зарар етказишини бартараф этиш мақсадида;

- фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига, жамоат хавфсизлигига таҳдид солувчи оммавий тартибсизликларга ҳамда бошқа ғайриқонуний хатти-ҳаракатларга чек қўйишда;

- ҳайдовчиси ички ишлар органи ходимининг тўхташ тўғрисидаги талабини бажармаган транспорт воситасини тўхтатишда;

- муҳофаза қилинадиган объектларни ҳимоя қилишда, ғайриқонуний хатти-ҳаракатларни содир этаётган фуқаролар гуруҳларининг ҳаракатланишини тўсиб қўйишда.

қўлкишанлар ёки бошқа боғлаш воситалари:

- ички ишлар органи ходимига қаршилик кўрсатилишига чек қўйишда;

- ушлаб турилган шахсларни ва қамоққа олинган, маъмурий қамоққа олинган шахсларни олиб бориш, қўриқлаб бориш ва қўриқлашда, шунингдек қочишга уринишини, атрофдагиларга ёки ўзига зарар етказишини бартараф этиш мақсадида;

- фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига, жамоат хавфсизлигига таҳдид солувчи оммавий тартибсизликларга ҳамда бошқа ғайриқонуний хатти-ҳаракатларга чек қўйишда;

махсус бўёвчи ва маркировка қилувчи воситалар:

- фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига, жамоат хавфсизлигига таҳдид солувчи оммавий тартибсизликларга ҳамда бошқа ғайриқонуний хатти-ҳаракатларга чек қўйишда;

- ҳайдовчиси ички ишлар органи ходимининг тўхташ тўғрисидаги талабини бажармаган транспорт воситасини тўхтатишда;

- муҳофаза қилинадиган объектларни ҳимоя қилишда, ғайриқонуний хатти-ҳаракатларни содир этаётган фуқаролар гуруҳларининг ҳаракатланишини тўсиб қўйишда.

электрошок қурилмалари:

- жиноятга ёки маъмурий ҳуқуқбузарликка чек қўйишда;

- қуролли қаршилик кўрсатиши мумкин бўлган шахсни ушлашда;

- зўравонлик билан ушлаб турилган шахсларни, эгаллаб олинган биноларни, хоналарни, иншоотларни, транспорт воситаларини ва ер участкаларини озод қилишда;

- фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига, жамоат хавфсизлигига таҳдид солувчи оммавий тартибсизликларга ҳамда бошқа ғайриқонуний хатти-ҳаракатларга чек қўйишда;

хизмат ҳайвонлари:

жиноятга ёки маъмурий ҳуқуқбузарликка чек қўйишда;

зўравонлик билан ушлаб турилган шахсларни, эгаллаб олинган биноларни, хоналарни, иншоотларни, транспорт воситаларини ва ер участкаларини озод қилишда;

жиноятлар ёки маъмурий ҳуқуқбузарликлар содир этаётган ёхуд содир этган шахсларни аниқлашда;

муҳофаза қилинадиган объектларни ҳимоя қилишда, ғайриқонуний хатти-ҳаракатларни содир этаётган фуқаролар гуруҳларининг ҳаракатланишини тўсиб қўйишда.

чалғитма таъсир кўрсатувчи нур-товуш мосламалари:

- фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига, жамоат хавфсизлигига таҳдид солувчи оммавий тартибсизликларга ҳамда бошқа ғайриқонуний хатти-ҳаракатларга чек қўйишда;

- ҳайдовчиси ички ишлар органи ходимининг тўхташ тўғрисидаги талабини бажармаган транспорт воситасини тўхтатишда;

- муҳофаза қилинадиган объектларни ҳимоя қилишда, ғайриқонуний хатти-ҳаракатларни содир этаётган фуқаролар гуруҳларининг ҳаракатланишини тўсиб қўйишда.

транспорт воситаларини мажбурий тўхтатиш воситалари:

- ҳайдовчиси ички ишлар органи ходимининг тўхташ тўғрисидаги талабини бажармаган транспорт воситасини тўхтатишда;

- жиноятлар ёки маъмурий ҳуқуқбузарликлар содир этаётган ёхуд содир этган шахсларни аниқлашда;

сув билан зарба берувчи машиналар:

- фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига, жамоат хавфсизлигига таҳдид солувчи оммавий тартибсизликларга ҳамда бошқа ғайриқонуний хатти-ҳаракатларга чек қўйишда;

- муҳофаза қилинадиган объектларни ҳимоя қилишда, ғайриқонуний хатти-ҳаракатларни содир этаётган фуқаролар гуруҳларининг ҳаракатланишини тўсиб қўйишда.

зирҳли машиналар:

- ушлаб турилган шахсларни ва қамоққа олинган, маъмурий қамоққа олинган шахсларни олиб бориш, қўриқлаб бориш ва қўриқлашда, шунингдек қочишга уринишини, атрофдагиларга ёки ўзига зарар етказишини бартараф этиш мақсадида;

- фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига, жамоат хавфсизлигига таҳдид солувчи оммавий тартибсизликларга ҳамда бошқа ғайриқонуний хатти-ҳаракатларга чек қўйишда;

- ҳайдовчиси ички ишлар органи ходимининг тўхташ тўғрисидаги талабини бажармаган транспорт воситасини тўхтатишда;

- муҳофаза қилинадиган объектларни ҳимоя қилишда, ғайриқонуний хатти-ҳаракатларни содир этаётган фуқаролар гуруҳларининг ҳаракатланишини тўсиб қўйишда.

тўсиқ-ғовларни бартараф этувчи воситалар:

- ушлаб турилган шахсларни ва қамоққа олинган, маъмурий қамоққа олинган шахсларни олиб бориш, қўриқлаб бориш ва қўриқлашда, шунингдек қочишга уринишини, атрофдагиларга ёки ўзига зарар етказишини бартараф этиш мақсадида;

- фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига, жамоат хавфсизлигига таҳдид солувчи оммавий тартибсизликларга ҳамда бошқа ғайриқонуний хатти-ҳаракатларга чек қўйишда;

- ҳайдовчиси ички ишлар органи ходимининг тўхташ тўғрисидаги талабини бажармаган транспорт воситасини тўхтатишда;

- муҳофаза қилинадиган объектларни ҳимоя қилишда, ғайриқонуний хатти-ҳаракатларни содир этаётган фуқаролар гуруҳларининг ҳаракатланишини тўсиб қўйишда.

- Ички ишлар органи ходими ушбу Қонунда ўқотар қурол ишлатишга рухсат этилган барча ҳолларда махсус воситаларни қўллаш ҳуқуқига эга.

Махсус воситаларнинг қўлланилиши учинчи шахсларнинг ҳаёти, соғлиғига хавф туғдирмаслиги ва мол-мулкига зарар етказмаслиги керак.

2 - ўқув саволи: Махсус воситалар ва ўқотар қуролларни қўллаш вақтида хавфсизлик чоралари.

Махсус воситаларни қўллашда хавфсизлик қоидалари. Кўздан ёш оқизувчи моддалар, газли қурол, чалғитма таъсир кўрсатувчи нур-товуш мосламаларини шахсий таркиб томонга қаратиб қўллаш тақиқланади, уларнинг қўлланилиши натижасида булут ҳосил бўлган ҳудудда қолган ходимлар зудлик билан газниқобларни кийишлари ва хавфли ҳудудни тарк этишлари лозим.

Газ-тутун булути тарқалган ҳудудда хизмат олиб бораётган ходимлар газниқобларда бўлишлари лозим.

Кўзни ёшлантирувчи воситалар билан ишлашда қуйидагилар қатъиян ман этилади:

ушбу воситаларни қисмларга ажратиш, ўзбошимчалик билан носозликларни бартараф этиш, сумкалардан ташқарида олиб юриш;

қўллаш жадаллигини ошириш (газли гранаталарни қўллаш жадаллиги махсус операция раҳбари томонидан белгиланади);

махсус карабиндан отиш учун мўлжалланган қоғоз гильзали, ёритувчи ва сигнал берувчи барча турдаги ўқ-дориларни ҳамда газли гранаталарни сигнал бериш тўппончасидан отиш.

Тўсиқ-ғовларни бартараф этувчи воситалар ва чалғитма таъсир кўрсатувчи нур-товуш мосламаларининг пилта (запал)лари алоҳида олиб юрилиши лозим. Пилта (запал)ларни электр манбасига улашдан олдин занжирда кучланиш йўқлиги текширилади. Ушбу воситаларни қўллаётган ходим шахсий ҳимоя воситасида бўлиши керак.

Портламай қолган барча портловчи ва нур-товушли мосламалар мутахассислар томонидан зарарсизлантирилади.

Ўчиб қолган аланга узатувчи шнурни қайтадан ёқиш қатъиян ман этилади.

Электр манбаи ёрдамида портлатиладиган барча тўсиқ-ғовларни бартараф этувчи воситалар ва нур-товушли гранаталарнинг созлигига ишонч ҳосил қилгандан сўнг, улар қайтадан портлатилиши мумкин.

Транспорт воситаларини мажбурий тўхтатиш воситаларини қуйидаги ҳолатларда қўллаш қатъиян ман этилади:

одамларни ташиш учун мўлжалланган транспортларга нисбатан ушбу воситаларида йўловчилар бўлганда;

чет давлатларнинг дипломатик, консуллик ва бошқа ваколатхоналари, шунингдек халқаро ташкилотларнинг ваколатхоналарига тегишли автотранспорт воситаларига;

тоғ ёнбағир йўлларида, шунингдек йўлнинг кўриниши чегараланган қисмларида;

темир йўл кесишмаларида, кўприкларда, йўл ўтказгичларда.

Электрошок қурилмаси индукторини устига қопқоғи ёпилган ҳолда олиб юриш ва сақлаш лозим. Электрошок қурилмаси билан ҳаракат қилганда қуйидагилар тақиқланади:

индуктор қопқоғи мавжуд бўлмаган, ҳаракатга келтиришга тайёр бўлган электрошок қурилмаси электродларига тегиш ва қўлларни яқинлаштириш;

электрошок қурилмасини ёмғир ва нам ҳавода қўллаш.

Тез аланга олувчи ва портловчи объектларда яширинган жиноятчиларга нисбатан қўлланиладиган ва ёнувчи (портловчи) хусусиятларга эга бўлган махсус воситаларни қўллаш ёнғин ўчириш хизматлари билан келишилган ҳолда амалга оширилади.

Махсус воситалар қўлланилгандан сўнг хоналар (бино) жароҳат олганлиги, ёнғин ўчоқлари ва портламай қолган воситаларни аниқлаш мақсадида текширилади. Портламай қолган воситаларни зарарсизлантириш мақсадида мутахассислар жалб қилинади.

Карабин КС-23, сигнал пистолетини ишлатиш бўйича буйруқ олингандан аввал ўқлашни амалга ошириш керак.

Тутунли газ булути таъсир қилаётган ҳудудга тушиб қолган махсус операция иштирокчилари, зарарли ҳудудни дарҳол тарк этишлари зарур. Тутунли булутдан зарарланганларга биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш учун нашатир спирти (нафас олиш учун) ва 2 фоизли истеъмол қилинадиган сода эритмаси ёки борли кислота (кўзни ювиш учун) ишлатилади.

Тутунли газ булути ҳудудида ишлар шахсий ҳимоя воситаларида олиб борилади.

“Черёмуха” махсус воситаси билан ишлаётганда қатъиян тақиқланади:

- “Черёмуха-1”ни қисмларга ажратиш ва ундаги носозликларни бартараф этиш, халтадан ташқарида олиб юриш (белбоғга осилган);

- хажми 60 куб.м кам бўлган биноларга “Черёмуха-6” гранатасини икки маротаба ташлаш;

- сигнал пистолетидан отиш учун мўлжалланган ҳар ҳил турдаги 26 мм қоғозли гильзага ўқланган ўқ-дориларни, сигнал берувчи ва ёритувчи ўқ-дориларни, шунингдек «Черёмуха-4” газ гранатасини карабин КС-23 дан отиш учун ишлатиш;

- “Черёмуха-7” гранатасини отиш учун, карабин КС-23 ташқари, бошқа ҳар ҳил қуролни ишлатиш;

- “Черёмуха-4ва7” гранаталар патронини қисмларга ажратиш.

Кичик хажмдаги портловчи мосламалар, ёритувчи қаттиқ шовқинли гранаталар ва мосламалардан фойдаланилганда, қўрқитиш воситалари портлаш мосламасидан ажратиб олиб юриш керак.

Қўрқитиш воситаларига электр занжирни улашдан аввал унда электр қуввати йўқлигига амин бўлиш керак.

Ўчиб қолган олов ўтказгич тизимчани қайтадан ишлатиш учун ёқиш қатъиян тақиқланади.

Ишламай қолган «Пламя”, “Ключ”, “Импульс” мосламаларига, “Заря” гранатасига 10 дақиқа ичида яқинлашиш тақиқланади.

Электр токи билан ишлайдиган мосламалар “Ключ”, “Импульс”, “пламя” ларни ишлатаётганда электр занжирини ишлаётганига амин бўлиш керак ва қайтадан 10 дақиқа ўтгандан сўнг (ишламай қолса) ишлатиш керак воситаларини ишламай қолган мосламалардан узиш керак ва ишламай қолиши сабабаини аниқлаш мақсадида доимий сақлаш жойларига элтиш керак. Устки қисмида ёки асосида камчиликлари (ёриғлар, ишқаланишлар ва бошқалар) бўлган кичик хажмдаги портлатиш мосламаларини ва ёритувчи қаттиқ шовқинли гранаталарни қўллаш тақиқланади.

Қуйидагиларга нисбатан “ЁЖ-М” мосламасини қўллаш қатъиян тақиқланади:

- одамларни ташишни ташкиллаштирадиган аҳоли автотранспорти ва юк ташиш автомобиллари;
- чет эл фуқароларига тегишли ёки улар томонидан ижарага олинган автотранспортлар;
- мотоциклар, мотоколяскалар, мотороллерлар, мотопедлар;
- тоғли йўлларда ёки текланган кўринишли йўл участкаларида;
- темир йўл билан кесишган йўлларда, туннелларда, кўприкларда, эстакадаларда.

ЭШУ мосламасини индикаторига ҳимоя қалпоқларини кийдириб сақлаш, ёқилган ҳолатида электродларига тегмаслик ва қўлларни ҳам унга яқинлаштирмаслик, болаларнинг қўлига тушиб қолишига йўл қўймаслик керак.

ИИИ ходимларни резина таёқ ва қалқон ёрдамида ҳаракатларини бажаришга сифатли тайёрланишини таъминловчи аниқ ҳаракатлар. Бунда ИИИ ходимлари ёки харбий хизматчилар машқ ва операцияларни бажаришга киришишдан олдин махсус воситаларни жангга яроқлилигини текшириб, йўриқномаларга асосланган холда фойдаланишлари лозим.

Махсус воситаларни қуйидагиларга ишлатиш мумкин эмас: балоғат ёшига етмаганларга, хомиласи кўриниб турган ва болали аёлларга, ногиронларга, қарияларга агар улар хужум қилмаган тактирда.

Фаол мудофа воситаларни қўллашда ва махсус операцияларни ўтказишда ўзини тута билиш зарур. Ички ишлар органларининг ҳатти –ҳаракати белгиланиши топшириққа тўла мос келиши ва фуқароларнинг соғлигига имкон борича шикаст етказмаслик керак.

Фаол мудофаа воситаларини қўллаш ва махсус операциялар ўтказиш махсус воситалар қўлланилиши лозим бўлган шахсларга, бу ҳақида давлат тилида аввалдан огоҳлантириш орқали амалга оширилади. Улар товуш орқали огҳлантирилиши зарур ҳолларда агар улар орасидаги масофа узоқ бўлса ёки маълум кишилар гуруҳига мурожаат қилганда товуш қайтаргич орқали бир неча марта огоҳлантирилиши улардан жавоб олиш учун маълум вақт берилиши керак. Ҳуқуқбузарлар қатъий қаршилик кўрсатганларида ушбу воситалар огоҳлантиришсиз қўлланилиши мумкин.

Ўқотар қурол қўллашда хавфсизлик қоидалари:

Ўқотар қуролни қўллашда хавфсизлик чораларига қатъий риоя қилиш талаб этилади;

қуролни ўқланган ёки ўқланмаганидан қатъи назар, кўп фуқаролар тўпланган жойга, тасодифий шахслар жабрланиши мумкин бўлган ва бошқа хавфли йўналишларга қаратиш;

қуролни қаровсиз қолдириш ёки уни ўзга шахсга бериш;

махсус белгиланган жойлардан ташқарида ўқотар қуролни тўлиқ ва тўлиқсиз қисмларга ажратиш, ўқлаш ва ўқсизлантириш;

ўқотар қуролни белгиланмаган жойда сақлаш ва олиб юриш;

қуролни мақсадсиз ғилофдан чиқариш, ўқни ўқдонга жўнатган ҳолда олиб юриш;

носоз қуролдан ўқ отиш ёки яроқсиз ўқ-дориларни қўллаш;

ўқ-дориларни қисмларга ажратиш, ўқдондан ташқарида сақлаш ва олиб юриш.

Ходимнинг хизмат олиб боришига тўсқинлик қиладиган ҳолатлар вужудга келганда ёки шундай ҳолат аниқланганда, унинг бевосита бошлиғи (командир) томонидан ўқотар қурол олиб қўйилади.

Ходим ўқотар қуролни ёнғин чиқиши, авария ёки заҳарли моддаларнинг чиқиши ва портлаш вужудга келиши мумкин бўлган хавфли йўналишларга қарата қўллаши тақиқланади.

Ходим ўқотар қуролини қўллаш учун тайёрлашга келтиргандан сўнг, уни қўллаш зарурияти бўлмаган тақдирда, ўқотар қурол ўқсизлантирилиши шарт. Шунингдек, ўқотар қуролни қўллаб бўлгандан сўнг ҳам унинг ўқсизлантирилганлиги текширилиши шарт.

Ўқотар қурол қўлланилиши натижасида тан жароҳати олган фуқароларга хавфсизлик чораларини кўрган ҳолда биринчи ёрдам, шунингдек имкон қадар қисқа вақт ичида тиббий ёрдам кўрсатиш чоралари кўрилади.

Ходимларни махсус воситалар билан қуролланишига қуйидагилар томонидан рухсат берилади:

резина таёқлар, электрошок қурилмалари, қўлкишанлари, хизмат хайвонлар, тинчлантириш кўйлаги, кўздан ёш оқизувчи моддалар билан – ички ишлар органи навбатчилик қисми навбатчиси, жазони ижро этиш муассасаси (бундан буён матнда ЖИЭМ деб юритилади) бошлиғи ва унинг ёрдамчиси – тезкор навбатчи, ИИВ таълим муассасалари бошлиқлари, Қоровул қўшинлари ҳарбий қисм ва бўлинма командирлари;

транспорт воситаларини мажбурий тўхтатиш мосламалари; махсус бўёвчи ва маркировка қилувчи воситалар; кўздан ёш оқизувчи моддалар, газли шикастлантирувчи қурол; чалғитма таъсир кўрсатувчи нур-товушли мосламалар, муҳофаза қилинадиган объектларни (ҳудудларни) ҳимоя қилиш, ғайриқонуний ҳаракатлар содир этаётган фуқаролар гуруҳларининг ҳаракат йўналишини тўсиш воситалари – Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири, Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазири, Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармаси, Транспортдаги ва вилоятлар ички ишлар бошқармалари бошлиқлари, ЖИЭМ (тергов ҳибсхонаси) бошлиғи, Қоровул қўшинлари қўмондони, ИИВ таълим муассасалари бошлиқлари, махсус операция раҳбарининг қарори асосида.

Сув билан зарба берувчи ва зирҳли машиналар Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирининг, Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармаси ва вилоятлар ички ишлар бошқармалари бошлиқларининг оғзаки ёки ёзма қарори асосида қўлланилади, бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирига ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар ва вилоятлар прокурорларига ҳамда уларга тенглаштирилган прокурорларга дарҳол хабар берилади.

Ички ишлар органлари бошлиқлари ҳамда махсус операция раҳбари ўзининг қарорида махсус воситаларнинг қўллаш тартибини белгилайди.

Ички ишлар органларига юклатилган вазифаларни бажариш чоғида ходим махсус воситаларни қўллаш бўйича мустақил қарор қабул қилиш хуқуқига эга.

Қуйидаги шахсларга нисбатан махсус воситаларни қўллаш тақиқланади:

ҳомиладорлик белгилари сезилиб турган аёлларга, ногиронлик белгилари кўриниб турган шахсларга, ёши аниқ кўриниб турган ёки маълум бўлган вояга етмаганларга.

Бундан уларнинг қуролли қаршилик кўрсатганлиги ёки фуқароларнинг ёхуд ходимнинг ҳаёти ва соғлиғига ҳақиқатда таҳдид этиб, гуруҳ бўлиб ҳужум қилганлиги ҳоллари мустасно. Шунингдек куч ишлатмасдан, жамоат тартибини, транспорт, алоқа воситалари ва ташкилотларнинг ишини бузмасдан ўтказилаётган ғайриқонуний йиғилишлар, митинглар, намойишлар, оммавий чиқишлар ва пикет қўйишларни бартараф этиш чоғида махсус воситаларнинг, шу жумладан газли ҳамда шикастлантирувчи куролнинг қўлланилиши тақиқланади.

Махсус воситаларни қўллашда қуйидагилар тақиқланади:

Одамнинг бошига, бўйнига, ўмров суягига, қорнига, жинсий аъзоларига, юрак соҳасига резина таёқ билан зарбалар бериш;

ҳаво ҳарорати Цельсий бўйича ноль даражадан паст бўлганида сув билан зарба берувчи машиналарни қўллаш.

Махсус воситаларни қўллаган ходим ўрнатилган тартибда ўзининг бевосита раҳбарига билдирги орқали ахборот беради. Билдиргида қачон, қаерда, кимга нисбатан, қандай вазиятда махсус воситалар қўлланилганлиги кўрсатилади.

ЖИЭМда хизмат ўтаётган ҳарбий назоратчилар томонидан махсус воситаларни қўлланилганлиги тўғрисида назоратнинг суткалик жадвалига ёзиб қўйилади.

2.2-Мавзу: Ўқ отар қуролларни қўллаш ва ундан фойдаланиш тартиби

Амалий машғулот (2 соат)

РЕЖА:

1. Ички ишлар органлари ходимлари томонидан ўқотар қуролни қўллаш.

2. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 18 майдаги “Қурол тўғрисида” ЎРҚ № 550-сонли Қонунининг мазмун-моҳияти.

1 –ўқув саволи. Ички ишлар органлари ходимлари томонидан ўқотар қуролни қўллаш.

Ўқотар қуролни қўллаш (24-модда).

Ички ишлар органи ходими қуйидаги ҳолларда ўқотар қуролни қўллаш ҳуқуқига эга:

фуқароларни ёхуд ўзини ҳаёт ёки соғлиқ учун хавфли бўлган, зўрлик ишлатиш билан қилинган ҳужумдан ҳимоя қилишда;

гаровдагиларни озод қилишда;



ўта оғир жиноятни содир этиш чоғида кўриб қоли нган ва яширинишга уринаётган шахсни ушлашда, агар бошқа воситалар билан бу шахсни ушлаш имкони бўлмаса;

ички ишлар органларининг ўқотар қуролларини, ўқ-дориларини, портловчи моддаларини, транспорт воситаларини, махсус ва жанговар техникасини эгаллаб олишга бўлган уринишларга чек қўйишда;

фуқароларнинг уй-жойларига, давлат органларининг ва бошқа ташкилотларнинг қўриқланадиган объектларига, ўта муҳим юкларига, транспорт воситаларига, биноларига гуруҳ бўлиб қилинган ҳужумни ёки қуролли ҳужумни даф этишда;

қуролли қаршилик кўрсатаётган шахсни, шунингдек ёнидаги қуролни, ўқ-дориларни, портловчи моддаларни, портлатиш қурилмаларини, заҳарли ёки радиоактив моддаларни топшириш тўғрисидаги қонуний талабни бажаришни рад этаётган шахсни ушлашда;

жиноят содир этишда гумон қилиниб ушлаб турилган шахсларнинг, ўзига нисбатан қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган, озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахсларнинг қамоқдан қочиб кетишига чек қўйишда, шунингдек ушбу шахсларни куч ишлатиб озод қилишга бўлган уринишларга чек қўйишда;

агар транспорт воситасининг ҳайдовчиси фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига ҳақиқий хавф туғдирса ҳамда ички ишлар органи ходимининг қонуний талабларига қарамай, тўхташдан бош тортса, ушбу транспорт воситасини шикастлаш йўли билан тўхтатишда;

инсоннинг ҳаёти ва соғлиғига таҳдид солаётган ҳайвонни зарарсизлантиришда;

-қурол ишлатиш нияти ҳақида огоҳлантириш сифатида ўқ отишда, юқорига қарата ёки бошқа хавфсиз йўналишда ўқ отиш орқали хавф-хатар сигнали беришда ёки ёрдамга чақиришда.

Ички ишлар органининг ходими ўқотар қуролни қўллашдан олдин огоҳлантириши шарт, бундан унинг ҳаётига ёки фуқароларнинг ҳаётига бевосита хавф таҳдид солаётган ҳоллар мустасно.

Ўқотар қуролни қўллаш тақиқланади:

аёлларга;

ногиронлик белгилари кўриниб турган шахсларга;

ёши аниқ кўриниб турган ёки маълум бўлган вояга етмаганларга

Қуйидаги келтирилган холатларда, яъни фуқаролар томонидан қуролли ҳужум қилганлиги, қуролли қаршилик кўрсатганлиги ёки фуқароларнинг ёхуд ички ишлар органи ходимининг ҳаёти ва соғлиғига таҳдид этиб, гуруҳ бўлиб ҳужум қилганлиги ҳоллари бундан мустасно.

Ўқотар қурол қўлланилиши натижасида тасодифий шахслар жабрланиши мумкин бўлса, ички ишлар органи ходими кўп фуқаролар тўпланганда уни қўллаш ҳуқуқига эга эмас.

Ички ишлар органлари қуроллантириладиган ўқотар қурол ва унинг ўқ-дорилари турларининг рўйхати Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланади. Ушбу рўйхатга кирмайдиган ўқотар қурол ва унинг ўқ-дорилари билан ички ишлар органларини қуроллантириш ҳамда улардан фойдаланиш тақиқланади.

Ходим ўқотар қуролни қўллашдан олдин қуйидагиларга мажбур:

шахсни **«Тўхта! Отаман!»** деб ҳайқириб огоҳлантиришга;

шахс огоҳлантиришдан кейин ҳам ходимнинг талабларига бўйсунмаса, юқорига огоҳлантириб ўқ отишга.

Қуйидаги ҳолатларда ўқотар қурол огоҳлантиришсиз қўлланилади:

ходимнинг ёхуд фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига бевосита хавф таҳдид солаётганда;

тўсатдан қуролли ҳужум қилинганда;

жанговар техника, транспорт воситалари, учувчи аппаратлар, дарё кемаларидан фойдаланган холда ҳужум уюштирилганда;

маҳкумлар, ҳибсга олинган ёки ушланган шахслар қурол билан ва транспорт воситасида ёхуд транспорт воситаларининг ҳаракати вақтида қочганда;

террорчилик ҳаракатлари содир этмоқчи бўлган шахсларни зарарсизлантиришда;

инсоннинг ҳаёти ва соғлиғига таҳдид солаётган ҳайвонни зарарсизлантиришда

2-ўқув саволи. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 18 майдаги “Қурол тўғрисида” ЎРҚ № 550-сонли Қонунининг мазмун-моҳияти.

Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 18 майдаги **“Қурол тўғрисида” ЎРҚ № 550-сонли** Қонунда қўйидагилар белгилаб берилди:

Асосий тушунчалар:

газли қурол — кўздан ёш оқизадиган ёки ачиштирадиган моддаларни қўллаш йўли билан жонли нишонга вақтинчалик шикаст етказиш учун мўлжалланган қурол;

калта стволли қурол — стволининг узунлиги уч юз миллиметрдан ва умумий узунлиги олти юз миллиметрдан ошмайдиган қурол;

пневматик қурол — сиқилган, суюлтирилган ёки қотирилган газсимон модданинг қуввати ҳисобига йўналтирилган ҳолда ҳаракатга келадиган аслаҳа билан нишонни масофадан туриб уриш учун мўлжалланган қурол;

сигнал берувчи қурол — тузилиши жиҳатидан фақат ёруғлик, тутунли ёки товушли сигналлар бериш учун мўлжалланган қурол;

совуқ қурол — шикаст етказиладиган объект билан бевосита тўқнашиш чоғида одамнинг жисмоний кучи ёрдамида нишонни уриш учун мўлжалланган қурол.

Қуролнинг таснифи:

Қуролнинг турлари

Қурол мўлжалланилган мақсади ҳамда асосий параметрлари ва тавсифларига кўра фуқаровий қурол, хизмат қуроли ва жанговар қурол турларига бўлинади.

Фуқаровий қурол

Ов ва спорт билан шуғулланиш учун, шунингдек ўзини ўзи ҳимоя қилиш мақсадида фойдаланиш учун мўлжалланган қурол фуқаровий қурол жумласига киради.

Фуқаровий қурол қуйидагиларга бўлинади:

1) **ов қуроли**:

сойли стволли ўқотар қурол;

силлиқ стволли ўқотар қурол, шу жумладан сойли қисмининг узунлиги бир юз қирқ миллиметрдан ошмайдиган ўқотар қурол;

комбинацияланган (сойли стволли ва силлиқ стволли) ўқотар қурол, шу жумладан алмаштириладиган ва жойлаштириладиган сойли стволли ўқотар қурол;

пневматик қурол;

тиғли совуқ қурол (ов пичоқлари, ов ханжарчалари ва ханжарлар);

сигнал берувчи қурол;

2) **спорт қуроли:**

сойли стволли ўқотар қурол;

силлиқ стволли ўқотар қурол;

тиғли совуқ қурол (рапиралар, шпагалар ва қиличлар);

улоқтириш қуроли (камонлар, арбалетлар ва найзалар);

пневматик қурол;

сигнал берувчи қурол;

3) **ўзини ўзи ҳимоя қилиш қуроли:**

газли қурол — кўздан ёш оқизадиган ёки ачиштирадиган моддалар билан тўлдирилган газли баллончалар, механик пуркагичлар, аэрозолли қурилмалар ва бошқа қурилмалар;

электрошок қурилмалари, учқун чиқаргичлар ва шикаст етказувчи таъсири электр энергиясидан фойдаланишга асосланган бошқа қурилмалар.

Фуқаровий ўқотар қурол қаторасига ўқ узишни истисно этиши ва ўқдон (барабан) сиғими ўн дона патрондан ортиқ бўлмаслиги керак.

Хизмат қуроли

Фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғини, мол-мулкни ҳимоя қилишга, табиатни ва табиий ресурсларни, қимматбаҳо ва хавфли юкларни, махсус хат-хабарларни муҳофаза қилишга доир вазифаларни бажариш чоғида юридик шахсларнинг (бундан буён матнда махсус хизмат вазифаларига эга юридик шахслар деб юритилади) ходимлари томонидан, шунингдек давлат органларининг мансабдор шахслари томонидан шахсий хавфсизликни таъминлаш мақсадида фойдаланиш учун мўлжалланган қурол хизмат қуроли жумласига киради.

Хизмат қуроли қаторасига ўқ узишни истисно этиши, ўқдон (барабан) сиғими ўн дона патрондан ортиқ бўлмаслиги, калибри силлиқ стволли қурол учун йигирма беш миллиметрдан ва оғиз қисмидаги қувват уч юз эллик жоулгача бўлган сойли калта стволли қурол учун тўққиз миллиметрдан ошмаслиги керак.

Махсус хизмат вазифаларига эга юридик шахсларнинг ва хизмат қуролини сақлаш, олиб юриш, ундан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлган давлат органлари мансабдор шахсларининг рўйхати Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Жанговар қурол

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Давлат хавфсизлик хизмати, Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизмати, Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси, Давлат божхона қўмитаси, Электрон технологияларини ривожлантириш маркази, Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг ҳарбий тузилмалари (бундан буён матнда махсус органлар ва ҳарбий тузилмалар деб юритилади)

қуроллантирилган ёки қуроллантиришга мўлжалланган, жанговар ҳаракатларни олиб бориш ҳамда хизмат вазифаларини бажариш учун мўлжалланган қурол жанговар қурол жумласига киради.

Жанговар қуролни ва унинг ўқ-дориларини олиш, сақлаш ва улардан фойдаланиш фақат махсус органлар ва ҳарбий тузилмалар томонидан, шунингдек ушбу Қонун 12-моддасининг еттинчи қисмида назарда тутилган, махсус хизмат вазифаларига эга юридик шахслар томонидан амалга оширилади.

Жанговар қуролнинг ва унинг ўқ-дориларининг муомаласи тартиби Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан белгиланади.

Қуролни ва унинг ўқ-дориларини олиш ҳуқуқига эга бўлган субъектлар.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қуролни ва унинг ўқ-дориларини олиш ҳуқуқига қуйидагилар эга:

махсус органлар ва ҳарбий тузилмалар;

махсус хизмат вазифаларига эга юридик шахслар;

қуролни ва унинг ўқ-дориларини ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи юридик шахслар;

қуролни ва унинг ўқ-дориларини реализация қилиш билан шуғулланувчи юридик шахслар;

овчилик ва отиш спорти соҳасидаги фаолият билан шуғулланувчи юридик шахслар;

қуролни коллекциялаш ёки кўргазмага қўйиш билан шуғулланувчи юридик ва жисмоний шахслар;

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари;

чет эл фуқаролари;

Ўзбекистон Республикасида доимий яшовчи фуқаролиги бўлмаган шахслар.

Ўзбекистон Республикасининг Қонуни 2022 йил 05 майдаги “**Қурол тўғрисидаги қонунчилик такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”** ЎРҚ 772-сонли қонуни (Қонунчилик палатаси томонидан 2022 йил 15 февралда қабул қилинган Сенат томонидан 2022 йил 28 апрелда маъқулланган) қабул қилинди.

Қуролни ва унинг ўқ-дориларини сақлаш, олиб юриш, ташиш қоидаларини бузиш (Жиноят кодекси 249-моддаси).

Ўқотар қуролни ва унинг ўқ-дориларини, шунингдек пневматик қуролни, тиғли совуқ қуролни (ов пичоқларини, ов ханжарчалари ва ханжарларни, рапиралар, шпагалар ва қиличларни), улоқтириш қуролини (камонлар, арбалетлар ва найзаларни), сигнал берувчи қуролни сақлаш, олиб юриш, ташиш қоидаларини бузиш одамнинг ўлимига ёхуд бошқа оғир оқибатлар келиб чиқишига сабаб бўлса:

- базавий ҳисоблаш миқдорининг бир юз эллик бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки икки йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўқотар қуролни олиб юриш ва сақлаш

Ходимлар томонидан хизмат фаолияти давомида ўқотар қуролни олиб юриш, сақлаш тартиби ва муддатлари ички ишлар органи бошлиқлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари асосида белгиланади.

Ҳудуддаги тезкор ва криминоген вазиятни инобатга олиб ички ишлар органи бошлиғи томонидан ходимга ўқотар қуролни доимий олиб юриш ва сақлашга рухсат этилиши мумкин.

Ўқотар қурол ходимларга уларнинг шахсий жавобгарлиги остида берилади.

Тўппончалар ғилофларда, тасмаси тақилган ҳолатда олиб юрилади. Битта ўқдон тўппонча дастагида, иккинчи захира ўқдон ғилофда сақланади.

Автомат ва милтиқлар «Тасмага» ҳолатида олиб юрилади. Ўқдонлари ўқдон халталарида сақланади.

Ўқотар қуролни доимий олиб юриш ва сақлашга эҳтиёж бўлмаганда, ўқотар қурол ички ишлар органлари навбатчилик қисмига ёки омборига топширилади.

Мустақил таълим учун топшириқ:

Ички ишлар органлари ходимлари томонидан қурол қўллаш шартлари ва ҳуқуқий асослари бўйича мавзуни мустақил ўқиш.

2.3.- Мавзу: Оммавий тартибсизликларни бартараф этишда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси хизмати ходимлари томонидан амалга ошириладиган махсус-тактик харакатлар.

Амалий машғулот (6 соат)

РЕЖА:

1. Оммавий тартиббузарликларни бартараф этишда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси хизмати ходимларининг вазифалари.

2. Оммавий тартиббузарликларни бартараф этишда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси хизмати ходимларининг махсус-тактик ҳаракатлари.

1-ўқув саволи: Оммавий тартиббузарликларни бартараф этишда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси хизмати ходимларининг вазифалари.

ИИОнинг профилактик ҳисобда турган, илгари судланган шахслар ҳамда доимий ҳисобда турувчи спиртли ичимликларга ружу қўйганлар ва гиёхвандлик касаллигига чалинганлар билан профилактик ишларни кучайтиради;

Маҳалла фуқаролар йиғини вакиллари ва худуддаги бошқа идора ҳамда ташкилотлар раҳбарияти билан биргаликда аҳоли орасида тушунтириш ва тарғибот-ташвиқот ишларни янада кучайтиради;

Аҳолининг ижтимоий-иқтисодий хаёт тарзи йўналишларида норозиликлар келиб чиқиш эҳтимоли юқори бўлган худуларни олдиндан аниқлаш ва уларнинг муаммоларини хал этиш бўйича аниқ чора тадбирларни амалга оширади;

Жамоат тартибини гуруҳий бузилишларини, оммавий тартибсизликларни олдини олиш, аҳолининг кайфияти ва фикрини ўрганиш ҳамда уни ижобий томонга йўналтиради;

Мазкур тоифадаги шахслар билан профилактик суҳбатлар ўтказиш, расмий огоҳлантириш, агарда уларнинг ноқонуний ҳаракатлари давомийлиги кузатилса қонунда белгиланган тартибда чора кўради;

Норозилик кайфиятлари юзага келиши мумкун бўлган худуларда автотранспорт воситаларининг кириш-чиқишини назорат қилиш мақсадида вақтинчалик ички постларда хизматни олиб боради.

2-ўқув саволи: Оммавий тартиббузарликларни бартараф этишда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси хизмати ходимларининг махсус-тактик ҳаракатлари.

Хуқуқбузарликлар профилактикаси ходимлари – аҳоли ўртасида норозилик харакатлари юзага келиши мумкун бўлган жойларда дастлабки профилактик ишларни олиб боради. Норозиликларни бартараф этиш бўйича зарур чораларни кўради;

Диний-сиёсий йўналишларда ноқонуний норозилик ҳаракатларини уюштириш мақсадида фаолият юритаётган бузғунчи кучларни (ташкилотчиларни, ҳомийларни) ўз вақтида аниқлаш ва уларнинг харакатларини чеклаш, шунингдек мазкур норозилик ҳаракатларини тайёрлаш, амалга ошириш ва иштирок этишга дахлдор бўлган шахсларни қўлга олиш чораларини кўради;

Норозилик ҳаракатлари юзага келган худудларда дастлабки ўраб олиш мақсадида ҳамкорликдаги бўлинмалар билан харакатланади ва кучайтириш гуруҳлари таркибида вазифларни бажаради.

3. ПСИХОЛОГИК ТАЙЁРГАРЛИК. КОНФЛИКТОЛОГИЯ, МУЛОҚОТ ПСИХОЛОГИЯСИ, НОСТАНДАРТ ВАЗИЯТЛАРДА ЎЗИНИ-ЎЗИ БОШҚАРИШ МОДУЛИ

3.1-Мавзу: Ходимларни нутқ маданияти ва мантиқий фикрлашини ривожлантириш усуллари

Назарий машғулот (2 соат)

РЕЖА:

1. Ички ишлар орган ходимларининг нутқ маданияти.

2. Ички ишлар орган ходимларининг фуқаролар билан психологик мулоқотида нутқ маданиятининг ахамияти.

3. Ички ишлар орган ходимларининг мантиқий фикрлаш кўникмаларини ривожлантириш.

1 - ўқув саволи. Ички ишлар органи ходимларининг нутқ маданияти.

Барча халқлар, миллатлар ўз тили ва нутқ маданиятига эгадирлар. Тил – фикр ифодалаш усули, муомала воситаси. Тил ва нутқ – бир жараённинг икки томони. Тил фикрни ифодалайди, нутқ уни юзага чиқаради. Фикрни сўзлар орқали бошқаларга билдириш усули кишиларнинг нутқ маданияти ёки сўзлашиш услуби деб аталади.

Ички ишлар органлари ходимларининг нутқ маданияти деб уларнинг ўз фикрларини бир-бирларига, фуқароларга, аҳолига тил воситалари орқали тўғри, аниқ ва таъсирчан қилиб етказа олишларига айтилади.

Нутқнинг ***ёзма*** ва ***оғзаки*** турлари мавжуд. Ёзма нутқ илмий, расмий, публицистик ва қисман бадиий услубларда, оғзаки нутқ эса адабий ва сўзлашув услублари орқали ифодаланади.

Ёзма нутқ ички ишлар идоралари ходимлари фаолиятининг таркибий қисмларидан бири ҳисобланади. Оддий билдирги ёзишдан мураккаб жиноий ишларни олиб боришгача бажариладиган ишларни ёзма нутқсиз тасаввур этиш қийин. Донолар, одатда, «ёзувингни кўрсат, мен сенинг кимлигингни айтиб бераман» дейдилар. Демак, ёзув одамнинг феълини кўрсатувчи белгилардан бири экан. Шунинг учун ҳам ички ишлар органларининг ходимлари, энг аввало, ёзма нутқ турлари ва қоидаларини пухта эгаллаган бўлишлари лозим.

Илмий услуб. Илмий услуб деб жамият тараққиёти талабларидан келиб чиққан ҳолда фикрларни ўзбек тилининг барча морфологик ва синтактик қоидалари асосида, илмий-ҳужжат шаклида, илмий-техникавий, илмий-оммавий, ўқув-илмий, публицистик тарзда ифода этишга айтилади.

Илмий услуб ўзининг қуйидаги хусусиятлари билан ёзма нутқнинг бошқа шаклларидан фарқ қилади:

1) баён қилинаётган ахборотнинг объективлиги, аниқлиги;

2) баён қилинаётган фикрнинг қисқа ва лўндалиги;

3) мантиқий изчилликнинг кучлилиги;

4) маълумотларга бойлиги;

5) адабий тил қоидаларига қатъий риоя этилиши, шевачиликнинг йўқлиги;

6) фикрни баён этишда кўргазмали қуроллар, яъни ҳар хил чизма ва жадвалларнинг ишлатилиши.

Илмий услуб асосан мақола, монография, илмий маъруза, илмий ахборот, рисола шаклидаги асарларда қўлланилади.

Расмий услуб. Бу услуб ҳозирги кунда маъмурий ва юридик ишларда кенг қўлланиладиган ёзма нутқ шаклларига киради. Барча қонунларнинг матнлари, фармонлар, буйруқ ва қўлланмалар, йўриқномалар, ижозатномалар, билдиргилар, баённомалар, тушунтириш хатлари, далолатномалар, шартномалар, судлардаги чиқишлар, хуллас, ички

ишлар идораларида олиб бориладиган ва юритиладиган барча ҳужжатлар расмий услубда ёзилади.

Расмий услуб қоидалари қуйидагилардан иборат:

1) сўз тартиби грамматика қоидаларига тўлиқ асосланган бўлиши керак;

2) фикр содда, аниқ ва қисқа ифодаланиши керак;

3) фикр касбга доир терминлар асосида баён қилиниши зарур;

4) жаргонлар, оғзаки сўзлашув услубига хос сўзлар ишлатилмаслиги керак;

5) эскирган сўзлар ва ибораларни иложи борича ишлатмаслик ёки ўрнига қараб ишлатиш лозим.

Расмий услубда ёзилган ҳужжатлар ички ишлар идоралари ходимларининг, қолаверса, бутун вазирликнинг маданиятлилик даражасини, профессионал жиҳатдан етуклигини, замон билан, халқ билан ҳамнафас эканлигини ифодаловчи кўрсаткич ҳисобланади.

Оғзаки нутқ ва унинг ички ишлар идоралари ходимларининг муомала маданиятини шакллантиришдаги аҳамияти катта.

Юқорида қайд этилганидек, оғзаки нутқ сўзлашув ва адабий услубларда ифодаланади.

Сўзлашув услуби деб кишиларнинг кундалик ҳаётда шева ва лаҳжаларда мулоқот қилиш усулига айтилади. Сўзлашув услубида нутқ маданиятининг қоида ва нормалари қатъий қўлланилмайди. Ҳозирги кунда мамлакатимиз аҳолиси Тошкент шеваси, Фарғона шеваси, Наманган шеваси, Андижон шеваси, Қашқадарё шеваси, Сурхондарё шеваси, Бухоро шеваси, Самарқанд шеваси каби кўплаб шеваларда сўзлашадилар.

Адабий услуб деб адабий тил нормаларига қатъий амал қилишга асосланган услубга айтилади. Адабий услубда сўзлашганда, жумладан маъруза ўқилганда, расмий учрашувларни ўтказганда тил қоидаларига тўлиқ риоя этилади.

Оғзаки нутқ ёзма нутққа қараганда кенг қамровли бўлиб, қуйидаги хусусиятларга эга:

1) оғзаки нутқда шевачиликнинг таъсири кучли бўлади; 2) оғзаки нутқда ёзма нутқдаги каби ўйлаб иш тутиш имкони кам бўлади; 3) оғзаки нутқнинг ўзига хос грамматик тузилиши, қурилиш тартиби мавжуд; 4) оғзаки нутқда талаффуз, оҳанг, имо-ишора воситалари муҳим роль ўйнайди; 5) оғзаки нутқнинг юзага чиқиши сўзловчининг кайфиятига, нутқ сўзланаётган вазиятга боғлиқ, сўзловчи нутқий аъзоларининг нормал ва соғломлигига боғлиқ; 6) оғзаки нутқ нормаларининг барча хусусиятларини пайқаш, ёзиб олиш, ўргатиш ва ўрганиш анча қийинчилик билан кечади; 7) оғзаки нутқ бир бутун ҳодиса (матн) сифатида чексиз ва сон-саноқсиз шахсий (индивидуал) фаолият бўлиб, унинг кўпгина қирралари турли шароитларда ўзича кечади ва пайқамаган ҳолда беиз йўқолиб кетади; 8) киши сўзлаганда, ўз нутқига ёзгандаги каби етарли эътибор беравермайди.[1]

Оғзаки нутқ, ўзининг функционал шаклига кўра, сўзлашув тилида гапирувчи шахсларнинг, нотиқларнинг, радио ва телевидение эшиттирувчиларининг нутқлари ҳамда саҳна нутқларига бўлинади.

Ички ишлар органлари ходимларининг нутқи, оғзаки ёки ёзма бўлишидан қатъи назар, қуйидаги қоидаларга мос келиши керак:

биринчидан, нутқ мазмунли бўлиши, нотиқнинг фикр юритаётган мавзуни ҳар томонлама чуқур билишидан дарак бериб туриши;

иккинчидан, адабий ва грамматик жиҳатдан тўғри, ҳар қандай шевачиликдан холи бўлиши;

учинчидан, аниқ, равшан, қисқа ва тушунарли ифодаланиши;

тўртинчидан, мантиқий изчил, соф, кераксиз сўз ва иборалардан холи бўлиши;

[1] *Қўнғуров Р., Бегматов Э., Тожиев Ё.* Нутқ маданияти ва услубияти асослари. – Т., 1992. – Б.33-34.

бешинчидан,ифодали, таъсирчан, ёркин, тингловчида қизиқиш уйғотадиган бўлиши;

олтинчидан, аниқ, содда, гўзал бўлгани ҳолда нутқ мавзуига мос тушиши;

еттинчидан, ўқувчи ёки тингловчининг руҳий-маънавий ҳолатини, ёшини, касби-корини, жинсини ҳамда мавжуд вазиятни, давлат томонидан юритилаётган ички ва ташқи сиёсатни инобатга олиши керак.

Ички ишлар органларинг ходимларининг *нутқ маданиятини* ўстириш воситаларига қуйидагилар киради:

- бадиий асарларни мунтазам равишда ўқиб бориш ва улар юзасидан фикр юритиш;
- ўзбек тилининг грамматик қонун-қоидаларини пухта ўрганиш;
- ҳар-хил луғатлар билан мунтазам равишда ишлаш;
- газета ва журналларни, айниқса уларда эълон қилинган ҳикоялар, мақоллар, латифаларни ўқиб бориш;
- ҳикматлар, пандномалар, латифаларни қунт билан ўқиб чиқиш;
- хизматдошлар олдида оғзаки нутқ сўзлаш, ҳар хил ахборотлар бериб туриш;
- бадиий ҳаваскорлик тўгаракларида қатнашиб, у ерда шеър, монолог, қасида кабиларни ўқиш ва ҳоказо.

Ички ишлар органларини ходимлари аҳоли билан мулоқотда қуйидаги нутқ одоби талабларини унутмасликлари керак:

1) фуқаролар билан сўзлашганда ходим ширинсухан, мулойим ва эзгу ниятли бўлиши зарур. Чунки ширин сўз билан одамларни бир-лаштириш мумкин ёки аччиқ, ҳақоратомуз сўзлар билан эса уларни юз кўрмас қилиб юбориш мумкин;

2) сўзлаганда имо-ишораларни камроқ қилиш, айниқса қўлни кўтариб дўқ-пўписа қилиб, минбарни муштлаб, қўлидаги нарсаларни отиб гапирмаслик керак. Суҳбат ниҳоятда самимий, ўзаро хайрихоҳлик билан ўтказилиши, одамохунлик билан тугатилиши лозим;

3) фуқароларнинг сўзларини, гарчанд уларнинг мазмуни сизга маълум ёки ёқмаётган бўлса ҳам, диққат ва чидам билан эшитиш керак. Бу ҳақда буюк бобокалонимиз ҳазрат Мир Алишер Навоий шундай деганлар: «Фано аҳлига кўп сўзламоқ мақбул эмас, кўп эшитмоқ, – матлуб ва яхшидир. Эшитмоқ кишини тўлатади, айтмоқ, бўшатади»[1];

4) сўзлашиш чоғида ўзи, оиласи тўғрисида, шахсий ғам-ташвишлари ҳақида сўз очмаслик, оила сирини сақлаш керак;

5) тилни, сўзни қадрлаш, уни ҳурмат қилиш, тилни тийиш, сергап ва вайсақи бўлмаслик, ҳар хил ҳақоратомуз сўзларни айтмаслик лозим. Чунки, улуғ мутаффакир Алишер Навоий таъбири билан айтганда, «кўп сўзловчи валдироқ тунда тонг отгунча ҳурийдиган итга ўхшайди. Нодоннинг даҳшатга солувчи алжирашига томоқ қирмоғи – эшакнинг ўринсиз ҳанграмоғи»[2] кабидир;

6) ғийбатдан, туҳматдан, миш-мишлардан ўзни тийиш, бўшоғизлик қилмасдан, суҳбат сирини сақлай билиш керак;

7) фуқаролар билан бўладиган муносабатда, *«тил тарозиси»* деган нақлга риоя қилиш керак;

8) ходим, эгаллаб турган лавозимидан қатъи назар, жамоасида ва фуқаролар билан бўладиган мулоқотларда нутқи, хатти-ҳаракатлари, хулқи ва феъл-атворини назорат қилиб бориши, фақатгина ўз гапини маъқуллашга уринмай, бошқаларнинг сўзларига ҳам қулоқ солишга одатланиши керак.

2 - ўқув саволи. Ички ишлар орган ходимларининг фуқаролар билан психологик мулоқотида нутқ маданияти

[1] Аждодлар ўгити: ҳикоятлар ҳикматлар, тамсиллар. – Т., 1990. – Б.115.

[2] Ўша манба. – Б.118.

Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2011 йил 4 июлдаги «Ўзбекистон Республикаси ички ишлар идоралари ходимларининг касб маданияти ҳақидаги Қўлланма»ни тасдиқлаш тўғрисидаги 96-сонли буйруғининг 23-бандида шундай дейилади: «Ҳар бир ходим фуқаролар билан самимий муносабатда бўлиши, уларнинг мурожаатини диққат билан эшитиши, ваколати доирасида кўриб чиқиши ва масаласини ҳал қилишга интилиши зарур. Фуқаролар томонидан содир этилган ҳуқуқбузарликларнинг қонунга зидлигини тушунтиради ҳамда қонунда белгиланган чорани қўллаш масаласини ҳал этади». Худди шу буйруқнинг 29-бандида эса: «Ички ишлар идоралари ходими аҳоли билан алоқани мустаҳкамлаб, такомиллаштириб боради. Ички ишлар идоралари ходими деган юксак номни ёдда сақлаган ҳолда, хизмат вазифасига доир иш юритуви давомида ҳамда инсонийлик бурчини бажариш вақтида фуқаролардан турли кўринишдаги ҳадя ва совғаларни олмайди ва хизмат айтмайди»[1], деб таъкидлаб қўйилган. Юқоридагиларга асосланиб, ички ишлар орган ходимлари қуйидагиларга қатъий амал қилишлари лозим. Бу қоидалар орқали ҳар қандай аудиторияни, меҳнат жамоасини ва турли тоифадаги шахсларни ўзига жалб қила олади ва улар билан муносабатга киришиш имкониятига эга бўлади. **Улар қуйидагилар:**

1. Ҳар доим эркин сўзлашга интилинг, сўзлашдан олдин ҳаяжонланмасликка ҳаракат қилинг. Чунки, эркин сўзлаган одам ҳаяжонланмайди;

2. Нутқ сўзлашдан олдин пухта тайёргарлик кўринг. Яхши тайёргарлик аъло нутқ гаровидир. Нутқ муддати қисқа бўлсин, шунда унга тайёрланиш учун имконият кўпаяди;

3. Ҳар қандай нутқингизнинг давомийлиги 20 дақиқадан ошмасин, акс ҳолда зерикарли бўлади;

4. Гапириб ўйламанг, балки ўйлаб гапиринг;

5. Кўпроқ тингланг, шунда кўп нарсани билиб оласиз. Тинглай олиш ҳам санъат. «Сўз – кумуш, сукут – олтин» нақлига амал қилинг;

6. Ўзингизда қатъиятни шакллантириш учун кўпроқ машқ қилинг, яъни энг аввало ўз яқинларингиз ёки ҳамкасбларингиз олдида нутқ сўзлаб кўринг;

7. Бирон-бир жойда нутқ сўзлайдиган бўлсангиз камроқ овқатланинг, чунки кўп овқатланиш фикрлашни сусайтиради;

8. Омма олдида сўзлашдан олдин унинг сценарийсини олдиндан тахминий режалаштиринг, аммо ташқи таъсирларни ҳам инобатга олинг. Масалан, нутқ сўзлаганингизда сизга тасодифан савол беришлари мумкин. Шунинг учун гапираётган гапингиздан қандай хулосалар чиқиши мумкинлигини олдиндан англаб олинг;

9. Сиз қандай аудтиторияда нутқ сўзлашингиз мумкинлигини олдиндан билганингиз маъқул. Чунки, уларнинг ёши, касб-кори, яшаш жойи, эҳтиёжларини олдиндан билиш, нутқингизнинг жонли чиқишига асос бўлади;

10. Ҳар доим регламентга риоя қилинг. Бунинг учун нутқингизнинг кенг ва тор шаклларини ўйлаб қўйганингиз маъқул. Бунда кўпроқ статистик маълумотлар ва кам ишлатиладиган мураккаб терминлардан фойдаланишга ҳаракат қилинг;

11. Шуни ёдда тутингки, ҳар қандай нутқнинг боши, ўртаси ва охири бўлади. Энг асосийси, сиз нутқингизнинг қандай тугатиш ҳақида ўйланг;

12. Сиз нотиқсиз, биринчи жумлани ва нутқнинг хулоса қисмини ўйлашга мажбурсиз, қолган гапларни ўз йўналишида боғлаб кетаверишингиз мумкин;

13. Расмий ҳужжатларни, нотаниш матнларни ўқиб беришингиз мумкин. Нутқнинг бошқа турлари эса ўқилганларни мустаҳкамлайди, яъни юқорида кўрсатилган матнлардан

[1] Ўзбекистон Республикаси ички идоралари ходимларининг касб маданияти ҳақида қўлланма. – Т., 2011. – Б.9.

ташқари қўшимча нутқ матнини ёзиш шарт эмас. Чунки ёзган матнингиз гапиришингизни қийинлаштиради. Тажрибасиз нотиқ ёзилганлардан ниманидир тушириб қолдиришдан қўрқиб, баттар хатога йўл қўйиши мумкин;

14. Оммавий тадбирларда нутқ сўзлашдан олдин ўзингизнинг ташқи кўринишингизга эътибор беринг. Иложи борича дадил, вазмин ва қоматни тик тутиб гапиришга ҳаракат қилинг;

15. Сиз гапирганингизда ҳаяжонлансангиз асло қўрқманг, ҳар қандай ақлли одам омма олдига чиққанида ҳаяжонланиши табиий, сиз ҳаяжонни сўзларга, эмоцияга ўтказишга ҳаракат қилинг, маърузангиз эмоционал ва жозибали бўлишига интилинг;

16. Жуда қаттиқ ҳаяжонланиш зарарли. Ундан қочиш керак. Чиқиш қилишдан олдин яхши нарсалар ҳақида ўйланг ва нутқ мазмунидан ўзингизни чалғитинг. Аудитория ҳақида ўйлаб ваҳима қилманг. Агар буни иложини тополмасангиз ёки чалғиш ёрдам бермаса, қўлларингизни елка кенглигига қўйиб, бармоқларингизни букинг. Сўнгра сакраб, бир қанча ҳаракатлар қилиб, орқага чалқайинг. Агарда буни ҳам иложини тополмасангиз, оёқларингизнинг бармоқларини кучли ҳаракат қилдиринг;

17. Нутқ олдидан ва гапираётган вақтингазда сув ичманг, сув юрагингизга кераксиз юк бўлади ва овозингизни буғади. Чиқиш қилиш олдидан кераксиз гаплардан гаплашманг;

18. Гапириш вақти келганда ташқи кўринишингизни тўғрилаб, дадил қадамлар билан нутқ сўзлаш лозим бўлган жойни эгалланг;

19. Устингиздаги кийим-кечакларингиз кенг ёки ўта тор бўлмасин, пойафзалингиз оёқларингизни сиқиб қўймасин, галстугингиз бўйнингизни бўғиб қўймасин. Либосингизнинг тор ёки кенглиги эркин гапиришингизга ва ўзингизни эркин тутишингизга халақит беради;

20. Ўзингизни тўғри тутинг, елкангизни бироз буринг. Иягингизни бироз кўтариб, бошингизни тўғри тутинг. Оёқларингиз елка кенглигида бўлсин. Қўлларингизни қорин устида сиқиб ушламанг, букламанг, бармоқларингизни чалкаштирманг, қўлларни орқага қилманг, чўнтакка тиқманг, оёқларингизни чалиштирманг;

21. Нотиқ қотиб турмаслиги, қўлларини эркин тутиши, гапираётган пайтда қўлларини силкитмаслиги, жуда қотириб гавдага ёпиштириб ҳам турмаслиги лозим. Гапириш темпини, овозини мазмунга қараб ўзгартириб туриши керак. Нутқ юмшоқ ва ишончли бўлиши, лекин жуда чўзилиб кетмаслиги керак;

22. Гапираётганда оғизни меъёрида очиб гапириш, меъёрида нафас олиш ва чиқариш лозим. Овозни аудиториянинг катта-кичиклигига қараб мослаш, ўта баланд овозда қичқириб гапирмаслик керак;

23. Овозни юқорига ва пастга йўналтирманг, тингловчиларга тўғри йўналтиринг;

24. Имкони борича микрофондан фойдаланманг, микрофон аудиториядагилар билан тўғридан-тўғри боғланишга халақит беради;

25. Аудиторияга табассум билан юзланинг, улар диққат билан сизга боқмоқда. Уларга кучли назар ва хуш кайфиятда кўринасиз;

26. Оз фурсат жимлик сақланг. Агар шовқин бошланса жимликни чўзинг ва бирдан аудиторияга қаттиқ назар ташланг;

27 Нутқингизни юмшоқ ва енгил бошланг. Кучли зарб билан бошламанг, акс ҳолда нутқингизни якунлашга кучингиз етмай қолади, тингловчиларнинг ҳам тоқати тоқ бўлади;

28. Гапираётганингизда шуни унутмангки, сизни эшитишни истаган одамларга мурожаат қиляпсиз, нимани ёзсангиз ҳам сиғдираверадиган қоғозга эмас;

29. Ўзингизни тутиб ишонч билан гапирсангиз сизни ҳам завқ билан тинглашади;

30. Темп оралиғини сақлаган ҳолда баланд овозда гапиринг. Кенг ва муҳим маълумотни қисқа вақтга сиғдиришга уринманг. Шошиб гапирган нотиқ маълумот беришдан қўрқади ва минбардан тушириб юборишларини кутади;

31. Гапираётган вақтингизда аудиторияни кузатинг. Тингловчиларнинг диққати сизга қаратилган. Бироқ нутқингиз давомида бир шахсга ҳадеб мурожаат қилаверманг,

чунки ҳар бир тингловчи қайси нуқтага қараётганингизни, кимга қараб гапираётганингизни кузатиб турибди;

32. Катта аудиториядан қўрқманг, кичик аудиториядан қўрқинг. Аудитория қанча катта бўлса, ишонтириш шунча осон бўлади;

33. Ортиқча гапирманг. Нотиқ ниманики гапирса, омма шуни гапиради, нимани ўйласа, шуни ўйлайди. Шунинг учун нотиқ нима гапиришини ҳамиша ўйлаб гапиради. Лекин у нимани ўйласа ҳаммасини гапира олмайди ва улгурмайди;

34. Инсонсевар бўлинг, иложи борича қисқа гапиринг, нутқнинг оммабоп жаранглаши тингловчиларнинг бутун борлиғига таъсир қилади. Айни дамда тингловчилар айтилаётган нарсаларнинг ўзлари учун энг керакли эканлигини англайди;

35. Иложи борича адабий тилда гапиришга одатланинг, чет тилига хос сўзлардан имкон даражасида камроқ фойдаланишга ҳаракат қилинг;

36. Бир сўзни қайта-қайта такрорлашдан қочинг, чунки бу ёмон иллат;

37. Нутқингизни сўз билан эмас, жумла билан безашга одатланинг. Жумлалар бир-бирига мантиқан боғлансин. Бошлаган жумлангизни якунига етказинг. Гапираётган жумлаларингизнинг узун-қисқалигини аудитория ва хонанинг кенглигига қараб тузинг. Аудитория қанча катта бинода бўлса, гапираётган жумлаларингизнинг ўртача узунлиги шунча қисқа бўлиши керак;

38. Нутқда сўз ва жимликнинг (пауза) ўрни галма-галдан алмашиниб туриши керак. Жим туриш сўз ва жумланинг тузилишига вақт ажратиш демакдир. Жим туришда аудиториянинг сизнинг фикрларингизга бераётган баҳосини англайсиз. Аммо тўғри келган жойда тинимсиз жимлик ҳам ярашмайди. Жимлик аудиториядан жавоб кутаётган пайтингизда керак;

39. Оммабоп нутқ оҳангга боғлиқ: оҳанг жумлаларга ва сўзга сайқал беради. Нутқ мазмунига нотиқнинг муносабатини белгиловчи оҳанг табиий ва ишончли бўлиши керак. Оҳангни ҳеч қачон жумлалар охирига сурманг;

40. Нотиқ оммабоп нутқ сўзлаётганда ўзини булбулдай ҳис этмаслиги керак. Сиз одамларнинг фойдасига гапиряпсиз, ўзингизни кўз-кўз қилиш учун эмас. Шунинг учун ҳамма вақт нутқингиз устида ишланг, унинг аудиторияга таъсирини кузатинг. Одамларнинг маълум гуруҳи сизни қўллаш-қўлламаслигини аниқланг. Сизга эътиборлими ёки паришонхотирми, қизиқиб эшитяптими ёки аҳамиятсиз, дўстонами ёки зўрма-зўраки эканини кузатинг. Нотиқ гапираётганда аудиторияда нима бўлаётганини кўриб туриши лозим ва ўз вақтида аудитория ҳолатини изга солиб туриш керак;

41. Агар аудиторияда шовқин кўтарилса, овозингизни баланд қилманг, аксинча, пасайтиринг ёки жимгина аудиторияга диққат билан қаранг;

42. Залдаги қочириқ гаплардан қўрқманг. Нутқ сўзлаётганингизда дискуссияга йўл қўйманг. Мўлжалдаги гапларингизнинг ҳаммасини айтишингиз шарт. Нутқ давомидами ёки ундан кейинми, сизга берилган саволларга жавобни аниқ, тушунарли, қисқа қилинг, тўлиқ жавоб бериш шарт эмас;

43. Ҳар қандай нутқнинг якуни дадил ва мустаҳкам бўлсин. Якунловчи оҳангда овозни кўтариб керакли гапларнинг ҳаммасини айтганингизни сездиринг, аудиториянинг диққат-эътибори учун миннатдорчилик билдиришни унутманг.

Суҳбатнинг самарадорлигини ошириш юзасидан тавсиялар

I. Баҳс тактикаси

а) асослаш (исботлаш) жараёнининг самарадорлигини максимал тарзда ошириш;

б) рақиб далилларининг самарадорлигини тушириш;

в) танланган услубни қўллаш ёрдамида фикр ва далиллар алмашинуви жараёнини фаол назорат қилиш;

с) баҳсда умумий стратегик мақсадларни ифодалаш.

II. Баҳс юритиш тактикасига оид тавсиялар

1) ўз-ўзидан маълум бўлган нарсани исботлаш керак эмас. Мазкур қоиданинг бузилиши, айниқса, сиёсий баҳсда кўп ҳолатларда исботланаётган объектнинг беҳурмат

қилинишига, асослашни сийқалаштиришга, унинг қуруқ сафсатабозликка айланишига олиб келади;

2) агар оз нарсани асослаш кифоя қилса, ортиғини исботлашнинг ҳожати йўқ. Акс ҳолда баҳсда кўтарилган масала сийқалашиб кетиши ёки оппонентда нохуш таассурот уйғониши мумкин;

3) жорий баҳсда зарурати бўлмаган нарсани тушунтириш керак эмас;

4) тушуниб бўлмайдиган ёки тушунтириш учун зарур бўлмаган факт ва иш гипотезаси йўқ масалани тушунтириш (исботлаш)га ҳаракат қилиш керак эмас;

5) ўзингиз ишонмаган ёки охиригача тушуниб етмаган фикрни тушунтиришга ҳаракат қилмаслик керак;

6) фикрни баён этишда чалкашликларга, зиддиятларга йўл қўйиш керак эмас. Акс ҳолда, биринчидан, рақибга танқид учун йўл очилади, иккинчидан, баҳс мавзуидан четга чиқиб кетиш мумкин, энг муҳими эса, баҳсда ижобий натижага эришиш қийинлашади;

7) рақиб келтирган далилларга эътироз билдиришда меъёрни сақлаш лозим.

III. Баҳс, мунозара, суҳбатда суҳбатдош (рақиб)ни фаоллаштириш ва ўз позициясини мустаҳкамлашга ёрдам берувчи савол турлари

1) илмоқ-савол – суҳбатдош (рақиб)ни чалғитиш, руҳий мувозанатдан чиқаришга қаратилади;

2) қарши савол – суҳбатдош (рақиб)нинг фикр-мулоҳазасини йўққа чиқариш мақсадида берилади;

3) чегараловчи савол – суҳбатдош (рақиб)ни ўз нуқтаи-назари йўналишида фикрлашга мажбур этади;

4) мажбурловчи савол – суҳбатдош (рақиб)ни ўз фикри билан қўшилишга даъват этиш учун қўлланилади;

5) риторик савол – суҳбат, баҳс иштирокчиларини нотиқ фикри билан қўшилишини таъминлайди;

6) аниқлик киритувчи савол – суҳбатдошдан қўшимча маълумот олиш зарур бўлганда берилади.

V. Баҳс чоғида ўз фикрига иконтириш қоидалари

Биринчи қоида. Келтирилаётган далилларнинг кетма-кетлиги фикрнинг асосланганлиги белгилайди. Далил ва асосларнинг қуйидаги тартиби кўпроқ ишонтиради: кучли далиллар, ўрта далиллар, битта энг кучли далил. Кучсиз далиллардан иложи борича фойдаланмаслик керак, чунки улар фойдадан кўра кўпроқ зиён етказади. Бунда далилнинг қуввати (кучли-кучсизлиги) гапираётган одам нуқтаи назаридан эмас, балки тингловчи (қарор қабул қиладиган киши) нуқтаи назаридан белгиланишини эътибордан қочирмаслик керак.

Иккинчи қоида. Сиз учун муҳим бўлган масала юзасидан суҳбатдошингиз ижобий қарорга келиши учун уни тилга олишдан олдин гапни иккита қисқа, суҳбатдош учун қийин бўлмаган масаладан бошланг.

Учинчи қоида. Суҳбатдошни чорасиз ҳолатга туширманг. Унга ўз қадр-қимматини, обрўсини сақлаб қолиш имкониятини беринг. Мағлубиятни у шармандалик сифатида қабул қилмасин. (Масалан, сизнинг таклифингиз ёки фикрингиз суҳбатдошингизнинг ҳам бирон-бир эҳтиёжини қондиришини, истагига мослигини кўрсатинг).

Тўртинчи қоида. Далил ва асосларнинг ишонарлилиги, таъсирчанлиги сўзлаётган кишининг имиджи ёки мавқеига кўп жиҳатдан боғлиқ. Юқори лавозим ёки жамиятда тутган ўрни, масала бўйича мутасаддилиги, обрў-эътибори, жамоанинг ижобий фикри кишининг мавқеини ва у келтирган далилларнинг ишонарлилигини оширади.

Бешинчи қоида. Ўзингизни ерга урманг, ҳурматингизни сақланг, бунинг учун ўзингизга ишончни йўқотманг.

Олтинчи қоида. Суҳбатдошингизнинг мавқеини ерга урманг, чунки суҳбатдошга нисбатан намойиш этилган ҳурматсизлик, эътиборсизлик салбий муносабатлар уйғотади.

Еттинчи қоида. Биз ёқтирган суҳбатдошимизнинг далилларига ижобий ёндашамиз, ёқтирмаган кишимизнинг далилларига эса танқидий муносабатда бўламиз. Шундай экан, суҳбатдошда ёқимли таассурот уйғотишга интилиш керак. Ёқимли таассуротнинг уйғониши эса кўп омилларга боғлиқ: ҳурмат билдириш, тинглай билиш, нутқ саводи, тил равонлиги, ёқимли хатти-ҳаракатлар ва ташқи кўриниш ва ҳоказо.

Саккизинчи қоида. Суҳбатдошнинг фикрини ўзгартиришни хоҳласангиз, гапни ўзингизни ундан ажратиб турувчи нарсалардан эмас, унинг нуқтаи назарида сизга маъқул бўлган жиҳатлардан бошланг.

Тўққизинчи қоида. Суҳбатда ҳушёрлигингизни кўрсатинг, суҳбатдошнинг руҳий ҳолатини тушунишга, фикрлаш йўналишини тасаввур этишга, ўзингизни унинг ўрнига қўйиб кўришга, унга ҳамдардлигингизни кўрсатишга ҳаракат қилинг.

Ўнинчи қоида. Суҳбатдошингизни тўғри тушуниш учун тинглашни ўрганинг.

Ўн биринчи қоида. Суҳбатдошингизнинг фикрларини тўғри тушунаётганингизни текшириб туринг, бунинг учун вақти-вақти билан зарурат бўлганда унинг фикрини такрорлаб сўранг.

Ўн иккинчи қоида. Зиддиятга олиб келиши мумкин бўлган сўз ва ҳаракатлардан ўзингизни тийинг.

Ўн учинчи қоида. Ўзингизнинг мимикангиз, хатти-ҳаракатларингиз ва туришингизни назорат қилиб туринг.

Ўн тўртинчи қоида. Суҳбатдошингизнинг юз ифодаси, хатти-ҳаракатлари ва туриш ҳолатларини кузатиб боринг.

Ушбу тавсияларга риоя этиш фақат ва фақат фойда келтиради ва сизни одамлар томонидан тушунишини енгиллаштиради деб умид қиламиз.

3 - ўқув саволи. Ички ишлар орган ходимларининг мантиқий фикрлаш кўникмаларини ривожлантириш.

Инсоннинг дунёқарашини ривожланишида унинг тили ва нутқининг ривожланган бўлиши жуда муҳимдир. Мантиқий фикр юритиш қобилияти барча соғлом инсонларга хосдир. Инсоннинг билиш фаолияти учун Мантиқий фикр юритиш қобилияти универсал характерга эга. Тафаккур кўп қиррали, мураккаб, шу билан бирга, бир бутунни ташкил этадиган ақлий жараёндир. Мантиқ деганда инсонларнинг кундалик фаолиятида, муносабат ларида, тартибли, аниқ, асосли, яъни мантиқий ўйлай олиши тушунилади.

Ички ишлар орган ходимларининг мантиқий фикрлашни ривожлантиришнинг қуйидаги тамойилларини санаб ўтишимиз мумкин:

- муаммони қўйиш ва уни ечишнинг дивергент ва конвергент типларини қўллаш, яъни фикрлашда хизмат фаолиятини олиб бориш бир текисда эмас, балки масалада муаммонинг қўйилишини ривожлантириб бориш;

- охирги муҳим ахборотлар билан янгиланганлиги муаммонинг қўйилиши ва ечилишини узлуксиз ривожлантириб бориш;

- ички ишлар орган ходимининг мантиқий фикрлаши доирасининг кенгайиб бориши билан унинг ўз билим ва кўникмаларини амалиётда қўллай олиш малакасининг уйғунлиги;

- ички ишлар орган ходимининг ўз ҳатти-ҳаракатлари, амалиётида янги билимларни ўзлаштирганлигини ифодалай олиши;

- интеллектуал ташаббус кўрсата олиш ва масалани ечишда чамалай олишни билиш; бунда «интеллектуал ташаббус»

- ички ишлар орган ходимининг турли ижодий масалаларнинг ечилишида муаммони чуқурроқ кўра олишга, оригинал ва муқобил ечимларни топишга мустақил равишда интилишида намоён бўлади.

- конформизмга йўл қўймаслик, яъни нотўғри ечимга олиб келувчи ғоя ва ҳолатларни йўқ қилиш;

- ғояларни таҳлил қилишда танқидий ёндашув қобилиятлари шакллантирилади;

- муаммони чуқурроқ тадқиқ қилишга интилиш;

- хизмат фаолиятида ҳурфикрлиликка эришиш, яъни муаммони тадқиқ қилишда ва ечишда мустақил изланишга эришиш;

- индивидуаллаштиришга эришиш

- муаммоли вазиятлада – ички ишлар ходимларининг хизмат фаолиятида муаммоли вазият вужудга келганда, вазиятдан чиқиш йўлини ўйлаб топиш ва йўналтира олиш.

Шунга асосан, биз юқорида таъкидланган тамойиллардан мақсадли фойдалансак, Ички ишлар ходимларининг мантиқий фикрлаши юқори даражада шаклланади.

Шарқда ҳам инсон фикрлаши муаммоси ҳилма-ҳил қарашлар негизида таҳлилга тортилган. Инсон ва борлиқ муносабатларига, фикрлашнинг турли ҳил фанлар асосида таҳлилига Форобий кенг тўхталади. Унинг фикрича, инсон маънавиятининг олий даражаси ақл, руҳ ва фикрлаш бўлиб, улар инсоннинг билиш фаолиятига мос бўлган шаклларда намоён бўлади.

1. Форобий «Ақл тўғрисида»ги китобида ахлоқли кишининг «ўн икки туғма хислати»ни таърифлаб, одамнинг фикрлаш қобилиятига тўхталиб ўтади. Форобий фикрлаш қобилияти юқори бўлган инсон барча топшириқлар юзасидан ўтказиладиган таҳлилларни тез ва тўлиқ тушунадиган, унинг маъносини ўзлаштириб, сўзлаётган шахснинг мақсади ва баён қилинган фикрининг ростлигини тушунадиган, қуввайи ҳофизаси кучли, борлиқдан қабул қилган маълумотларининг барчасини эслаб қоладиган, хотирасида сақлаб қоладиган, зеҳни сезиши билан, бу аломат нимани англатишини тезда аниқлаб оладиган, фикри ва айтмоқчи бўлган мулоҳазаларини тўлиқ ва изчил баён эта оладиган, билимларни осон, тез ўзлаштира оладиган бўлишини кўрсатиб ўтади [2]

Инсон фикр, ақл, сезгилари воситасида билимларни эгалланиши тўғрисида қомусий олим Абу Райҳон Беруний мулоҳазаларини баён қилар экан, шундай деб ёзади: «Фақат сезги орқали, сезги органлари билан эришилган билимлар хатоларга олиб келиши мумкин. Агар инсон сезгилардан фикрлаш ва хулоса чиқаришда фойдаланса, ана шу сезгилар ёрдамида идрок қилинадиган нарсаларни ўрганишда жуда катта ютуқларга эришиши мумкин. Истакларга меҳнат туфайли эришилади» [2].

Унинг таъкидлашича, ҳаётий вазиятларда, мавжуд муаммоларни ечиш жараёнида сезги органлари орқали қабул қилинган маълумотлар тўғридан-тўғри идрок қилинмасдан, балки фикр тўлиқ ташхисланса ва тегишли хулосалар чиқарилса, ана шу билимгина ҳақиқий ва мустаҳкам бўлади. Сўз ва тафаккурни бир-бирига чамбарчас боғлиқ бирликлар сифатида кўрган Алишер Навоий ўз асарларида фикрга масъулият билан қараш муаммоси ҳақида “Сўзни кўнгулда пишқормагунча, тилга келтирма, ҳарнаким кўнгулда бўлса тилга сурма”, тарзида ўз қарашларини баён қилади. Шоирнинг «Маҳбуб-ул-қулуб» асарида ҳам билим олган, аммо тўғри фикр юрита олмайдиган инсонни «Илмига амал қилмаган олим устига китоб ортилган эшак кабидир» дея ундайларни «нодон» деб атайди. Абдулла Авлоний «Туркий Гулистон ёхуд ахлоқ» асарида бадан ва фикр тарбиясига алоҳида аҳамият беради. Унинг таъкидлашича, фикр тарбияси «муаллимнинг ёрдамига сўнг даражада муҳтождир» ва инсон ҳаётида муҳим аҳамиятга эга. Шу нуқтаи назардан ички ишлар орган ходимларининг ўз ақлий фаолияти, ижодий топшириқларни ечишда чуқур ўйланиши

[2] Худойназаров Э.М. Бошланғич синф талабаларининг мантиқий фикрлашини ривожлантириш методикасини такомиллаштириш. Фал. ф. д…дисс. – Термиз., 2022. –152 б.

натижасида вужудга келади. Ушбу ақлий фаолиятнинг юқори, изчил даражасини ифодалайди. Шунга асосан ўқув билув фаолиятнинг жадаллашуви таъминланади. Бир нечта психологлар ижодий фикрлаш ва ижодий фаолият муаммоларини ўрганганлар.

Ижодий фикрлаш – 1. эркин фикрлаш ва ижодкорлик тамойили устувор бўлган тафаккур шакли. 2. Ички ақлий бир-бирига боғлиқ бўлган омиллар асосидаги янги тафаккурга эга бўлишнинг мантиқий изчиллиги маҳсулидир. Ижодий фикрлаш воқеаларни таҳлил этиш, қиёслаш, таққослаш, асосида фикрни такомиллаштириш, унинг янги қирраларини топиш, шу тариқа билим ва тасаввур дунёсини бойитишни назарда тутади. Ижодий фикрлаш – инсонга хос бўлиб. Бу хусусиятдан маҳрум бўлганлар бамисоли ҳамма ишни кўр-кўрона бажарадиган қулга айланиб боради. Ижодий фикрлашга эга шахс ўз мустақил фикрига эга. У ҳаётга, одамларга эркин муносабатда бўлиб, ҳар қандай воқеа юзасидан ўз фикрини баён қила олади. Ижодий фикрлаш – инсонлар жамоасини маънавий янгилаш, одамларнинг тафаккурини кенгайтириш, эзгу ғоялар тантанасини таъминлашнинг муҳим шартидир. Ижодий фаолият – муайян соҳада иш-фаолият билан шуғулланувчи инсоннинг аниқ бир мақсадга интилувчанлиги, махсус хиссий ҳолати – илҳомланиши, руҳий кечинмаси, шунингдек, муаммони тўлиқ ҳал этиш истакларини мужассамлаштирган фаолият тури.

Маҳсулдор жараёнлар ички ишлар ходимларинг томонидан фикрлаш лаёқатини ривожлантирувчи омил – муаммоли ҳолатларни ечиш давомида кечади. Ички ишлар ходимларида мустақил, ижодий фикрлаш лаёқатини ривожлантириш ўқитишнинг максадга мувофиқ йўналтирилганлиги, унинг олдига қўйилган муаммога боғлиқ. Энди биз томонимиздан қўйилган муаммолар билан боғлиқ айрим изланишлар тахлилига тўхталамиз:

Олимлар фикрича мантиқий фикрлаш назарий фикрлашнинг ўзи эканлиги, у эмпирикдан аналитик, режалаштирувчи, рефлексив фикрлашгача бўлган даврни муайян изчилликда босиб ўтади (Атаханов Р., .Давыдов В.В, Ле Тхи Кхань Кхо, Максимов Л.К. ва б.). Маданий фикрлаш – шундай фикрлашки, бунда фикрлашнинг турли усуллари ва амалларининг қўлланиши маълум бир тартибда, қатъий тизимда, ечилаётган фикрлаш масаласи характерига тўла мос равишда амалга оширилади. Шу тариқа биз “фикрлаш” тушунчасига нисбатан бир нечта ёндашувларни тахлил қилдик. Фикрлаш шахснинг фаоллигини тавсифловчи жараён бўлиб, унинг узлуксиз ривожланаётганлиги фаолиятда намоён бўлади. Мантиқий фикрлаш назария ва амалиётни, фикрлашнинг конвергент ва дивергент турларини уйғунлаштиради ҳамда ўзига хос топқирлик билан тавсифланади. Конвергент фикрлаш муаммонинг ягона ечимини топишга қаратилган, дивергант фикрлаш эса масаланинг мумкин бўлган барча ечимларини излашга йўналтирилган фикрлаш тарзидир. Эвристик услублар реал ҳодисаларнинг математик моделларини қуришнинг асосли эканлигини кўрсатди, мантиқий услублар эса унинг “қатъий” талаблари билан математик модел ичидаги масалани ечишга хизмат қилди.

Шундай қилиб, ички ишлар орган ходимларинг мантиқий фикрлаш жараёни топшириқни ечиш тартиби билан чегаралганлиги сабабли бази экстримал вазиятларда уларнинг мантиқий фикрлашида айрим тўсиқлар пайдо бўлади. Мураккаблик даражасига эга бўлган топшириқларни ечишда, хизмат фаолияти жараёнида муаммоли-изланиш услубидан фойдаланиш талаб қилинади. Муҳим масалалардан яна бири хизмат фаолиятидан ташқари ишларни ташкил қилиш жараёнида ходимнинг имкониятларини аниқлашга хамда мантиқий фикрлаш лаёқатини ривожлантиришда ёрдам берадаи. Бунинг учун қуйидаги муаммоларни ҳал этиш талаб қилинади: ички ишлар орган ходимининг мантиқий фикрлаш фаолиятини ривожлантиришда хизмат фаолиятидан ташқари ишларни ташкил қилишнинг методик имкониятларини аниқлаш зарурияти мавжуд.

3.2 - Мавзу: Ҳуқуқбузар шахслар билан мулоқот психологияси.

Назарий машғулот (2 соат)

РЕЖА:

1. Ҳуқуқбузар ва жиноятчи шахсларнинг психологик жихатлари.

2. Ҳуқуқбузар шахслар билан психологик алоқа ўрнатишда мулоқотнинг вербал ва новербал воситаларидан фойдаланиш.

3. Ҳуқуқбузар шахсларни ахлоқан тўғри йўлга солишда психологик таъсир этиш механизмалари

4. Ҳуқуқбузар шахслар билан мулоқот олиб бориш жараёнида тинглаш санъати ва трансакт анализ назарияси имкониятлари.

1 - ўқув саволи. Ҳуқуқбузар ва жиноятчи шахсларнинг психологик жихатлари.

Жиноят содир этган кишишнинг шахсий хусусиятларини таҳлил қилиш қуйдаги саволларга жавоб бериши учун керак:

ушбу шахс томонидан харакат нима учун ва қандай усулда содир этилган;

жиноят айнан қандай жавобгарликка тортилиши лозим;

жиноятчи шахс шаклланишининг шартлари қандай.

Ушбу ҳаракатни содир этишда жиноятчида намаён бўлган шахсий хусусиятларни ички ишлар органлари ходимлари билишлари ва жиноят ким томондан ҳамда нима мақсадда содир этилганлигини аниқлаш шарт.

Жиноятчининг шахсини билиш унга белгиланадиган жиноий жазо ва уни оғирлаштирувчи ва енгиллаштирувчи ҳолатларини англаш учун керак. *“Агар жиноят билан боғлиқ сабабларнинг занжирини унинг кетма-кетлиги бўйича эмас, балки тескари, яъни охиридан кўриб чиқадиган бўлсак, чунончи,* содир этилган жиноятдан унинг тарихига қараб. Унда биринчи навбатда *жиноят содир этган онгида ривожланган ва иштирок этган кўплаб психологик жараёнларга эътибор беришимиз лозим. Бошқача қилиб айтганда, гап жиноятчининг шахсий хусусиятлари, яъни унинг жиноят содир этишига бевосита ва яқиндан сабаб бўлган субъектив хусусиятлари ҳақида кетмоқда”.*

Жиноятчининг шахсини (тавсифлаш) характерлаш- яъни, индивиднинг типологик, криминоген хусусиятларини аниқлаш ва ўрганишдир. **Жиноятчининг шахси** – *индивиднинг кўплаб типологик хусусиятлари, у томондан жиноятнинг муайян бир турини содир этишга ёрдамлашувчи хусусиятдир.*

Инсон шахсни баҳолаётганда, ҳаёт фаолиятининг стратегияси ва хулқининг умумий схемасини ҳосил қилувчи умумий услублар ва уларнинг вужудга келишини ўрганмоқ лозим.

Шахсий типни вужудга келтирувчи психологик омиллардан бири бу фикр ҳосил бўлишининг механизми ҳисобланади. Инсон ўзини шундай тутадики, яъни ўз фикрини хулқ-атвор натижаларига бағишлаган ҳолатда намоён қилади. Шахларга унинг хақиқатга мос келувчи ҳаракатларга қараб баҳо бериш мумкин. Инсоннинг ўзи барча шахсий фикрларини англамайди, уларнинг бир қисми мавхумдир. Лекин, ҳар бир англанган ҳаракатни ўзи учун керакли ёки зарур, яъни ўзининг шахсий қийматлиги сингари **“санкциялаштиради”.**

Жиноятчиларнинг хулқида жиноий ҳаракатнинг фойдалилиги ҳақидаги шахсий баҳосида умумий хатоликлар мавжуд. Жиноятчи шахслар одатда жиноий мақсадларга эришиш йўлида вужудга келадиган ижтимоий қийматликларнинг ўзларини оқлаш мотивлари тизимлари билан енгадилар. Ўз ҳаракатларини оқлаш орқали ўзидан жавобгарликни соқит қилиш – кўпчилик жиноятчиларнинг харакатерли хусусияти хисобланади.

Жиноий ҳаракатни содир этиш жиноятчи шахсларнинг ўзига юқори баҳо бериши билан боғлиқ бўлади. Бу шундан далолат берадики, жиноятчи шахслар ўзларини бошқариши ва баҳолашларида чуқур хатоликларга йўл қўйишар экан. Жиноятчи шахсларда психологик жиҳатдан ўзини ҳимоя қилиш тизими шаклланар экан.

Жиноятчи шахсларда содир этилган жиноятларидан ўзини ўзи оқлаш турли усуллар билан амалга оширилади:

Жиноятчи шахсларнинг ҳар бир хатти-ҳаракати ва содир этган жиноятларида жиноятчи шахсининг мотивлари ётади. Жиноятчи шахсларнинг яшириган ички мотивлари шахсий негатив хусусиятлари орқали –қасд, рашк, дўстликни ва ҳамкорликни олдиларига қўйилган мажбуриятни нотўғри тушуниш натижасида шаклланади.

Ҳар бир шахнинг эҳтиёжлари унинг учун индивидуал заруриятлар тизимидек намоён бўлади. Эҳтиёжлар турли хил: обеъктив зарурий ва ҳар хил эҳтиёжлар- **квази эҳтиёжлардир** (квазипотребности).

Жиноят содир этган шахсларнинг эҳтиёжлари – ўзининг торлиги, чегараланганлиги, бир томонламалиги, ижтимоий ижобий эҳтиёжларнинг яхши ривожланмаганлиги (меҳнатда, яхши хулқ-атворда), уларни қондиришнинг ўрта меъёрлардан ошиб кетганлиги, ғайритабий бузуқликда (жинсий, гиёҳвандга боғлиқликда ва бошқалар).

Жиноятчи шахс – бу жиноят **содир** этган ва суд томонидан айбдор деб топилган шахсга айтилади. Суд психологиясида, жиноятчи шахси ҳақида гап кетар экан, айбдор шахснинг психологик ўзига хос индивидуал жиҳатларини инобатга олиш лозим.

Бундан ташқари, йирик рус олими А.Ф.Лазурский шуни исботладики, инсоннинг шахсий психик бузулишлари ундан муайян бир психологик қобилиятлар (ақл, ирода, ҳиссиёт) етишмаслигида эмас, балки анъанавий психик шароитлар билан инсон ривожланишида юзага келадиган ташқи шарт-шароитларнинг ўзаро мос келмаслигидир.

2 - ўқув саволи. Ҳуқуқбузар шахслар билан психологик алоқа ўрнатишда мулоқотнинг вербал ва новербал воситаларидан фойдаланиш.

Психологик алоқа тушунчаси – мулоқот турларининг кенг равишда амалга татбиқ қилиниши бўлиб ушбу жараёнда инсоннинг ҳолатига сезиларли таъсир кўрсатилади. Хоҳлаган ахборотни мулоқот жараёнида тўлиқ бериш, унинг тўғри қабул қилинганлиги ҳақидаги сигнал қониқиш ҳолатини вужудга келтиради ва мулоқот жараёнини фаоллаштиради.

Ҳар бир мулоқотда бир неча мақсад кўзда тутилиши мумкин. Ички ишлар органи ходими ҳуқуқбузар шахсни ахлоқан тузатиш, унинг жиноий фаолиятни давом эттиришга тўсқинлик қилиш ҳамда ҳуқуқбузар шахс, шунингдек бошқа шахслар янги жиноят содир этишининг олдини олиш каби мақсадни кўзлаши мумкин. Мулоқот доимо инсон табиати билан боғлиқ бўлади. Масалан, ҳуқуқбузар шахс жанжалкаш бўлиши мумкин, жанжал низолар натижасида юзага келади. Бунда ҳуқуқбузар шахснинг низоли вазиятни келтириб чиқарадиган ҳолатларини ўрганиш керак бўлади.

Ички ишлар органи ходимлари ҳуқуқбузар шахслар билан мулоқот қилиши учун чуқур билим ва қуйидаги **ижтимоий-психологик фазилатларга** эга бўлишлари керак:

1) турли тоифадаги ҳуқуқбузар шахслар билан тезда мулоқотга киришиш, уларга маъқул бўлиш;

2) ҳуқуқбузар шахсларнинг гапини эшита олиш қобилиятига эга бўлиш;

3) ҳуқуқбузар шахсларга психологик таъсир кўрсата билиш;

4) мулоқот жараёнида психологик тўсиқларни бартараф этиш ва ҳоказо.

Ички ишлар органи ходимларининг коммуникатив фаолияти махсус жиҳатларга эга бўлиб, у бир қатор психологик хусусиятларни, ***биринчидан,*** ички нутқнинг ўзига хос томонларини, ***иккинчидан,*** унинг қийинлигини кўрсатади. Ушбу мулоқотнинг муҳим хусусияти унинг касбий йўналганлигидир. Зеро, ходимлар ҳуқуқбузар шахсларни ахлоқан тузатиш, унинг жиноий фаолиятни давом эттиришга тўсқинлик қилиш ҳамда ҳуқуқбузар шахс, шунингдек бошқа шахслар янги жиноят содир этишининг олдини олиш мақсадида бошқа ҳуқуқбузар шахслар билан мулоқотда бўладилар. Ички ишлар органи ходимлари

ҳуқуқбузар шахсларни ахлоқан тузатишга ҳаракат қилсалар, айрим ҳуқуқбузар шахслар, аксинча, муассасада ўрнатилган режимни бузишга интиладилар.

Ички ишлар органи ходими процессуал қонунлар доирасида ҳаракат қилади, яъни ҳуқуқбузар шахсга нисбатан бўлган салбий муносабатига қарамасдан мулоқот қилишга мажбур.

Мулоқот жараёнида объектнинг ўзига хос томонлари борлигини ҳам ҳисобга олиш лозим. Шуни айтиш жоизки, кўп ҳолатларда ҳуқуқбузар шахслар жамиятдаги ахлоқсиз, одобсиз ва виждонсиз кишилар бўладилар. Натижада мулоқот жараёнида ҳар хил психологик тўсиқлар пайдо бўлиб, кўпроқ улар сунъий равишда вужудга келтирилади.

Мулоқот жараёнида қуйидаги психологик тўсиқлар вужудга келиши мумкин:

1) мотивацион тўсиқлар;

2) ақлий тўсиқлар (интелектуал);

3) эмоционал тўсиқлар;

4) тарбиявий жараёндаги тўсиқлар.

Мотивацион тўсиқлар ҳуқуқбузар шахснинг ходим билан мулоқотга киришишдан бош тортиши, муомалани тўғри, аниқ кўринишда олиб борилишини хоҳламаслигида намоён бўлади.

Ақлий тўсиқлар ҳуқуқбузар шахснинг ходимга нисбатан билим доирасининг кенглиги, мантиқий фикрлашининг чуқурлиги ва ҳуқуқий саводхонлиги юқори бўлган тақдирда вужудга келади.

Эмоционал тўсиқлар мулоқотга киришувчиларнинг психологик ва эмоционал-иродавий ҳолатларидан келиб чиқади (тажовузкорлик, қўрқув, асабийлашиш, хўрланиш ва бошқалар).

Тарбиявий жараёнлардаги тўсиқларга ички ишлар органи ходимлари ҳуқуқбузар шахсни ахлоқан тузатиш, унинг жиноий фаолиятни давом эттиришга тўсқинлик қилиш ҳамда ҳуқуқбузар шахс, шунингдек бошқа шахслар янги жиноят содир этишининг олдини олишида учрайди.

Мулоқот жараёнида психологик тўсиқларни бартараф этишнинг зарурий шарти ҳуқуқбузар шахслар билан психологик алоқа ўрнатишдир. Бундай алоқа ўрнатиш зарурати бир қанча ҳолатлар билан боғлиқ.

Психологик алоқа ўрнатишдан кўзланадиган мақсадлар:

– кутилаётган мулоқот жараёнида субъектнинг психик (руҳий) фаолиятини жадаллаштириш;

– мулоқотда қўрқув ва хавотирларни олиб ташлаш;

– психологик мослашув (адаптация) жараёнини осонлаштириш.

Шу жиҳатдан қараганда, ***психологик алоқа ўрнатишнинг қуйидаги асосий босқичлари*** қизиқиш уйғотади:

Психологик алоқа ўрнатишнинг бир неча босқичлари мавжуд:

1) бўлажак мулоқотни башорат қилиш;

2) алоқани енгиллаштирувчи ташқи омилларни яратиш;

3) ташқи коммуникатив сифатларнинг намоён бўлиши;

4) умумий ва бетараф қизиқиш доираларини аниқлаш;

5) муомаладаги оғишларни бартараф этиш;

6) индивидуал таъсир кўрсатиш.

Бўлажак мулоқотни башорат қилиш. Психологик алоқа ўрнатишнинг самарали бўлиши учун дастлабки режалар бўлиши мақсадга мувофиқдир. Бунинг учун ички ишлар органи ходимлари ҳуқуқбузар шахс ҳақида зарур маълумотларга эга бўлиш керак. Бундан ташқари, унинг индивидуал-психологик хусусиятларини билиш ҳам алоқа ўрнатишда ёрдам беради. Шунингдек, ҳуқуқбузар шахснинг эмоционал психологик сифатлари: жиззакилик, тажовузкорлик, яширин характер, гумонсираш ва бошқалар психологик алоқа ўрнатишга

салбий таъсир этади. Келтирилган сифатлар башорат қилиш даврида инобатга олиниши керак.

Алоқани енгиллаштирувчи ташқи омилларни яратиш. Мулоқотда намоён бўладиган ҳар қандай ҳолатларда ташқи омиллар ижтимоий вазиятларга мос тушиши зарур. Суҳбатдошингизга ҳеч нима халақит бермаслиги ва уни чалғитмаслиги керак. Суҳбат давомида ўзаро ишонч муҳити сақланиб қолиниши шарт.

Ташқи коммуникатив сифатларнинг намоён бўлиши. Нутқ маданияти, мимика, ташқи кўриниш психологик алоқа ўрнатишда ижобий натижа беради. Суҳбатдошингизда ҳам шунга қараб ижобий эмоционал ҳолатлар юзага келади, бу эса алоқа ўрнатишда зарур омиллардан ҳисобланади. Суҳбатдош билан мулоқотнинг бошидан ҳамфикр бўлишга ҳаракат қилиш керак.

Умумий ва бетараф қизиқиш доираларини аниқлаш. Мулоқотнинг бошида ҳуқуқбузар шахс билан умумий тил топиш муҳимдир. Бу вазифани ҳал этишда умумий, шу билан бирга, бетараф қизиқишлар доираси, масалан, бирон-бир спорт ўйинлари, саёҳат ва бошқа қизиқишларни аниқлаш ёрдам беради. Умумий қизиқишларни қидириб топиш ижобий эмоционал ҳолатларга олиб келади. Бу ўз-ўзидан мулоқотда суҳбатдошни яқинлаштиради. Бетараф қизиқишлар психологик муҳитни енгиллаштиради ва мавқени тенглаштиради.

Муомаладаги оғишларни бартараф этиш. Ҳуқуқбузар шахслар билан психологик алоқа ўрнатиш даврида муомаладаги оғишларни бартараф этишга диққатни кўпроқ қаратиш керак, чунки бу оғишлар, масалан, бўлажак эмоционал зўриқиш, мулоқотнинг шаклланишига таъсир этувчи салбий омиллар, мулоқот мобайнида бегона шахсларнинг аралашуви ва бошқалар муомалага салбий таъсир этади. Муомаладаги оғишларни бартараф этиш – психологик алоқа ўрнатишнинг мажбурий шартидир.

Индивидуал таъсир этиш. Психологик алоқа ўрнатишнинг якуний босқичида ходим ҳуқуқбузар шахсга индивидуал таъсир кўрсатиши лозим. Бу таъсирнинг мақсади ҳуқуқбузар шахсни ахлоқан тузатиш, унинг жиноий фаолиятни давом эттиришга тўсқинлик қилиш ҳамда ҳуқуқбузар шахс, шунингдек бошқа шахслар янги жиноят содир этишининг олдини олиш, шу билан бирга, ҳуқуқбузар шахсларда келажакка ишонч ҳосил қилишдир.

Ички ишлар органи ходимлари ҳуқуқбузар шахслар билан психологик алоқа ўрнатишларида ҳуқуқбузар шахсларни тинглаш мулоқотнинг ўта муҳим таркибий қисмларидан биридир. Тинглаш санъатини пухта эгалламай ҳуқуқбузар шахслар билан ҳеч қачон ижобий муносабат ўрнатиб бўлмайди. Тинглай билмаслик оғир маънавий ва сезиларли руҳий зарар келтириши мумкин.

Баъзида сўзловчини тинглашса бас, унга суҳбатдошидан батафсил жавоб талаб этилмайди. Мулоқот иштирокчилари ҳар доим ҳам тинглашнинг аҳамиятини тушуниб етавермайди. Афсуски, инсон кўп ҳолларда шахслараро муносабатда тинглаш ҳам катта куч бўлиб, психотерапевтик восита эканини унутиб қўяди. Ваҳоланки, энг ажойиб суҳбатдош бу – тинимсиз қизиқарли воқеа ва латифалар айтиб бера оладиган инсон эмас, балки тинглашни биладиган инсон.

Биз суҳбатдошимизнинг сўзларини эшитамиз. Бироқ, эшитиш билан тинглаш бир хил нарса эмас.

Тинглаш икки хил бўлиши мумкин:

- норефлексив тинглаш;
- рефлексив тинглаш.

Норефлексив тинглаш сўзловчи кучли эмоционал кечинмалар (мусибат, алам ёки аксинча шод-хуррамлик)ни бошидан кечираётганда ва тушунувчи тингловчига муҳтож бўлганда қўлланилади, яъни суҳбатдош ўз кечинмалари билан ўртоқлашмоқчи бўлганда ишлатилади.

Норефлексив тинглашда жавоблар минималлаштирилади. Жавоблар нейтрал, суҳбатдошни ўз фикрини давом эттиришга ундайдиган бўлиши керак. Уларнинг энг кенг тарқалганлари қуйидагилар: **«Шундайми?», «Давом этинг бу жуда қизиқку», «ҳа, ҳа**

тушуняпман», «Буни эшитишдан жуда хурсандман», «Бироз батафсилроқ тўхталинг, қийин бўлмаса», «Хўш, хўш, хўш», «Шунақа гаплар денг». Бундай жавоблар суҳбатдошни руҳлантиради, ундаги тушунилмай қолишдан бўлган қўрқувни бартараф этади.

Норефлексив тинглаш қуйидаги вазиятларда фойдали бўлиши мумкин:

– ҳуқуқбузар шахс бирор масала бўйича ўз фикрини билдирмоқчи бўлганда;

– ҳуқуқбузар шахс ўз муаммоларини ифодалашга қийналаётганда;

– ҳуқуқбузар шахснинг дунёқараши пастроқ бўлганда.

Норефлексив тинглашни қуйидаги вазиятларда қўллаш тавсия этилмайди:

– ҳуқуқбузар шахс сўзлашишни унчалик хоҳламаганида;

– ҳуқуқбузар шахс ўз фикрининг тасдиғи ёки инкорини кутаётганда;

– ҳуқуқбузар шахс фаол кўмак ва қўллаб-қувватлашга муҳтож бўлганда.

Рефлексив тинглашда жавоб беришнинг тўрт тури мавжуд:

1) аниқлаштириш;

2) қайтариш;

3) ҳисларни акс эттириш;

4) умумлаштириш.

1. Аниқлаштириш – бунда ҳуқуқбузар шахсга унинг фикрини аниқлаштириш учун мурожаат қилинади ва ахборотни аниқроқ идрок этиш учун қўлланилади. Одатда қуйидаги жумлалардан фойдаланилади: **«Яна бир бор қайтариб юборолмайсизми?», «Нимани назарда тутаётганлигингизни яхши тушунмаяпман», «Нима демоқчилигингизни очиқроқ тушунтира олмайсизми?».**

2. Қайтариш – бунда ҳуқуқбузар шахснинг фикрини бошқачароқ шаклда тўғри тушунганлигини аниқлаштириш мақсадида такрорланади. Одатда қуйидаги сўзлардан бошланади: **«Сизни тушунишимча…», «Сизнинг фикрингизча…», «Бошқача қилиб айтганда…».** Қайтаришда ахборотнинг асосий мазмуни такрорланади.

3. Ҳисларни акс эттириш – бунда ҳуқуқбузар шахснинг эмоционал ҳолати ходим томонидан акс эттирилади. Одамлар, асосан, ўзлари учун аҳамиятли нарсалар ҳақида суҳбатлашганликлари учун ҳиссиётларни акс эттиришнинг аҳамияти катта. Ҳиссиётларни акс эттириш билан ходим ҳуқуқбузар шахсга аниқ ҳолатни тушунаётганлигини кўрсатиши ва у ўз сўзлари билан амалга оширилиши керак. Одатда қуйидаги жумлалар билан бошланиши мумкин: **«Менимча, сиз ҳозир ўзингизни…. ҳис этяпсиз», «Эҳтимол, ўзингизни…. ҳис этаётгандирсиз», «Бироз хафамисиз?», «Биламан сизга оғир», «Кайфиятингиз бузилганга ўхшайди».**

4. Умумлаштириш – бунда ҳуқуқбузар шахснинг фикри хулоса қилинади. Умумлаштириш орқали ходим ҳуқуқбузар шахснинг фикрини қанчалик тўғри тушунганлигини кўрсатади, унинг у ўз фикрини қанчалик аниқ ифодалаб бера олганлигини аниқлайди. Умумлаштириш учун одатда қуйидаги жумлалар ишлатилади: **«Шундай қилиб, гапингиздан хулосага келиш мумкинки….», «Хулоса қилиб айтганда, демоқчисизки…», «Гапларингиздан тушунишимча, сиз....ни назарда тутаяпсиз».**

Профессионал тинглаш техникасига қуйидагилар киради:

- **фаол ҳолат** – кресло ёки диванда бемалол ястаниб ёки ётиб олмаслик, суҳбатдошнинг юзидан ташқари жойларига қарамаслик, мимика, бош чайқаш каби ҳолатлар билан унинг ҳар бир сўзига қизиқаётганлигини билдиришни назарда тутади;
- **суҳбатдошга самимий қизиқиш билдириш** – бу нафақат суҳбатдошни ўзига жалб қилиш, балки ўзининг ҳар бир сўзига уни ҳам кўндиришнинг самарали йўлидир;
- **ўйчан жимлик** – бу суҳбатдош гапираётган пайтда юзда масъулият билан тингланаётгандай тасаввур қолдириш орқали ўзининг суҳбатдошга манфаатдорлигини билдириш йўлидир.

Агар биз суҳбатдошимизни яхши, диққат билан тингласак, бу билан биз унда ўз-ўзига ҳурматни ҳам тарбиялаймиз.

Мулоқотнинг психологик воситалари:

вербал (нутқ орқали)	**новербал (нутқсиз)**
– оғзаки нутқ;	– имо-ишора;
– ёзма нутқ;	– мимика, пантомимика.

Нутқий мулоқот воситаси. Энг универсал алоқа воситаси инсон нутқидир. Чунки нутқ ёрдамида ахборот беришда хабар мазмуни энг кам даражада йўқотилади.

Нутқ – вербал алоқа, яъни тил ёрдамида мулоқот қилиш жараёнидир. Нутқнинг ***ёзма*** **ва** ***оғзаки*** турлари мавжуд.

Оғзаки нутқ диалогик ва монологик нутқларга бўлинади. ***Диалог*** – бирор масалани биргаликда муҳокама қилаётган ва ҳал этаётган суҳбатдошларнинг сўзлашуви. ***Монологда*** эса бир одам уни тинглаётган бошқа одам ёки одамларга ахборот беради.

Ички ишлар органи ходимлари хизмат фаолиятида мулоқотнинг нутқий воситаларидан фойдаланиш жуда муҳим ўрин тутади. Ходим хизмат фаолиятининг самарадорлиги кўп жиҳатдан бевосита мулоқот жараёнида ёки турли хил ҳужжатларни тузишда ўз фикрларини тўғри ифодалаш, уларни тўғри баён этишига боғлиқ.

Нутқ мулоқотнинг универсал воситаси бўлса-да, у фақат фаолият тизимига алоқадор бўлган шароитдагина аҳамиятга эга бўлади, фаолиятга дахлдорлик эса мулоқотнинг бошқа – нутқсиз воситаларини қўллаш билан тўлдирилади.

Ушбу воситаларнинг биринчи гуруҳига мимика ва имо-ишора киради.

Мимика – юзнинг мулоқот пайтидаги динамик ифодаси.

Имо-ишора – жамиятда ишлаб чиқилган ва руҳий ҳолатни ифодалайдиган ҳаракат.

Пантомимика – инсон гавдасининг мимика, имо-ишора, интонациялар билан бирга унинг психик ҳолатини, айниқса, ҳис-туйғуларини ифодаловчи ҳаракатларидир. Уларга қараб биз инсоннинг бирор-бир воқеага, шахсга, нарсага муносабати ҳақида хулоса қиламиз. Имо-ишора одамнинг истаклари, унинг ҳозирги вақтдаги умумий ҳолатидан дарак бериши мумкин.

Новербал мулоқот тизимлари коммуникация жараёнида муҳим роль ўйнайди. Айрим маълумотларга қараганда 80% ахборот имо-ишоралар, мимика ва пантомимика ёрдамида ифодаланади. Албатта, бу миқдор анча оширилиб кўрсатилган бўлиши ҳам мумкин. Аммо бир нарса равшанки, новербал белгилар мулоқот жараёнида ўта муҳим аҳамиятга эга. Бу белгилар нутқни тўлдиради, баъзида ўрнини босади ва коммуникатив жараён иштирокчиларининг эмоционал ҳолатини акс эттиради. Шунинг учун мулоқот давомида новербал сигналларни кузатиш ва уларнинг мазмунини тушуниш жуда муҳимдир.

Новербал мулоқотнинг кинетик белгилар тизимида имо-ишоралар, мимика ва пантомимикадан кенг фойдаланилади.

Ички ишлар органи ходимлари ҳуқуқбузар шахслар билан муносабатга киришишда кескин қарорлар қабул қилишга тўғри келади.

Ҳуқуқбузар шахслардаги самимийликни, хулқ-атвори ва хатти-ҳаракатлари билан боғлиқ индикаторлар асосида уларнинг қандай ҳолатда эканликларини қандай аниқлаш мумкин?

Ички ишлар органи ходимлари ҳуқуқбузар шахсни ахлоқан тузатиш, унинг жиноий фаолиятни давом эттиришга тўсқинлик қилиш ҳамда ҳуқуқбузар шахс, шунингдек бошқа шахслар янги жиноят содир этишининг олдини олишда ҳуқуқбузар шахслар ёлғон гапириши ва носамимийликни кўрсатиши мумкин.

Ҳуқуқбузар шахс муассасада ўрнатилган режимни бузиш оқибатларини яхши билади ва жазоланиш унда қўрқувни юзага келтиради. Бу қўрқув ходимлар томонидан суриштирув ишларини амалга ошириш вақтида ҳуқуқбузар шахснинг ташқи аломатлари «сотиб» қўйиши мумкин.

Ҳуқуқбузар шахс ходимларга ёлғон гапираётганда стресс ва зўриқишни ҳис қилади. Жазоланишдан қўрқиш организмга кучли таъсир кўрсатади ва ҳуқуқбузар шахсда хавфга қарши психик реакция кузатилади.

Мулоқотга киришувчилар ўртасидаги масофаларнинг тўрт тури фарқланади:

1) интим (0–0,5 м)

2) шахсий (0,5–1,5 м)

3) ижтимоий (1,5–3 м)

4) оммавий (3 метрдан ортиқ).

Ходим масофани ўзгартириш орқали ҳуқуқбузар шахсларга қўшимча таъсир кўрсатишга эришиши мумкин, чунки бу билан шериклар ўртасидаги муносабатлар хусусияти ўзгаради.

Хулоса қилиб шуни таъкидлаш мумкинки, мулоқот ички ишлар органи ходимлари фаолиятида етакчи ўринни эгаллайди. Ҳуқуқбузар шахсни ахлоқан тузатиш, унинг жиноий фаолиятни давом эттиришга тўсқинлик қилиш ҳамда ҳуқуқбузар шахс, шунингдек бошқа шахслар янги жиноят содир этишининг олдини олишда мулоқотнинг вербал ва новербал воситаларидан фойдаланилади.

3 - ўқув саволи. Ҳуқуқбузар шахсларни ахлоқан тўғри йўлга солишда психологик таъсир этиш механизмалари

Ички ишлар органи ходимлари ҳуқуқбузар шахсларни ахлоқан тузатиш, унинг жиноий фаолиятни давом эттиришга тўсқинлик қилиш ҳамда ҳуқуқбузар шахс, шунингдек бошқа шахслар янги жиноят содир этишининг олдини олишда тарбиявий таъсир этишнинг психологик механизмларидан унумли фойдаланиши керак.

Ҳуқуқбузар шахсларга тарбиявий таъсир этишда ички ишлар органи ходимларининг нутқи қуйидаги қоидаларга мос келиши керак:

биринчидан, ходимнинг нутқи мазмунли бўлиши, фикр юритаётган мавзуни ҳар томонлама чуқур билишидан дарак бериб туриши;

иккинчидан, адабий ва грамматик жиҳатдан тўғри, ҳар қандай шевачиликдан холи бўлиши;

учинчидан, аниқ, равшан, қисқа ва тушунарли ифодаланиши;

тўртинчидан, мантиқий изчил, соф, кераксиз сўз ва иборалардан ҳоли бўлиши;

бешинчидан, ифодали, таъсирчан, ёркин, тингловчида қизиқиш уйғотадиган бўлиши;

олтинчидан, аниқ, содда, гўзал бўлган ҳолда нутқ мавзусига мос тушиши;

еттинчидан, ҳуқуқбузар шахснинг руҳий-маънавий ҳолати, ёши, касби-кори, жинсини ҳамда мавжуд вазиятни, давлат томонидан юритилаётган ички ва ташқи сиёсатни инобатга олиши керак.

Ички ишлар органи ходимлари ҳуқуқбузар шахслар билан муомалага киришар экан, уларнинг асосий кўзлаган мақсадларидан уларга психологик таъсир кўрсатишдан иборат.

Психологик таъсир – бу турли воситалар ёрдамида инсонларнинг фикрлари, ҳиссиётлари ва хатти-ҳаракатларига таъсир кўрсата олишдир.

Мулоқот жараёнидаги эътиборли ҳолат шундаки, суҳбатдошлар бир-бирларига таъсир кўрсатмоқчи бўлганда, даставвал нима дейиш, қандай сўзлар воситасида таъсир этишни ўйлар экан. Аслида эса, ўша сўзлар ва улар атрофидаги ҳаракатлар бунда муҳим рол ўйнайди. Масалан, машҳур америкалик олим Меграбян формуласига кўра, биринчи марта кўришиб турган суҳбатдошлардаги таассуротларнинг ижобий бўлишига гапирган гаплари **7%,** паралингвистик

омиллар **38%,** ва новербал ҳаракатлар **58%** гача таъсир қиларкан. Кейинчалик бу муносабат ўзгариши мумкин албатта, лекин халқ ичида юрган бир мақол тўғри: **«Уст-бошга қараб кутиб олишади, ақлига қараб кузатишади».**

Коммуникатив таъсир этиш усуллари бу – мулоқот, шунингдек, индивидларнинг бир-бирига коммуникатив таъсирининг муайян усулларини ҳам ўз ичига олади.

Таъсир этиш усулларининг қуйидаги турлари фарқланади:

Юқумлилик – таъсир кўрсатишнинг кишилар оммасини муайян тарзда, айниқса оммавий тартибсизликлар, диний жазавалар, оммавий психозлар билан боғлиқ равишда интеграция қилувчи махсус усули.

Умумий тарзда юқумлиликни индивиднинг онгсиз, ихтиёрсиз равишда муайян руҳий ҳолатларга тушишга мойиллиги сифатида таърифлаш мумкин. У муайян ҳиссий ҳолатнинг бировга ўтказилишида намоён бўлади.

Юқумлиликнинг психологик механизмларини инобатга олиш ички ишлар органи ходимлари учун ҳуқуқбузар шахслар томонидан вужудга келадиган оммавий тартибсизликларни бартараф этиш, оммавий маданий-томошабоп ва спорт тадбирларини ўтказиш даврида хавфсизликни таъминлашда муҳимдир.

Ишонтириш – исботсиз тасдиқланадиган ёки инкор этиладиган хабарларни танқидий қарашсиз қабул қилишга қаратилган коммуникатив таъсир кўрсатиш усули. Ушбу психологик ҳодиса ҳақидаги билимлар ривожининг ҳозирги босқичида «ишонтириш мантиқий исботсиз шаклланган ишончга таянади ва индивиддан индивидга, жамоадан шахсга берилади ёки аксинча, аниқроқ айтганда, автоматик тарқалади», деган қоидага асосланади. Инсон ишонтириш таъсирига ихтиёрсиз тушиб, ўзи англамаган ҳолда ҳаракат қила бошлайди. Ички ишлар органи ходимлари таъсир этишнинг ушбу усулидан жуда эҳтиёт бўлиб фойдаланишлари керак, баъзан ундан фойдаланиш қонун билан тақиқланади.

Кимнидир нимагадир ишонтириш – ишонтирилаётган шахс мантиқий мулоҳазалар ва хулоса чиқаришлар натижасида муайян нуқтаи назарга қўшиладиган ва уни ҳимоя қилишга ёки унга мувофиқ ҳаракат қилишга тайёр бўладиган ҳолатга эришишни билдиради.

Эътиқод мавжуд қарашлар, майллар, нуқтаи назарлар, муносабат ва баҳоларни ўзгартириш мақсадида у ёки бу қоида, қараш, қилмишнинг тўғрилигини ёки уларга йўл қўйиб бўлмаслигини мулоқот, тушунтириш ва исботлаш орқали ҳуқуқбузар шахсларнинг онги, ҳис-туйғулари ва иродасига таъсир кўрсатиш бўлиб, коммуникатив таъсир кўрсатишнинг энг универсал усулидир. Эътиқод механизми ҳуқуқбузар шахснинг ақлий фаолиятини жадаллаштиришга, унинг мақсадга эришиш йўллари ва воситаларини онгли равишда танлашига асосланган.

Тақлид қилиш онгли ёки онгсиз равишда намунадан нусха олишдир. У гуруҳ, жамоани ташкил этувчи ҳуқуқбузар шахсларнинг хатти-ҳаракатига хос бир хил усулларни ишлаб чиқиш имконини беради.

Мулоқот жараёнида психологик-педагогик таъсир этиш принциплари:

- таъсир этиш ҳуқуқбузар шахснинг аниқ ўзига хос сифатларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилиши керак.
- психологик таъсир этиш учун инсон психикасининг умумий қонуниятларини ва ривожланиш даражасини билиш лозим;
- таъсир этиш жараёни, унинг элементлари, оқибатларини олдиндан режалаштириш ва башорат қилиш тақозо этилади;
- ҳуқуқбузар шахс томонидан унинг ижобий таъсирланишини рағбатлантириб бориши керак;
- таъсир этиш инсон ҳуқуқларини поймол этмаслиги керак;
- ҳуқуқбузар шахсга таъсир этиш режалаштирилганида барча хатти-ҳаракатлари тизими аниқланиши ва ҳисобга олиниши даркор;
- таъсир этиш жараёнида ташқи таъсир этувчи омилларни ҳисобга олиш зарур;

➢ таъсир этиш ҳуқуқбузар шахснинг ҳиссий ҳолатини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади.

4 - ўқув саволи. Хуқуқбузар шахслар билан мулоқот олиб бориш жараёнида тинглаш санъати ва трансакт анализ назарияси имкониятлари.

Тинглаш мулоқотнинг ўта муҳим таркибий қисмларидан биридир. Тинглаш санъатини пухта эгалламай одамлар билан ҳеч қачон ижобий муносабат ўрнатиб бўлмайди. Тинглай билмаслик оғир маънавий ва сезиларли руҳий зарар келтириши мумкин.

Баъзида сўзловчини тинглашса бас, унга суҳбатдошидан батафсил жавоб талаб этилмайди. Мулоқот иштирокчилари ҳар доим ҳам тинглашнинг аҳамиятини тушуниб етавермайди. Афсуски, инсон кўп ҳолларда шахслараро муносабатда тинглаш ҳам катта куч бўлиб, психотерапевтик восита эканини унутиб қўяди. Ваҳоланки, энг ажойиб суҳбатдош бу – тинимсиз қизиқарли воқеа ва латифалар айтиб бера оладиган инсон эмас, балки тинглашни биладиган инсон.

Биз суҳбатдошимизнинг сўзларини эшитамиз. Бироқ, эшитиш билан тинглаш бир хил нарса эмас.

Эшитиш	Тинглаш
❖ Физиологик акт, унда товушларни беихтиёр идрок этиш юз беради; ❖ Товушни идрок этиш; ❖ Сезги аъзолари фаолияти ва нерв тизими автоматик реакцияси туфайли товушлар эшитилади.	❖ Иродавий акт, у кишидан маълум миқдорда иродавий зўр беришни талаб этади; ❖ Муайян маъноли товушларни идрок этишга қаратилган онгли уриниш; ❖ Товушлар идроки жараёнига иродавий зўр бериш, олий психик жараёнлар қўшилади.

Тинглаш икки хил бўлиши мумкин:

- норефлексив тинглаш;
- рефлексив тинглаш.

Норефлексив тинглаш сўзловчи кучли эмоционал кечинмалар (мусибат, алам ёки аксинча шод-ҳуррамлик)ни бошидан кечираётганда ва тушунувчи тингловчига муҳтож бўлганда қўлланилади, яъни суҳбатдош ўз кечинмалари билан ўртоқлашмоқчи бўлганда ишлатилади.

Норефлексив тинглашда жавоблар минималлаштирилади. Жавоблар нейтрал, суҳбатдошни ўз фикрини давом эттиришга ундайдиган бўлиши керак. Уларнинг энг кенг тарқалганлари қуйидагилар: «Шундайми?», «Давом этинг бу жуда қизиққу», «ҳа, ҳа тушуняпман», «Буни эшитишдан жуда хурсандман», «Бироз батафсилроқ тўхталинг, қийин бўлмаса», «Хўш, хўш, хўш», «Шунақа гаплар денг». Бундай жавоблар суҳбатдошни руҳлантиради, ундаги тушунилмай қолишдан бўлган қўрқувни бартараф этади.

Норефлексив тинглаш қуйидаги вазиятларда фойдали бўлиши мумкин:

– суҳбатдош бирор масала бўйича ўз фикрини билдирмоқчи бўлганда;
– суҳбатдош ўз муаммоларини ифодалашга қийналаётганда;
– суҳбатдош ўз мансабига кўра пастроқ бўлганда.

Норефлексив тинглашни қуйидаги вазиятларда қўллаш тавсия этилмайди:

– суҳбатдош сўзлашишни унчалик хоҳламаганида;
– суҳбатдош ўз фикрининг тасдиғи ёки инкорини кутаётганда;
– суҳбатдош фаол кўмак ва қўллаб-қувватлашга муҳтож бўлганда.

Психотерапевтлар суҳбат бошида кўпинча норефлексив тинглашдан фойдаланадилар. Норефлексив тинглаш етарли бўлмаганда *рефлексив* тинглаш ишлатилиши мумкин. Рефлексив тинглаш фаол тинглаш бўлиб, асосан идрок этилаётган ахборотнинг аниқлигини назорат қилиш мақсадида қўлланилади. Психотерапевтлар мижознинг ўз ҳиссиётлари ва муаммоларини ифодалай олишига ёрдам бериш учун рефлексив

тинглашдан кенг фойдаланадилар. Рефлексив тинглаш зарурати қуйидаги муаммолар билан боғлиқ:

– сўзнинг кўп маънолиги;

– ахборотнинг кодлашган тарзда узатилиши;

– инсон учун ўз муаммосини очиқ ифодалашнинг қийинлиги.

Рефлексив тинглашда жавоб беришнинг тўрт тури мавжуд: аниқлаштириш; қайтариш; ҳисларни акс эттириш; умумлаштириш.

Аниқлаштириш – бунда суҳбатдошга унинг фикрини аниқлаштириш учун мурожаат қилинади ва ахборотни аниқроқ идрок этиш учун қўлланилади. Одатда қуйидаги жумлалардан фойдаланилади: «Яна бир бор қайтариб юборолмайсизми?», «Нимани назарда тутаётганлигингизни яхши тушунмаяпман», «Нима демоқчилигингизни очиқроқ тушунтира олмайсизми?».

Қайтариш – бунда суҳбатдошнинг фикрини бошқачароқ шаклда тўғри тушунганлигини аниқлаштириш мақсадида такрорланади. Одатда қуйидаги сўзлардан бошланади: «Сизни тушунишимча…», «Сизнинг фикрингизча…», «Бошқача қилиб айтганда…». Қайтаришда ахборотнинг асосий мазмуни такрорланади.

Ҳисларни акс эттириш – бунда сўзловчининг эмоционал ҳолати тингловчи томонидан акс эттирилади. Одамлар, асосан, ўзлари учун аҳамиятли нарсалар ҳақида суҳбатлашганликлари учун ҳиссиётларни акс эттиришнинг аҳамияти катта. Ҳиссиётларни акс эттириш билан тингловчи суҳбатдошига аниқ ҳолатни тушунаётганлигини кўрсатиши ва у ўз сўзлари билан амалга оширилиши керак. Одатда қуйидаги жумлалар билан бошланиши мумкин: «Менимча, сиз ҳозир ўзингизни…. ҳис этяпсиз», «Эҳтимол, ўзингизни…. ҳис этаётгандирсиз», «Бироз хафамисиз?», «Биламан сизга оғир», «Кайфиятингиз бузилганга ўхшайди».

Умумлаштириш – бунда суҳбатдош фикри хулоса қилинади. Умумлаштириш орқали тингловчи суҳбатдош фикрини қанчалик тўғри тушунганлигини кўрсатади, сўзловчи унинг у ўз фикрини қанчалик аниқ ифодалаб бера олганлигини аниқлайди. Умумлаштириш учун одатда қуйидаги жумлалар ишлатилади: «Шундай қилиб, гапингиздан хулосага келиш мумкинки….», «Хулоса қилиб айтганда, демоқчисизки…», «Гапларингиздан тушунишимча, сиз....ни назарда тутаяпсиз».

Профессионал тинглаш техникасига қуйидагилар киради:

- *фаол ҳолат* – кресло ёки диванда бемалол ястаниб ёки ётиб олмаслик, суҳбатдошнинг юзидан ташқари жойларига қарамаслик, мимика, бош чайқаш каби ҳолатлар билан унинг ҳар бир сўзига қизиқаётганлигини билдиришни назарда тутади;
- *суҳбатдошга самимий қизиқиш билдириш* – бу нафақат суҳбатдошни ўзига жалб қилиш, балки ўзининг ҳар бир сўзига уни ҳам кўндиришнинг самарали йўлидир;
- *ўйчан жимлик* – бу суҳбатдош гапираётган пайтда юзда масъулият билан тингланаётгандай тасаввур қолдириш орқали ўзининг суҳбатдошга манфаатдорлигини билдириш йўлидир.

Агар биз суҳбатдошимизни яхши, диққат билан тингласак, бу билан биз унда ўз-ўзига ҳурматни ҳам тарбиялаймиз.

Трансакт анализ – бу америкалик психолог ва психиатр *Эрик Берн* томонидан ишлаб чиқилган назариядир. *Э.Берн* психоанализ ғояларини ривожлантириб, назарий психология ва психотерапевтик амалиётдаги оригинал йўналишлардан бири «трансакт анализ» йўналишига асос солди. Трансакт анализ нуқтаи назаридан шахс уч ЭГО ҳолатни ўз ичига олади (яъни унда учта «МЕН» мавжуд): **болалик ҳолати; ота-оналик ҳолати; катта одам ҳолати.**

Бошқалар билан бўлган муносабатнинг ҳар бир дақиқасида индивид шундай ҳолатлардан бирида бўлади.

Табиийки, трансакция нима деган савол туғилиши мумкин, инсонлар ўртасидаги мулоқот жараёнида турли сигналлар алмашинилади. Ушбу сигналлар трансакт анализда *трансакция* дейилади.

Трансакция – бу мулоқотга киришаётган индивидлар ЭГО ҳолатларининг ўзаро таъсиридир. Ҳар бир трансакция стимул трансакция ва жавоб трансакциядан иборат. Трансакция мулоқот иштирокчилари биринг муайян ЭГО ҳолатидан келиб чиқади ва иккинчисининг бирор ЭГО ҳолатига йўналтирилади.

Э.Берн ўз фаолиятини психиатр бўлиб бошлайди. Кунларнинг бирида мижози унга болалигида бўлиб ўтган шундай воқеани ҳикоя қилиб беради: 8 ёшимда таътилни ранчода ўтказгандим. Бир куни эгнимга кавбойлар либосини кийиб, отбоқарга отнинг эгарини олиб қўйишга ёрдам бердим. Ишни тугатгач, отбоқар «Раҳмат кавбой» деб қўйди. Мен эса «МЕН кавбоймасман, оддийгина кичкина боламан» дедим. Ҳозир ҳам мен ўзимни боладек, ҳа-ҳа, адвокат сингари эмас, кичкина бола каби ҳис этяпман. Айнан шу воқеа *Э.Берн* назариясининг ишлаб чиқилиши учун туртки бўлди.

Э.Бернинг трансакт анализига кўра инсонда учта «МЕН» мавжуд:

1) *болалик (Б) – бўйсунувчи.* Ўз ўзини назорат қилишда масъулиятсизлик ва фаолиятда юқори реакцияларни намоён этувчи ҳолат. Ушбу ҳолатда инсон ўз кечинмаларини сўз билан эмас, ҳиссиётлари билан намоён этади. Бу ҳолатнинг жисмоний белгилари – йиғлаш, қайсарлик, минғирлаш, қўрқувдан чўчиб тушиш, елка қисиш, масхара қилиш, кулиш, бирор нарса деб айтиш учун қўлни кўтариш, уялиш, бурун тортиш. Болалик ҳолатида инсон қуйидаги сўзларни қўллайди: «хоҳламайман», «қилмайман», «ойи мен кетдим», «мен ката бўлганимда…», «энг катта», «ҳаммадан кўп», «энг яхши». Катта одам бу сўзларнинг шаклини бироз ўзгартириб ишлатади. Масалан, «Мен катта бўлганимда..» деган болаларча фикрни «Мен бойиб кетганимда..» деган шаклда ифодалайди. Шу билан бирга, болалар катта одам ҳолатига хос «нега», «нима», «қаерда», «ким», «қачон», «қандай» сўзларидан ҳам фойдаланади. Бу болада катталик ҳолати уйғонаётганлигини кўрсатади.

Болалик ҳолати қуйидагиларга бўлинади:

- табиий болалик «МЕН» (хурсандчилик, қайғу ва бошқа ўз-ўзидан юзага келган реакцияларни намоён этувчи);
- Мослашувчан болалик «МЕН» (мослашувчан, қулоқ солувчи, ўзини айбдор ҳисобловчи, иккиланувчи ва ҳоказо);
- норозилик қилувчи болалик «МЕН» (қайсарлик, қаршилик кўрсатувчи).

2) *ота-оналик ҳолати (О)* – бутун масъулиятни (бошқалар учун ҳам) ўз зиммасига олувчи, талаблар ва шартлар қўядиган, назорат ўрнатадиган ҳолат. Бу ҳолатнинг жисмоний белгилари: қошларни ўйнаш, кўрсаткич бармоқни юқорига кўтариш, қўлларни кўкракка чалиштириш, «уф» тортиш, суҳбатдош елкасини қоқиб қўйиш. Ота-оналик ҳолатидаги одам кўпинча қуйидаги сўзлардан фойдаланади: «Яхшилаб миянгга қуйиб ол», «ҳеч қачон…», «Унутмагин», «Қанча гапириш керак», «Қани қўлингни теккизиб кўрчи».

Баҳоловчи фикрлар, қарашлар, мақташ маъносидаги фикрлар (аҳмоқ, жиннивой, беъмани, оппоққинам, эркатойим, бечорагинам) ота-оналик ҳолатидаги одамга хос (агар улар катта одам ҳолатидаги инсоннинг чуқур мулоҳазалари натижаси бўлмаса).

Ота-оналик ҳолати қуйидагиларга бўлинади:

а) меҳрибон ота-оналик «МЕН» (ёрдам берувчи, тўғриловчи, овутувчи);

б) танқидчилик «МЕН» (танқид қилувчи, буйруқ берувчи, қўрқитувчи).

3) *катта одам ҳолати (К)* – вазиятни инобатга оладиган, бошқаларнинг манфаатини ҳам четда қолдирмайдиган, масъулиятни ўзгаларнинг ва ўзининг ўртасида адолатли тақсимлай оладиган ҳолат. Бу ҳолатнинг жисмоний белгиси: тингланаётганда юз, кўз, тананинг ҳаракатланиши (ҳар 3-5 сонияда кўзлар пирпирайди). Шунингдек, болалик ҳолатига хос қизиқувчанлик ва берилиб кетиш ҳам катта одам ҳолатидаги инсон юзида акс этиши мумкин. Катта одам ҳолатидаги инсон кўпинча қуйидаги сўзлардан фойдаланади: «нима учун», «нима», «ким», «қачон», «қандай», «қандай қилиб», «балки», «номаълум», «ҳақиқатдан ҳам», «менимча», «менинг тушунишимча».

Э.Берн фикрича, шахснинг етуклиги инсонда катта одам ЭГО ҳолатининг қанчалик шаклланганлигига боғлиқ бўлади.

Трансакт анализга кўра, мулоқот давомида иштирокчилар ҳар бир ЭГО ҳолатга мувофиқ келувчи позицияда туриб алоқага киришадилар. Айрим трансакциялар ижобий муносабат шаклланишига, баъзилари низога олиб келади.

Трансакциялар қуйидаги турларга бўлинади:

1) *параллел трансакция* – стимул трансакция ва жавоб трансакция кесишмайди (масалан, «катта одам» ҳолатида туриб «болалик» ҳолатига мурожаат қилиш, «болалик» ҳолатида туриб «катталик» ҳолатидагига жавоб қайтариш);

2) *кесишувчи трансакция* – стимул трансакция ва жавоб трансакция кесишади (масалан, «катта одам» ҳолатининг «катта одам» ҳолатига мурожаат қилиши, «ота-оналик»нинг «болалик» ҳолатидагига жавоб қайтариши);

3) *яширин трансакция* – мазмуни бевосита кузатилаётган хулқ-атвор билан боғлиқ бўлмаган трансакциялар. Сирти «ялтироққина» бўлган жисмоний белгилар, сўзлар остига жуда салбий мазмун яширинганда шундай трансакция рўй беради. Ушбу трансакциялар иккидан ортиқ ЭГО ҳолат муносабатга киришиши натижасида рўй беради.

3.3-Мавзу: Турли ностандарт вазиятларда ҳуқуқбузарлик содир этувчи шахслар билан мулоқотда ходимларни ўзини бошқариш усуллари

Назарий машғулот (2 соат)

РЕЖА:

1. Ички ишлар орган ходимлари фаолиятида мулоқот тушунчаси ва унинг турлари

2. Мулоқот воситаси ва коммуникатив таъсир этиш усуллари

3. Ички ишлар ходимларининг касбий фаолиятида низоли ҳолатлар ва уларнинг олдини олиш

4. Ички ишлар орган ходимларининг шахслараро муносабатда ўз хатти-ҳаракатларини ҳиссий-иродавий бошқариши

1 - ўқув саволи. Ички ишлар орган ходимлари фаолиятида мулоқот тушунчаси ва унинг турлари

Ижтимоий муносабатлар, аслида, одамнинг сиёсий муносабатларидан тортиб, унинг шахслараро муносабатлари хусусиятларини ўз ичига олган мураккаб жараёндир. Бу жараённи турли назарий оқим вакиллари ўзларича ўрганишлари маълум. Масалан, интеркционизм вакиллари уни шахслараро ўзаро таъсирнинг турлича намоён бўлиши шаклида тушунсалар, ижтимоий алмашинув назарияси тарафдорлари одамларнинг бир-бирларига нисбатан талаблари, кутишлари ва манфаатдорликларининг ўзаро алмашинуви жараёни сифатида тасаввур қиладилар. Шунга ўхшаш ҳозирда турли-туман ёндашувлар мавжуд, лекин уларнинг барчасини бирлаштирадиган ягона ғоя – бу одамлар ўртасида содир бўладиган ўзаро таъсир ва алоқа жараёнларининг механизмларини аниқлаш ва ушбу жараённи бошқариш усулларини ишлаб чиқишдир.

Яна бир муҳим фикр шундан иборатки, ҳар қандай ижтимоий муносабатлар кўпқиррали, бўлиб, ҳар бирининг ўзига хос кечиш хусусиятлари ва шарт-шароитлари, қонуниятлари бўлади. Агар раҳбар ўз жамоасидаги инсоний муносабатлар асосан нимага асосан кечишини билса, уни бошқариш осон. Шунга кўра таъкидлаш мумкинки, агар жамоада ҳақиқий самарали, ижодий меҳнатга сафарбар этувчи «иқлим» ташкил қилинмаган бўлса, одамлар ўртасидаги ўзаро муносабатлар ва муомала ҳам асосан ҳиссиётларга, одамларнинг бир-бирларини ҳурмат қилишлари, ёқтириш-ёқтирмасликларига асосланиб

қолади. Одамлар ишга отланар эканлар, аввало кимларни кўриш, кимлар билан тушликка чиқиш ёки бир стол атрофида ўтириш, вақтни ўтказиш учун қайси кроссвордни ечиш ёки газетани ўқиш ғамини еб келади. Демак, бундай жамоада иш қониқарсиз ташкил этилган бўлиб, одамлар ўртасидаги муносабатлар соф эмоционал-ҳиссий муомалага таянади. Ана шундай ерларда гуруҳбозлик, жамоанинг кичик-кичик гуруҳчаларга бўлиниб кетиши, бунинг оқибатида бир нечта норасмий лидерларнинг пайдо бўлиб, ҳар бири ўз «ихлосмандларини» ўзига хос манфаатлар билан атрофида бирлаштираётганлигини кўриш мумкин.

Бошқа жамоада эса иш бутунлай бошқача ташкил этилган бўлиши мумкин. Оқил ва ташаббускор раҳбар қўл остида ишлаётганлар жамоани бир яхлитлик деб тасаввур қилиб, ишга кетаётганда, энг аввало кеча охирига етказа олмаган ишлари бор-йўқлигини, бугун қандай ишни ва ким билан, ким орқали битказишини, ишни янада яхшилаш учун бугун яна қандай чоралар кўра олиши ҳақида ўйлайди. Жамоанинг ҳар бир аъзоси энг аввало ишни ўйлаб уйидан чиқади. Демак, бундай жамоадаги ўзаро шахслараро муносабатлар ҳам ишчанликка асосланади ва жамоанинг энг ташаббускор, фидойи, ақлли аъзоси ким бўлишидан, ёши ёки жинсидан қатъи назар, норасмий обрўга эга бўлиши ва лидерликка даъвогар бўлиши мумкин. Раҳбар эса ана шундай ташаббускор, меҳнаткаш, жонкуяр одамлар билан доимо ҳисоблашади ва улар фикрига қулоқ солади. Бундай раҳбарнинг маҳорати унинг жамоадаги норасмий ва расмий лидерлар билан ҳамкорликда ишлай олиш санъати билан баҳоланади.

Бундан ташқари, ҳар бир конкрет вазиятда ва жамоада одамлар ўртасидаги муносабатларнинг турли шакллари намоён бўлиши мумкин. Масалан, улар ўртасидаги ўзаро муносабат фақат расмий алоқалар билан чекланмай, балки бир вақтнинг ўзида норасмий, шахсий муносабатлар билан уйғунлашади. Агар умуман жамият миқёсида оладиган бўлсак, ижтимоий муносабатларнинг сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий, мафкуравий, диний, маънавий соҳаларда рўй берадиган шаклларини ҳам фарқлаш мумкин. Улар юқоридагилардан келиб чиқиб, конкрет вазият ва ижтимоий фаолият турига мос тарзда ўзига хос қонуниятларга асосланиб рўй беради.

Мулоқот категорияси психология фанидаги марказий категориялардан бири ҳисобланади. Сўнгги 20-25 йил ичида мулоқот муаммолари психологиядаги, айниқса, ижтимоий психологиянинг энг йирик тадқиқот предметига айланиб қолди.

Мулоқот ўта мураккаб жараён бўлганлиги сабабли унга ягона тўғри таърифни бериш жуда мушкул. Шунинг учун, одатда, мулоқот тушунчаси унинг айрим томонларига урғу бериш орқали таърифланади. **Психологияга оид луғатларда мулоқот тушунчасига икки хил таъриф берилган:**

Мулоқот – ҳамкорликда фаолият эҳтиёжи билан тақозоланган алоқа ўрнатиш ва уни ривожлантириш жараёни;

Мулоқот – белгилар тизими орқали субъектларнинг ўзаро таъсирлашуви.

Албатта, ҳар бир таъриф универсаллик мақомига даъво қилмайди. Чунки унда, одатда, мулоқотнинг айрим томонлари эътибордан четда қолади, иккинчи даражага суриб қўйилади. Шундай бўлса-да, шартли равишда мулоқотга нисбатан умумий бўлган қуйидаги таърифни бериш мумкин: *мулоқот* – камида икки кишининг ўзаро таъсир жараёни бўлиб, бу таъсир давомида ахборот алмашинади, муносабат ўрнатилади ва ривожлантирилади, тугатилади ёки коррекцияланади.

Мулоқот тушунчасини коммуникациядан фарқлаш керак. Коммуникация – тирик ва ўлик табиатдаги тизимлар ўртасида ахборот алмашинувини англатади. Ҳайвонлар ўртасидаги сигналлар алмашинуви, инсоннинг техник воситалар билан алоқа қилиши буларнинг барчаси коммуникация. Мулоқот фақат инсонлар ўртасида амалга оширилиши мумкин.

Мулоқотда ижтимоий ва шахсий муносабатлар рўёбга чиқарилади. Мулоқотсиз инсоният жамияти бўлиши мумкин эмас. Айнан мулоқот ҳамкорликда фаолият юритувчи индивидлар жамоасини шакллантиради.

Ҳамкорликдаги фаолият режасини тузиш, уни рўёбга чиқариш учун индивидлар ўртасида мулоқот амалга оширилиши шарт. Мулоқот воситасида ҳамкорликдаги фаолият ташкил этилади ва амалга оширилади. Айни вақтда фаолият давомида инсонлар ўртасида янги-янги муносабатлар ва алоқалар шаклланади. Демак, мулоқот ва фаолият ўзаро чамбарчас боғлиқдир.

Мулоқотнинг психологик жиҳатдан мураккаб эканлиги ҳақида Б.Ф.Парыгин шундай ёзади: **«Мулоқот шунчалик кўп қиррали жараёнки, унга бир вақтнинг ўзида қуйидагилар киради:**

– индивидларнинг ўзаро таъсир жараёни;
– индивидлар ўртасидаги ахборот алмашинуви жараёни;
– бир шахснинг бошқа шахсга муносабати жараёни;
– бир кишининг бошқаларга таъсир кўрсатиш жараёни;
– бир-бирларига ҳамдардлик билдириш имконияти;
– шахсларнинг бир-бирларини тушуниши жараёни.

Мулоқот ижтимоий-психологик ҳодиса бўлиб, одамлар ўртасида биргаликдаги фаолият эҳтиёжларидан келиб чиқадиган боғланишлар ривожланишининг кўп қиррали жараёнидир. Шахслар ўзаро муносабатга киришар экан, алоқанинг энг муҳим воситаларидан бири сифатида тилга мурожаат қиладилар. Мулоқотнинг яна бир муҳим томони шундаки, муносабатга киришувчилар муомала жараёнида фақат сўзлар билан эмас, балки хатти-ҳаракатлар билан ҳам ахборот айирбошлашади. Мулоқот жараёни шахсларнинг қизиқишлари, дунёқараши, муомала маданиятига ҳам боғлиқ бўлади, чунки шахслардаги ўзаро мулоқот бу табиий эҳтиёждир.

Мулоқот орқали шахсларнинг биргаликда алоқа қилиш методикаси кетма-кет бўлган олти босқичдан иборат:

I босқич – ўзаро бир-бирини тушуниш;

II босқич – умумий ёки мос келадиган қизиқишларни топиш;

III босқич – мулоқот учун таклиф этиладиган сифат ва қабул қилинадиган принциплар;

IV босқич – мулоқот учун хавфли бўлган сифатларни аниқлаш;

V босқич – индивидуал таъсир этиш ва суҳбатдошга мослашиш;

VI босқич – умумий қоидаларни яратиш ва ўзаро ҳаракат қилиш.

Босқичлар кетма-кетлигига риоя қилиш тўғри таъсир этишни ташкиллаштиришда муҳим аҳамиятга эга.

Босқичлар алоқа қилиш жараёнида амалга оширилаётган фаолиятнинг кетма-кетлигини кузатиш дастури сифатида намоён бўлиши, ўзаро таъсир йўлларини назорат этиши мумкин[1].

Касбий муомала ҳар бир ходимнинг фаолиятида муҳим ўрин эгаллайди. Шунинг учун ҳам муомаланинг ҳар бир тури фаолият жараёнида иштирок этади. Ходим муомала қонуниятларига суянган ҳолда шахслар билан муносабатга киришади. Мулоқот жараёнида ходимнинг барча касбий сифатлари (хотира, диққат, идрок, сезги, тафаккур, хаёл) иштирок этади. Бу жараёнлар ходимнинг мантиқий фикрлашига, воқеани ўтмишдаги вазият билан боғлашига, ўзаро солиштириш ва қиёслаш, объект ва шароитни мукаммал тарзда идрок этишига ёрдам беради.

Мулоқот психологик жиҳатдан бир-бирлари билан боғлиқ бўлган одамлар ўртасида у ёки бу воситалар орқали мақсадга мувофиқ, бевосита ёки билвосита алоқани ўрнатиш ва сақлаб туриш жараёнидир[3].

---

[1] *Филонов Л.Б.* Тренинги делового общения сотрудников органов внутренних дел с различными категориями граждан. – М., 1992. – С.5-6.

[3] *Асямов С. В., Пулатов Ю. С.* Ички ишлар идоралари ходимларининг касбий-психологик тренинги. – Т., 2002. – Б.47.

Мулоқот инсон ҳаётида қанчалик катта аҳамиятга эга эканлигини қуйидаги мисолда ҳам кўришимиз мумкин. 1938 йил Ричар Бард ўз хоҳиши билан Антарктида музликларида 6 ой танҳо қолади. Бир томондан у тажриба натижаларига қизиқса, иккинчи томондан, кундалик ҳаётнинг ғала-ғовурларидан бироз дам олишни истаган эди. Кейинчалик у мазкур даврни қуйидаги сўзлар билан эслайди: «Бу ердаги ҳаётим давомида бора-бора ҳар бир ҳаракатим, ҳар бир ишим тобора мазмунсиз, мантиқсиз, мақсадсиз бўлиб бораётгандай эди. Хавф-хатарлардан қўрқмайдиган одам бўлсам-да, негадир бу ерда томнинг босиб қолишидан, ўчоқдан ўт кетиб қолишидан хавфсирай бошладим. Овқатланишимда мунтазамлик йўқолди, ювинмай қўйдим». Яна бир мисол келтиришимиз мумкин, тарихда японларда «Маритао» номли инсоннинг ўз-ўзини такомиллаштириш тизими мавжуд бўлган. У шундай тизимларнинг энг оғири ва мураккаби ҳисобланади. Ваҳоланки, бунда инсон ҳеч қандай жисмоний азобларга дучор бўлмайди. Фақатгина бир ҳафтага ғорга кириб кетиб, у ерда танҳо қолади. Бу ерда у ҳатто ўзи билан ҳам гаплашиши мумкин бўлмайди. Синовдан ўтганлар кейинчалик ҳар қандай учрашув ва суҳбатни хурсандчилик билан қарши оладилар. Қизиғи шундаки, уларда кўпроқ гапириш эҳтиёжи эмас, балки тинглаш эҳтиёжи кучаяр экан.

Б.Ф.Ломов таклиф этган таснифга кўра мулоқотнинг қуйидаги функциялари мавжуд. Мулоқот функциялари деганда, мулоқотнинг инсон ижтимоий ҳаётида бажарадиган вазифалари тушунилади. **Мулоқот функциялари хилма-хил бўлиб, энг кенг тарқалган таснифга кўра улар қуйидагилардан иборат:**

1. *Информацион* – коммуникатив функция – ахборот алмашинувини таъминлаш вазифаси. Ахборот алмашинуви турли белгилар тизимлари орқали амалга оширилади. Одатда, вербал (унда белгилар тизими сифатида нутқ ишлатилади) ва новербал (унда белгилар тизими ишлатилади) коммуникация фарқланади. ***Ўз навбатида, новербал коммуникация бир неча шаклдан иборат:***

– кинетика (имо-ишоралар, мимика, пантомимика);

– паралингвистика (овоз вокализациялари, паузалар);

– проксемика (масофа ва вақт меъёрлари);

– визуал алоқа (кўзлар орқали контакт);

– такесика (жисмоний контакт).

2. *Регулятив* – коммуникатив функция – суҳбатдошлар хулқ-атворининг регуляция қилинишини таъминлаш вазифаси. Индивидлар мулоқот жараёнида вербал, жисмоний, новербал йўллар билан бир-бирининг мотивларига, мақсадларига, қарор қабул қилишига таъсир ўтказиши бирор ҳаракатга ундаши ва ҳаракатини назорат қилиши, бир-бирининг хулқ-атворига стимуллаштирувчи ва коррекцияловчи тарзда таъсир кўрсатиши мумкин.

3. *Аффектив* – коммуникатив функция – инсон эмоционал соҳасининг регуляция қилинишини таъминлаш вазифаси. Мулоқот инсон эмоционал ҳолатларининг энг муҳим детерминантасидир. Чунки турли-туман эмоционал ҳолатлар мулоқот жараёнида пайдо бўлади ва ўзгаради.

Л.А.Карпенко таклиф этган таснифга кўра, мулоқотнинг қуйидаги вазифалари ажратилади:

1) *алоқа ўрнатиш* – суҳбатдошни алоқага киришиш учун тайёрлаш;

2) *информацион* – суҳбатдош билан муайян маълумотлар, фикрлар ва режаларни алмашиш;

3) *фаолиятга ундаш* – суҳбатдошни бирор ҳаракатни бажаришга стимуллаштириш;

4) *координацион* – суҳбатдош билан ҳамкорликдаги фаолиятни ташкил этиш ва уни амалга оширишда ҳаракатларни мувофиқлаштириш;

5) *тушунишни таъминлаш* – суҳбатдошнинг фикрлари ва ҳиссиётларини тушуниш;

6) *мотивлаштириш* – суҳбатдошда муайян ҳиссиётларни уйғотиш ҳамда уларни ўзгартириш;

7) *муносабат ўрнатиш* – муносабатлар тизимидаги шахсий ўрнини, мавқеи аниқлаш;

8) *таъсир кўрсатиш* – суҳбатдошнинг хулқ-атвори, шахсий хусусиятлари, мақсадлари ва установкаларини ўзгартириш.

Мулоқотнинг ички ишлар идоралари ходимлари фаолиятида қуйидаги турлари мавжуд:

1) бевосита;
2) билвосита;
3) ролли;
4) мазмунли;
5) расмий;
6) норасмий.

Бевосита мулоқот «юзма-юз» суҳбат бўлиб, унинг ҳар бир иштирокчиси идрок қилади, алоқа қилади ва ҳамма мавжуд воситаларни кенг қўллайди.

Билвосита мулоқот ҳам алоқа воситаси бўлиб, унда шахслар, алоқа воситалари ва механизмлар иштирок этади (масалан: телеграф, телефон орқали гаплашиш).

Мулоқотнинг баъзи турлари ижтимоий роллар орқали амалга оширилиб, *ролли мулоқот* дейилади. Бундай ҳолатда одамлар муайян ижтимоий ролларни бажаруви кишилар тарзида мулоқотга киришадилар. Масалан, терговчи ва жабрланувчи ўртасидаги мулоқот роллидир.

Индивиднинг бошқа шахсга ўз ҳолати, кайфияти, хоҳишини мимика, ҳаракат, имо-ишора орқали билдириши *мазмунли мулоқот* деб аталади.

Расмий мулоқот юридик кучга эга бўлиб, давлат ва жамият манфаатини кўзлаган ҳамда қайд этиладиган мулоқот туридир. Масалан, тергов жараёнидаги сўроқ қилиш.

Шахслараро ўзаро мулоқот жараёнида ўзини қизиқтирган у ёки бу маълумотга эга бўлиш *норасмий мулоқот* ҳисобланади.

Ички ишлар идоралари ходимлари фаолиятида мулоқот, айниқса, бевосита мулоқот ўзига хос аҳамиятга эга. Чунки токарь темир билан, зоотехник ҳайвонлар билан ишласа, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимлари, шу жумладан профилактика инспекторлари, терговчилар, тезкор ходимлар ҳам шахслар билан, аҳоли билан, гувоҳ, жабрланувчи, гумон қилинувчи, айбланувчи ва жиноят жараёнининг бошқа иштирокчилари билан ишлайди. Мулоқот жараёнида уларнинг ҳар бири ўзига хос дунёқараш ва муомалага эгалиги кўринади.

Мулоқот мураккаб жараён бўлганлиги учун ҳам айрим олинган мулоқот шаклини таҳлил қилганимизда унда жуда хилма-хил кўринишлар, компонентлар ва қисмлар борлигини аниқлашимиз мумкин. **Г.М.Андреева мулоқотнинг қуйидаги психологик тузилишини таклиф этади:**

1) *мулоқотнинг коммуникатив томони;*
2) *мулоқотнинг интерактив томони;*
3) *мулоқотнинг перцептив томони.*

Ҳар бир томонини батафсил кўриб чиқамиз.

Мулоқотнинг коммуникатив томони – маълумотлар алмашинув жараёни бўлиб, биргаликдаги фаолият давомида одамлар турли фикрлар, ўй-хаёллар, ҳис-туйғу ва кечинмалар билан ўртоқлашадилар. Бунда ўй-фикрлар, ҳис-туйғу ва кечинмаларни ахборот сифатида, коммуникацияни эса ахборот алмашинуви сифатида талқин этиш мумкин. Аммо шуни эътиборга олиш керакки, инсонлараро коммуникация шунчаки ахборот алмашинувидан иборат эмас. Чунки мулоқот жараёнида ахборот нафақат узатилади, балки шакллантирилади, аниқлаштирилади, ривожлантирилади. Демак, инсон мулоқотини шунчаки ахборот алмашинувидан иборат жараён деб ҳисоблаш мумкин эмас. Зеро, *биринчидан*, мулоқот жараёнида ахборот бир томондан иккинчи томонга шунчаки ҳаракатланмайди, балки фаол алмашинилади (коммуникатив жараён иштирокчилари бир-бирига ахборот юбораётганда бир-бирининг мотивлари, мақсадлари, установкаларини таҳлил қиладилар); *иккинчидан*, мулоқот жараёнида ахборот алмаша туриб кишилар белгилар тизими орқали бир-бирига таъсир этиши мумкин (инсонлараро ахборот алмашинувида, албатта, суҳбатдош хулқ-атворига муайян таъсир ўтказилади); *учинчидан*, мулоқот жараёнида коммуникатор (ахборотни юбораётган одам) ва реципиент (ахборотни қабул

қилаётган одам) бир хил кодлаштириш ҳамда декодлаштириш тизимига эга бўлиши керак (ягона тизимни қабул қилишгина коммуникатив жараён иштирокчиларига бир-бирини тушуниш имконини беради); *тўртинчидан*, мулоқот жараёнида фақат инсонлараро коммуникацияга хос тўсиқлар вужудга келиши мумкин (тўсиқлар нафақат белгилар тизимидаги фарқлар, балки ижтимоий-сиёсий, диний, касбий фарқлар ёки умумий дунёқараш, оламни ҳис этишдаги фарқлар туфайли вужудга келиши мумкин).

***Коммуникатордан* чиқаётган ахборот икки хил бўлиши мумкин:**

1. Ундовчи ахборот буйруқ, маслаҳат, илтимос ва ҳоказоларда намоён бўлади. Ундан кўзланган мақсад реципиентни бирор ҳаракатга стимуллаштиришдан иборат. Стимуллаштириш уч хил бўлиши мумкин: а) фаоллаштириш (бирор ҳаракатни қилишга ундаш); б) интердикциялаш (бирор ҳаракатни қилишдан тўхтатиш); в) дестабиллаштириш (бирор ҳаракатдаги мувозанатни бузиш).

2. Констатацияловчи ахборот маълумот тарзида ифодаланади. Бу турдаги ахборот турли таълимий тизимлардан ўрин олган бўлиб, хулқ-атворни ўзгартириш учун бевосита таъсир кўрсатмайди (лекин билвосита таъсир кўрсатиш мақсади ҳам бўлади).

Америкалик журналист *Г.Лассуэл* беш унсурдан иборат бўлган коммуникатив жараённинг қуйидаги моделини таклиф этади:

а) ким (ахборот ким томонидан узатилмоқда);

б) нима (қандай ахборот узатилмоқда);

в) қандай (ахборот қандай йўл билан узатилмоқда);

г) кимга (ахборот кимга йўналтирилмоқда);

д) қанчалик самарали (ахборот қанчалик самарадор узатилди).

Мулоқотнинг интерактив томони – биргаликдаги фаолиятни ташкил этиш ва амалга оширишда мулоқот иштирокчиларининг бир-бирига таъсир ўтказиши тушунилади.

Коммуникация орқали одамлар биргиликдаги фаолиятни ташкил этадилар. Умумий фаолиятда иштирок этар экан одамлар, албатта, бир-бирига таъсир кўрсатади. Шунинг учун ўзаро таъсир биргаликдаги фаолиятнинг ташкил этилиши сифатида тушунилади.

Биргаликдаги фаолиятнинг уч хил модели мавжуд:

1) ҳар бир иштирокчи бошқалардан мустақил равишда ишнинг ўзига тегишли қисмини бажариши (масалан, шанбаликдаги иш);

2) умумий вазифанинг босқичма-босқич ҳар бир иштирокчи томонидан бажарилиши (масалан, конвейердаги иш);

3) ҳар бир иштирокчи бошқалар билан биргаликда бир вақтнинг ўзида умумий фаолият билан машғул бўлиши (масалан, футбол жамоасидаги иш).

Одатда мулоқот жараёнидаги ўзаро таъсирнинг икки хил тури ажратилади:

1) кооперацияга асосланган ўзаро таъсир – коммуникатив жараён иштирокчиларининг умумий мақсади ва ўз кучларини бирлаштиришдан иборат. *Кооперациянинг бир неча тури фарқланади:*

- автоматик (инстинктив-биологик даражада мавжуд бўлади);
- анъанавий (таркиб топган ижтимоий меъёрлар билан, анъана ва урф-одатлар билан тақозоланган бўлади);
- спонтан (дўстлик, муҳаббат ва шу каби муносабатлар билан тақозоланган бўлади);
- директив (мажбурий ҳамкорлик ҳукм сурувчи жойларда мавжуд бўлиши);
- шартномавий (расмий келишувлар билан тақозоланган бўлади).

Кооперация – биргаликдаги фаолиятнинг зарурий элементидир.

2) рақобатга асосланган ўзаро таъсир коммуникатив жараён иштирокчиларининг шахсий ёки гуруҳий мақсадларга эришиш учун ўзаро кураш шароитида бир-бирига таъсир кўрсатишидан иборат. Бундай ўзаро таъсирда томонларнинг шахсий фаоллиги одатда юқори бўлади. Шундай бўлса-да, у кооперация билан маълум даражада боғлиқдир. Чунки рақобат давомида ҳам муайян қоидалар ўрнатилиши талаб этилади. Акс ҳолда ўзаро кураш урушга айланиб кетиши мумкин. Рақобатнинг энг ёрқин шакли низодир.

Мулоқотнинг перцептив томони – кишиларнинг бир-бирини идрок этиш жараёни бўлиб, инсоннинг инсон томонидан идрок этилиши «ижтимоий перцепция» дейилади. Дастлаб, бу атама *Ж.Брунер* томонидан 1947 йил ишлатилган бўлиб, у перцептив жараёнларнинг ижтимоий детерминациясини англатган. Кейинчалик бу атама бошқачароқ маънога эга бўлиб, у ижтимоий объектларга, яъни одамлар, ижтимоий гуруҳлар, катта ижтимоий тузилмаларни идрок этиш жараёнини англата бошлаган.

Ижтимоий перцептив жараёнларда индивид қуйидагиларни идрок этиши мумкин:

1) ўз гуруҳига мансуб индивидни;
2) бошқа гуруҳга мансуб индивидни;
3) ўзининг гуруҳини;
4) ўзга гуруҳни.

Ижтимоий перцептив жараёнларда гуруҳ қуйидагиларни идрок этиши мумкин:

1) ўз индивидини;
2) ўзга гуруҳ индивидини;
3) ўзини;
4) ўзга гуруҳни.

Мулоқот жараёнида бир-бирини идрок этаётган одамлар бир-бирини тушунишга ҳаракат қиладилар. Бунинг учун қуйидаги механизмлар ишга солинади:

✓ *Идентификация* – инсоннинг ўзини хаёлан суҳбатдоши ўрнига қўйиши орқали унинг фикрлари ва тасаввурларини тушунишга интилиши;

✓ *Эмпатия* – инсоннинг ўзини хаёлан суҳбатдоши ўрнига қўйиши орқали унинг кечинмалари ва ҳиссиётларини тушунишга интилиши;

✓ *Рефлексия* – инсоннинг суҳбатдоши томонидан қандай идрок этилаётгани ва тушунилаётганини англашга интилиши;

✓ *Стериотипизация* – инсоннинг суҳбатдошини тушунишга интилиши йўлида муайян шаблонлардан фойдаланиши.

Мулоқот жараёнида инсонлар бир-бирини идрок этар экан, бунда аттракция (инг.attract – жалб этмоқ) жараёни юз бериши, яъни идрок этилаётган одамга нисбатан «ёқтириш ҳисси» пайдо бўлиши мумкин. Аттракция субъектнинг объектига нисбатан эмоционал муносабати сифатида шаклланади.

Мулоқот жараёнида иштирокчилар бир-бирларини ўзаро тушунишлари керак. Бунда мулоқотга киришган иштирокчининг уни қандай қабул қилаётгани катта аҳамиятга эга. *Шахслараро идрок этиш* қонуниятлари, эффектларни инобатга олиш терговчилар фаолиятида, айниқса, шоҳидлар, гувоҳлар, жабрланувчиларнинг кўрсатувларини, шунингдек, ўз идрокларини баҳолаш чоғида катта аҳамият касб этади.

Шахслараро идрок эффектларидан бири – бошқа шахс ҳақидаги умумий тасаввурнинг унинг шахсига хос хислатларни идрок этиш ва баҳолаш таъсирида намоён бўладиган «ореол эффекти»дир. Агар умумий тасаввур яхши бўлса, унинг ижобий хислатлари ортиқча баҳоланади, салбий хислатлари эса сезилмайди ёки аксинча. Ушбу эффект таъсирида, масалан, ички ишлар идоралари ходимлари «рецедив» жиноятчининг тузалиш томон ташлаган дастлабки қадамларини кўриши мумкин ва, табиийки, уни бу ишда қўллаб-қувватлай бошлайди.

«Изчиллик эффекти» маълумотлар зиддиятли бўлган тақдирда инсон қиёфасини ва у тўғрисидаги тасаввурни шакллантиришга биринчи навбатда келиб тушган маълумотлар энг кўп таъсир кўрсатишида намоён бўлади. Агар бу таниш одамга дахлдор бўлса, аксинча, яъни энг охиргилари кўп таъсир кўрсатади.

«Стереотиплаштириш эффекти» идрок этилаётган кишини муайян ижтимоий гуруҳга хос хислатлар унга ҳам хос деб баҳолашда намоён бўлади. Ҳар биримизда муайян ижтимоий стереотиплар – ўқитувчи, ҳарбий киши, жиноятчи каби гуруҳларнинг стереотиплари мавжуд. Муайян гуруҳ вакилига дуч келганда, биз олдиндан ушбу гуруҳ кишиларига хос муайян

хислатларни унга ҳам хос деб қабул қиламиз. Кўпинча бундай стереотипдан халос бўлиш жуда қийин бўлади.

Ижтимоий идрок этиш эффектлари *ижтимоий майл* (установка) билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, унинг пайдо бўлишига олиб келади. Ижтимоий майлнинг ўзи инсоннинг бошқа одамни идрок этишга ичидан тайёр бўлиши сифатида таърифланиши мумкин. Нотаниш киши ҳақида таассуротнинг шаклланишида майлнинг аҳамияти айниқса катта. Фанда А.А.Бодалевнинг ижтимоий майлнинг аҳамиятини очиб берган тадқиқотлари яхши маълум.

Тадқиқотлардан бирида икки гуруҳ одамларга айни бир кишининг сурати кўрсатилган. Аммо суратни кўрсатишдан аввал биринчи гуруҳга суратдаги кишининг ашаддий жиноятчи, иккинчи гуруҳга эса қаҳрамон эканлиги айтилган. Шундан сўнг ҳар бир гуруҳга фотосуратдаги кишини сўз билан тасвирлаб бериш таклиф этилган. Биринчи гуруҳ уни қуйидагича тавсифлаган: чуқур кўзлари яширин ёвузлигидан, бўртиб чиққан энгаги жиноятда «охиригача боришга» қарор қилганлигидан дарак беради ва ҳоказо. Иккинчи гуруҳда айнан ўша чуқур жойлашган кўзлар тафаккурнинг теранлигидан, туртиб чиққан энгак эса қийинчиликларни енгишдаги ирода кучидан дарак беради, деб баҳоланган.

Ички ишлар идоралари ходимлари ўз фаолиятларида шахслараро идрок этиш хусусиятларини инобатга олишлари, ижтимоий идрок эффектларининг салбий таъсирларини йўқ қилишга, ўзида ва тергов қилинаётган воқеага дахлдор шахсларда ижтимоий майлнинг пайдо бўлишига йўл қўймасликлари жуда муҳим. Масалан, терговчи таниб олувчини таниб олишга тайёрлаш чоғида «Ҳозир сизни тунаган жиноятчини таниб олишингиз керак» каби иборалардан қочиши лозим. Бундай иборалар жиноятчини идрок этишга майллик юзага келишига олиб келади, агар таниб олинаётган шахснинг қиёфаси «жиноятчи» стереотипига мос келмаса, бу таниб олиш натижаларининг нотўғри чиқишига олиб келиши мумкин. Бундай ҳолларда «Ҳозир сиз кўрсатилган шахслар орасида сизнинг пул солинган ҳамёнингизни тортиб олган одамни таниб олишингиз керак» каби нейтрал иборалардан фойдаланиш керак. Бу майлнинг салбий таъсири имкониятини камайтиради[4].

Суҳбатдошларнинг бир-бирига бўлган қизиқиши, тенг муносабатлар учун очиқлик даражасига кўра мулоқотнинг қуйи, ўрта ва юқори даражалари фарқланади.

Мулоқотнинг қуйи даражалари қуйидагилардан иборат:

Примитив даража – асосий белгиси суҳбатдошга шунчаки бир муносабатда бўлиш. Бу буюм примитив даражада мулоқотга киришишга инсон учун керак бўлган буюм ёки халақит бераётган буюм бўлиши мумкин. Агар керак бўлса, уни эгаллашга ҳаракат қилади, халақит бераётган бўлса, уни улоқтириб ташлашга интилади.

Манипулятив даража – мулоқот иштирокчиси суҳбатдошини рақиб деб билади ва албатта уни енгишга ҳаракат қилади. Мотипулятор онгли ёки онгсиз равишда, моддий ё психологик манфаатни кўзлаб, турли махсус усуллар билан суҳбатдоши устидан ғалаба қозонишга уринади. Манипулятив даражанинг муҳим белгиси шуки, унда суҳбатдош шахсининг заиф томонларига қизиқиш кучли бўлади.

Стандартлашган даража – суҳбатдошга нисбатан қизиқиш мавжуд бўлиб, бу қизиқиш суҳбатдошнинг муайян ижтимоий ролга эгалиги билан характерланади. Стандартлашган даражада мулоқот иштирокчилари ўртасида «ниқоблар алоқаси» амалга ошади. Ниқоб турлари: а) «ноль ниқоб» – «мен сизга тегмаяпман, сиз ҳам менга тегманг», деган маънони, бефарқлик, иштироксизлик ниқоби; б) «йўлбарс ниқоби» – «менга тегиб кўрингчи» деган маънони англатувчи қўрқитишга қаратилган ниқоб; в) «қуён ниқоби» – «мен жуда кучсизман, менга тегманг» деган маънони англатувчи ниқоб; г) «масхарабоз ниқоби» – «мен ҳеч нарсани билмайман, менга тегишнинг ҳожати йўқ» деган маънони англатувчи, ўзини анқов, гўл қилиб кўрсатишга ҳаракат қилувчилар ниқоби.

---

[4] *Асямов С.В., Пулатов Ю.С.* Ички ишлар идоралари ходимларининг касбий-психологик тренинги. – Т., 2002. – Б.75-80.

Мулоқотнинг ўрта даражаси қуйидагилардан иборат:

Конвенционал даража – қуйи ва юқори даражалар оралиғидадир. Унда илк бора суҳбатдош шахсига нисбатан қизиқиш, қисман бўлса-да (суҳбат рўй бераётган вазиятдагина) очиқлик пайдо бўлади. Конвенционал даражаги мулоқот, тўлақонли, суҳбатдош ҳақида қайғуриш, унинг ўрнига ўзини қўйишга тайёргарлик вужудга келадиган мулоқотдир.

Мулоқотнинг юқори даражаси қуйидагилардан иборат:

Ишчан даража – суҳбатдошнинг асосан ишчанлик хусусиятларига нисбатан қизиқиш бўлади. Ишчан даражада суҳбатлашиб инсонлар ўз муносабатларининг нафақат моддий натижаларига эга бўладилар, балки улар ўртасида анча барқарор ишонч ва боғланиш ҳислари шаклланади. Ёки аксинча, жуда кучли антипатия ҳам шаклланиши мумкин.

Ўйинли даража – суҳбатдош шахсининг хусусиятларига жонли, симпатияга асосланган, ҳеч қандай ғараз мақсадларни кўзламайдиган қизиқиш мавжуд бўлади. Ўйинли даража мулоқот иштирокчиларининг бир-бирига бўлган қизиқиши анча юқори бўлади, томонлар ўзини жудаям очиқ тутади, суҳбатдошлар бир-бирининг «ролини» ўйнайди. Бу педагогик мулоқот учун анча самарали.

Маънавий даража – бу инсон мулоқотининг энг юқори даражаси бўлиб, унда суҳбатдош шунчаки бир инсон эмас, балки юксак ҳурматга сазовор хислатларга эга, бетакрор руҳият соҳиби сифатида идрок этилади. Ана шу хислатлар суҳбатдошга нисбатан сўз билан таърифлаб бўлмайдиган унутилмас даражага етади ва муносабатда илиқликни уйғотади.

Шундай қилиб, мулоқотнинг *перцептив* томони одамларнинг бир-бирларини тўғри идрок этиш ва тушуниш жараёни ҳисобланади.

Хулоса ўрнида шуни айтиш жоизки, мулоқот одамларнинг жамиятда ўзаро ҳамкорликдаги фаолиятларининг ички психологик механизмини ташкил этади. Қолаверса, ҳозирги янги демократик муносабатлар шароитида одамларнинг муомала маданияти ва мулоқот техникаси меҳнат унумдорлиги ҳамда самарадорликнинг муҳим омилларидан биридир.

2 - ўқув саволи. Мулоқот воситаси ва коммуникатив таъсир этиш усуллари.

Одамлар бир-бирлари билан муомала қилишар экан, уларнинг асосий кўзлаган мақсадларидан бири ўзаро бир-бирларига таъсир кўрсатиш, яъни фикр-ғояларига кўндириш, ҳаракатга чорлаш, установкаларни ўзгартириш ва яхши таассурот қолдиришдан иборат.

Психологик таъсир – бу турли воситалар ёрдамида инсонларнинг фикрлари, ҳиссиётлари ва хатти-ҳаракатларига таъсир кўрсата олишдир.

Ички ишлар идоралари ходимлари хизмат фаолиятларини амалга ошириш жараёнида мулоқот орқали ўз хизмат бурчини бажаради ва ушбу мулоқот қонун асосида тартибга солинади. Ички ишлар идоралари ходимлари фаолиятида нафақат «тил», юқорида айтиб ўтганимиздек, имо-ишора, энг асосийси, мулоқот давомида шахснинг юзидаги ўзгаришлар ҳам муҳим ҳисобланади.

Ички ишлар идоралари ходимларининг мулоқоти қуйидагиларни ўз ичига қуйидагиларни олади:

1) бевосита касбий вазифани бажаришга йўналтирилганлиги;

2) ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солинганлиги;

3) махсус объектнинг мавжудлиги;

4) психологик тўсиқларнинг мавжудлиги;

5) жиноятчиларнинг махсус тили ҳисобланмиш татуировкалар ва жаргонларни билиши ва ҳоказо.

Ҳар қандай мулоқот доимо объект билан субъектнинг бир-бирига мослашиш жараёнини қамраб олади.

Ҳар қандай ахборот фақат белгилар, аниқроғи, белгилар тизими орқали берилади. Коммуникатив жараёнда фойдаланиладиган бир қанча белгилар тизими мавжуд бўлиб, уларга мос тарзда мулоқот жараёнида фойдаланиладиган воситаларни таснифлаш мумкин. Нутқли (белгилар тизими сифатида нутқдан фойдаланилади) ва нутқсиз (турли нутқсиз белгилар тизимидан фойдаланилади) мулоқот воситалари фарқланади.

Мулоқотнинг психологик воситалари:

вербал (нутқ орқали) новербал (нутқсиз)

– оғзаки нутқ; – имо-ишора;

– ёзма нутқ; – мимика, пантомимика.

Нутқий мулоқот воситаси. Энг универсал алоқа воситаси инсон нутқидир. Чунки нутқ ёрдамида ахборот беришда хабар мазмуни энг кам даражада йўқотилади. *Нутқ* – вербал алоқа, яъни тил ёрдамида мулоқот қилиш жараёнидир. Нутқнинг *ёзма* ва *оғзаки* турлари мавжуд. *Оғзаки нутқ* диалогик ва монологик нутқларга бўлинади. *Диалог* – бирор масалани биргаликда муҳокама қилаётган ва ҳал этаётган суҳбатдошларнинг сўзлашуви. *Монологда* эса бир одам уни тинглаётган бошқа одам ёки одамларга ахборот беради.

Ички ишлар идоралари ходимлари хизмат фаолиятида мулоқотнинг нутқий воситаларидан фойдаланиш жуда муҳим ўрин тутади. Ходим хизмат фаолиятининг самарадорлиги кўп жиҳатдан бевосита мулоқот жараёнида ёки турли хил ҳужжатларни тузишда ўз фикрларини тўғри ифодалаш, уларни тўғри баён этишига боғлиқ.

Амалиётдан маълумки, ҳар қандай жиноий фаолият асосида сир ва ёлғон ётади. Жиноятчи ўзининг криминал хатти-ҳаракатларига тайёргарлик кўрар экан, атрофдагиларни ўзига оғдириш ва ишончини қозонишда асл жиноий мақсадини яширишга уринади.

Гумонланувчи ёки айбланувчи сифатида қўлга олинган жиноятчи жиноий жавобгарликдан қочиш ёки ўзининг ғайриҳуқуқий ҳаракатларини яшириш мақсадида турли ёлғонларни ишлатиб, суриштирув ва тергов органларини чалғитишга ҳаракат қилади ҳамда реал фактларни нотўғри талқин қилади. Турли кучли мотивация асосида жиноят процессининг бошқа иштирокчилари ҳам ёлғон гапириши мумкин (масалан, гувоҳ ва жабрланувчилар).

Тадқиқотларнинг кўрсатишича, жиноят иши бўйича сўроқ қилинувчиларнинг кўрсатувлари қуйидагича ифодаланади:

- индамаслик, мавҳумлик, ҳолат юзасидан шахсий ва бошқа иштирокчиларнинг ҳаракатларидаги баъзи элементларнинг келтирилмаслиги;

- ҳолат юзасидан деталь ва элементларга ўйлаб топилган қўшимчалар;

- жиноий ишнинг вақти, жойи оқибатларини изоҳлаб беришда алоҳида фрагментларнинг жой алмашиб, аралашиб кетиши;

- ўйлаб топилган ҳолат ва деталларнинг алоҳида элементлари ўзгариб кетиши.

Ҳуқуқ-тартибот органлари ходимларининг психологик билимлари кишилар хулқ-атворидаги носамимий ва яширин ҳолатларни аниқлашда, шунингдек, жиноят ишини очишда муваффақиятли самара беради. *Ёлғон ва яширин ҳолатлар диагностикаси кишиларнинг нутқий ифодаси асосида қуйидагича таҳлил қилиниши мумкин.* Бундай усул рост ва ёлғон фикр билдиришдаги муайян мезон ва белгиларга асосланади.

Фикр билдириш мезонлари	**Рост фикрлар**	**Ёлғон фикрлар**
Компетентлик ва хабардорлик	Баъзан киши ўзининг билимлари, хабардорлиги доирасидан чиқади. У одатда, нафақат ўзининг, шахсий тажрибаси, балки бошқаларнинг тажрибаси, газета журналлардаги реал	Одатда киши ўзининг маълумоти доирасида тажриба ва малакаси, шунингдек, фантазиялаш қобилиятларига таянади. Бундан ташқари, уйдирмалар ҳаракатлардаги, реал ҳаётдаги, адабиёт ёки кинофильмлардаги

	фактларга асосланган тарзда рост фикрларини ифодалайди.	типик вариантлар асосига қурилиши мумкин.
Фикрларнинг нутқий тавсифи	Киши реал дунёқараши, маълумоти ва ҳаётий тажрибасидан келиб чиқиб фикр билдиради.	Ёлғонда нутқнинг тузилишида фикрларнинг ёркинроқ ифодаланиши учун мураккаб атамалар (ҳуқуқий, тиббий ва ҳ.к) билан бир қаторда, ўзининг билими, маълумотига хос бўлмаган тарзда луғат бойлигининг қўлланилиши билан характерланади.
Мулоҳазанинг ноёблиги	Рост мулоҳазаларда индивидуал ва ноёб характерга эга бўлиб, бунда деталлар, ҳодисалар ва конкрет иштирокчи шахслар мавжуд бўлади.	Ёлғон мулоҳазалар одатда схематик, стереотипик, алоҳида деталларсиз, конкрет кишиларсиз.
Ҳиссий бой ва ишончли фикрлар	Рост мулоҳазалар инсон нутқида доимо ҳиссий, ишончли ифодаланади. У рост гапиргани боис гапини бўлиш, фикрини, нуқтаи назарини ўзгартириш қийин.	Ёлғон мулоҳазалар ҳиссий саёз бўлади. Эмоциялар ташқаридан қараганда намойишкороналиги ва сохталиги билан ажралиб туради.

Мулоқот давомида кишиларнинг нигоҳига диққат қаратиш лозим. Маълумки, нормал алоқада инсонлар бир-бирига рост гапираётган вақтда мулоқот жараёнининг 2/3 қисми мобайнида нигоҳлар учрашади. Агар инсон носамимий тарзда бирор нарсани яширишга уринса, суҳбат давомида кўз нигоҳлари мулоқот даврининг 1/3 қисмида тўқнаш келади. Бу билан у нигоҳларини олиб қочишга уринади.

Суҳбатдошнинг узоқ чўзилган табассуми (лабнинг пастки ва юқориги қисми бироз тортилган, чизиқ ҳосил қилади, табассум эса саёз) ташқаридан қараганда нозик туйғуларни акс эттиришга уринса-да, носамимий эканлиги ифодаланиб туради. Мудофаага шай позиция ва антогонизм (этимологияси: «қарши туриш, кураш») мулоқот жараёнида оғиз ва жағ мускулларининг маҳкам сиқиб ёпилиши билан баҳоланади.

Нутқ мулоқотнинг универсал воситаси бўлса-да, у фақат фаолият тизимига алоқадор бўлган шароитдагина аҳамиятга эга бўлади, фаолиятга дахлдорлик эса мулоқотнинг бошқа – нутқсиз воситаларини қўллаш билан тўлдирилади.

Ушбу воситаларнинг биринчи гуруҳига мимика ва имо-ишора киради. *Мимика* – юзнинг мулоқот пайтидаги динамик ифодаси. *Имо-ишора* – жамиятда ишлаб чиқилган ва руҳий ҳолатни ифодалайдиган ҳаракат. *Пантомимика* – инсон гавдасининг мимика, имо-ишора, интонациялар билан бирга унинг психик ҳолатини, айниқса, ҳис-туйғуларини ифодаловчи ҳаракатларидир. Уларга қараб биз инсоннинг бирор-бир воқеага, шахсга, нарсага муносабати ҳақида хулоса қиламиз. Имо-ишора одамнинг истаклари, унинг ҳозирги вақтдаги умумий ҳолатидан дарак бериши мумкин.

Новербал мулоқот тизимлари коммуникация жараёнида муҳим роль ўйнайди. Айрим маълумотларга қараганда 80% ахборот имо-ишоралар, мимика ва пантомимика ёрдамида ифодаланади. Албатта, бу миқдор анча оширилиб кўрсатилган бўлиши ҳам мумкин. Аммо бир нарса равшанки, новербал белгилар мулоқот жараёнида ўта муҳим аҳамиятга эга. Бу белгилар нутқни тўлдиради, баъзида ўрнини босади ва коммуникатив жараён иштирокчиларининг эмоционал ҳолатини акс эттиради. Шунинг учун мулоқот давомида новербал сигналларни кузатиш ва уларнинг мазмунини тушуниш жуда муҳимдир.

Новербал мулоқотнинг кинетик белгилар тизимида имо-ишоралар, мимика ва пантомимикадан кенг фойдаланилади.

Айрим мисоллар: *рост сўзлаётган одам кафтлари очиқ ҳолда, ёлғон гапираётган одам эса уларни беркитишга ҳаракат қилади. Суҳбатдошдан ўзини юқори тутиш белгиларидан бири, бутун кафт чўнтакда бўлиб, бош бармоқнинг ташқарига чиқариб қўйилганлигидир. Шубҳаланувчанлик одатда оғизни қўл билан ҳимоялаш, буринга тегиб қўйиш, қовоқларни силаб қўйиш, қулоқ ортини ёки бўйнини қашлаб қўйишда кўринади. Даҳанни силаб-силаб қўйиш қарор қабул қилишга қийналишини кўрсатади. Асабийлик ҳолати кишининг бирор нарсага, билак узуги, соати ва шу кабиларга ҳеч қандай мақсадсиз қайта-қайта тегиб туриши остига яширинади. Стулнинг устига «миниб», оёқларни кенг ёзиб ўтиришдан одамдаги доминантликка мойилликни сезиш мумкин. Олдинга чиқарилган оёқ, айниқса, уни учи билан ер тепсинаётган бўлса, доминантлик яққол намоён бўлади. Бош орқасига чалиштирилган қўллар, аёлларда белга тиралган муштлар ҳам доминантликка интилиш муносабатидан дарак беради. Кийимдаги йўқ чангларни қоқувчилар бундай ҳаракат билан суҳбатдош фикрига эътиборсизлигини ёки қўшилмаслигини кўрсатади. Одам вазият тўла ўзининг назорати остида деб ҳисоблаганда қўлларини бошининг орқасига ўтказиб, оёқларини чалиштириб ўтирадилар. Ўтирганда қўлларни тиззага қўйиш ҳаракатга дарҳол тайёргарликни билдиради. Суҳбатни тугатмоқчи бўлган одам қўлларини тиззасига қўйиб, қаддини бироз олдинга эгади. Одам гапира туриб оёқдан оёққа кўчираверса, тезроқ кетишга ҳаракат қилинаётганлигини, суҳбат унга ёқмаётганлигини ёки шошаётганлигини тахмин қилиш мумкин. Кўкрак қафасини беркитиш ҳимоялаш аломатидир. Бунда қўллар кўкрак қафасида чалиштирилган, қадди-қомад эгилган бўлиши мумкин, агар одам даҳанини кафти билан тираб ўтирган бўлса, бу кўпинча диққат билан тингланаётганлиги ва ўйланиб қолганлигини билдиради.*

Ички ишлар идоралари ходимлари фуқаролар билан муносабатга киришишда кескин қарорлар қабул қилишга тўғри келади. Уларнинг жиноятга алоқадор ёки унинг ўзи жиноят содир этганлигини аниқлаш керак бўлади. Жиноятни содир этган шахслар доимо ўзларининг ҳақ эканликларини айтишади.

Шундай қилиб, кишилардаги самимийликни, хулқ-атвори ва хатти-ҳаракатлари билан боғлиқ индикаторлар асосида уларнинг қандай ҳолатда эканликларини қандай аниқлаш мумкин?

Суриштирув-тергов ҳаракатларини олиб боришда жиноят содир этган шахс сизга ёлғон гапириши ва носамимийликни кўрсатиши мумкин.

Жиноят содир этган шахс қилмишни содир этишида қўлга тушиш оқибатларини яхши билади ва кўп йил қамоқда бўлиши мумкинлиги унда қўрқувни юзага келтиради. Бу қўрқув суриштирув ва тергов ҳаракатларини амалга ошириш вақтида ташқи аломатлар билан ўзини «сотиб» қўйиши мумкин.

Киши ёлғон гапираётганда стресс ва зўриқишни ҳис қилади. Қамоққа тушиб қолишдан қўрқиш организмга кучли таъсир кўрсатади ва инсонда хавфга қарши психик реакция кузатилади.

Инсон организми хавфга қарши уч йўл билан тайёрланади:

– қўрқув ёки хавф организмда (неврозлик асосида) ҳимоя механизмини ишга солади, уни ҳимоя реакциясига тайёрлайди;

– шу вақтда организм хавфга қаршилик кўрсатиш учун мудофаага ўтади;

– организм хавф билан боғлиқ кечинмалардан ўзини ҳимоялаш позициясига ўтади.

Юқоридаги ҳолатлар ҳақида маълумотга эга бўлсангиз инсон организми стресс ҳолатида бўлган вақтдаги унинг самимий ёки носамимийлигини аниқлашга ёрдам беради.

Бу ҳолатларни ўрганиш ва таҳлил қилиш қобилияти психологиянинг *кузатув методи* асосида ташкил этилади.

Новербал ҳаракатларни ифодалаш қийин эмас. Бунда атрофдагиларнинг хотиржамлигига хавф солувчи ҳолатлардаги ихтиёрсиз равишда юзага келадиган реакциялар ҳақида маълумотга эга бўлиш керак бўлади.

Вербал мулоқот бу – нутқ билан боғлиқ мулоқотнинг шакли бўлса, новербал мулоқот эса нутқсиз, имо-ишора, эмоция, жест ва пантомимик ҳаракатларда намоён бўлувчи мулоқот шаклидир.

Аввал айтганимиздек, хавф вақтида мия организмга ҳимояланиш учун буйруқ ёки сигнал беради. Шунинг учун ҳам организм метобализмида тезлашиш жараёни кечади. Хавф вақтида юрак уриши тезлашади ва қон босими кўтарилади. Қонга адреналин ажралади ва у мияга, мушакларга ҳамда ўпкага тақсимланади.

Мана шу жараёнлар содир бўлгани учун ҳам нафас олиш тезлашади. Метабализмнинг тезлашиши иссиқлик ҳароратини келтириб чиқаради, натижада эса терлаш ҳолати содир бўлади. Метабализм тезлашиши оқибатида инсонда невроз ҳолатининг белгилари намоён бўлади. Неврознинг ташқи белгилари орқали кишиларнинг ҳолатини билиш имкони туғилади. Буни оддий *кузатиш методи* орқали амалга ошириш мумкин.

Неврозда хулқ-атвор ва хатти-ҳаракат организмнинг турли қисмида содир бўлиши мумкин. Инсон танасининг кўп қисми бизга ёлғон ишлатиш натижасида қўрқув ва хавфнинг юзага келганлиги ҳақида маълумот беради.

Бу қисмлар: *юз қисми; бош ва бўйин; қўл ва оёқ; тана; овоз интонацияси.*

Бу тана қисмларга қараб кишининг стресс ҳолатида эканлиги ёки эмаслиги ҳақида маълумот олиш мумкин. У эҳтимол ёлғон гапираётган бўлиши мумкин. Эътибор бериш керакки, ҳеч қайси бир индикатор кишининг ёлғонидан алоҳида хабар бермайди. Ҳар бир индикаторнинг комбинациясига қараб, унинг намоён бўлиш вақти ва ҳолатига қараб ёлғон гапираётган кишини аниқлаш мумкин.

Кўзни кўп пирпиратиш ва ён-атрофга олиб қочиш асабийлашишдан далолат беради. Кузатув мобайнида аҳамият берингки, киши 1 дақиқа давомида 6-8 мартагача пирпиратиши мумкин.

Невроз ҳолатида бошнинг қон босими кўтарилиши кузатилади. Юз қизариши ёки аксинча оқариб кетиши ҳам мумкин. Бунинг сабаби организм юзни керакли даражада кислород билан таъминлаб бера олмайди. Кислород етишмаслиги нафақат юзнинг оқариши, балки яна бошқа аломатларни ҳам юзага келтириши мумкин.

Одатда, эснаётган одамни биз чарчаган деб ҳисоблаймиз. Аммо кишиларни қўрқув ҳолатида ҳам эсноқ тутади. Тезлашган метабализм организмда кўп кислород сарфланишига сабаб бўлгани учун кўп эснашади. Эсноқ организмни кўпроқ кислород билан тўйинишига имкон беради.

Кишида носамимийлик оқибатида вужудга келадиган қўрқув организмда стресс ва зўриқишни ҳамда жисмоний ўзгаришларни юзага келтиради.

Лаб соҳаси ҳам стресс ва зўриқишларни кўрсатувчи индикаторлар ҳисобланади. Метаболизм тезлашиши натижасида организм кўпроқ сув талаб қилади. Бу эса оғиз бўшлиғида ва томоқда қуришни келтириб чиқаради. Лабни ялаш ва кўп ютиниш организмнинг сувга эҳтиёж сезаётганлигини билдиради.

Организмни интенсив ишлашга мажбур қилувчи ва кўп кислородга эҳтиёж сезиш жараёни ҳам организмнинг қизишига сабаб бўлади. Агар сиз ўтирган жойнинг ҳарорати терлаш даражасида бўлмаса, демак, билингки, кишининг терлаши стресс ва зўриқиш туфайли содир бўлади.

Кишининг боши ва юз қисми кўринарли жойда жойлашган бўлгани учун бу қисмларни назорат қилиш мумкинлиги боис турли қиёфага кириши мумкин. Бошқа тана қисмларини назорат қилиш мушкулроқ бўлгани учун улар ўзларини беихтиёр сотиб қўядилар.

Новербал ҳаракатларнинг қўллар мисолида таҳлили қуйидагича бўлиши мумкин. Тирноқларни ўйнаш, бармоқларни кўп қимирлатиш, соат, узук каби буюмларни ушлаш, терни артиш, кафтларни бир-бирига ишқалаш, доимий қичиниш буларнинг барчаси қўл соҳасида юзага чиқувчи невроз ҳолатининг белгиларидир.

Тананинг ғужанак бўлиши унинг зўриқишидан, носамимийлигидан хабар беради.

Организмнинг ҳаракатланишга шайлиги бир вақтнинг ўзида унинг беихтиёр ҳимояга тайёрланишини ҳам таъминлайди. Организмнинг мудофаа позициясида тана ўзини хавф-хатар ёки оғриқни сезмаслик учун (блокировка) ёпиқ ҳолатга ўтади.

Шахснинг қўлларини кўкрак қафаси олдида жипслаштириш ёки қовуштириши ходим назоратидан ўзини мудофаа қилишга уринишидир.

Қўлларнинг қовуштирилиши ёки блок ҳолати мудофаа, ҳимоя вазифасини ўтайди.

Танасини четга ўгиришга уринаётган киши ходимдан ўзини тортаётганлигини англатади. Бу мудофаа позициясининг яна бир кўриниши ҳисобланади. Мудофаа позициясининг яна бошқа бир кўринишида бу тана информация беришдан қочади ёки ўзини ҳимоя қилишга уринади. Бу асосан юзда ифодаланади.

Ёлғон вақтида инсонлар стрессга юз тутишлари мумкинлиги учун улар онг остида (беихтиёр) ўзларини юпатадилар ёки кўнгилларини кўтаришга ҳаракат қиладилар. Улар тананинг бир қанча жойларига худди она боласини овутгандай тегинишлари мумкин.

Эътибор бериш керак бўлган яна бир индикатор – берилган саволга жавоб беришда инсон стресс натижасида нигоҳни бир нуқтадан бошқасига тез-тез кўчириши ҳам кўзини олиб қочиши мумкин. Кўзни олиб қочиш – киши сизни тингламаётгани ёки сизнинг иштирокингизни ҳис қилмаётганидан дарак беради.

Кишининг кўзларини олиб қочиши, одамга қараб гапирмаслиги доим ҳам шубҳа уйғотмаслиги керак. Айрим инсонлар шундай тарбияланган бўладилар ёки аксинча сўзлашув давомида фақат кўзларга қараб гапиришлари мумкин. Аммо аҳамият бериш керакки, киши кўзларини олиб қочиши бу унинг носамимийлиги ёки нимадир яшираётганлигидан далолат беради. Киши ёлғон сўзлаётганда суҳбат давомийлигининг 1/3 қисмидагина нигоҳлар тўқнаш келади.

Мулоқотда суҳбатдошларнинг кўз қарашлари – визуал контактлари ҳам катта аҳамиятга эга. Визуал контакт – бу қарашлар сони, уларнинг узоқлиги, қарашлардаги статика ва динамик алмашинувлар, кўзини олиб қочишлар ва бошқалардан иборат. Аргайл шулардан келиб чиқиб, «яқинлик (интимлик) формуласи»ни ишлаб чиққан ва бунда интимлилик даражаси суҳбатдошлар ўртасидаги масофага ва кўз қарашларга боғлиқлигини исботлаган. Чунки кўз қарашлар суҳбатдошнинг мулоқотга тайёрлиги, уни давом эттириш керак ёки керак эмаслиги ҳақида маълумот бериб, суҳбатнинг йўналишини белгилайди.

Яна бир муҳим таъсирчан белгилар мажмуини ўзига мужассам этган соҳа – бу юзимиздир. Илмий адабиётда юз қиёфасининг 2000 дан зиёд қирралари аниқланган. Уларни маълум тартибда тизимга солиш учун П.Экман *«FAST» – Facial Affect Scoring Technique* деб номланган методикани ҳам таклиф этган. Унга кўра юз уч зонага бўлинади: I – кўз ва пешона, II – бурун ва бурун олди, III – оғиз ва ияк зонаси. Уларнинг ҳар бирида турлича бўладиган 6 хил эмоционал ҳолатлар ажратилади: қувонч, жаҳл, ҳайрат, қўрқув, ғам ва нафрат.

Визуал алоқа кўзлар орқали амалга ошириладиган алоқадан иборат**.** Айрим маълумотлар: *психологик тажрибалардан маълум бўлишича, суҳбатдошлар бир-бирини кўзларига тикилиши билан ўзидаги ёқтириш, садоқат ёки аксинча, агрессив реакцияларга тайёргарликни ифодалайди. Визуал алоқа мулоқот иштирокчилари орасидаги масофа катта бўлганда ҳамда таниш одамлар ўртасида узоқроқ давом этади. Ёқимсиз суҳбат давомида одамлар кўзлар тўқнашувидан ўзларини сақлайдилар. Аёллар эркакларга нисбатан визуал алоқага кўпроқ мойилдирлар. Одамнинг эмоционал ҳолати таъсирида кўз қорачиғи кенглиги ўзгаради. Салбий эмоциялар таъсирида қорачиқ тораяди, ижобий эмоциялар таъсирида эса кенгаяди. Мутахассислар маслаҳатига кўра ижобий ва ишончли муносабат ўрнатиш учун суҳбатдошлар визуал алоқани бутун мулоқот вақтининг 60-70%ни эгаллаши керак. Одам самимий бўлмаса, ёки уялаётган бўлса, визуал алоқа бутун мулоқотнинг 1/3 ни эгаллайди. Бордию, визуал алоқа бутун мулоқот вақтининг 2/3 қисмини эгалласа, бу ҳолат одамга нисбатан қизиқиш кучлилигини кўрсатади (бунда кўз қорачиғи кенгаяди), ёки одамга нисбатан салбий муносабат кучлилигини кўрсатади (бунда кўз қорачиғи тораяди). Аммо визуал алоқа кузатувида миллий хусусиятларни ҳам инобатга*

олиш керак. Жанубий Европа халқларида суҳбатдошнинг кўзларига узоқроқ тикилиш одатий ҳолатдир. Баъзиларга бу ҳақорат бўлиб туюлиши мумкин. Японлар юзга нисбатан бўйинга кўпроқ қарайдилар. Узлукли визуал алоқа самаралидир. Тадқиқотларнинг кўрсатишича, визуал алоқа 10 сониядан ортмаслиги керак. Визуал алоқанинг оптимал варианти суҳбатдошларнинг юзма-юз эмас, маълум бурчак остида (тажрибалар натижасига кўра 90 градус) бир-бирига юзланишидан иборат. Бундай жойлашиш тикилиб туришга мажбур қилмайди ва ҳаракатларнинг эркин бўлишини таъминлайди.

Демак, новербал мулоқотда бир қанча белгилар тизимларидан фойдаланилади. Улардан фойдаланиш кўпинча онгсиз амалга ошади.

Сочни силаш, соқол, мўйлабни сийпалаш; юз, даҳан соҳаларини силаш, қулоқни тортқилаш, бурунни ишқалаш кабилар инсоннинг ўзини ўзи овутишга уриниши ёки ёлғондан ҳимояланиш воситасидир.

Мулоқотнинг нутқсиз воситасига кирувчи бошқа гуруҳини *вокаллаштириш* тизими, яъни овоз сифати, унинг диапазони, тоналлиги ва бошқалар ташкил этади. Ушбу қўшимчаларнинг ҳаммаси ахборотнинг аҳамиятини оширади ва ўзига хос нутққа қўшилган «қўшимча» вазифасини бажаради.

Жон Честара мулоқот жараёнида намоён бўладиган ва аниқ маъно ва моҳият касб этадиган новербал қилиқларга тасниф берган[5]:

1) агар суҳбатдошингиз бармоқлари билан столни тинмай чертаётган бўлса, демак, у бетоқат, ёки унга сиз билан суҳбатлашиш зерикарли, шунинг учун у асабийлашмоқда;

2) агар суҳбатдош елкаларини қисаётган бўлса, демак, уни сиз билан бўлган суҳбат бефарқ қолдирди, унга барибир;

3) агар у қўл бармоқларини қисаётган бўлса, демак, у нимадандир жуда хавотир, ўзини ҳимоясиз ҳис қилмоқда;

4) суҳбатдошнинг қўлларини мушт қилиб туриши ундаги важоҳат белгиси, лекин у бу ҳолатни, баджаҳлликни назорат қилмоқчи;

5) агар суҳбатдошнинг қўллари беҳол бўлиб, кафтлари юқорига қаратилган тарзда олдинга интилган бўлса, демак, у нимадандир таажжубда, ташвишда, қийинчиликда;

6) агар шеригингиз костюмининг тугмаларини ечса, демак, у фаолликка ҳозирланган бўлади;

7) қўллар кўкракда боғланган бўлса, бу унинг чақириғи, ниманидир муҳокама қилишга тайёрлиги рамзи;

8) агар одам тез юриб бораётиб, иякларини кўтарган ҳолда қўлларини эркин ташлаб қўйган бўлса, демак, у ўзига ишонади, у – қатъиятли;

9) одам кетаётганда, икки қўли чўнтакда, боши эгик бўлса, демак унинг руҳияти тушкунликда, хафа, депрессия ҳолатида бўлади;

10) қўл кафтларининг чаккага қўйилганлиги унинг нимагадир жуда ҳайратланиб, қизиқаётганлигининг белгисидир;

11) агар суҳбатдош қўл мушти билан ўзининг иягига ураётган бўлса, у ниманидир аниқламоқчи, ташвишда бўлади;

12) агар одам бурнига тегинса ёки уни ишқалаётган бўлса, демак, у ниманидир устида ўйламоқда;

13) агар суҳбатдош қўлини белига тираб олган бўлса, демак, у ўзининг устунлигини билдириб, очиқ гаплашиб олишга чақираётган бўлади;

14) агар қўлларининг учларини бирлаштириб «уйча» шаклини эслатаётган бўлса, бу унинг ниманидир ўйлаётганлиги ёки нимагадир қизиқаётганлиги рамзидир;

15) агар сиз гапираётганингизда суҳбатдош бошини ёнбош қилиб тингласа, демак, у жиддий эмас, ҳазилга мойил;

16) агар суҳбатдош кўз ойнагини бурун устига тушириб, тепасидан қараса, бу унинг сиздан кўпроқ маълумотларни кутаётганлиги белгисидир;

---

[5] *Жон Честара.* Деловой этикет. – М., 1997. – Б.26.

17) одам у ёқдан бу ёққа бориб келаётган бўлса, демак, у нимадандир ташвишда, асабийлашмоқда;

18) агар одам қаншарини босаётган бўлса, демак, у чарчаган (агар кўзойнаги қисмаётган бўлса).

19) агар одам стулнинг қирғоғига ўтириб олган бўлса, бу ё сабрсизлик билан кутаётганлиги, ёки нимагадир қизиқиш билдираётганлиги рамзидир;

20) одам оёқларини бир-бирининг устига қўйиб олиб, оёғини енгил тебратаётган бўлса, демак, у зерикмоқда;

21) агар одам кўрсатгич бармоғи билан ўқталиб, ўзига хос тарзда ҳаракат қилаётган бўлса, у ўз қарашини таъкидламоқчи;

22) агар одам оёқларини хонтахта ёки стол устида устма-уст қўйиб ўтирган бўлса, у бошқаларда ўзига хос таассурот қолдирмоқчи, ўзининг тобе эмаслигини кўрсатмоқчи;

23) агар одам ўзини орқага ташлаб, қўлларини бир-бирига боғлаб, бўйнида ушлаган бўлса, демак, у дам олмоқчи, ва бошқаларда таассурот қолдирмоқчи;

24) гапираётган пайтида оғзини беркитиши, унинг «тушунишингиз шарт эмас» дегани.

25) одамнинг бир қўлини орқага қилиб, бошқа қўли билан тирсагини ушлаб туриши, унинг тажанглиги ва биров билан гаплашиш хоҳиши йўқлигини билдиради» (кўрсатилган адабиёт: 174-175-б.).

Шундай қилиб, биз одатий, табиий деб идрок қилган мулоқотда ҳам кўплаб сирлар, ўзига хос нозик томонлар борки, уларнинг барчаси биздан мулоқотда билимдонликни, ўзгаларга ва ўзимизга эътиборлироқ бўлишимизни талаб қилади.

Овоз кишиларнинг айни вақтдаги ҳолатини (характери, темпераменти, ҳис-туйғулари) атрофдагиларга англатади. Овознинг тони шахснинг эмоциясини билишга ёрдам беради (ғазаб ва қайғу – енгилроқ, рашк ва невроз – оғирроқ).

Асаблари таранг ҳамда хавотирли ҳолатларда шеригимизнинг ҳам овоз тембри бир неча бор ўзгаради. Бу факт «Ёлғон детектори»нинг контактсиз намуналарида муносиб қўлланилади. Маълумот олинишида, овознинг кучи ва даражасига эътибор беринг:

- аниқ, баланд овоз – ғайрат, иштиёқ, хурсандчилик, ишончсизлик;
- баланд, кучли ва юқори диапазонидаги овоз – ғазаб ва қўрқув;
- жуда юқори чинқироқ овоз – хавотирни;
- юмшоқ, оҳиста, ҳар бир фразанинг охирида интонациянинг пасайиши билан ифодаланадиган овоз – ғам, қайғу, чарчоқ;
- овоздаги олифтагарчилик – зўриқиш, ёлғон;

Новербал товушлар аҳамиятга эга маълумотларни беради:

- ҳуштак (беихтиёр чалиш) – ишончсизлик ёки хавфсираш;
- кутилмаганда хахолаб кулиш – зўриқиш;
- овознинг кутилмаганда қисилиб чиқиши – зўриқиш;
- доимий йўтал тутиши – ёлғон, ўзига ишончсизлик, ташвишланиш.

Шунингдек, беихтиёр реакциялар ҳам мавжуд бўлиб, уларни назорат қилиш жуда қийин (зеро, уларни турли усуллар билан яширишга уринишади), бироқ маълумот олишда анча аҳамиятли ҳисобланади. Баъзи реакциялар «ёлғон детектори» каби ташхис аппаратларида аниқланади.

Бундай реакциялар қуйидагича кўринишда бўлади:

- ✓юзнинг қизариши – уят, ғазаб;
- ✓оқариб кетиш – қўрқув, айбдорлик ҳисси;
- ✓қорачиқнинг кенгайиши – қизиқиш, қониқиш ҳисси, розилик, кучли оғриқ;
- ✓қорачиқнинг торайиши – қониқмаслик, рад қилиниш;
- ✓ қўл ва бўйин соҳаси артериясида пульснинг кучли уриши – (юрак уришининг фаоллашуви билан бўйинбоғни бўшатишга уриниш) хавотир, қўрқув, уят, ёлғон;
- ✓пульс частотасининг пасайиши – диққатнинг ошиши;

✓тез-тез ва юзаки нафас – ички зўриқиш;

✓бурундан қисқа-қисқа нафас олиш – жаҳл;

✓нафас олишнинг бузилиши, томоқнинг қисилиши, тупукни рефлектив ютиниш – ваҳима, уят, ёлғон;

✓оғизнинг қуриши (ютиниш, лабни ялаш, ташналик…) – қўрқув, ёлғон;

✓тўсатдан тишларни кўрсатиш – қаҳр, тажовузкорлик;

✓терламоқ, тер – ғазаб, хижолат бўлиш, нервозлик, ёлғон;

✓титроқ (қўл, оёқ бармоқларида, юз мушакларида) – ички зўриқиш, қўрқув, ёлғон;

✓пирпираш – қўзғалиш, ёлғон;

✓қориннинг ғулдираши – қўрқув (доим ҳам эмас, вазиятга қараб…);

✓тишларни ғижирлатиш – кучли невроз, стресс, ўйлаганни амалга ошира олмаслик.

Бундай реакциялар аёлларга нисбатан эркакларда аниқроқ ифодаланади ва кузатиш имкони кўпроқ бўлади.

Эслатма: ҳар қандай психофизиологик диагностикада симптоматик ҳолатлардан ташқари вақт, жой, вазият, ҳолат каби параметрларга аҳамият бериш лозим (масалан, ҳарорати 39^0 бўлган беморда оғиз қуриш, терлаш, кўзларнинг пирпираши, юзнинг қизариши каби ҳолатлар рўй беради).

Нутқсиз воситаларнинг *учинчи гуруҳига* коммуникатив жараённи ташкил қилишнинг макон ва замони киради. Улар ҳам махсус белгилар тизими бўлиб, коммуникатив тизимнинг таркибий қисмлари сифатида маънога эга. Сўнгги вақтларда психологик тадқиқотларда мулоқотга киришувчи шахслар ўртасидаги оралиқнинг коммуникатив аҳамиятига ва мулоқот самарадорлигининг иштирокчилар жойлашувига боғлиқлиги масалаларига эътибор берилмоқда. Мулоқотга киришувчилар ўртасидаги масофаларнинг тўрт тури фарқланади: *интим* (0–0,5 м), *шахсий* (0,5–1,5 м), *ижтимоий* (1,5–3 м), *оммавий* (3 метрдан ортиқ).

Ходим масофани ўзгартириш орқали гумон қилинувчи, айбланувчи, гувоҳ кабиларга қўшимча таъсир кўрсатишга эришиши мумкин, чунки бу билан шериклар ўртасидаги муносабатлар хусусияти ўзгаради[6].

Мулоқот, шунингдек, индивидларнинг бир-бирларига коммуникатив таъсирининг муайян усулларини ҳам ўз ичига олади.

***Таъсир этиш усулларининг* қуйидаги турлари фарқланади:**

Юқимлилик – таъсир кўрсатишнинг кишилар оммасини муайян тарзда, айниқса оммавий тартибсизликлар, диний жазавалар, оммавий психозлар билан боғлиқ равишда интеграция қилувчи махсус усули.

Умумий тарзда юқимлиликни индивиднинг онгсиз, ихтиёрсиз равишда муайян руҳий ҳолатларга тушишга мойиллиги сифатида таърифлаш мумкин. У муайян ҳиссий ҳолатнинг бировга ўтказилишида намоён бўлади.

Ишонтириш – исботсиз тасдиқланадиган ёки инкор этиладиган хабарларни танқидий қарашсиз қабул қилишга қаратилган коммуникатив таъсир кўрсатиш усулидир. Ушбу психологик ҳодиса ҳақидаги билимлар ривожининг ҳозирги босқичида «ишонтириш мантиқий исботлашсиз шаклланган ишончга таянади ва индивиддан индивидга, жамоадан шахсга берилади ёки аксинча, аниқроқ айтганда, автоматик тарқалади», деган қоидага асосланилади. Инсон ишонтириш таъсирига ихтиёрсиз тушиб, ўзи англамаган ҳолда ҳаракат қила бошлайди. Ички ишлар идоралари ходимлари хизмат фаолиятида таъсир этишнинг ушбу усулидан жуда эҳтиёт бўлиб фойдаланишлари керак, баъзан (масалан, тергов ҳаракатларини ўтказиш чоғида) ундан фойдаланиш қонун билан тақиқланади.

***Ишонтириш* ички ишлар идоралари ходимларининг фуқароларга кўрсатадиган асосий таъсир усули бўлиши керак. Ундан фойдаланишнинг муваффақияти қуйидагиларга боғлиқ:**

---

[6] *Асямов С.В., Пулатов Ю.С.* Ички ишлар идоралари ходимларининг касбий-психологик тренинги. – Т., 2002. – Б.76.

– таъсир кўрсатувчи шахснинг шахсий ишончи;

– унинг тайёргарлиги ва билими;

– хабар берилаётган фактлар, ҳодисалар, ҳаракатларнинг тўғрилиги, аниқлиги ва ишончлилиги;

– фойдаланилаётган фактларнинг характерли, типик бўлиши;

– одамларни ўзига нисбатан мойил қилиш, уларнинг ишончини қозониш;

– таъсир кўрсатувчи шахснинг талабчанлиги, унинг вазминлиги ва одоби.

Эътиқод мавжуд қарашлар, майллар, нуқтаи назарлар, муносабат ва баҳоларни ўзгартириш мақсадида у ёки бу қоида, қараш, қилмишнинг тўғрилигини ёки уларга йўл қўйиб бўлмаслигини мулоқот, тушунтириш ва исботлаш орқали одамларнинг онги, ҳис-туйғулари ва иродасига таъсир кўрсатиш бўлиб, коммуникатив таъсир кўрсатишнинг энг универсал усулидир. Эътиқод механизми инсон ақлий фаолиятини жадаллаштиришга, унинг мақсадга эришиш йўллари ва воситаларини онгли равишда танлашига асосланган. Кимнидир нимагадир ишонтириш, мантиқий мулоҳаза, хулоса чиқаришлар натижасида муайян нуқтаи назарга қўшиладиган ва уни ҳимоя қилишга ёки унга мувофиқ ҳаракат қилишга тайёр бўладиган ҳолатга эришишни билдиради.

Тақлид қилиш онгли ёки онгсиз равишда намунадан нусха олишдир. У гуруҳ, жамоани ташкил этувчи одамларнинг хатти-ҳаракатига хос бир хил усулларни ишлаб чиқиш имконини беради.

Мулоқот жараёнида психологик-педагогик таъсир этишнинг принциплари:

1) Таъсир этиш шахснинг аниқ ўзига хос сифатларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилиши керак;

2) Психологик таъсир этиш учун инсон психикасининг умумий қонуниятларини ва ривожланиш даражасини билиш керак;

3) Таъсир этиш жараёни, унинг элементлари, оқибатларини олдиндан режалаштириш ва башорат қила олиш;

4) Шахс томонидан унинг ижобий таъсирланиши рағбатлантириб борилиши керак;

5) Таъсир этиш инсон ҳуқуқларини поймол этиши керак эмас;

6) Шахсга таъсир этиш режалаштирилганида барча хатти-ҳаракатлари тизими аниқланиши ва ҳисобга олиниши керак;

7) Таъсир этиш жараёнида ташқи таъсир этувчи омилларни ҳисобга олиш зарур;

8) Таъсир этиш шахснинг ҳиссий ҳолатини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади;

9) Таъсир этиш жараёни мобайнида шахснинг психологик фаоллигини таъминлаш зарур.

Психологик таъсир кўрсатиш усулларини қўллаш босқичлари:

Мулоқот жараёнида шахсга таъсир кўрсатишнинг бир қатор психологик усуллари қўлланилади. **Уларни ходим ва фуқаро ўртасида юзага келадиган вазиятга кўра қуйидагича таснифлаш мумкин:**

– шахслараро муносабатда низосиз вазиятларда қўлланиладиган усуллар;

– шахслараро муносабатда низоли вазиятларда қўлланиладиган усуллар.

Шахслараро муносабатда низосиз вазиятларда қўлланиладиган усулларга қуйидагилар киради:

– боғланганлик;

– ўхшашлик;

– қарама-қаршилик;

– ажратиш;

– парафраза (бошқа одамларнинг сўзлари билан айтиб бериш);

– кўргазмалилик.

Боғланганлик. Бунда воқеалар ассоциациялар (ўхшашликни яратиш принципи бўйича хотирланади (эслаб қолинади). Шахс хотирасида нарса ва ҳодисалар образлари ўртасидаги боғлиқлик ассоциациялари асосида идрок этилган тартибда ҳосил қилинади.

Ўхшашлик. Бу усул иш учун аҳамиятли, аммо унутилган тасаввур, фикр ва ҳиссиётларни бу ишга алоқаси бўлмаган, лекин ўхшаб кетадиган объект ёки тушунчаларни тақдим этиш орқали шахснинг хотирасида тиклаш учун қўлланилади. Масалан, сўроқ қилинаётган шахсга фотосуратни кўрсатиб, нафақат шахс ҳақида, балки унинг ҳаракатлари ҳақида ҳам тасаввур ҳосил қилиш мумкин.

Қарама-қаршилик. Бу усулнинг моҳияти шундаки, бунда қарама-қарши объектлар (оқ – қора, катта – кичик ва ҳ.к.) қиёсланади. Масалан, агар ҳодиса қишда юз берган бўлса, унга ёзги даврни эслатиб, унутилган вақтни хотирасида тиклашига кўмаклашиш мумкин.

Ажратиш. Бу усул идрок этиш чоғида ҳосил бўлган алоқаларни ажратиш ҳамда айрим белги ва хусусиятларни (хоссаларни) аниқлашга асосланади.

Парафраза **(бошқа одамларнинг сўзлари билан айтиб бериш).** Шахс маълумотларни ўзи ўзлаштирмаган ёки бошқа одамлар томонидан айтиб берилган категория ва ифодаларда келтириши мумкин. Уларни текшириш учун ходимнинг илтимосига кўра шахс бу маълумотларни бошқа сўзлар билан такрорлайди, яъни бошқача қилиб айтиб беради.

Кўргазмалилик. Бу усул шахс нарсанинг хусусият ва белгиларини сўзда ифодалашга қийналаётганида қўлланилади. Ушбу ҳолларда унга ранглар шкаласи, суратлар, моделлар тақдим этилади. Шахсга у сўз билан ифодалашга қийналаётган нарсани қоғозда тасвирлашни таклиф этиш мумкин.

Низоли вазиятларда қўлланиладиган усуллар:

– зўриқишни олиб ташлаш;
– зўриқиш ҳосил қилиш;
– шахсига хос фазилатлардан (ижобий хислатлардан) фойдаланиш;
– шахснинг ожиз томонларидан фойдаланиш;
– ёлғонга чек қўйиш;
– кутиш;
– афсонага йўл қўйиш;
– чақириқ (даъват);
– қўққисдан саволлар бериш;
– изчиллик;
– диққатни чалғитиш;
– нутқ суръатини жадаллаштириш;
– нутқ суръатини пасайтириш;
– ходимнинг хабардорлиги ҳақида тасаввур ҳосил қилиш;
– такрорийлик.

Зўриқишни олиб ташлаш. Кўпинча ички ишлар идоралари ходимлари билан фуқаролар мулоқотга киришганида кучли ҳаяжонга тушади. Бунинг натижасида у маълумотларни изчил ва маъноли баён эта олмайди. Бундай ҳолат ноодатий вазият, хавотир ҳисси, ортиқча бир нарса айтиб қўйишдан қўрқиш кабилар билан боғлиқ бўлиши мумкин. Зўриқишни олиб ташлаш учун унга вазиятга мослашиб олиши, хотиржам тинчланиши учун вақт бериш, сўнгра психологик алоқага киришиш зарур.

Зўриқиш ҳосил қилиш. Бундай ҳолатни ходим сўроқ қилинаётган шахснинг эмоционал соҳасига таъсир кўрсатиш, у танлаган йўлнинг тўғрилигига ишончини сўндириш орқали яратади. Агар сўроқ қилинаётган шахс ортиқча ҳиссий қўзғалувчан ва импульсив бўлса, бу усул жиддий натижалар беради.

Шахсига хос фазилатлардан (ижобий хислатлардан) фойдаланиш. Кўп ҳолларда шахснинг фазилатларига мурожаат этиш жиноятларни текширишда, айниқса ёлғон кўрсатувлар бераётган шахсларга нисбатан қўлланилганида фойда беради. Шу боис, сўроқ қилинаётган шахснинг ҳалоллигини эслатиб, ўтмишдаги хизматлари, жамоадаги обрўсини таъкидлаб, уни сўроқ вақтида очиқ бўлиш ва ҳақгўйликка кўндириш мумкин.

Шахснинг ожиз томонларидан фойдаланиш. Шахс руҳиятининг ўзига хос жиҳатлари (жиззакилиги, кечинмаларга мойиллиги кабилар)ни ҳисобга олиб, сўроқ

пайтида тўғри кўрсатувлар беришига эришиш мумкин. Ғазаб пайтида сўроқ қилинаётган шахс одатда айтмайдиган фикрларини айтиши мумкин.

Ёлғонга чек қўйиш. Бу усул шахс «ёлғонни ривожлантиришига» имкон бериш зарурати бўлмаганида қўлланилади. Бу усулни ходим иш ҳолатлари бўйича ишончли маълумотларга эга бўлганида қўллагани маъқул. Бунда ёлғон кўрсатувлар дарҳол рад этилади. Мавжуд далилларни тақдим этиш орқали ёлғон бартараф этилади.

Кутиш. Иш натижасидан манфаатдор гувоҳ, жабрланувчи, гумон қилинувчи, айбланувчининг онгида мотивлар кураши юз беради. Мотивларнинг айримлари ёлғон, бошқалари эса ҳаққоний кўрсатувлар беришга ундайди.

Ходим шахсдаги иккиланишларни инобатга олиб, унинг онгида фойдали мотивлар ғалабасини таъминловчи асосларни атайин «яратади» ҳамда сўроқ қилиш вақтида, сўроқ қилинувчининг ўзи ёлғон кўрсатувларидан воз кечишини кутиб, танаффус беради.

Афсонага йўл қўйиш. Ходим шахс ёлғон кўрсатувлар бераётганини била туриб, уларни баён этиши ва ичидагини айтиб олишига имкон беради. Бунда шахснинг ўзининг аввалги фикрларига зид кўрсатмалар бериши аниқ бўлади. Ходим ўзини унинг кўрсатувларига ишонаётгандек тутади, уни диққат билан эшитади ва айтганларининг ҳаммасини баённомада қайд этиб, сўнгра афсонани барбод этади.

Чақириқ (даъват). Бу усул шахс мантиқан изчил фикр юритишни истамаган пайтда қўлланилади. Ходим атайин диққатини шахс рад эта оладиган, яхши исботланмаган ҳолатларга қаратади. Шу тариқа шахс фикрлашга ундалади ва шу пайтда ходим унга далиллар билан тасдиқланган фактларни хабар қилади. Шахс ушбу фактларни ҳам аввалгиларидек рад этишга ҳаракат қилади, аммо улар объектив бўлгани учун бу қўлидан келмайди. Бу ҳол унда ўзини йўқотиш, тушкунлик ҳолатини юзага келтириши мумкин. Шунда у аслида бўлган воқеани айтиб беришга мажбур бўлади.

Қўққисдан саволлар бериш. Шахс ёлғон кўрсатувлар бераётганида унга у мавжудлигини билмаган савол қўққисдан берилади ёки далил тақдим этилади. Бу ҳол аввалдан тайёрлаб қўйилган ёлғон жавоблар тизимини бузиб юборади ва шахсда стресс ҳолатини келтириб чиқаради. У қўққисдан олинган маълумотни бунгача ўзи ўйлаб топган маълумотлар билан боғлашга қийналади, кейин навбатдаги ёлғон жавобни дарров ифодалай олмайди.

Изчиллик. Бу усул қўққисдан қўлланиладиган усулга қарама-қарши бўлиб, шахсда руҳий зўриқишни аста-секин кучайтириш учун зарур пайтда қўлланилади. Бунинг учун ходим далилларни кетма-кет ўсиб борувчи тартибда тақдим этади ва ҳар бирининг аҳамиятини батафсил тушунтиради. Ходим шахс тўпланган далилларнинг кучини сезишига имкон бериб, ёлғон гапиришга уриниши бефойда эканлигини кўрсатади.

Диққатни чалғитиш. Ушбу ҳолда ходим шахснинг ҳушёрлигини сўндириш учун диққатини асосий масалага қаратмайди, балки уни бошқа масалаларга фикрини тортади.

Нутқ суръатини жадаллаштириш. Кўп ҳолларда шахс сўроқ пайтида имиллайди, вақтни чўзади, ходим биладиган ҳолатларга мос келиши учун жавобларини ўйлаб олиш ва тайёрлашга ҳаракат қилади. Шундай вазиятда ходим шахс гапларига жадал суръат бағишлаб, унинг фикрларидан олдинда юриб, фикрлаши ва найранг ишлатишига имкон бермай, ташаббусни ўз қўлига олади.

Нутқ суръатини пасайтириш. Шахс сўроқ пайтида жуда тез гапиради, фикрларда чалкашликлар, тизимлилик йўқолганда нутқ суръатини пасайтириш керак бўлади.

Ходимнинг хабардорлиги ҳақида тасаввур ҳосил қилиш. Ушбу ҳолда ходим шахсга муайян факт ёки маълумотларни атайин айтиб беради. Натижада шахс ходим кўп нарсадан хабардорлиги ҳақида хулосага келади ва тўғри кўрсатувлар бера бошлайди.

Такрорийлик. Бу усул шахс навбатдаги сўроқ пайтида аввал берган кўрсатувларини аниқ такрорлай олмаслигига қаратилади.

3 - ўқув саволи. Ички ишлар ходимларининг касбий фаолиятида низоли ҳолатлар ва уларнинг олдини олиш

Ўз вақтида Наполеон Банопарт шундай ёзган экан: «қилич билан ҳар нарса қилиш мумкин, фақат унинг устига ўтириб бўлмайди». Бу фикрида у кўпинча инсонлар ўртасида бўлиб турадиган низоларни, зиддиятларни назарда тутган экан. Чунки тоталитар ёки диктаторлик бошқаруви шароитида зиддиятларнинг бўлиши табиий бўлиб, унинг ягона ечими узил-кесил уни ҳал қилиш чораларини излаш бўлган. Лекин демократик муносабатлар шароитидаги раҳбар ҳамда унинг қўл остидагилар ўртасида ёки ходимлар ўртасида келиб чиқадиган низолар ёки зиддиятларнинг табиати ва моҳияти бироз бошқача бўлади.

Аввало шуни эътироф этиш лозимки, инсоний муносабатларнинг ҳар қандай тизимида ҳам фикрларнинг ранг-баранг бўлиши ва улар ўртасида фарқ бўлиши муқаррар ҳолдир. Лекин ана шундай фикрлардаги фарқни салбий ҳолат деб ҳисоблаб бўлмайди.



Нима сабабдан ички ишлар идоралари жамоаларида турли хил низолар келиб чиқади? **Бунинг бир неча сабаблари бор:**

- алоҳида ходим ва жамоатчилик манфаатларининг мос келмаслиги;
- айрим жамоа аъзолари хатти-ҳаракатларининг ижтимоий ва гуруҳий меъёрларга зид келиши (тартибсизлик, интизомнинг бузилиши, ишнинг самарасизлиги ва ҳоказо);
- жамоа аъзолари қарашларидаги номувофиқликлар;
- ишни ташкил этиш ва касбий фаолиятга нисбатан муносабатлардаги фарқлар;
- ходимлар ўртасидаги вазифаларнинг тўғри тақсимланмаганлиги ва ҳоказо.

Демак, юқоридаги ҳолатлар кўп ҳолларда қуйидагича *низоли вазиятларни* келтириб чиқаради:

1) таъсирнинг йўналишига кўра: вертикал ва горизонтал;
2) низони ҳал қилиш усулига кўра: антогонистик ва келишувга олиб келадиган низолар – компромисс;
3) намоён бўлиш даражасига кўра: очиқ, яширин, потенциал, асосли;
4) иштирокчилар сонига кўра: шахсий, шахслараро, гуруҳлараро;
5) келиб чиқиш табиатига кўра: миллий, этник, миллатлараро, ҳиссий-эмоционал.

Агар юқоридагиларни таҳлил қиладиган бўлсак, «горизонтал низолар» ҳаётда энг кўп учрайди. Бундай номуросозликлар аксарият ҳолларда ходимлар ўртасида айрим аъзоларнинг ишни яхшилаш, янги иш методларини жорий этиш, ахлоқ нормаларини ҳимоя қилиш, адолат учун кураш, илғор жамоа аъзоларининг шу ердаги маънавий муҳитни соғломлаштириш борасидаги фикрларини айримлар томонидан эътирозлар билан қабул қилиниши натижасида рўй беради.

«Вертикал низолар» эса кўпинча раҳбар билан ходим ўртасида содир бўлиб, у бир қарашда лидерликка даъвогарлик, юқоридан тазйиқ, пастдан туриб бошқа ходимлар ёки кучлар атрофида бирлашиш, сараланишлар оқибатида келиб чиқади. Бунда низонинг ташаббускори ва бош айбдори кимлигига боғлиқ тарзда уни ҳал қилиш усули танланади.

Масалан, агар бошлиқ ходимнинг ишга масъулиятсизлигидан норозилиги туфайли пайдо бўлган низо билан унинг профессионализм борасида ҳадеб «ўзини кўрсатаётганлигидан» норозилиги туфайли келиб чиқадиган низонинг ҳам фарқи бор. Ҳар қандай низонинг асл туб моҳияти шундаки, унинг пайдо бўлиши айрим *ўзгаришларга* олиб келади. Бу ўзгариш ижобий ўзгаришларни келтириб чиқарса, уни конструктив деб, салбий оқибатлар ёки ходимлар қўнимсизлигини келтириб чиқарса, уни диструктив характерли деб атаймиз. Ҳар бир низо алоҳида ҳодиса сифатида таҳлил қилинади, лекин уларнинг барчасига хос бўлган айрим қонуниятлар борки, уларга аввало унинг босқичлари ёки фазалари киради (2-расм):

I. Низо олди босқич – конфронтация

II. Низонинг ўзи: компромисс ёки жанжал

III. Низодан чиқиш: мулоқот ёки диссонанс.

Демак, биринчи босқичда конкрет масала юзасидан фикрлар ёки қарашларда тафовут ёки қарама-қаршилик учун шарт-шароит пайдо бўлади. Томонлар ўртасига совуқчилик тушади, улар ўзаро келишолмай қоладилар. Бунда ташқаридан қараганда кўзга ташаланадиган низо бўлмаса-да, ўша шахсларнинг ўзи бир-бирларига нисбатан муносабатларида буни ҳис қила бошлайдилар. Агар раҳбар айнан шу босқичда ҳодисага аралашиб, ўз вақтида оқилона қарорлар қабул қилолмаса, низо иккинчи босқичга ўтади.

Иккинчи босқичда ҳар иккала томон ўз қарашларини қарши томонникидан афзал билиб, очиқчасига бир-бирларини айблай бошлайдилар. Шу пайтда бошлиқ уларни келиштиришга уринади. Агар бу «уриниш» алоҳида-алоҳида тарзда томонларни кабинетга чақириб рўй берса, вазият янада таранглашиб, зиддият чуқурлашиши мумкин ва томонлар ўз ҳолича бошлиқни ҳам ўзининг тарафдори қилиб, у ҳам низонинг иштирокчисига айланиб қолиши муқаррар бўлиб қолади. Шунинг учун ҳам психология ҳар қандай низони томонларни бирга чақирган ҳолда ҳал қилиш ва компромисс қарорлар чиқаришга тайёр туришни тавсия этади. Бунинг учун раҳбарда низонинг тахминий образи ва уни ҳал қилишга бир нечта алтернатив ечимлар бўлиши керак. Бошлиқ бирор томонга кўпроқ ён боса бошласа ҳам, низонинг иштирокчисига айланади. Шунинг учун у холис тарзда низонинг келиб чиқиш сабаблари, кимларнинг манфаатига зид ишлар қилинаётганлиги, низо иштирокчиларининг шахсий ва касбий хусусиятлари, кучли ва кучсиз томонларини таҳлил қилиб, низонинг «портрети»ни ўзи учун тасаввур қила олиши керак. Шундан кейингина томонларни чақириб, масалага янада ойдинлик киритиб, томонларни келишувга чақиради. «Мен нима бўлганини, муаммо нимада эканлигини билиш учун Сизларни чақирдим» деб гап бошлаши ва ҳар бир томоннинг фикри муҳимлигини таъкидлаб, айни пайтда вазиятни қаттиқ назорат қилиши, унинг кечишини бошқариши лозим.

Низолар инсон ҳаётининг ажралмас қисмидир. Икки томон ўзаро мулоқотга киришар экан, улар ўртасида низонинг вужудга келиш эҳтимоли доим мавжуд бўлади. Бир-биридан фарқланувчи фикрларга, мақсад ва унга эришиш йўллари ҳақидаги тасаввурларга эга бўлган одамлар мавжуд жойда, инсон индивидуаллигининг намоён бўлишига тўсқинлик қилинмайдиган маконда, шубҳасиз, низоли вазиятлар вужудга келади.

Низо – мулоқот иштирокчиларнинг ҳар бири учун муҳим бўлган муаммони ҳал этиш вақтида улар ўртасида вужудга келган қарама-қаршилик ва курашнинг кескин кучайиб кетиш жараёнидир.

Низонинг асоси мулоқот иштирокчиларининг бири иккинчисининг ўз эҳтиёжларини қондириш, ўз мақсадларига етишиш жараёнига тўсқинлик қила бошлаши туфайли пайдо бўлади. Бироқ, бу ҳали низо эмас. Бу – *низоли вазият*. Мулоқот иштирокчиларининг ушбу низоли вазиятда вужудга келган тўсиқни бартараф этиш учун амалга оширувчи ҳаракатлари низони, яъни очиқдан-очиқ қарши курашни келтириб чиқаради. Демак, низонинг формуласини қуйидагича ифодалаш мумкин:

муаммо + низоли вазият + инцидент = низо

Низо қарама-қаршиликнинг ҳаддан ташқари кучайиб кетганлиги билан баҳсдан фарқ қилади.

Низо ўз таркибий тузилиши, амал қилиш соҳаси, динамикаси ва турларига эга.

Низонинг таркибий тузилиши мулоқот иштирокчиларининг ташқи ва ички позицияси ҳамда низо объектидан иборат:



Бу ерда:

1) ташқи позиция – кишинг хулқ-атвори;
2) ички позиция – кишининг мақсади ва мотивлари;
3) низо объекти – низонинг сабаблари.

Низо шахсий ёки касбий соҳада амал қилиши мумкин.

Шахсий соҳа	**Касбий соҳа**
Нега бундай уйқучисиз? Шунчалар ҳам масъулиятсиз бўласизми? Кейинги сафар ҳам ўзингизни академик деб билиб кеч қолаверинг, хўпми?	Нега ишга вақтида келмайсиз? Қандайдир муаммолар пайдо бўлдими? кейинги сафар кеч қолмаслигингизга умид қилсам бўладими?

Низо динамикаси уч босқичдан иборат:

1) етилиш;
2) рўёбга чиқиш;
3) сўниш.

Биринчи босқичда низо рўёбга чиқишининг олдини олиш мумкин. Самарали усуллардан бири коммуникатив ўзаро таъсир соҳасидан предметли фаолият соҳасига ўтиш. Рўёбга чиқиш босқичига ўтган низонинг олдини олиб бўлмайди. Сўниш босқичининг келишини кутиш керак бўлади. Бу босқичда коррекцион тадбирларни ўтказиш самаралидир.



Низонинг одатда икки хил тури фарқланади:

Деструктив низо	*Продуктив низо*
• шахсий хусусиятларнинг бир-бирига мос келмаслиги туфайли вужудга келади; • муносабатларнинг бузилишига олиб келади;	• нуқтаи назарнинг бир-бирига мос келмаслиги сабабли вужудга келади; • муаммога кенгроқ қарашга олиб келади;

• иштирокчилар сони ортиб боради; • қарама-қарши томонга нисбатан негатив баҳолар кучайиб боради; • шахсга кўчиш осон юз беради.	• оптимал ечимнинг топилишига ёрдам беради; • шахсга кўчилмайди.

Низолар бир қанча белгиларига кўра таснифланади:

1) *натижасига кўра:* а) конструктив – муносабатларнинг яхшиланиши, муаммонинг иккала томон учун ижобий ҳал этилишига олиб келади; б) деструктив – муносабатларнинг ёмонлашувига, муаммонинг ҳал этилмаслигига олиб келади;

2) *давом этишига кўра:* а) узоқ муддатли – рўёбга чиқиш босқии чўзилиб кетган низо; б) қисқа муддатли – рўёбга чиқиш босқичи узоқ давом этмайдиган низо;

3) *кескинлик даражасига кўра:* норозилик, келиша олмаслик, қарама-қаршилик, душманлик;

4) *фаолият соҳасига кўра:* бошқариш соҳасидаги, таълим-тарбия соҳасидаги, ишлаб чиқариш соҳасидаги.

Психологлар мулоқотдаги низоларнинг олдини олиш учун қуйидаги қоидаларга амал қилиш лозимлигини уқтириб ўтадилар:

1) танқид ва айбловни кўп ишлатмаслик, кўп нолийвермаслик керак;

2) фикрда қисқароқ (5-9 сўздан иборат) гаплардан фойдаланиш керак;

3) эътиборли тингловчи бўлиш керак, суҳбатдош фикрини бўлмаслик, суҳбатдошга ўз фикрини билдириши учун вақт бериш, суҳбатдошга бўлган қизиқишни кўрсатиш, суҳбатдош нутқининг хусусиятларига камроқ эътибор бериш, суҳбатни монополлаштириб юбормаслик, суҳбат вазиятидан чалғимаслик керак;

4) овозни имкон қадар самимий жаранглашини таъминлаш керак;

5) суҳбатдошнинг новербал сигналларини диққат билан кузатиш керак;

6) қатъий фикр билдиришдан сақланиш керак;

7) фикрни билдиришдан олдин у нима ҳақида эканини маълум қилиш керак;

8) суҳбатдош «тилида» гапириш керак;

9) бўлар-бўлмас баҳсларга киришишдан сақланиш керак;

10) буйруқ оҳангидан воз кечиш керак;

11) «ҳеч қачон» ва «ҳар доим» сўзларидан эҳтиёткорлик билан фойдаланиш керак;

12) ижобий эмоцияларни сақлаб туриш керак, кўпроқ табассум қилиш керак.

Низо рўй бергач уни бартараф этиш учун қуйидагиларга амал қилиш тавсия этилади:

1) вазминликни сақлаб қолиш (эмоционал ҳолатни имкон қадар бошқариш, имкон қадар шарҳламаслик) керак;

2) низонинг асосий сабабини аниқлашга интилиш (аниқлаштирувчи саволлар бериш, суҳбатдошнинг ички позициясини билишга уриниш) керак;

3) шахсий соҳадаги тўқнашувга йўл қўймаслик (суҳбатдошнинг шахсий хусусиятларидан ранжишни, уларни ёқтирмасликни кўрсатмаслик, шахсий устунликни кўрсатишдан сақланиш) керак;

4) ҳар бир сўз ва иборадан эҳтиёткорлик билан фойдаланиш (негатив эмоционал баҳоланувчи сўз ва иборалардан – «сиз хато қиляпсиз», «янглишдингиз», «эс-ҳушингиз жойидамас, шекилли» кабилардан, ақл ўргатувчи гаплардан фойдаланмаслик) керак;

5) компромисс учун очиқ бўлиш (ўзаро манфаатли келишувга доим тайёр бўлиш) керак;

6) суҳбатдошнинг ҳар бир гапини диққат билан тинглаш ва анализ қилиш (суҳбатдошнинг сўзлари ва ҳиссиётларини тушунишга, шахсий позициясининг суҳбатдош позициясидан нимаси билан фарқланишини аниқлаш) керак.

Низо бартараф этилмай муносабатлар бутунлай тугалланса, буни фақат позицияларнинг бир-бирига тўғри келмаслиги туфайли рўй берган ҳодиса деб ҳисоблаш керак.

4 - ўқув саволи. Ички ишлар орган ходимларининг шахслараро муносабатда ўз хатти-ҳаракатларини ҳиссий-иродавий бошқариши.

Ҳиссий-иродавий барқарорликни ходимларнинг фуқаролар билан шахслараро муносабат ва касбий фаолиятига психологик жиҳатдан тайёрлигини кўрсатувчи аломатлардан бири сифатида қараш мумкин. Ҳиссий-иродавий барқарорлик деганда, мураккаб вазиятларда муваффақиятли ишлаш учун қулай бўлган психик ҳолатни сақлаш қобилияти тушунилади.

Ҳиссий-иродавий барқарорлик қуйидагиларда намоён бўлади:

– экстремал вазиятларда ходимда ҳаракатларининг самарадорлигини пасайтирувчи ноаниқликлар ва адашишлар туғдирувчи психологик реакцияларнинг йўқлиги;

– психологик жиҳатдан мураккаб бўлган шароитларда касбий ҳаракатларни бехато бажариш машқини олганлик;

– касбий зийракликни сақлаш, таваккал, хавф-хатар, кутилмаган вазиятларга нисбатан оқилона эҳтиёткорлик ва диққатни намойиш этиш;

– юридик ишларни қатъий қонуний юритишга таъсир этишга ҳаракат қиладиган шахсларнинг руҳий таъсирига берилмаслик;

– жиноятларнинг олдини олишга, уларни очиш ва тергов қилишга қаршилик кўрсатувчи шахсларга қарши қаттиқ психологик кураш олиб бориш қобилияти;

– психологик жиҳатдан мураккаб, низоли, иғвогарона вазиятларда ўзини йўқотмаслик.

Ички ишлар органлари ходимлари фаолиятининг ҳозирги шароитида улар бажарадиган ишнинг муваффақияти, ходимлар биргаликда бажарадиган меҳнатнинг самарадорлиги, жамоадаги психологик муҳит кўп даражада ўз ҳаракатларини бошқара олиш, ҳис-туйғуларини жиловлай олиш, кайфиятини назорат қила олиш, вазиятнинг ва атрофдагиларнинг талаблари билан ҳисоблашиш қобилиятига боғлиқ.

Ички ишлар органлари ходимлари учун ўзини аниқ назорат қилиш, ирода, тезкор қарорлар қабул қилиш, хизмат операцияларини, хатти-ҳаракатларини ва ҳис-туйғуларини бошқара олиш қобилияти жуда зарур.

Ўзини бошқариш орқали ҳиссий асабийлашишни йўқ қилиш, қўрқиш ва ишончсизлик ҳиссини тарқатиш, диққатни бир нуқтага қаратиш ва бутун кучни қўйилган вазифани бажаришга сафарбар этиш ички ишлар органлари ходимининг жуда муҳим хислати эканлиги ҳеч кимда шубҳа туғдирмайди. Хавфли, баъзан эса ҳаётга таҳдид солувчи вазиятларда тез-тез бўлиш шахслардан ўзини тута олишни, мураккаб вазиятни тез баҳолаш ва энг мақбул қарорларга келиш қобилиятини талаб этади, бу эса қўйилган вазифани самаралироқ бажаришга ҳамда ички ишлар органлари шахсий таркиби орасида фавқулодда ҳодисалар ва касбий фаолиятнинг бажарилмай қолмаслигига ёрдам беради.

Ходимнинг ўз руҳий ҳолатини ва ҳаракатларини бошқара олмаслиги салбий, кўпинча эса ўзи учун ҳам, атрофдагилар учун ҳам оғир оқибатларга олиб келади. Ўз ҳаракатларини бошқара олмаслик шахснинг шароитга ижтимоий-психологик мослашиш қобилиятини пасайтиради, унинг ҳаётий салоҳиятини рўёбга чиқариш йўлидаги жиддий тўсиқ бўлади.

Ички ишлар органларининг ходимларига ҳар куни турли (кўпинча стресс хусусиятига эга бўлган) омиллар таъсир этади. Бу эса, ўз навбатида, чарчаш, ҳолдан тойиш, турли салбий ҳиссий ҳолатларнинг юзага келиши, касбий хизмат фаолиятидаги камчиликларга олиб келади.

Ички ишлар органлари ходимларининг тезкор хизмат жараёнида ўз ҳолатини бошқариш зарур бўладиган вазиятлар тез-тез юзага келади. Руҳий ва жисмоний оғирликлар ҳаддан ташқари катта бўлганда, бунинг устига ходим ўз хатти-ҳаракатларини ёмон бошқарганда ҳаддан ташқари асабийлашиш юзага келади. Бу эса фаолият самарадорлигини пасайтиради ва унинг нотўғри ташкил этилишига, фуқаролар билан шахслараро муносабатда, ишда жиддий хато ва камчиликларга олиб келиши мумкин. Бундай

вазиятларнинг такрорланиши кўпинча касбий бузилишларга, ўзига бўлган ишончнинг йўқолишига, асабий депрессияларга олиб келади. Масалан, психологлар томонидан ўтказилган тадқиқотларнинг кўрсатишича, жиноят қидирув бўлимларининг сўралган ходимларидан 30% уйқусининг бузилишидан шикоят қиладилар, 80%дан кўпроғи невротик ҳолат кўринишларининг бир неча аломатлари борлигини таъкидлаганлар. Бу аломатлар иш кунининг охирига борганда, чарчаш (70%), диққатнинг пасайиши (30%), тажанглик (20%), бош оғриғи ва айланиши (10%), уйқучанлик ва дармонсизлик (10%)ларда намоён бўлади.

Шу муносабат билан ходимларнинг ҳиссий-иродавий ўзини ўзи бошқариш йўллари ва усулларини эгаллашлари бугунги кунда жуда долзарб вазифадир. Хизмат фаолиятида асаблари мустаҳкамроқ бўлган, рақиб (жиноятчи) билан курашишга яхшироқ шайлана оладиган, нафақат жисмоний ва ақлий имкониятларидан оқилона фойдалана оладиган, балки асабий-руҳий фаоллигини мақбул даражада сақлай оладиган, тезкор-хизмат фаолиятининг мураккаб вазиятларида ўзининг иродавий фаоллигини намоён қила оладиган ходимлар кўпроқ муваффақиятни қўлга киритадилар.

Ҳиссий-иродавий ўзини ўзи бошқаришнинг асосий мақсади *ходимнинг ўз ички имкониятларидан оптимал фойдаланишига, унинг ижодий салоҳияти очилишига, касбий хислатлари ва қобилиятлари кенг ва самарали намоён бўлишига ёрдам берадиган алоҳида руҳий ҳолатларни шакллантиришдан иборат*. Ички ишлар органларининг ходими учун бу, охир оқибатда, жиноятни очиш ва тергов қилишда муваффақиятга эришиш, жиноятчига қарши курашда устунликка эришиш ва шу кабилардир.

Шундай қилиб, ўз организмида юз бераётган жараёнларни мустақил равишда фаол ўзгартириш ва уларни (муайян доирада) бошқариш имконияти катта аҳамиятга эга. Ўзини ўзи бошқариш орқали қисқа вақтга вазиятдан келиб чиқиб руҳий жараёнларни фаоллаштириш ёки секинлаштириш, шунингдек, бажариладиган фаолиятни тайёрлаш сифатини ва унинг самарадорлигини ошириш мумкин. Масалан, қуролланган жиноятчини ушлаш чоғида ходим юзага келадиган қўрқинч, ишончсизлик ҳиссини бартараф этиши, ўз жанговар руҳини кўтариши, бутун имкониятларини сафарбар этиши мумкин ва ҳ.к.

Ўзини ўзи бошқариш усулининг турли шакллари ёрдамида билиш жараёнларига ҳам, мотивацион жараёнларга ҳам таъсир этиш; мотивлар ва майлларнинг амалийлигини кўтариш (масалан, бир хил ишни бажаришда ҳосил бўладиган чарчаш ҳислари билан кечадиган зўриқишлар чоғида). Бу ички ишлар органлари ходимларининг фаолиятида, натижага дарҳол эришиш мумкин бўлмаганда (баъзан жиноятни очиш ва тергов қилиш ҳафталаб, ойлаб, йиллаб чўзилиши мумкин), ходим учун таваккалли ёки хавфли туюлган вазиятларда, шунингдек, экстремал шароитларда иш қобилиятини вазифани бажаришга сафарбар этишда жуда муҳим ўрин тутади.

Умуман олганда, руҳий жиҳатдан ўзини ўзи бошқариш икки мақсадли установкага эга: бир томондан, хизмат фаолиятини муваффақиятли бажариш учун ҳар томонлама қулай психологик шарт-шароит яратиш, бошқа томондан – дам олишга ўтишни енгиллаштириш. Бунда катта тажриба натижасида ходимнинг ўзи топган оддий руҳий бошқарув усулларни («содда» руҳий бошқариш) илмий асосланган машқли усулларни эгаллашдан фарқлаш лозим. Руҳий бошқариш машқли усулларни эгаллаш деганда, одатда, автоном, яъни оддий воситалар билан ихтиёрий бошқариб бўлмайдиган жараёнларни мақсадли ўзгартириш тушунилади. Кутилган натижага фақат режали равишда такрорлаб бориладиган машқлар орқали эришилади.

Ўз руҳиятини бошқаришнинг моҳияти шундаки, инсон ўзининг руҳий ҳолатига ва бутун организмига таъсир кўрсатиш учун атроф-муҳит билан мулоқотда бўлиш ва ўз организмини билиш жараёнида тўпланадиган ҳис-туйғуларини мунтазам машқлар предметига (мавзуига) айлантиради.

Умуман, ҳар бир соғлом, меҳнатга қобилиятли ходим ўзини ўзи бошқариш усулларини эгаллаши мумкин. Аммо бунда ҳиссий-иродавий ўзини ўзи бошқариш усулларидан фойдаланиш самарадорлигини пасайтирувчи бир қатор омиллар

мавжуд эканлигини инобатга олиш зарур. Улар орасида қуйидагиларни ажратиб кўрсатиш мумкин:

– *ходимнинг мазкур машқларни бажаришга муносабати* (унинг ички тайёрлиги) ҳаддан ташқари ўзига ишониш муваффақиятга эришишга ёрдам бермайди. Истакнинг ўзи натижа бермайди: мунтазам ишлаш, сабр-тоқат, ирода зарур;

– *машқларнинг дастлабки босқичида эришилган муваффақият* машқ қилувчини унинг машғулотларга муносабатида нотўғри йўналиш бериши, ўзига ортиқча ишонишига ва қийинчиликларни енга олмайдиган бўлиб қолишига олиб келиши мумкин;

– *ўзини машқ қилдиришнинг ёмон шароитлари*. Халақит берувчи ташқи омилларни йўқ қилувчи, ўзни бўш қўйишга ёрдам берувчи хотиржам шароит яратиш керак. Руҳий бошқарув усулларини эгаллаб борган сари хизмат фаолиятининг ҳақиқий шароитларида машқ қилишга ўтиш мумкин;

– *ўзини ўзи бошқариш усулини нотўғри танлаш.* Ходимнинг индивидуал хусусиятларига мос келмайдиган бошқариш усулларни танланиши руҳиятида салбий ўзгаришларни келтириб чиқаради, шу боис бошқарув машқларини катта эҳтиёткорлик билан, уларнинг самарадорлигини доимий назорат қилган ҳолда танлаши керак;

– *ишонувчанлик ва хаёл суриш қобилияти каби шахсий хислатларнинг намоён бўлишидаги хусусиятлар.*

Ҳиссий-иродавий ўзини ўзи бошқариш жараёни учта *асосий принципга* таянади:

– релаксация;

– визуаллаштириш;

– ўзини ўзи ишонтириш.

Релаксация тамойилининг моҳиятини тана ва руҳнинг биргаликда ишлашга тайёрланиши ташкил этади. Айнан релаксация пайтида ўз ички овозингизни эшитиш, ўз организмингиз ва тафаккур фаолиятингизнинг алоқасини ҳис этишингиз мумкин. Релаксация ёки бўшашиш тана ва руҳни кераксиз зўриқишдан ҳамда одамни бўшаштириб юборадиган жиҳатлардан озод қилишни билдиради, у инсонга фойдали психологик ва физиологик таъсир кўрсатади. Бу ўзаро таъсир кўрсатувчи жараён: унда мия хотиржамлашгани сайин тана бўшашади, тана бўшашгани сайин мия хотиржам бўла боради.

Иккинчи тамойил – **визуаллаштириш.** Интиутив тафаккур онгга кириб боришнинг турли йўлларидан фойдаланади. Асосийси манзара ҳосил қилиш ёки миянгизда образларни гавдалантириш йўлидир. Визуаллаштириш йўналган тасаввурни эшитиш, кўриш, ҳид билиш, таъм билиш, тери билан сезиш сезгилари ҳамда уларнинг комбинациялари ёрдамида фаоллаштиришнинг турли усулларини билдиради. Аслида, инсон мияси объектив олам образларига ҳам, онгда юзага келадиган образларга ҳам бир хилда жавоб беради. Шу боис, визуаллаштириш кўникмалари инсонга ўз ички имкониятларидан яхшироқ фойдаланиш, руҳий жараёнларнинг кечишини фаоллаштириш имконини беради.

Ўзини ўзи ишонтириш тамойилининг моҳияти шундаки, биз ўзини ўзи ишонтириш ёрдамида ички образларимизни онгимизда акс садо сифатида бир неча марта такрорланадиган сўзлар билан ифодалаймиз. Ўзининг ички кучи ва қўллаб-қувватланиши билан тўлган бу сўзлар ҳис-туйғулар даражасида чуқур қабул қилинади. Бундай ички акс-садони «Мен буни қила оламан» сўзларида намоён бўладиган муносабат, ният ва майл сифатида ифодалаш мумкин. Ўзини ўзи ишонтириш муваффақиятга эришиш мумкинлиги ҳақида биринчи шахс номидан ҳозирги замонда ифодаланган аниқ таъкиддир. Инсоннинг ўзига қарата айтган сўзлари ўз мақсадларига эриша олишига бўлган ишончини кучайтиради ва қайси йўналишда ҳаракат қилиш кераклигини кўрсатади. Бу сўзлар мияни мақсадга эришиш борасида ишлашга ва бунда фаол иштирок этишга мажбур қилади. Ўзини ўзи ишонтириш – образларни сўзда ифодалашга имкон берувчи фаол мойилликдир.

Ўзини ўзи бошқаришнинг энг оддий усуллари

Ўзини ўзи бошқаришнинг энг оддий усулларини қўллашдан кўзланган мақсад ходимга хизмат доирасидаги ҳаракатларини муваффақиятли бажариши учун мақбул ички шароитни яратишда ёрдам беришдан иборат. Бунда қуйидаги бир қатор жиҳатлар назарда тутилади:

– инсоннинг ўзига нисбатан ижобий установкани мустаҳкамлаш («Мен бунинг уддасидан чиқаман»), ўзига ишонч ҳиссини ошириш;

– ҳиссий-аффектив жараёнларни (айниқса, таваккал, қўрқинч ҳисси, касбий ҳаракатларни амалга ошириш учун зарур бўлган вақт тақчиллиги кабиларни) уйғунлаштириш ва фаоллаштириш;

– тезкор хизмат (тергов, тезкор қидирув, профилактика ва ҳ.к.) ҳаракатларини бажаришга тайёргарлик кўриш чоғида диққатни ошириш;

– хизматдаги оғир меҳнатдан кейин дам олишга ўтишни тезлаштириш;

– ходимнинг хизмат фаолияти узоқ вақт чўзилганда (масалан, сурункали навбатчиликлар вақтида) функционал тайёрлик ва иш қобилиятининг юксак даражасини сақлаб туриш.

Ўзини ўзи бошқаришнинг энг оддий усулларини қўллаш, биринчи навбатда, рағбатлантирувчи ва йўналтирувчи бошқарувни кучайтиради. Уларга ходимнинг ўзига, ўз имкониятларига, кутилаётган касбий натижаларига нисбатан ижобий майлларни кучайтириш ва салбий майлларни бартараф этиш киради. Аввало, оптимистик касбий кайфиятни яратиш назарда тутилади. Қўрқув, монотонлик, антипатияни (масалан, сўроқ вақтида қаршингизда ўтирган айбланувчига нисбатан) бартараф этишга қаратилган руҳий ўзини ўзи ишонтириш шакллари ҳам шунга киради. Оптимал руҳий ҳолат тақдир совғаси эмас. Ўз ҳис-туйғуларингизни бошқариш, қийинчиликларни енгишга тайёрланиш, вақтинчалик хизмат омадсизликларининг психологик юки таъсири ҳамда бўлғуси фаолиятдан қўрқишни йўқ қилиш учун мунтазам равишда ўз устида ишлаш талаб қилинади.

Ходимлар ўзини ўзи бошқаришнинг энг оддий усулларини эгаллашларида барча ходимлар фойдаланиш учун ярайдиган қандайдир универсал усулни таклиф этиб бўлмаслигини ҳисобга олишлари зарур. Ўзини ўзи бошқаришнинг энг оддий усулларини ходимнинг табиатига, фаолиятига хос хусусиятларни, унинг темпераментини ва кўплаб бошқа ҳолатларни ҳисобга олган ҳолда махсус танлаш керак.

Тегишли машқлар учун қуйидаги усуллар тавсия этилиши мумкин.

Мантиқ усулларидан фойдаланиш. Жуда кўп ҳолларда қарор топган шароит ички ишлар органлари ходимидан вазиятни қизишмасдан таҳлил қилиш талаб этади. Бунда у, аввало, ўзини айни дамдаги руҳий ҳолати, ноадекват асабий зўриқиши оқилона эмаслигига, сўнгра эса – бошқача йўл тутиш мақсадга мувофиқлигига ишонтириши керак. Вазиятни мантиқий англаш ва у билан боғлиқ салбий ҳис-туйғуларни бартараф этиш жараёнида бир қанча усуллардан фойдаланиш мумкин. Асабий зўриқишни ўзингиз билан ўзингиз гаплашиб, бекорга ташвишланаётганингизга ўзингизни ишонтириб йўқ қилиш мумкин. Қийин вазият муваффақиятсизликдан ҳам энг кўп фойда олиш маҳоратини тарбиялайди. Ушбу ҳолдаги руҳий ҳимоя ходимнинг ўзини ана шунга ишонтиришига асосланади. Бунда нима юз берганлигини, қаерда хатога йўл қўйилганлигини аниқ таҳлил қилиш ва дарҳол келгуси фаолият учун қандай фойда бўлиши мумкинлигини тасаввур қилиш муҳим.

«Мен энг тажрибалиман», «Мен ҳамма нарсани қила оламан», «Мен ҳар қандай жиноятни оча оламан» каби ***индивидуал жиҳатдан муҳим бўлган ўзини ўзи ишонтириш усули*** жуда самаралидир. Ушбу ўзини ўзи ишонтириш қобилиятини улардан кундалик амалиётда юзага келадиган қийин вазиятларни бартараф этиш учун рағбат сифатида доимий фойдаланиб, албатта машқ қилдириш керак.

Ўзига ўзи буйруқ бериш усулидан фойдаланиш. Интизомли ходим «Керак!», «Бардам бўл!», «Чида!», «Ишла!» каби ички буйруқлар ёрдамида ўзини яхши бошқариши мумкин. Ана шундай ўзига ўзи бериладиган қўшимча буйруқлар ёрдамида ўзини мажбурлаш қобилиятини мунтазам равишда машқ қилдириш муҳим. Охир-оқибатда ички

нутқ ва ҳаракат ўртасида ўзига хос чамбарчас алоқа ўрнатилиши керак. Ўзига берилган буйруқ бунда қўшимча кучга эга бўлади, ўзига хос ишга туширувчи рағбатга айланади. Айтиш жоизки, ўзига бериладиган буйруқларни ўзини ишонтириш иборалари билан бирлаштириш жуда қулай (масалан, «Мен ҳеч нарсадан қўрқмайман! Олға!» ёки «Мен бу ишни қила оламан! Қўрқма!» каби).

Образлардан фойдаланиш. Бадиий тафаккурга мойил шахсларга «кимнидир тақлид қилишга» асосланган усул ёрдам беради. Масалан, қандайдир қийин ишни бажараётган ходим ўзини бадиий ёки кино қаҳрамони – изқувар қиёфасида тасаввур этиши мумкин. Тақлид қилиш учун образни тасаввур қила олиш, керакли ролга кира олиш ўз хатти-ҳаракати услубига эга бўлишга ва нафақат ўз ҳолатини бошқаришга, керак бўлганда, жиноятчига руҳий таъсир кўрсатишга ҳам ёрдам беради.

Вазиятларни мақсадга йўналган тарзда тасаввур қилиш. Бирон-бир ишга киришишга ёки асабий зўриқишни йўқотишга тасаввур қилишдан фойдаланиш ёрдам беради. Ҳар бир одамнинг хотирасида ўзи хотиржамлик, сокинлик туйган вазиятлар бўлади. Айримлар учун бу пляж, чўмилгандан сўнг илиқ қумда дам олишдан олинган роҳат бўлса, бошқаларда – тоғлар, тоза ҳаво, кўм-кўк осмон, қорли чўққилар ана шундай хислатларни уйғотади. Бундай вазиятлар жуда кўп бўлиши мумкин, аммо улар орасидан керакли ҳиссий кайфиятни келтириб чиқара оладиган энг муҳимларини танлаб олиш керак.

Қандайдир касбий ҳаракатни бажаришга тайёргарлик кўриш чоғида ички ишлар органларининг ходимига, масалан, жиноятни муваффақиятли очиш, жиноятчини ушлаш, қаҳрамонона ҳаракатлар ва бошқалар билан боғлиқ вазиятларни, ҳис-туйғуларга бой саҳналарни эслаш тавсия этилади.

Ўзини чалғитиш усуллари. Ўзини ўзи бошқаришнинг фаол усулларидан фойдаланиш қийин бўладиган ҳолатлар бўлиши мумкин. Кўпинча бу сезиларли чарчаш, тушкунлик кайфиятлари билан боғлиқ бўлиши мумкин. Бундай вазиятларда руҳий зўриқишни турли хил чалғитиш воситалари ёрдамида йўқ қилиш мумкин. Бу воситалар вазифасини кўп марта қизиқиб ўқиладиган китоб, мусиқа, ёқиб қолган фильм ва бошқалар бажариши мумкин.

Мускуллар тонусини онгли равишда бошқариш. Мускуллар тонуси – ҳиссий ҳолатнинг кўрсаткичларидан бири. Одатда, норационал асабий-руҳий зўриқиш мускулларнинг кераксиз зўриқиши билан бирга кечади, бу эса, ўз навбатида, асабий зўриқишни янада оширади. Бунда мускуллар тонусини, масалан, инсон юзидаги мускуллар тонусини ихтиёрий бошқариш маҳорати катта аҳамиятга эга бўлади. Қовоғингизни солишингиз, хафа бўлгандек қиёфага киришингиз билан ҳақиқатан ҳам қайғу босади. Ва, аксинча, жилмайиш мўъжиза яратишга қодир. Оғир вазиятда ҳам жилмая олиш, ўринсиз тортинчоқликни ташлаш, руҳий зўриқишни йўқотиш инсоннинг ўз имкониятларини яхшироқ рўёбга чиқариш қобилиятини оширади.

Нафас олишнинг ўзини ўзи бошқариш воситаси сифатида аҳамияти. Юқорида таъкидлаганимиздек, нафас олиш ҳиссий-иродавий ўзини ўзи бошқариш тизимида муҳим ўрин тутади. Тўғри нафас ола билиш ўзини ўзи бошқариш усулларини эгаллашдаги муваффақият учун асос бўлади. Қуйида нафас олиш машқлари батафсил ёритилади. Ходимлар тезда ўзини қўлга олиш, тинчланиш ёки, аксинча, ўз тонусини кўтариш зарур бўлганда энг оддий нафас олиш усулларини муваффақиятли қўллашлари мумкин.

Руҳий ҳолатни бошқаришда нафас олиш мароми алоҳида аҳамият касб этади. Тинчлантирувчи маромда ҳар бир нафас чиқариш нафас олишга қараганда икки марта узоқроқ амалга оширилади.

Санаб нафас олиш усули яхши натижа беради. Бу усулда санаб нафас олинади. Тинчланиш зарур бўлганда: 1,2,3,4 деганда нафас олинади, сўнгра 1,2,3,4 деганда нафас чиқарилади, кейин 1,2,3,4,5 деганда нафас олинади ва 1,2,3,4,5 деганда нафас чиқарилади. Шу тариқа нафас олиш ва чиқариш 12 сониягача узайтирилади. Бунинг натижасида нафасни сунъий равишда ушлаб туриш юзага келади ва бу ўз-ўзидан ҳиссий зўриқишни бартараф этишга олиб келади.

Аксинча, тонусни кўтариш, фаоллаштириш керак бўлганда, бунинг тескариси қилинади. Нафас олиш ва чиқариш 12 сониядан бошланиб, аста-секин 4 сониягача қисқартирилади. Нафас олиш ва чиқариш тезлашади, кучланиш ошиб боради.

Бошқа усул – нафасни ушлаб туриш. Бир қатор ҳолларда кескин асабий зўриқишни бартараф этиш учун чуқур нафас олиб, 20-30 сонияга нафасни ушлаб туриш мумкин. Шундан кейинги нафас чиқариш ва кетидан келадиган такрорий чуқур компенсатор нафас олиш аҳволнинг барқарорлашишига ёрдам беради.

Ўзини ўзи бошқаришнинг юқорида таклиф этилган оддий усулларининг ҳар бири, табиийки, чуқурлаштирилиши ва кенгайтирилиши мумкин. Шу боис аввал характерингиз ва темпераментингизга кўпроқ мос келадиганларини, мунтазам равишда қўллаш учун энг қулай кўринганларини танлаш зарур. Ўзингизнинг индивидуал хусусиятларингиз танлов мезони бўлиши керак. Бундан ташқари, ўзини ўзи бошқариш усуллари йўналиши бўйича фарқланиши мумкинлигини инобатга олиш зарур. Бир вазиятда улар асабий зўриқишни бартараф этиш, тинчланиш, меҳнат қобилиятини тиклашга ёрдам берса, бошқасида – сафарбарликка, хизмат шароитларига энг мос келадиган руҳий ҳолатга киришга ёрдам беради.

Аутоген машқлар

Аутоген машқлар организмнинг аввалдан бошқарилмайдиган функцияларини бошқариш имкониятини оширишга қаратилган машқлар тўпламини ўз ичига олади. Аутоген машқ – немис олими И.Г.Шульс таклиф этган ўзини ўзи ишонтириш усули. Ушбу методда дастлаб ўзини ўзи ишонтириш орқали мушаклар тонусининг бўшашига – релаксацияга эришилади, сўнгра ушбу ҳолатда организмнинг у ёки бу функцияга қаратилган ўзини ўзи ишонтириш амалга оширилади.

Ушбу усул ўзининг оддийлиги билан ажралиб туради ва кўпчилик одамлар уни ўзлаштиришлари мумкин. Унинг таъсирида олий асаб фаолияти, ҳиссий соҳа нормаллашади, инсоннинг иродавий қобилияти кучаяди. Аутоген машқ усуллари мунтазам машқлар жараёнида ўзлаштирилади. Бу эса ушбу усулга машқ хусусиятини беради. Бундай машқ иродани мустаҳкамлашини инобатга олиб, уни шахсни фаоллаштирувчи усул деб ҳам ҳисоблаш мумкин. Айтиш жоизки, аутоген машқнинг асосий элементини мушакларни бўшаштириш (релаксация)га ўргатиш ташкил этади. Бўшашишни ўрганиш ички ишлар органлари ходимларининг ҳиссий зўриқишни бартараф этиши ёки камайтиришига, шунингдек қисқа вақт ичида тўлақонли дам олишига ёрдам беради.

Аутоген машқни эгаллаш вақти ҳар бир муайян инсоннинг индивидуал хусусиятларига боғлиқ, аммо, ўртача олганда, ҳар куни 2–3 марта 10 минутлик машқлар бажарилганда тахминан 3–4 ойни ташкил этади.

Аутоген машқнинг махсус усулларини ўрганишга киришишдан аввал баъзи бир тайёрлов машқларини ўзлаштирган маъқул. Энг муҳим тайёргарлик тадбири *нафас олиш гимнастикаси* бўлиб, ритмик тўлиқ нафас олишни эгаллашдан иборат. Нафасни бошқариш-нинг энг муҳим шарти унинг маромини назорат қилишдир. Тўғри нафас олиш учун белгиланган ритмни аниқ ҳисоблаш зарур эканлигини доимо ёдда тутиш керак. Нафас олишнинг мақбул маромини аниқлаш учун машқдан аввалги пульс частотасидан фойдаланиш қулай (бу маром нафас олиш чоғидаги ҳисоб учун асос бўлиб хизмат қилади. Тўлиқ нафас олиш усулини ўрганишдан аввал унинг таркибий қисмлари бўлмиш қорин, ўрта ва юқори нафас олиш усулларини ўрганиш зарур.

Қорин (диафрагма) билан нафас олиш тик туриб, ўтириб ёки ётган ҳолда бажарилади. Уни бажариш учун диққатни киндик соҳасига жамлаш зарур. Қорин деворларини ичга тортиб, нафас чиқарамиз. Сўнгра секин-аста нафас оламиз. Қорин девори нафас олганда ташқарига қабариб чиқади ва ўпкаларнинг пастки қисми ҳавога тўлади. Қорин билан нафас олишда кўкрак қафаси ҳаракатсиз қолади ва қорин ўпкаларнинг қуйи қисмини гоҳ ҳавога тўлдириб, гоҳ ундан бўшатиб тўлқинсимон ҳаракат қилади.

Гавданинг ўрта қисми билан нафас олиш тик турган, ўтирган ёки ётган ҳолда бажарилади. Бутун диққатни қовурғаларга қаратиш лозим. Нафас чиқаргандан сўнг секин

нафас оламиз, бунда қовурғаларни икки томондан кенгайтирамиз. Нафас чиқариш пайтида қовурғаларни сиқамиз. Бундай нафас олиш типида гавданинг ўрта қисми ҳаво билан тўлади, айни пайтда қорин ва елкалар ҳаракатсиз қолади.

Гавданинг юқори қисми билан нафас олиш – бу усул ҳам тик турган, ўтирган ёки ётган ҳолда бажарилади. Диққат ўпкаларнинг юқори қисмига қаратилади. Нафас чиқарилгандан сўнг елка оҳиста кўтарилиб, нафас олинади. Нафас чиқарган пайтда елкалар туширилади. Бу усулда қорин ва кўкракнинг олд қисми ҳаракатсиз қолади.

Тўлиқ нафас олиш ҳам унинг таркибий қисмлари каби тик турган, ўтирган ёки ётган ҳолда бажарилади. Тўлиқ нафас чиқаргандан сўнг юқорида келтирилган нафас олиш типларининг барчасини галма-галдан ва битта узлуксиз тўлқинсимон ҳаракатга бирлаштирган ҳолда томирнинг 8 та урушини ҳисоблаб, оҳиста турилади. Аввало, қорин шиширилади, сўнгра қовурғалар кенгайтирилади ва, ниҳоят, елкалар кўтарилади. Шу пайтда қорин девори бироз тортилади. Нафас чиқариш ҳам худди нафас олиш амалга оширилган тартибда бажарилади: аввал қорин деворини тортамиз, сўнгра қовурғаларни сиқамиз ва елкаларни туширамиз. Бунда бутун нафас аппарати бир хил ҳаракатда бўлади. Нафас чиқариш ва кейинги нафас олиш ўртасида нафасни ушлаб туриш мумкин. Бу табиий равишда нафас олиш истаги пайдо бўлмагунча давом этиши мумкин. Нафас бурун орқали олинади ва чиқарилади.

Нафас гимнастикасининг муҳим мақсадларидан бири – диққатни жамлашга ўргатишдир. Бу аутоген машқларни муваффақиятли ўзлаштириш учун катта аҳамиятга эга. Бироқ шуни таъкидлаш жоизки, ҳатто тўлиқ нафас олиш ва чиқаришнинг ўзиёқ (аутоген машқларнинг махсус турларисиз) руҳий зўриқишни бартараф этади (ёки камайтиради), асаб тизимини тинчлантиради, инсонда хотиржамлик ва ўзига ишонч ҳиссини ҳосил қилади. Ушбу машқ бутун диққат-эътиборни жамлаган ҳолда 5–6 марта бажарилади. Аутоген машқлар билан шуғулланишни ушбу нафас олиш-чиқариш машқларини бажаргандан сўнг бошлаш мақсадга мувофиқ бўлади. Шуни инобатга олиш зарурки, «тўлиқ нафас олиш-чиқариш» усулини эгаллагандан кейин унинг таркибий қисмлари (қорин билан, гавданинг ўрта ва юқори қисмлари билан нафас олиш)ни бажариш зарурати йўқолади.

Нафас олиш-чиқариш гимнастикаси усулларини эгаллагандан сўнг бевосита аутоген машқларни ўрганиш ва эгаллашга ўтиш мумкин. Ушбу методикани ўрганишнинг илк даврида машғулот учун уйғонгандан кейинги ва бевосита ухлашдан олдинги вақтдан фойдаланган маъқул, чунки табиий уйқучанлик пайтида машқларда назарда тутилган ҳис-туйғуларга эришиш осонроқ кечади. Кейинчалик аутоген машқларни эгаллаш учун сутканинг исталган вақтидан фойдаланиш мумкин. Дастлабки машқларни илиқ, сокин, ҳаддан ташқари ёруғ бўлмаган хонада ўтказган маъқул. Бора-бора шуғулланувчи ходим шовқинга парво қилмасликни ўрганади ва машқлар техникасини етарлича эгаллаганидан кейин сеансларни ҳатто поезд ёки автобусда ўтирган ҳолда ҳам ўтказиши мумкин бўлади.

Машғулотлар вақтида гавдани мушаклар таранглашувига йўл қўймайдиган қулай вазиятда тутиш муҳим. **Машғулотлар учун энг қулай бўлган қуйидаги уч вазиятдан бирини қабул қилиш тавсия этилади:**

1. ***Ўтирган ҳолат*** – аравакаш ҳолати. Ушбу ҳолатга кириш учун стулга тўғри ўтириш, қоматни тик тутиш, сўнгра бутун скелет мушакларини бўшаштириш керак. Диафрагма ошқозонга ботмаслиги учун олдинга ҳаддан ташқари кучли эгилмаслик лозим. Бош кўкракка эгилиб тушган, оёқлар бир-биридан бироз нарироқда туриши ва ўтмас бурчак ҳосил қилиб эгилган бўлиши, қўллар тиззага қўйилган бўлиб, бир-бирига тегмайди, тирсаклар букилган – қисқаси мижозни кутиб мудраётган аравакашга хос ҳолат олинади. Кўзлар юмуқ. Бу фаол ҳолат бўлиб, унга деярли ҳар қандай жойда – уйда, ишхонада, транспортда кириш мумкин.

Кейинги ҳолатлар пассив ҳолатларга киради ва улардан одатда уйда шуғулланганда фойдаланиш мумкин.

2. Ярим ўтирган ҳолат. Шуғулланувчи киши юмшоқ креслода унинг суянчиғига қулай ястанган ҳолда ўтиради; бутун гавда бўшашган, иккала қўл тирсагидан бироз эгилган,

кафтлари билан соннинг олд қисми ёки кресло ушлагичига ташланган, оёқлар бир-биридан эркин ажратилган, оёқ учлари бир-биридан бироз узоқлашган. Оёқ учларининг тўғрига қараганлиги ёки кўтарилганлиги бўшашиш босқичи бошланмаганидан дарак беради.

3. Ётган ҳолат. Ушбу ҳолат уйқудан олдинги ёки бевосита ундан кейинги машғулотларда фойдаланилади. Машқ қилаётган киши қулай ҳолда чалқанча ётган, бош бироз кўтарилган, пастак ёстиққа ташланган. Тирсак бўғинидан бироз қайрилган, қўллар гавда бўйлаб кафтлари пастга қаратилган ҳолда эркин ташланган. Машқ қилувчи киши кечқурунги машқлар учун ухлашга одатланган ҳолатни олгани маъқул.

Машқ қилувчи шахс мазкур ҳолатлардан бирини олгач, махсус машқларни бажаришга киришади. Топшириққа кўпроқ диққатни жамлаш учун машқларни кўзлар юмилган ҳолда бажариш тавсия этилади.

Машқ қилувчи киши зарур ҳис-туйғуларга эришиш учун ўзини ўзи ишонтиришнинг тегишли формулаларини хаёлан такрорлаш орқали бажариладиган олтита асосий стандарт машқ ишлаб чиқилган. Булар:

- оғирлик ҳиссини келтириб чиқаришга қаратилган машқ;
- илиқлик ҳиссини келтириб чиқаришга қаратилган машқ;
- юрак фаолияти маромини эгаллашга қаратилган машқ;
- нафас маромини бошқаришни эгаллашга қаратилган машқ;
- қорин бўшлиғи ва қуёш тугуни соҳасида илиқлик ҳиссини келтириб чиқаришга қаратилган машқ;
- пешона соҳасида совуқлик ҳиссини келтириб чиқаришга қаратилган машқ.

1. Оғирлик ҳиссини келтириб чиқаришга қаратилган машқ. Юқорида келтирилган учта ҳолатдан бирида дастлабки ҳолатни эгаллаб хаёлан оҳиста «Мен тамоман хотиржамман», деб айтиш тавсия этилади. Сўнгра диққатни хотиржам жамлаган ҳолда 5–6 марта хаёлан: «Менинг ўнг қўлим жуда оғир» (чапақайлар учун «Менинг чап қўлим жуда оғир») ибораси такрорланади. Шундан сўнг бир марта: «Мен жуда хотиржамман», деб хаёлан айтилади. Ушбу ибора нафас чиқариш фазаси билан бир вақтда айтилади. Айтилган гап ҳақиқатан ҳам тўғрилигини кўп марта хаёлан тасаввур этиш зарур. Ўнг қўл мушакларининг бўшашиши машқ қилаётган кишига оғирлик сифатида сезилади. Машқ самарасини ошириш учун ўнг қўлда тош борлигини ёки оғир бир нарса уни босиб турганлигини тасаввур қилишга ҳаракат қилиш мумкин.

Баъзан назорат мақсадида, оғирлик ҳисси пайдо бўлганлигига ишонч ҳосил қилиш учун қўлни бироз кўтаришга ҳаракат қилиб кўриш мумкин. Аста-секин, машқлар натижасида оғирлик ҳисси бошқа қўлда, иккала қўлда бир вақтда, иккала оёқда, қўл ва оёқларда бир вақтда, бутун гавдада ҳосил қилинади. Машқ қилувчи киши оғирлик ҳиссини бутун баданда тез ва осон ҳосил қилишга қодир бўлганда машқ ўзлаштирилган ҳисобланади. Шундан сўнг иккинчи машққа ўтиш мумкин.

2. Илиқлик ҳиссини келтириб чиқаришга қаратилган машқ. Даставвал оғирлик ҳисси келтириб чиқарилади ва бутун баданда аниқ оғирлик ҳисси ҳосил қилингач, аста-секин хотиржам ҳолда бутун диққат-эътиборни жамлаб кетма-кет 5–6 марта хаёлан: «Менинг ўнг қўлим илиқ» ва бир марта: «Мен бутунлай хотиржамман», деб айтилади ва тасаввур қилинади. Самарадорликни ошириш учун оғирлашган ўнг қўл илиқ сувга солинганлигини тасаввур қилиш керак. Машқни бажарганингиз сари илиқлик ҳисси худди оғирлик ҳисси каби иккала қўлга, оёқларга ва бутун гавдага тарқалади. Бутун баданда аниқ илиқлик ҳиссини ҳосил қилиш учун ёркин образли тасаввурлардан фойдаланиш зарур. Илиқлик ҳисси осон ва аниқ келтириб чиқариладиган бўлганда машқ ўзлаштирилган ҳисобланади. Ушбу машқни эгаллагандан сўнг учинчисига ўтиш мумкин.

3. Юрак фаолияти маромини эгаллашга қаратилган машқ. Машқни бажариш чоғида дастлаб томир уруши ёки юрак урушини хаёлан ҳисоблашни ўрганиш тавсия этилади. Аввал бу машқ чалқанча ётган ҳолда бажарилади. Бунда ўнг қўл чап нурли артерия соҳасига ёки юрак соҳасига қўйилади. Ўнг қўл мушаклари зўриқишини камайтириш учун тирсак остига бирор юмшоқ нарса қўйилади. Юқорида кўрсатилганидек, оғирлик ва

илиқлик ҳисси келтириб чиқарилади. Сўнгра: «Юрагим хотиржам ва текис урмоқда», деган ўзини ўзи ишонтириш иборасини 5–6 марта ва «Мен батамом хотиржамман» иборасини бир марта хаёлан айтишга ўтилади.

Бу машқ жуда хотиржам тарзда, юрак фаолиятига ҳеч бир диққатни жамламаган ҳолда бажарилиши керак. Юрагингиз ишини сезишга интилиш керак эмас. Асабийлашган, таъсирчан, ўз соғлиғи ҳақида ортиқча ғамхўрлик қилишга мойил кишилар бу машқни умуман бажармаганлари маъқул.

Юрак фаолиятининг маромини ихтиёрий ўзгартириш қобилияти ҳосил қилинганда машқ ўзлаштирилган ҳисобланади.

4. Нафас маромини бошқаришни эгаллашга қаратилган машқ. Дастлаб оғирлик, илиқлик ҳислари ҳосил қилинади ва юрак хотиржам, текис ураётганлигига ўзни ишонтирилади. Шундан сўнг 5–6 марта «Бутунлай хотиржам нафас оляпман» ва «Мен бутунлай хотиржамман» деб хаёлан такрорланади.

Машқ жараёнида хотиржам ва бир маромда нафас олиш қобилиятига эга бўлингач, машқ ўзлаштирилган деб ҳисобланади. Бу машқ осон ва тез ўзлаштирилади.

5. Қорин бўшлиғи ва қуёш тугуни соҳасида илиқлик ҳиссини келтириб чиқаришга қаратилган машқ. Ушбу машқ энг қийинидир. Қуёш тугуни вегетатив асаб системасининг энг муҳим тугуни – «қорин мияси» бўлиб, ошқозон орқасида жойлашган. Унинг ўрнини кўкракнинг қуйи нуқтаси ва киндик ўртасидаги жойни топиб, аниқ белгилаш мумкин. Ушбу жойда ошқозон ортида қорин бўшлиғи органларининг фаолиятини ва улар орқали бизнинг ўзимизни сезишимиз ва кайфиятимизнинг муҳим компонентларини бошқарувчи асаб тугунларининг муҳим маркази жойлашган.

Машқ бошида юқорида кўрсатилган тўрт машққа мос келувчи ҳис-туйғулар ҳосил қилинади, сўнгра 5–6 марта: «Менинг қуёш тугуним иссиқлик чиқаряпти» ёки «Қорним ёқимли илиқлик туйяпти» деб ва бир марта «Мен бутунлай хотиржамман» деб хаёлан такрорланади. Ушбу машқни бажаришда диққат қуёш тугуни соҳасига жамланиши керак. Аниқроқ ҳис-туйғуларга эга бўлиш учун аввалги машқлардаги каби образли тасаввурлардан фойдаланиш (масалан, қорин устида қуёш тугуни соҳасида қандайдир илиқ нарса ётганлигини тасаввур қилиш) керак. Аста-секин машқ қилувчи кишида қорин соҳасида аниқ илиқлик ҳис-туйғуси пайдо бўлади ва ўшанда машқ ўзлаштирилган ҳисобланади.

6. Пешона соҳасида совуқлик ҳиссини келтириб чиқаришга қаратилган машқ. Юқорида тасвирланган аутоген машқларнинг барчасини бажариб ва зарур ҳис-туйғуларнинг барчасини ҳосил қилиб, 5–6 марта: «Менинг пешонам ёқимли даражада совуқ» деб ва бир марта «Мен бутунлай хотиржамман» деб хаёлан айтилади. Бу машқни ўзлаштириш анча қийин. Уни бажариш чоғида диққат пешона ва чакка соҳаларига жамланади. Самарадорликни ошириш учун ушбу вазиятда ҳам образли тасаввурлардан фойдаланиш (масалан, пешонага салқин шабада ураётганлигини ёки пешонага муздек рўмол бойланганлигини тасаввур этиш) керак. Агар шуғулланаётган киши пешонаси соҳасида енгил салқинлик ҳиссини аниқ ҳосил қила олса, машқ ўзлаштирилган ҳисобланади.

Мазкур олтита машқ етарлича яхши ўзлаштирилганидан сўнг кейинчалик ўзини ўзи ишонтиришнинг узун ибораларини қуйидаги қисқароқ ибораларга алмаштириш таклиф этилади: «Хотиржамлик...», «Оғирлик...», «Илиқлик...», «Юрак ва нафас хотиржам...», «Қуёш тугуни илиқ...», «Пешона совуқ...».

Барча ҳолларда диққатни жамлаш хотиржам «пассив» хусусиятга эгалигини таъкидлаш зарур. Кучларни диққатни жамлашга сарфлаш керак эмас. Аутоген машқлар хотиржам, ортиқча зўриқишсиз бажарилиши керак. Улар машқ қилувчини чарчатиши керак эмас, балки унинг учун ёқимли бўлиши керак.

Ҳар бир янги машқни аввалгиси тўлиқ ўзлаштирилганидан кейингина, икки ҳафта мобайнида кунига 2–3 мартадан такрорлаш керак. Шундай қилиб, олтита машқнинг ҳаммасини ўзлаштиришга 12 ҳафта сарфланади. Улардан биринчи машқ 12 ҳафта давомида, иккинчиси – 10, учинчиси – 8, тўртинчиси – 6, бешинчиси – 4, олтинчиси – 2 ҳафта давом этади.

Шундай қилиб, аввалги машқларга энг кўп вақт сарфланади. Машқларнинг одатдаги давомийлиги – 2–3 дақиқадан (бошида) 5 – 6 дақиқагача ва ундан ортиқ.

Мазкур олтита машқ «Стандарт» машқлар деб номланади ва Шульц уларни қуйи даражадаги машқларга киритади. Юқори даражадаги машқларга ёки аутоген медитацияга (ўзини англаш) у тасаввурларни ёркин визуаллаштиришни ва ўзини «нирвана» ҳолатига солишни ўрганишга ёрдам берадиган машқларни киритади. Улар кенг тарқалмаган, шу боис уларга қисқача тўхталамиз.

Юқори даражага эришиш учун қуйидагилар тавсия этилади:

1) кўзлар ёпиқ ҳолда кўз олмаларини юқорига кўтариб, кўзни очмаган ҳолда тахминан калла суягидаги пешонанинг сочли қисми марказида жойлашган бир нуқтага кўзни очмасдан гўёки қараш таклиф қилинадиган машқлар;

2) тасаввурларни визуаллаштириш машқлари: бир тусдаги ранг, аниқ нарсалар образларининг тасаввурини ҳосил қилиш. Ушбу машқ 30–60 минут давомида бажарилади ва камида 6 ойдан бир йилгача мунтазам шуғулланаётган кишиларга тавсия этилади. Агар машқ қилувчи киши ҳар қандай рангнинг тасаввурини, шунингдек, нарсаларнинг образини ва, ниҳоят, бировнинг қиёфасини ёркин тасаввур қила олса, вазифа бажарилган ҳисобланади;

3) чақмоқ сифат ҳолатни ҳосил қилиш («интенсив киришиш ҳолати»). Ушбу машқ давомида «гўзаллик», «адолат», «бахт» каби тушунчалар тегишли кўринарли образлар ҳосил қилади;

4) онгнинг тушда кўргандек ажралиши (чуқур шўнғиш) ҳолатини келтириб чиқариш. Ушбу ҳолатда шуғулланувчи шахс ўзига ўзи (масалан, «Мен нимани нотўғри қиляпман?», «Ишнинг маъноси нимадан иборат?»деган) саволлар беради ва уларга тушдаги образлар каби кўринадиган шаклдаги жавоблар олади.

Аутоген машқлар усулини эгаллаш инсонга организмнинг муайян функцияларини ихтиёрий бошқариш имконини беришдан ташқари (ўзини ўзи бошқаришда шунинг ўзи катта аҳамиятга эга) сеанс охирида релаксация ҳолатига тушгандан сўнг фойдаланиладиган ўзини ўзи ишонтириш ёрдамида мураккаб вазифани самарали бажара олишга, қийин вазиятда ўзини қўлга олишга, ортиқча зўриқишни бартараф этишга, ўзига ишонч ҳиссини кўтаришга ёрдам берувчи зарур ҳолатни келтириб чиқаришга имкон беради.

Ички ишлар органлари ходимларининг фаолиятида **аутоген машқларни** қуйидаги йўналишларда қўллаш мақсадга мувофиқ:

1. Безовталик, ҳаяжонланиш, ҳиссий зўриқиш ҳисларини камайтириш. Сезгилар ва идрок бизга боғлиқ бўлмаган равишда мавжуд нарсаларнинг хоссаларини ифодаласа, ҳис-туйғулар бизнинг атроф-муҳитга муносабатимизни акс эттиради. Ҳис-туйғулар юз бераётган воқеликни унинг организм учун аҳамияти нуқтаи назаридан баҳолаш имконини беради ва унга нисбатан бошқариш функциясини бажаради. Инсон соғлиғи ёки ҳаётига

таҳдид билан боғлиқ вазиятда даҳшат, қўрқинч, хавотир каби ҳис-туйғулар юзага келади. Улар инсоннинг ушбу шароитларда ҳаракат қилишига имкон бермайди. Уни мазкур шароитни ўзгартиришга мажбур этади, унинг нормал фаолиятини тўхтатиб қўяди. Бу – табиий ҳол, чунки ҳис-туйғулар шу тариқа инсонни бундай шароитларда фаолият кўрсатишнинг салбий оқибатларидан сақлайди.

Бироқ ички ишлар органлари ходимлари хизмат юзасидан тавакқал, хавфсизликка таҳдид билан кечадиган вазиятларга тўқнашишига тўғри келади ва бунинг устига улар ана шу шароитда ишлашлари, ўзларининг касбий бурчларини бажаришлари керак бўлади. Аутоген машқлар бундай вазиятларда ходимга ёрдам бериши мумкин. Ушбу машқлар ортиқча ҳиссий зўриқишни – хавотир, безовталик, қўрқинч, ҳаяжон (масалан, жиноятчини ушлаш билан боғлиқ ҳолларда) туйғуларини бартараф этишда қўлланилиши мумкин. Бунда мушаклар бўшашиши (релаксация) ҳолатини келтириб чиқара олиш муҳим бўлиб, бунинг учун биринчи ва иккинчи стандарт машқларни эгаллаш етарли бўлади.

Релаксация ҳолатида ўз мақсадига тезроқ эришадиган қуйидаги ўзини ўзи ишонтириш буйруқларидан фойдаланилади: «Мен мутлақо хотиржамман. Менинг хавотирланишимга ўрин йўқ», «Мен ўзимга ишонаман ва бу вазифани осон уддалайман», «Безовталик ва хавотир учун сабаб йўқ. Мен ўзимни ва вазиятни яхши назорат қиляпман» ва ҳоказо.

2. Уйқу функциясини бошқариш. Аутоген машқлар нисбатан қисқа даврлар билан бир-бирларини тез-тез алмаштириб, навбатчилик қиладиган ва сменалар, постлар орасида ухлаб қолиши мумкин бўлган ходимлар учун фойдали бўлиши мумкин. Аутоген машқнинг дастлабки икки машқини бажариш (баданда оғирлик ва илиқлик ҳиссини ҳосил қилиш), хаёлан ўзини ухлаш истаги пайдо бўлганлигига ишонтира бошлаш ва ўзида уйқучанлик ҳиссини ҳосил қилишга ҳаракат қилиш керак. Бунинг учун тахминан қуйидаги иборалардан фойдаланиш мумкин: «Мен тўлиқ бўшашдим. Мен дам оляпман. Менинг уйқум келяпти. Қовоқларим қўрғошиндек оғирлашяпти ва юмилиб кетяпти. Мен уйқуга кетяпман. Мен ухлаяпман...» ва шу кабилар. Стандарт формула йўқ; умумий тамойил шундан иборатки, машқ қилувчи киши ўзини уйқучанлик ҳолатига кираётганлигига ишонтириши керак. Агар бунда муайян вақтда ёки муайян сигнал бўйича уйғониш талаб қилинса, тегишли ўзини ўзи ишонтириш амалга оширилади.

3. Қисқа муддатли дам олиш. Қисқа вақт давомида тўлақонли дам олиш зарур бўлган ҳолларда 5–15 минутга релаксация ҳолатига кириш ва сўнгра тетиклик ҳиссини келтириб чиқариш тавсия этилади («Мен яхши дам олдим, мен тетикман...» ва ҳ.к.).

4. Организмни фаоллаштириш. Аутоген тренировкани уйқучанликни бартараф этиш, организмни фаоллаштириш, ҳаракатга тайёрлаш, ички имкониятларни сафарбар этиш учун қўллаш мумкин. Бу уни организмни шошилинч сафарбар этиш, хусусан, ички ишлар органлари ходимлари фаолиятининг экстремал вазиятларида тавсия этиш учун асос бўлади. Ана шу мақсадда қуйидагиларни амалга ошириш мумкин:

– масалан, тегишли образли тасаввурларни («ҳужумдан ҳимояланиш» ва шу кабиларни) келтириб чиқариш орқали стеник эффектлар (ғазаб, жаҳл)ни ўзига ўзи ишонтириш – бунинг учун «мушаклар таранглашяпти..., панжалар муштга тугиляпти..., жағлар сиқиляпти..., нафас олиш тезлашяпти...» каби иборалар айтилади ва уларнинг мазмунини ҳис этишга ҳаракат қилинади;

– ушбу ҳолат орқали ходимда фаоллик билан боғлиқ образли тасаввурларни ҳосил қилиш («ҳуқуқбузарни ушлаш», «сўроқ вақтидаги «дуэль» ва ҳоказо.);

– адреналин киритилганда юзага келадиган ҳисларни (совуқдан қалтирашни, «ғоз териси»ни, совуқни ва ш.к.) келтириб чиқариш. Қайтма алоқа механизми бўйича ушбу ҳислар адреналин сингари фаоллаштирувчи самара беради;

– аутоген машқлар сеанси тугаганидан кейин тетиклик ҳиссини бевосита ҳосил қилиш.

5. Иродани мустаҳкамлаш, хатти-ҳаракат ва характерологик хусусиятларни тузатиш, ақлий имкониятларни сафарбар қилиш. Кўпинча одамларга ўз ниятларини амалга ошириш учун ирода етишмайди. Иродавий фаолликнинг ушбу томонини мустаҳкамлаш учун ўзини ўзи ишонтиришдан, чунончи, аутоген машқ жараёнидаги ўзини ўзи ишонтиришдан фойдаланиш мумкин. Релаксация ҳолатида (айниқса, эрталаб, уйғонгандан сўнг) иродавий фаолликни мустаҳкамлашга қаратилган ўзини ўзи ишонтириш машқлари бажарилади. Ўзини ўзи ишонтириш формулалари мутлақо индивидуалдир. Улар қисқа бўлиши керак, иложи бўлса, тасдиқ гап шаклида ифодаланиши лозим: «Қарор қатъий...», «Белгиланган вазифани бажараман...», «Диққатим жамланган!». Ёмон одатларга қарши кураш ва номақбул характерологик хусусиятларни тузатиш учун ҳам ўзини ўзи ишонтиришдан фойдаланиш мумкин. Бунда мақсадлардан келиб чиқиб, масалан, ўзига: «Паст овозда гапиряпман» (жуда қаттиқ гапиришга одатланганда), «Мен хотиржамман, ўз ҳис-туйғуларимни осон ушлаб тураман» (ҳаддан ташқари ҳиссий таъсирчанликда), «Мен бемалол чекмай тура оламан. Сигареталар менда нафрат уйғотади» (чекишни ташлашни хоҳлаганда) ва ҳ.к. Аутоген машқларни қўллаш таълимни тезлаштиришга, диққатнинг барқарорлигини кўтаришга, эътиборни жамлаш қобилиятини кучайтириш туфайли ақлий имкониятлардан яхшироқ фойдаланишга ҳамда образли тасаввурларни эркин ишлатишга имкон беради.

Инсоннинг ҳиссий соҳаси, унинг иродаси, ўзини ўзи англаши ва ҳатто феъл-атвори ўзини ўзи тарбиялаш натижасида жиддий ўзгаришларга учраши мумкин. Бу эса ички ишлар органларининг деярли ҳар қандай ходими истаса ва ўзи устида мунтазам шуғулланса, мураккаб (ҳатто ҳаёт учун хавфли) вазиятларни муваффақиятли ҳал этиши, ҳолдан тойишга йўл қўймаслиги ва асаб зўриқиши билан боғлиқ турли касалликларнинг олдини олишга ўрганиши мумкинлигини билдиради. Унга аутоген машқлар билан мунтазам шуғулланиш ёрдам беради.

4. ЮРИДИК ТАЙЁРГАРЛИК. ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИ СУБЪЕКТЛАРИ БИЛАН МУЛОҚОТГА КИРИШИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ МОДУЛИ.

4.1-Мавзу. Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 12 апрелдаги “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги ЎРҚ-474-сон Қонунининг мазмун ва моҳияти.

Назарий машғулот (2 соат)

РЕЖА:

1. **Жамоатчилик назорати субъектлари, объекти ва асосий принциплари.**
2. **Жамоатчилик назоратининг шакллари ва уларнинг моҳияти.**
3. **Жамоатчилик назорати субъектларининг ва давлат органларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳамда жамоатчилик назоратининг натижалари.**

Мамлакатимизда ўтган давр мобайнида фуқаролик институтларини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, уларнинг эркин фаолияти кафолатларини таъминлаш, давлат органларининг фуқаролар билан яқин ҳамкорлигини йўлга қўйиш, уларнинг очиқ, шаффоф ва ошкора фаолият кўрсатишини таъминлаш, давлат органлари фаолияти устидан таъсирчан жамоатчилик назоратини ўрнатиш юзасидан комплекс ва изчил ишлар амалга оширилди.

2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифалар жумладан,

I. Давлат ва жамият қурилиши тизимини такомиллаштиришнинг устувор йўналишларининг 1.3 бандида

Жамоатчилик бошқаруви тизимини такомиллаштириш:

халқ билан мулоқотнинг самарали механизмларини жорий этиш;

жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг замонавий шаклларини ривожлантириш, ижтимоий шерикликнинг самарасини ошириш;

фуқаролик жамияти институтларини ривожлантириш, уларнинг ижтимоий ва сиёсий фаоллигини ошириш;

маҳалла институтининг жамият бошқарувидаги ўрни ва фаолияти самарадорлигини ошириш;

оммавий ахборот воситаларининг ролини кучайтириш, журналистларнинг касбий фаолиятини ҳимоя қилиш.

Шунингдек, **2.5. Суд-ҳуқуқ тизимида қонунийликни янада мустаҳкамлаш:**

ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат идоралари фаолияти устидан жамоатчилик назорати механизмлари самарадорлигини ошириш, фуқароларнинг ҳуқуқни муҳофаза қилиш тизимига бўлган ишончини мустаҳкамлаш.

Ҳаракатлар стратегиясини «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили»да амалга оширишга оид Давлат дастурининг тегишли бандларида **«Жамоатчилик назорати тўғрисида»**ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳасини ишлаб чиқиш шунингдек, ҳар бир туман (шаҳар)да жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш бўйича **«Халқ қабулхоналари»**ни ташкил этишга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш вазифалари белгиланган эди.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонаси ва Халқ қабулхоналари фаолияти ташкил этилди, давлат органлари ва муассасалари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ташкил этиш ва амалга ошириш соҳасидаги муносабатларни тартибга солувчи «Жамоатчилик назорати тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинди.

Бунда давлат органларининг нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан ижтимоий шериклигини амалга оширишнинг ҳуқуқий механизмлари яратилди, давлат органлари фаолияти очиқлигини таъминлашнинг

ҳуқуқий асослари шакллантирилди, жисмоний ва юридик шахслар мурожаатларини кўриб чиқиш тизими тубдан ислоҳ қилинди, коррупцияга қарши курашиш механизмларининг қонунчилик асослари яратилди, шунингдек, «Электрон ҳукумат» тизими босқичма-босқич жорий этилмоқда ва рўёбга чиқарилмоқда.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонаси ва Халқ қабулхоналарига келиб тушаётган мурожаатлар таҳлили, шунингдек, фуқаролар билан ташкил этилаётган учрашувлар натижалари давлат ва жамият ўртасида самарали мулоқотни йўлга қўйишда қатор муаммолар мавжудлиги намоён бўлди. Хусусан:

биринчидан, мулоқотни амалга оширишда давлат органлари ва фуқаролар ўртасида боғлаб турувчи «кўприк»нинг йўқлиги давлат органлари фаолиятидаги муаммоларни аниқлаш ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш жараёнларига салбий таъсир кўрсатмоқда;

иккинчидан, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш масалаларига масъулиятсизлик билан ёндашиш, жумладан фуқароларнинг қонун ҳужжатларини такомиллаштиришга ва жамиятдаги муаммоларни ҳал қилишга доир таклифларига бепарво муносабатда бўлиш ҳолатлари давлат органлари фаолиятининг самарадорлигини оширишга ҳамда давлат ва халқ ўртасида «мулоқот майдони»ни шакллантиришга тўсқинлик қилмоқда;

учинчидан, фуқароларда давлат органлари фаолияти тўғрисида батафсил ахборот олиш имкониятининг йўқлиги, кўпчилик ҳолларда уларга бундай ахборотни тақдим этиш асоссиз равишда рад этилаётганлиги халқнинг давлат органларига бўлган ишончини пасайтирмоқда;

тўртинчидан, давлат органлари фаолиятида соғлом ишчанлик муҳитини ва қонунийликни жорий этишга, ходимларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга қаратилган чора-тадбирларнинг лозим даражада амалга оширилмаслиги улар томонидан ўз ваколатларини суиистеъмол қилиш ҳолатлари кўпайиши, фуқароларнинг ҳуқуқлари бузилиши, давлат органлари ходимлари хатти-ҳаракатлари устидан шикоятлар сонининг ортиши ва аҳолининг давлат органлари фаолиятидан норозилиги кучайиши учун шарт-шароитлар яратмоқда;

бешинчидан, ходимларнинг хизмат ва уй-жой шарт-шароитларини яхшилашга доир чора-тадбирлар амалга оширилиши, шунингдек, бу соҳада мавжуд муаммолар ҳал этилиши устидан жамоатчилик назоратининг кутилаётган натижаларни бермаётганлиги улар фаолиятининг самарадорлигини пасайтиришга олиб келмоқда.

Мазкур муаммоларни ҳал қилиш давлат органларининг фуқаролар билан ўзаро муносабатларига бўлган ёндашувни тубдан қайта кўриб чиқишни, жумладан аҳоли билан очиқ ва манзилли мулоқот олиб боришнинг янги самарали воситалари ва механизмларини жорий этишни талаб қилмоқда.

Мамлакатда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, давлат ва жамият ўртасида таъсирчан ҳамда самарали мулоқотни йўлга қўйиш, давлат органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг мустаҳкам механизмларини ривожлантириш, улар фаолиятининг очиқлиги ва шаффофлигини, фуқаролик жамияти институтлари билан самарали ҳамкорликни таъминлаш, шунингдек, кейинги йилларда «Инсон қадри учун» тамойили асосида халқимизнинг фаровонлигини янада ошириш, иқтисодиёт тармоқларини трансформация қилиш ва тадбиркорликни жадал ривожлантириш, инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини сўзсиз таъминлаш ҳамда фаол фуқаролик жамиятини шакллантиришга қаратилган ислоҳотларнинг устувор йўналишларини белгилаш мақсадида кенг жамоатчилик муҳокамаси натижасида «Ҳаракатлар стратегиясидан – Тараққиёт стратегияси сари» тамойилига асосан ишлаб чиқилган 7 та устувор йўналиш, 100 та мақсад ва 398 та амалга оширилиши лозим бўлган механизмлардан иборат 2022 – 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг

тараққиёт стратегияси Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон Фармони билан тасдиқланди.

Ушбу ҳужжат барча соҳаларни янада ривожлантириш бўйича йўналишлар ва устувор вазифаларни белгилади. Жумладан: инсон қадрини юксалтириш ва эркин фуқаролик жамиятини янада ривожлантириш орқали халқпарвар давлат барпо этиш; мамлакатимизда адолат ва қонун устуворлиги тамойилларини тараққиётнинг энг асосий ва зарур шартига айлантириш; ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш; ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг янги қиёфасини шакллантириш ва уларнинг фаолиятини халқ манфаатлари, инсон қадр-қиммати, ҳуқуқ ва эркинликларини самарали ҳимоя қилишга йўналтириш; ички ишлар органларини халқнинг ишончли ҳимоячиси сифатида халқчил профессионал тузилмага айлантириш ҳамда аҳоли билан мақсадли ишлашга йўналтириш; қонунийликни қатъий таъминловчи, очиқ ва адолатли прокуратура фаолиятининг мустаҳкам ҳуқуқий асосларини яратиш ҳамда «Қонун – устувор, жазо – муқаррар» тамойилини бош мезонга айлантириш каби вазифалар белгиланди.

Жамиятда барқарорлик, тинчлик ва осойишталикни қарор топтириш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларига сўзсиз риоя этилишини таъминлаш республикамизни ижтимоий иқтисодий жиҳатдан янада ривожлантириш, ижтимоий, ҳуқуқий демократик давлат қуриш бўйича кўзланган мақсадларга эришишнинг зарурий шартларидан биридир.

Бу борада, 2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясининг “I. Инсон қадрини юксалтириш ва эркин фуқаролик жамиятини янада ривожлантириш орқали халқпарвар давлат барпо этиш” номли **1-устувор йўналишининг 12-мақсади**: “***Таъсирчан жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш***” деб номланган бўлиб қуйидаги вазифаларни ўз ичига қамраб олган.

Жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг замонавий шаклларини ривожлантириш, жамоавий мурожаатлар асосида ҳудудий, тармоқ ва давлат дастурлари ижро сифатини текшириш амалиётини жорий этиш.

Айрим давлат функцияларини амалга ошириш жараёнига жамоатчилик назорати субъектларини кенг жалб қилиш, давлат органлари фаолиятини ўрганишда ижтимоий сўровлар ўтказиш ҳамда аниқланган камчиликларни очиқ муҳокама қилиш амалиётини йўлга қўйиш.

Аҳолининг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ва сайлов маданиятини ошириш, сайловларга оид халқаро стандартларни қонунчиликка имплементация қилиш ишларини давом эттириш.

Оммавий ахборот воситаларининг роли ва журналистларнинг касбий фаолияти ҳимоясини янада кучайтириш, одамларни қийнаётган муаммолар ҳамда ислоҳотларнинг ижроси аҳволини ўрганишда уларнинг меҳнатидан самарали фойдаланиш.

Ижтимоий шерикликнинг самарасини ошириш, нодавлат нотижорат ташкилотлар ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини давлат томонидан субсидиялар, грантлар ва ижтимоий буюртмалар шаклларида қўллаб-қувватлаш ҳажмини икки баробарга ошириш.

Халқ депутатлари Кенгашлари ҳузуридаги нодавлат нотижорат ташкилотларни ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фондларига ажратилаётган маблағлар ҳажмини етти баробарга ошириш.

Шу боис, жамоатчилик назорати фаолиятига оид Тараққиёт стратегиясида белгиланган мазкур вазифалар самарали бажарилиши муҳим аҳамият касб этмоқда.

1 - ўқув саволи: Жамоатчилик назорати субъектлари, объекти ва асосий принциплари.

Сўнгги беш йиллик ислоҳотларнинг натижасида мамлакатимизда Янги Ўзбекистонни барпо этишнинг зарур сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий ва илмий-маърифий асослари яратилди.

Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 12 апрелдаги "Жамоатчилик назорати тўғрисида"ги ЎРҚ-474-сон Қонунининг **мақсади** – давлат органлари ва муассасалари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ташкил этиш ҳамда амалга ошириш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

Жамоатчилик назорати тўғрисидаги қонунчилик мазкур Қонун ва бошқа қонунчилик ҳужжатларидан иборат.

Қонунчиликда касаба уюшмалари томонидан жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг ўзига хос хусусиятлари белгиланиши мумкин.

Референдумларга, сайловларга тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш, шунингдек мудофаа, жамоат хавфсизлиги ва ҳуқуқ-тартибот, тезкор-қидирув фаолияти, суриштирув, дастлабки тергов, суд ишларини юритиш, жазоларни ижро этиш соҳасида жамоатчилик назоратини амалга ошириш ***алоҳида қонунчилик*** билан тартибга солинади.

Мазкур қонуннинг **тузилиши** 21 моддадан иборат. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга кирган. Мазкур қонунда Жамоатчилик назорати тўғрисидаги қонунчилик, Жамоатчилик назорати субъектлари ва объекти, жамоатчилик назоратининг асосий принциплари ва шакллари, давлат органларига мурожаатлар ва сўровлар, давлат органларининг очиқ ҳайъат мажлисларида иштирок этиш, жамоатчилик муҳокамаси, эшитуви, мониторинги, экспертизаси, жамоатчилик фикрини ўрганиш, Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан давлат органлари мансабдор шахсларининг ҳисоботлари ва ахборотини эшитиш, жамоатчилик назорати субъектларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари шунингдек, давлат органларининг жамоатчилик назорати соҳасидаги ҳуқуқ ва мажбуриятлари, жамоатчилик назоратининг натижалари каби норма ва қоидалар тартибга солинган.

Ўзбекистон Республикаси "Жамоатчилик назорати тўғрисида"ги қонунининг 3-моддасида **жамоатчилик назорати субъектлари** сифатида қуйидагилар эътироф этилган:

- Ўзбекистон Республикаси фуқаролари;

- фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари;

- қонунчиликда белгиланган тартибда рўйхатга олинган нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари.

Шунингдек, Жамоатчилик назорати: жамоатчилик кенгашлари, комиссиялари ва бошқа жамоатчилик ташкилий тузилмалари томонидан ҳам қонунчиликка мувофиқ амалга оширилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси "Жамоатчилик назорати тўғрисида"ги қонунининг 4-моддасида Жамоатчилик назоратининг объекти сифатида давлат органларининг ва улар мансабдор шахсларининг:

- қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда, қарорларда, шунингдек ривожланиш давлат, тармоқ ва ҳудудий дастурларида жамоатчилик манфаатларини, жамоатчилик фикрини ҳисобга олишга;

- фуқароларнинг, юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини, жамият манфаатларини ҳимоя қилиш соҳасидаги қонунчилик талабларининг ижро этилишини таъминлашга;

- ўз зиммасига юклатилган, ижтимоий ва жамоатчилик манфаатларига дахлдор бўлган вазифалар ва функцияларни бажаришга;

- давлат хизматларини кўрсатишга;

- ижтимоий шериклик доирасида амалга ошириладиган битимлар, шартномалар, лойиҳалар ва дастурларни бажаришга **доир фаолияти жамоатчилик назоратининг объекти** сифатида қайд этилган.

Қонуннинг 5-моддасида Жамоатчилик назоратининг 7та асосий принциплари қуйидагилардан иборатлиги қайд этилган:

1) қонунийлик;

2) фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари устуворлиги;

3) жамоатчилик назоратини амалга оширишда иштирок этишнинг ихтиёрийлиги;

4) жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг оммавийлиги ва очиқлиги;

5) жамоатчилик назорати субъектларининг холислиги ва беғаразлиги;

6) жамоатчилик назорати натижаларининг ишончлилиги;

7) жамоатчилик назорати субъектларининг давлат органлари, уларнинг мансабдор шахслари фаолиятига асоссиз аралашувига ва уларга ғайриқонуний таъсир кўрсатишига йўл қўйилмаслиги.

Мазкур принципларга тўлиқ риоя этиш жамоатчилик назоратини амалга оширилишида зарурий аҳамият касб этади. Ички ишлар органлари ходимлари хизмат вазифалари амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги қонуни талаблари асосий қоидалари ва принциплари зид хатти-ҳаракатларга йўл қўймасликлари лозим.

2 - ўқув саволи: Жамоатчилик назоратининг шакллари ва уларнинг моҳияти.

Ўзбекистон Республикаси “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги қонунининг 3-моддасида жамоатчилик назорати субъектлари сифатида эътироф этилган *Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, қонунчиликда белгиланган тартибда рўйхатга олинган нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари* жамоатчилик назоратининг **шакллари** асосида жамоатчилик назоратини амалга оширишлари мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 12 апрелдаги “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги ЎРҚ-474-сон Қонунининг 6-моддасида Жамоатчилик назоратининг қуйидаги **8та шаклларидан иборатлиги қайд этилган:**

1) давлат органларига мурожаатлар ва сўровлар (7-м);

2) давлат органларининг очиқ ҳайъат мажлисларида иштирок этиш (8-м);

3) жамоатчилик муҳокамаси (9-м);

4) жамоатчилик эшитуви (10-м);

5) жамоатчилик мониторинги (11-м);

6) жамоатчилик экспертизаси (12-м);

7) жамоатчилик фикрини ўрганиш (13-м);

8) фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан давлат органлари мансабдор шахсларининг ҳисоботлари ва ахборотини эшитиш (14-м).

Жамоатчилик назорати қонунчиликка мувофиқ бошқа шаклларда ҳам амалга оширилиши мумкин.

Жамоатчилик назоратининг шакллари ва уларнинг моҳиятини кўриб чиқадиган бўлсак.

1) Давлат органларига мурожаатлар ва сўровлар.

Жамоатчилик назорати субъектлари давлат органларига аризалар, шикоятлар ва таклифлар билан мурожаат қилишга, шунингдек қонунчиликда белгиланган тартибда уларга сўровлар юборишга ҳақли.

Жамоатчилик назорати субъектларининг мурожаатлари ва сўровлари қонунчиликда белгиланган тартибда давлат органлари томонидан кўриб чиқилади. Жамоатчилик назорати субъектларининг ахборот олишга бўлган ҳуқуқи, агар мазкур ахборот шахсга доир маълумотлар ёхуд давлат сирларини ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сирни ташкил этувчи маълумотлар жумласига киритилган бўлса, чекланиши мумкин.

2) Давлат органларининг очиқ ҳайъат мажлисларида иштирок этиш.

Жамоатчилик назорати субъектлари қонунчиликда белгиланган тартибда давлат органларининг очиқ ҳайъат мажлисларида иштирок этиш ҳуқуқига эга.

Давлат органлари ўзининг очиқ ҳайъат мажлисларида жамоатчилик назорати субъектлари иштирок этиши учун шароитлар яратади.

3) Жамоатчилик муҳокамаси.

Ижтимоий аҳамиятга молик масалаларни, шунингдек норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, давлат органларининг бошқа қарорлари лойиҳаларини оммавий муҳокама қилиш жамоатчилик муҳокамасидир.

Жамоатчилик муҳокамасини нодавлат нотижорат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва оммавий ахборот воситалари ўтказиши мумкин.

Жамоатчилик муҳокамаси турли ижтимоий гуруҳларнинг вакиллари, шу жумладан муҳокама этилаётган масала ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига дахлдор бўлган ёки дахлдор бўлиши мумкин бўлган шахслар иштирокида ўтказилиши мумкин.

Жамоатчилик муҳокамаси оммавий ва очиқ ўтказилади. Жамоатчилик муҳокамасининг иштирокчилари жамоатчилик муҳокамасига киритилган масалалар юзасидан ўз фикрини эркин билдиришга ва таклифлар киритишга ҳақли. Жамоатчилик муҳокамаси оммавий ахборот воситалари орқали ва ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда ҳам ўтказилиши мумкин.

Жамоатчилик муҳокамасининг ташкилотчиси жамоатчилик муҳокамасига киритилаётган масалалар, муҳокамани ўтказиш муддати ва тартиби тўғрисидаги ахборотни олдиндан эълон қилади. Бунда ташкилотчи ўз ихтиёридаги, жамоатчилик муҳокамасига киритилаётган масалаларга тааллуқли бўлган материаллардан жамоатчилик муҳокамасининг барча иштирокчилари эркин фойдаланишини таъминлайди.

4) Жамоатчилик эшитуви.

Давлат органларининг, улар мансабдор шахсларининг фаолиятига тааллуқли ва ижтимоий аҳамиятга эга бўлган ёхуд фуқароларнинг, юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига, жамият манфаатларига дахлдор масалаларни муҳокама қилиш учун ташкил этиладиган йиғилиш жамоатчилик эшитувидир.

Жамоатчилик эшитувини нодавлат нотижорат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва оммавий ахборот воситалари ўтказиши мумкин.

Жамоатчилик эшитуви турли ижтимоий гуруҳларнинг вакиллари, шу жумладан муҳокама этилаётган масала ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига дахлдор бўлган ёки дахлдор бўлиши мумкин бўлган шахслар иштирокида ўтказилиши мумкин.

Жамоатчилик эшитуви оммавий ва очиқ ўтказилади. Жамоатчилик эшитувининг иштирокчилари жамоатчилик эшитувига киритилган масалалар юзасидан ўз фикрини эркин билдиришга ва таклифлар киритишга ҳақли.

Жамоатчилик эшитувининг ташкилотчиси жамоатчилик эшитувига киритилаётган масалалар, эшитувни ўтказиш муддати ва тартиби тўғрисидаги ахборотни олдиндан эълон қилади. Бунда ташкилотчи ўз ихтиёридаги, жамоатчилик эшитувига киритилаётган масалаларга тааллуқли бўлган материаллардан жамоатчилик эшитувининг барча иштирокчилари эркин фойдаланишини таъминлайди.

5) Жамоатчилик мониторинги.

Давлат органларининг ва улар мансабдор шахсларининг фаолиятини жамоатчилик манфаатига дахлдор ахборотни йиғиш, умумлаштириш ва таҳлил этиш орқали кузатиш жамоатчилик мониторингидир.

Жамоатчилик мониторингини нодавлат нотижорат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва жамоатчилик назоратининг бошқа субъектлари қонунчиликда назарда тутилган ҳолларда ўтказиши мумкин.

Жамоатчилик мониторинги оммавий ва очиқ ўтказилади. Жамоатчилик мониторинги ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда ҳам ўтказилиши мумкин.

Жамоатчилик мониторингининг ташкилотчиси жамоатчилик мониторингининг объекти, уни ўтказиш муддати ва тартиби тўғрисидаги ахборотни олдиндан эълон қилади.

6) Жамоатчилик экспертизаси.

Жамоатчилик экспертизаси норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва давлат органларининг бошқа қарорлари лойиҳалари фуқароларнинг, юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига, жамият манфаатларига мувофиқлигини аниқлаш учун уларни ўрганиш ҳамда баҳолашдан иборатдир.

Жамоатчилик экспертизасини нодавлат нотижорат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва оммавий ахборот воситалари қонунчиликда назарда тутилган ҳолларда ўтказиши мумкин.

Жамоатчилик экспертизасининг ташкилотчиси тегишли соҳада зарур билим ва тажрибага эга бўлган мутахассисларни жамоатчилик асосида жалб этиши ҳам мумкин.

7) Жамоатчилик фикрини ўрганиш.

Жамоатчилик фикрини ўрганиш турли ижтимоий гуруҳларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари тўғрисидаги, давлат органларининг, улар мансабдор шахсларининг қонунчилик талабларига риоя этишига, фуқароларнинг, юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини, жамият манфаатларини таъминлашга доир фаолияти тўғрисидаги фикрини баҳолаш мақсадида ахборотни йиғиш, умумлаштириш ҳамда таҳлил этишдан иборатдир.

Жамоатчилик фикрини ўрганишни нодавлат нотижорат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва оммавий ахборот воситалари қонунчиликка мувофиқ ўтказиши мумкин.

8) Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан давлат органлари мансабдор шахсларининг ҳисоботлари ва ахборотини эшитиш.

Фуқаролар йиғини:

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларининг фуқаролар йиғинлари фаолияти соҳасига кирувчи масалалар юзасидан ҳисоботларини;

ички ишлар органлари профилактика инспекторларининг, жойлардаги таълим муассасалари раҳбарларининг ҳисоботларини;

тегишинча оилавий поликлиникалар ва қишлоқ врачлик пунктлари раҳбарларининг ахборотини;

тегишли ҳудудда жойлашган ташкилотлар раҳбарларининг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, ҳудуднинг санитария ҳолати, уни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш масалаларига доир ҳисоботларини эшитади.

Мазкур жамоатчилик назоратининг шакллари орқали давлат органларининг фуқаролар билан яқин ҳамкорлигини йўлга қўйиш, уларнинг очиқ, шаффоф ва ошкора фаолият кўрсатишини таъминлаш, давлат органлари фаолияти устидан таъсирчан жамоатчилик назоратини ўрнатишга эришиш мумкин бўлади.

3 - ўқув саволи: Жамоатчилик назорати субъектларининг ва давлат органларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳамда жамоатчилик назоратининг натижалари.

Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 12 апрелдаги "Жамоатчилик назорати тўғрисида"ги ЎРҚ-474-сон Қонунининг 15-моддасига биноан Жамоатчилик назорати субъектлари қуйидаги ҳуқуқ ва мажбуриятларга эгадирлар:

- жамоатчилик назоратини амалга ошираётганда тадбирлар ўтказиш ташаббуси билан чиқишга, уларни ташкил этишга, шунингдек уларда иштирок этишга;
- жамоатчилик назоратини амалга ошириш учун зарур бўлган ахборотни қонунчиликка мувофиқ давлат органларидан сўраб олишга;
- жамоатчилик назорати натижаларига кўра таклифлар ва тавсиялар тайёрлашга ҳамда уларни тегишли давлат органларига кўриб чиқиш учун юборишга;
- фуқароларнинг, юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари, жамият манфаатлари бузилганлиги фактлари аниқланган тақдирда, материалларни ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга юборишга;
- давлат органларининг қонунга хилоф қарорлари, улар мансабдор шахсларининг хатти-ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан бўйсунув тартибида юқори турувчи органга ёки мансабдор шахсга ёхуд қонунда белгиланган тартибда судга шикоят қилишга;
- жамоатчилик назорати натижаларини эълон қилишга ҳақлидир.

Жамоатчилик назорати субъектлари қонунчиликка мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

Жамоатчилик назорати субъектлари мажбуриятлари:

- жамоатчилик назорати тўғрисидаги қонунчилик талабларига риоя этиши;
- қонунда белгиланган, давлат органларининг фаолияти билан боғлиқ бўлган чекловларга риоя этиши;
- давлат органларининг, улар мансабдор шахсларининг ўз ваколатлари доирасида амалга оширадиган фаолиятига аралашмаслиги;
- давлат органларининг фаолият кўрсатиши, шунингдек улар мансабдор шахсларининг фаолияти учун тўсиқлар яратмаслиги;
- фуқароларнинг шаъни ва қадр-қиммати камситилишига, уларнинг шахсий ҳаётига аралашишга йўл қўймаслиги;
- жамоатчилик назоратини амалга ошириш чоғида олинган ахборотнинг тарқатилиши қонун билан чекланган бўлса, унинг махфийлигига риоя этиши шарт.

Жамоатчилик назорати субъектларининг зиммасида қонунчиликка мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

Мазкур қонуннинг 16-моддасида Давлат органларининг жамоатчилик назорати соҳасидаги ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳам қайд этилган. Жумладан, Давлат органлари:

жамоатчилик назорати субъектларидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш тўғрисида ва унинг натижалари ҳақида ахборот олишга;

жамоатчилик назорати натижаларига кўра тайёрланган якуний ҳужжатларда кўрсатилган таклифлар ва тавсияларга нисбатан асослантирилган эътирозларини жамоатчилик назорати субъектларига юборишга;

ўзи амалга ошираётган фаолият устидан жамоатчилик назорати масалаларига доир ахборотни ўз расмий веб-сайтларида, шунингдек оммавий ахборот воситаларида жойлаштиришга;

жамоатчилик назоратини ўтказиш ташаббуси билан чиқишга ҳақли.

Давлат органлари қонунчиликка мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

Давлат органлари:

жамоатчилик назорати субъектларига жамоатчилик манфаатига дахлдор бўлган ўз фаолияти тўғрисидаги ахборотни қонунчиликда белгиланган ҳолларда ва тартибда тақдим этиши;

ўзига жамоатчилик назорати субъектлари томонидан юборилган мурожаатлар ва сўровларни қонунчиликда белгиланган тартибда ва муддатларда кўриб чиқиши, мурожаатларга ва сўралаётган ахборотга жавоблар тақдим этиши, бундан давлат сирларини ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сирни ташкил этувчи маълумотлар ёхуд топширилиши жамоат тартибига ва фуқароларнинг ҳаётига таҳдид солиши мумкин бўлган маълумотлар мустасно;

жамоатчилик назорати субъектлари томонидан юборилган таклифлар ва тавсияларни, шунингдек якуний ҳужжатлар ва материалларни кўриб чиқиши шарт.

Давлат органларининг зиммасида қонунчиликка мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

Бу борада Ички ишлар органлари фаолияти устидан жамоатчилик назорати тизимини яратиш мақсадида Ички ишлар вазирлиги ва унинг ҳудудий бўлинмаларида жамоатчилик асосида доимий фаолият юритувчи соҳа олимлари, фахрийлари ва журналистлардан иборат жамоатчилик кенгашлари тузилади.

Жамоатчилик назоратининг натижалари.

Жамоатчилик назоратининг натижаларига кўра:

- баённома;
- хулоса;
- маълумотнома шаклида ёхуд қонунчиликда назарда тутилган бошқа шаклда якуний ҳужжат тайёрланиши мумкин.

Якуний ҳужжат ахборот ва тавсия хусусиятига эга бўлади.

Якуний ҳужжатда баён этилган ахборот, тавсия ва таклифлар давлат органлари томонидан мажбурий тартибда кўриб чиқилади ҳамда улар юзасидан қонуний **қарорлар** қабул қилинади.

Жамоатчилик назорати тўғрисидаги қонунчиликни бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва бошқа манфаатдор ташкилотларга ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказишни ҳамда моҳияти ва аҳамиятини аҳоли ўртасида тушунтириш юклатилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштириш, давлат бошқаруви органларига эса ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминлаш вазифалари юклатилган.

Мустақил тайёргарлик учун топшириқ

Тингловчилар мустақил таълим машғулотида 2018 йил 12 апрелда қабул қилинган “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги ЎРҚ-474-сон қонунини тўлиқ ўрганадилар ва тегишли модда ҳамда бандларини конспектлаштириб оладилар.

1 Жамоатчилик назорати субъектлари.

2. Жамоатчилик назорати объектлари.
3. Жамоатчилик назорати шакллари.
5. Жамоатчилик назоратининг натижалари.

4.2-Мавзу. Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 11 сентябрдаги “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида (янги таҳрирда)”ги ЎРҚ-445-сон Қонунининг мазмун-моҳияти.

Назарий машғулот (2 соат)

РЕЖА:

1. Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонуннинг мақсади, тузилиши, принциплари ва мурожаатларга қўйиладиган талаблар.

2. Халқ қабулхоналари ва виртуал қабулхоналар. Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаат этиш ҳуқуқларининг кафолатлари ҳамда мурожаатларни бериш ва уларни кўриб чиқиш тартиби.

3. Мурожаатларни кўриб чиқишда жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ҳамда давлат органларининг, ташкилотларнинг ва улар мансабдор шахсларининг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари.

1 - ўқув саволи: Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонуннинг мақсади, тузилиши, принциплари ва мурожаатларга қўйиладиган талаблар.

Мамлакатимизда сўнгги беш йиллик ислоҳотларнинг натижасида Янги Ўзбекистонни барпо этишнинг зарур сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий ва илмий-маърифий асослари яратилди.

Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 11 сентябрдаги “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисидаги (янги таҳрирда)”ги ЎРҚ-445-сон **Қонунининг мақсади** – давлат органлари ва давлат муассасаларига шунингдек уларнинг мансабдор шахсларига жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

Ҳозирги давр ахборот-коммуникация воситалари ва технологияларидан фойдаланиб, электрон мурожаатларни киритиш имкониятининг ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамланиши мазкур қонуннинг муҳим жиҳатларидан биридир. Умуман олганда, ушбу ҳужжатда жисмоний шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, шунингдек, юридик шахсларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг қўшимча кафолатлари мавжуд. Ушбу қонуннинг қабул қилиниши давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг ушбу соҳадаги фаолиятини сифат жиҳатидан юқори даражага кўтариш имконини беради.

«Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Қонуннинг қўлланилиш соҳаси.

Қонуннинг амал қилиши давлат иштирокидаги ташкилотларга ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига нисбатан ҳам татбиқ этилади.

Мазкур қонуннинг амал қилиши:

1) кўриб чиқиш тартиби маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги, фуқаролик процессуал, жиноят-процессуал, жиноят-ижроия, иқтисодий процессуал қонун ҳужжатлари ва бошқа қонунлар билан белгиланган мурожаатларга;

2) давлат органларининг, шунингдек улар таркибий бўлинмаларининг ўзаро ёзишмаларига нисбатан татбиқ этилмайди.

Мурожаатлар тўғрисидаги қонунчилик мазкур Қонун ва бошқа қонунчилик ҳужжатларидан иборат. (*М: Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони, Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 7 майдаги*

341-сон қарори билан тасдиқланган «Давлат органларида, давлат муассасаларида ва давлат иштирокидаги ташкилотларда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тартиби тўғрисида намунавий низом», Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 5 январдаги 7-сон қарори билан тасдиқланган «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тартиби тўғрисида намунавий низом», Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2014 йил 30 декабрдаги 311-мҳ-сон буйруғи билан тасдиқланган «Давлат нотариал идораларида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини навбатма-навбат қайд этиш тартиби тўғрисидаги низом»).

Мазкур қонуннинг тузилиши 6 боб, 38 моддадан иборат. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга кирган.

Ушбу қонунда мурожаатлар тўғрисидаги қонунчилик, асосий тушунчалар ва принциплар; мурожаатларнинг шакллари ва турлари; мурожаатларга қўйиладиган талаблар ва оммавий ахборот воситалари; жисмоний шахсларни ва юридик шахсларнинг вакилларини қабул қилиш; Халқ қабулхоналари ва виртуал қабулхоналар; жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаат этиш ҳуқуқлари кафолатлари; мурожаатларни бериш ва уларни кўриб чиқиш тартиби; мурожаатларни кўриб чиқишда жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари; давлат органларининг, ташкилотларнинг ва улар мансабдор шахсларининг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари; мурожаатлар тўғрисидаги қонунчиликни бузганлик учун жавобгарлик каби норма ва қоидалар тартибга солинган.

Ўзбекистон Республикаси “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги қонунининг 3-моддасида **Асосий тушунчалар** сифатида қуйидагилар эътироф этилган:

ариза *– ҳуқуқларни, эркинликларни ва қонуний манфаатларни амалга оширишда ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги илтимос баён этилган мурожаат;*

таклиф *– давлат ва жамият фаолиятини такомиллаштиришга доир тавсияларни ўз ичига олган мурожаат;*

шикоят *– бузилган ҳуқуқларни, эркинликларни тиклаш ва қонуний манфаатларни ҳимоя қилиш тўғрисидаги талаб баён этилган мурожаат;*

электрон мурожаат *– белгиланган тартибда ахборот-коммуникация технологиялари воситасида берилган, шу жумладан давлат органининг, ташкилотнинг расмий веб-сайтига жойлаштирилган мурожаат, реал вақт режимида ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда берилган оғзаки мурожаатлар бундан мустасно;*

такрорий мурожаат *– айни бир жисмоний ёки юридик шахсдан келиб тушган, унинг аввалги мурожаати юзасидан қабул қилинган қарор устидан шикоят қилинаётган ёки бошқача тарзда норозилик билдирилаётган, шунингдек, агар такрорий мурожаат келиб тушган пайтга келиб қонунчиликда белгиланган кўриб чиқиш муддати тугаган бўлса, илгариги мурожаати ўз вақтида кўриб чиқилмаганлиги тўғрисида хабар қилинаётган мурожаат;*

аноним мурожаат *– жисмоний шахснинг фамилияси (исми, отасининг исми), унинг яшаш жойи тўғрисидаги маълумотлар ёки юридик шахснинг тўлиқ номи, унинг жойлашган ери (почта манзили) тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилмаган ёхуд улар ҳақида ёлғон маълумотлар кўрсатилган мурожаат, шунингдек уни идентификация қилиш имкониятини бермайдиган электрон мурожаат ёхуд имзо билан тасдиқланмаган ёзма мурожаат*;

мурожаатнинг дубликати *– айни бир жисмоний ёки юридик шахс мурожаатининг кўчирма нусхаси*;

оммавий қабул *– давлат органи раҳбарининг ёки бу борада ваколат берилган мансабдор шахсининг жисмоний шахслар ва юридик шахсларнинг вакиллари билан оммавий учрашувларида мурожаатларни қабул қилишга доир ҳаракати*;

видеоконференцалоқа *– узоқда жойлашган бир нечта абонентларнинг реал вақт режимида аудио- ва видеоахборот алмашиш имконияти билан ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда интерактив ҳамкорлик қилиши*;

давлат иштирокидаги ташкилот *– устав фондида давлат улуши мавжуд бўлган тижорат ташкилоти ёхуд тўлиқ ёки қисман давлат органи томонидан ташкил этилган ёки таъсис этилган нотижорат ташкилоти.*

Қонуннинг 4-моддасида Мурожаатларни кўриб чиқишнинг **6та асосий принциплари** қуйидагилардан иборатлиги қайд этилган:

1) қонунийлик;

2) мурожаатларни ўз вақтида ва тўлиқ кўриб чиқиш;

3) мурожаатларга нисбатан талабларнинг бир хиллиги;

4) жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига риоя этилиши;

5) мурожаатларни кўриб чиқишда бюрократизм ва сансалорликка йўл қўйилмаслиги;

6) мурожаатларни кўриб чиқишда давлат органлари, ташкилотлар ва улар мансабдор шахслари фаолиятининг шаффофлиги.

Мазкур принципларга тўлиқ риоя этиш мурожаатлар билан ишлаш ва уларни қонуний ҳал этиш фаолиятини амалга оширилишида зарурий аҳамият касб этади. Ички ишлар органлари ходимлари хизмат вазифалари амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси “Жисмоний ва юридик шахслар тўғрисида”ги қонуни талаблари асосий қоидалари ва принциплари зид хатти-ҳаракатларга йўл қўймасликлари лозим.

Қонуннинг 5-моддасида **Мурожаатларнинг шакллари ва турлари** белгиланган бўлиб, Мурожаатлар **оғзаки, ёзма ёхуд электрон** шаклда бўлиши мумкин.

Аризалар, таклифлар ва шикоятлар мурожаатларнинг турлари ҳисобланади.

Мурожаатлар, уларнинг шакли ва туридан қатъи назар, бир хил аҳамиятга эга бўлади.

Қонуннинг 6-моддасида **Мурожаатларга қўйиладиган талаблар** белгиланган бўлиб, **Жисмоний шахснинг мурожаатида** жисмоний шахснинг фамилияси (исми, отасининг исми), унинг яшаш жойи тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилган бўлиши керак.

Юридик шахснинг мурожаатида юридик шахснинг тўлиқ номи, унинг жойлашган ери (почта манзили) тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилган бўлиши керак.

Жисмоний ва юридик шахснинг мурожаатида давлат органининг, ташкилотнинг аниқ номи, мурожаат юборилаётган мансабдор шахснинг лавозими ва (ёки) фамилияси (исми, отасининг исми) кўрсатилган, шунингдек мурожаатнинг моҳияти баён этилган бўлиши керак.

Мурожаатларда мурожаат этувчиларнинг электрон почта манзили, алоқа телефонлари ва факслари рақамлари кўрсатилиши мумкин.

Мурожаатлар давлат тилида ва бошқа тилларда берилиши мумкин.

Ёзма мурожаат мурожаат этувчи жисмоний шахснинг имзоси ёки мурожаат этувчи юридик шахс ваколатли шахсининг имзоси билан тасдиқланган бўлиши лозим. Жисмоний шахснинг ёзма мурожаатини мурожаат этувчининг имзоси билан тасдиқлаш имкони бўлмаган тақдирда, бу мурожаат уни ёзиб берган шахснинг имзоси билан тасдиқланиб, унинг фамилияси (исми, отасининг исми) ҳам қўшимча равишда ёзиб қўйилиши керак.

Мурожаат этувчиларнинг вакиллари орқали берилган мурожаатларга уларнинг ваколатларини тасдиқловчи ҳужжатлар илова қилинади.

Мурожаатлар ва оммавий ахборот воситалари. Оммавий ахборот воситалари таҳририятларидан келиб тушган мурожаатлар Қонунда назарда тутилган тартибда ва муддатларда кўриб чиқилади.

Оммавий ахборот воситаларига йўлланган мурожаатлардан оммавий ахборот воситалари тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ жамоатчилик фикрини ўрганиш ва акс эттириш учун фойдаланилиши мумкин.

Жисмоний шахсларни ва юридик шахсларнинг вакилларини қабул қилиш. Давлат органларида, ташкилотларда, шунингдек уларнинг мансабдор шахслари томонидан жисмоний шахсларни ва юридик шахсларнинг вакилларини қабул қилиш ташкил этилади.

Жисмоний шахсларнинг ва юридик шахслар вакилларининг шахсий қабулини ўтказувчи давлат органларининг, ташкилотларнинг раҳбарлари ёки бошқа мансабдор шахслари ҳар қандай масалалар, шу жумладан ўз ваколатларига кирмайдиган масалалар бўйича мурожаат этилганда қабулни рад этишга ҳақли эмас, **8-модданинг учинчи қисмида** назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Жисмоний шахсларни ва юридик шахсларнинг вакилларини қабул қилиш, агар уларнинг шундай хусусиятга эга бўлган аввалги мурожаати бўйича қарор қабул қилинган ва бу ҳақда уларга Қонунда белгиланган тартибда хабар қилинган бўлса, рад этилиши мумкин.

Жисмоний шахсларни ва юридик шахсларнинг вакилларини қабул қилиш тартиби. Жисмоний шахсларни ва юридик шахсларнинг вакилларини қабул қилиш давлат органининг, ташкилотнинг **раҳбари ёки бошқа мансабдор шахси томонидан** амалга оширилади. Бунинг учун давлат органларида, ташкилотларда махсус таркибий бўлинмалар ташкил этилиши мумкин, қабул учун масъул бўлган мансабдор шахслар белгиланади.

Давлат органларининг раҳбарлари ёки бу борада ваколат берилган бошқа мансабдор шахслари томонидан жисмоний шахсларнинг ва юридик шахслар вакилларининг **сайёр шахсий қабуллари**, шунингдек **оммавий қабуллар** ташкил этилиши мумкин.

Жисмоний шахсларни ва юридик шахсларнинг вакилларини қабул қилиш белгиланган кун ва соатларда, қабул қилиш жадвалига мувофиқ ўтказилади.

Қабул қилиш жадвали ва уни ўтказиш вақти, жойи ҳамда қабулга олдиндан ёзилиш тўғрисидаги ахборот, қабул қилиш тартиби уларни давлат органларининг расмий веб-сайтларида эълон қилиш, шунингдек уларнинг маъмурий биносида ҳамма кириши мумкин бўлган жойлардаги стендларга ёки бошқа техник воситаларга жойлаштириш орқали манфаатдор шахслар эътиборига етказилади.

Жисмоний шахсларнинг ва юридик шахслар вакилларининг сайёр шахсий қабуллари, шунингдек оммавий қабуллар, зарур бўлган ҳолларда, қабул қилиш жадвалларидан ташқари ўтказилиши мумкин. **Оммавий қабул ҳовлиларга (квартираларга), бошқа биноларга ва жойларга бирма-бир кириб чиқиш орқали ҳам ўтказилиши мумкин.**

Агар қабул давомида баён этилган масалаларни ҳал этиш давлат органининг, ташкилотнинг ёки улар мансабдор шахсининг ваколатларига кирмаса, тегишли мансабдор шахслар мурожаат этувчига мурожаатда баён этилган масалаларни ҳал этиш учун қайси органга ёки ташкилотга мурожаат қилиш лозимлигини тушунтириши керак. Шахсий қабул давомида давлат органи, ташкилот раҳбарининг қарорига кўра ва мурожаат этувчига бу ҳақда хабар берган ҳолда махсус техника воситалари (аудио- ва видеоёзув, шунингдек фотосуратга олиш) қўлланилиши мумкин.

Жисмоний шахс оғзаки мурожаат этаётганда ўз шахсини тасдиқловчи ҳужжатни, юридик шахснинг вакили эса ўз ваколатларини тасдиқлайдиган ва ўз шахсини тасдиқловчи ҳужжатни кўрсатиши керак, оммавий қабул вақтида келиб тушган мурожаатлар бундан мустасно.

Оғзаки мурожаатлар реал вақт режимида ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда, шу жумладан давлат органларининг, ташкилотларнинг ишонч, тезкор алоқа телефонлари орқали ва видеоконференцалоқа воситасида ҳам берилиши мумкин.

Видеоконференцалоқа воситасида қабул қилиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

2 – ўқув саволи: Халқ қабулхоналари ва виртуал қабулхоналар. Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаат этиш ҳуқуқларининг кафолатлари ҳамда мурожаатларни бериш ва уларни кўриб чиқиш тартиби.

Ўзбекистон Республикаси “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги қонунининг 2-Боби “Халқ қабулхоналари ва виртуал қабулхоналар” деб номланган бўлиб унинг 10-моддасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари ва Виртуал қабулхонаси эътироф этилган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари ва Виртуал қабулхонаси давлат органлари, ташкилотлар ва уларнинг мансабдор шахслари томонидан мурожаатларнинг самарали кўриб чиқилишини ташкил этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тузилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари юридик шахс мақомига эга бўлмайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари тизимини қуйидагилар ташкил этади:

1) Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхонаси;

2) Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги Халқ қабулхоналари;

3) Ўзбекистон Республикаси Президентининг туманлар ва шаҳарлардаги (туманга бўйсунувчи шаҳарлардан ташқари) Халқ қабулхоналари.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонаси келиб тушаётган мурожаатларни ахборот-коммуникация технологиялари ёрдамида қабул қилиш, тўплаш, таснифлаш ва тизимлаштириш, шунингдек уларнинг тўлиқ, ўз вақтида ҳамда сифатли кўриб чиқилиши устидан мониторинг ва назоратни амалга ошириш имконини берувчи **ахборот тизими** ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Халқ қабулхоналарининг ва Виртуал қабулхонасининг асосий вазифалари:

- аҳоли билан тўғридан-тўғри мулоқотни ташкил этиш, уларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини тўлақонли ҳимоя қилишга қаратилган, мурожаатлар билан ишлашнинг самарали тизими фаолиятини таъминлаш;

- мурожаат қилишга оид конституциявий ҳуқуқнинг сўзсиз амалга оширилиши учун шароитлар яратиш;

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналарига ва Виртуал қабулхонасига келиб тушган мурожаатларнинг тўлиқ, холисона ва ўз вақтида кўриб чиқилишини ташкил этиш;

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналарига ва Виртуал қабулхонасига келиб тушган ҳамда тегишлилиги бўйича давлат органларига, ташкилотларга юборилган мурожаатларнинг кўриб чиқилиши устидан тизимли мониторинг ва назоратни амалга ошириш;

- жисмоний шахсларнинг ва юридик шахслар вакилларининг қабулларини ўтказиш, шу жумладан видеоконференцалоқа воситасида ўтказиш;

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналарига ва Виртуал қабулхонасига келиб тушаётган мурожаатларни қайд этиш, умумлаштириш, тизимлаштириш, уларни кўриб чиқиш устидан мониторинг ва назорат қилиш бўйича электрон ахборот тизимини жорий этиш ҳамда юритиш орқали мурожаатлар билан ишлашда замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланиш.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Халқ қабулхоналарининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- давлат органлари, ташкилотлар билан ҳамкорликни амалга ошириш, улардан ўз ваколатига кирувчи масалалар юзасидан ҳужжатларни ва ахборотни сўраш ҳамда олиш;

- зарур ҳолларда, мурожаатларни кўриб чиқиш натижалари юзасидан қабул қилинган қарорларнинг ижросини жойларга чиқиб ўрганиш;

- мурожаатларни кўриб чиқиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида давлат органларига,ташкилотларга таклифлар киритиш;

- мурожаатларни кўриб чиқиш тартиби ва муддатларини бузган, шунингдек мурожаатларни кўриб чиқиш натижалари юзасидан қабул қилинган қарорларнинг ижросини таъминламаган шахсларни жавобгарликка тортиш бўйича таклифлар киритиш.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари:

- мазкур Қонун талабларига риоя этиши;

- мурожаатлар билан ишлашда мавжуд ахборот тизимидан фойдаланиши;

- ахборот хавфсизлиги талабларига риоя этиши;

- ўз дастурий-аппарат воситаларининг узлуксиз ишлашини таъминлаши;

- навбатда туришнинг электрон бошқаруви тизими самарали ишлашини ва маъмурий жиҳатдан бошқарилишини, мурожаат этувчиларнинг сони уларнинг тоифалари ва тегишли соҳалар бўйича муайян давр учун (кун, ҳафта, ой) лозим даражада ҳисобга олинишини таъминлаши шарт.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари зиммасида қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонаси томонидан мурожаатларга доир масалалар бўйича реал вақт режимида маслаҳатлар бериш. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонаси негизида турли тармоқлар ва фаолият соҳаларидан малакали мутахассисларни маслаҳатчилар сифатида жалб этган ҳолда,мурожаатларга доир масалалар бўйича жисмоний ва юридик шахсларга реал вақт режимида маслаҳат бериш амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонаси негизида реал вақт режимида маслаҳат бериш, бир томондан, маслаҳатчилар ўртасида, шунингдек бошқа томондан, ўзини қизиқтирадиган масала юзасидан тезкор тартибда ахборот олиш истагида бўлган жисмоний ва юридик шахслар ўртасида ахборот айирбошлаш йўли билан таъминланади.

Давлат органларининг, ташкилотларнинг ва улар мансабдор шахсларининг виртуал қабулхоналарини ташкил этиш. Аҳоли билан тўғридан-тўғри мулоқотни ташкил этиш, мурожаатларнинг кўриб чиқилиши устидан тизимли мониторинг ва назоратни амалга ошириш, шунингдек мурожаатлар билан ишлашда замонавий ахборот-

коммуникация технологияларидан фойдаланиш мақсадида давлат органлари, ташкилотлар ва улар мансабдор шахслари ўз виртуал қабулхоналарини ташкил этиши мумкин.

Виртуал қабулхоналар қайси давлат органи, ташкилот ёки уларнинг қайси мансабдор шахслари томонидан тузилган бўлса, ўша давлат органи, ташкилот ёки уларнинг мансабдор шахслари номидан фаолият кўрсатади.

Ўзбекистон Республикаси “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги қонунининг **3-Боби “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаат этиш ҳуқуқлари кафолатлари”** деб номланган бўлиб **15-моддада Мурожаат этиш ҳуқуқини амалга ошириш кафолатлари** белгиланган.

Жисмоний ва юридик шахсларга давлат органларига, ташкилотларга ва уларнинг мансабдор шахсларига якка тартибда ёки жамоа бўлиб мурожаат этиш ҳуқуқи кафолатланади.

Мурожаат этиш ҳуқуқи ихтиёрий амалга оширилади. Ҳеч ким бирон-бир мурожаатни ҳимоя қилишга ёхуд унга қарши қаратилган ҳаракатларда иштирок этишга мажбур қилиниши мумкин эмас.

Мурожаат этиш ҳуқуқининг амалга оширилиши бошқа жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқларини, эркинликларини ҳамда қонуний манфаатларини, шунингдек жамият ва давлат манфаатларини бузмаслиги керак.

Хорижий давлатларнинг жисмоний ва юридик шахслари, фуқаролиги бўлмаган шахслар Ўзбекистон Республикаси давлат органларига, ташкилотларига ва уларнинг мансабдор шахсларига Қонунга мувофиқ мурожаат этиш ҳуқуқига эга *(ЎзР Конституциясининг 35-моддаси)*.

Мурожаат этиш ҳуқуқидан фойдаланилаётганда камситишга йўл қўйилмаслиги*(16-м)*. Мурожаат этиш ҳуқуқидан фойдаланилаётганда жисмоний шахснинг жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеига, шунингдек юридик шахсларнинг мулк шакли, жойлашган ери (почта манзили), ташкилий-ҳуқуқий шаклларига ва бошқа ҳолатларига қараб камситишга йўл қўйилмайди *(ЎзР Конституциясининг 18-моддаси)*.

Мурожаат этилганда ҳуқуқлар, эркинликлар ва қонуний манфаатларга риоя этилишининг кафолатлари*(17-м)*. Давлат органлари, ташкилотлар ва уларнинг мансабдор шахслари мурожаатларни кўриб чиқишда Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ҳамда қонунлари талабларига риоя этиши, уларнинг тўлиқ, холисона ва ўз вақтида кўриб чиқилиши учун чоралар кўриши, жисмоний ва юридик шахсларнинг бузилган ҳуқуқлари, эркинликлари тикланишини ҳамда қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш бўйича ўз ваколатлари доирасида чоралар кўриши шарт.

Мурожаатларни қабул қилиш ва кўриб чиқиш кафолатлари *(18-м)*. Мурожаатлар давлат органлари, ташкилотлар ва уларнинг мансабдор шахслари томонидан **қабул қилиниши ва кўриб чиқилиши шарт**, Қонуннинг 29 ва 30-моддаларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно (29-м. аноним мурожаатлар; жисмоний ва юридик шахсларнинг вакиллари орқали берилган мурожаатлар, уларнинг ваколатини тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлмаган тақдирда; қонунда белгиланган бошқа талабларга мувофиқ бўлмаган мурожаатлар.), (30-м. Мурожаатларни кўриб чиқиш қуйидаги ҳолларда **тугатилади:**

агар такрорий мурожаатларда янги важлар ёки янгидан очилган ҳолатлар келтирилмаган бўлса, илгариги мурожаат материалларида эса текширувларнинг тўла-тўкис материаллари мавжуд бўлса ва мурожаат қилувчига белгиланган тартибда жавоблар берилган бўлса;

агар мурожаат қилувчи ўз мурожаатини белгиланган тартибда чақириб олган бўлса ёки уни кўриб чиқишни тугатиш тўғрисида илтимос қилган бўлса;

яшаш жойи, турган жойи (почта манзили), электрон почта манзили ёки бошқа реквизитлари ўзгарганлиги тўғрисида ўз вақтида хабардор қилмаганлиги туфайли чақиришнинг имкони йўқлиги сабабли мурожаатни мурожаат қилувчининг иштирокисиз кўриб чиқиш имконияти бўлмаганда;

мурожаатни мурожаат қилувчининг иштирокисиз кўриб чиқиш имконияти мавжуд эмаслиги сабабли, давлат органи, ташкилот ёки уларнинг мансабдор шахси томонидан чақирилган мурожаат қилувчи келмай қолган тақдирда;

агар мурожаат қилувчи жисмоний шахс вафот этганидан сўнг мурожаатни кўриб чиқиш ҳуқуқий ворисликка йўл қўймаса.

Мурожаатни кўриб чиқишни тугатиш тўғрисидаги қарорни давлат органининг, ташкилотнинг раҳбари ёки уларнинг ваколат берилган мансабдор шахси қабул қилади.

Такрорий мурожаатни кўриб чиқиш ушбу модда биринчи қисмининг иккинчи хатбошисига мувофиқ тугатилганда, мурожаат қилувчи такрорий мурожаатнинг асоссизлиги ва ушбу масала юзасидан у билан ёзишмалар тугатилиши тўғрисида ёзма равишда хабардор қилинади. Ёзишмалар олиб бориш тугатилган мурожаат қилувчидан такрорий мурожаат келиб тушган тақдирда, бундай мурожаатни кўриб чиқиш мурожаат қилувчини бу ҳақда хабардор қилмасдан тугатилади.

Мурожаатни кўриб чиқиш уни чақириб олиш тўғрисидаги ариза бўйича тугатилганда мурожаат мурожаат қилувчига давлат органининг, ташкилотнинг ёки улар мансабдор шахсининг хати билан бирга уч кун ичида қайтарилади. Мурожаатни чақириб олиш тўғрисидаги ариза қонун бузилишларини аниқлаш ва бартараф этиш юзасидан чора-тадбирлар кўрилишини истисно этмайди.

Мурожаат қилувчи чақирилган жисмоний шахснинг ёки юридик шахс вакилининг келмай қолганлиги сабабли мурожаатни кўриб чиқишни тугатиш тўғрисида тегишли тартибда хабардор қилинади.).

Мурожаатлар муносабати билан аён бўлиб қолган маълумотларнинг ошкор этилмаслиги кафолатлари (19-м). Мурожаатларни кўриб чиқишда жисмоний шахсларнинг шахсий ҳаёти, юридик шахсларнинг фаолияти тўғрисидаги маълумотлар уларнинг розилигисиз, шунингдек давлат сирини ёхуд қонун билан қўриқланадиган бошқа сирни ташкил этувчи маълумотларнинг ва, агар бу жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини камситадиган бўлса, бошқа ахборотнинг давлат органлари, ташкилотлар ходимлари ва улар мансабдор шахслари томонидан ошкор этилишига йўл қўйилмайди.

Жисмоний ва юридик шахс тўғрисидаги, мурожаатга тааллуқли бўлмаган маълумотларни аниқлашга йўл қўйилмайди.

Жисмоний шахснинг илтимосига кўра унинг шахсига доир бирон-бир маълумот ошкор этилмаслиги керак.

Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари муносабати билан улар хавфсизлигининг кафолатлари (20-м). Жисмоний шахсни, унинг вакилини, уларнинг оила аъзоларини, юридик шахсни, унинг вакилини ва юридик шахс вакилининг оила аъзоларини улар ўз ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини рўёбга чиқариш ёки ҳимоя қилиш мақсадида давлат органларига, ташкилотларга ва уларнинг мансабдор шахсларига мурожаат этганлиги, шунингдек мурожаатларда ўз фикрини билдирганлиги ва танқид қилганлиги муносабати билан **таъқиб этиш ман этилади.**

Мурожаатларни бериш ва уларни кўриб чиқиш тартиби қонуннинг 4-бобида назарда тутилган бўлиб 20 – 31-моддаларни ўз ичига олган.

Мурожаатларни бериш тартиби(20-м). Мурожаатлар уларда қўйилган масалаларни ҳал этиш ўз ваколати доирасига кирадиган давлат органига, ташкилотга ёки уларнинг мансабдор шахсига бевосита ёхуд бўйсунув тартибида юқори турувчи органга берилади.

Жисмоний ва юридик шахслар мурожаатни мустақил равишда беришга, шунингдек бу борадаги ваколатни ўз вакилига беришга ёхуд мурожаатни почта алоқаси воситалари

орқали ёки электрон шаклда юборишга ҳақли. Вояга етмаганлар, муомалага лаёқатсиз ва муомала лаёқати чекланган шахсларнинг манфаатларини кўзлаб мурожаатлар уларнинг қонуний вакиллари томонидан қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда берилиши мумкин.

Мурожаатга у бўйича илгари қабул қилинган мавжуд қарорлар ёки уларнинг кўчирма нусхалари, шунингдек уни кўриб чиқиш учун зарур бўлган бошқа ҳужжатлар илова қилиниши мумкин, мазкур ҳужжатлар қайтарилмайди, мурожаат этувчи уларни қайтариш ҳақида ёзма ариза берган ҳоллар бундан мустасно. Кўрсатиб ўтилган ҳужжатлар мурожаат тааллуқлилиги бўйича бошқа давлат органига, ташкилотга ёки уларнинг мансабдор шахсига юборилганда мурожаатга илова қилиниши керак.

Мурожаат почта алоқа воситаси орқали конвертда келиб тушганда конвертда мурожаат ва унга иловалар мавжудлиги текширилади. Конвертда мурожаат мавжуд бўлмаса ёки у шикастланган бўлса, шунингдек мурожаатда кўрсатилган иловалар мавжуд бўлмаса, далолатнома тузилиб, унинг бир нусхаси мурожаат этувчига конвертда кўрсатилган манзил бўйича юборилади.

Мурожаатларни бериш муддатлари (22-м). Мурожаатларни бериш муддатлари, қоида тариқасида, белгиланмайди. Айрим ҳолларда, агар давлат органининг, ташкилотнинг ёки улар мансабдор шахсларининг мурожаатни кўриб чиқиш бўйича имкониятларига, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ўз вақтида амалга ошириш ва ҳимоя қилишни таъминлаш заруратига боғлиқ бўлса, шунингдек қонунларда назарда тутилган бошқа асосларга кўра **мурожаатни бериш муддати белгиланиши мумкин.**

Бўйсунув тартибида юқори турувчи органга ариза ёки шикоят жисмоний ёки юридик шахсга унинг ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини бузувчи ҳаракат (ҳаракатсизлик) содир этилганлиги ёхуд қарор қабул қилинганлиги маълум бўлган пайтдан эътиборан узоғи билан бир йилдан кечиктирмай берилади.

Ариза ёки шикоят беришнинг узрли сабабга кўра ўтказиб юборилган муддати аризани ёки шикоятни кўриб чиқувчи давлат органи, ташкилот ёки уларнинг ваколат берилган мансабдор шахси томонидан тикланади.

Мурожаатлар бўйича иш юритиш (23-м). Давлат органи, ташкилот ёки уларнинг мансабдор шахсига **келиб тушган мурожаат ўша куннинг ўзида, иш вақти тугаганидан кейин келиб тушган тақдирда эса, кейинги иш куни рўйхатдан ўтказилиши керак.**

Мурожаатни рўйхатдан ўтказишни рад этишга йўл қўйилмайди.

Давлат органларида, ташкилотларда мурожаатларни рўйхатдан ўтказиш дафтари юритилиб, унда мурожаатнинг тартиб рақами ва келиб тушган санаси, мурожаат этувчи жисмоний шахснинг фамилияси (исми, отасининг исми), юридик шахснинг номи, мурожаатнинг қисқача мазмуни, ижроси тўғрисидаги белги, шунингдек бошқа маълумотлар кўрсатилади.

Давлат органлари, ташкилотлар мурожаатлар билан ишлашда электрон ҳужжат айланиши тизимини жорий этиши мумкин.

Давлат органининг раҳбарига ёки ваколат берилган мансабдор шахсига оммавий қабуллар вақтида тушган ва жойида ҳал этилган оғзаки мурожаатларни рўйхатдан ўтказиш талаб қилинмайди. Бунда жисмоний шахснинг ёки юридик шахс вакилининг фамилияси (исми, отасининг исми), унинг яшаш жойи тўғрисидаги маълумотлар, мурожаатнинг қисқача мазмуни, шунингдек уни кўриб чиқиш натижаси оммавий қабул баённомасида кўрсатилади.

Мурожаатни рўйхатдан ўтказиш ва кўриб чиқиш бўйича иш юритиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Мурожаатларни кўриб чиқиш тартиби (24-м). Давлат органига, ташкилотга ёки уларнинг мансабдор шахсларига келиб тушган мурожаатлар шу орган, ташкилот томонидан ёки мурожаатларни кўриб чиқиш бўйича зиммасига мажбуриятлар юклатилган мансабдор шахслар томонидан кўриб чиқилади.

Давлат органига, ташкилотга келиб тушган мурожаатлар бўйсунув тартибида қуйи турувчи бўлинмаларга ҳам юборилиши мумкин.

Агар мурожаатда давлат органлари, ташкилотларнинг бир нечта таркибий бўлинмаларига тааллуқли масалалар мавжуд бўлса, уларнинг барчаси мурожаатни кўриб чиқиш бўйича ижрочилар этиб белгиланади. Ижрочилар ўртасида биринчи кўрсатилган таркибий бўлинма мурожаатнинг кўриб чиқилишини бошқа таркибий бўлинмалар билан биргаликда таъминлайди.

Мурожаатни тўлиқ, холисона ва ўз вақтида кўриб чиқиш учун қўшимча маълумотлар, маълумотномалар ва материалларга зарурат пайдо бўлган тақдирда, мазкур мурожаатни кўриб чиқаётган давлат органи, ташкилот ёки уларнинг мансабдор шахслари мурожаат этувчидан, шунингдек ўз ваколатлари доирасида бошқа давлат органларидан, бошқа ташкилотлардан ва мансабдор шахслардан қўшимча ахборотни сўраб олиши мумкин. Агар ахборот давлат сирини ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сирни ташкил этувчи маълумотларни ўз ичига олган бўлмаса, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларига, жамият ва давлат манфаатларига зарар етказмаса, давлат органлари, ташкилотлар ва мансабдор шахслар ўзларидан сўралаётган ахборотни ўн кун ичида тақдим этиши шарт.

Мурожаатларни кўриб чиқаётган давлат органи, ташкилот ёки уларнинг мансабдор шахслари зарур ҳолларда, мурожаатнинг жойнинг ўзига бориб кўриб чиқилишини таъминлаши мумкин.

Агар мурожаатда қўйилган масалалар хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятига дахлдор бўлса, уларнинг вакиллари мурожаатларни кўриб чиқишда иштирок этиш учун давлат органлари томонидан ўз ваколатлари доирасида жалб этилади.

Агар мурожаатни кўриб чиқишда хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолиятини текшириш, шу жумладан молиявий-хўжалик фаолиятини текшириш (тафтиш қилиш) зарурати юзага келса, текшириш қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

Вояга етмаган шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқишнинг ўзига хос хусусиятлари(24[1]-м.). Вояга етмаган шахслар ўз ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига риоя этилиши масалалари юзасидан давлат органларига, ташкилотларга ёки уларнинг мансабдор шахсларига ушбу Қонунда белгиланган тартибда мустақил равишда мурожаат беришга ҳақли. Давлат органлари, ташкилотлар ёки уларнинг мансабдор шахслари томонидан вояга етмаган шахснинг мурожаатларини кўриб чиқиш унинг қонуний вакиллари, шунингдек васийлик ва ҳомийлик органлари иштирокида амалга оширилиши мумкин. Вояга етмаган шахслар тўлиқ муомала лаёқатига эга бўлмаганлиги сабабли уларнинг мурожаатларини кўриб чиқмасдан қолдиришга йўл қўйилмайди.

Мурожаатда қўйилган масалаларни ҳал этиш ўз ваколатига кирмайдиган давлат органлари, ташкилотлар, шунингдек уларнинг мансабдор шахслари мурожаатни тегишли давлат органига, бошқа ташкилотга ёки мансабдор шахсга ёхуд васийлик ва ҳомийлик органига юбориши шарт.

Айрим мурожаатларни кўриб чиқиш тартиби. Такрорий мурожаатлар умумий асосларда кўриб чиқилади, Қонуннинг 30-моддасида кўрсатилган ҳоллар бундан мустасно.

Қўйилган масалаларни ҳал этиш ўзининг ваколати доирасига кирмайдиган давлат органига, ташкилотга ёки уларнинг мансабдор шахсларига келиб тушган мурожаатлар **беш кунлик** муддатдан кечиктирмай тегишли органларга, бошқа ташкилотларга ва мансабдор шахсларга юборилиб, бу ҳақда мурожаат этувчига ёзма ёхуд электрон шаклда хабар қилинади. Бунда келиб тушган электрон мурожаат электрон шаклда юборилиши мумкин.

Мурожаатларни кўриб чиқиш учун асоссиз равишда бошқа давлат органларига, ташкилотларга ўтказиш ёхуд қарорлари ёки ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан шикоят қилинаётган органларга, ташкилотларга ёки мансабдор шахсларга юбориш тақиқланади.

Агар **мурожаатларда** уларни тегишли давлат органларига, ташкилотларга ёки мансабдор шахсларга юбориш учун **зарур маълумотлар мавжуд бўлмаса**, бу мурожаатлар

мурожаат этувчига **беш кунлик** муддатдан кечиктирмай асослантирилган тушунтириш билан қайтарилади.

Агар мурожаатни кўриб чиқиш давомида мурожаатнинг дубликати келиб тушса, мазкур мурожаат аввал келиб тушган мурожаат билан биргаликда кўриб чиқилади.

Агар мурожаатнинг дубликати мурожаат кўриб чиқилганидан ва жавоб юборилганидан кейин келиб тушса, бу ҳақда давлат органи, ташкилот ёки уларнинг мансабдор шахслари мурожаат этувчини тегишли тартибда хабардор қилади.

Мурожаатларнинг турларига киритилмаган хатларни (ташаккурномалар, табрикномалар, таклифномалар, фикр-мулоҳазаларни) кўриб чиқиш давлат органлари, ташкилотлар ва уларнинг мансабдор шахслари томонидан уларнинг ўз ихтиёрига кўра амалга оширилади.

Мурожаат этувчини эшитиш (26-м). Мурожаатни кўриб чиқаётган давлат органи, бошқа ташкилот ёки уларнинг мансабдор шахслари ўз ташаббусига кўра ёхуд мурожаат этувчининг илтимосига кўра уни эшитишни ташкил этиши мумкин.

Давлат органи, ташкилот ёки уларнинг мансабдор шахслари мурожаат этувчига мурожаатда кўтарилган масалалар бўйича ўз фикрини билдириш ва мурожаат бўйича қўшимча ахборот тақдим этиш имкониятини беради. Давлат органи, ташкилот ёки уларнинг мансабдор шахслари мурожаат этувчини эшитишга экспертларни, мутахассисларни ва манфаатдор ташкилотларнинг вакилларини жалб этиши мумкин.

Мурожаатларга жавоблар (27-м). Мурожаатларни кўриб чиқиш натижаларига кўра давлат органи, ташкилот ёки уларнинг мансабдор шахслари томонидан қарор қабул қилинади, бу ҳақда мурожаат қилувчига дарҳол ёзма ёки электрон шаклда хабар қилинади.

Мурожаатга жавобни давлат органининг, ташкилотнинг **раҳбари** ёки уларнинг **мансабдор шахси имзолайди**.

Жамоавий мурожаатларга жавоб, агар мурожаатда жавобни бошқа шахсга юбориш талаб этилмаган бўлса, мурожаат қилувчиларнинг рўйхатида биринчи кўрсатилган шахсга юборилади.

Мурожаат, агар унда қўйилган барча масалалар Қонун талабларига мувофиқ кўриб чиқилган ва мурожаат қилувчига тегишли жавоб юборилган тақдирда, кўриб чиқилган ҳисобланади.

Мурожаатларга жавоблар мумкин қадар мурожаат этилган тилда баён қилинади, жавоблар мурожаатда кўрсатилган ҳар бир масала бўйича важларни инкор этувчи ёки тасдиқловчи аниқ асосларни (заруратга қараб қонун ҳужжатлари нормаларига ҳаволалар қилинган ҳолда) ўз ичига олган бўлиши керак.

Оммавий қабуллар вақтида давлат органининг раҳбарига ёки ваколат берилган бошқа мансабдор шахсига келиб тушган ва жойида ҳал этилган оғзаки мурожаатларга ёзма жавоб ёки электрон шаклдаги жавоб талаб этилмайди.

Мурожаатларни кўриб чиқиш муддатлари (28-м). Ариза ёки шикоят масалани мазмунан ҳал этиши шарт бўлган давлат органига, ташкилотга ёки уларнинг мансабдор шахсига **келиб тушган кундан эътиборан ўн беш кун** ичида, қўшимча ўрганиш ва (ёки) текшириш, қўшимча ҳужжатларни сўраб олиш талаб этилганда эса, бир ойгача бўлган муддатда кўриб чиқилади.

Ариза ва шикоятларни кўриб чиқиш учун текшириш ўтказиш, қўшимча материалларни сўраб олиш ёхуд бошқа чора-тадбирлар кўриш зарур бўлган ҳолларда, уларни кўриб чиқиш муддатлари тегишли давлат органининг, ташкилотнинг раҳбари томонидан истисно тариқасида **узоғи билан бир ойга** узайтирилиши мумкин, бу ҳақда мурожаат этувчига хабар қилинади.

Таклиф давлат органига, ташкилотга ёки уларнинг мансабдор шахсига келиб тушган кундан эътиборан **бир ойгача бўлган муддатда** кўриб чиқилади, қўшимча ўрганишни талаб этадиган таклифлар бундан мустасно бўлиб, бу ҳақда таклифни киритган жисмоний ёки юридик шахсга **ўн кунлик** муддатда ёзма шаклда хабар қилинади.

Мурожаатларни кўрмай қолдириш (29-м). Қуйидаги мурожаатлар кўриб чиқилмайди:

1) аноним мурожаатлар;

2) жисмоний ва юридик шахсларнинг вакиллари орқали берилган мурожаатлар, уларнинг ваколатини тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлмаган тақдирда;

3) мазкур Қонунда белгиланган бошқа талабларга мувофиқ бўлмаган мурожаатлар.

Мурожаатлар кўрмай қолдирилганда тегишли хулоса тузилади, у давлат органининг, ташкилотнинг раҳбари ёки уларнинг ваколат берилган мансабдор шахси томонидан тасдиқланади.

Жисмоний ва юридик шахс вакилининг ваколатини тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд эмаслиги сабабли мурожаатлар кўрмай қолдирилганлиги тўғрисида мурожаат қилувчи тегишли тартибда хабардор қилинади.

Мурожаатларни кўриб чиқишни тугатиш (30-м). Мурожаатларни кўриб чиқиш қуйидаги ҳолларда тугатилади:

а) агар такрорий мурожаатларда янги важлар ёки янгидан очилган ҳолатлар келтирилмаган бўлса, илгариги мурожаат материалларида эса текширувларнинг тўла-тўкис материаллари мавжуд бўлса ва мурожаат қилувчига белгиланган тартибда жавоблар берилган бўлса;

б) агар мурожаат қилувчи ўз мурожаатини белгиланган тартибда чақириб олган бўлса ёки уни кўриб чиқишни тугатиш тўғрисида илтимос қилган бўлса;

в) яшаш жойи, турган жойи (почта манзили), электрон почта манзили ёки бошқа реквизитлари ўзгарганлиги тўғрисида ўз вақтида хабардор қилмаганлиги туфайли чақиришнинг имкони йўқлиги сабабли мурожаатни мурожаат қилувчининг иштирокисиз кўриб чиқиш имконияти бўлмаганда;

г) мурожаатни мурожаат қилувчининг иштирокисиз кўриб чиқиш имконияти мавжуд эмаслиги сабабли, давлат органи, ташкилот ёки уларнинг мансабдор шахси томонидан чақирилган мурожаат қилувчи келмай қолган тақдирда;

д) агар мурожаат қилувчи жисмоний шахс вафот этганидан сўнг мурожаатни кўриб чиқиш ҳуқуқий ворисликка йўл қўймаса.

Мурожаатни кўриб чиқишни тугатиш тўғрисидаги қарорни давлат органининг, ташкилотнинг раҳбари ёки уларнинг ваколат берилган мансабдор шахси қабул қилади.

Такрорий мурожаатни кўриб чиқиш 30-модда биринчи қисмининг иккинчи хатбошисига мувофиқ тугатилганда, мурожаат қилувчи такрорий мурожаатнинг асоссизлиги ва ушбу масала юзасидан у билан ёзишмалар тугатилиши тўғрисида ёзма равишда хабардор қилинади. Ёзишмалар олиб бориш тугатилган мурожаат қилувчидан такрорий мурожаат келиб тушган тақдирда, бундай мурожаатни кўриб чиқиш мурожаат қилувчини бу ҳақда хабардор қилмасдан тугатилади.

Мурожаатни кўриб чиқиш уни чақириб олиш тўғрисидаги ариза бўйича тугатилганда мурожаат мурожаат қилувчига давлат органининг, ташкилотнинг ёки улар мансабдор шахсининг хати билан бирга уч кун ичида қайтарилади. Мурожаатни чақириб олиш тўғрисидаги ариза қонун бузилишларини аниқлаш ва бартараф этиш юзасидан чора-тадбирлар кўрилишини истисно этмайди. Мурожаат қилувчи чақирилган жисмоний шахснинг ёки юридик шахс вакилининг келмай қолганлиги сабабли мурожаатни кўриб чиқишни тугатиш тўғрисида тегишли тартибда хабардор қилинади.

Мурожаатга жавобни тушунтириш ва уни тузатиш (31-м). Мурожаатчининг илтимосига кўра мурожаатни кўриб чиққан давлат органи, ташкилот ва уларнинг мансабдор шахслари мурожаатга жавобни унинг мазмунини ўзгартирмасдан тушунтириши, шунингдек йўл қўйилган хатолар ва арифметик хатоларни ўз ташаббусига кўра ёки мурожаат қилувчининг илтимосига кўра, мурожаатга жавобнинг мазмунига дахл қилмаган ҳолда тузатиши шарт. Мурожаат қилувчининг мурожаатга жавобни тушунтириш ва уни тузатиш тўғрисидаги илтимоси у келиб тушган кундан эътиборан ўн кун ичида кўриб чиқилади.

3 - ўқув саволи: Мурожаатларни кўриб чиқишда жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ҳамда давлат органларининг, ташкилотларнинг ва улар мансабдор шахсларининг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари.

Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 1 сентябрдаги “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги ЎРҚ-445-сон Қонунининг 5-боби “Мурожаатларни кўриб чиқишда жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ҳамда давлат органларининг, ташкилотларнинг ва улар мансабдор шахсларининг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари” деб номланган бўлиб унинг 32-моддасида **Мурожаатларни кўриб чиқишда жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари белгиланган.**

Мурожаатлар давлат органлари, ташкилотлар ва уларнинг мансабдор шахслари томонидан кўриб чиқилаётганда жисмоний ва юридик шахслар қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- мурожаатни кўриб чиқишнинг бориши тўғрисида ахборот олиш;
- важларни шахсан баён этиш ва тушунтиришлар бериш;
- мурожаатни текшириш материаллари ва уни кўриб чиқиш натижалари билан танишиш;
- қўшимча материаллар тақдим этиш ёки бундай материалларни бошқа органлардан талаб қилиб олиш тўғрисида илтимос қилиш;
- адвокат ёрдамидан фойдаланиш;
- мурожаатни кўриб чиқишни тугатиш тўғрисида ёхуд мурожаатга жавобни тушунтириш ва (ёки) уни тузатиш тўғрисида илтимос қилиш;
- ўз мурожаатини у кўриб чиқилгунига қадар ва кўриб чиқилаётган пайтда мурожаат бўйича қарор қабул қилингунига қадар ёзма ёки электрон шаклда ариза бериш йўли билан чақириб олиш;
- мурожаатни қабул қилишни ёки кўриб чиқишни қонунга хилоф равишда рад этганлик устидан бўйсунув тартибида юқори турувчи органга ёки бевосита судга шикоят қилиш.

Жисмоний ва юридик шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

Мурожаатларни кўриб чиқишда давлат органининг, ташкилотнинг ва улар мансабдор шахсларининг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари (33-м).

Мурожаатларни кўриб чиқишда давлат органи, ташкилот ва уларнинг мансабдор шахслари қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- мурожаатни кўриб чиқиш учун зарур бўлган ахборотни белгиланган тартибда сўраш ва олиш;
- мурожаат қилувчи ёки бошқа шахс йўқлигида мурожаатни кўриб чиқиш мумкин бўлмаганда ёхуд мурожаатни эшитиш учун уни чақириш;
- била туриб ёлғон маълумотлар кўрсатилган мурожаатни текшириш сабабли етказилган харажатларнинг ўрнини қоплаш тўғрисида судга мурожаат қилиш.

Давлат органи, ташкилот ва уларнинг мансабдор шахслари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

Давлат органи, ташкилот ва уларнинг мансабдор шахслари мажбуриятлари:

- мурожаатлар тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига риоя этиши;

- мурожаат қилувчига унинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига дахлдор ҳужжатлар, қарорлар ва бошқа материаллар билан танишиб чиқиш имкониятини, агар улар давлат сири ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сир бўлган маълумотларни ўз ичига олмаса, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига, жамият ва давлат манфаатларига зарар етказмаса, таъминлаши;

- мурожаат этувчига кўриб чиқиш натижалари ҳамда қабул қилинган қарор ҳақида мурожаат кўриб чиқилганидан сўнг ёзма ёхуд электрон шаклда дарҳол хабар қилиши, оммавий қабуллар вақтида тушган ва жойида ҳал қилинган оғзаки мурожаатлар бундан мустасно;

- мурожаат юзасидан қабул қилинган қарор устидан, агар жисмоний ёки юридик шахс ушбу қарорга рози бўлмаса, шикоят бериш тартибини тушунтириши;

- мурожаатни кўриб чиқиш натижаларига кўра қабул қилинган қарорнинг ижросини назорат қилиши;

- қонунга хилоф ҳаракатларни (ҳаракатсизликни) бартараф этиш юзасидан дарҳол чора-тадбирлар кўриши, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилишини келтириб чиқарувчи сабаблар ва шароитларни ўз ваколатлари доирасида аниқлаши;

- жисмоний шахс, унинг вакили, уларнинг оила аъзолари, юридик шахс, унинг вакили ва юридик шахс вакилининг оила аъзолари уларнинг мурожаатлари сабабли таъқиб этилишини белгиланган тартибда бартараф этиши;

- агар жисмоний ёки юридик шахсга унинг ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатлари бузилиши натижасида моддий зарар ёки маънавий зиён етказилган бўлса, қонунда белгиланган тартибда моддий зарарнинг ўрнини қоплаш ёки маънавий зиённи компенсация қилиш чораларини кўриши шарт.

Давлат органлари мурожаатлар билан иш олиб борувчи ўз ходимларини ўқитади ва уч йилда камида бир марта уларнинг малакасини оширади. Давлат органларининг мурожаатлар билан иш олиб борувчи ходимларига нисбатан қўйиладиган талаблар, шунингдек уларни ўқитиш ва малакасини ошириш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Давлат органи, ташкилот ва улар мансабдор шахсларининг зиммасида қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

Мурожаатларнинг кўриб чиқилишини мониторинг ва назорат қилиш (34-м). Давлат органларининг, ташкилотларнинг раҳбарлари ёки ваколат берилган бошқа мансабдор шахслари ўз тузилмавий бўлинмалари томонидан мурожаатларнинг кўриб чиқилиши устидан доимий мониторинг ва назоратни амалга оширади, уларнинг тўлиқ, холисона ва ўз вақтида кўриб чиқилишини таъминлаш чораларини кўради.

Мурожаат у қайси раҳбар ёки ваколат берилган бошқа мансабдор шахс томонидан назоратга олинган бўлса, ўша шахс томонидан назоратдан ва ижродан олинади.

Оралиқ жавоблар берилган ва тўлиқ кўриб чиқилмаган мурожаатлар назоратдан олинмайди.

Мурожаатларни умумлаштириш ва таҳлил қилиш (35-м). Давлат органлари, ташкилотлар ва уларнинг мансабдор шахслари келиб тушган мурожаатларнинг статистик ҳисобини юритади. Статистик ҳисобга олишда келиб тушган, кўриб чиқилган, қаноатлантирилган, қаноатлантириш рад этилган, кўрмай қолдирилган мурожаатларнинг сони, шунингдек мурожаатлар билан ишлашга боғлиқ бўлган бошқа маълумотлар назарда тутилиши керак.

Давлат органлари, ташкилотлар ва уларнинг мансабдор шахслари ҳар чоракда мурожаатларни умумлаштиради ва таҳлил қилади.

Давлат органлари мурожаатларни умумлаштириш ва таҳлил қилиш натижаларига кўра маълумотномалар (шарҳлар) тузади, уларда мурожаатлар билан ишлашнинг умумий кўрсаткичлари, мурожаатларда тез-тез кўтарилган масалалар, мурожаатларни кўриб чиқиш якунлари бўйича аниқланган асосий камчиликлар ва қоида бузарликлар, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари, шунингдек жамият ва давлат манфаатлари бузилишини келтириб чиқарувчи сабабларни бартараф этиш мақсадида кўрилган чора-тадбирлар акс эттирилади. Мурожаатларни умумлаштириш ва таҳлил қилиш натижаларига кўра тузилган маълумотномалар (шарҳлар) тегишли давлат органларининг расмий веб-сайтларида эълон қилинади.

Низоларни ҳал этиш (36-м). Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари соҳасидаги низолар қонунчиликда белгиланган тартибда ҳал этилади.

Моддий зарарнинг ўрнини қоплаш ва маънавий зиённи компенсация қилиш (37-м). Жисмоний ёки юридик шахснинг аризаси, шикояти ана шу мурожаатлар бўйича қонунга хилоф қарорлар қабул қилган давлат органи, ташкилот ва уларнинг мансабдор шахслари томонидан қаноатлантирилган тақдирда, ариза ёки шикоят бериш ва уни кўриб чиқиш билан боғлиқ зарарнинг ўрни, аризани, шикоятни кўриб чиқиш учун тегишли давлат органининг, ташкилотнинг, шунингдек улар мансабдор шахсларининг талабига кўра жойларга бориш муносабати билан қилинган харажатларнинг ҳамда ана шу вақт ичида йўқотилган иш ҳақининг ўрни мурожаат этувчига суд тартибида қопланади. Суд тартибида маънавий зиён ҳам компенсация қилиниши мумкин.

Жисмоний ёки юридик шахснинг аризасини ёхуд шикоятини кўриб чиқишда қонун талаблари бузилганлиги муносабати билан унга етказилган моддий зарарнинг ўрнини қоплаш ва маънавий зиённи компенсация қилиш сифатида давлат органи, ташкилот томонидан тўланган маблағлар айбдор шахсдан регресс тартибида ундириб олиниши мумкин.

Мурожаатлар тўғрисидаги қонунчиликни бузганлик учун жавобгарлик. Мурожаатлар тўғрисидаги қонунчиликни бузганлик, худди шунингдек туҳмат ва ҳақоратдан иборат мурожаат берганлик белгиланган тартибда жавобгарликка сабаб бўлади *(Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 40, 41 ва 43-моддалари ҳамда такроран содир этилганда Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 139, 140 ва 144-моддалари бўйича тегишли жавобгарликка сабаб бўлади).*

Мустақил тайёргарлик учун топшириқ

1. Тингловчилар мустақил таълим машғулотида 2017 йил 11 сентябрда қабул қилинган “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида(янги таҳрирда)”ги ЎРҚ-445-сон қонунини тўлиқ ўрганадилар ва тегишли модда ҳамда бандларини конспектлаштириб оладилар.
2. Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонуннинг мақсади ва қўлланилиш соҳаси.
3. Мурожаатларнинг шакллари ва турлари.
4. Мурожаатларни бериш ва уларни кўриб чиқиш тартиби.
5. Мурожаатларни кўриб чиқишда жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари, давлат органларининг, ташкилотларнинг ва улар мансабдор шахсларининг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари.

4.3-Мавзу. Маъмурий ҳуқубузарлик тўғрисида иш юритишда қатнашувчи шахслар ҳамда жиноят процесси иштирокчиларининг процессуал ҳуқуқ ва мажбуриятлари.

Назарий машғулот (2 соат)

РЕЖА:

1. Маъмурий ҳуқубузарлик тўғрисидаги ишни юритишда қатнашувчи шахслар: маъмурий жавобгарликка тортилаётган шахс(ҳуқуқбузар), жабрланувчи, қонуний вакиллар, адвокат, гувоҳ, холислар, эксперт, мутахассис, таржимонларнинг маъмурий-процессуал ҳуқуқ ва мажбуриятлари.

2. Жиноят процесси иштирокчилари: жиноят ишини юритишда иштирок этувчи жамоат бирлашмалари, жамоалар ва уларнинг вакиллари, айбланувчи, гумон қилинувчи, ҳимоячи, фуқаровий даъвогар ва жавобгар, қонуний вакиллар, гувоҳ, эксперт, мутахассис, таржимон, холисларнинг процессуал ҳуқуқ ва мажбуриятлари.

1 - ўқув саволи: Маъмурий ҳуқубузарлик тўғрисидаги ишни юритишда қатнашувчи шахслар: маъмурий жавобгарликка тортилаётган шахс(ҳуқуқбузар), жабрланувчи, қонуний вакиллар, адвокат, гувоҳ, холислар, эксперт, мутахассис, таржимонларнинг маъмурий-процессуал ҳуқуқ ва мажбуриятлари.

Юртимизда сўнгги беш йиллик ислоҳотларнинг натижасида мамлакатимизда Янги Ўзбекистонни барпо этишнинг зарур сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий ва илмий-маърифий асослари яратилди.

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг **Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонунчиликнинг вазифалари** деб номланган 2-моддасига биноан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонунчилик – инсон ва жамият фаровонлиги йўлида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, мулкни, давлат ва жамоат тартибини, табиий муҳитни муҳофаза қилишни, ижтимоий адолат ва қонунийликни таъминлашни, маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларнинг ўз вақтида ва объектив кўриб чиқилишини, шунингдек бундай ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишни, фуқароларни Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига риоя этиш руҳида тарбиялашни ўз олдига вазифа қилиб қўяди.

Бу вазифаларни амалга ошириш учун Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс қандай ҳаракат ёки ҳаракатсизлик маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳисобланишини, маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этган шахсга нисбатан қайси орган (мансабдор шахс) томонидан қай тартибда қанақа маъмурий жазо қўлланилиши ва ижро этилишини белгилайди.

МЖтКнинг “**Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритиш вазифалари**”деб номланган 269-моддасига биноан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритиш вазифалари: ҳар бир ишнинг ҳолатини ўз вақтида, ҳар томонлама, тўла ва объектив равишда аниқлаб чиқишдан, бу ишни қонунчиликка мувофиқ ҳолда ҳал этишдан, чиқарилган қарорнинг ижросини таъминлашдан, шунингдек маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этиш сабаблари ва бунга олиб келган шарт-шароитларни аниқлашдан, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишдан, фуқароларни Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига риоя этиш руҳида тарбиялашдан, қонунийликни мустаҳкамлашдан иборатдир.

Бу борада **маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонунчилик** (МЖтКнинг 3-моддасида белгиланган) **қуйидаги принципларга**:

-қонунийлик;

-фуқароларнинг қонун олдида тенглиги;

-демократизм;

-инсонпарварлик;

-одиллик;

-айб учун жавобгарликнинг муқарраплиги принципларига шунингдек, **Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юритишнинг қуйидаги маъмурий-процессуал принципларига ҳам асосланади.**

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни фуқароларнинг тенглиги асосида кўриб чиқиш (272-м.) Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш барча фуқароларнинг жинси, ижтимоий келиб чиқиши, шахсий ва ижтимоий мавқеи, ирқи, миллати, тили, дини ва эътиқодидан қатъи назар, қонун олдида ва шу ишни кўриб чиқувчи орган (мансабдор шахс) олдида тенглиги асосида кўриб чиқилади.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юритиладиган тил (273-м.) Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш ўзбек тилида, қорақалпоқ тилида ёки муайян жойдаги кўпчилик аҳоли сўзлашадиган тилда юритилади. Иш юритилаётган тилни билмайдиган иш иштирокчиларига таржимон орқали иш материаллари билан тўлиқ танишиш ва ишни моҳияти бўйича кўриб чиқиш чоғида қатнашиш ҳуқуқи, шунингдек ўз она тилида сўзлаш ҳуқуқи таъминланади.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишнинг очиқ кўрилиши (274-м.) Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш очиқ кўрилади. Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишнинг тарбиявий ва огоҳлантирувчи ролини ошириш мақсадида бундай ишлар ҳуқуқбузарнинг иш, ўқиш жойидаги жамоаларида ёки яшаш жойида кўриб чиқилиши мумкин.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритиш чоғида қонунларнинг ижроси устидан прокурор назорати (275-м.) Прокурор маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритиш чоғида қонунларнинг ижроси устидан назоратни амалга оширар экан:

маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида иш қўзғатишга;

иш материаллари билан танишиб чиқишга;

иш юритиш вақтида органлар (мансабдор шахслар)нинг ҳаракатлари қонунийлигини текширишга;

ишни кўриб чиқишда қатнашишга;

ишни кўриб чиқиш вақтида вужудга келган масалалар хусусида илтимосини баён этишга, хулосалар беришга;

маъмурий ҳуқуқбузарликлар учун тегишли органлар (мансабдор шахслар) таъсир кўрсатиш чораларини тўғри қўлланганлигини текширишга;

маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан қабул қилинган қарорга ёки шикоят юзасидан чиқарилган қарорга протест келтиришга;

қонунда назарда тутилган бошқа ҳаракатлар қилишга ҳақлидир.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 269[1]-моддасига биноан Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар ишда иштирок этувчи шахслар томонидан тақдим этилган ҳужжатлар, ишни кўриб чиқиш жараёнида орган (мансабдор шахс) томонидан талаб қилиб олинган ҳужжатлар, шунингдек қоғозда расмийлаштирилган **ҳужжатлар асосида** шакллантирилади.

Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар электрон шаклда шакллантирилиши ҳам мумкин.

Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар электрон шаклда шакллантирилганда ишда иштирок этувчи шахслар органга (мансабдор шахсга) ўзининг электрон рақамли имзоси билан тасдиқланган ҳужжатларни электрон шаклда тақдим этишга ҳақли.

Ишлар электрон шаклда шакллантирилганда ишда иштирок этувчи шахслар томонидан судга тақдим этилган ёзма ҳужжатлар ишга электрон шаклда қўшиб қўйилади, шундан сўнг ёзма ҳужжатлар уларни тақдим этган шахсларга қайтарилади.

Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар электрон шаклда шакллантирилган тақдирда, орган (мансабдор шахс) томонидан расмийлаштирилган

ҳужжатлар тегишинча органнинг мажлисида раислик қилувчининг ва котибнинг ёки ишни кўриб чиқувчи мансабдор шахснинг электрон рақамли имзоси билан тасдиқланади.

Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни электрон шаклда бошқа органга топшириш ахборот тизими орқали амалга оширилади.

Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги электрон шаклда шакллантирилган ишларнинг қоғоздаги кўчирма нусхалари бўлиши мумкин.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни юритишда иштирок этувчи шахсларнинг мурожаатлари (269^2-м.) МЖтКда белгиланган тартибда ва муддатларда маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар юзасидан мурожаат қилишга ҳақли.

Мурожаат ва унга илова қилинадиган ҳужжатлар судга электрон ҳужжат шаклида юборилиши мумкин.

Иш ҳолатлари ҳужжатларнинг фақат асл нусхалари билан тасдиқланиши лозим бўлганда, шунингдек бошқа зарур ҳолларда маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни юритаётган органнинг (мансабдор шахснинг) талаби билан ҳужжатларнинг асл нусхалари тақдим этилади.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 22-боби “Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни юритишда қатнашувчи шахслар” деб номланган бўлиб ўз ичига 294 – 302-моддаларни қамраб олган бўлиб қуйидагиларни маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни юритишда қатнашувчи шахслар сифатида эътироф этади:

1) **Маъмурий жавобгарликка тортилаётган шахс (294-м.);**
2) **Жабрланувчи (295-м.);**
3) **Қонуний вакиллар (296-м.);**
4) **Адвокат (297-м.);**
5) **Гувоҳ (298-м.);**
6) **Эксперт (299-м.);**
7) **Мутахассис (299^2-м.);**
8) **Таржимон (300-м.).**

Қонун чиқарувчи маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонунчиликда маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этган шахсни – **“**Маъмурий жавобгарликка тортилаётган шахс**”** процессуал атамаси билан ифодалаган.

МЖтКнинг 294-моддасида маъмурий жавобгарликка тортилаётган шахснинг ҳуқуқ ва бурчлари белгиланган.

Маъмурий жавобгарликка тортилаётган шахс иш материаллари билан танишиб чиқишга, изоҳлар беришга, далиллар келтиришга, ўз илтимосини баён этишга, ишни кўриб чиқиш вақтида адвокатнинг юридик ёрдамидан фойдаланишга, ўз она тилида сўзлашга ва таржимоннинг хизматларидан фойдаланишга, иш юзасидан чиқарилган қарор устидан шикоят беришга ҳақлидир.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш маъмурий жавобгарликка тортилаётган шахс иштирокида кўриб чиқилади. Мазкур шахсга ишни кўриб чиқиш жойи ва вақти ҳақида хабар қилинганлиги тўғрисида маълумотлар бўлган ва ундан ишни кўриб чиқишни кечиктириш хусусида ҳеч қандай илтимос тушмаган ҳолларда, шунингдек МЖтК 309^1-моддасининг биринчи қисмида ва 309^2-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган ҳоллардагина иш унинг иштирокисиз кўриб чиқилиши мумкин.

Башарти содир этган ҳуқуқбузарлиги учун МЖтКда маъмурий қамоққа олиш, ашёларини мусодара қилиш ёки ҳақини тўлаш шарти билан олиб қўйиш чораларини қўллаш назарда тутилган бўлса, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқиш вақтида маъмурий жавобгарликка тортилаётган шахснинг иштирок этиши шарт. Мазкур шахс бундай маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқишда иштирок этишдан бўйин товлаган тақдирда, у жиноят ишлари бўйича суднинг ажримига биноан ички ишлар

органи томонидан мажбуран олиб келиниши мумкин. Божхона тўғрисидаги қонунчиликни бузган ҳолда Ўзбекистон Республикасининг божхона чегараси орқали товарларни ёки бошқа қимматликларни олиб ўтиш билан боғлиқ бўлиб, мусодара қўлланилиши мумкин бўлган маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш алоҳида ҳолларда, агар маъмурий жавобгарликка тортилаётган шахс Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида бўлса ёки унинг турган жойини аниқлаш имкони бўлмаса, бундай шахснинг иштирокисиз кўриб чиқилади.

МЖтКнинг 295-моддасида Жабрланувчининг тушунчаси ва ҳуқуқлари берилган.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик йўли билан маънавий, жисмоний ёки мулкий зарар етказилган шахс жабрланувчи деб топилади.

Жабрланувчи ишга оид ҳамма материаллар билан танишиб чиқишга, кўрсатувлар беришга, далиллар келтиришга, илтимослар қилишга, ишни кўриб чиқиш пайтида адвокатнинг юридик ёрдамидан фойдаланишга, ўз она тилида сўзлашга ва таржимон хизматидан фойдаланишга, иш юзасидан чиқарилган қарор устидан шикоят беришга ҳақлидир.

МЖтКнинг 296-моддасида Қонуний вакиллар тушунчаси ва ҳуқуқлари берилган.

Вояга етмаган ёки ўзининг жисмоний нуқсонлари ёхуд руҳий ҳолатининг бузилганлиги сабабли маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар юзасидан ўз ҳуқуқини ўзи амалга оширолмайдиган — маъмурий жавобгарликка тортилаётган шахснинг ёки жабрланувчининг манфаатларини улар учун мазкур шахсларнинг қонуний вакиллари (ота-оналари, эр ёки хотинлари, вояга етган болалари, фарзандликка олувчилар, васийлар, ҳомийлар) ифодалашга ҳақлидирлар.

Қонуний вакиллар иш материаллари билан танишишга ва манфаатларини ўзлари ифода этаётган шахс номидан илтимослар қилишга, иш юзасидан чиқарилган қарор устидан шикоят беришга ҳақлидирлар.

МЖтКнинг 297-моддасида Адвокат ва унинг ҳуқуқлари берилган.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқишда шу ҳуқуқбузарликни содир этган шахсни ушлаб туриш пайтидан бошлаб адвокат қатнашиши мумкин.

Адвокат ишга оид материаллар билан танишиб чиқишга, уни таклиф қилган шахснинг топшириғига биноан ва унинг номидан илтимослар қилишга ва иш юзасидан чиқарилган қарор устидан шикоят беришга ҳақлидир.

МЖтКнинг 298-моддасида Гувоҳ ва унинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари берилган.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш бўйича аниқланиши керак бўлган бирон-бир ҳолатдан воқиф бўлиши мумкин бўлган ҳар қандай шахс шу иш юзасидан гувоҳ сифатида чақирилиши мумкин.

Ишни юритаётган органнинг (мансабдор шахснинг) чақирувига биноан гувоҳ кўрсатилган вақтда келиши, ҳаққоний кўрсатувлар бериши, шу иш хусусида ўзига маълум бўлган ҳамма нарсаларни айтиб бериши ва қўйилган саволларга жавоб бериши шарт.

МЖтКнинг 299-моддасида Эксперт ҳуқуқлари ва мажбуриятлари берилган.

Хулоса бериш учун зарур фан, техника, санъат ёки ҳунар соҳасида махсус билимларга эга бўлган жисмоний шахс эксперт сифатида тайинланиши мумкин.

Эксперт сифатида давлат суд-экспертиза муассасаси эксперти, бошқа корхона, муассаса, ташкилот ходими ёки бошқа жисмоний шахс иштирок этиши мумкин.

Эксперт маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни юритаётган орган (мансабдор шахс) томонидан махсус билимларга зарурат туғилган ҳолларда тайинланади.

Белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб топилган шахслар, шунингдек қасддан содир этган жиноятлари учун судланганлик ҳолати тугалланмаган ёки судланганлиги олиб ташланмаган шахслар эксперт сифатида жалб этилиши мумкин эмас.

Эксперт: маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишнинг экспертиза предметига оид материаллари билан танишиш, улардан зарур маълумотларни ёзиб олиш ёки кўчирма нусхалар олиш; экспертизани ўтказиш учун зарур бўлган қўшимча материаллар ва текшириш объектлари тақдим этилиши ҳақида илтимосномалар бериш; маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни юритаётган орган (мансабдор шахс) рухсати билан ишни кўриб чиқишда ҳозир бўлиш, жавобгарликка тортилаётган шахсга, жабрланувчига, гувоҳларга экспертиза предметига оид саволлар бериш; ашёвий далиллар ва ҳужжатларни кўздан кечириш; ўз хулосасида нафақат ўзининг олдига қўйилган саволлар бўйича, балки экспертиза предметига оид ва иш учун аҳамиятга молик бошқа масалалар бўйича ҳам фикрларини баён этиш; унинг хулосаси ёки кўрсатувлари маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юритишда иштирок этувчи шахслар томонидан нотўғри талқин қилинганлиги хусусида маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқиш баённомасига киритилиши лозим бўлган баёнотлар бериш; агар у маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юритилаётган тилни билмаса ёки етарлича билмаса, ўз она тилида хулоса тақдим этиш ва кўрсатувлар бериш ҳамда бундай ҳолда таржимон хизматидан фойдаланиш; агар маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни юритаётган органнинг (мансабдор шахснинг) қарорлари, ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) экспертнинг ҳуқуқ ва эркинликларини бузаётган бўлса, бу қарорлар, ҳаракатлар (ҳаракатсизлик) устидан шикоят қилиш ҳуқуқига эгадир.

Эксперт: ўзига тақдим этилган текшириш объектларини ҳар томонлама ва тўлиқ текширишдан ўтказиши, ўз олдига қўйилган саволлар юзасидан асосли ва холисона ёзма хулоса бериши; маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни юритаётган органнинг (мансабдор шахснинг) чақирувига биноан ҳозир бўлиши; ўзи ўтказган экспертиза хусусида кўрсатувлар бериши ва ўзи берган хулосани тушунтириш учун қўшимча саволларга жавоб бериши; экспертизани ўтказиши муносабати билан ўзига маълум бўлиб қолган маълумотларни ошкор қилмаслиги; тақдим этилган текшириш объектлари ва иш материалларининг сақланишини таъминлаши; маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш кўриб чиқилаётганда тартибга риоя қилиши шарт.

МЖтКнинг 299[2]-моддасида Мутахассис ҳуқуқлари ва мажбуриятлари берилган.

Далилларни тўплаш, текшириш ва баҳолашда маслаҳатлар (тушунтиришлар) бериш йўли билан кўмаклашиш ҳамда илмий-техника воситаларини қўллашда ёрдам бериш мақсадида фан, техника, санъат ёки ҳунар соҳасида махсус билим ва кўникмага эга бўлган, ишнинг якунидан манфаатдор бўлмаган вояга етган шахс мутахассис сифатида жалб этилиши мумкин.

Белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб топилган шахслар мутахассис сифатида жалб қилиниши мумкин эмас.

Мутахассис: маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишнинг текшириш мавзусига доир материаллари билан танишиш, улардан зарур маълумотларни ёзиб олиш ёки кўчирма нусхалар олиш; маслаҳатлар (тушунтиришлар) бериш учун зарур бўлган қўшимча материаллар ва ўрганиш объектларини тақдим этиш тўғрисида илтимосномалар бериш; маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш ўз иш юритувида бўлган органнинг (мансабдор шахснинг) рухсати билан ишни кўриб чиқиш чоғида ҳозир бўлиш, жавобгарликка тортилаётган шахсга, жабрланувчига, гувоҳларга текшириш мавзусига тааллуқли саволлар бериш; ашёвий далиллар ва ҳужжатларни кўздан кечириш; ўз маслаҳатлари (тушунтиришлари) маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни юритишда иштирок этувчи шахслар томонидан нотўғри талқин қилинганлиги хусусида маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриш баённомасига киритилиши лозим бўлган фикр-мулоҳазалар

билдириш; агар у маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юритилаётган тилни билмаса ёки етарлича билмаса, она тилида маслаҳат бериш ва тушунтиришларини баён қилиш ҳамда бу ҳолда таржимон хизматидан фойдаланиш; агар маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш ўз иш юритувида бўлган органнинг (мансабдор шахснинг) қарорлари, ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) ушбу мутахассиснинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузса, мазкур органнинг қарорлари, ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан шикоят қилиш ҳуқуқига эга.

Мутахассис: ўзига тақдим этилган текшириш объектларини ҳар томонлама ва тўлиқ текширишдан ўтказиши, ўз олдига қўйилган масалалар юзасидан асосли ва холисона маслаҳатлар (тушунтиришлар) бериши; маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш ўз иш юритувида бўлган органнинг (мансабдор шахснинг) чақирувига биноан келиши; ўтказилган текшириш хусусида кўрсатувлар бериши ва ўзи берган маслаҳатларни (тушунтиришларни) тушунтириб бериш учун қўшимча саволларга жавоб бериши; текшириш ўтказилиши муносабати билан ўзига маълум бўлиб қолган маълумотларни ошкор қилмаслиги; тақдим этилган текшириш объектларининг ва иш материалларининг бут сақланишини таъминлаши; маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш кўриб чиқилаётганда тартибга риоя этиши шарт.

Мутахассиснинг барча юзага келган масалалар бўйича маслаҳатлари судга ёзма шаклда тақдим этилиши керак, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш кўриб чиқилаётганда мутахассис томонидан берилган тушунтиришлар эса маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқиш баённомасига киритилади.

МЖтКнинг 300-моддасида Таржимоннинг мажбуриятлари берилган.

Таржимон маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни юритаётган орган (мансабдор шахс) томонидан тайинланади.

Таржимон мазкур органнинг (мансабдор шахснинг) чақириғига биноан келиши, ўзига топширилган таржимани тўла-тўкис ҳамда аниқ бажариши шарт.

МЖтКнинг 301-моддасида Жабрланувчилар, гувоҳлар, экспертлар, мутахассислар ва таржимонларнинг қопланиши лозим бўлган харажатлари тартибга солинган.

Жабрланувчилар, гувоҳлар, экспертлар, мутахассислар ва таржимонлар маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни юритаётган орган (мансабдор шахс) ҳузурига келишлари муносабати билан уларнинг қилган харажатлари белгиланган тартибда қопланади.

Жабрланувчилар, гувоҳлар, экспертлар, мутахассислар ва таржимонлар сифатида чақирилган шахсларнинг маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни юритаётган орган (мансабдор шахс) ҳузурига келишлари муносабати билан улар ишда бўлмаган вақтда ўз иш жойидаги маоши белгиланган тартибда сақланади.

Эксперт, мутахассис ва таржимон хизмат топшириғи тартибида бажарилган ҳоллардан ташқари, ўзининг вазифаларини бажарганлиги учун мукофотланиш ҳуқуқига эгадир.

МЖтКнинг 302-моддасида Маъмурий жавобгарликка қонунга хилоф равишда тортилганлиги сабабли фуқарога етказилган зарарни қоплаш тартиби белгиланган.

Маъмурий жавобгарликка қонунга хилоф равишда тортилганлик натижасида фуқарога етказилган зарар маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиққан органнинг (мансабдор шахснинг) айбидан қатъи назар давлат томонидан тўлиқ ҳажмда тўланади.

Зарарни қоплаш ҳуқуқи маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш тугатилган тақдирдагина вужудга келади.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни юритаётган орган (мансабдор шахс) фуқарога бузилган ҳуқуқларини тиклаш тартибини тушунтириб бериши ва маъмурий жавобгарликка қонунга хилоф равишда тортилганлиги натижасида фуқарога етказилган зарарни қоплаш учун қонунда назарда тутилган чораларни кўриши шарт.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишга ваколатли органлар (мансабдор шахслар) ишга оид ҳар қандай фактик маълумотлардан иборат бўлган

далил(маълумот)ларга асосланиб маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳолати юз берган ёки бермаганлигини, муайян шахснинг уни содир этишда айбдорлигини ва ишни тўғри кўриб чиқиш учун аҳамиятли бўлган бошқа ҳолатларни қонунда белгиланган тартибда аниқлайди.

Мазкур далиллар(маълумотлар) қуйидаги воситалар: маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённома, маъмурий жавобгарликка тортилаётган шахснинг тушунтиришлари ҳамда жабрланувчининг, гувоҳларнинг кўрсатувлари, эксперт хулосаси, мутахассис маслаҳати (тушунтиришлари), ашёвий далиллар, ашёлар ва ҳужжатларни олиб қўйиш тўғрисидаги баённома, аудио-, видеоёзувлардан ва фотосуратлардан иборат материаллар, шунингдек бошқа материаллар билан белгиланади.

Орган (мансабдор шахс) далилларга ишнинг ҳамма ҳолатларини ҳар томонлама, тўла ва объектив жамлаб текширишга асосланган ўзининг ички ишончи билан қонунга амал қилган ҳолда баҳо беради.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқиш вақтида тегишли орган (мансабдор шахс): маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилган-этилмаганлигини, ҳуқуқбузарлик содир этилган вақт ва жойни, мазкур шахс уни содир этишда айбдор-айбдор эмаслигини, унинг маъмурий жавобгарликка тортилиш-тортилмаслигини, жавобгарликни енгиллаштирувчи ёки оғирлаштирувчи ҳолатлар бор-йўқлигини, мулкий зарар етказилган-етказилмаганлигини, шунингдек ишни тўғри ҳал этишда аҳамиятга молик бошқа ҳолатларни аниқлаши шарт.

2 - ўқув саволи: Жиноят процесси иштирокчилари: жиноят ишини юритишда иштирок этувчи жамоат бирлашмалари, жамоалар ва уларнинг вакиллари, айбланувчи, гумон қилинувчи, ҳимоячи, фуқаровий даъвогар ва жавобгар, қонуний вакиллар, гувоҳ, эксперт, мутахассис, таржимон, холисларнинг процессуал ҳуқуқ ва мажбуриятлари.

Жиноят процесси – суриштирув органлари, терговчи прокурор ва суднинг жиноят-процессуал қонунчилигига асосланган ҳамда муайян тартиб ва тизимга эга бўлган фаолияти, ушбу фаолият муносабати билан унга у ёки бу даражада жалб этилган барча шахслар ўртасида юзага келувчи ҳуқуқий муносабатлар.

Жиноят процессининг мақсадлари сифатида ҳам таърифлаш мумкин бўлган аниқ вазифалари қуйидагилардан иборат:

- жиноятларни тез ва тўлиқ очиш, яъни жиноят содир этилганлиги фактининг ўзини ва уни ким содир этганлигини аниқлаш;
- жиноят содир этган ҳар бир шахсга адолатли жазо берилиши ҳамда айби бўлмаган ҳеч бир шахс жавобгарликка тортилмаслиги ва ҳукм қилинмаслиги;
- айбдор бўлганларни фош этиш ҳамда қонуннинг тўғри татбиқ этилишини таъминлаш.

Жиноят процессининг иштирокчилари жиноят-процессуал ҳаракатларни амалга ошириш ва жиноят-процессуал муносабатларга киришиш учун ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлган органлар ва шахслардир. Уларга қуйидагилар киради: **суд, прокурор, терговчи, суриштирув органлари, терговга қадар текширувни амалга оширувчи органлар, айбланувчи, гумон қилинувчи, жабрланувчи, ҳимоячи, жабрланувчи, фуқаровий даъвогар ва жавобгар, қонуний вакиллар, гувоҳ, эксперт, мутахассис, таржимон, холислар ва ҳ.к.**

Қонунчиликни таҳлил қилиш, биринчидан, жиноят процессининг иштирокчилари қонунда тўлиқ келтирилганлиги; иккинчидан, улар муайян процессуал, тергов ва суд ҳаракатларида иштирок этишлари ҳақидаги хулосага олиб келади.

Бироқ амалдаги ЖПКда «жиноят процессининг иштирокчилари» тушунчасининг ўзи берилмаган. Юридик адабиётда ушбу масала турлича ёритилган, барча учун умумий бўлган тушунча ҳали ишлаб чиқилмаган.

Жиноят процессининг иштирокчилари қандай талабларга жавоб бериши кераклиги масаласида ҳам ягона ёндашув йўқ (фақат жиноят ишида ўзларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ёки ўзлари вакили бўлиб қатнашаётган шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилувчи шахсларгина жиноят процессининг иштирокчилари бўлиб ҳисобланади, чунки улар жиноят ишини юритишда фаол иштирок этишларига имкон берувчи муайян процессуал ҳуқуқларга эгадирлар). Уларга айбланувчи, жабрланувчи, ҳимоячи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар ва уларнинг вакиллари, жамоат айбловчиси, жамоат ҳимоячиси ёхуд жиноят-процессуал функцияларни (ишни тергов қилиш, ҳимоя қилиш, ишни моҳияти бўйича ҳал қилиш) функцияларини бажарувчи барча субъектлар, яъни суд, прокурор, терговчи, суриштирув органи, айбланувчи, ҳимоячи, жабрланувчи киради.

«Жиноят процесси иштирокчилари»нинг кенгроқ тушунчаси ҳам мавжуд. Унга биноан, ушбу иштирокчилар қаторига жиноят процессида амалда иштирок этадиган, бунда процессуал ҳуқуқлар ва мажбуриятларга эга бўладиган барча шахслар киритилади, чунки бу ҳол жиноят процесси соҳасидаги ҳақиқий аҳволни акс эттиради ҳамда ҳозирги замон процессуал назариясига мос келади.

Албатта, процесс иштирокчиларининг тутган ўрни бир хил эмас. Уларнинг процессуал ҳуқуқ ва мажбуриятларининг ҳажми, шунингдек ваколатлари ва ишда қатнашиш шакллари ҳам турлича. Қонунда санаб ўтилган субъектларнинг барчаси ҳам муайян ишнинг юритилишида муқаррар тарзда доимо иштирок этмайди.

Масалан, жиноят процессида ҳатто жабрланувчи ёки ҳимоячи ҳам бўлмаслиги мумкин. Гумон қилинувчининг иштироки эса баъзан жуда чекланган вақт давом этади. Шунга қарамай, вазифаси ва жиноят ишидаги иштирокининг мазмунига кўра улар жиноят процессининг иштирокчилари яъни, субъектларидир.

Қонунчилик ва ҳуқуқий адабиётларни таҳлил қилиш жиноят процессининг иштирокчилари, биринчидан, қонунда кўрсатилган; иккинчидан, муайян процессуал функцияларни бажаришда иштирок этадиган; учинчидан, қонунга кўра тегишли ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлган шахслар эканлиги ҳақидаги хулосага олиб келади.

Жиноят процесси иштирокчиларининг ҳуқуқий мақомини билиш улкан амалий аҳамиятга эга. Фуқароларнинг субъектив жиноят-процессуал ҳуқуқлари одил судлов вазифаларини муваффақиятли бажаришга кўмаклашади. Аксинча, суриштирув органи, терговчи, прокурор ва суднинг процесс иштирокчиларига уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтиришдан иборат ўз вазифаларини бажармасликлари қонунийликнинг бузилишига олиб келади.

Жиноят процессининг иштирокчиларини, вазифалари ва манфаатларидан келиб чиқиб, тегишлича таснифлаш мумкин.

ЎзР ЖПКнинг **Иккинчи бўлими Жиноят процесси иштирокчилари деб номланган бўлиб** ўз ичига 3–6-бобларда Жиноят процесси иштирокчиларининг тугалланган рўйхати, таснифи ва уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари берилган. Яъни 4та бобда жиноят процесси иштирокчилари 4та гуруҳга таснифланган.

Мазкур **ИККИНЧИ** бўлимнинг **III боби** жиноят ишини юритишга масъул бўлган давлат органлари ва мансабдор шахслар – суд, судья ва халқ маслаҳатчилари, суд мажлисининг котиби, прокурор, терговчи, суриштирув органи ва терговга қадар текширувни амалга оширувчи органларнинг фаолиятига бағишланган.

IV бобда жиноят ишини юритишда иштирок этувчи жамоат бирлашмалари, жамоалар ва уларнинг вакиллари, жумладан, жамоат айбловчилари ва жамоат ҳимоячилари тавсифланади.

V бобда жиноят процессида ўз манфаатларини ҳимоя қиладиган шахслар (айбланувчилар, гумон қилинувчилар, жабрланувчилар, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар, уларнинг қонуний вакиллари) ҳақида сўз юритилади. Ҳимоячининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳам шу бобда тартибга солинган.

VI бобда жиноят процесси иштирокчиларининг яна бир катта гуруҳи бўлган жиноят процессида иштирок этувчи бошқа шахслардир. Улар қаторига гувоҳ, гувоҳнинг адвокати, эксперт, мутахассис, таржимон, холис киритилган.

Жиноят-процессуал фаолият кўп қирралидир, чунки у ўзаро мос келмайдиган муайян жиҳатлар ва йўналишларга эга.

Жиноят процессининг 3та гуруҳдаги иштирокчиларини ҳуқуқ ва мажбуриятларини кўриб чиқамиз.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодексининг “Жиноят ишини юритишда иштирок этувчи жамоат бирлашмалари, жамоалар ва уларнинг вакиллари” деб номланган IV боби 40 – 44-моддаларни ўз ичига олган бўлиб ушбу моддаларда қуйидагилар тавсифланади.

Жамоат бирлашмалари ва жамоаларнинг жиноят процессида кўрилиши лозим бўлган ариза ва илтимослари (ЖПКнинг 40-м.)

Жамоат бирлашмалари ва жамоалар, уларнинг раҳбар органлари ҳамда вакиллари содир этилган ёки тайёрланаётган жиноят тўғрисидаги хабар билан суриштирув органига, терговчига, прокурорга ёки судга мурожаат этишлари мумкин. Улар: айбланувчига ёки судланувчига нисбатан эҳтиёт чораси сифатида жамоат бирлашмаси ёки жамоа кафиллигига беришни танлаш ҳақида; маҳкумни муддатидан илгари шартли равишда жазодан озод қилиш ёки жазони енгилроғи билан алмаштириш ҳақида; озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинганларнинг жазони ўташ шароитларини ўзгартириш ҳақида; судланганликни олиб ташлаш ҳақида ва бошқа масалалар бўйича ушбу Кодексда назарда тутилган ҳолларда ҳамда тартибда илтимос қилишга ҳақлидирлар.

Жамоат бирлашмалари ва жамоаларни жиноят ҳақида хабардор қилиш (41-м.)

Суриштирувчи ва терговчи фуқаронинг **оғир ва ўта оғир жиноятлар** тўғрисидаги ишда айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилингани ҳақида унинг иш, ўқиш ёки яшаш жойидаги жамоага хабар беради, суд эса уларга шу иш бўйича суд муҳокамаси қачон ва қаерда ўтказилиши ҳақида хабар беради.

Жамоат айбловчилари ва жамоат ҳимоячилари (42-м.)

Жамоат бирлашмалари ва жамоалар суд муҳокамасида жамоат айбловчиси ёки жамоат ҳимоячиси тариқасида иштирок этиш учун ўз вакилларини юборишлари мумкин.

Жамоат айбловчилари ва жамоат ҳимоячиларини жамоат бирлашмасининг ёки корхона, муассаса, ташкилот жамоасининг йиғилиши кўрсатади. Йиғилиш қарори судга тақдим этилиши лозим.

Жамоат бирлашмаси, жамоа ўзи йўллаган жамоат айбловчиси ёки жамоат ҳимоячисини хоҳлаган вақтда чақириб олишга ёки уни бошқа вакил билан алмаштиришга ҳақлидир.

Жамоат айбловчисининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари (43-м.)

Суд муҳокамасида иштирок этаётган жамоат айбловчиси: иш материаллари билан танишишга; далиллар тақдим этишга ва уларни текширишда иштирок этишга; илтимоснома беришга; тарафларнинг музокараларида сўзга чиқиб, айбловнинг исботлангани ҳақида судга фикр билдиришга ҳақлидир. Жамоат айбловчиси айбловдан воз кечишга ҳақли.

Жамоат айбловчиси: суд муҳокамасида иштирок этиши; жамоат бирлашмаси ёки жамоанинг фикрини судда баён қилиши ва иш ҳолатларини аниқлашга кўмаклашиши шарт.

Жамоат ҳимоячисининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари (44-м.)

Суд муҳокамасида иштирок этаётган жамоат ҳимоячиси: иш материаллари билан танишишга, далиллар тақдим этишга ва уларни текширишда иштирок этишга; илтимоснома беришга; тарафларнинг музокараларида сўзга чиқиб, судланувчини оқлайдиган ёки унинг жавобгарлигини енгиллаштирадиган ҳолатлар хусусида судга фикр билдиришга ҳақлидир.

Жамоат ҳимоячиси: суд муҳокамасида иштирок этиши; жамоат бирлашмаси ёки жамоанинг фикрини судда баён қилиши ва ишнинг судланувчининг аҳволини енгиллаштирувчи ҳолатларини аниқлашга кўмаклашиши шарт.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодексининг "**Жиноят процессида ўз манфаатларини ҳимоя қиладиган шахслар. Ҳимоячилар ва вакиллар**" деб номланган **V боби 45 – 64-моддаларни** ўз ичига олган бўлиб ушбу моддаларда қуйидагилар тавсифланади.

Жиноят процессида ўз манфаатларини ҳимоя қиладиган шахсларга айбланувчи, гумон қилинувчи, уларнинг ҳимоячилари ва қонуний вакиллари, жабрланувчи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар ва уларнинг вакиллари киради.

ЎзР ЖПКнинг Айбсизлик презумпцияси деб номланган 23-моддасида назарда тутилган принципга биноан, гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи унинг жиноят содир этишда айбдорлиги қонунда назарда тутилган тартибда исботлангунга ва қонуний кучга кирган суд ҳукми билан аниқлангунга қадар айбсиз ҳисобланади.

Гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи ўзининг айбсизлигини исботлаб бериши шарт эмас.

Айбдорликка оид барча шубҳалар, башарти уларни бартараф этиш имкониятлари тугаган бўлса, гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчининг фойдасига ҳал қилиниши лозим. Қонун қўлланилаётганда келиб чиқадиган шубҳалар ҳам гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг фойдасига ҳал қилиниши керак.

Айбланувчи – жиноят-процессуал кодексда белгиланган тартибда айбланувчи тариқасида ишда иштирок этишга жалб қилиниши ҳақида қарор чиқарилган шахсдир (ЖПКнинг 45-моддаси).

Айбланувчи судда судланувчи деб, ҳукм чиқарилганидан кейин эса маҳкум ёки оқланган шахс деб аталади.

Айбланувчи кенг доирадаги процессуал ҳуқуқларга эга. Терговчи, прокурор ва суд унинг ушбу ҳуқуқларини таъминлашлари шарт, бу эса айбланувчининг ҳимояланиш ҳуқуқини амалга ошириш учун кафолатдир.

ЖПКнинг 46-моддасига биноан, айбланувчи: ўзининг нимада айбланаётганлигини билиш; қамоққа олинганлиги ва турган жойи тўғрисида адвокатга ёки яқин қариндошига телефон орқали қўнғироқ қилиш ёхуд хабар бериш; ҳимоячига эга бўлиш ҳамда учрашувларнинг сони ва давом этиш вақти чекланмаган ҳолда у билан холи учрашиш, ЖПК 230-моддасининг иккинчи қисмида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно (яъни, ушлаб турилган шахсга ҳимоячи билан биринчи холи учрашувга биринчи сўроққача рухсат берилади. Қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси танланаётган ушлаб турилган шахснинг

ҳимоячи билан учрашувига ушбу Кодекс 226-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида назарда тутилган эҳтиёт чораси қўлланилиши лозим бўлган, муддатлар инобатга олинган ҳолда рухсат берилади ҳамда учрашув суриштирувчи, терговчи ва прокурор томонидан икки соатга қадар чекланиши мумкин.); ўзига қўйилган айблов юзасидан ҳамда ишнинг бошқа ҳар қандай ҳолатлари бўйича кўрсатувлар бериш ёхуд кўрсатувлар беришдан бош тортиш ва кўрсатувларидан жиноят ишига доир далиллар сифатида унинг ўзига қарши фойдаланилиши мумкинлиги ҳақида хабардор бўлиш; ўз она тилидан ҳамда таржимон хизматидан фойдаланиш; ўзининг ҳимояланиш ҳуқуқини шахсан ўзи амалга ошириш; илтимоснома бериш ва рад қилиш; далиллар тақдим этиш; суриштирувчи ёки терговчининг рухсати билан тергов ҳаракатларида иштирок этиш; суриштирув ёки дастлабки тергов тамом бўлганидан сўнг

ишнинг барча материаллари билан танишиб чиқиш ҳамда ундан зарур маълумотларни ёзиб олиш, материаллар ва ҳужжатлардан техника воситалари ёрдамида ўз ҳисобидан кўчирма нусхалар олиш ёки улардаги маълумотларни ўзга шаклда қайд этиш; жиноят ишининг

суриштирувчи, терговчи ёки прокурор томонидан тугатилганлигига қарши эътироз билдириш ҳамда суд муҳокамаси ўтказилишини талаб қилиш; суд томонидан иш бўйича дастлабки эшитув ўтказилаётганда иштирок этиш, ярашув тўғрисидаги, амнистия актини қўллаш ҳақидаги ишлар бўйича, биринчи инстанция ва апелляция инстанцияси судининг мажлисларида, суднинг рухсати билан эса, кассация инстанцияси судининг мажлисларида иштирок этиш; суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суднинг ҳаракатлари ҳамда қарорлари устидан шикоятлар бериш; суд мажлисининг баённомаси билан танишиш ҳамда у ҳақда ўз мулоҳазаларини билдириш; иш бўйича келтирилган протестлар, апелляция, кассация шикоятларидан хабардор бўлиш ва уларга нисбатан эътирозлар билдириш ҳуқуқига эга. Судланувчи охирги сўз билан чиқиш ҳуқуқига эга.

Айбланувчи: суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суднинг чақирувига биноан

ҳозир бўлиши; дастлабки тергов ва суд муҳокамасида иштирок этишдан бош тортмаслиги; ҳақиқатни аниқлашга далилларни йўқ қилиш, сохталаштириш, гувоҳларни кўндиришга уриниш ва бошқа қонунга хилоф ҳаракатлар билан тўсқинлик қилмаслиги; ўзига нисбатан танланган эҳтиёт чорасидан келиб чиқадиган талабларни бажариши; гувоҳлантириш, эксперт текшируви учун намуналар олиш, экспертиза ўтказиш учун тиббий муассасага жойлаштириш ҳақидаги суриштирувчи, терговчи, прокурорнинг қарорлари ва суднинг ажримлари ҳамда ЖПКда назарда тутилган бошқа процессуал қарорлар ижро этилишига тўсқинлик қилмаслиги; ишнинг тергови ва суд мажлиси вақтида тартибга риоя этиши шарт.

Айбланувчининг зиммасига кўрсатув бериш, шунингдек ўзининг айбдор эмаслигини ёки ишнинг бошқа бирор ҳолатларини **исботлаш мажбурияти юкланиши мумкин эмас.**

Гумон қилинувчи жиноят содир этгани тўғрисида маълумотлар бор бўлса-да, бу маълумотлар уни ишда айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиш учун етарли бўлмаган шахсдир. Шахсни гумон қилинувчи тариқасида эътироф этиш тўғрисида суриштирувчи, терговчи ёки прокурор қарор чиқаради (ЖПК 47-моддаси).

Гумон қилинувчи ўзининг процессуал ҳолатига кўра айбланувчига яқин туради. Худди айбланувчи каби, у ЖПКнинг 48-моддасида белгилаб қўйилган муайян ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга.

Гумон қилинувчи ўзининг нимада гумон қилинаётганлигини билиш; ушланганидан кейин йигирма тўрт соатдан кечиктирмай сўроқ қилинишини талаб қилиш; ўзига нисбатан қўйилган гумон хусусида ва ишнинг бошқа ҳар қандай ҳолатлари бўйича кўрсатувлар бериш; ўз она тилидан ва таржимон хизматидан фойдаланиш; у гумон қилинувчи деб эътироф этилганлиги тўғрисидаги қарор унга маълум қилинган пайтдан ёки у ушланган пайтдан бошлаб ҳимоячи олиш ва сўроқ тугаганидан сўнг у билан холи учрашиш; ҳуқуқларини ҳимоя қилишни шахсан ўзи амалга ошириш; илтимоснома бериш ва рад қилиш; далиллар тақдим қилиш; суриштирувчи ёки терговчининг рухсати билан тергов ҳаракатларида иштирок этиш; ярашув тўғрисидаги ишлар бўйича суд мажлисларида иштирок этиш; суриштирувчи терговчи, прокурор ва суднинг ҳаракатлари ҳамда қарорлари устидан шикоятлар бериш ҳуқуқига эгадир.

Гумон қилинувчи: суриштирувчи, терговчи ва прокурорнинг чақирувига биноан ҳозир бўлиши, суриштирувда ва дастлабки терговда иштирок этишдан бош тортмаслиги; ҳақиқатни аниқлашга далилларни йўқ қилиш, сохталаштириш, гувоҳларни кўндиришга уриниш ва қонунга хилоф бошқа ҳаракатлар билан тўсқинлик қилмаслиги; суриштирувчи,

терговчи, прокурорнинг гувоҳлантириш, эксперт текшируви учун намуналар олиш, экспертиза ўтказиш учун тиббий муассасага жойлаштириш тўғрисидаги қарорлари ва ЖПКда назарда тутилган бошқа процессуал қарорлар ижро этилишига тўсқинлик қилмаслиги; ишни тергов қилишда тартибга риоя этиши шарт.

Гумон қилинувчи зиммасига кўрсатув бериш, шунингдек ўзининг жиноятга алоқадор эмаслигини ёки ишнинг бошқа бирор ҳолатларини **исботлаш мажбурияти юкланиши мумкин эмас.**

Ҳимоячи – ҳимоячи гумон қилинувчиларнинг, айбланувчиларнинг, судланувчиларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини қонунда белгиланган тартибда ҳимоя қилишни амалга ошириш ҳамда уларга зарур юридик ёрдам кўрсатиш ваколатига эга бўлган шахсдир(ЖПК 49-моддаси).

Ишда ҳимоячилар сифатида адвокатлар иштирок этишлари мумкин. Адвокатнинг ишда иштирок этишига у адвокат гувоҳномасини кўрсатганидан ва муайян ишни юритишга ваколатли эканлигини тасдиқловчи ордерни тақдим этганидан кейин йўл қўйилади.

Гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг яқин қариндошлари ёки қонуний вакилларидан бирининг адвокат билан бир қаторда ҳимоячи сифатида иштирок этишига гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг илтимосномаси бўйича суриштирувчининг, терговчининг қарори ёки суд ажримига биноан йўл қўйилиши мумкин.

Ҳимоячининг ишда иштирок этишига жиноят процессининг ҳар қандай босқичида, шахс ушланганида эса унинг ҳаракатланиш эркинлигига бўлган ҳуқуқи амалда чекланган пайтдан бошлаб рухсат этилади.

Жамоат бирлашмаларини жамоат ҳимоячилари билан чалкаштирмаслик лозим: жамоат ҳимоячилари фақат судда иштирок этишлари мумкин, жамоат бирлашмаларининг вакиллари бўлган ҳимоячилар эса дастлабки терговда ҳам иштирок этишга ҳақлидирлар. Жамоат бирлашмаси ушбу бирлашма ёки жамоанинг фикрини билдиради. Жамоат ҳимоячиси эса жиноят ишида ўз номидан қатнашади.

Ҳимоячи гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи, уларнинг қонуний вакиллари, шунингдек гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг илтимоси ёки розилиги билан бошқа шахслар томонидан таклиф этилади.

Гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг илтимосига кўра суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суд ишда ҳимоячининг иштирок этишини таъминлайди.

Танланган ҳимоячининг йигирма тўрт соат ичида ишда иштирок этишга киришишга имконияти бўлмаган ҳолларда, суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суд гумон қилинувчига, айбланувчига, судланувчига ёхуд уларнинг қариндошларига бошқа ҳимоячини таклиф этишни ёки ҳимоячи тайинлашни сўраб адвокатлар бюросига, ҳайъатига ёки фирмасига мурожаат қилишни тавсия этади. Гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи танлаган ҳимоячи исталган вақтда ишда иштирок этишга киришишга ҳақлидир.

Ишни юритаётган суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суд гумон қилинувчини, айбланувчини, судланувчини юридик ёрдам учун тўловдан батамом ёки қисман озод этишга ҳақлидир. Бундай ҳолларда адвокат меҳнатига ҳақ тўлаш харажатлари Вазирлар Маҳкамаси белгилайдиган тартибда давлат ҳисобидан бўлади (ЖПК 50-моддаси).

Қуйидаги ишлар бўйича:

1) вояга етмаганларнинг иши бўйича;

2) соқовлар, карлар, кўрлар, жисмоний нуқсони ёки руҳий касаллиги сабабли ўзини ўзи ҳимоя қилиш ҳуқуқини амалга оширишга қийналадиган бошқа шахсларнинг иши бўйича;

3) судлов иши олиб борилаётган тилни билмайдиган шахсларнинг иши бўйича;

4) жазо чораси сифатида ўлим жазоси тайинланиши мумкин бўлган жиноятларни содир этишда гумон қилинаётган ёки айбланаётган шахсларнинг иши бўйича;

5) шахсларнинг манфаатлари ўзаро қарама-қарши бўлиб, улардан ақалли бири ҳимоячига эга бўлган ишлар бўйича;

6) давлат айбловчиси ёки жамоат айбловчиси иштирок этаётган ишлар бўйича;

7) жабрланувчининг вакили сифатида адвокат иштирок этаётган ишларда;

8) тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш тўғрисидаги ишларда;

8.[1]) суд томонидан дастлабки эшитув ўтказилаётган ишларда;

8.[2]) ўта оғир жиноят содир этганликда гумон қилинаётган ёки айбланаётган шахсларга оид ишлар бўйича;

8.[3]) шахсга нисбатан қамоққа олиш ёки уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш, шунингдек қамоқда сақлаш, уй қамоғи муддатини узайтириш масаласи кўриб чиқилаётганда;

8.[4]) айбига иқрорлик тўғрисида келишув тузилган ишлар бўйича;

9) апелляция ва кассация инстанцияси суди томонидан кўриладиган ишларда **ҳимоячининг иштирок этиши шарт.**

Суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суд ишнинг мураккаблиги ва бошқа ҳолатлари туфайли гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи ўз ҳуқуқларини амалга оширишда **қийналиши мумкин деган хулосага келса**, бошқа ишлар бўйича ҳам **ҳимоячининг иштирок этишини шарт деб топишга** ҳақлидир.

Агар ушбу модданинг биринчи ва иккинчи қисмларида кўрсатилган ҳолларда гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчининг илтимосига кўра ёхуд уларнинг розилиги билан бошқа шахслар томонидан ҳимоячи таклиф қилинмаган бўлса, Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатасининг ҳудудий бошқармаси томонидан белгиланадиган адвокатлик тузилмаси раҳбари суриштирувчининг, терговчининг, прокурорнинг ҳимоячи тайинлаш тўғрисидаги қарори ёки суднинг ажримига биноан **қарор ёхуд ажрим** Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатасининг ҳудудий бошқармасига келиб тушган пайтдан эътиборан тўрт соатдан кечиктирмай жиноят иши бўйича **ҳимоячининг иштирокини таъминлаши шарт.**

Ҳимоячидан воз кечиш (ЖПК 52-м) Гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи иш юритишнинг исталган пайтида ҳимоячидан воз кечишга ҳақлидир. Бундай воз кечишга фақат гумон қилинувчининг, айбланувчининг ёки судланувчининг ташаббуси билан ва ҳимоячининг ишда иштирок этишига суриштирувчи, терговчи ёки суд томонидан адвокат таклиф этиш орқали таъминланадиган реал имконият мавжуд бўлгандагина йўл қўйилади, бунда адвокат ўз ҳимояси остидаги шахс билан холи учрашганидан кейин ҳимоядан воз кечилганлигини тасдиқлайди. Ҳимоячидан воз кечиш жараёни видеоёзув орқали қайд этилиши шарт. Ҳимоячидан воз кечганлик ҳақида гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи, шунингдек адвокат, суриштирувчи ёки терговчи томонидан имзоланадиган баённома тузилади ёхуд суд мажлиси баённомасига ёзиб қўйилади. Видеоёзув материаллари баённомага илова қилинади. Бунда ҳимоячининг ҳимоя остидаги шахс билан холи учрашиши видеоёзув орқали қайд этилмайди. ЖПКнинг 51-моддаси биринчи қисмининг 1–4, 8, 8[3], 8[4] ва 9-бандларида назарда тутилган ҳолларда ҳимоячидан воз кечишга йўл қўйилмайди.

Ҳимоячидан воз кечиш гумон қилинувчини, айбланувчини ёки судланувчини кейинчалик ишда ҳимоячи иштирок этишига рухсат бериш ҳақида илтимос қилиш ҳуқуқидан маҳрум қилмайди. Бундай илтимос барча ҳолларда қаноатлантирилиши керак. Суд тергови давомида ҳимоячининг иштирок этиши ҳақида берилган илтимоснома ишнинг ҳолатларини ҳисобга олиб ва судланувчига ҳимоя ҳуқуқини таъминлаш манфаатларини кўзлаб суд томонидан ҳал этилади. Ҳимоячининг суд мажлиси давомида ишга киришиши суд терговини қайта бошлаш учун асос бўлмайди. (ЖПК 52-моддаси).

Ҳимоячининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари (ЖПК 53-моддаси) қуйидагича:

Ҳимоячи: манфаатларини ҳимоя қилаётган шахснинг нимада гумон қилинаётганлиги ёки айбланаётганлигини билиш; адвокатлик гувоҳномасини кўрсатганидан ва муайян ишни юритишга ваколатли эканлигини тасдиқловчи ордерни тақдим этганидан сўнг ишда иштирок этиш; гумон қилинувчи сўроқ қилинаётганда иштирок этиш, шахсга айблов эълон қилинаётганда ҳозир бўлиш ҳамда айбланувчи сўроқ қилинаётганда, шунингдек уларнинг иштирокида ўтказиладиган бошқа тергов ҳаракатларида иштирок этиш ва гумон қилинувчиларга, айбланувчиларга, гувоҳларга, экспертларга, мутахассисларга саволлар бериш; бошқа тергов ҳаракатлари юргизилаётганда суриштирувчи ёки терговчининг рухсати билан иштирок этиш; ўзи иштирок этган тергов ҳаракатининг юритилиши хусусида ёзма мулоҳазалар бериш; илтимоснома бериш ва рад этиш; ЖПК 87-моддасининг иккинчи қисмига мувофиқ

далилларни тўплаш ва тақдим этиш; гумон қилинувчи ёки айбланувчи иштирокида ўтказилган процессуал ҳаракатларга оид ҳужжатлар билан, суриштирув ёки дастлабки тергов тамом бўлганидан кейин эса жиноят ишининг барча материаллари билан танишиш ҳамда ундан зарур маълумотларни ёзиб олиш, материаллар ва ҳужжатлардан техника воситалари ёрдамида ўз ҳисобидан кўчирма нусхалар олиш ёки уларда кўрсатилган маълумотларни ўзга шаклда қайд этиш; агар ҳимояни амалга ошириш учун зарур бўлса, давлат сирлари, тижорат сири ёки бошқа сирни ўз ичига олган ахборот билан қонунчиликда назарда тутилган тартибда танишиш; суд томонидан иш бўйича дастлабки эшитув ўтказилаётганда ва суд муҳокамасида тараф сифатида иштирок этиш; суриштирувчининг, терговчининг, прокурорнинг ва суднинг ҳаракатлари ҳамда қарорлари устидан шикоятлар келтириш; суд мажлисининг баённомаси билан танишиш ва бу ҳақда ўз мулоҳазаларини билдириш; иш бўйича келтирилган шикоятлар, протестлар тўғрисида билиш ҳамда уларга нисбатан эътирозлар билдириш; апелляция, кассация инстанцияси суди мажлисларида иштирок этиш ҳуқуқига эга.

Агар гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи қамоқда сақланаётган ёки уй қамоғида бўлса, ҳимоячи у билан жиноят ишини юритишга масъул бўлган давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг **рухсатисиз**, учрашувларнинг сони ва давом этиш **вақти чекланмаган ҳолда холи учрашишга ҳақли.**

Ҳимоячи ўз вазифасини амалга ошириши муносабати билан билган маълумотларни ошкор қилишга ҳақли эмас.

Ҳимоячи: гумонни ёки айбловни рад этадиган ёхуд жавобгарликни енгиллаштирадиган ҳолатларни аниқлаш учун қонунда назарда тутилган барча восита ва усулларни қўллаши ҳамда гумон қилинувчига, айбланувчига ёки судланувчига зарур юридик ёрдам кўрсатиши; ҳақиқатни аниқлашга далилларни йўқ қилиш, сохталаштириш, гувоҳларни кўндиришга уриниш ва қонунга хилоф бошқа ҳаракатлар билан тўсқинлик қилмаслиги; ишнинг тергови ва суд мажлиси вақтида тартибга риоя этиши шарт.

Ишда иштирок этиш ҳақида битим тузилган ёки тайинланган вақтидан бошлаб адвокат ҳимоячи вазифасини бажаришни **рад этишга ҳақли эмас.**

Жабрланувчи деб - жиноят, худди шунингдек ақли норасо шахснинг ижтимоий хавфли қилмиши шахсга маънавий, жисмоний ёки мулкий зарар етказган деб ҳисоблаш учун далиллар бўлган тақдирда, бундай шахс жабрланувчи сифатида эътироф этилади. Жабрланувчи деб эътироф этиш ҳақида суриштирувчи, терговчи, прокурор – қарор, суд эса – ажрим чиқаради.

Жабрланувчи вояга етмаган ёки белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз деб эътироф этилган шахс бўлса, ишда у билан биргаликда ёки унинг ўрнига қонуний вакили иштирок этади (ЖПК 54-моддаси).

ЖПКнинг 55-моддасида жабрланувчининг қуйидаги ҳуқуқ ва мажбуриятлари белгиланган: у кўрсатув бериш; далиллар тақдим қилиш; илтимоснома бериш ва рад қилиш; ўз она тилидан ва таржимон хизматидан фойдаланиш; ўз манфаатларини ҳимоя қилиш учун

вакил олиш; суриштирувчи ёки терговчининг рухсати билан тергов ҳаракатларида иштирок этиш; суриштирув ёки дастлабки тергов тамом бўлганидан сўнг ишнинг барча материаллари билан танишиш ва ундан зарур маълумотларни ёзиб олиш, материаллар ва ҳужжатлардан техника воситалари ёрдамида ўз ҳисобидан кўчирма нусхалар олиш ёки улардаги маълумотларни ўзга шаклда қайд этиш; қонунда назарда тутилган ҳолларда ярашув тўғрисида ариза бериш ҳамда суд томонидан иш бўйича дастлабки эшитув ўтказилаётганда ва ярашув тўғрисидаги ишлар бўйича, биринчи инстанция, апелляция, кассация инстанцияси судининг мажлисларида иштирок этиш; суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суднинг ҳаракатлари ҳамда қарорлари устидан шикоятлар келтириш; шахсан ўзи ёки вакили орқали судда айбловни қувватлаш; суд мажлисининг баённомаси билан танишиш ва у ҳақда ўз мулоҳазаларини билдириш; иш бўйича келтирилган шикоятлар, протестлардан хабардор бўлиш ва уларга нисбатан эътирозлар билдириш ҳуқуқига эгадир.

Жабрланувчи: суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суднинг чақирувига биноан ҳозир бўлиши; ҳаққоний кўрсатувлар бериши; ҳақиқатни аниқлашга далилларни йўқ қилиш, сохталаштириш, гувоҳларни кўндиришга уриниш ва қонунга хилоф бошқа ҳаракатлар билан тўсқинлик қилмаслиги; суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суднинг талаби бўйича далиллар тақдим қилиши; ишнинг тергови ва суд мажлиси вақтида тартибга риоя этиши шарт.

Жабрланувчи узрсиз сабабга кўра келмаган тақдирда ЖПКнинг 261 — 264-моддаларида назарда тутилган тартибда **мажбурий олиб келиниши мумкин**.

Жабрланувчи **кўрсатув беришдан бош тортганлик ва била туриб ёлғон кўрсатувлар берганлик учун** қонунда белгиланган тарзда жавобгар бўлади(ЖК-238-, 240-м.).

Жабрланувчининг ўлимига олиб келган жиноятлар тўғрисидаги ишлар бўйича ушбу моддада кўрсатилган ҳуқуқ ва мажбуриятларни дастлабки тергов органлари ёки суд томонидан марҳумнинг қонуний вакили деб эътироф этилган яқин қариндошлари ёки бошқа шахслар амалга оширадилар.

Фуқаровий даъвогар деб жиноят, худди шунингдек ақли норасо шахснинг жамоат учун хавфли қилмиши шахсга, корхонага, муассасага ёки ташкилотга мулкий зарар етказган деб ҳисоблаш учун далиллар бўлса, улар фуқаровий даъвогар сифатида эътироф этилади. Фуқаровий даъвогар деб эътироф этиш ҳақида суриштирувчи, терговчи, прокурор қарор, суд эса ажрим чиқаради.

Вояга етмаганларнинг, шунингдек муомалага лаёқатсиз деб эътироф этилган шахсларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш учун фуқаровий даъво уларнинг қонуний вакиллари ва прокурор томонидан қўзғатилиши мумкин (ЖПК 56-моддаси).

ЖПКнинг 57-моддасига мувофиқ, фуқаровий даъвогар: фуқаровий даъво қўзғатиш ва уни қувватлаш; далиллар тақдим қилиш; қўзғатилган даъво бўйича тушунтиришлар бериш; ўз манфаатларини ҳимоя қилиш учун вакил олиш; илтимоснома бериш ва рад қилиш; суриштирувчидан, терговчидан, прокурордан ёки суддан даъвони таъминлаш чораларини кўриш ҳақида илтимос қилиш; дастлабки тергов тамом бўлганидан сўнг иш материаллари билан танишиш ва ундан зарур маълумотлар ёзиб олиш; биринчи инстанция, апелляция, кассация ва назорат инстанцияси судининг мажлисларида иштирок этиш; суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суднинг ҳаракатлари ҳамда қарорлари устидан шикоятлар бериш; суд ҳукми ва ажримининг фуқаровий даъвога тегишли қисми устидан шикоят қилиш; иш бўйича келтирилган шикоятлар, протестлардан хабардор бўлиш ва уларга нисбатан эътирозлар билдириш ҳуқуқига эгадир.

Фуқаровий даъвогар: суриштирувчи, терговчи, прокурор, суднинг чақирувига биноан ҳозир бўлиши ва уларнинг талабларига асосан фуқаровий даъвога тегишли бўлган далиллар тақдим этиши; ҳақиқатни аниқлашга далилларни йўқ қилиш, сохталаштириш,

гувоҳларни кўндиришга уриниш ва қонунга хилоф бошқа ҳаракатлар билан тўсқинлик қилмаслиги; ишнинг тергови ва суд мажлиси вақтида тартибга риоя этиши шарт.

Фуқаровий даъвогар деб эътироф этилган шахс айни вақтда жабрланувчининг барча ҳуқуқларидан фойдаланади ва унинг мажбуриятларини бажаради.

Агар фуқаровий даъвогар суд мажлисига келмаса, суд унинг даъвосини кўриб чиқмайди. Бироқ даъвогарнинг ўз даъвосини фуқаровий процесс тартибида тақдим этиш ҳуқуқи сақланиб қолади. Агар даъво жиноят ишида кўриб чиқилаётган бўлса, шахс давлат божи тўлаш мажбуриятидан озод қилинади.

Фуқаровий жавобгар деб айбланувчи томонидан ёки ижтимоий хавфли қилмиш содир этган ақли норасо шахс томонидан етказилган зарар учун қонунга кўра мулкий жавобгар шахс, корхона, муассаса ёки ташкилот ишда фуқаровий жавобгар сифатида иштирок этиш учун жалб қилиниши мумкин. Фуқаровий жавобгар сифатида жалб қилиш ҳақида суриштирувчи, терговчи, прокурор қарор, суд эса ажрим чиқаради (ЖПК 58-моддаси).

Фуқаровий даъвогар сифатида жиноят процессида жинояти туфайли зарар етказганлиги учун моддий жавобгарликка тортиладиган ва фуқаровий даъво тақдим этиладиган шахслар қатнашадилар. Одатда фуқаровий жавобгар сифатида қонунга биноан моддий жавобгарликка эга бўлган ота-оналар, ҳомийлар, васийлар ёки бошқа шахслар, шунингдек муассасалар, ташкилотлар ва корхоналар жалб этилишлари мумкин.

ЖПКнинг 59-моддасида фуқаровий жавобгарнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари санаб ўтилган. Фуқаровий жавобгар: айблов ва фуқаровий даъвонинг мазмунини билиш; даъвога эътироз билдириш; тушунтириш бериш; ўз манфаатларини ҳимоя қилиш учун вакил олиш; далиллар тақдим қилиш; илтимоснома бериш ва рад қилиш; дастлабки тергов тамом бўлганидан сўнг иш материаллари билан танишиш ва ундан зарур маълумотларни ёзиб олиш; биринчи инстанция, апелляция, кассация ва назорат инстанцияси судининг мажлисларида иштирок этиш; суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суднинг ҳаракатлари ва қарорлари устидан шикоятлар келтириш; суд ҳукми ва ажримининг фуқаровий даъвога тегишли қисми устидан шикоятлар бериш; иш бўйича келтирилган шикоят ва протестлардан хабардор бўлиш ва уларга нисбатан эътирозлар билдириш ҳуқуқига эгадир.

Фуқаровий жавобгар: суриштирувчи, терговчи, прокурор, суднинг чақирувига биноан ҳозир бўлиши ва уларнинг талабларига асосан фуқаровий даъвога тегишли бўлган далиллар тақдим қилиши; ҳақиқатни аниқлашга далилларни йўқ қилиш, сохталаштириш, гувоҳларни кўндиришга уриниш ва қонунга хилоф бошқа ҳаракатлар билан тўсқинлик қилмаслиги; ишнинг тергови ва суд мажлиси вақтида тартибга риоя этиши шарт.

Агар фуқаровий жавобгар ёки унинг вакили судга келмаса, бу даъвони кўриб чиқиш учун тўсиқ бўлмайди.

Шундай қилиб, фуқаровий жавобгар жиноят процессида айблов эълон қилинган пайтдан бошлаб ва фуқаровий жавобгар сифатида жиноят ишига жалб қилиш ҳақида қарор (ажрим) чиқарилганидан сўнг пайдо бўлади. Агар айбланувчининг ўзи фуқаровий жавобгар бўлса, айбланувчини фуқаровий жавобгар тариқасида ишга жалб этиш ҳақида махсус қарор чиқариш талаб этилмайди.

Даъвони таъминлаш мақсадида айбланувчи ёки жавобгарнинг мулки хатланиши мумкин.

Қонуний вакиллар (ЖПКнинг 60-м.) Қонуний вакил ишда иштирок этишга вояга етмаган ёхуд белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз деб эътироф этилган гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг ёки жабрланувчининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш учун жалб қилинади.

Ишда қонуний вакил сифатида ота-оналар, фарзандликка олганлар, васийлар, ҳомийлар, вояга етмаганга ёки белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз деб эътироф этилган иштирокчига ҳомийлик қилувчи муассасалар ва ташкилотларнинг вакиллари қатнашишлари мумкин. Гумон қилинувчининг, айбланувчининг ва судланувчининг қонуний вакили ишда гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи билан бирга,

жабрланувчининг қонуний вакили эса жабрланувчи билан бирга, шунингдек унинг ўрнида ҳам иштирок этади.

Вояга етмаган гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг ёки жабрланувчининг илтимосига кўра, ишда ушбу модданинг иккинчи қисмида назарда тутилган шахслар билан бир қаторда унинг катта ёшдаги яқин қариндошларидан бирининг ёки ўзи ишонадиган бошқа шахснинг қонуний вакил сифатида иштирок этишига йўл қўйилиши мумкин.

Қонуний вакилнинг ишда иштирок этишига йўл қўйилганлиги ҳақида суриштирувчи, терговчи, прокурор **қарор**, суд эса **ажрим** чиқаради. Гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи ёки жабрланувчининг манфаатлари билан қонуний вакилнинг манфаатлари ўзаро мос келмаса, гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи ёки жабрланувчи тарафида ишда иштирок этиш учун қарор ёхуд ажрим билан адвокат тайинланади.

ЖПКнинг 61-моддасига мувофиқ, қонуний вакил: ўзи вакиллик қилаётган шахснинг суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки судга чақирилганидан хабардор бўлиш; суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суднинг рухсати билан шу шахснинг сўроқ қилинишида иштирок этиш; ўзи вакиллик қилаётган қамоқдаги шахс билан холи учрашиш; ўзи вакиллик қилаётган шахс ЖПКга мувофиқ эга бўлган процессуал ҳуқуқларни амалга ошириш ҳуқуқига эгадир.

Қонуний вакил: ўзи вакиллик қилаётган шахсга нисбатан ўтказиладиган процессуал ҳаракатларда иштирок этиши; суриштирувчининг, терговчининг, прокурорнинг ва суднинг чақирувларига биноан ҳозир бўлиши; ҳақиқатни аниқлашга далилларни йўқ қилиш, сохталаштириш, гувоҳларни кўндиришга уриниш ва қонунга хилоф бошқа ҳаракатлар орқали тўсқинлик қилмаслиги; ишнинг тергови ва суд мажлиси вақтида тартибга риоя этиши шарт.

Қонуний вакил гувоҳ сифатида сўроқ қилиниши, шунингдек ҳимоячи, фуқаровий даъвогар ёки фуқаровий жавобгар тариқасида ишда иштирок этишга жалб қилиниши мумкин. Бундай ҳолларда қонуний вакил юқорида айтиб ўтилган процесс иштирокчиларининг ҳуқуқлари ва мажбуриятларига эга бўлади.

Жабрланувчининг, фуқаровий даъвогарнинг, фуқаровий жавобгарнинг вакиллари тариқасида адвокатлар, вакил сифатида иштирок этишга махсус рухсатномалари бўлган шахслар, суриштирувчи, терговчи, прокурорнинг қарори ёки суднинг ажримига кўра ишда қатнашишга рухсат берилган яқин қариндошлар ва бошқа шахслар иштирок этишлари мумкин.

Вакилнинг ишда иштирок этиши учун унинг жабрланувчи, фуқаровий даъвогар ёки фуқаровий жавобгар билан тузган **топшириқ шартномаси асос** бўлади. Юридик шахснинг вакили сифатида унинг раҳбари иштирок этиши учун алоҳида ваколатнома керак эмас. Раҳбар томонидан берилган ишонч қоғози бўйича юридик шахсларнинг вакиллари сифатида унинг штатдаги ходимларига ва адвокатларга рухсат этилади.

Жабрланувчининг, фуқаровий даъвогарнинг ёки фуқаровий жавобгарнинг вакили ишда ўзи вакиллик қилаётган шахс билан бирга, шунингдек унинг ўрнида ҳам иштирок этади. Жабрланувчи, фуқаровий даъвогар ва фуқаровий жавобгар иш юритишнинг исталган вақтида вакилдан воз кечишга ёки бошқа шахсни вакил қилиб олишга ҳақлидир (ЖПК 62-моддаси).

Вакил қуйидаги ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга. Жабрланувчининг, фуқаровий даъвогарнинг, фуқаровий жавобгарнинг вакили тегишлича жабрланувчи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар эга бўлган процессуал ҳуқуқлардан фойдаланади. Вакил иш юритишнинг исталган вақтида ўз мажбуриятларини бажаришни давом эттиришдан воз кечишга ҳақлидир. Ўзи вакиллик қилаётган шахсларнинг ҳуқуқи ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиши; уларнинг ишончини суиистеъмол қилмаслиги; суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суднинг чақирувига биноан ҳозир бўлиши; ҳақиқатни аниқлашга далилларни йўқ қилиш, сохталаштириш, гувоҳларни кўндиришга уриниш ва

қонунга хилоф бошқа ҳаракатлар билан тўсқинлик қилмаслиги; ишнинг тергови ва суд мажлиси вақтида тартибга риоя этиши шарт (ЖПК 63-моддаси).

ЖПКнинг 64-моддасига мувофиқ, суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки судья гумон қилинувчига, айбланувчига, судланувчига, шунингдек жабрланувчига, фуқаровий даъвогарга, фуқаровий жавобгарга ва уларнинг вакилларига берилган ҳуқуқларини тушунтириб бериши ва бу ҳуқуқларни амалга ошириш имкониятларини таъминлаши шарт. Шу билан бирга процесс иштирокчиларига юкланган мажбуриятлар ва уларни бажармаслик оқибатлари тушунтирилиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодексининг “**Жиноят процессида иштирок этувчи бошқа шахслар**” деб номланган **VI боби 65–75**-моддаларни ўз ичига олган бўлиб ушбу моддаларда қуйидагилар тавсифланади.

Гувоҳ (ЖПК 65-м). Жиноят иши бўйича аниқланиши лозим бўлган бирор ҳолатни билиши мумкин бўлган ҳар қандай шахс гувоҳ сифатида кўрсатув бериш учун чақирилиши мумкин.

Гувоҳнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари (ЖПК 66-м). Гувоҳ: адвокатнинг юридик ёрдамидан фойдаланиш; тергов ҳаракатларида адвокат билан бирга иштирок этиш; сўроқ юритилаётган тилни билмаса ёки етарлича билмаса, ўз она тилида кўрсатувлар бериш ва бу ҳолда таржимон хизматидан фойдаланиш; унинг сўроқ қилинишида иштирок этувчи таржимонни рад қилиш; кўрсатувларини ўз қўли билан ёзиб бериш; ўзига қарши кўрсатув бермаслик; сўроқ баённомаси билан танишиш, унга қўшимча ва ўзгартишлар киритиш; кўрсатувлар беришда ёзма белгилар ва ҳужжатлардан фойдаланиш; ўз манфаатларини ҳимоя қилиш учун, суриштирувчининг, терговчининг, прокурорнинг ва суднинг ҳаракатлари ҳамда қарорлари устидан шикоятлар келтириш ҳуқуқига эга.

Гувоҳ: суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суднинг чақирувига биноан ҳозир бўлиши; иш бўйича ўзига маълум ҳамма нарса ҳақида ҳаққоний сўзлаб бериши; берилган саволларга жавоб қайтариши; иш бўйича ўзига маълум бўлган ҳолатларни сўроқ қилувчининг рухсатисиз ошкор этмаслиги; ишнинг тергови ва суд мажлиси вақтида **тартибга риоя этиши шарт**. (Акс ҳолда ЎзР ЖКнинг Суриштирув ёки дастлабки тергов маълумотларини ошкор қилиш 239-м. Жиноий жавобгарлик белгиланган). Гувоҳ узрсиз сабабга кўра келмаган тақдирда ЖПКнинг 261–264-моддаларида назарда тутилган тартибда мажбурий равишда олиб келиниши мумкин.

Гувоҳ кўрсатув беришдан бош тортганлик, шунингдек била туриб ёлғон кўрсатув берганлик учун қонунда белгиланган тарзда жавобгар бўлади (ЎзР ЖКнинг Ёлғон гувоҳлик бериш 238-м. Жиноят процессини юритиш қатнашчиларининг ўз зиммасидаги вазифани бажаришдан бўйин товлаши 240-м. Жиноий жавобгарлик белгиланган).

Эксперт (ЖПК 67-м). Хулоса бериш учун зарур фан, техника, санъат ёки ҳунар соҳасида махсус билимларга эга бўлган ҳар қандай жисмоний шахс эксперт сифатида чақирилиши мумкин.

Эксперт чақириш, экспертиза тайинлаш ва ўтказиш ЖПКнинг 172 — 187-моддаларида назарда тутилган тартибда амалга оширилади.

Экспертнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари (ЖПК 68-м) Эксперт: экспертиза предметига оид иш материаллари билан танишиш, улардан зарур маълумотларни ёзиб олиш ёки кўчирма нусхалар олиш; экспертизани ўтказиш учун зарур бўлган қўшимча материаллар ва текшириш объектлари тақдим этилиши ҳақида илтимосномалар бериш; тергов ҳаракатлари ўтказилаётганда суриштирувчи, терговчи, прокурорнинг рухсати билан ҳозир бўлиш ҳамда шу тергов ҳаракатларида иштирок этувчи шахсларга экспертиза предметига оид саволлар бериш; суд муҳокамасида экспертиза предметига оид далилларни текширишда иштирок этиш ва сўроқ қилинаётган шахсларга суднинг рухсати билан саволлар бериш; ашёвий далиллар ва ҳужжатларни кўздан кечириш; ўз хулосасида нафақат ўзининг олдига қўйилган саволлар бўйича, балки экспертиза предметига оид ва иш учун аҳамиятга молик бошқа масалалар

бўйича ҳам фикрларини баён этиш; унинг хулосаси ёки кўрсатувлари процесс иштирокчилари томонидан нотўғри талқин қилинганлиги хусусида тергов ҳаракати ёки суд мажлиси баённомасига киритилиши лозим бўлган баёнотлар бериш; агар у иш юритилаётган тилни билмаса ёки етарлича билмаса, ўз она тилида хулоса тақдим этиш ва кўрсатувлар бериш ҳамда бундай ҳолда таржимон хизматидан фойдаланиш; агар ишни юритаётган суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суднинг қарорлари, ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) экспертнинг ҳуқуқ ва эркинликларини бузаётган бўлса, бу қарорлар, ҳаракатлар (ҳаракатсизлик) устидан шикоятлар қилиш ҳуқуқига эгадир.

Эксперт: ЖПКнинг 76 ва 78-моддаларида назарда тутилган асослар мавжуд бўлган тақдирда ўзини ўзи рад этиши ҳақида дарҳол арз қилиши; ўзига тақдим этилган текшириш объектларини ҳар томонлама ва тўлиқ текширишдан ўтказиши, ўз олдига қўйилган саволлар юзасидан асосли ва холисона ёзма хулоса бериши; суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суднинг чақирувига биноан суриштирувда, дастлабки терговда ёки суд мажлисида шахсан иштирок этиш учун келиши; ўзи ўтказган экспертиза хусусида кўрсатувлар бериши ва ўзи берган хулосани тушунтириш учун қўшимча саволларга жавоб бериши; экспертизани ўтказиши муносабати билан ўзига маълум бўлиб қолган маълумотларни ошкор қилмаслиги; тақдим этилган текшириш объектлари ва иш материалларининг сақланишини таъминлаши; иш тергов қилинаётганда ва суд муҳокамаси вақтида **тартибга риоя қилиши шарт.**

Эксперт узрсиз сабабларга кўра келмаган тақдирда қонунда назарда тутилган жавобгарликка тортилиши мумкин.

Эксперт била туриб нотўғри хулоса берганлиги, суриштирув ёки дастлабки тергов маълумотларини суриштирувчи, терговчи ёхуд прокурорнинг рухсатисиз ошкор қилганлиги, шунингдек узрсиз сабабларга кўра хулоса беришни рад этганлиги ёки бу ишдан бўйин товлаганлиги учун жиноий жавобгар бўлади. (ЎзР ЖКнинг 238–240-моддалари бўйича жиноий жавобгарлик белгиланган).

Мутахассис (ЖПК 69-м) Тергов ва суд муҳокамасини ўтказишда далилларни топиш ва мустаҳкамлашда суриштирувчига, терговчига, прокурорга ва судга ёрдам бериш учун мутахассис чақирилади. Мутахассис сифатида шифокор, педагог ҳамда зарур билим ва малакага эга бўлган бошқа шахслар чақирилиши мумкин.

Ҳимоячининг илтимосномасига кўра суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд томонидан мутахассис тушунтириш бериш учун чақирилиши мумкин.

Тергов ва суд муҳокамасини ўтказишда илмий-техника воситаларини (магнитофон, видеомагнитофон, кинога олиш аппаратлари ва бошқа аппаратларни) қўллаш учун мутахассис чақирилиши мумкин.

Тергов ва суд муҳокамасига мутахассис чақириш ҳамда унинг иштирок этиши тартиби ЖПКнинг 91, 92, 136–138, 146, 147, 149, 151, 156-моддаларида, 22^1-бобида ва 193-моддасида назарда тутилган тартибда амалга оширилади.

Мутахассиснинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари: ўзининг қандай мақсадда чақирилганлигини билиш; башарти тегишли билимларга эга бўлмаса, иш юритишда иштирок этишдан бош тортиш; ўзи иштирок этаётган процессуал ҳаракатларга оид иш материаллари билан танишиш; ўзи иштирок этаётган процессуал ҳаракатларга алоқадор арз ва мулоҳазалар билдириш; тергов ҳаракатлари ва суд муҳокамасида иштирок этаётган шахсларга суриштирувчининг, терговчининг, прокурор ва суднинг рухсати билан саволлар бериш; суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суднинг ҳаракатлари устидан шикоятлар келтириш ҳуқуқига эгадир.

Мутахассис: суриштирувчи, терговчи, прокурор, суднинг чақирувига биноан ҳозир бўлиши; тергов ҳаракатлари ва суд муҳокамасини юритишда далилларни топиш ва мустаҳкамлаш учун илмий-техника воситалари, махсус билим ва малакасидан фойдаланган ҳолда иштирок этиши; иш бўйича ҳақиқатни аниқлаш учун аҳамиятли бўлган ҳолатларга суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суднинг эътиборини қаратиши; ўзи бажараётган ҳаракатлар бўйича тушунтиришлар бериши; жиноятнинг келиб чиқиш сабабларини, содир

қилинишига имкон берган шароитларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш чораларини ишлаб чиқишда суриштирувчига, терговчига, прокурорга ва судга ёрдам бериши; суриштирувчининг, терговчининг, прокурорнинг рухсатисиз суриштирув ва дастлабки тергов материалларини ошкор этмаслиги; ишнинг тергови ва суд мажлиси вақтида тартибга риоя этиши шарт. (ЎзР ЖКнинг Суриштирув ёки дастлабки тергов маълумотларини ошкор қилиш 239-моддаси бўйича жиноий жавобгарлик белгиланган).

Таржимон (ЖПК 71-м) Таржимон қуйидаги ҳолларда чақирилади:

1) гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи ёки жабрланувчи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар ёхуд уларнинг вакиллари, гувоҳ, эксперт, мутахассис иш юритилаётган тилни билмаса ёки етарли даражада билмаса ёинки кар ёки соқов бўлса;

2) бирор матнни бошқа тилдан таржима қилишга зарурат бўлса.

Таржимонга тегишли қоидалар иш юритишда иштирок этиш учун таклиф қилинган, кар ёки соқовнинг имо-ишораларини тушунадиган шахсга нисбатан ҳам қўлланилади.

Таржимоннинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари: таржимани аниқлаштириш мақсадида процесс иштирокчиларига саволлар бериш; ўзи қатнашган тергов ҳаракатлари баённомаси, шунингдек суд мажлиси баённомаси билан танишиш ҳамда баённомага киритилиши лозим бўлган мулоҳазалар билдириш; башарти таржима қилиш учун зарур билим ва малакага эга бўлмаса, иш юритишда иштирок этишдан воз кечиш; суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суднинг ҳаракатлари ва қарорлари устидан шикоят келтириш ҳуқуқига эгадир.

Таржимон: суриштирувчининг, терговчининг, прокурорнинг, суднинг чақирувига биноан ҳозир бўлиши; ўзига топширилган таржимани аниқ ва тўлиқ бажариши; таржиманинг тўғрилигини ўзининг иштирокида ўтказилган тергов ҳаракати баённомаси ва суд мажлисининг баённомасига, шунингдек процесс иштирокчиларига уларнинг она тилига ёки улар биладиган бошқа тилга таржима қилиб топшириладиган процессуал ҳужжатларга имзо чекиш билан тасдиқлаши; суриштирувчининг, терговчининг, прокурорнинг рухсатисиз суриштирув ва дастлабки тергов материалларини ошкор қилмаслиги; ишнинг тергови ва суд мажлиси вақтида тартибга риоя этиши шарт.

(ЎзР МЖтКнинг Судга ҳурматсизлик қилиш 180-м., ЎзР ЖКнинг Суриштирув ёки дастлабки тергов маълумотларини ошкор қилиш 239-моддаси билан тегишли жавобгарликка тортишга сабаб бўлади).

Таржимон била туриб нотўғри таржима қилган тақдирда қонунда белгиланган жиноий жавобгарликка тортилади. (ЎзР ЖКнинг Ёлғон гувоҳлик бериш 238-моддаси билан жавобгарликка тортишга сабаб бўлади).

Холислар (ЖПК 73-м) суриштирувчи, терговчи, прокурор томонидан тергов ёки бошқа ҳаракатлар ўтказилганини, уни ўтказиш жараёни ва натижаларини тасдиқлаш учун ЖПКда назарда тутилган ҳолларда чақирилади.

Тергов ҳаракатларини юритишда иштирок этиш учун ишнинг оқибатидан манфаатдор бўлмаган, камида икки нафар вояга етган фуқаро чақирилиши лозим. Тергов ҳаракатини бошлашдан олдин суриштирувчи, терговчи ёки прокурор холисларга уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтиради.

74-модда. Холисларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари (ЖПК 74-м) Холис: тергов ҳаракатида иштирок этиш; тергов ҳаракати бўйича баённомага киритилиши лозим бўлган арз ва мулоҳазалар бериш; ўзи иштирок этган тергов ҳаракатининг баённомаси билан танишиш; суриштирувчи, терговчи, прокурорнинг ҳаракатлари ва қарорлари устидан шикоят келтириш ҳуқуқига эгадир. Холис: суриштирувчининг, терговчининг, прокурорнинг чақирувига биноан ҳозир бўлиши; тергов ҳаракатини юритишда иштирок этиши; тергов ҳаракати ўтказилгани, уни ўтказиш жараёни ва натижаларини тергов ҳаракати баённомасида имзо чекиб тасдиқлаши; суриштирувчи, терговчи, прокурорнинг рухсатисиз суриштирув ва дастлабки тергов материалларини ошкор қилмаслиги шарт (ЎзР ЖКнинг Суриштирув ёки дастлабки тергов маълумотларини ошкор қилиш 239-моддаси бўйича жиноий жавобгарликка сабаб бўлади).

Холис узрсиз сабабга кўра ўз вазифасини бажаришдан бош тортганлик учун қонунда белгиланган жавобгарликка тортилади.(ЎзР МЖтКнинг 194-моддаси бўйича маъмурий жавобгарликка сабаб бўлади).

Холис ўзи иштирок этган тергов ҳаракатини юритиш билан боғлиқ ҳолатлар бўйича гувоҳ тариқасида сўроқ қилиниши мумкин. У бундай ҳолларда ЖПКнинг 66-моддасида назарда тутилган (гувоҳнинг) ҳуқуқларидан фойдаланади ва мажбуриятларни бажаради.

ЖПКнинг 75-моддасида Жабрланувчиларга ва уларнинг вакилларига, гувоҳларга, экспертларга, мутахассисларга, таржимонларга ва холисларга уларнинг сарф-харажатларини тўлаш тартибга солинган бўлиб

Жабрланувчи ёки унинг вакили, гувоҳ, эксперт, мутахассис, таржимон ёки холис сифатида чақирилган шахснинг иш жойидаги ўртача ойлик маоши унинг суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд ҳузурига чақирилиши муносабати билан кетган ҳамма вақт учун сақланади. Ишламайдиган шахсларга улар кундалик машғулотлари билан шуғуллана олмаганликлари учун ҳақ тўланади. Бундан ташқари кўрсатилган ҳамма шахслар чақирилиш муносабати билан қилган сарф-харажатларини ундириш ҳуқуқига эгадирлар.

Эксперт, мутахассис ва таржимон ўз мажбуриятларини бажарганликлари учун ҳақ олиш ҳуқуқига эга. Ушбу мажбуриятлар хизмат топшириғи тарзида бажарилган ҳоллар бундан мустасно.

Сарф-харажатлар қонунда белгиланган тартибда ва миқдорда тўланади.

Мустақил тайёргарлик учун топшириқ

1. Тингловчилар мустақил таълим машғулотида ЎзР МЖтК, ЎзР ЖПКларнинг процессуал нормаларини ўрганадилар ва тегишли модда ҳамда бандларини конспектлаштириб оладилар.
2. Маъмурий ҳуқубузарлик тўғрисидаги ишни юритишда қатнашувчи шахслар ҳамда уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари?
3. Жиноят процесси иштирокчиларининг гуруҳларга бўлиниши?
4. Жиноят процессида ўз манфаатларини ҳимоя қиладиган шахслар.
5. Жиноят процессида иштирок этувчи бошқа шахслар.

5. ХИЗМАТ ЖАРАЁНИДА ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ХОДИМЛАРИНИНГ КАСБИЙ МАДАНИЯТИ ВА ХИЗМАТ ИНТИЗОМИ КОДЕКСИНИНГ АҲАМИЯТИ МОДУЛИ.

5.1.-Мавзу: Ички ишлар органларида касбий маданият қоидалари, хизмат интизомига оид талаблар, бошлиқлар ва ходимларнинг ўзаро муносабатлари

Назарий машғулот (2 соат)

РЕЖА:

1. Ички ишлар органларида касбий маданият қоидалари
2. Ички ишлар органларида хизмат интизомига оид талаблар
3. Ички ишлар органларида бошлиқлар ва ходимларнинг ўзаро муносабатлари

1- ўқув саволи: Ички ишлар органларида касбий маданият қоидалари.

Касбий маданият қоидалари қайси лавозимни эгаллашидан қатъи назар, ходимларнинг одоб-ахлоқи ва хизматда ўзини тутишнинг асосий талаб ва мезонларни ўз ичига олади.

Ходимлар касбий маданият қоидаларининг қуйидаги асосий талабларига амал қилишга мажбурдир:

фуқаролар билан мулоқотда хушмуомала, камтар ва босиқ бўлиш, ижтимоий келиб чиқиши, иқтисодий аҳволи ва бошқа омиллардан қатъи назар, ҳеч бир шахс, гуруҳ ёки ташкилотнинг камситилиши ёки афзал кўрилишига йўл қўймаслик;

Ўзбекистон Республикаси ва бошқа давлатлар халқларининг урф-одат ва анъаналарини ҳурмат қилиш, турли этник, ижтимоий гуруҳ ҳамда конфессияларнинг маданий ва бошқа хусусиятларини инобатга олиш, ижтимоий барқарорлик, миллатлар ва динлараро ҳамжиҳатликка кўмаклашиш;

жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини тўлиқ, холисона ва ўз вақтида қонуний кўриб чиқиш;

ўз хизмат бурчини виждонан бажаришига нисбатан фуқароларда шубҳа уйғотувчи хатти-ҳаракатдан тийилиш, шунингдек, ички ишлар органлари обрўсига салбий таъсир кўрсатувчи низоли вазиятларни юзага келтирмаслик;

ўз хизмат мажбуриятларини бажараётганда фуқаролар ва бошқа шахсларни камситмаслик, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳисобга олиш;

хизмат мажбуриятларини бажаришга тўсқинлик қиладиган ёки уларни бажаришда бирон-бир шахсий, мулкий ёки бошқа манфаатларга дахлдор бўлиши мумкин бўлган ҳаракатлар (ҳаракатсизлик)дан ўзини тийиш;

гуруҳбозлик, маҳаллийчилик, таниш-билишчилик кўринишларига, шунингдек, ўз хизмат вазифаларини бажариш жараёнида бошқа салбий ҳолатларга йўл қўймаслик ва қатъий равишда уларнинг олдини олиш;

ички ишлар органларининг фаолияти тўғрисида жамоатчиликни хабардор қилишда расмий оммавий ахборот воситалари вакилларига ҳурмат билан муносабатда бўлиш, шунингдек, уларнинг белгиланган тартибда ишончли маълумотларни олишига кўмаклашиш;

ўз хизмат вазифаларини виждонан, ҳалол ва юксак профессионал даражада бажариш, расмиятчилик, сохтакорлик ва суиистеъмолчиликка йўл қўймаслик;

ички тартиб-қоидаларга, шунингдек, телефонда сўзлашиш ва кийиниш маданиятига қатъий риоя этиш;

ижтимоий тармоқларда давлат органлари ва мансабдор шахслар фаолиятини муҳокама қилмаслик, ахлоққа зид ибораларни ишлатмаслик, мамлакатда, шу жумладан, ички ишлар органларида амалга оширилаётган ислоҳотларга нисбатан одамларда

ишончсизлик кайфиятини юзага келтириши мумкин бўлган нохолис, субъектив материалларни жойлаштирмаслик;

ўз хизмат мажбуриятларини бажараётганда хизмат хоналари, давлат мулки, моддий-техника базасидан ҳамда ички ишлар органларининг бошқа мулкидан фақат хизмат мақсадларида фойдаланиш.

2-ўқув саволи: Ички ишлар органларида хизмат интизомига оид талаблар.

Ички ишлар органларида хизмат интизоми ходимлар томонидан ушбу Кодекс талабларига қатъий ва сўзсиз риоя этишдан иборат.

Хизмат интизоми ҳар бир ходимнинг хизмат бурчини юксак даражада англашига ва қўйилган вазифалар учун шахсий жавобгарлигини чуқур тушунишига асосланади.

Хизмат интизоми ҳар бир ходим зиммасига қуйидаги мажбуриятларни юклайди:

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишларига амал қилиш, ИИВнинг норматив ҳужжатлари талабларини қатъий бажариш;

ички ишлар органи ходимининг қасамёдига содиқ бўлиш, фақат ва фақат халқ ва давлат манфаатларига хизмат қилишдан иборат бўлган ўз хизмат бурчини сўзсиз бажариш;

фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини, жисмоний ва юридик шахсларнинг мулкини, конституциявий тузумни ҳимоя қилиш, қонун устуворлигини, шахс, жамият ва давлатнинг хавфсизлигини таъминлаш, шунингдек, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактикаси йўлида фидойилик билан хизмат қилиш;

ўзига юклатилган хизмат вазифалари ва функционал мажбуриятларини самарали амалга ошириш;

ишониб топширилган табель қуроли, мол-мулк ва техникани асраб-авайлаш;

ҳушёр бўлиш, давлат ва хизмат сирини қатъий сақлаш;

мураккаб вазифаларни бажаришда ҳамкасбларига кўмаклашиш;

ходимлар ўртасида ўзаро муносабатларга оид қоидаларга амал қилиш, бошлиқлар ва ҳамкасбларни ҳурмат қилиш;

хизмат гувоҳномаларини сақлаш ва фойдаланиш тартибига қатъий риоя этиш, улардан хизматга алоқадор бўлмаган ҳолатларда фойдаланмаслик, шу жумладан, хизмат гувоҳномасини кўрсатиб, мавқеини суиистеъмол қилмаслик;

доимий равишда ўз билим ва касбий кўникмаларини такомиллаштириб бориш, малака ва ҳуқуқий маданиятини ошириш;

хизматдан ташқари ҳолатларда ўзини муносиб равишда тутиш, жамоат тартиби ва одоб-ахлоқ қоидаларига амал қилишда намуна бўлиш.

3-ўқув саволи: Ички ишлар органларида бошлиқлар ва ходимларнинг ўзаро муносабатлари.

Ходим хизмат вазифасини бажариш пайтида бевосита ва тўғридан-тўғри бошлиққа бўйсунади.

Ходимлар хизмат бўйича бўйсунадиган, шу жумладан, вақтинча бўйсунадиган раҳбарлар тўғридан-тўғри бошлиқлар бўлиб ҳисобланади.

Ходимга энг яқин бўлган тўғридан-тўғри раҳбар бевосита бошлиқ ҳисобланади.

Бошлиқ ўзи раҳбарлик қилаётган ички ишлар органи бўлинмасида хизмат интизомига риоя этилиши, маънавий-маърифий ва тарбиявий ишлар самарали амалга оширилиши учун шахсан жавобгар ҳисобланади.

Бошлиқ унга бўйсунувчи ходимлар томонидан Кодексга амал қилинишида талабчан бўлиши, юксак касбий маҳорат, қонунийлик талаблари ҳамда қасамёдга риоя этиш борасида доимий равишда уларга намуна кўрсатиши, хизмат бурчи ҳиссини кучайтириши

ва қўллаб-қувватлаши, ташаббус, интилиш ва хизматларини рағбатлантириши, шунингдек, хизмат интизоми бузилган ҳолатларда таъсир чоралари қўлланилишини таъминлаши зарур.

Буйруқ ва топшириқлар бўйсуниш тартибида берилади. Юқори турувчи бошлиқ зарур ҳолларда ходимга бевосита бошлиғини хабардор қилмасдан буйруқ ёки топшириқ беришга ҳақли. Мазкур ҳолларда ходим ўзининг бевосита бошлиғини бундан хабардор қилиши зарур.

Ноқонунийлиги яққол кўриниб турган ва хизмат фаолиятига алоқаси бўлмаган буйруқ ва топшириқлар берилишига йўл қўйилмайди.

Бошлиқ қўл остидаги ходимлардан уларнинг хизмат мажбуриятлари доирасидан чиқувчи топшириқларни бажаришни, шунингдек, қонунга хилоф хатти-ҳаракатлар (ҳаракатсизлик) содир этишни талаб қилишга ҳақли эмас.

Ходим қонунга яққол зид бўлган (хизмат фаолиятига алоқадор бўлмаган) буйруқ ёки топшириқ олганда зудлик билан юқори турувчи раҳбарга ёки хизматни ўташ жойидаги шахсий хавфсизлик бўлинмасига хабар беради.

Ходим юқори турувчи раҳбар ёки шахсий хавфсизлик бўлинмасига хабар бериш имконияти бўлмаган тақдирда қонунчилик талабларига риоя этган ҳолда ғайриқонуний буйруқ ва топшириқларни бажаришдан бош тортишга ҳақли, имкон пайдо бўлиши билан уларни хабардор қилиши лозим.

Мустақил тайёргарлик учун топшириқ

1.Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 16 сентябрдаги “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги ЎРҚ-407-сонли қонунни ўрганиш;

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 ноябрдаги “Ички ишлар органлари кадрлари билан ишлаш ва уларнинг хизматини ташкил этиш тартибини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3413-сон қарорини ўрганиш;

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 20 январдаги “Ички ишлар органларини халқчил профессионал тузилмага айлантириш ва аҳоли билан янада яқин ҳамкорликда ишлашга йўналтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-10-сонли қарорини ўрганиш.

5.2.- Мавзу: Ички ишлар органларида касбий маданият ва хизмат интизомини таъминлаш.

Назарий машғулот (2 соат)

РЕЖА:

1. Рағбатлантириш чоралари ва уларни бериш тартиби.
2. Интизомий жазо чоралари ва уларни қўллаш тартиби.
3. Бошлиқнинг ҳаракатлари устидан шикоят қилиш.

1-ўқув саволи: Рағбатлантириш чоралари ва уларни бериш тартиби.

Рағбатлантириш чоралари, қоида тариқасида, қуйидагича қўлланилади:

миннатдорлик эълон қилиш — касбий маданият қоидаларига риоя этиб, юклатилган вазифани, бошлиқнинг буйруғи ёки топшириғини муваффақиятли бажарган ходим (ходимлар гуруҳи)га нисбатан;

қимматбаҳо ёки эсдалик совға ёхуд пул мукофоти билан тақдирлаш — касбий маданият қоидалари ва хизмат интизоми талабларига риоя этган ходим (ходимлар гуруҳи)га нисбатан хизмат фаолияти давомида юқори натижаларга эришгани, хизмат вазифасини намунали бажаргани ва бенуқсон хизмати учун, шунингдек, захирага (истеъфога) чиқиши муносабати билан ёки мусобақа (беллашув)нинг якуний натижаларига кўра;

фахрий ёрлиқ билан тақдирлаш — касбий маданият қоидалари ва хизмат интизоми талабларига риоя этган ходим (ходимлар гуруҳи)га нисбатан хизмат фаолияти давомида

юқори натижаларга эришгани, хизмат вазифасини намунали бажаргани учун, шунингдек, мусобақа (беллашув)нинг якуний натижаларига кўра ва ўқишни (ўқув йилини) муваффақиятли якунлаганда;

идоравий кўкрак нишони билан тақдирлаш — ходимга нисбатан юқори хизмат интизоми, касбий маданияти ва кўп йиллик бенуқсон хизмати, ички ишлар органлари тизимини такомиллаштиришга салмоқли ҳисса қўшгани, хизмат бурчини бажариш чоғида мардлик ва жасорат кўрсатгани, шунингдек, ёш авлодни Ватанга садоқат руҳида тарбиялашга муносиб ҳисса қўшгани учун;

муддатидан олдин навбатдаги махсус унвон бериш ёки эгаллаб турган лавозими билан кўзда тутилгандан бир поғона юқори махсус унвон бериш — ходимга нисбатан юқори хизмат интизоми, касбий маданияти, хизмат бурчини бажариш чоғида кўрсатган қаҳрамонлиги, жасорати ва фидойилиги, ички ишлар органлари амалий фаолиятига салмоқли илмий ҳисса қўшгани (илмий даражани олганда), хизмат вазифаларини юксак даражада бажаришда намуна бўлгани учун (ички ишлар органларида хизмат ўташ масалаларини тартибга солувчи қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ);

таълим муассасаси ҳудудидан навбатдан ташқари чиқиб келиш — юклатилган вазифаларни, командирларнинг буйруқ ёки топшириқларини виждонан бажарган ИИВ таълим муассасаларининг курсантлари (тингловчилари)га нисбатан;

«Ҳурмат тахтаси»га киритиш — ижтимоий-маданий ҳаётда фаол иштирок этган, ўқув дастурларини аъло баҳоларга ўзлаштирган ИИВ таълим муассасаларининг курсантлари (тингловчилари)га нисбатан;

ота-онасига ёки турар жойига миннатдорлик хати юбориш — ижтимоий-маданий ҳаётда фаол иштирок этган, ўқув мавсумини аъло баҳолар билан якунлаган ИИВ таълим муассасаларининг курсантлари (тингловчилари)га нисбатан;

Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири ёки «Жалолиддин Мангуберди» стипендиясини тайинлаш — ижтимоий-маданий ҳаётда фаол иштирок этган, ўқув ва хизмат интизомига риоя қилишда намуна бўлган, ўқув йилини аъло баҳолар билан якунлаган ИИВ таълим муассасаларининг курсантларига нисбатан.

2-ўқув саволи: Интизомий жазо чоралари ва уларни қўллаш тартиби.

Интизомий жазо чоралари, қоида тариқасида, қуйидагича қўлланилади:

танбеҳ — юклатилган вазифаларни, бошлиқнинг топшириқлари ва услубий кўрсатмаларни бажармаган, хизмат кийимини кийиш қоидаларини бузган ходимларга нисбатан;

ҳайфсан — норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва Кодекс талабларини, хизмат гувоҳномасидан фойдаланиш, фуқаролар ҳамда ҳамкасблари билан муомала маданияти қоидаларини бузган, белгиланган кун тартибига мунтазам равишда амал қилмаган ва хизмат мажбуриятларини бажармаган, жамоадаги маънавий-руҳий муҳитга салбий таъсир кўрсатган ходимларга нисбатан;

қаттиқ ҳайфсан — амалдаги «ҳайфсан» интизомий жазоси бўлган ходимларга нисбатан, касбий маданият қоидалари ва хизмат интизоми талабларини, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва Кодекс нормаларини такроран бузганлиги учун;

лавозим маошининг эллик фоиздан кўп бўлмаган миқдорда жарима — амалдаги интизомий жазоси бор-йўқлигидан қатъи назар, касбий маданият қоидалари ва хизмат интизоми талабларини, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва Кодекс нормаларини қўпол равишда бузган, хизмат бурчига масъулиятсиз ёндашган, иш самарадорлиги паст бўлган ходимларга нисбатан;

махсус унвонини бир поғона пасайтириш ёки эгаллаб турган лавозимидан озод этиш — амалдаги интизомий жазоси бўлган, касбий маданият қоидалари ва хизмат интизоми талабларини, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва Кодекс нормаларини қўпол равишда бузган, хизматни ўташга лоқайдлик билан муносабатда бўлган, юклатилган хизмат мажбуриятларини бажармаган ходимларга нисбатан;

гауптвахтада ҳибсда ушлаб туриш — интизомий жазонинг қатъий чораси сифатида ички ишлар органлари хизматидан бўшатиш учун асос бўладиган ножўя хатти-ҳаракатни содир этган ходимларга нисбатан;

ички ишлар органлари хизматидан бўшатиш — хизмат интизомини қўпол равишда бузган, ички ишлар органи ходими шаънига путур етказувчи хатти-ҳаракат содир этган, интизомий жазо чораси мавжуд бўлган тақдирда, мунтазам равишда хизмат интизомини бузган, қонун ҳужжатларида белгиланган чеклов ва тақиқларга риоя этмаган ходимларга нисбатан;

навбатдан ташқари нарядда хизмат ўташга ёки беш суткагача хўжалик ишларига жалб этиш, бир ой муддатгача таълим ташкилоти ҳудудидан навбатдаги чиқиш ҳуқуқидан маҳрум қилиш — юклатилган вазифаларни ёки командир (бошлиқ)нинг топшириқларини бажармаган, таълим ташкилотининг ўрнатилган ички тартиб-қоидаларини бузган, ўқув дастурини қониқарсиз ўзлаштирган ИИВ таълим муассасалари курсантлари (тингловчилари)га нисбатан;

курсант (тингловчи)лар рўйхатидан ўчириш — ИИВ таълим муассасалари курсант (тингловчи)ларига нисбатан касбий маданият қоидалари ва хизмат интизоми талабларини бузганлиги, ўқув дастурини ўзлаштира олмаганлиги учун.

3-ўқув саволи: Бошлиқнинг ҳаракатлари устидан шикоят қилиш.

Ҳар бир ходим бошлиқнинг унга нисбатан қонунга зид ёки ноҳақ ҳаракатлари устидан юқори турувчи раҳбар ёки хизмат жойидаги шахсий хавфсизлик бўлинмасига ёзма шикоят беришга ҳақли.

Ходимнинг шикоятида баён этилган масалаларни ҳал этиш ваколатига кирмайдиган юқори турувчи раҳбар ушбу мурожаатни беш кун муддатда ваколатли идорага юборади.

Юқори турувчи раҳбарга ёки хизмат жойидаги шахсий хавфсизлик бўлинмасига қонунчиликни бузиш фактлари ёхуд ўзига нисбатан ноҳақ муносабатда бўлинганлиги ҳақида мурожаат этганлиги учун қўл остидаги ходимни таъқиб этган бошлиқ интизомий тартибда жавобгарликка тортилади (агар унинг хатти-ҳаракатлари жиноий жавобгарликка олиб келмаса).

Ходимларнинг шикояти бир ой ичида ҳал этилади, қўшимча текширув талаб этмайдиганлари эса зудлик билан, бироқ келиб тушган кундан эътиборан 15 кундан кечиктирмаган ҳолда кўриб чиқилади.

Қасддан ёлғон шикоят билан мурожаат этган ходимлар белгиланган тартибда жавобгарликка тортилади.

Мустақил тайёргарлик учун топшириқ

1.Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 16 сентябрдаги “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги ЎРҚ-407-сонли қонунни ўрганиш;

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 ноябрдаги “Ички ишлар органлари кадрлари билан ишлаш ва уларнинг хизматини ташкил этиш тартибини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3413-сон қарорини ўрганиш;

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 20 январдаги “Ички ишлар органларини халқчил профессионал тузилмага айлантириш ва аҳоли билан янада яқин ҳамкорликда ишлашга йўналтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-10-сонли қарорини ўрганиш.

II. МАХСУС БЛОК

МАХСУС БЛОКНИНГ ЎҚУВ МАШҒУЛОТЛАРИНИ ЎТКАЗУВЧИ ПРОФЕССОР-ЎҚИТУВЧИЛАР УЧУН НАМУНАВИЙ МЕТОДИК ТАВСИЯЛАР.

Махсус блок 104 соатга мўлжалланган ностандарт ва мураккаб муаммоли вазиятларда профилактика инспекторларнинг фуқаролар билан мулоқот жараёнига доир модуллар бўйича алоҳида ситуацион ўқув машғулотлар тарзида ўтказилади.

Ўқув машгулотлари ҳар бир модулнинг ўзига хос хусусиятидан келиб чиққан ҳолда семинар *(семинар-тренинг, баҳс-мунозара, суҳбат ва бошқа.)*, мустақил таълим ва ситуацион амалий машғулотлар орқали ностандарт шароитларда тезкор қарор қабул қилиш, вазиятни тўғри баҳолаш, мулоқот психологияси, шунингдек, жисмоний куч ишлатиш, махсус воситалар ва ўқотар қуролларни қўллаш жараёнида тингловчилар учун зарур бўлган касбий компетентликни шакллантиришни назарда тутувчи ўқитиш усуллари ва инновацион педагогик технологиялардан фойдаланган ҳолда ташкил этилади.

Ўқув машғулотлари соҳавий йўналишнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, ўқитишнинг замонавий интерактив методларига асосланган ахборот технологиялар, инновацион педагогик-технологиялар асосида ноанъанавий симуляцион машғулотлар тарзида ўтказилади.

Ўқув машғулот бошланишида ўқитувчи томонидан тингловчиларга соҳавий йўналиш фаолияти билан боғлиқ юзага келадиган муаммоли ситуацион вазиятларни яратиш (ролли ўйин орқали) ёки уларни ифодаловчи тасвирий лавҳа(видеоролик)лар намойиш этилади.

Муаммоли ситуацион вазиятларни ўқув машғулотида муҳокама этиш учун гурухдаги тингловчилар кичик гурухларга бўлинади *(кичик гурухлардаги тингловчилар сони гуруҳдаги умумий тингловчилар сонидан келиб чиқиб белгиланади)*.

Кичик гуруҳлар норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида муаммоли вазият юзасидан ўзларининг тўғри деб ҳисобланган ечимларини муҳокама қилиш учун ўртага ташлайдилар ва ўзаро фикр-мулоҳазаларини алмашадилар. Шунингдек, фуқароларнинг ва ходимларнинг хатти-ҳаракатларига ҳуқуқий жиҳатдан баҳо берадилар хамда содир этилган воқеа-ҳодисага ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришади.

Ўқув машғулотини олиб борувчи ўқитувчи гуруҳларнинг муаммоли вазият юзасидан берган таклифларини тинглаб, тўғри ечимни норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга таянган ҳолда асослайди ва кичик гуруҳлар фаолиятини объктив баҳолайди. *(Ўқитувчи томонидан машғулот давомида фаол иштирок этиб, тўғри жавоб берган тингловчилар, гуруҳлар фаолияти баҳоланиб, якунида билдирилган фикр-мулоҳаалар умумлаштирилади)*.

Ўқув машғулоти якунида ўқитувчи тингловчиларга кейинги машғулот учун топшириқ ва вазифаларни беради *(ИИО фаолияти билан боғлиқ амалиётда учрайдиган мавзуга оид мисолларни тайёрлаш)*.

Ўқув машғулотларида тингловчилар билими оралиқ ва якуний назорат орқали баҳоланади. Оралиқ назорат ҳар бир модуль якуни бўйича қабул қилинади ҳамда модуль туридан қатъи назар, икки ва ундан ортиқ модуль бўйича ижобий баҳоланмаган тингловчилар блок якунида қабул қилинадиган якуний синов имтиҳонига қўйилмайди.

Якуний синовлар 2023 йил 28 февралдаги “Ички ишлар органларининг ҳукукбузарликлар профилактикаси, йўл-патруль ва патруль-пост хизмати бўлинмалари ходимларини “Фуқаролар билан ишлаш модули” бўйича узлуксиз ўқитиш тизимини ташкил этиш тўғрисида”ги 98-сонли буйруғи билан тасдиқланган Низомнинг 4-иловасидаги Методикасига кўра қабул қилинади.

Изоҳ: *Методик тавсиялар ихтиёрий характерга эга бўлиб ҳар бир ўқитувчи машғулот моҳиятидан келиб чиқиб бошқа методлардан, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва илғор хорижий тажрибалардан ҳам фойдаланиши мумкин.*

1. ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРЛАРИНИНГ ФУҚАРОЛАР БИЛАН МУЛОҚОТ ЖАРАЁНИДА ЮЗАГА КЕЛАДИГАН МУАММОЛИ СИТУАЦИОН ВАЗИЯТЛАР МОДУЛИ.

1.1-Мавзу. Профилактика инспекторлари томонидан фуқароларнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатларини текшириш ва уларни шахсий тинтув ўтказиш жараёнида юзага келадиган муаммоли ҳолатлар.

Амалий машғулот (4-соат)

Вазият: Профилактика инспекторига бириктирилган маҳалла ҳудудида 2 нафар фуқаро қўлида сумка билан ҳаракатланиб келмоқда. Бу ерда хизмат олиб бораётган профилактика инспекторига фуқароларнинг хатти-ҳаракати шубҳали туюлиб, фуқароларни ҳужжатларини текшириш, уларни шахсига аниқлик киритиш мақсадида уларни тўхтатди. Фуқаролар профилактика инспекторининг қонуний талабига бўйсунмасдан қаршилик кўрсатди.

Муаммоли вазият бўйича профилактика инспектори томонидан амалга оширадиган ҳаракатларнинг ҳуқуқий асослари:

Ички ишлар органларининг асосий вазифалари фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини, жисмоний ва юридик шахсларнинг мулкини, конституциявий тузумни ҳимоя қилишдан, қонун устуворлигини, **шахс, жамият ва давлатнинг хавфсизлигини таъминлашдан**, шунингдек ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактикасидан **иборат.**[7]

Ички ишлар органи ходимининг ўз ваколатлари доирасида қўйилган қонуний талабларини, шу жумладан қонунга риоя этиш, **ҳужжатларни,** текширувлар материалларини ва бошқа маълумотларни **тақдим этиш,** мутахассис ажратиш, ички ишлар органига келиш ҳамда аниқланган қонунбузарликлар хусусида тушунтиришлар бериш тўғрисидаги, қоидабузарликларни, шунингдек уларнинг сабабларини ва содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни бартараф этиш **ҳақидаги қонуний талабларини** барча давлат органлари, бошқа ташкилотлар, мансабдор шахслар ва **фуқаролар томонидан бажарилиши мажбурийдир.**

Ички ишлар органи ходимининг қонуний талаблари устидан шикоят қилиниши уларнинг бажарилишини тўхтатиб турмайди.[8]

Профилактика инспекторлари қуйидаги ҳуқуқларга эга:

фуқаролар ва мансабдор шахслардан **қонунчиликка риоя этиш ва ғайриқонуний ҳаракатларни тўхтатишни талаб қилиш;**

ўз ваколатларини амалга оширишда фуқароларнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатларини текшириш, уларнинг ёнларида тақиқланган буюм ва воситалар мавжуд деб гумон қилишга асослар бўлган тақдирда, шахсий кўрикдан ўтказиш ва уларнинг ашёларини кўздан кечириш, ҳуқуқбузарликнинг қуроли ёки бевосита предмети бўлган буюм ва ҳужжатлар аниқланган тақдирда, қонунчиликда назарда тутилган тартибда уларни олиб қўйиш[9].

Ички ишлар органлари ходимининг ҳуқуқбузарликни тўхтатиш, ҳужжатларни текшириш учун тақдим этиш, ички ишлар органларига бориш ёки кўрсатилган муддатда ички ишлар органларида бўлиш тўғрисидаги қонуний талабларини узрли сабабларсиз бажармаслик, транспорт воситасини тўхтатиш, жабрланувчиларга ёрдам кўрсатиш

---

[7] Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 16 сентябрдаги “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги Қонуни 2-моддаси.

[8] Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 16 сентябрдаги “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги Қонуни 10-моддаси.

[9] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 18.04.2017 йилдаги “Ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмалари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2896-сон Қарори билан тасдиқланган “Ички ишлар органлари таянч пункти тўғрисида Низом”нинг 4-боб 14-банди.

ҳақидаги қонуний талабларини бажармаслик ёхуд ички ишлар органлари ходимининг қонуний талабларига бошқача тарзда бўйсунмаслик, худди шунингдек жамоат тартибини сақлаш ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш вазифаларини амалга ошираётган бошқа шахсларнинг **қонуний талабларини бажармаслик маъмурий жавобгарликка сабаб бўлади**[10]**.**

Ички ишлар органлари ўз ваколатлари доирасида:

фуқаролардан қонунчиликка риоя этишни, ғайриқонуний хатти-ҳаракатларни тугатишни талаб қилиш, бу талаблар бажарилмаган тақдирда эса мажбурлов чораларини қўллаш;

ўз хизмат мажбуриятларини амалга ошириш чоғида фуқароларнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатларини текшириш;

маъмурий ҳуқуқбузарликлар содир этган шахсларни қонунчиликда белгиланган тартибда ушлаш ва ички ишлар органларига олиб бориш ҳуқуқларга эга[11].

Агар куч ишлатилмайдиган усуллар ички ишлар органи ходимининг зиммасига юклатилган мажбуриятларнинг бажарилишини таъминламаса, у қуйидаги ҳолларда шахсан ўзи ёки бўлинма (гуруҳ) таркибида жисмоний куч ишлатиш, шу жумладан курашнинг жанг усулларини қўллаш ҳуқуқига эга бўлади:

жиноятларга ва маъмурий ҳуқуқбузарликларга чек қўйиш учун;

жиноятлар ёки маъмурий ҳуқуқбузарликлар содир этган шахсларни энг яқиндаги ички ишлар органига ёхуд ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа органга олиб бориш ва бу шахсларни ушлаб туриш учун;

ички ишлар органи ходимининг қонуний талабларига қаршилик кўрсатилишини бартараф этиш учун[12].

Шунингдек, ички ишлар органлари жамоат тартибини, жамоат хавфсизлигини таъминлашда, жиноятлар, маъмурий ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда, уларни аниқлашда, уларга чек қўйишда, уларни фош этишда, тергов қилишда ҳамда жиноятлар, маъмурий ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши ҳолатларини, ҳодисалар ҳолатларини ҳужжатлаштиришда, шу жумладан жамоат жойларида, шунингдек ўз зиммасига юклатилган вазифаларни бажараётган ички ишлар органлари ходимларининг ҳаракатларини қайд этиш учун техник воситалардан, шу жумладан **аудио, фото ва видео қайд этиш воситаларидан фойдаланиши мумкин**[13]**.**

Шу билан бирга, профилактика инспектори **фуқарога мурожаат этганида ўз лавозимини, унвонини, фамилиясини, исмини, отасининг исмини айтиши, фуқаронинг талабига кўра хизмат гувоҳномасини кўрсатиши**, шундан сўнг мурожаат қилишининг сабаби ва мақсадини маълум қилиши **шарт**[14]**.**

Ходимлар касбий маданият қоидаларининг қуйидаги асосий талабларига амал қилишга мажбурдир:

фуқаролар билан мулоқотда хушмуомала, камтар ва босиқ бўлиш, ижтимоий келиб чиқиши, иқтисодий аҳволи ва бошқа омиллардан қатъи назар, ҳеч бир шахс, гуруҳ ёки ташкилотнинг камситилиши ёки афзал кўрилишига йўл қўймаслик;

ўз хизмат бурчини виждонан бажаришига нисбатан фуқароларда шубҳа уйғотувчи хатти-ҳаракатдан тийилиш, шунингдек, **ички ишлар органлари обрўсига салбий таъсир кўрсатувчи низоли вазиятларни юзага келтирмаслик;**

---

[10] Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси 194-модда.

[11] Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 16 сентябрдаги “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги Қонуни 17-модда.

[12] Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 16 сентябрдаги “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги Қонуни 22-модда.

[13] Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 16 сентябрдаги “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги Қонуни 8-10-12-моддалари.

[14] Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 16 сентябрдаги “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги Қонуни 8-модда.

ўз хизмат мажбуриятларини бажараётганда фуқаролар ва бошқа шахсларни камситмаслик, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳисобга олиш;

гуруҳбозлик, маҳаллийчилик, таниш-билишчилик кўринишларига, шунингдек, **ўз хизмат вазифаларини бажариш жараёнида бошқа салбий ҳолатларга йўл қўймаслик ва қатъий равишда уларнинг олдини олиш.**

Ходимлар хайрихоҳ, **хушмуомала** ва эътиборли, **фуқаролар ва ҳамкасбларига сабр-тоқат ва ҳурмат билан муносабатда бўлиши лозим.**

Ходимлар фуқароларга нисбатан қўполлик қилмаслиги, уларнинг шаъни ва қадр-қимматини камситиш, асоссиз руҳий ва жисмоний таъсир ўтказиш ҳолатларига йўл қўймаслиги лозим[15].

1.2-Мавзу. Профилактика инспекторларини хизмат вақтида жамоатчилик назорати субъектлари томонидан фото, аудио ва видео тасвирга олиш жараёнидаги муаммоли ситуацион вазиятлар.

Амалий машғулот (4-соат)

Вазият: 2023 йилнинг 16 июль куни Тошкент шаҳар, Чилонзор туманидаги “ANDALUS” савдо марказида истеъмолчи ва мустақил суриштирувчи сифатида иш юритаётган “YouTube” ижтимоий тармоғининг “ACTIVIST” канали юритувчиси, блогер Х.Н. савдо марказидаги озиқ-овқат маҳсулотларининг яроқлилик муддати ва сифатига эътироз билдириб, бу ҳолатга масъуллардан изоҳ сўраётганида ушбу ҳолатни тасвирга олинишидан норози савдо маркази иш юритувчиси томонидан “102” хизматига қўнғироқ қилиб, бу ҳолатда ИИБ ходимларини воқеа жойига келишларини сўраган.

Воқеа жойига келган профилактика инспекторининг хизмат фаолияти “ACTIVIST” канали тасвирчилари томонидан видеотасвирга олинганида профилактика инспектори томонидан ушбу ҳолатга нисбатан эътироз билдирилади.

Муаммоли вазият бўйича профилактика инспектори томонидан амалга оширадиган ҳаракатларни ҳуқуқий асослари:

Жамоат жойлари деганда сутканинг ҳар қандай вақтида шахсларнинг бўлиши, эркин ҳаракатланиши ва тўпланиши мумкин бўлган жойлар, шунингдек, қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ кириш (чиқиш) тартибга солинган объектлар. Шу жумладан, кўчалар, майдонлар, хиёбонлар, **истироҳат боғлари**, стадионлар, иш жойлари, барча турдаги жамоат транспортлари жамоат жойлари ҳисобланади[16].

Жамоатчилик назорати деганда - давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари ҳамда нодавлат ташкилотлар фаолияти устидан фуқаролар, уларнинг бирлашмалари ва ўзини-ўзи бошқариш органлари, фуқаролик жамиятининг бошқа тузилмалари (институтлари), шунингдек давлат ва нодавлат органлари таркибида тузилган жамоатчилик органлари томонидан қонун доирасида олиб бориладиган назорат деб тушунилади[17].

Жамоатчилик назорати субъектларига кимлар киради?

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, шунингдек қонунчиликда белгиланган тартибда рўйхатга олинган нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари **жамоатчилик назорати субъектларидир**[18]**.**

Жамоатчилик назоратининг объектлари деганда нимани тушунамиз?

---

[15] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 20.01.2023 йилдаги “Ички ишлар органларини халқчил профессионал тузилмага айлантириш ва аҳоли билан янада яқин ҳамкорликда ишлашга йўналтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-10-сон Қарори билан тасдиқланган “Ички ишлар органлари ходимларининг касбий маданият ва хизмат интизоми Кодекси”нинг 2-боб, 5, 7, 8-бандлари.

[16] Ўзбекистон Республикаси ИИВ 20.02.2023 йил 77-сон буйруғи, 1-боб, 1 банд

[17] https:// buxoro.adliya.uz/publikatsii/Ўзбекистон юридик энциклопедияси, 167-бет/ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги хузуридаги “Адолат” нашриёти, 2009 йил.

[18] Ўзбекистон Республикаси Қонуни, 12.04.2018 йилдаги ЎРҚ-474-сон, 3-модда

Давлат органларининг ва улар мансабдор шахсларининг:

қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда, қарорларда, шунингдек ривожланиш давлат, тармоқ ва ҳудудий дастурларида жамоатчилик манфаатларини, жамоатчилик фикрини ҳисобга олишга;

фуқароларнинг, юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини, жамият манфаатларини ҳимоя қилиш соҳасидаги қонунчилик талабларининг ижро этилишини таъминлашга;

ўз зиммасига юклатилган, ижтимоий ва жамоатчилик манфаатларига дахлдор бўлган вазифалар ва функцияларни бажаришга;

давлат хизматларини кўрсатишга;

ижтимоий шериклик доирасида амалга ошириладиган битимлар, шартномалар, лойиҳалар ва дастурларни бажаришга **доир фаолияти жамоатчилик назоратининг объектидир**[19]**.**

Жамоатчилик назорати субъектлари кимлар?

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, шунингдек қонунчиликда белгиланган тартибда рўйхатга олинган нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари жамоатчилик назорати субъектларидир.

Жамоатчилик назорати жамоатчилик кенгашлари, комиссиялари ва бошқа жамоатчилик ташкилий тузилмалари томонидан ҳам қонунчиликка мувофиқ амалга оширилиши мумкин[20].

Жамоатчилик назорати субъекти профилактика инспекторидан ҳолат юзасидан маълумот олишга ҳақлими?

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари раҳбарлари давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг **очиқлигини таъминлаш мақсадида** ахборот тақдим этиш учун **масъул бўлган мансабдор шахсларни белгилайди.**[21]

Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси **Ички ишлар вазирининг буйруғи билан** жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари билан **алоқаларни амалга ошириш** ички ишлар органлари **Ахборот хизматларига юклатилган.**

Ички ишлар органлари тизимида Ахборот хизматлари Ички ишлар вазирлигида, Жамоат хавфсизлиги департаментида, Жазони ижро этиш департаментида, Тергов департаментида, Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлигида, Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти ички ишлар бош бошқармаларида ҳамда барча вилоятларнинг ички ишлар бошқармаларида ташкил этилган[22].

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда **жамоатчилик назорати субъектлари барча маълумотларни ИИВ Ахборот хизматларидан олиши мумкин.**

Жамоатчилик назорати субъекти профилактика инспекторининг фаолиятига аралаша оладими?

Жамоатчилик назорати субъектларининг мажбуриятларидан келиб чиққан ҳолда улар давлат органларининг, улар мансабдор шахсларининг ўз ваколатлари доирасида амалга оширадиган **фаолиятига аралашмаслиги** ҳамда давлат органларининг фаолият кўрсатиши, шунингдек улар мансабдор шахсларининг **фаолияти учун тўсиқлар яратмаслиги керак**[23]**.**

Ҳолат юзасидан юқоридаги келтирилган ҳуқуқий асосларни инобатга олган ҳолда профилактика инспектори қандай харакат амалга оширади?

---

[19] Ўзбекистон Республикаси Қонуни, 12.04.2018 йилдаги ЎРҚ-474-сон, 4-модда

[20] Ўзбекистон Республикаси Қонуни, 12.04.2018 йилдаги ЎРҚ-474-сон, 3-модда

[21] Ўзбекистон Республикасининг Қонуни, 05.05.2014 йилдаги ЎРҚ-369-сон, 8-модда

[22] Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг 29.11.2019 йил 414-сон буйруғи

[23] Ўзбекистон Республикаси Қонуни, 12.04.2018 йилдаги ЎРҚ-474-сон, 15-модда

Жамоатчилик назорати вакили профилактика инспекторига саволлар бериб, ҳолатга ойдинлик киритишга харакат қилганда, ходимлар жамоатчилик назорати вакилини ИИОлари ходими фаолиятига аралашмаслиги тўғрисида огоҳлантиради, агарда маълумот керак бўладиган бўлса ИИВ Ахборот хизматларига мурожаат этиб маълумот олиши мумкинлигини айтиб ўтади.

Жамоатчилик назорати бўлган субъектлар ички ишлар органлари ходимларидан сўраган ҳолда уларни фаолиятини видеотасвирга олишлари мумкинми?

Ички ишлар органи ходими давлат органи вакили сифатида иш юритади ва давлат ҳимояси остида бўлади[24].

Давлат органларининг ва улар мансабдор шахсларининг фаолияти жамоатчилик назоратининг объекти ҳисобланади.

Жамоатчилик назорати субъектлари:

жамоатчилик назоратини амалга ошираётганда тадбирлар ўтказиш ташаббуси билан чиқишга, уларни ташкил этишга, шунингдек уларда иштирок этишга;

фуқароларнинг, юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари, жамият манфаатлари бузилганлиги фактлари аниқланган тақдирда, материалларни ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга юборишга;

жамоатчилик назорати натижаларини эълон қилишга ҳақлидир.

Жамоатчилик назорати субъектлари қонунчиликка мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин[25].

Демак, юқоридаги қонунлардан кўриниб турибдики, жамоатчилик назорати субъектлари ички ишлар органи ходимининг хизмат фаолиятини видео, фото тасвирга олиш жараёни учун **ҳеч қандай рухсат сўраши шарт эмас** ва ички ишлар органи ходимининг хизмат фаолиятини **тасвирга олиш мумкин.** Фақатгина жамоатчилик назорати субъектлари давлат органлари, уларнинг мансабдор шахслари фаолиятига **асоссиз аралашиши** ва уларга **ғайриқонуний таъсир кўрсатмасликлари керак.**

1.3-Мавзу. Профилактика инспекторлари томонидан вояга етмаган шахслар билан мулоқот жараёнида юзага келадиган муаммоли ситуацион вазиятлар.

Амалий машғулот (4-соат)

Вазият: 2023 йил 27 июнь тунги 23:30 ларда Қашқадарё вилояти, Қарши шаҳар ИИБ ЖХХ ҲПХ профилактика инспектори А.Беков ўзига бириктирилган “А.Навоий” МФЙ ҳудудида жамоат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида хизмат олиб бораётган вақтида назоратсиз юрган вояга етмаган шахсларни аниқлади. Ходим тунги вақтда кўчада қаровсиз ва назоратсиз юрган вояга етмаганларни шахсини аниқлаш ва профилактик суҳбат ўтказиш мақсадида уларни тўҳтатди. Улар билан профилактик суҳбат жараёнида вояга етмаган фуқаролар профилактика инспекторининг саволларига жавоб бермасдан турли қаршиликлар кўрсатишга ҳаракат қилди.

Муаммоли вазият бўйича профилактика инспектори томонидан амалга ошириладиган харакатларнинг ҳуқуқий асослари:

Ўзбекистон Республикасининг “Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида”ги Қонунга асосан ички ишлар органлари вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси *(кейинги ўринларда ВЕЎНваҲП)*ни ўз ваколатлари доирасида амалга оширади.

[24] Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 16 сентябрдаги “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги Қонуни 34-модда.

[25] Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 13 апрелдаги “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги Қонуни 4, 15-моддалари.

Ички ишлар органларининг ВЕЎН ва ҲПни амалга оширувчи махсус бўлинмалари вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси бўлинмаларидан ҳамда вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказларидан иборатдир. Бундан ташқари, ички ишлар органларининг бошқа бўлинмалари ВЕЎН ва ҲПда ўз ваколатлари доирасида иштирок этади ҳамда зарур ёрдам кўрсатади.[26]

Вояга етмаган деганда ўн саккиз ёшга тўлмаган шахс тушунилади.[27]

Назоратсиз ва қаровсиз вояга етмаган шахслар ким?

Назоратсиз вояга етмаган деганда ота-она ёки ота-она ўрнини босувчи шахслар томонидан вояга етмаганни таъминлаш, тарбиялаш ва унга таълим бериш бўйича ўз мажбуриятларини бажаришдан бўйин товлаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик оқибатида хулқ-атвори назоратсиз қолган вояга етмаган хисобланади.

Қаровсиз вояга етмаган эса аниқ яшаш жойи бўлмаган назоратсиз қолган вояга етмаган деб тушунилади.

Шу билан бирга, вояга етмаганнинг мунтазам равишда спиртли ичимликлар, гиёҳвандлик воситалари, психотроп ёки ақл-ирода фаолиятига таъсир этувчи бошқа моддаларни истеъмол қилишида, фоҳишалик, тиланчилик билан шуғулланишида ифодаланадиган хатти-ҳаракатлари, шунингдек ўзга фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини бузадиган бошқа хатти-ҳаракатлари **ғайриижтимоий хатти-ҳаракатлар** деб аталади[28].

Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмаларининг вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси соҳасидаги **ваколатлари**[29]:

вояга етмаганлар билан ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактика ишини олиб боради;

қидирув эълон қилинган вояга етмаганларни, шунингдек ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган вояга етмаганларни аниқлашга доир чора-тадбирларни амалга оширади ҳамда белгиланган тартибда уларни вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасини амалга оширувчи тегишли органларга ёки муассасаларга юборади;

вояга етмаганларни ҳуқуқбузарликлар ёки бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларни содир этишга жалб қилаётган ёхуд вояга етмаганларга нисбатан бошқа ғайриҳуқуқий қилмишлар содир этаётган шахсларни, шунингдек вояга етмаганларни таъминлаш, тарбиялаш ва уларга таълим бериш бўйича ўз мажбуриятларини бажаришдан бўйин товлаётган ёки лозим даражада бажармаётган ёхуд вояга етмаганларнинг хулқ-атворига салбий таъсир кўрсатаётган ёки улар билан шафқатсиз муомалада бўлаётган ота-оналарни ёки ота-она ўрнини босувчи шахсларни аниқлайди ҳамда уларга нисбатан қонун ҳужжатларида назарда тутилган таъсир чораларини қўллаш тўғрисида тегишли давлат органлари ва бошқа ташкилотларга таклифлар киритади;

вояга етмаганларнинг, уларнинг ота-онаси ёки ота-она ўрнини босувчи шахсларнинг, шунингдек бошқа шахсларнинг вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилиши билан боғлиқ шикоятлари ва аризаларини кўриб чиқади;

ҳуқуқбузарликлар ёки бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракатлар содир этган вояга етмаганларга нисбатан қонун ҳужжатларида назарда тутилган таъсир чораларини қўллаш тўғрисида вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасини амалга оширувчи тегишли органлар ва муассасаларга таклифлар киритади;

---

[26] Ўзбекистон Республикасининг 29.09.2010 й. ЎРҚ-263-сон қонунининг, 10-моддаси

[27] Ўзбекистон Республикасининг 29.09.2010 й. ЎРҚ-263-сон қонунининг, 3-моддаси

[28] Ўзбекистон Республикасининг 29.09.2010 й. ЎРҚ-263-сон қонунининг, 3-моддаси

[29] Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг 2017 йил 12 июлдаги 151-сон буйруғи, Ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмалари фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги Низом 58-банди

вояга етмаганларни ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказларига ёки ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларига белгиланган тартибда жойлаштириш учун уларга тааллуқли ҳужжатларни тайёрлайди;

вояга етмаганларнинг назоратсизлиги, қаровсизлиги, ҳуқуқбузарликлари ёки бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракатлари фактлари, шунингдек уларга имкон бераётган сабаблар ва шарт-шароитлар тўғрисида тегишли давлат органлари ҳамда бошқа ташкилотларни хабардор қилади;

ҳуқуқбузарликлар ёки бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракатлар содир этган вояга етмаганларни, шунингдек назоратсиз ва қаровсиз қолган вояга етмаганларни қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда ва тартибда ички ишлар органларига олиб боради, бу ҳақда зудлик билан Низомнинг 3-иловасига мувофиқ шаклда баённома тузади ҳамда вояга етмаганлар келтирилганлиги ҳақида уларнинг ота-онасини ёки ота-она ўрнини босувчи шахсларни хабардор қилади;

вояга етмаганларнинг яшаш, ўқиш (иш) жойидаги таълим, маданий-кўнгилочар, спорт-соғломлаштириш муассасаларида, бошқа ташкилотларда, тўгараклар ва клубларда вояга етмаганлар билан олиб борилаётган тарбиявий ишларнинг аҳволини ўрганади;

вояга етмаганларнинг ҳуқуқбузарликлар ёки бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракатлар содир этишига имкон бераётган сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф қилиш тўғрисида тегишли давлат органларига ҳамда бошқа ташкилотларга таклифлар киритади;

вояга етмаганларнинг ҳуқуқбузарликлари ёки бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракатлари тўғрисидаги материалларнинг тегишли органлар ва муассасалар томонидан кўриб чиқилишида иштирок этади;

вояга етмаганлар томонидан содир этилган ҳуқуқбузарликлар ва бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларнинг, вояга етмаганларни таъминлаш, тарбиялаш ва уларга таълим бериш бўйича ўз мажбуриятларини бажаришдан бўйин товлаётган ёки лозим даражада бажармаётган ёхуд уларнинг хулқ-атворига салбий таъсир кўрсатаётган ёки улар билан шафқатсиз муомалада бўлаётган ота-оналар ёки ота-она ўрнини босувчи шахсларнинг ҳисобини юритади, шунингдек статистика ҳисоботини тузиш учун зарур бўлган ахборотни йиғади ва умумлаштиради;

етим болалар ҳамда ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни жойлаштиришда васийлик ва ҳомийлик органларига кўмаклашади.

Ички ишлар органлари ходимлари, **вояга етмаган** шахс **ушлаб турилган ҳар бир ҳолат тўғрисида** унинг **яқин қариндошларига** ёки бошқа **қонуний вакилларига дарҳол хабар бериши шарт**[30]**.**

Вояга етмаганларни назоратсиз қолдиргани учун ота-оналарга жазо борми?

Ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар томонидан вояга етмаган болаларни тарбиялаш ва уларга таълим бериш борасидаги мажбуриятларни бажармаслик, шу жумладан вояга етмаган болаларнинг маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этишига олиб келиши маъмурий жавобгарликка сабаб бўлади[31].

Вояга етмаганларга нисбатан жисмоний куч ишлатиш, махсус воситалар ва ўқотар қуролни қўллаш тўғрисида нималарни биласиз?

ёши аниқ кўриниб турган ёки маълум бўлган **вояга етмаганларга нисбатан жисмоний куч ишлатиш тақиқланади** *(бундан уларнинг қуролли қаршилик кўрсатганлиги, фуқароларнинг ёхуд ички ишлар органи ходимининг ҳаёти ва соғлиғига таҳдид этиб, ҳужум қилганлиги ҳоллари мустасно);*[32]

ёши аниқ кўриниб турган ёки маълум бўлган вояга етмаганларга нисбатан **махсус воситаларнинг**, шу жумладан газли ҳамда шикастлантирувчи қуролнинг **қўлланилиши тақиқланади** *(бундан уларнинг қуролли қаршилик кўрсатганлиги ёки фуқароларнинг ёхуд*

[30] Ўзбекистон Республикаси 16.09.2016 й. ЎРҚ-407-сон қонуни, 18-модда

[31] Ўзбекистон Республикаси 22.08.1994 й. МЖТК 47-моддаси

[32] Ўзбекистон Республикаси 16.09.2016 й. ЎРҚ-407-сон қонуни, 22-модда

ички ишлар органи ходимининг ҳаёти ва соғлиғига ҳақиқатда таҳдид этиб, гуруҳ бўлиб ҳужум қилганлиги ҳоллари мустасно);[33]

ёши аниқ кўриниб турган ёки маълум бўлган вояга етмаганларга нисбатан **ўқотар қуролни қўллаш тақиқланади** *(бундан уларнинг қуролли ҳужум қилганлиги, қуролли қаршилик кўрсатганлиги ёки фуқароларнинг ёхуд ички ишлар органи ходимининг ҳаёти ва соғлиғига таҳдид этиб, гуруҳ бўлиб ҳужум қилганлиги ҳоллари мустасно).*[34]

Демак, юқоридаги ҳуқуқий асосларни инобатга олган ҳолда, вояга етмаган шахслар ўз хоҳиши билан шахсини таништирмаган вазиятда профилактика инспектори уларни ИИБга ёки таянч пунктига олиб боради, шахсини аниқлаш чораларини кўради, ота-онаси, яқин қариндошларини хабардор қилиш имкони бўлмаса тегишли ҳужжатларни расмийлаштириб, уларни ҳудудий вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказларига жойлаштиради.

Марказларга вояга етмаганлар суднинг ажрими, шунингдек ички ишлар органи ёки марказ бошлиғининг ёхуд унинг ўринбосарининг қарори асосида ҳам жойлаштирилиши мумкин, бу ҳолатда тегишли ҳужжатлар 48 соатдан кечиктирмасдан тайёрланади ва судга тақдим этилади.

Таъминлаш, тарбиялаш ва таълим бериш учун алоҳида шароитларга муҳтож ўн бир ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган вояга етмаганларни ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларига жойлаштириш тўғрисидаги илтимосномани судга юбориш учун зарур бўлган ҳужжатлар тайёрланади ва ўн кун ичида вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссияга тақдим этилади[35].

1.4-мавзу. Профилактика инспекторлари томонидан чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар билан мулоқот жараёнида юзага келадиган муаммоли ситуацион вазиятлар.

Амалий машғулот (4-соат)

Вазият: 2023 йил 20 июнь куни соат 17:30 ларда Тошкент шаҳар ИИББ ЖХХ ҲПХ профилактика инспектори А.Муслимов ўзига бириктирилган “Чорсу” буюм бозори ҳудудида жамоат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида хизмат олиб бораётган вақтида ўзига нотаниш бўлан шахснинг жамоат жойида тамаки маҳсулотини истеъмол қилиб турганини кўриб қолади. Ходим ушбу шахснинг ҳаракатларида Ўзбекистон Республикаси МЖтКнинг 56[1]-моддаси *(Жамоат жойларида тамаки маҳсулотини истеъмол қилиш)*да кўрсатилган ҳуқуқбузарлик аломатлари бўлганлиги сабабли унинг олдига боради ҳамда шахсига аниқлик киритганда РФ фуқароси В.В.Петросян эканлиги маълум бўлади. Профилактика инспектори мазкур чет эл фуқаросига содир этган ҳуқуқбузарлиги сабабини тушунтириб, электрон планшет орқали маъмурий баённома расмийлаштириш жараёнида РФ фуқароси В.В.Петросян унинг саволларига жавоб бермасдан турли қаршиликлар кўрсатишга ҳаракат қилди.

Муаммоли вазият бўйича профилактика инспектори томонидан амалга ошириладиган харакатларнинг ҳуқуқий асослари:

Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасида чет эл фуқароларининг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳуқуқий ҳолати тўғрисида”ги[36] ҳамда “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги[37] Қонунга, шунингдек Ўзбекистон Республикаси МЖтКнинг тегишли моддаларига асосан ички ишлар органлари ходимлари чет эл фуқаролари ва

[33] Ўзбекистон Республикаси 16.09.2016 й. ЎРҚ-407-сон қонуни, 23-модда

[34] Ўзбекистон Республикаси 16.09.2016 й. ЎРҚ-407-сон қонуни, 24-модда

[35] Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг 2017 йил 12 июлдаги 151-сон буйруғи, Ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмалари фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги Низом 47,48-банди.

[36] Ўзбекистон Республикасининг 04.06.2021 й. ЎРҚ-692-сон қонунининг, 34-35-моддаси

[37] Ўзбекистон Республикасининг 16.09.2016 й. ЎРҚ-407-сон қонунининг, 16-17-моддаси

фуқаролиги бўлмаган шахслар билан ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасини ўз ваколатлари доирасида амалга оширади.

Чет эл фуқароси ва фуқаролиги бўлмаган шахс ким?

чет эл фуқароси — Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигига эга бўлмаган, бошқа давлат фуқаролигига ва ўзининг бошқа давлат фуқаролигига мансублигига доир далилга эга бўлган шахс;

фуқаролиги бўлмаган шахс — Ўзбекистон Республикасининг фуқароси бўлмаган ва ўзининг чет давлат фуқаролигига мансублигига доир далилга эга бўлмаган шахс[38];

Чет эл фуқаросини маъмурий ёки жиноий жавобгарликка тортиш мумкинми?

Жавоб: Ҳа, мумкин. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жиноятлар, шунингдек маъмурий ҳуқуқбузарликлар содир этган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар Ўзбекистон Республикаси фуқаролари билан умумий асосларда жавобгарликка тортилади, бундан Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларида белгиланган ҳоллар мустасно.

Ўзбекистон Республикасида вақтинча ёки доимий яшайдиган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар туриш қоидаларини бузганлик ҳамда Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигида назарда тутилган бошқа ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарликка тортилиши мумкин. Уларга нисбатан Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигида белгиланган тартибда маъмурий тарзда чиқариб юбориш қўлланилиши, Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кириши учун тақиқ қўйилиши, шунингдек уларнинг туриш муддати қисқартирилиши ҳам мумкин.

Ўн саккиз ёшгача бўлган чет эл фуқароси ва фуқаролиги бўлмаган шахс Ўзбекистон Республикасида туриш қоидаларини бузганлик учун маъмурий жавобгарликка тортилмайди[39].

Чет эл фуқаросини ушлаб туриш мумкинми?

Жавоб: Ҳа, умумий асосларда ушлаб туриш мумкин, фақат халқаро шартномаларда кўрсатилган ҳолатлар бундан мустасно.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида турган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар ўз шаъни ва обрўсига қилинган тажовузлардан, шахсий ҳаётига аралашишдан ҳимояланиш, турар жойи дахлсизлиги ҳуқуқига эга. Ҳеч ким Ўзбекистон Республикасининг қонунида назарда тутилган ҳоллардан ва тартибдан ташқари бировнинг турар жойига кириши, тинтув ўтказиши ёки уни кўздан кечириши, ёзишмалар ва телефонда сўзлашувлар сирини ошкор қилиши мумкин эмас.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида турган чет эл фуқароларига ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга нисбатан фақат Ўзбекистон Республикасининг қонунлари асосида процессуал мажбурлов ва маъмурий жазо чоралари қўлланилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигида белгиланган тартибда ушлаб турилган ёки қамоққа олинган чет эл фуқароларига ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга уларнинг ҳуқуқлари ҳамда ушлаб турилишига ёхуд қамоққа олинишига сабаб бўлган ҳолатлар тўғрисида хабар қилиниши керак[40].

Ички ишлар органлари чет эл фуқароси ушлаб турилганлиги тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигига хабар беради[41].

1.5-мавзу. Профилактика инспекторлари томонидан алкоголь, гиёҳвандлик воситалари таъсиридан ёки ўзгача тарзда мастлик ҳолатида бўлиб, мустақил ҳаракатланиш қобилиятини йўқотган ёки қаердалигини аниқ англаб етмайдиган шахслар билан мулоқот жараёнида юзага келадиган муаммоли ситуацион вазиятлар.

Амалий машғулот (4-соат)

[38] Ўзбекистон Республикасининг 04.06.2021 й. ЎРҚ-692-сон қонунининг, 3-моддаси.

[39] Ўзбекистон Республикасининг 04.06.2021 й. ЎРҚ-692-сон қонунининг, 34-35-моддаси

[40] Ўзбекистон Республикасининг 04.06.2021 й. ЎРҚ-692-сон қонунининг, 12-моддаси

[41] Ўзбекистон Республикасининг 16.09.2016 й. ЎРҚ-407-сон қонунининг, 18-моддаси

Вазият: 2023 йил 14 май куни соат 23:30 ларда тунги навбатчиликка жалб этилган Наманган шаҳар ИИБ ЖХХ ҲПХ профилактика инспектори И.Турсунов ўзига бириктирилган “Сарой” МФЙ ҳудудида ППХ наряди билан ҳамкорликда жамоат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида хизмат олиб бораётган вақтида Истиқлол кўчаси “Анор” кафеси олдида ўзига нотаниш бўлан шахснинг дарахт тагида ётганлигини кўриб қолади. Профилактика инспектори мазкур шахснинг олдига бориб, кўздан кечирганда унда мастлик аломатлари мавжудлигини, саволларга тўлиқ жавоб бермаслиги, мустақил ҳаракатланиш қобилиятини йўқотган ва қаердалигини аниқ англаб етмайдиган аҳволда эканлиги маълум бўлади. Ушбу ҳолатда профилактика инспекторидан шахсга тиббий ёрдам кўрсатиш, наркологик диспанцерга жойлаштириш, унинг шахсига аниқлик ва ҳолатга ойдинлик киритиш каби масалаларни ҳал этиш талаб қилинади.

Муаммоли вазият бўйича профилактика инспектори томонидан амалга ошириладиган харакатларнинг ҳуқуқий асослари:

Ўзбекистон Республикасининг “Наркологик касалликлар профилактикаси ва уларни даволаш тўғрисида”ги[42] Қонунга, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Алкоголь, гиёҳвандлик воситалари таъсиридан ёки ўзгача тарзда мастлик ҳолатида бўлган шахсларга тиббий ёрдам кўрсатиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги қарори[43]га, шунингдек бошқа қонунчилик ҳужжатларига асосан ўз ваколатлари доирасида амалга оширади.

Асосий тушунчалар:

алкоголь, гиёҳвандлик воситалари таъсиридан ёки ўзгача тарзда мастлик ҳолатида бўлиб, мустақил ҳаракатланиш қобилиятини йўқотган ёки қаердалигини аниқ англаб етмайдиган шахслар (кейинги ўринларда — мастлик ҳолатидаги шахс) — психоактив моддалар таъсирида мастлик ҳолатидаги шахс;

наркологик касаллик (сурункали алкоголизм, гиёҳвандлик, заҳарвандлик) — психоактив моддаларга патологик ружу қўйиш, улардан сурункали заҳарланишнинг психосоматик (руҳий ва жисмоний) ҳамда ижтимоий оқибатлари билан тавсифланадиган сурункали касаллик;

психоактив моддалар — марказий асаб тизимига ўзига хос таъсир кўрсатадиган, мунтазам равишда истеъмол қилганда руҳан ва жисмонан қарамликни юзага келтириши мумкин бўлган, келиб чиқиши синтетик ёки табиий кимёвий моддалар;

психоактив моддалар таъсиридан мастлик ҳолатини аниқлаш учун шахсларни тиббий текширувдан ўтказиш — шахсларда мастлик ҳолатини аниқлашга қаратилган тиббий кўрик усуллари ва тиббий текширувлар мажмуи.

Ички ишлар органлари ходими жамоат жойларида алкоголли ичимликдан, гиёҳвандлик ёки токсик модда таъсирида мастлик ҳолатида бўлган ва мустақил равишда ҳаракатланиш ёки адашмай йўл топиш қобилиятини йўқотган фуқароларни Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг реабилитация ва тиббий ёрдам кўрсатиш пунктларига олиб бориш ҳуқуқига эга[44].

Мастлик ҳолатидаги шахсларни тиббий ёрдам кўрсатиш пунктларига олиб бориш учун асосий мезонлар:

Ички ишлар органлари ходимлари томонидан тиббий ёрдам кўрсатиш пунктларига кўчаларда, майдонларда, стадионларда, хиёбонларда, истироҳат боғларида, автомобиль йўлларида, вокзалларда, аэропортларда ва бошқа жамоат жойларида (яшаш жойидан олиб бориш бундан мустасно) бўлган мастлик ҳолатидаги шахсларни тиббий ёрдам кўрсатиш пунктларига олиб бориш учун қуйидаги мезонлар асос бўлади:

---

[42] Ўзбекистон Республикасининг 27.10.2020 й. ЎРҚ-644-сон қонуни, 7-модда

[43] Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 4 ноябрдаги 644-сон қарори

[44] Ўзбекистон Республикасининг 16.09.2016 й. ЎРҚ-407-сон қонуни, 17-модда

шахснинг мақсадли ҳаракатлар содир этиш ёки ўзи мустақил ҳаракатланиш қобилиятининг йўқотганлиги (бирор жойда ётган ёки ўтирган ҳолати);

шахснинг уйқучанлиги, уйғотишнинг қийинлиги;

шахснинг тикка ҳолатда мустақил тура олмаслиги;

нутқининг ноаниқ, тушунарсиз, ўзаро боғлиқ бўлмаган узуқ-юлуқ алоҳида сўзлардан ташкил топиши (ғўлдираши);

саволларни яхши тушунмаслиги, ўзининг қаердалигини аниқ англаб етмаслиги[45].

Мастлик ҳолатидаги шахсларни тиббий ёрдам кўрсатиш пунктларига олиб келиш

Мастлик ҳолатидаги шахслар ички ишлар органлари ходимлари томонидан аниқланади ва тиббий ёрдам кўрсатиш пунктларига олиб борилади.

Бунда, ички ишлар ходими:

мастлик ҳолатидагиларнинг шахсини аниқлайди;

мастлик ҳолатидаги шахсларга нисбатан ҳуқуқбузарликларнинг, шунингдек уларнинг ҳаёти ва соғлиғига таҳдид солувчи хавфнинг олдини олиш мақсадида уларга биринчи ёрдам кўрсатади;

зарурат туғилганда (мастлик ҳолатидаги шахснинг ҳушсизлиги, кома ҳолатидалиги, оғир тан жароҳати олганлиги ёки ҳаёти ва соғлиғига таҳдид солаётган бошқа ҳолатларда), улар аниқланган жойга зудлик билан тез тиббий ёрдам бригадасини чақиради;

тез ёрдам бригадасини келиш имкони бўлмаган тақдирда, юқорида кўрсатилган шахсларни тиббиёт муассасаларига ўз хизмат автомашиналарида етказиб боради, бу ҳақда ички ишлар ҳудудий органининг навбатчилик бўлимига хабар беради, навбатчининг кўрсатмаларига мувофиқ ҳаракат қилади;

мастлик ҳолатида бўлган шахсларнинг шахсий мулки хавфсизлигини таъминлаш чораларини кўради.

Тиббий ёрдам кўрсатиш пунктлари шароитида ёрдам кўрсатишга тиббий кўрсатмалар мавжуд бўлганда, мастлик ҳолатидаги шахсларни ушбу пунктларга ички ишлар органлари ходимлари ўз хизмат автомашиналарида етказади. Уларнинг соғлиғига зарар етказилишини истисно этувчи, ушбу шахсларнинг ёнида бўлган ашёлар, ҳужжатлар ва қимматли буюмларнинг сақланишини таъминлаш чораларини кўради[46].

Шахсни кўрикдан ўтказиш

Мастлик ҳолатидаги шахсларни тиббий ёрдам кўрсатиш пунктларига олиб келишдан олдин ички ишлар органлари ходимлари уларда ўзига ёки бошқа фуқароларга тан жароҳатлари етказиши мумкин бўлган совуқ қурол, шунингдек қурол сифатида ишлатилиши мумкин бўлган бошқа буюм (жисм)лар йўқлигига ишонч ҳосил қилишлари керак.

Мастлик ҳолатидаги шахснинг ёнида совуқ қурол, гиёҳванд моддалар ва муомалада бўлиши тақиқланган ёки чекланган буюмлар (жисмлар) аниқланган тақдирда, ушбу буюм (жисм)лар ички ишлар органлари ходими томонидан олиб қўйилади ҳамда бутун тиббий ёрдам кўрсатиш даври давомида ушбу шахснинг зарур қўриқланишини таъминлайди.

Мастлик ҳолатидаги шахсга тиббий ёрдам кўрсатилгандан сўнг, унга нисбатан қонунчиликда белгиланган тегишли чоралар кўриш ва олиб қўйилган буюмлар (жисмлар) сақлаш, топшириш ёки йўқ қилиш масалаларини ҳал этиш учун ҳудудий туман (шаҳар) ички ишлар бошқармаси (бўлими)га топширилади[47].

---

[45] Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Алкоголь, гиёҳвандлик воситалари таъсиридан ёки ўзгача тарзда мастлик ҳолатида бўлган шахсларга тиббий ёрдам кўрсатиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 2022 йил 4 ноябрдаги 644-сон қарори, мазкур Низомнинг 6-банди.

[46] Юқоридаги Низомнинг 9-10-банди.

[47] Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Алкоголь, гиёҳвандлик воситалари таъсиридан ёки ўзгача тарзда мастлик ҳолатида бўлган шахсларга тиббий ёрдам кўрсатиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 2022 йил 4 ноябрдаги 644-сон қарори, мазкур Низомнинг 11,12-банди.

Шахсни кўрикдан ўтказиш кўрикдан ўтказилаётган шахс билан бир жинсда бўлган шахслар томонидан ва шу жинсдаги иккита холис гувоҳ иштирок этган ҳолда амалга оширилиши мумкин.

Шахсий кўрикдан ўтказиш ва ашёларни кўздан кечириш тўғрисида баённома тузилади ёки маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённомага ёхуд маъмурий йўл билан ушлаб туриш тўғрисидаги баённомага тегишинча ёзиб қўйилади[48].

Мастлик ҳолатидаги шахсларни тиббий ёрдам кўрсатиш пунктларига қандай қабул қилинади?

Тиббий ёрдам кўрсатиш пунктига олиб келинган мастлик ҳолатидаги шахсга тиббий ёрдам кўрсатиш пунктида ёрдам кўрсатиш учун тиббий кўрсатмалар мавжуд бўлса, ушбу шахсни тиббий ёрдам кўрсатиш пунктига қабул қилиш тўғрисида навбатчи шифокор томонидан далолатнома тузилиб, тиббиёт ходими ва ички ишлар органи ходими томонидан имзоланади.

Тиббий ёрдам кўрсатиш пунктларига олиб келинган мастлик ҳолатидаги шахсларнинг кийим-боши ва бошқа буюмлари ички ишлар органлари ходимлари томонидан тиббиёт ходимлари ва холислар иштирокида текширилади.

Текшириш мобайнида мастлик ҳолатидаги шахсдан унинг ёнидаги буюмлари далолатнома билан расмийлаштирилади ва вақтинча сақлаш учун олиб қўйилади. Бунда, мазкур буюмлар ҳар бир шахс учун алоҳида ячейкаси бўлган, рақамланган ва қулфланадиган махсус жиҳозланган шкафда сақланади.

Тиббий ёрдам кўрсатиш пунктларига олиб келинган барча шахслар шахсини тасдиқловчи ҳужжатлар ёки уни олиб келган ички ишлар органлари ходимларининг ёзма йўлланмаларида кўрсатилган маълумотларига кўра махсус тикилган, рақамланган, тиббиёт муассасаси раҳбари имзоси ва ташкилот муҳри босилган дафтарда қайд этилади.

Тиббий ёрдам кўрсатиш пунктларига шахсини тасдиқловчи ҳужжатлари бўлмаган шахс олиб келинганда, кўрик далолатномасида унинг алоҳида белгилари (чандиқлари, татиуровкалари, туғма доғлари ва бошқа) синчиклаб қайд қилинади.

Ички ишлар органлари ходимлари шахсни ташқи қиёфасини тузишда тиббиёт ходимларига ёрдам беради.

Навбатчи тиббий ходимлар ички ишлар органлари ходимлари билан биргаликда олиб келинган шахснинг қариндошларига дарҳол хабар бериш чораларини кўради[49].

Тиббий ёрдам кўрсатилган шахсларни тиббий ёрдам кўрсатиш пунктидан чиқариш

Мастлик ҳолатидаги шахс тиббий ёрдам кўрсатилганидан ва ҳушёр ҳолатга келтирилганидан сўнг шифокор уни такроран тиббий кўрикдан ўтказади ва чиқариш мумкинлиги тўғрисида хулосани беради. Бунда, мастлик ҳолатидаги шахсни ҳушёр ҳолатга келтириш муддати 3 соатдан кам бўлмаслиги керак.

Тиббий ёрдам кўрсатиш пунктига олиб келинган мастлик ҳолатидаги шахсларни сутканинг тунги вақтида, яъни соат 23.00 дан 06.00 га қадар ёки йилнинг совуқ даврида чиқариб юбориш, уларнинг қариндошлари кузатуви остида амалга оширилади.

Мастлик ҳолатидаги шахс тиббий ёрдам кўрсатиш пунктида 12 соатгача бўлганда далолатнома, 12 соатдан кўп вақт бўлганда ва тиббий кўрсатмалар мавжуд бўлган ҳолларда — касаллик тарихи расмийлаштирилади.

Тиббий ёрдам кўрсатиш пунктига олиб келинган мастлик ҳолатидаги шахсга чиқариб юбориш давомида баённомага ёки касаллик тарихига имзо қўйдирган ҳолда олиб қўйилган ҳужжатлар, пуллар ва бошқа буюмлари қайтариб берилади[50].

---

[48] Ўзбекистон Республикаси МЖтКнинг 289-моддаси.

[49] Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Алкоголь, гиёҳвандлик воситалари таъсиридан ёки ўзгача тарзда мастлик ҳолатида бўлган шахсларга тиббий ёрдам кўрсатиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 2022 йил 4 ноябрдаги 644-сон қарори, мазкур Низомнинг 13-20-банди.

[50] мазкур Низомнинг 27-29-банди.

1.6-мавзу. Жиноят ёки маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилган ҳодиса жойини сақланишини таъминлашда юзага келадиган казуслар.

Амалий машғулот (2-соат)

Вазият: 2023 йил 7 апрель куни соат 10:30 ларда Чилонзор тумани ИИО ФМБ навбатчилик қисмига туманнинг “Абай” МФЙ, Дўстлик кўчасида жойлашган кўп қаватли уйнинг 24-хонадонида ўғирлик жинояти содир этилганлиги бўйича уй эгаси, фуқаро, 1989 йилда туғилган В.Н.Зокиров томонидан мурожаат келиб тушади. Унга асосан тезкор-тергов гуруҳи воқеа жойига етиб борди. Тергов ҳаракатларини ўтказиш *(жиноят изларини олиш, сақлаб қолиш)* мақсадида В.Н.Зокировдан ташқари унинг оила аъзоларидан хонадонни тарк этишлари Профилактика инспектори томонидан сўралганда, улар томонидан рад жавоби берилди.

Муаммоли вазият бўйича профилактика инспектори томонидан амалга ошириладиган харакатларнинг ҳуқуқий асослари:

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига, шунингдек бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга асосан ўз ваколатлари доирасида амалга оширади.

Асосий тушунчалар:

Жиноят излари, ашёвий далилларни топиш, ҳодиса содир бўлган вазиятни ва иш учун аҳамиятли бўлган бошқа ҳолатларни аниқлаштириш мақсадида терговга қадар текширувни амалга оширувчи органнинг мансабдор шахси, суриштирувчи, терговчи ёки суд ҳодиса содир бўлган жойни, мурдани, ҳайвонларни, теварак-атрофни, биноларни, нарсалар ва ҳужжатларни кўздан кечиради.

Терговга қадар текширув, суриштирув ёки дастлабки тергов босқичида кўздан кечириш холислар иштирокида ўтказилади. Жиноят иши кўрилаётган вақтда кўздан кечиришга зарурат туғилса, суд бу ҳақда ажрим чиқаради ва кўздан кечиришни тарафлар иштирокида ўтказади.

Зарур ҳолларда терговга қадар текширувни амалга оширувчи органнинг мансабдор шахси, суриштирувчи, терговчи ёки суд кўздан кечириш чоғида ўлчов ўтказади, фотосуратга, кинотасвирга, видеоёзувга туширади, режалар, схемалар, чизмалар тузади, излардан қолиплар ва нусхалар олади. Бу ишларни бажаришга ёрдам бериш учун кўздан кечиришга мутахассислар жалб қилиниши мумкин.

Кўздан кечириш чоғида топилган ва олиб қўйилган барча нарсалар холисларга, тарафларга ва кўздан кечиришнинг бошқа иштирокчиларига кўрсатилиши лозим.

Кўздан кечиришда иштирок этаётган шахслар суриштирувчи, терговчи ва суднинг эътиборини ўзларининг фикрича иш ҳолатларини ойдинлаштиришга ёрдам бериши мумкин бўлган барча ҳолларга қаратишга ҳақлидирлар.

Ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш айнан ана шу жойда жиноят содир этилганлиги ёки унинг излари борлиги ҳақида маълумотлар бўлган тақдирда ўтказилади.

Кечиктириб бўлмайдиган ҳолларда ҳодиса содир бўлган жой жиноят иши қўзғатилишидан олдин ҳам кўздан кечирилиши мумкин.

Катта майдонларни ва биноларни кўздан кечириш бир неча суриштирувчи ёки терговчи томонидан амалга оширилиши мумкин, бунда уларнинг ҳар бири камида икки нафар холис иштирокида кўздан кечириши лозим.

Ҳодиса содир бўлган жойдан олинган нарсалар, ҳужжатлар ва излар ўралади ва муҳрланади. Катта ҳажмдаги нарсалар олинмайди ва муҳрланмайди, лекин терговга қадар текширувни амалга оширувчи органнинг мансабдор шахси, суриштирувчи ёки терговчи уларни сақлаш чораларини кўриши лозим[51].

Кўздан кечириш баённомасини тузиш

ЖПК нинг 90-92-моддаларида назарда тутилган қоидаларга мувофиқ терговга қадар текширувни амалга оширувчи органнинг мансабдор шахси, суриштирувчи ёки терговчи

[51] Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси 135-137-моддаси.

кўздан кечириш ўтказилганлиги тўғрисида баённома тузади, суд эса кўздан кечириш жараёнини ва унинг натижаларини суд мажлиси баённомасида қайд этади.

Баённомада кўздан кечириш давомида топилган барча нарсалар, улар қандай тартибда кўздан кечирилган бўлса, худди шу тартибда, кўздан кечириш пайтида қандай ҳолатда кузатилган бўлса, худди шу ҳолатда қайд этилади. Кўздан кечириш чоғида топилган ва олинган барча излар, нарсалар ва ҳужжатлар санаб ўтилади. Олинган буюмнинг эгасига тегишли маълумотнома ёки баённоманинг нусхаси берилади.

Бундан ташқари, баённомада: кўздан кечириш қайси вақтда, қандай об-ҳавода ва қандай ёруғликда ўтказилганлиги; қандай илмий-техника воситалари қўлланилганлиги ва қандай натижалар олинганлиги; кўздан кечиришда кўмаклашиш учун кимлар жалб қилинганлиги ва кўмаклашиш нимада ўз аксини топганлиги; қандай нарсалар ва ҳужжатлар қай тартибда ва қандай муҳр билан муҳрланганлиги; кўздан кечирилганидан кейин иш учун аҳамиятли бўлган нарсаларнинг қаерга юборилганлиги кўрсатилган бўлиши лозим[52].

Ички ишлар органлари:

жиноятлар, бошқа ҳуқуқбузарликлар ва ҳодисалар тўғрисидаги аризаларни, хабарларни ва бошқа ахборотни, шу жумладан электрон шаклдаги шундай аризаларни, хабарларни ва бошқа ахборотни қабул қилиши ҳамда рўйхатга олиши, мурожаат этувчига қонунчиликда белгиланган тартибда кейинчалик хабар берган ҳолда улар бўйича ўз вақтида чоралар кўриши;

жиноят, маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилган жойга, ҳодиса жойига дарҳол етиб келиши, ғайриқонуний қилмишларга чек қўйиши, фуқароларнинг хавфсизлигига таҳдидларни бартараф этиши, жиноят, маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилганлиги ҳолатларини, ҳодиса ҳолатларини ҳужжатлаштириши, жиноят, маъмурий ҳуқуқбузарлик, ҳодиса изларининг сақланишини таъминлаши;

жисмоний ва юридик шахсларнинг турар жойларига ҳамда бошқа хоналарига мулкдорларнинг ва улар вакилларининг хоҳишига хилоф тарзда ёки улар йўқлигида ички ишлар органлари ходимлари кирганлигининг барча ҳоллари тўғрисида йигирма тўрт соат ичида прокурорни ёзма шаклда хабардор қилиши;

жиноят, маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилган жойда ёки ҳодиса жойида жабрланган фуқароларга, шунингдек ночор аҳволда қолган фуқароларга биринчи тиббий ёрдам ёки бошқа хил ёрдам кўрсатилишини ташкил этиши;

ўз ваколатлари доирасида жиноятлар фактлари бўйича жиноят ишларини қўзғатиши, маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни юритиши;

жиноятларнинг олдини олиш, уларни аниқлаш, уларга чек қўйиш ва уларни фош этиш, шунингдек уларни тайёрлаш ва содир этишга алоқадор бўлган шахсларни аниқлаш ҳамда топиш чораларини кўриши;

айрим процессуал ҳаракатларни бажаришда терговга қадар текширувни амалга оширувчи органларга, суриштирув ва тергов органларига, судга Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексида назарда тутилган тартибда ёрдам бериши;

жиноят ишлари бўйича, зарур бўлган ҳолларда эса жиноят иши қўзғатилгунига қадар, экспертизаларни, маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар бўйича экспертизаларни, шунингдек тезкор-қидирув фаолиятини амалга ошириш мақсадида нарсалар ва ҳужжатларни текширишни тайинлаши ҳамда ўтказиши[53].

Вазиятга ечим:

Профилактика инспектори агар терговга қадар ва тергов ҳаракатларини, тезкор-қидирув ва қидирув тадбирларини ўтказиш, жиноят, маъмурий ҳуқуқбузарлик, ҳодиса ҳолатларини ҳужжатлаштириш ёки жиноят, маъмурий ҳуқуқбузарлик изларини, ҳодиса ҳолатларини сақлаб қолиш учун зарур бўлса, фуқаролардан жиноят, маъмурий

[52] Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси 141-моддаси.

[53] Ўзбекистон Республикасининг 16.09.2016 й. ЎРҚ-407-сон қонуни, 16-модда

ҳуқуқбузарлик содир этилган жойни, ҳодиса жойини тарк этишни талаб қилиш ҳуқуқига эга[54]. Қонуний талаблар бажарилмаган тақдирда МЖтКнинг 194-моддаси ва ЖКнинг 2019-моддаси талаблари доирасида ходимлар томонидан огоҳлантириш ёки тегишли ҳужжатлар расмийлайтирилади.

2. ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРЛАРИНИНГ МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚБУЗАРЛИК СОДИР ЭТГАН ШАХСЛАР БИЛАН МУЛОҚОТ ЖАРАЁНИДА ЮЗАГА КЕЛАДИГАН МУАММОЛИ СИТУАЦИОН ВАЗИЯТЛАР МОДУЛИ.

2.1-Мавзу. Ўзбекистон Республикаси МЖтКнинг 40, 41, 47, 54, 56, 56[1], 61-моддаларида кўрсатилган ҳуқуқбузарликни содир этган шахслар билан ходимлар ўртасидаги ситуацион муаммоли вазиятлар.

Амалий машғулот (2-соат)

Вазият: Жорий йилнинг 18 июль куни Учтепа тумани ИИО ФМБ НҚдан тушган ҳабарга кўра, Саттарова Гулмира Рустамовна «102» рақамига қўнғироқ қилиб, наряд келишини сўраган. Ушбу ҳабарга асосан Учтепа тумани 21-мавзе, 12-уйда яшовчи 1974 йилда туғилган фуқаро Г.Р.Саттарова билан ҳолат юзасидан суҳбатлашилганида ариза билан мурожаат қилиб, таниши А.Ботирова уни ва вояга етмаган қизини ҳар хил ёмон сўзлар билан «Telegram» ва «Facebook» ижтимоий тармоғи оркали ҳақорат қилиб ҳамда қизи ва унинг фотосуратига “Интим массаж” деган сўзларни жойлаштириб, тарқатиб юборганлиги учун таниши Алисага нисбатан қонуний чора кўришни сўраган. Профилактика инспектори А.Ботировани хизмат хонасига чақириб ҳолат бўйича суҳбатлашганда фуқаро А.Ботирова хизмат хонасида тамаки маҳсулотини чекиб, айбини тан олмасдан профилактика инспекторига нисбатан қўпол муомалада бўлиб уни ноўрин сўзлар билан ҳақорат қилган ва тушунтириш хати ёзишдан бош тортган.

Муаммоли вазият бўйича профилактика инспектори томонидан амалга ошириладиган харакатларнинг ҳуқуқий асослари:

Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 16 сентябрдаги “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикасининг МЖтК ва бошқалар.

Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс 40-моддаси *(Туҳмат)*

Туҳмат, яъни била туриб ёлғон, бошқа бир шахсни шарманда қилувчи уйдирмаларни тарқатиш — базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма бараваридан олтмиш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

41-модда. *(Ҳақорат қилиш)*

Ҳақорат қилиш, яъни шахснинг шаъни ва қадр-қимматини қасддан камситиш — базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма бараваридан қирқ бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

56[1]-модда. *(Жамоат жойларида тамаки маҳсулотини истеъмол қилиш)*

Иш жойларида, соғлиқни сақлаш, таълим, спорт-соғломлаштириш муассасаларида, ёнғин чиқиш хавфи бўлган жойларда, шу жумладан автомобилларга ёқилғи қуйиш шохобчаларида ва бошқа жамоат жойларида тамаки маҳсулотини истеъмол қилиш, бундан тамаки маҳсулотини истеъмол қилиш учун махсус ажратилган жойлар ва (ёки) хоналар мустасно, — базавий ҳисоблаш миқдорининг учдан бир қисми миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.

Вазиятга ечим:

Профилактика инспектори ҳолат юзасидан фуқаро А.Ботированинг ҳуқуқбузарлигини аниқлаш мақсадида унга тегишли уяли алоқа воситасини ҳамда жабрланувчи тақдим этган фотосуратларни кўздан кечиради ҳамда ҳуқуқбузарлик фактлари аниқланган тақдирда Ўзбекистон Республикаси МЖтКнинг 40, 41, 56[1], 194-

[54] Ўзбекистон Республикасининг 16.09.2016 й. ЎРҚ-407-сон қонуни, 17-модда

моддаси билан маъмурий баённомалар расмийлаштиради. А.Ботирова ҳолат юзасидан ундан тушунтириш хати беришни рад қилганлиги сабабли холислар иштирокида баённома тузади, маъмурий баённомага имзо қўйишдан бош тортса бу ҳақда ходимнинг ўзи баённомага ёзиб қўяди, ҳуқуқбузар шахси бўйича маъмурий талабнома текширади, ҳудудий жиноят ишлари бўйича судига тўпланган ҳужжатларни юбориш бўйича алоқа хати тайёрлайди ҳамда почта ёки электрон платформа орқали ҳужжатларни кўриб чиқилиши учун судга юборади.

2-Вазият. 2020 йил 14 июль куни “Карантин” вақтида 2004 йил туғилган А.З.Хуррамов ниқобсиз А.Темур кўчасида ҳаракатланиб кетаётганда профилактика инспектори томонидан тўхтатилди. Профилактика инспектори вояга етмаган 16 ёшли А.Хуррамовга ниқобсиз юриши ҳуқуқбзарлик эканлигини ҳамда соғлиғи учун зараралиги тушунтирганда А.Хуррамов ўзини шубҳали тутди ва қочишга уринади. Профилактика инспектори уни шахсий кўрикдан ўтказганда шимининг ён чўнтагидан 10 дона Барбитал психотроп таблетка аниқланади.

Муаммоли вазият бўйича профилактика инспектори томонидан амалга ошириладиган харакатларнинг ҳуқуқий асослари: Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 16 сентябрдаги “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикасининг МЖтК, Ўзбекистон Республикаси ВМнинг 27.10.2018 йилдаги 878-сон ва 27.09.2019 йилдаги 818-сон қарорлари ва бошқалар.

Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс 47-модда. (*Болаларни тарбиялаш ва уларга таълим бериш борасидаги мажбуриятларни бажармаслик)*

Ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар томонидан вояга етмаган болаларни тарбиялаш ва уларга таълим бериш борасидаги мажбуриятларни бажармаслик, шу жумладан вояга етмаган болаларнинг маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этишига олиб келиши — базавий ҳисоблаш миқдорининг бир бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Худди шундай ҳуқуқбузарликлар маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, —базавий ҳисоблаш миқдорининг беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс 54-модда. (*Эпидемияларга қарши кураш қоидаларини бузиш)*

Карантинли ва инсон учун хавфли бўлган бошқа юқумли касалликлар пайдо бўлиши ҳамда тарқалиши шароитида ваколатли органнинг махсус талабларига зид равишда жамоат жойларида ниқобсиз бўлиш — базавий ҳисоблаш миқдорининг беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс 56-модда. *(Гиёҳвандлик воситаларини, уларнинг аналогларини ёки психотроп моддаларни оз миқдорда ғайриқонуний равишда тайёрлаш, олиш, сақлаш, ташиш ёки жўнатиш)*

Гиёҳвандлик воситаларини, уларнинг аналогларини ёки психотроп моддаларни ўтказиш мақсадини кўзламай оз миқдорда ғайриқонуний равишда тайёрлаш, олиш, сақлаш, ташиш ёки жўнатиш —гиёҳвандлик воситаларини, уларнинг аналогларини ёки психотроп моддаларни мусодара қилиб, базавий ҳисоблаш миқдорининг бир бараваридан икки бараваригача миқдорда жарима солишга ёхуд гиёҳвандлик воситаларини, уларнинг аналогларини ёки психотроп моддаларни мусодара қилиб, ўн беш суткагача муддатга маъмурий қамоқ жазосига сабаб бўлади.

“Барбитал” психотроп моддаси Ўзбекистон Республикасида айланмаси чекланган психотроп моддалар рўйхатига *(тартиб рақами №7)* киритилган бўлиб, 2 граммдан юқори миқдор жиноий жавобгарликка сабаб бўлади (1 таблетка оғирлиги 0,1 грамм), 2 грамм ва ундан кам бўлганда оз миқдор ҳисобланади ва маъмурий жавобгарликка сабаб бўлади[55].

[55] Ўзбекистон Республикаси ВМнинг 27.10.2018 йилдаги 878-сон қарори 6-илова, III рўйхат.

(фуқаро А.Хуррамовнинг ёнидан топилган 10 дона Барбитал таблеткаси 0,1 гр х10 дона = 1 граммни ташкил қилади)

Вазиятга ечим:

Профилактика инспектори ҳолат юзасидан фуқаро А.Хуррамовни шахсий кўрикдан ўтказиб ИИО таянч пунктига олиб боради, МЖтКнинг 289-290-моддаси тартибида шахсий кўрикдан ўтказиш ва нарсани олиш баённомасини тузади *(2 та холис иштирокида)*, ота-онасига хабар беради, ота-онаси иштирокида профилактик суҳбат ўтказиб, ҳуқуқбузарлик фактлари бўйича ота-онасининг бирига ёки қонуний вакилига Ўзбекистон Республикаси МЖтКнинг 47-моддаси бўйича, А.Хуррамовга эса 16 ёшга, яъни жавобгарлик ёшига етганлиги сабабли МЖтКнинг 54-моддаси билан маъмурий баённомалар расмийлаштиради. Улардан ҳолат юзасидан ундан тушунтириш хатлари ва шахсини тасдиқловчи ҳужжатларидан нусха олади. А.Хуррамов ёнидан топилган психотроп моддасини баённома орқали олгач, психотроп модданинг оғирлиги ва турини аниқлаш мақсадида экспертиза тайинлайди. Экспертиза хулосасига асосан психотроп модда эканлиги аниқланса ҳамда оғирлиги 2 грамм (ушбу миқдор Барбитол учун)дан кўп бўлмаса, МЖтКнинг 56-моддаси бўйича маъмурий баённома расмийлаштиради. Ҳудудий ИИО раҳбарига билдирги орқали ҳолат ҳақида маълум қилади. *(билдирги ИИО НҚ 1-Шакл китоби ёки 2-Шакл журналида қайд этилади*[56]*)* Ҳуқуқбузар шахси бўйича маъмурий талабнома текширади сўнгра ҳудудий жиноят ишлари бўйича судига тўпланган ҳужжатларни юбориш бўйича алоқа хати тайёрлайди ҳамда почта ёки электрон платформа E – ma`muriy ish орқали ҳужжатларни кўриб чиқилиши учун судга юборади.

3-Вазият. 2023 йил 8 август куни Миробод тумани, Фарғона кўчаси 56-уйда жойлашган “АРТ МЧЖ” корхонасида ёлланма ишчи бўлиб ишлаётган Ф.Лапасов корхонага тегишли бўлган электрод 2,5 мм уч пачка 15 кг. баҳоси 165.000 (бир юз олтмиш беш минг) ва круг отрезной д-230, беш дона баҳоси 27.500 (йигирма етти минг беш юз) сўм бўлган буюмларни яширинча ўғирлаганлиги аниқланган. Профилактика инспектори томонидан Ф.Лапасов ИИОга чақиртирилиб, ўғирланган нарсаларни тақдим этиши сўралганда, ҳуқуқбузарлик содир этмаганлигини маълум қилди.

Ички ишлар органлари:

жиноятлар, бошқа ҳуқуқбузарликлар ва ҳодисалар тўғрисидаги аризаларни, хабарларни ва бошқа ахборотни, шу жумладан электрон шаклдаги шундай аризаларни, хабарларни ва бошқа ахборотни қабул қилиши ҳамда рўйхатга олиши, мурожаат этувчига қонунчиликда белгиланган тартибда кейинчалик хабар берган ҳолда улар бўйича ўз вақтида чоралар кўриши;

жиноят, маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилган жойга, ҳодиса жойига дарҳол етиб келиши, ғайриқонуний қилмишларга чек қўйиши, фуқароларнинг хавфсизлигига таҳдидларни бартараф этиши, жиноят, маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилганлиги ҳолатларини, ҳодиса ҳолатларини ҳужжатлаштириши, жиноят, маъмурий ҳуқуқбузарлик, ҳодиса изларининг сақланишини таъминлаши;

жисмоний ва юридик шахсларнинг турар жойларига ҳамда бошқа хоналарига мулкдорларнинг ва улар вакилларининг хоҳишига хилоф тарзда ёки улар йўқлигида ички ишлар органлари ходимлари кирганлигининг барча ҳоллари тўғрисида йигирма тўрт соат ичида прокурорни ёзма шаклда хабардор қилиши;

жиноят, маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилган жойда ёки ҳодиса жойида жабрланган фуқароларга, шунингдек ночор аҳволда қолган фуқароларга биринчи тиббий ёрдам ёки бошқа хил ёрдам кўрсатилишини ташкил этиши;

ўз ваколатлари доирасида жиноятлар фактлари бўйича жиноят ишларини қўзғатиши, маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни юритиши;

[56] ИИВнинг 180-сон буйруғи 12.11.2016 йил

жиноятларнинг олдини олиш, уларни аниқлаш, уларга чек қўйиш ва уларни фош этиш, шунингдек уларни тайёрлаш ва содир этишга алоқадор бўлган шахсларни аниқлаш ҳамда топиш чораларини кўриши;

айрим процессуал ҳаракатларни бажаришда терговга қадар текширувни амалга оширувчи органларга, суриштирув ва тергов органларига, судга Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексида назарда тутилган тартибда ёрдам бериши;

жиноят ишлари бўйича, зарур бўлган ҳолларда эса жиноят иши қўзғатилгунига қадар, экспертизаларни, маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар бўйича экспертизаларни, шунингдек тезкор-қидирув фаолиятини амалга ошириш мақсадида нарсалар ва ҳужжатларни текширишни тайинлаши ҳамда ўтказиши[57].

Вазиятга ечим. Профилактика инспектори гумонланувчининг яшаш хонадонини кўздан кечиради, баённома тузади (холислар иштирокида), видеоёзувлар ва гувоҳлар кўрсатувини ўрганади, ҳуқуқбузарлик фактлари аниқланган тақдирда МЖтКнинг 61-моддаси тартибида ҳужжатлар расмийлаштиради ва ЖИБ судга юборади.

2.2-Мавзу. Ўзбекистон Республикаси МЖтКнинг 101, 110, 111, 113, 114, 122-моддаларида кўрсатилган ҳуқуқбузарликни содир этган шахслар билан ходимлар ўртасидаги ситуацион муаммоли ҳолатлар.

Амалий машғулот (2-соат)

Вазият: Юнусобод тумани, Турон МФЙ, 7-уйда жойлашган Самара тўйхонаси профилактика инспектори ва Ҳудудгаз тармоғи масъул ходимлари иштирокида текширилганда ноқонуний равишда марказий газ тармоғига улаб олинганлиги ҳамда тўйхона орқа ҳовлисида тегишли ҳужжатларсиз ва фуқаролар хавфсизлиги таъминланмаган ҳолда 2 дона ит боқиб келаётганлиги аниқланди. Ҳолат юзасидан тўйхона эгаси Т.Турдиев билан профилактик суҳбат ўтказилиб, унинг ҳуқуқбузарлик содир этганлиги тушунтирилди. Фуқаро Т.Турдиевни ИИО таянч пунктига таклиф этилганда боришни рад қилди.

Муаммоли вазият бўйича профилактика инспектори томонидан амалга ошириладиган харакатларнинг ҳуқуқий асослари:

Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 16 сентябрдаги “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикасининг МЖтК, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 12.01.2018 йилдаги 22-сон “Электр энергияси ва табиий газдан фойдаланиш тартибини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 08.07.2011 йилдаги 202-сон “Қаровсиз қолган ҳайвонларни тутиш ва сақлаш билан боғлиқ хизматлар фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ва бошқалар.

Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси 101-модда. *(Электр, иссиқлик энергияси, газдан фойдаланиш қоидаларини бузиш)*

Умумий фойдаланишдаги электр, иссиқлик, газ тармоқларига ўзбошимчалик билан уланиш ёки улардан фойдаланиш қоидаларини бошқача тарзда бузиш ёхуд электр, иссиқлик энергияси, табиий газни ҳисобга олиш асбобларига шу жумладан уларнинг пломбаларига қасддан шикаст етказиш ёки бундай ҳисобга олиш асбобларининг кўрсаткичларини ўзгартириш мақсадида уларга ташқаридан аралашиш, — фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн бараваридан ўн беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса — йигирма бараваридан йигирма беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган ер участкаларида қурилган бинолар ҳамда иншоотларни электр энергияси, иссиқлик ва газ таъминоти ташкилотлари томонидан электр, иссиқлик ва газ тармоқларига ўзбошимчалик билан улаш, — мансабдор шахсларга

[57] Ўзбекистон Республикасининг 16.09.2016 й. ЎРҚ-407-сон қонуни, 16-модда

базавий ҳисоблаш миқдорининг етмиш бараваридан саксон беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси 110-модда. (*Ит ва мушук боқиш қоидаларини бузиш)*

Шаҳарлар ва бошқа аҳоли пунктларида ит ва мушук боқишнинг қоидаларини бузиш, худди шунингдек мансабдор шахслар томонидан эгасиз ҳайвонларни туттириш чораларини кўрмаганлик — фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг ўндан бир қисмидан иккидан бир қисмигача, мансабдор шахсларга эса — иккидан бир қисмидан бир бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Худди шундай ҳуқуқбузарлик фуқароларнинг соғлиғи ёки мол-мулкига зарар етишига олиб келса, — фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг иккидан бир қисмидан бир бараваригача, мансабдор шахсларга эса — бир бараваридан икки бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Аҳоли пунктларида итлар рўйхатга олиниши ва ҳар йили қайта рўйхатдан ўтказилиши шарт. Бу тегишли ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бўлимлари томонидан амалга оширилади. Санитария-гигиена ва ветеринария-санитария қоидаларига риоя қилиш итлар ва мушукларни сақлашнинг мажбурий шарти ҳисобланади.

Кўп қаватли уйнинг алоҳида квартирасида қўшниларнинг ва хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатининг розилиги билан биттадан ортиқ бўлмаган итни ва битта мушукни сақлашга рухсат берилади.

Алоҳида уйда итларни сақлашга фақат боғланган ҳолда, эркин сайр қилдиришда - атрофи ўралган ҳудудда ажратилган ҳолда сақлашга йўл қўйилади.

Итлар очиқ жойларда сайр қилдирилганда ва турар жой биноларида итларнинг эгалари тинчлик сақланишини таъминлашлари — эрталаб соат 8.00 гача ва кечқурун 22.00 дан кейин итларнинг вовиллашининг олдини олишлари керак[58].

Вазиятга ечим. Профилактика инспектори тўйхона эгаси Т.Турдиевни агар ИИО таянч пунктига бориш бўйича қонуний талабини бажаришдан бош тортса МЖтКнинг 194-моддасига асосан маъмурий жавобгарликка тортилиши ҳақида огоҳлантириш беради. Шунга қарамай қонуний талабни бажармаса вазиятга қараб, жисмоний куч ёки махсус воситаларни қўллаган ҳолда ИИО таянч пунктига олиб боради. Шахсий кўрикдан ўтказиш ва нарсани олиш баённомасини тузади (2 та холис иштирокида). Сўнгра, МЖтКнинг 101-моддасида кўрсатилган ҳуқуқбузарлик фактларини аниқлаш мақсадида Ҳудудгаз тармоғи ходимлари ва холислар иштирокида Далолатнома расмийлаштирилади. Ҳудудгаз тармоғи мутахассислари тақдим этган маълумотнома(хулоса) га асосан давлатга етказилган зарар миқдори БҲМ нинг 30 бараваридан ошмаган бўлса маъмурий жавобгарлик, ошган бўлса жиноий жавобгарликка тортилиши бўйича ҳужжатлар расмийлаштирилади. Ит ва мушук боқиш қоидаларини бузганлиги учун 110-моддага асосан маъмурий баённома расмийлаштиради. Иккала ҳолат бўйича ҳуқуқбузар ва иштирокчилардан тушунтириш хатлари олинади. Ҳудудий ИИО раҳбарига билдирги орқали ҳолат ҳақида маълум қилади. *(билдирги ИИО НҚ 1-Шакл китоби ёки 2-Шакл журналида қайд этилади)* Ҳуқуқбузар шахси бўйича маъмурий ва жиноий талабнома текширади. Маъмурий жавобгарликка тортиш бўйича тўпланган ҳужжатлар ҳудудий жиноят ишлари бўйича судига алоқа хати орқали электрон платформа E – ma`muriy ish орқали ҳужжатларни кўриб чиқилиши учун судга юборилади.

Агар етказилган зарар жиноий жавобгарлик (ЖКнинг 185^2-модда. *Электр, иссиқлик энергияси, газ, водопроводдан фойдаланиш қоидаларини бузиш)*ка сабаб бўлса ёки шундай

[58] Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 08.07.2011 йилдаги 202-сон “Қаровсиз қолган ҳайвонларни тутиш ва сақлаш билан боғлиқ хизматлар фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори, Аҳоли пунктларида итлар ва мушукларни сақлаш Қоидалари 2,7,9-10-бандлари

ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, билдирги билан ИИО раҳбари рухсати орқали тергов бўлимига тақдим этилади.

Вазият. Фуқаро Г.Алмасов темир йўл релсига мушукни боғлаб қўйиб, уни тасвирга олганлиги ҳамда поезд ҳаракатланиб келиб уни босиб кетишига шароит яратиб, ҳолатни ижтимоий тармоқларга тарқатиб юборганлиги аниқланди. Телефон орқали ИИО таянч пункига чақирилганда келишдан бош тортди.

Ҳуқуқий асослар:

МЖтКнинг 111-моддаси. ***Ҳайвонларга нисбатан шафқатсиз муносабатда бўлиш***

Ҳайвонларга нисбатан шафқатсиз муносабатда бўлиш, яъни уларни ғаразли ёки бошқа паст ниятларда қийноққа солиш ёки уларга азоб бериш, — базавий ҳисоблаш миқдорининг уч бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса ёхуд ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган ҳуқуқбузарлик вояга етмаган шахс ҳозирлигида содир этилган бўлса ёки ҳайвонларнинг ўлимига ёхуд майиб бўлишига олиб келса, — базавий ҳисоблаш миқдорининг беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга ёки ўн беш суткагача маъмурий қамоққа олишга сабаб бўлади.

МЖтКнинг 113-моддаси. ***Темир йўл транспортида ҳаракат хавфсизлиги қоидаларини бузиш***

Темир йўл изларига поездлар қатновининг бузилишига олиб келиши мумкин бўлган ашёларни қўйиш, шунингдек темир йўлни, иҳота дарахтларини ва қор тўсиш ғовларини ҳамда бошқа йўл объектларини, сигнал бериш ва алоқа иншоотлари ва қурилмаларини шикастлантириш — базавий ҳисоблаш миқдорининг иккидан бир қисмидан бир бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Темир йўлдан от-арава ҳайдаб ўтиш ва чорва молларни ҳайдаб ўтиш, чорва молларни темир йўл яқинида боқиш қоидаларини бузиш — базавий ҳисоблаш миқдорининг бешдан бир қисмидан иккидан бир қисмигача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Темир йўл транспортига юк ортиш вақтида белгиланган габаритларга риоя қилмаслик — мансабдор шахсларга базавий ҳисоблаш миқдорининг бешдан бир қисмидан иккидан бир қисмигача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Темир йўлларни белгиланмаган жойлардан кесиб ўтиш — базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирмадан бир қисми миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.

Транспорт воситалари ҳайдовчилари томонидан темир йўл изини белгиланмаган жойдан кесиб ўтиш — базавий ҳисоблаш миқдорининг икки бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Ўзбекистон Республикаси МЖтКга кўра, ички ишлар органлари номидан маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишга ва маъмурий жазо қўллашга қуйидагилар ҳақли: 47-моддаси биринчи қисмида, 47^{3}, 54, 56^{1}-моддаларида, 110-моддасининг биринчи қисмида (фуқароларга нисбатан), 111-моддасининг биринчи қисмида, 113-моддасининг биринчи, иккинчи, тўртинчи ва бешинчи қисмларида, 114, 122, 123-моддаларида, 127-моддасида (товуш сигналини сабабсиз беришга доир қисмида), 128^{6}-моддасида, 147-моддасининг биринчи қисмида (автомобиль йўлларини ўзбошимчалик билан қазиш, уларда сунъий нотекисликлар ва тўсиқлар яратганлик, автомобиль йўлида ишларни амалга ошириш учун берилган рухсатнома талабларини бажармаганлик, шунингдек йўлларни сақлаш қоидаларини бузганлик учун), 148-моддасида (ажратилган минтақаларда ва ёғоч кўприклардан 100 метргача бўлган масофада олов ёққанлик, тахта тўшамали кўприкларда чекканлик учун), 161-моддасида (фуқароларга нисбатан), 187-моддасининг биринчи қисмида, 188, 188^{2}, 192, 221-моддаларида, 223-моддасининг биринчи қисмида, 223^{1}, 223^{3}-моддаларида, 224-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган

маъмурий ҳуқуқбузарликлар учун — ички ишлар органлари таянч пунктларининг профилактика катта инспекторлари ва инспекторлари[59];

Вазиятга ечим.

Профилактика инспектори Г.Алмасовни агар ИИО таянч пунктига бориш бўйича қонуний талабини бажаришдан бош тортса, МЖтКнинг 194-моддасига асосан маъмурий жавобгарликка тортилиши ҳақида огоҳлантириш беради. Шунга қарамай қонуний талабни бажармаса вазиятга қараб, жисмоний куч ёки махсус воситаларни қўллаган ҳолда ИИО таянч пунктига олиб боради. Шахсий кўрикдан ўтказиш ва нарсани олиш баённомасини тузади (2 та холис иштирокида). Сўнгра, МЖтКнинг 111, 113-моддасида кўрсатилган ҳуқуқбузарлик фактларини аниқлаш мақсадида холислар ва Темирйўл ДУК ва Транспорт ИИБ ходимлари иштирокида ҳодиса жойини кўздан кечириш баённомасини расмийлаштирилади. Ҳолат бўйича ҳуқуқбузар ва иштирокчилардан тушунтириш хатлари олинади. Ҳудудий ИИО раҳбарига билдирги орқали ҳолат ҳақида маълум қилади. *(билдирги ИИО НҚ 1-Шакл китоби ёки 2-Шакл журналида қайд этилади)* Ҳуқуқбузар шахси бўйича маъмурий ва жиноий талабнома текширади. Маъмурий жавобгарликка тортиш бўйича тўпланган ҳужжатлар ҳудудий жиноят ишлари бўйича судига алоқа хати орқали электрон платформа E – ma`muriy ish орқали ҳужжатларни кўриб чиқилиши учун судга юборилади.

3-вазият. Профилактика инспектори томонидан Сирдарё вилояти, Гулистон шаҳри, Ойдин МФЙ ҳудудидан ҳаракатланиб кетаётган Тошкент-Самарқанд йўловчи поезди вагонига ноъмалум фуқаронинг чиқиб олганлиги ҳолати аниқланди. Суриштирув натижасида ушбу фуқаро Самарқанд вилояти, Самарқанд шаҳри, Бахт МФЙ 10/21-хонадонда яшовчи, 1990 й.т. А.Темиров эканлиги аниқланди. Фуқаро А.Темиров профилактика инспектори томонидан чақирилганда ҳуқуқбузарлигини тан олмасдан, чақирувга биноан келишдан бош тортди, чақирув қоғози юборилишини талаб қилди.

Муаммоли вазият бўйича профилактика инспектори томонидан амалга ошириладиган харакатларнинг ҳуқуқий асослари:

Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 16 сентябрдаги “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикасининг МЖтК, Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 15 декабрдаги 1024-сон қарори билан тасдиқланган «Суриштирув, дастлабки тергов органлари ёки судга узрсиз сабабларга кўра келишдан бош тортган шахсларни мажбурий келтириш бўйича топшириқларни ижро этиш тартиби тўғрисида низом ва бошқалар.

Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси 114-модда. ***Темир йўл транспорти воситаларидан фойдаланиш қоидаларини бузиш***

Зарурат бўлмай туриб, ўзбошимчалик билан поездни тўхтатиш — базавий ҳисоблаш миқдорининг бир бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Юк поездларида ўзбошимчалик билан юриш, поезд ***юриб кетаётганда поездга чиқиш*** ва поезддан тушиш, вагонларнинг зинапояларида ва томларида кетиш — базавий ҳисоблаш миқдорининг иккидан бир қисмидан икки бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Маъмурий баённома расмийлаштирилган шахсга ишни кўриб чиқиш жойи ва вақти ҳақида хабар қилинганлиги тўғрисида маълумотлар бўлган ва ундан ишни кўриб чиқишни кечиктириш хусусида ҳеч қандай илтимос тушмаган ҳолларда, иш унинг иштирокисиз кўриб чиқилиши мумкин[60].

Ички ишлар органларининг ҳуқуқлари:

ички ишлар органлари юритувидаги ишлар ва материаллар бўйича фуқароларни, мансабдор шахсларни ички ишлар органларига чақиртириш, улардан зарур

[59] Ўзбекистон Республикаси МЖтК нинг 248-моддаси 4-банди.

[60] Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси 294-модданинг иккинчи қисми

тушунтиришлар, маълумотлар, ҳужжатлар, маълумотномаларни ва уларнинг кўчирма нусхаларини олиш;

маъмурий ҳуқуқбузарликлар содир этган шахсларни қонунчиликда белгиланган тартибда ушлаш ва ички ишлар органларига олиб бориш[61];

Гувоҳ, жабрланувчи, шунингдек озодликда юрган гумон қилинувчи, айбланувчи ва судланувчи суриштирувчига, терговчига, прокурорга ва судга чақирув қоғози билан чақирилади. Чақирув қоғози почта орқали жўнатилади ёки чопар орқали топширилади. Чақирув телефонограмма, телеграмма, радиограмма билан ёки телефакс орқали ҳам бўлиши мумкин.

Чақирув қоғозида шахс ким сифатида, қайси манзилга ва кимнинг ҳузурига чақирилаётганлиги, қайси кунда ва қайси соатга келиши кераклиги, шунингдек узрсиз сабабларга кўра келмай қолган тақдирда қандай оқибатлар рўй бериши кўрсатилган бўлиши лозим.

Чақирув қоғози чақирилувчига топширилиб, тилхат олинади. Чақирув қоғози олиб борилганда чақирилувчи вақтинча йўқ бўлса, унга бериб қўйиш учун чақирув қоғози у билан бирга яшовчи вояга етган оила аъзоларидан бирига, ётоқхона маъмуриятига, уй эгасига ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи вакилига топширилиб, тилхат олинади[62].

Вазиятга ечим.

Профилактика инспектори А.Темировни агар ИИО таянч пунктига келиш бўйича қонуний талабини бажаришдан бош тортса, МЖтКнинг 194-моддасига асосан маъмурий жавобгарликка тортилиши ҳақида огоҳлантириш беради. Ҳолат бўйича ҳуқуқбузар ва гувоҳлардан тушунтириш хатлари олинади. Агар ҳуқуқбузар соғлиғи ёки шароити оғирлиги ҳолатига кўра кела олмаслигини маълум қилса, ҳуқуқбузарнинг яшаш жойи ҳудудий профилактика инспектори томонидан тушунтириш хати олиб юбориш ҳақида сўров юборилади. *(ҳолатнинг видеотасвири бўлса дискда илова қилинади)* Ҳудудий ИИО раҳбарига билдирги орқали ҳолат ҳақида маълум қилади. *(билдирги ИИО НҚ 1-Шакл китоби ёки 2-Шакл журналида қайд этилади)* Ҳуқуқбузар шахси бўйича маъмурий ва жиноий талабнома текширади. Маъмурий жавобгарликка тортиш бўйича тўпланган ҳужжатлар асосида маъмурий баённома расмийлаштиради.

2.3-Мавзу. Ўзбекистон Республикаси МЖтКнинг 123, 127, 128[6], 147-моддаларида кўрсатилган ҳуқуқбузарликни содир этган шахслар билан ходимлар ўртасидаги ситуацион муаммоли холатлар.

Амалий машғулот (2-соат)

Вазият: Чилонзор тумани, Ёркин МФЙ, Бирлик кўчасида хизмат олиб бораётган профилактика инспектори давлат рақами 01B071CA оқ рангли СПАРК автомашинаси ҳайдовчиси О.Муталов 3.28 (тўхтаб туриш тақиқланади) йўл белгиси таъсирида тўхтаб турган ҳолда сабабсиз товуш сигналларини бераётганлиги ва ичимлик суви пластик идишини кўчадаги ариққа ташлаб юборганлигини аниқлади. Профилактика инспектори унинг олдига бориб машинадан тушишини сўраганида машинани ҳайдаб қочиб кетди.

Муаммоли вазият бўйича профилактика инспектори томонидан амалга ошириладиган харакатларнинг ҳуқуқий асослари:

Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 16 сентябрдаги “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги Қонуни, “Темир йўл транспорти тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикасининг МЖтК, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 13.04.2012 йилдаги 109-сон қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 12 апрелдаги 172-сон қарори ва бошқалар.

[61] Ўзбекистон Республикасининг 407-сон Қонуни, 17-модда. Ички ишлар органларининг ҳуқуқлари

[62] Ўзбекистон Республикасининг ЖПКнинг 97-моддаси.

Ўзбекистон Республикасининг МЖтКнинг 123-модда. *Транспорт воситаларидан ахлат ёки бошқа нарсаларни ташлаб юбориш*

Поездларнинг вагонлари, автотранспорт воситалари ва шаҳар йўловчилар транспортидан ахлат ёки бошқа нарсаларни ташлаб юбориш —базавий ҳисоблаш миқдорининг иккидан бир қисми миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.

МЖтКнинг 127-модда. *Транспорт воситаларининг товуш чиқарувчи, ёритувчи ва бошқа қурилмаларидан фойдаланиш, уларни ўрнатиш қоидаларини бузиш*

Товуш сигналини сабабсиз бериш, транспорт воситаларига уни ишлаб чиқарган корхона назарда тутмаган товуш чиқарувчи ва ёритувчи қурилмаларни ўрнатиш, худди шунингдек уларни ўзгартириб ўрнатиш — базавий ҳисоблаш миқдорининг бир баравари миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.

Ички ишлар органи ходими қонуний талаблари бажарилишининг мажбурийлиги

Ички ишлар органи ходимининг ўз ваколатлари доирасида қўйилган қонуний талабларини, шу жумладан қонунга риоя этиш, ҳужжатларни, текширувлар материалларини ва бошқа маълумотларни тақдим этиш, мутахассис ажратиш, ички ишлар органига келиш ҳамда аниқланган қонунбузарликлар хусусида тушунтиришлар бериш тўғрисидаги, қоидабузарликларни, шунингдек уларнинг сабабларини ва содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни бартараф этиш ҳақидаги қонуний талабларини барча давлат органлари, бошқа ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан бажарилиши мажбурийдир.

Ички ишлар органларининг зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун зарур бўлган ахборот, ҳужжатлар ва бошқа материаллар уларнинг қонуний талаби бўйича бепул тақдим этилади.

Ички ишлар органи ходимининг қонуний талаблари устидан шикоят қилиниши уларнинг бажарилишини тўхтатиб турмайди[63].

МЖтКнинг 128[6]-модда. ***Транспорт воситалари ҳайдовчиларининг тўхташ ёки тўхтаб туриш қоидаларини бузиши***

Транспорт воситалари ҳайдовчиларининг тўхташ ёки тўхтаб туриш қоидаларини бузиши, — базавий ҳисоблаш миқдорининг икки баравари миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.

Бир неча ҳуқуқбузарликни содир этганлик учун маъмурий жазо қўлланиш

Битта шахс икки ёки ундан ортиқ маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган тақдирда, маъмурий жазо ҳар бир ҳуқуқбузарлик учун алоҳида-алоҳида қўлланилади.

Башарти шахс бир неча маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган бўлиб, шу ҳақдаги ишлар бир вақтнинг ўзида айни бир орган (мансабдор шахс) томонидан кўриб чиқилаётган бўлса, бу шахсга нисбатан қўлланиладиган узил-кесил жазо оғирроқ маъмурий жазони назарда тутувчи санкция доирасида қўлланилади.

Башарти шахс ушбу Кодекснинг Махсус қисмидаги бир неча модда билан маъмурий жавобгарлик белгиланган ва улар тўғрисидаги ишларни ҳар хил орган (мансабдор шахс) кўрадиган ҳаракат (ҳаракатсизлик) содир этган бўлса, унга нисбатан жазо оғирроқ маъмурий жазони назарда тутувчи санкция доирасида қўлланилади.

Башарти шахс ушбу Кодекснинг Махсус қисмидаги тегишли модда билан маъмурий жавобгарлик назарда тутилган ҳаракатни (ҳаракатсизликни) вояга етмаган шахсни маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этишга жалб қилган ҳолда (ушбу Кодекснинг 188[1]-моддаси) содир этган бўлса, иш материаллари кўриб чиқиш учун судга топширилади[64].

Профилактика инспектори маъмурий ҳудудни профилактик кўздан кечиришни ҳар куни амалга оширади, йил давомида барча турар–жойларга камида икки маротаба ташриф буюриши лозим.

---

[63] Ўзбекистон Республикасининг 407-сон Қонуни 10-модда.

[64] Ўзбекистон Республикасининг МЖтК 34-модда.

Профилактика инспектори ҳуқуқбузарлик содир этилиши эҳтимоли юқори бўлган жойлар, интернет кафелар, тунги кўнгил очиш (дам олиш) жойларини ҳамда маъмурий назорат ўрнатилган, профилактик ҳисобга олинган, ов қуролига эга бўлган, ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил шахслар яшайдиган турар-жойларни доимий равишда назорат қилиб боради.

Профилактика инспектори турар-жойларга (хонадон, уй, хона) ва объектларга ташрифи вақтида лавозимини, унвонини, фамилиясини айтган ҳолда ўзини таништиради. Фуқаронинг талаби бўйича хизмат гувоҳномасини очиқ ҳолда кўрсатади, ташрифининг мақсадини маълум қилади[65].

Вазиятга ечим. Профилактика инспектори автотранспорт воситасининг шахси ва яшаш жойини ЙҲХ хизмати билан ҳамкорликда аниқлайди. Ҳуқуқбузарнинг яшаш жойига ўзи боради ёки телефон орқали фуқарони ИИОлари таянч пунктига чақиради, келишдан бош тортган тақдирда МЖтКнинг 194-моддаси тартибида жавобгарлик муқаррарлигидан огоҳлантиради. Чақирувга биноан ҳозир бўлмаса, вазиятга қараб, жисмоний куч ёки махсус воситаларни қўллаган ҳолда ИИО таянч пунктига олиб боради. Шахсий кўрикдан ўтказиш ва нарсани олиш баённомасини тузади (2 та холис иштирокида). Сўнгра, МЖтКнинг 123, 127, 128[6]-моддасида кўрсатилган ҳуқуқбузарлик фактларини асослаган ҳолда *(ҳолат видеотасвир, гувоҳлар кўрсатуви)* маъмурий баённомалар расмийлаштиради ва моддалар санкцияси орасида оғирроғини қўллаб маъмурий жазо қўллайди.

2-Вазият: Андижон тумани, Хитой МФЙ, 1-уйда яшовчи О.Жамолов яшаш ҳовлисига кўчадан ўтувчи канализация тармоғини улаш ишларини бажариб, кўчанинг асфалт қисми 2.5 метр кв. майдонда қазиш ишларини бажариб, ўтказиб бўлгач асфалтнинг бузилган қисмини ўз ҳолига қолдирди. Профилактика инспектори ва МФЙ раисининг бир неча маротаба огоҳлантиришига қарамасдан қазилган йўл қисмида таъмирлаш ишларини олиб бормади.

Муаммоли вазият бўйича профилактика инспектори томонидан амалга ошириладиган харакатларнинг ҳуқуқий асослари:

Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 16 сентябрдаги “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикасининг МЖтК, Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 12 апрелдаги 172-сон қарори ва бошқалар.

Ички ишлар органларининг ҳуқуқлари:

фуқаролардан қонунчиликка риоя этишни, ғайриқонуний хатти-ҳаракатларни тугатишни талаб қилиш, бу талаблар бажарилмаган тақдирда эса мажбурлов чораларини қўллаш;

маъмурий ҳуқуқбузарликлар содир этган шахсларни қонунчиликда белгиланган тартибда ушлаш ва ички ишлар органларига олиб бориш[66];

МЖтК 147-модда. *Йўлларга, йўл иншоотларига, йўл ҳаракатини тартибга солиб турувчи техник воситаларга шикаст етказиш, уларни сақлаш қоидаларини бузиш*

Йўлларга, темир йўлдан ўтиш жойларига, йўл ҳаракатини тартибга солувчи бошқа иншоотлар ёки техник воситаларга шикаст етказиш, шунингдек йўл ҳаракатига қасддан, шу жумладан йўл қопламасини ифлослантириш йўли билан халал бериш, худди шунингдек автомобиль **йўлларини ўзбошимчалик билан қазиш**, уларда сунъий нотекисликлар ва тўсиқлар яратиш, автомобиль йўлида ишларни амалга ошириш учун берилган рухсатнома талабларини бажармаслик, шунингдек йўлларни сақлаш қоидаларини бузиш — фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг икки баравари миқдорида, мансабдор шахсларга эса — ўн баравари миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.

Йўл белгиларини ўрнатиш, йўлларни, темир йўлдан ўтиш жойлари ва бошқа йўл иншоотларини ҳаракат учун хавфсиз ҳолда сақлаш қоидаларини бузиш ёки йўлнинг айрим

[65] Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг 2017 йил 12 июлдаги 151-сон буйруғи, Ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмалари фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисида Низом, 38,39,40-бандлари.

[66] Ўзбекистон Республикасининг 407-сон Қонуни 17-модда.

қисмларидан фойдаланиш ҳаракат хавфсизлигига таҳдид этадиган пайтда уларда ҳаракатни ўз вақтида тақиқлаш ёки чеклаш чораларини кўрмаслик — мансабдор шахсларга базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн беш баравари миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.

Вазиятга ечим.

Профилактика инспектори О.Жамаловни ёзма равишда МЖтКнинг 147, 194-моддаси тартибида жавобгарлик муқаррарлигидан расмий огоҳлантиради. Ҳуқуқбузарнинг яшаш жойига ўзи боради ҳамда холислар ва “Йўлқурилиш” ДУК мутахассислари иштирокида далолатнома тузади ҳамда етказилган зарар миқдорини аниқлайди. Фуқарони ИИОлари таянч пунктига чақиради, келишдан бош тортган тақдирда вазиятга қараб, жисмоний куч ёки махсус воситаларни қўллаган ҳолда ИИО таянч пунктига олиб боради. Шахсий кўрикдан ўтказиш ва нарсани олиш баённомасини тузади (2 та холис иштирокида). Иккала ҳолат бўйича ҳуқуқбузар, гувоҳ ва иштирокчилардан тушунтириш хатлари олинади. Ҳудудий ИИО раҳбарига билдирги орқали ҳолат ҳақида маълум қилади. (билдирги ИИО НҚ 1-Шакл китоби ёки 2-Шакл журналида қайд этилади) Ҳуқуқбузар шахси бўйича маъмурий ва жиноий талабнома текширади. Сўнгра, МЖтКнинг 147, 194-моддасида кўрсатилган ҳуқуқбузарлик фактларини асослаган ҳолда *(ҳолат видеотасвир, гувоҳлар кўрсатуви)* маъмурий баённомалар расмийлаштиради ва суд томонидан кўриб чиқиладиган 194-модда бўйича жавобгарлик белгиланганлиги учун тўпланган ҳужжатларни ҳудудий ЖИБ судига E-ma`muriy ish портали орқали юборади.

2.4-Мавзу. Ўзбекистон Республикаси МЖтКнинг 148, 161, 183, 187-моддаларида кўрсатилган ҳуқуқбузарликни содир этган шахслар билан ходимлар ўртасидаги ситуацион муаммоли ҳолатлар.

Амалий машғулот (4-соат)

Вазият. Тошкент вилояти, Бўстонлиқ тумани, Абай МФЙ ҳудудидан оқиб ўтувчи Чирчиқ дарёси устида қурилган ёғоч кўприк яқинида 3 нафар номаълум шахс олов ёқиб, кабоб пишираётганлиги, алкоголь маҳсулоти истеъмол қилиб, озиқ-овқат чиқиндиларини ён-атрофга улоқтириб ташлаганлиги ҳолати бўйича хабарга асосан профилактика инспектори улар ёнига борганда алкогол таъсирида бўлган ўзини Тоҳир деб таништирган шахс профилактика инспкекторини кийими енгидан ушлаб, ходимни уятли сўзлар билан ҳақоратлаб унинг огоҳлантиришига қарамасдан, четга тортиб “кетдик, эркак бўлсанг формангни еч, бирга-бир гаплашамиз” деб, ходимнинг қонуний талабларига бўйсунмади. Унинг 2 шериги уларни ажратишга ҳаракат қилди.

Муаммоли вазият бўйича профилактика инспектори томонидан амалга ошириладиган харакатларнинг ҳуқуқий асослари:

Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 16 сентябрдаги “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикасининг МЖтК ва бошқалар.

Ички ишлар органларининг ҳуқуқлари:

фуқаролардан қонунчиликка риоя этишни, ғайриқонуний хатти-ҳаракатларни тугатишни талаб қилиш, бу талаблар бажарилмаган тақдирда эса мажбурлов чораларини қўллаш;

маъмурий ҳуқуқбузарликлар содир этган шахсларни қонунчиликда белгиланган тартибда ушлаш ва ички ишлар органларига олиб бориш[67]

МЖтК **148-модда.** ***Темир йўллар ва автомобиль йўллари учун ажратилган минтақаларни муҳофаза қилиш қоидаларини бузиш***

Темир йўллар ва автомобиль йўллари учун ажратилган минтақаларда темир йўл органлари ва йўл органлари билан келишмай туриб ерни ҳайдаш, ўт ўриш, дарахт кесиш ва уларга шикаст етказиш, чимларни олиб ташлаш ва тупроқ олиш, канализация, саноат, мелиорация сувларини ва оқова сувларни сув қочириш иншоотларига ва резервларига оқизиш, шунингдек **ажратилган минтақаларда ва ёғоч кўприклардан 100 метргача**

[67] Ўзбекистон Республикасининг 407-сон Қонуни 17-модда.

бўлган масофада олов ёқиш, ёғоч кўприклар ва тахта тўшамали кўприкларда чекиш —фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг тўртдан бир қисмидан иккидан бир қисмигача, мансабдор шахсларга эса — бир бараваридан икки бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

183-модда. ***Майда безорилик***

Майда безорилик, яъни жамоат жойларида уятли сўзлар билан сўкиниш, фуқароларга ҳақоратомуз шилқимлик қилиш ҳамда жамоат тартибини ва фуқароларнинг осойишталигини бузувчи шу каби бошқа хатти-ҳаракатларда ифодаланган **жамиятда юриш-туриш қоидаларини қасддан менсимаслик** — базавий ҳисоблаш миқдорининг уч бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга ёки ўн беш суткагача муддатга маъмурий қамоққа олишга сабаб бўлади.

187-модда. ***Жамоат жойларида алкоголь маҳсулотини истеъмол қилиш***

Иш жойларида, кўчаларда, стадионларда, хиёбонларда, истироҳат боғларида, жамоат транспортининг барча турларида ва бошқа жамоат жойларида алкоголь маҳсулотини истеъмол қилиш, бундан тўйлар, юбилейлар ҳамда бошқа тантаналар ва маросимлар ўтказиладиган жойлар, шунингдек алкоголь маҳсулотини қуйиб реализация қилишга рухсат этилган савдо ва умумий овқатланиш объектлари мустасно, — базавий ҳисоблаш миқдорининг иккидан бир қисми миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.

161-модда. ***Шаҳарларни ва бошқа аҳоли пунктларини ободонлаштириш қоидаларини бузиш***

Шаҳарлар ва бошқа аҳоли пунктларининг ҳудудларини ободонлаштириш қоидаларини бузиш, шунингдек тозалик ва санитария тартибини таъминлаш қоидаларига риоя қилмаслик — фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг бир бараваридан уч бараваригача, мансабдор шахсларга эса — уч бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Маъмурий йўл билан ушлаб туриш тўғрисида баённома тузилиб, унда: баённома тузилган сана ва жой, баённома тузган шахснинг лавозими, фамилияси, исми, отасининг исми; ушлаб турилган шахс ҳақидаги маълумотлар; уни ушлаб туриш вақти, жойи ва унинг асослари кўрсатилади.

Баённома уни тузган мансабдор шахс ва ушлаб турилган шахс томонидан имзоланади. Ушлаб турилган шахс баённомани имзолашдан бош тортган тақдирда, баённомага шу ҳақда ёзиб қўйилади. Ушлаб турилган шахснинг илтимосига кўра, у ушлаб турилган жой ҳақида унинг қариндош-уруғлари, адвокат, иш ёки ўқиш жойидаги маъмурият хабардор қилиб қўйилади. Вояга етмаган шахс ушлаб турилгани ҳақида унинг ота-онаси ёки улар ўрнини босувчи шахслар албатта хабардор қилинади.

Маъмурий йўл билан ушлаб туриш муддатлари

Маъмурий йўл билан ушлаб туриш уч соатдан ортиқ давом этиши мумкин эмас. Айрим ҳолларда алоҳида зарурат муносабати билан Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида маъмурий йўл билан ушлаб туришнинг бошқача муддатлари белгиланиши мумкин.

Чегара тартибини ёки Ўзбекистон Республикаси давлат чегараси орқали ўтиш пунктларидаги тартибни бузган шахслар баённома тузиш учун уч соатгача муддатга ушлаб турилиши мумкин, ҳуқуқбузарнинг шахсини ва ҳуқуқбузарлик ҳолатларини аниқлаш учун зарур бўлган ҳолларда эса — ушлаш пайтидан бошлаб йигирма тўрт соат ичида прокурорга ёзма тарзда маълум қилиб, уч суткагача ёки ҳуқуқбузарда ўзининг шахсини тасдиқловчи ҳужжат бўлмаса, прокурорнинг санкцияси билан ўн суткагача муддатга ушлаб турилиши мумкин.

Ушбу Кодекснинг 54, 56, 57, 58, 61, 90-моддаларида, 164-моддасининг тўртинчи қисмида, 170, 183, 184[2], 184[3], 191, 194, 194[1], 195, 195[1], 201, 204, 205, 206, 210-моддаларида, 225-моддасининг биринчи — учинчи қисмларида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган ёхуд ўзининг шахси тўғрисидаги маълумотларни яширган шахслар ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иши жиноят ишлари бўйича суд ёки ички ишлар

органи бошлиғи (бошлиқ ўринбосари) томонидан кўриб чиқилгунга қадар, лекин 24 соатдан кўп бўлмаган муддатга ушлаб турилиши мумкин.

Маъмурий йўл билан ушлаб туриш муддати ҳуқуқбузарни баённома тузиш учун олиб келиш пайтидан бошланади, маст ҳолдаги шахслар учун эса — улар ҳушёр тортган вақтдан бошланади[68].

Вазиятга ечим. Профилактика инспектори ИИО НҚ га зудлик билан хабар бериб, ёрдамчи куч чақиради ҳамда ҳуқуқбузарликларни тўхтатиш юзасидан огоҳлантиради, вазият оғирлашиб кетишини олдини олиш чорасини кўради *(оғир-босиқлик, вазминлик, шахсий хавфсизлик)*. Ёрдам кучи келгач уларни ИИО биносига олиб боради. Наркология диспанцеридан мастлик ҳолатини аниқлайди, шахсий кўрикдан ўтказиш ва нарсани олиш баённомасини тузади *(2 та холис иштирокида)*. Ҳолат бўйича ҳуқуқбузарлар, гувоҳ ва иштирокчилардан тушунтириш хатлари олинади. (маст ҳолдаги шахслардан ҳушёр ҳолатга келгач). Ҳудудий ИИО раҳбарига билдирги орқали ҳолат ҳақида маълум қилади *(билдирги ИИО НҚ 1-Шакл китоби ёки 2-Шакл журналида қайд этилади)*. Ҳуқуқбузарларга бўйича маъмурий ва жиноий талабнома текширади. Сўнгра, МЖтКнинг 148, 161, 183, 187, 194-моддасида кўрсатилган ҳуқуқбузарлик фактларини асослаган ҳолда *(ҳолат видеотасвир, гувоҳлар кўрсатуви)* маъмурий баённомалар расмийлаштиради *(ҳуқуқбузарларга МЖтКнинг 294-модда тушунтирилади)* ва суд томонидан кўриб чиқиладиган 183,194-моддалар бўйича жавобгарлик белгиланганлиги учун тўпланган ҳужжатларни ҳудудий ЖИБ судига E-ma`muriy ish портали орқали юборади.

2.5-Мавзу. Ўзбекистон Республикаси МЖтКнинг 186, 188, 188^2, 188^3-моддаларида кўрсатилган ҳуқуқбузарликни содир этган шахслар билан ходимлар ўртасидаги ситуацион муаммоли вазиятлар.

Амалий машғулот (2-соат)

Вазият. 2023 йил 25 август куни соат тахминан 22:30 ларда профилактика инспектори томонидан М.Улуғбек тумани “Атлант” кафесида 2007 йил туғилган Ш.Рўзиқулов таниши, кафе эгаси 1991 й.т. С.Соибов билан “пиво” спиртли ичимлигини ичиб ўтирганлиги аниқланди. Тезкор хабарга асосан кафенинг хўжалик хоналари текширилганда, хонаки усулда ўткир спиртли ичимликлар тайёрланаётганлиги маълум бўлди. Кафе эгаси С.Соибов профилактика инспекторига бўйсунмасликка ҳаракат қилиб, ходимни хўжалик хонасидан чиқишни талаб қилди.

Муаммоли вазият бўйича профилактика инспектори томонидан амалга ошириладиган харакатларнинг ҳуқуқий асослари:

Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 16 сентябрдаги “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги Қонуни, 2010 йил 29 сентябрдаги “Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикасининг МЖтК ва бошқалар.

Ички ишлар органларининг ҳуқуқлари:

фуқаролардан қонунчиликка риоя этишни, ғайриқонуний хатти-ҳаракатларни тугатишни талаб қилиш, бу талаблар бажарилмаган тақдирда эса мажбурлов чораларини қўллаш;

маъмурий ҳуқуқбузарликлар содир этган шахсларни қонунчиликда белгиланган тартибда ушлаш ва ички ишлар органларига олиб бориш;

жиноятлар ёки маъмурий ҳуқуқбузарликлар содир этганликда гумон қилинаётган шахсларни уларнинг организмида алкоголь, гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ёки ақл-ирода фаолиятига таъсир кўрсатувчи бошқа моддалар мавжудлигини аниқлаш учун текширишни амалга ошириш;

содир этилаётган жиноятларга чек қўйиш, шунингдек уларни содир этаётган шахсларни таъқиб қилиш ҳамда ушлаш учун, агар бунинг кечиктирилиши фуқароларнинг

[68] Ўзбекистон Республикасининг МЖтК 286, 288-моддаси

ҳаёти ва соғлиғини, жамият ва давлат хавфсизлигини таҳдид остига қўйиши мумкин бўлса, ташкилотлар ва фуқароларнинг ҳудудига, турар жойларига ва бошқа биноларига, ер участкаларига, транспорт воситаларига сутканинг исталган вақтида тўсқинликсиз кириш (ошиб тушиш)[69];

МЖтК 186-модда. ***Фуқароларнинг хонаки усулда ҳозирланадиган ўткир спиртли ичимликларни сотиш мақсадида тайёрлаши ёки сотиши***

Фуқароларнинг хонаки усулда ҳозирланадиган ўткир спиртли ичимликларни сотиш мақсадида тайёрлаши ёки сотиши — сотишга мўлжалланган ашёларни ва тайёрлаш воситаларини мусодара қилиб, базавий ҳисоблаш миқдорининг беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

МЖтК 188-модда. ***Вояга етмаган шахсни ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб қилиш***

Вояга етмаган шахсни спиртли ичимликлар истеъмол қилишга, гиёвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп ҳисобланмаган, лекин кишининг ақл-идрокига, иродасига таъсир қиладиган моддалар ёки воситаларни истеъмол этишга жалб қилиш — базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн бараваридан йигирма бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

МЖтК 188[2]-модда. ***Вояга етмаган шахснинг кўнгил очиш (дам олиш) жойларида тунги вақтда бўлишига йўл қўйиш***

Ресторанлар, кафелар, барлар, клублар, дискотекалар, кинотеатрлар, компьютер заллари, Интернет тармоғидан фойдаланиш хизматларини кўрсатиш учун жиҳозланган хоналар ёки бошқа кўнгил очиш (дам олиш) жойларининг раҳбарлари ёхуд бошқа масъул шахслари томонидан вояга етмаган шахснинг тунги вақтда ота-онасидан бири ёки унинг ўрнини босувчи шахснинг кузатувисиз кўрсатилган муассасаларда бўлишига йўл қўйиш — базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Вазиятга ечим. Профилактика инспектори ИИО НҚга зудлик билан хабар бериб, Тезкор-тергов гуруҳи, ҳудудий прокуратура иқтисодий жиноятларга қарши курашиш Департаменти, Солиқ инспекцияси ходимлари билан ҳамкорликда хонаки спиртли ичимлик ишлаб чиқариш амалга оширилган ҳодиса жойини кўздан кечиради (Ҳуқуқбузар ва холимслар иштирокида). Ҳуқуқбузарлик содир этган С.Соибов ва вояга етмаган Ш.Рўзиқуловни ИИО ТП га олиб боради, наркология диспанцеридан мастлик ҳолатини аниқлайди, шахсий кўрикдан ўтказиш ва нарсани олиш баённомасини тузади *(2 та холис иштирокида)*. Ҳолат бўйича ҳуқуқбузарлар, гувоҳ ва иштирокчилардан тушунтириш хатлари олинади. (агар маст ҳолдаги шахс бўлса ҳушёр ҳолатга келгач). Ҳудудий ИИО раҳбарига билдирги орқали ҳолат ҳақида маълум қилади *(билдирги ИИО НҚ 1-Шакл китоби ёки 2-Шакл журналида қайд этилади)*. Ҳуқуқбузарларга бўйича маъмурий ва жиноий талабнома текширади. Сўнгра, МЖтКнинг 186, 188, 188[2], 47 *(вояга етмаган ота-онасига)*, 194-моддасида кўрсатилган ҳуқуқбузарлик фактларини асослаган ҳолда *(ҳолат видеотасвир, гувоҳлар кўрсатуви)* маъмурий баённомалар расмийлаштиради *(ҳуқуқбузарларга МЖтКнинг 294-модда тушунтирилади)* ва тўпланган ҳужжатларни ҳудудий ЖИБ судига E-ma`muriy ish портали орқали юборади.

2-Вазият. Шайҳонтохур тумани “Чорсу” савдо мажмуаси атрофида лўли миллатига мансуб номаълум шахс вояга етмаган фарзанди билан ўтаётган транспорт воситалари ҳайдовчиларидан светофор қизил чироғи ёнган вақтда пул сўраётганлиги аниқланди ва профилактика инспекторининг йўл-қатнов қисмини тарк этиш ва ходим олдига келиш бўйича қонуний талабларига бўйсунмади.

Муаммоли вазият бўйича профилактика инспектори томонидан амалга ошириладиган харакатларнинг ҳуқуқий асослари:

[69] Ўзбекистон Республикасининг 407-сон Қонуни 17-модда.

Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 16 сентябрдаги “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги Қонуни, 2010 йил 29 сентябрдаги “Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикасининг МЖтК ва бошқалар.

Ички ишлар органларининг ҳуқуқлари:

фуқаролардан қонунчиликка риоя этишни, ғайриқонуний хатти-ҳаракатларни тугатишни талаб қилиш, бу талаблар бажарилмаган тақдирда эса мажбурлов чораларини қўллаш;

маъмурий ҳуқуқбузарликлар содир этган шахсларни қонунчиликда белгиланган тартибда ушлаш ва ички ишлар органларига олиб бориш[70].

МЖтК 188[3]-модда. ***Тиланчилик қилиш***

Аэропортларда, вокзалларда, хиёбонларда, истироҳат боғларида, бозорларда ва савдо мажмуалари ҳудудларида, шунингдек уларга туташ ҳудудларда, автомототранспорт воситаларини вақтинча сақлаш жойларида, кўчаларда, стадионларда, бекатларда, йўлларнинг қатнов қисмида, моддий маданий мерос объектлари жойлашган ҳудудларда, жамоат транспортининг барча турларида ва бошқа жамоат жойларида пул, озиқ-овқат маҳсулотлари ва бошқа моддий қимматликлар беришни фаол тарзда сўраб, тиланчилик билан шуғулланиш, — базавий ҳисоблаш миқдорининг бир бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солишга ёки ўн беш суткагача муддатга маъмурий қамоққа олишга сабаб бўлади.

Вояга етмаган шахсларни, кекса ёшдаги шахсларни, руҳий ҳолати бузилган, ногиронлиги бўлган шахсларни ва бошқа шахсларни тиланчилик қилишга жалб этиш, шунингдек шахсларга алкоголли ичимликларни ёхуд гиёҳвандлик моддалари ёки психотроп моддалар бўлмаган, лекин шахснинг ақл-идрокига таъсир кўрсатувчи моддаларни мажбуран истеъмол қилдирган ҳолда уларни тиланчилик қилишга жалб этиш, — базавий ҳисоблаш миқдорининг беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга ёки ўн беш суткагача муддатга маъмурий қамоққа олишга сабаб бўлади.

2.6-Мавзу. Ўзбекистон Республикаси МЖтКнинг 189, 190, 191-моддаларида кўрсатилган ҳуқуқбузарликни содир этган шахслар билан ходимлар ўртасидаги ситуацион муаммоли вазиятлар.

Амалий машғулот (2-соат)

Вазият. 2023 йил 14 август куни соат тахминан 21:30 ларда тушган хабарга асосан профилактика инспектори томонидан М.Улуғбек тумани Югнакий МФЙ 14/7-хонадонга борганда, хонадон эгаси 1992 йил туғилган Ш.Хасанова фоҳишалик билан шуғулланиб келаётганлиги, телевизорида беҳаё филм намойиш этилаётганлиги, уйида 1996 й.т. Ж.Сафаров ҳам борлиги, у жинсий алоқа қилиш учун унинг уйига келганлиги аниқланди. Профилактика инспекторини кўрган Ш.Хасанова бўйсунмасликка ҳаракат қилиб, жинсий алоқа учун олинган пулни (тадбир учун махсус бўёқ суртилган) ва телевизорга уланган флешкани ҳожатхона унитазига ташлаб юбормоқчи ҳамда ўзига нисбатан пичоқ билан жароҳат етказмоқчи бўлади.

Муаммоли вазият бўйича профилактика инспектори томонидан амалга ошириладиган харакатларнинг ҳуқуқий асослари:

Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 16 сентябрдаги “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги Қонуни, 2010 йил 29 сентябрдаги “Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикасининг МЖтК ва бошқалар.

189-модда. ***Порнографик маҳсулотни тайёрлаш, олиб кириш, тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш***

[70] Ўзбекистон Республикасининг 407-сон Қонуни 17-модда.

Порнографик маҳсулотни тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш мақсадида тайёрлаш ёки Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш, **порнографик маҳсулотни** реклама қилиш, **намойиш этиш**, тарқатиш, шу жумладан оммавий ахборот воситаларида, телекоммуникация тармоқларида ёки Интернет жаҳон ахборот тармоғида реклама қилиш, намойиш этиш, тарқатиш, — порнографик маҳсулотни, шу жумладан уни тайёрлаш, тарқатиш, реклама қилиш ва намойиш этиш воситаларини мусодара қилиб, фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик бараваридан тўрт юз бараваригача, мансабдор шахсларга эса — юз бараваридан тўрт юз эллик бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

190-модда. ***Фоҳишалик билан шуғулланиш***

Фоҳишалик билан шуғулланиш — базавий ҳисоблаш миқдорининг уч бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, — базавий ҳисоблаш миқдорининг етти бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга ёки ўн беш суткагача муддатга маъмурий қамоққа олишга сабаб бўлади.

Вазиятга ечим. Профилактика инспектори ўз шахсий хавфсизлигини таъминлаган ҳолда дарҳол ҳуқуқбузарлик далиллари (пул ва флешка) ни аниқлаб олиш ва сақлаш чораларини кўради. ИИОларининг соҳавий хизматлари билан ҳамкорликда ҳодиса жойини кўздан кечиради (Ҳуқуқбузар ва холислар иштирокида). Ҳуқуқбузарлик содир этган Ш.Хасанова ва Ж.Сафаровни шахсий кўрикдан ўтказиш ва нарсани олиш (пул) баённомасини тузади *(2 та холис иштирокида).* Ҳолат бўйича ҳуқуқбузар, гувоҳ (ҳолис бўлиб иштирок этган шахс) ва иштирокчилардан тушунтириш хатлари олинади. (агар маст ҳолдаги шахс бўлса ҳушёр ҳолатга келгач). Тери-таносил касалликлари диспанцерида тиббий текширувдан ўтказади. Ҳудудий ИИО раҳбарига билдирги орқали ҳолат ҳақида маълум қилади *(билдирги ИИО НҚ 1-Шакл китоби ёки 2-Шакл журналида қайд этилади).* Ҳуқуқбузарларга бўйича маъмурий ва жиноий талабнома текширади. Сўнгра, МЖтКнинг 189, 190, 194-моддасида кўрсатилган ҳуқуқбузарлик фактларини асослаган ҳолда *(ҳолат видеотасвир, гувоҳлар кўрсатуви)* маъмурий баённомалар расмийлаштиради *(ҳуқуқбузарга МЖтКнинг 294-модда тушунтирилади)* ва тўпланган ҳужжатларни ҳудудий ЖИБ судига E-ma`muriy ish портали орқали юборади.

2-Вазият. Профилактика инспектори тезкор хабарга асосан маъмурий ҳудудидаги 7/96-хонадонга соат 21.00 да борганида уй эгаси А.Чориев уч нафар таниши билан ўртага пул тикиб қимор ўйнаётганлиги аниқланди. Дастлаб уй эшиги тақиллатилганда А.Чориев эшикни очишдан бош тортди. Профилактика инспекторининг қонуний талабларини бажаришдан бош тортди.

Муаммоли вазият бўйича профилактика инспектори томонидан амалга ошириладиган харакатларнинг ҳуқуқий асослари:

Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 16 сентябрдаги “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 16.08.2007 йилдаги 176-сон қарори, Ўзбекистон Республикасининг МЖтК ва бошқалар.

Ички ишлар органларининг ҳуқуқлари:

фуқаролардан қонунчиликка риоя этишни, ғайриқонуний хатти-ҳаракатларни тугатишни талаб қилиш, бу талаблар бажарилмаган тақдирда эса мажбурлов чораларини қўллаш;

маъмурий ҳуқуқбузарликлар содир этган шахсларни қонунчиликда белгиланган тартибда ушлаш ва ички ишлар органларига олиб бориш;

жиноятлар ёки маъмурий ҳуқуқбузарликлар содир этганликда гумон қилинаётган шахсларни уларнинг организмида алкоголь, гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ёки ақл-ирода фаолиятига таъсир кўрсатувчи бошқа моддалар мавжудлигини аниқлаш учун текширишни амалга ошириш;

содир этилаётган жиноятларга чек қўйиш, шунингдек уларни содир этаётган шахсларни таъқиб қилиш ҳамда ушлаш учун, агар бунинг кечиктирилиши фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғини, жамият ва давлат хавфсизлигини таҳдид остига қўйиши мумкин бўлса, ташкилотлар ва фуқароларнинг ҳудудига, турар жойларига ва бошқа биноларига, ер участкаларига, транспорт воситаларига сутканинг исталган вақтида тўсқинликсиз кириш (ошиб тушиш)[71];

191-модда. ***Қимор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинлар***

Қимор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларда қонунга хилоф равишда иштирок этиш — ана шу ўйинлар буюмларини, шунингдек ўйинга тикилган ҳамда ўйиндаги ютуқ бўлган пуллар, ашёлар ва бошқа қимматбаҳо буюмларни мусодара қилиб, базавий ҳисоблаш миқдорининг уч бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Худди шундай ҳуқуқбузарликни маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этиш ёхуд вояга етмаган шахсни қимор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларда иштирок этишга жалб қилиш — ана шу ўйинлар буюмларини, шунингдек ўйинга тикилган ҳамда ўйиндаги ютуқ бўлган пуллар, ашёлар ва бошқа қимматбаҳо буюмларни мусодара қилиб, базавий ҳисоблаш миқдорининг беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Қимор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларни ташкил этиш ёки ўтказиш учун телекоммуникация тармоқларида, шу жумладан Интернет жаҳон ахборот тармоғи провайдерлари томонидан хизматлар кўрсатиш ёки хизматлар кўрсатишга кўмаклашиш, тегишли дастурий таъминотдан нусха кўпайтириш, уни кўпайтириш, тарқатиш — компьютер ва бошқа ёрдамчи воситаларни, шунингдек ўйинга тикилган ҳамда ўйиндаги ютуқ бўлган пуллар, ашёлар ва бошқа қимматбаҳо буюмларни мусодара қилиб, фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг беш бараваридан ўн бараваригача, мансабдор шахсларга эса ўн бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Вазиятга ечим. Профилактика инспектори хабарга асосан НҚга ахборот бериб, ёрдамчи кучларни чақиради, уй эгаси эшикни очмаган тақдирда МЖтКнинг 194-моддаси тартибида огоҳлантиради, шунда ҳам очмаса, раҳбари ва 24 соат ичида прокурорга ёзма ахборот берган ҳолда эшикни очиш чорасини кўради. Хонадонга киргач, ашёвий далилларни (ўйин карталари, пул купюралари ва бошқаларни аниқлайди) ва ИИОларининг соҳавий хизматлари билан ҳамкорликда ҳодиса жойини кўздан кечиради (Ҳуқуқбузар ва холислар иштирокида). Ҳуқуқбузарлик содир этган шахсларни шахсий кўрикдан ўтказиш ва нарсани олиш баённомасини тузади *(2 та холис иштирокида).* Ҳолат бўйича ҳуқуқбузар, гувоҳ (ҳолис бўлиб иштирок этган шахс) ва иштирокчилардан тушунтириш хатлари олинади. (агар маст ҳолдаги шахс бўлса ҳушёр ҳолатга келгач, наркогояга текшириш ҳам керак). Ҳудудий ИИО раҳбарига билдирги орқали ҳолат ҳақида маълум қилади *(билдирги ИИО НҚ 1-Шакл китоби ёки 2-Шакл журналида қайд этилади).* Ҳуқуқбузарларга бўйича маъмурий ва жиноий талабнома текширади. Сўнгра, МЖтКнинг 191, 194-моддасида кўрсатилган ҳуқуқбузарлик фактларини асослаган ҳолда *(ҳолат видеотасвир, гувоҳлар кўрсатуви)* маъмурий баённомалар расмийлаштиради *(ҳуқуқбузарга МЖтКнинг 294-модда тушунтирилади)* ва тўпланган ҳужжатларни ҳудудий ЖИБ судига E-ma`muriy ish портали орқали юборади.

2.7-Мавзу. Ўзбекистон Республикаси МЖтКнинг 192, 192[1]-моддаларида кўрсатилган ҳуқуқбузарликни содир этган шахслар билан ходимлар ўртасидаги ситуацион муаммоли холатлар.

Амалий машғулот (4-соат)

[71] Ўзбекистон Республикасининг 407-сон Қонуни 17-модда.

Вазият. 2023 йил 21 август куни соат тахминан 00:30 ларда профилактика инспекторига тушган хабарга кўра воқеа жойига борилганда М.Улуғбек тумани 4-уй олдида 1986 йил туғилган Ш.Рўзиев таниши, 1987 й.т. С.Суяров билан спиртли ичимлик таъсирида **баланд овоз билан қўшиқ айтиб,** фуқароларнинг осойишталиги ва нормал дам олишини бузаётганлигини аниқлади ҳамда профилактика инспектори улардан ҳуқуқбузарлигини тўхтатишни сўраганда улар бўйсунмасдан, ҳуқуқбузарликни давом эттирди.

Муаммоли вазият бўйича профилактика инспектори томонидан амалга ошириладиган харакатларнинг ҳуқуқий асослари:

Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 16 сентябрдаги “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикасининг МЖтК ва бошқалар.

192-модда. ***Маиший шовқинга қарши кураш талабларини бузиш***

Тунги вақтда — соат 23.00 дан 06.00 гача — фуқароларнинг осойишталиги ва нормал дам олишини бузиш, яъни **баланд овоз билан қўшиқ айтиш, мусиқа чалиш, товуш сигналлари бериш,** хонадонларда, турар жойларнинг йўлаклари ва эшикларида, кўчаларда овози баланд қилиб қўйилган телевизорлар, радиоприёмниклар, магнитофонлар ва овоз чиқарувчи бошқа аппаратуралардан фойдаланиш, турар жой биноларида ва улардан ташқарида жуда зарур бўлмагани ҳолда шовқин чиқарувчи ишлар қилиш, шунингдек маиший шовқинга қарши кураш талабларини бузувчи бошқа ҳаракатларни содир этиш — фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг учдан бир қисми, мансабдор шахсларга эса — учдан бир қисмидан иккидан бир қисмигача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, — фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг иккидан бир қисми миқдорида, мансабдор шахсларга эса — иккидан бир қисмидан бир бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Вазиятга ечим. Профилактика инспектори хабарга асосан НҚга ахборот бериб, ёрдамчи кучларни чақир, ҳуқуқбузарларни МЖтКнинг 194-моддаси тартибида огоҳлантиради, бўйсунмаган тақдирга жисмоний куч ва махсус воситаларни қўллаб, наркологиядан мастлигини текширади, маъмурий йўл билан ушлаб туриб баённомаси тузиб, ИИО Вақтинча сақлаш ҳибсхонасига жойлаштиради. (24 соатгача ушлаб туриш мумкин). Ҳуқуқбузарлик содир этган шахсларни шахсий кўрикдан ўтказиш ва нарсани олиш баённомасини тузади *(2 та холис иштирокида).* Ҳолат бўйича ҳуқуқбузар, гувоҳ (ҳолис бўлиб иштирок этган шахс) ва иштирокчилардан тушунтириш хатлари олинади. (агар маст ҳолдаги шахс бўлса ҳушёр ҳолатга келгач). Ҳудудий ИИО раҳбарига билдирги орқали ҳолат ҳақида маълум қилади *(билдирги ИИО НҚ 1-Шакл китоби ёки 2-Шакл журналида қайд этилади).* Ҳуқуқбузарларга бўйича маъмурий ва жиноий талабнома текширади. Сўнгра, МЖтКнинг 192, 194-моддасида кўрсатилган ҳуқуқбузарлик фактларини асослаган ҳолда *(ҳолат видеотасвир, гувоҳлар кўрсатуви)* маъмурий баённомалар расмийлаштиради *(ҳуқуқбузарга МЖтКнинг 294-модда тушунтирилади)* ва тўпланган ҳужжатларни ҳудудий ЖИБ судига E-ma`muriy ish портали орқали юборади.

2-Вазият. 2023 йил 5 август куни соат тахминан 00:30 ларда профилактика инспектори томонидан Юнусобод тумани “Яккасарой” тўйхонасида тўй тадбири давом этаётганлиги аниқланиб, тўй ўтказувчи куёвнинг отаси О.Толиповга ва тўйхона эгаси Я.Азизовга тўйни тугатиш талаби айтилганда О.Толипов “тўй бир марта бўлади, ўғлим бир марта уйланади” деб, тўйхона эгаси Я.Азизов “кетишса ёпаман командир нима қилай яна” деб, профилактика инспекторининг қонуний талабига бўйсунмасликка ҳаракат қилди.

Муаммоли вазият бўйича профилактика инспектори томонидан амалга ошириладиган харакатларнинг ҳуқуқий асослари:

Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 16 сентябрдаги “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикасининг МЖтК, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгашининг ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 14.09.2019 йилдаги 2736-III-сон қўшма қарори, ва бошқалар.

192[1]-модда. ***Тўйлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимлар ўтказиш тартибига доир талабларга риоя этмаслик***

Тўйлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимлар ўтказувчи шахс томонидан мазкур тадбирларни ўтказиш тартибига доир талабларга риоя этмаслик, — фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн баравари миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.

Тўйхоналар, кафе ва ресторанларнинг мансабдор шахси томонидан тўйлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимларни ўтказиш тартибига доир талабларга риоя этмаслик, — базавий ҳисоблаш миқдорининг ўттиз баравари миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.

Ушбу модданинг иккинчи қисмида назарда тутилган ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, — базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик баравари миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.

Тўйлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимлар ўтказиш тартиби

Тўйлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимлар фақат бир кун (дафн этиш маросими бундан мустасно) соат 06:00 ва 23:00 оралиғида ўтказилади.

Ҳудудларнинг шароитларидан келиб чиқиб, халқ депутатлари туманлар ва шаҳарлар Кенгашлари томонидан ош бериш маросимининг вақти алоҳида белгиланади.

Соат 23:00 дан кейин тўйлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимларни давом эттиришга йўл қўйилмайди.

Тўйлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимларда 200 нафаргача, мазкур тадбирлар муносабати билан ош бериш маросимида 250 нафаргача киши қатнашади.

Қўшалоқ тўйларда 250 нафаргача, у билан боғлиқ ош бериш маросимида 300 нафаргача киши қатнашиши мумкин.

Дафн этиш ва мотам маросимлари кўпи билан уч кун мобайнида чекланмаган миқдордаги фуқаролар иштирокида ўтказилиши мумкин, ош бериш маросими бундан мустасно.

Тўйлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимларни ўтказишда:

тўй ўтказувчи шахслар тўйдан камида бир ҳафта олдин яшаш жойидаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини хабардор қилиши;

никоҳни давлат рўйхатидан ўтказиш, келин-куёвнинг тўйхонага келиши ва кетиши билан боғлиқ оилавий тадбирларда 3 тадан кўп бўлган енгил автомашинадан ёки жамоат хавфсизлигига таҳдид солувчи бошқа транспорт воситаларидан фойдаланмаслик;

тўйлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимларда пулли автотранспорт хизмати лицензияга эга бўлмаган ташувчилар томонидан кўрсатилишига йўл қўймаслик, тўй эгаларининг шахсий автомашиналаридан ҳамда ҳомийлар ёрдамида жалб этилган автотранспорт воситаларидан фойдаланилган ҳоллар бундан мустасно;

шуҳратпарастлик, дабдабабозлик ва исрофгарчиликка йўл қўймаслик;

маҳаллалардаги ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигига путур етказмаслик, жамиятда шаклланган одоб-ахлоқ қоидаларига қатъий амал қилиш талаб этилади.

Тўйлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимларда диний мавзуда маъруза кўзда тутилган бўлса, ушбу маъруза диний ташкилотининг ваколатли вакили томонидан ўқилади.

Тўйлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимларда лицензияланадиган фаолият туридан фойдаланилган тақдирда, лицензияли хизмат кўрсатадиган жисмоний ва юридик шахслар тўйхона, кафе, ресторан маъмуриятига ва ушбу хизматдан фойдаланувчиларга бу каби хизматларни кўрсатишга рухсат берувчи лицензиянинг нусхасини тақдим этади[72].

Вазиятга ечим. Профилактика инспектори тўй ва тўйхона эгасини МЖтКнинг 192[1] ва 194-моддаси тартибида огоҳлантиради. Ҳолат бўйича ҳуқуқбузарлар, гувоҳ, ҳолис ва иштирокчилардан тушунтириш хатлари олинади. (агар маст ҳолдаги шахс бўлса ҳушёр ҳолатга келгач). Ҳудудий ИИО раҳбарига билдирги орқали ҳолат ҳақида маълум қилади

[72] Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгашининг ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 14.09.2019 йилдаги 2736-III-сон қўшма қарори, Низом 3-6-банди.

(билдирги ИИО НҚ 1-Шакл китоби ёки 2-Шакл журналида қайд этилади). Ҳуқуқбузарларга бўйича маъмурий ва жиноий талабнома текширади. Сўнгра, МЖтКнинг 192[1], 194-моддасида кўрсатилган ҳуқуқбузарлик фактларини асослаган ҳолда *(ҳолат видеотасвир, гувоҳлар кўрсатуви)* маъмурий баённомалар расмийлаштиради *(ҳуқуқбузарга МЖтКнинг 294-модда тушунтирилади)* ва тўпланган ҳужжатларни ҳудудий ЖИБ судига E-ma`muriy ish портали орқали юборади.

2.8-Мавзу. Ўзбекистон Республикаси МЖтКнинг 194, 195-моддаларида кўрсатилган ҳуқуқбузарликни содир этган шахслар билан ходимлар ўртасидаги ситуацион муаммоли вазиятлар.

Амалий машғулот (2-соат)

Вазият. 2023 йил 1 апрел куни соат тахминан 18:30 ларда профилактика инспектори томонидан Чилонзор тумани “Бунёдкор” стадионида хизмат олиб борилаётган вақтда маст ҳолдаги 1971 йил туғилган Ш.Зоиров таниши, 1973 й.т. С.Асадов билан стадионга футбол томоша қилгани кирмоқчилиги ва маст бўлганлиги учун назорат ўтказиш пункти қўриқчилари киритишмаганлиги сабабли уларни ҳақоратлаган ҳолати аниқланди. Ҳолат юзасидан профилактика инспектори уларни МЖтКнинг 183, 194-моддалари талабларини тушунтирганда ва ИИО биносига таклиф қилганда оммани ўзига жалб қилиб, Ички ишлар органлари ходимининг ўз вазифаларини бажариши билан боғлиқ қонуний талабларини бажармасликка даъват қилди.

Муаммоли вазият бўйича профилактика инспектори томонидан амалга ошириладиган харакатларнинг ҳуқуқий асослари:

Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 16 сентябрдаги “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикасининг МЖтК ва бошқалар.

194-модда. **Ички ишлар органлари ходимининг қонуний талабларини бажармаслик**

Ички ишлар органлари ходимининг ҳуқуқбузарликни тўхтатиш, ҳужжатларни текшириш учун тақдим этиш, ички ишлар органларига бориш ёки кўрсатилган муддатда ички ишлар органларида бўлиш тўғрисидаги қонуний талабларини узрли сабабларсиз бажармаслик, транспорт воситасини тўхтатиш, жабрланувчиларга ёрдам кўрсатиш ҳақидаги қонуний талабларини бажармаслик ёхуд ички ишлар органлари ходимининг қонуний талабларига бошқача тарзда бўйсунмаслик, худди шунингдек жамоат тартибини сақлаш ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш вазифаларини амалга ошираётган бошқа шахсларнинг қонуний талабларини бажармаслик, —базавий ҳисоблаш миқдорининг бир бараваридан ўн икки бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, — базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн икки бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жарима солишга ёки ўн беш суткагача муддатга маъмурий қамоққа олишга сабаб бўлади.

195-модда. **Ички ишлар органлари ходимларининг ўз хизмат бурчларини бажаришларига қаршилик кўрсатиш**

Ички ишлар органлари ходимининг ўз вазифаларини бажариши билан боғлиқ **қонуний талабларини бажармасликка омма олдида ҳар қандай шаклда даъватлар қилиш**, худди шунингдек ички ишлар органлари ходимларига оммавий равишда бўйсунмасликни келтириб чиқариш мақсадида била туриб сохта уйдирмаларни тарқатиш, — базавий ҳисоблаш миқдорининг уч бараваридан йигирма бараваригача миқдорда жарима солишга ёки ўн беш суткагача муддатга маъмурий қамоққа олишга сабаб бўлади.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодекснинг 54, 56, 57, 58, 61, 90-моддаларида, 164-моддасининг тўртинчи қисмида, 170, 183, 184[2], 184[3], 191, 194, 194[1], 195, 195[1], 201, 204, 205, 206, 210-моддаларида, 225-моддасининг биринчи — учинчи қисмларида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган ёхуд ўзининг шахси тўғрисидаги

маълумотларни яширган шахслар ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иши жиноят ишлари бўйича суд ёки ички ишлар органи бошлиғи (бошлиқ ўринбосари) томонидан кўриб чиқилгунга қадар, лекин **24 соатдан кўп бўлмаган муддатга ушлаб турилиши** мумкин.

Маъмурий йўл билан ушлаб туриш муддати ҳуқуқбузарни баённома тузиш учун олиб келиш пайтидан бошланади, маст ҳолдаги шахслар учун эса — улар ҳушёр тортган вақтдан бошланади[73].

Вазиятга ечим. Профилактика инспектори хабарга асосан НҚга ахборот бериб, ёрдамчи кучларни чақириб, ҳуқуқбузарларни МЖтКнинг 194-моддаси тартибида огоҳлантиради, бўйсунмаган тақдирга жисмоний куч ва махсус воситаларни қўллаб, наркологиядан мастлигини текширади, маъмурий йўл билан ушлаб туриб баённомаси тузиб, ИИО Вақтинча сақлаш ҳибсхонасига жойлаштиради. (24 соатгача ушлаб туриш мумкин). Ҳуқуқбузарлик содир этган шахсларни шахсий кўрикдан ўтказиш ва нарсани олиш баённомасини тузади *(2 та холис иштирокида)*. Ҳолат бўйича ҳуқуқбузар, гувоҳ (ҳолис бўлиб иштирок этган шахс) ва иштирокчилардан тушунтириш хатлари олинади. (агар маст ҳолдаги шахс бўлса ҳушёр ҳолатга келгач). Ҳудудий ИИО раҳбарига билдирги орқали ҳолат ҳақида маълум қилади *(билдирги ИИО НҚ 1-Шакл китоби ёки 2-Шакл журналида қайд этилади)*. Ҳуқуқбузарларга бўйича маъмурий ва жиноий талабнома текширади. Сўнгра, МЖтКнинг 194, 195-моддасида кўрсатилган ҳуқуқбузарлик фактларини асослаган ҳолда *(ҳолат видеотасвир, гувоҳлар кўрсатуви)* маъмурий баённомалар расмийлаштиради *(ҳуқуқбузарга МЖтКнинг 294-модда тушунтирилади)* ва тўпланган ҳужжатларни ҳудудий ЖИБ судига E-ma`muriy ish портали орқали юборади.

2.9-Мавзу. Ўзбекистон Республикаси МЖтКнинг 206, 206[1]-моддаларида кўрсатилган ҳуқуқбузарликни содир этган шахслар билан ходимлар ўртасидаги ситуацион муаммоли вазиятлар.

Амалий машғулот (2-соат)

Вазият. Жиноят ишлари бўйича Қарши шаҳар судининг ажримига асосан 1 йил муддатга маъмурий назорат ўрнатилган ЖКнинг 169-моддаси 3-қисми билан судланган, 1984 й.т. Н.О.Абдиев 2023 йил 25 август куни соат тахминан 22:30 ларда маъмурий назорат қоидаларини бузган ҳолда М.Улуғбек тумани “Атлант” кафесида спиртли ичимлик ичиб ўтирганлиги аниқланди. Профилактика инспекторини кўриши биланоқ, тескари томонга қараб қоча бошлади.

Муаммоли вазият бўйича профилактика инспектори томонидан амалга ошириладиган харакатларнинг ҳуқуқий асослари:

Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 16 сентябрдаги “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси, «Жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган айрим тоифадаги шахслар устидан маъмурий назорат тўғрисида»ги Қонун, Ўзбекистон Республикасининг МЖтК ва бошқалар.

МЖтК 206-модда. **Маъмурий назорат қоидаларини бузиш**

Устидан маъмурий назорат ўрнатилган шахсларнинг бундай назорат қоидаларини бузиши — базавий ҳисоблаш миқдорининг бир бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Маъмурий назорат чоғида белгиланадиган маъмурий чекловлар

Назорат остидаги шахсларга нисбатан суднинг содир этилган қилмишнинг хусусияти ҳисобга олинган ҳолдаги қарори асосида қуйидаги маъмурий чекловлар белгиланиши мумкин:

яшаш жойидан сутканинг белгиланган вақтида ташқарида бўлишни тақиқлаш;

муайян жойларда бўлишни тақиқлаш;

суд томонидан белгиланган ҳудуд доирасидан ички ишлар органларининг рухсатисиз чиқишни тақиқлаш;

[73] Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодекснинг 288-моддаси.

рўйхатдан ўтиш учун ҳар ойда бир мартадан тўрт мартагача ички ишлар органига (ички ишлар органининг таянч пунктига) келиш;

алкоголли ичимликларни истеъмол қилишни тақиқлаш.

Ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган маъмурий чекловлар назорат остидаги шахснинг турмуш тарзига, оилавий аҳволига, шунингдек унинг шахсини тавсифловчи бошқа ҳолатларга қараб тўлиқ ҳажмда ёки алоҳида-алоҳида тарзда белгиланади.

Маъмурий чекловларнинг рўйхати узил-кесил бўлиб, унга қўшимчалар киритилиши ёки у кенгайтириб шарҳланиши мумкин эмас.

Қўлланиладиган маъмурий чекловлар суд томонидан ички ишлар органининг тақдимномасига ёки назорат остидаги шахснинг ёхуд унинг вакилининг аризасига, шунингдек меҳнат жамоасининг, жамоат бирлашмасининг ва фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органининг илтимосномасига биноан назорат остидаги шахснинг турмуш тарзи ва хулқ-атвори ҳақидаги маълумотлар инобатга олинган ҳолда қисман бекор қилиниши мумкин[74].

Вазиятга ечим. Профилактика инспектори НҚга вазият ҳақида ахборот бериб, ёрдамчи кучларни чақириб, ҳуқуқбузарни тўхтатиш чорасини кўради, МЖтКнинг 194-моддаси тартибида огоҳлантиради, бўйсунмаган тақдирга жисмоний куч ва махсус воситаларни қўллаб, наркологиядан мастлигини текширади, маъмурий йўл билан ушлаб туриб баённомаси тузиб, ИИО Вақтинча сақлаш ҳибсхонасига жойлаштиради. (24 соатгача ушлаб туриш мумкин). Ҳуқуқбузарлик содир этган шахсларни шахсий кўрикдан ўтказиш ва нарсани олиш баённомасини тузади *(2 та холис иштирокида)*. Ҳолат бўйича ҳуқуқбузар, гувоҳ (ҳолис бўлиб иштирок этган шахс) ва иштирокчилардан тушунтириш хатлари олинади. (агар маст ҳолдаги шахс бўлса ҳушёр ҳолатга келгач). Ҳудудий ИИО раҳбарига билдирги орқали ҳолат ҳақида маълум қилади *(билдирги ИИО НҚ 1-Шакл китоби ёки 2-Шакл журналида қайд этилади)*. Ҳуқуқбузарларга бўйича маъмурий ва жиноий талабнома текширади. Сўнгра, МЖтКнинг 194, 206-моддасида кўрсатилган ҳуқуқбузарлик фактларини асослаган ҳолда *(ҳолат видеотасвир, гувоҳлар кўрсатуви)* маъмурий баённомалар расмийлаштиради *(ҳуқуқбузарга МЖтКнинг 294-модда тушунтирилади)* ва тўпланган ҳужжатларни ҳудудий ЖИБ судига E-ma`muriy ish портали орқали юборади.

2-Вазият. Олмазор тумани, Иқбол МФЙ, 14/4 уйда яшовчи 1986 й.т. Э.Жамалов хотини М.Жўраевани доимий равишда ҳақоратлаб, шаъни қадр қимматини камситиб келгани учун расмий огоҳлантирилиб, хотинига ҳимоя ордери берилган. Бироқ, Э.Жамалов орадан 1 ой ҳам ўтмасдан хотини М.Жўраевага нисбатан яна тазйиқ ўтказиб келаётганлиги аниқланди ҳамда Э.Жамалов ИИО ТПга чақирилганда келишдан бош тортиб, 1 неча кун давомида яшириниб юрди.

Муаммоли вазият бўйича профилактика инспектори томонидан амалга ошириладиган харакатларнинг ҳуқуқий асослари:

Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 16 сентябрдаги “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси, Ўзбекистон Республикасининг Қонуни, 02.09.2019 йилдаги ЎРҚ-561-сон, Ўзбекистон Республикасининг МЖтК, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори, 04.01.2020 йилдаги 3-сон қарори ва бошқалар.

тазйиқ — содир этилганлиги учун маъмурий ёки жиноий жавобгарлик назарда тутилмаган, хотин-қизларнинг шаъни ва қадр-қимматини камситадиган ҳаракат (ҳаракатсизлик), шилқимлик, таъқиб этиш;

зўравонлик — хотин-қизларга нисбатан жисмоний, руҳий, жинсий ёки иқтисодий таъсир ўтказиш ёки бундай таъсир ўтказиш чораларини қўллаш билан таҳдид қилиш орқали уларнинг ҳаёти, соғлиғи, жинсий дахлсизлиги, шаъни, қадр-қиммати ва қонун билан ҳимоя

[74] Ўзбекистон Республикасининг Қонуни “Жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган айрим тоифадаги шахслар устидан маъмурий назорат тўғрисида”ги 2019 йил 2 апрель, ЎРҚ-532-сон

қилинадиган бошқа ҳуқуқлари ҳамда эркинликларига тажовуз қиладиган ғайриҳуқуқий ҳаракат (ҳаракатсизлик)

ҳимоя ордери — тазйиқ ва зўравонликдан жабрланувчига давлат ҳимоясини тақдим этувчи, хотин-қизларга тазйиқ ўтказаётган ёки уларга нисбатан зўравонлик содир этган шахсга ёхуд бир гуруҳ шахсларга нисбатан ушбу Қонунда белгиланган таъсир кўрсатиш чоралари қўлланилишига сабаб бўладиган ҳужжат[75];

Ички ишлар органларининг хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш соҳасидаги ваколатлари

Ички ишлар органлари:

хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш соҳасидаги давлат дастурларини, ҳудудий дастурларни ҳамда қонунчилик ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этади;

тазйиқ ва зўравонликнинг олдини олиш, шу жумладан уларнинг сабабларини ҳамда шарт-шароитларини аниқлаш ва бартараф этиш чораларини кўради, хотин-қизларга тазйиқ ўтказаётган ва уларга нисбатан зўравонлик содир этган шахслар билан мунтазам асосда профилактика ишларини олиб боради;

хотин-қизларга нисбатан тазйиқ ва зўравонлик содир этилганлиги ёки содир этилиши таҳдиди мавжудлиги тўғрисидаги мурожаатларни кўриб чиқади;

тазйиқ ёки зўравонлик содир этишга мойил бўлган шахсга расмий огоҳлантириш беради;

ҳимоя ордерини беради;

зўравонлик содир этган шахсларни жавобгарликка тортиш юзасидан ўз ваколатлари доирасида чоралар кўради;

хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилишни амалга оширувчи тегишли ваколатли органлар ҳамда ташкилотлар билан ҳамкорлик қилади[76].

МЖтК 206[1]-модда. **Тазйиқ ўтказган ва (ёки) зўравонлик содир этган ёхуд уларни содир этишга мойил бўлган шахс томонидан ҳимоя ордери талабларини бажармаслик**

Тазйиқ ўтказган ва (ёки) зўравонлик содир этган ёхуд уларни содир этишга мойил бўлган шахс томонидан ҳимоя ордери талабларини бажармаслик, — базавий ҳисоблаш миқдорининг бир бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солишга ёки ўн беш суткагача муддатга маъмурий қамоққа олишга сабаб бўлади.

Ҳимоя ордерида қуйидаги чекловлар назарда тутилиши мумкин:

тазйиқ ўтказишни ва зўравонлик содир этишни тақиқлаш;

тазйиқ ўтказган ёки зўравонлик содир этган шахснинг тазйиқ ва зўравонликдан жабрланувчилар билан алоқасини тақиқлаш (иш жойларида ва таълим муассасаларида тазйиқ ва зўравонликдан жабрланувчининг тазйиқ ўтказган ва зўравонлик содир этган шахс билан билвосита алоқасига йўл қўйилади);

тазйиқ ўтказилган ва зўравонлик содир этилган тақдирда тазйиқ ва зўравонликдан жабрланувчининг ҳамда тазйиқ ўтказган ва зўравонлик содир этган шахснинг бир хонада бирга бўлишини тақиқлаш;

тазйиқ ўтказган ва зўравонлик содир этган шахснинг зиммасига тазйиқ ва зўравонликдан жабрланувчини даволаш, унга маслаҳат бериш, уни тазйиқ ва зўравонликдан жабрланувчиларга ёрдам кўрсатиш бўйича махсус марказга жойлаштириш учун харажатларнинг, етказилган моддий зарарнинг ўрнини қоплаш, шунингдек, маънавий зиённи компенсация қилиш мажбуриятини юклаш;

тазйиқ ўтказган ва зўравонлик содир этган шахснинг қуролни (бундан хизмат қуроли мустасно) сақлаш ва олиб юриш ҳуқуқини ҳимоя ордерининг амал қилиши ёки унда кўрсатилган муддат даврида чеклаш ёхуд тақиқлаш, шунингдек, қурол сотиб олиш учун рухсатнома олишга доир ҳуқуқини тақиқлаш.

---

[75] Ўзбекистон Республикасининг Қонуни, 02.09.2019 йилдаги ЎРҚ-561-сон

[76] Ўзбекистон Республикасининг Қонуни, 02.09.2019 йилдаги ЎРҚ-561-сон

Ҳимоя ордерида қонунчилик ҳужжатларида белгиланмаган бошқа чекловларни назарда тутиш тақиқланади.

Тазйиқ ўтказган ва зўравонлик содир этган шахсдан қурол ва унинг ўқ-дориларини олиб қўйиш ҳамда сақлаш қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади[77].

Вазиятга ечим. Профилактика инспектори Э.Жамаловни излаш ва ушлаш чораларини кўради ҳамда МЖтКнинг 194-моддаси тартибида огоҳлантиради, бўйсунмаган тақдирга жисмоний куч ва махсус воситаларни қўллаб, наркологиядан мастлигини текширади, маъмурий йўл билан ушлаб туриб баённомаси тузиб, ИИО Вақтинча сақлаш ҳибсхонасига жойлаштиради. (24 соатгача ушлаб туриш мумкин). Ҳуқуқбузарлик содир этган шахсни шахсий кўрикдан ўтказиш ва нарсани олиш баённомасини тузади (2 та холис иштирокида). Ҳолат бўйича ҳуқуқбузар, гувоҳ (ҳолис бўлиб иштирок этган шахс) ва иштирокчилардан тушунтириш хатлари олинади. (агар маст ҳолдаги шахс бўлса ҳушёр ҳолатга келгач). Ҳудудий ИИО раҳбарига билдирги орқали ҳолат ҳақида маълум қилади (билдирги ИИО НҚ 1-Шакл китоби ёки 2-Шакл журналида қайд этилади). Ҳуқуқбузарларга бўйича маъмурий ва жиноий талабнома текширади. Сўнгра, МЖтКнинг 194, 206[1]-моддасида кўрсатилган ҳуқуқбузарлик фактларини асослаган ҳолда (ҳолат видеотасвир, гувоҳлар кўрсатуви) маъмурий баённомалар расмийлаштиради (ҳуқуқбузарга МЖтКнинг 294-модда тушунтирилади) ва тўпланган ҳужжатларни ҳудудий ЖИБ судига E-ma`muriy ish портали орқали юборади.

2.10-Мавзу. Ўзбекистон Республикаси МЖтКнинг 223, 223[1], 223[3], 223[4], 225-моддаларида кўрсатилган ҳуқуқбузарликни содир этган шахслар билан ходимлар ўртасидаги ситуацион муаммоли вазиятлар.

Амалий машғулот (2-соат)

Вазият. Профилактика инспекторига тушган хабарга кўра, М.Улуғбек тумани, “Амир” меҳмонхонасида Ўзбекистонда доимий яшовчи Туркия фуқароси А.Низомўғлунинг 10 кундан буён яшаб келаётганлиги ҳамда меҳмонхона тўловини амалга оширмаганлиги, вақтинча турган жойи бўйича рўйхатдан ўтмасдан яшаганлиги аниқланди. Профилактика инспектори меҳмонхонага бориб, А.Низомўғлудан шахсини тасдиқловчи ҳужжатни сўраганида беришдан бош тортиб, бўйсунмасликка ҳаракат қилди. шахсини тасдиқловчи ҳужжат текширилганда ҳақиқийлигига шубҳа туғилди.

Муаммоли вазият бўйича профилактика инспектори томонидан амалга ошириладиган харакатларнинг ҳуқуқий асослари:

Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 16 сентябрдаги “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикасининг МЖтК ва бошқалар.

Ички ишлар органи ходими қонуний талаблари бажарилишининг мажбурийлиги

Ички ишлар органи ходимининг ўз ваколатлари доирасида қўйилган қонуний талабларини, шу жумладан қонунга риоя этиш, ҳужжатларни, текширувлар материалларини ва бошқа маълумотларни тақдим этиш, мутахассис ажратиш, ички ишлар органига келиш ҳамда аниқланган қонунбузарликлар хусусида тушунтиришлар бериш тўғрисидаги, қоидабузарликларни, шунингдек уларнинг сабабларини ва содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни бартараф этиш ҳақидаги қонуний талабларини барча давлат органлари, бошқа ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан бажарилиши мажбурийдир.

Ички ишлар органларининг зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун зарур бўлган ахборот, ҳужжатлар ва бошқа материаллар уларнинг қонуний талаби бўйича бепул тақдим этилади.

[77] Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори, 04.01.2020 йилдаги 3-сон қарори, Низомнинг 18-19 банди.

Ички ишлар органи ходимининг қонуний талаблари устидан шикоят қилиниши уларнинг бажарилишини тўхтатиб турмайди[78].

223-модда. ***Паспорт тизими қоидаларини бузиш***

Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг паспортсиз ёки идентификацияловчи ID-картасиз ёхуд ҳақиқий бўлмаган паспорт ёки идентификацияловчи ID-карта билан, доимий яшаш ёки вақтинча турган жойи бўйича рўйхатдан ўтмасдан яшаши, Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг паспортини ёки идентификацияловчи ID-картасини, хорижга чиқиш учун биометрик паспортини қасддан яроқсизлантириши ёки уни эҳтиёт қилиб сақламаганлиги оқибатида йўқотиб қўйиши, шунингдек фуқаролиги бўлмаган шахснинг ҳаракатланиш ҳужжатини қасддан яроқсизлантириши ёки уни эҳтиёт қилиб сақламаганлиги оқибатида йўқотиб қўйиши, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий яшовчи чет эл фуқаросининг ва фуқаролиги бўлмаган шахснинг ҳақиқий бўлмаган идентификацияловчи ID-картаси (Ўзбекистон Республикасида яшаш гувоҳномаси) билан, доимий яшаш ёки вақтинча турган жойи бўйича рўйхатдан ўтмасдан яшаши, идентификацияловчи ID-картасини (Ўзбекистон Республикасида яшаш гувоҳномасини) қасддан яроқсизлантириши ёки уни эҳтиёт қилиб сақламаганлиги оқибатида йўқотиб қўйиши.

223^1-модда. ***Паспортдан ёки идентификацияловчи ID-картадан ғайриқонуний равишда фойдаланиш***

Шахслар томонидан йўқолганлиги тўғрисида ариза берилган ўз паспортларидан ёки идентификацияловчи ID-карталаридан, шунингдек бошқа шахсларга тегишли бўлган паспортлардан ёки идентификацияловчи ID-карталардан ғаразли мақсадларда фойдаланиш.

223^3-модда. ***Паспортни ёки идентификацияловчи ID-картани қонунга хилоф равишда олиб қўйиш ёхуд паспортни ёки идентификацияловчи ID-картани гаровга олиш.***

225-модда. ***Ўзбекистон Республикасида бўлиш қоидаларини бузиш***

Чет эл фуқаросининг ёки фуқаролиги бўлмаган шахснинг Ўзбекистон Республикасида бўлиш қоидаларини бузиши, яъни ҳақиқий бўлмаган ҳужжатлар билан яшаши, вақтинча турган жойи бўйича рўйхатдан ўтишнинг, кўчишнинг ёки яшаш жойини танлашнинг белгиланган тартибига риоя этмаганлиги, бўлиш муддати тугагач чиқиб кетишдан бўйин товлаши, худди шунингдек Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали транзит ўтиш қоидаларига ўн суткагача риоя этмаганлиги.

Ўн саккиз ёшгача бўлган чет эл фуқароси ва фуқаролиги бўлмаган шахс Ўзбекистон Республикасида бўлиш қоидаларини бузганлиги учун маъмурий жавобгарликка тортилмайди.

Чет эл фуқароси ва фуқаролиги бўлмаган шахс Ўзбекистон Республикасида бўлиш қоидаларини бузганлиги учун ушбу модданинг биринчи — учинчи қисмларида белгиланган жаримани тўламаган тақдирда, улар кейинчалик Ўзбекистон Республикасига кириш ҳуқуқи бир йил муддатга чекланган ҳолда Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан чиқариб юборилади.

Чет эл фуқароси ва фуқаролиги бўлмаган шахс Ўзбекистон Республикасида бўлиш қоидаларини бузишни маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этган тақдирда, улар кейинчалик Ўзбекистон Республикасига кириш ҳуқуқи уч йил муддатга чекланган ҳолда Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан чиқариб юборилади[79].

Вазиятга ечим. Профилактика инспектори А.Низомўғлуни МЖтКнинг 194-моддаси тартибида огоҳлантиради, бўйсунмаган тақдирга жисмоний куч ва махсус воситаларни қўллаб, шахсини тасдиқловчи ҳужжатни текширади. Дархол ИИО лари

[78] Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 16 сентябрдаги “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги Қонуни 10-моддаси.

[79] МЖтКнинг 225-моддаси.

раҳбарияти орқали Ташқи ишлар вазирлигига хабар берилади. Ҳуқуқбузарлик содир этган шахсни шахсий кўрикдан ўтказиш ва нарсани олиш баённомасини тузади (2 та холис иштирокида). Ҳолат бўйича ҳуқуқбузар, гувоҳ (ҳолис бўлиб иштирок этган шахс) ва иштирокчилардан тушунтириш хатлари олинади. (агар маст ҳолдаги шахс бўлса ҳушёр ҳолатга келгач). Ҳудудий ИИО раҳбарига билдирги орқали ҳолат ҳақида маълум қилади (билдирги ИИО НҚ 1-Шакл китоби ёки 2-Шакл журналида қайд этилади). Ҳуқуқбузарларга бўйича маъмурий ва жиноий талабнома текширади. Шахсини тасдиқловчи ҳужжат ҳақиқий эмаслиги исботланса ҳамда вақтинча турган жойи бўйича рўйхатдан ўтмасдан яшаганлиги аниқланган тақдирда МЖтКнинг 194 (бўйсунмаган тақдирда), 223-моддасида кўрсатилган ҳуқуқбузарлик фактларини асослаган ҳолда (ҳолат видеотасвир, гувоҳлар кўрсатуви) маъмурий баённомалар расмийлаштиради (ҳуқуқбузарга МЖтКнинг 294-модда тушунтирилади) ва тўпланган ҳужжатларни ҳудудий ЖИБ судига E-ma`muriy ish портали орқали юборади.

3. ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРЛАРИНИНГ ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИ ИШТИРОКЧИЛАРИ БИЛАН МУЛОҚОТ ЖАРАЁНИДА ЮЗАГА КЕЛАДИГАН МУАММОЛИ СИТУАЦИОН ВАЗИЯТЛАР МОДУЛИ.

3.1-Мавзу. Маъмурий ҳуқуқбузарликлар содир этган шахсларни, шунингдек жиноятларни содир этишда гумон қилинаётган шахсларни ушлаш ва ички ишлар органларига олиб бориш жараёнида юзага келадиган муаммоли ситуацион вазиятлар.

Амалий машғулот (4-соат)

Вазият. Профилактика инспекторига тушган хабарга кўра, Учтепа тумани, “А.Темур” МФЙ, Жомий кўчаси, 5 уйда яшовчи Т.Н.Жабборов босқинчилик жинояти содир этганликда гумонланганлиги сабабли ушлаш мақсадида хонадонига тезкор ходимлар иштирокида борилганда ИИО ходимларига фаол қаршилик кўрсатиб, ошхона пичоғи билан ходимларни ўз хизмат вазифасини бажаришдан тўхтатмоқчи бўлди.

Муаммоли вазият бўйича профилактика инспектори томонидан амалга ошириладиган харакатларнинг ҳуқуқий асослари:

Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 16 сентябрдаги “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикасининг МЖтК, ЖПК, ЖК ва бошқалар.

Ички ишлар органи ходими қонуний талаблари бажарилишининг мажбурийлиги

Ички ишлар органи ходимининг ўз ваколатлари доирасида қўйилган қонуний талабларини, шу жумладан қонунга риоя этиш, ҳужжатларни, текширувлар материалларини ва бошқа маълумотларни тақдим этиш, мутахассис ажратиш, ички ишлар органига келиш ҳамда аниқланган қонунбузарликлар хусусида тушунтиришлар бериш тўғрисидаги, қоидабузарликларни, шунингдек уларнинг сабабларини ва содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни бартараф этиш ҳақидаги қонуний талабларини барча давлат органлари, бошқа ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан бажарилиши мажбурийдир.

Ички ишлар органларининг зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун зарур бўлган ахборот, ҳужжатлар ва бошқа материаллар уларнинг қонуний талаби бўйича бепул тақдим этилади.

Ички ишлар органи ходимининг қонуний талаблари устидан шикоят қилиниши уларнинг бажарилишини тўхтатиб турмайди[80].

[80] Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 16 сентябрдаги “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги Қонуни 10-моддаси.

Ички ишлар органларининг ҳуқуқлари:

фуқаролардан қонунчиликка риоя этишни, ғайриқонуний хатти-ҳаракатларни тугатишни талаб қилиш, бу талаблар бажарилмаган тақдирда эса мажбурлов чораларини қўллаш;

маъмурий ҳуқуқбузарликлар содир этган шахсларни қонунчиликда белгиланган тартибда ушлаш ва ички ишлар органларига олиб бориш;

жиноятлар ёки маъмурий ҳуқуқбузарликлар содир этганликда гумон қилинаётган шахсларни уларнинг организмида алкоголь, гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ёки ақл-ирода фаолиятига таъсир кўрсатувчи бошқа моддалар мавжудлигини аниқлаш учун текширишни амалга ошириш;

содир этилаётган жиноятларга чек қўйиш, шунингдек уларни содир этаётган шахсларни таъқиб қилиш ҳамда ушлаш учун, агар бунинг кечиктирилиши фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғини, жамият ва давлат хавфсизлигини таҳдид остига қўйиши мумкин бўлса, ташкилотлар ва фуқароларнинг ҳудудига, турар жойларига ва бошқа биноларига, ер участкаларига, транспорт воситаларига сутканинг исталган вақтида тўсқинликсиз кириш (ошиб тушиш)[81];

Ушлаб туриш асослари

Жиноятни содир этишда гумон қилинган шахс қуйидаги асослар мавжуд бўлганда ушлаб турилиши мумкин:

1) шахс жиноят устида ёки бевосита уни содир этганидан кейин қўлга тушса;

2) жиноят шоҳидлари, шу жумладан жабрланувчилар уни жиноят содир этган шахс тариқасида тўғридан-тўғри кўрсатсалар;

3) унинг ўзида ёки кийимида, ёнида ёки уйида содир этилган жиноятнинг яққол излари топилса;

4) шахсни жиноят содир этишда гумон қилиш учун асос бўладиган маълумотлар мавжуд бўлиб, у қочмоқчи бўлса ёки доимий яшайдиган жойи йўқ ёхуд шахси аниқланмаган бўлса[82].

Ички ишлар органлари томонидан шахсларни ушлаб туриш асослари ва тартиби

Ички ишлар органлари:

жиноят содир этганликда гумон қилинаётган шахсларни Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексида назарда тутилган тартибда;

ўзига нисбатан қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган шахсларни;

қидирувдаги шахсларни;

ўзига нисбатан ушлаб бериш тўғрисида сўров келиб тушган шахсларни;

маъмурий қамоқ жазосини ўташдан, маъмурий тарзда чиқариб юборилишдан бўйин товлаётган шахсларни, шунингдек ўзига нисбатан маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги иш юритилаётган шахсларни Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексида назарда тутилган тартибда;

жиноий жазони ўташдан, шунингдек ўзига нисбатан суд томонидан тайинланган тиббий ва бошқа йўсиндаги мажбурлов чораларини бажаришдан бўйин товлаётган шахсларни;

аниқ яшаш жойига эга бўлмаган шахсларни, кейинчалик уларни аниқ яшаш жойига эга бўлмаганларни реабилитация қилиш марказларига суд ажримига асосан жойлаштирган ҳолда;

фавқулодда ҳолат ёки фавқулодда вазият режимини бузган шахсларни;

умумий ҳарбий мажбуриятни ўташдан бўйин товлаётган шахсларни;

қўриқланадиган объектларга ғайриқонуний равишда кирган ёки киришга уринган шахсларни;

---

[81] Ўзбекистон Республикасининг 407-сон Қонуни 17-модда.

[82] Ўзбекистон Республикаси ЖПК 221-моддаси.

ўзини ўзи ўлдиришга уринган ёхуд руҳий ҳолатининг яққол ифодаланган бузилиши белгиларига эга бўлган ҳамда ўз ҳаракатлари билан ўзи ва атрофдагилар учун хавф туғдираётган шахсларни ушлаб туриш ҳуқуқига эга.

Ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган шахслар уларнинг шахси ҳамда ҳуқуқбузарликнинг ҳолатлари аниқлангунига қадар, шунингдек улар тегишли давлат органларига ёки мансабдор шахсларга топширилгунига қадар ушлаб турилади.

Ушлаб турилган шахсга телефон орқали сўзлашиш ёки адвокатига ёхуд яқин қариндошига ўзининг ушлаб турилганлиги ва турган жойи ҳақида хабар бериш, ушлаб турилган пайтидан эътиборан ҳимоячига (адвокатга) эга бўлиш ҳуқуқи, шунингдек қонунга мувофиқ бошқа ҳуқуқлар берилади.

Ушлаб турилган шахслар, уларнинг ёнидаги ашёлар ва ҳужжатлар, шунингдек уларнинг транспорт воситалари қонунчиликда белгиланган тартибда кўрикдан ўтказилиши мумкин.

Ички ишлар органлари вояга етмаган шахс ушлаб турилган ҳар бир ҳолат тўғрисида унинг яқин қариндошларига ёки бошқа қонуний вакилларига дарҳол хабар беради.

Ички ишлар органлари ҳарбий хизматчи ушлаб турилганлиги тўғрисида у ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий қисм қўмондонлигига хабар беради.

Ички ишлар органлари чет эл фуқароси ушлаб турилганлиги тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигига хабар беради[83].

Жисмоний куч ишлатилиши, махсус воситалар ва ўқотар қурол қўлланилишидан аввал уларни қўллаш нияти тўғрисида аниқ ифодаланган огоҳлантириш бўлиши керак, бундан ушбу огоҳлантиришнинг имкони бўлмаган ёхуд уларнинг қўлланилишини кечиктириш фуқароларнинг ва ички ишлар органи ходимининг ҳаёти ва соғлиғига бевосита хавф туғдирадиган ҳамда бошқа оғир оқибатларга олиб келиши мумкин бўлган ҳоллар мустасно.

Жисмоний куч ишлатилиши, махсус воситалар ёки ўқотар қурол қўлланилиши юзага келган вазиятга, шахслар хатти-ҳаракатларининг хусусиятига ва хавфлилик даражасига мувофиқ бўлиши керак. Бунда ички ишлар органи ходими ҳар қандай зарарнинг имкон қадар кам бўлишига интилиши шарт[84].

Вазиятга ечим. Профилактика инспектори шахсий хавфсизлигини таъминлаган ҳолда соҳавий хизмат ходимлари билан ҳамкорликда гумонланувчига ИИОлари қонуний талабларига бўйсунмаслик ҳамда унинг хизмат мажбуриятларини бажаришга фаол қаршилик кўрсатиши МЖтКнинг 194-моддаси ҳамда ЖКнинг 219-моддасига кўра жавобгарликка сабаб бўлиши ҳақида огоҳлантириш беради ҳамда қаршилик кўрсатишни давом эттирган тақдирда жисмоний куч ва махсус воситалардан фойдаланган ҳолда гумонланувчини зарарсизлантириб, унга ушлаб туриш вақтидани ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтирган ҳолда ИИО ларига олиб боради ҳамда шахсий кўрикдан ўтказиш ва нарсани олиш баённомасини тузади, билдирги орқали суриштирув ёки тергов органи ходимига топширади.

3.2-Мавзу. Судья, прокурор, терговчи ва суриштирувчилар томонидан чиқарилган мажбурий келтириш тўғрисидаги қарорларни ижро этишда муаммоли вазиятлар.

Амалий машғулот (4-соат)

Вазият. Нукус шаҳар ИИО ФМБ катта терговчиси Т.Б.Ахмедовнинг 168/2023-сон жиноят иши доирасида гумонланувчи этиб жалб этилган фуқаро Я.А.Ризаев дастлабки тергов жараёнига келмаганлиги сабабли мажбурий келтириш тўғрисидаги қарори профилактика инспектори қўлига келиб тушган. Қарорда фуқаро Я.Ризаевни 2023 йил 20 сентябрь куни соат 11.00да Нукус шаҳар ИИО ФМБ, 3-қават, 22-хонага таъминлаб

[83] Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 16 сентябрдаги ЎРҚ-407-сонли Қонуни 18-моддаси.

[84] Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 16 сентябрдаги ЎРҚ-407-сонли Қонуни 21-моддаси.

берилиши ҳақида белгиланган. Профилактика инспектори томонидан унинг хонадонига 2023 йил 20 сентябрь куни соат 10.00да борилганда яқин қариндошлари унинг уйда йўқлигини таъкидлаб, профилактика инспекторининг хонадонга киришига қаршилик кўрсатиб, орқа эшикдан Я.Ризаевни қочириб юборишди.

Муаммоли вазият бўйича профилактика инспектори томонидан амалга ошириладиган харакатларнинг ҳуқуқий асослари:

Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 16 сентябрдаги “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикасининг МЖтК, ЖПК, ЖК, Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 15 декабрдаги 1024-сон қарори билан тасдиқланган “Суриштирув, дастлабки тергов органлари ёки судга узрсиз сабабларга кўра келишдан бош тортган шахсларни мажбурий келтириш бўйича топшириқларни ижро этиш тартиби тўғрисида”ги низом ва бошқалар.

Ички ишлар органлари мажбуриятлари:

чақирув бўйича келишдан бўйин товлаётган шахсларни мажбурий келтириш тўғрисидаги суд ажримларини, прокурорнинг, терговчининг суриштирувчининг ва терговга қадар текширувни амалга оширувчи орган мансабдор шахсининг қарорларини бажариши[85];

ЖПК 226-модда. **Ушлаб туриш муддати**

Ушлаб туриш муддати шахс амалда ушланган пайтдан (эркин ҳаракатланишга бўлган ҳуқуқларнинг ҳақиқий чекланган пайти) эътиборан кўпи билан қирқ саккиз соатни ташкил этади. Суриштирувчи, терговчи ёки прокурор томонидан зарур ва етарли асослар тақдим этилганда ушлаб туриш суднинг қарори билан қўшимча равишда қирқ саккиз соатга узайтирилиши мумкин.

ЖПК 227-модда. **Суриштирувчининг, терговчининг ёки прокурорнинг қарорига биноан ушлаб туриш**

Суриштирувчининг, терговчининг ёки прокурорнинг ушлаб туриш, гумон қилинувчи тариқасида ишда иштирок этишга жалб қилиш ҳақидаги қарори асосида ички ишлар органи ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа орган ходими ушланган шахсни ушбу Кодекснинг 224-моддаси қоидаларига риоя этган ҳолда энг яқин ички ишлар органига ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа органга дарҳол олиб бориши шарт. Амалга оширилган ушлаб туриш тўғрисида ушлаб туриш ҳақида қарор чиқарган ваколатли шахс дарҳол хабардор қилиниши лозим.

Гумон қилинувчи ҳақиқий ушланган пайтдан бошлаб ўтган вақт айбланувчини қамоқда сақлаш ёки унинг уй қамоғида бўлиши ҳамда Жиноят кодексининг 62-моддасида белгиланганига мутаносиб равишда суд томонидан тайинланган жазо муддатига киритилади.

ЖПК 228-модда. **Ушлаб турилганларни сақлаш жойлари**

Ушланган шахс ички ишлар органи ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа органга келтирилганидан сўнг у озодликдан маҳрум этиш жойи ҳисобланмаган хизмат биноларида сақланади ёки вақтинча сақлаш ҳибсхонаси камерасига, ушлаб турилган ҳарбий хизматчи эса гауптвахтага жойлаштирилади.

ЖПК 262-модда. **Мажбурий келтириш лозим бўлган шахслар**

Мажбурий келтириш гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг, жабрланувчининг, гувоҳнинг процессуал ҳаракатларда ёки суд мажлисида иштирок этишини таъминлаш учун, башарти улар узрсиз сабабларга кўра келишдан бош тортганлиги аниқланган тақдирда, қўлланилади.

Гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчини олдиндан чақирувсиз мажбурий келтириш улар суриштирув, дастлабки тергов ва суддан яшириниб юрган ёки аниқ яшаш жойи бўлмаган тақдирда қўлланилиши мумкин.

[85] Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 16 сентябрдаги ЎРҚ-407-сонли Қонуни 16-моддаси.

Судланувчининг судга келмаганлиги сабабини олдиндан аниқламасдан туриб, мажбурий келтиришга алоҳида ҳолларда, ишни кўриш судланувчи бўлмаганлиги сабабли кейинга қолдирилаётган ва бунда унинг турган жойи тўғрисида маълумот бўлмаган тақдирда йўл қўйилади.

Гувоҳга ёки жабрланувчига нисбатан мажбурий келтиришнинг қўлланилгани уларни кўрсатув беришдан бош тортганлик учун қонунда белгиланган жавобгарликдан озод қилмайди.

ЖПК 263-модда. **Мажбурий келтириш тўғрисидаги қарор ёки ажрим**

Суриштирувчи, терговчи, прокурор мажбурий келтириш тўғрисида қарор, суд эса ажрим чиқаради. Ушбу қарорда ёки ажримда: мажбурий келтирилиши керак бўлган шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми; унинг процессуал мавқеи; яшаш ёки иш жойи; мажбурий келтириш учун асослар; шахсни қаерга ва қачон олиб келиш кераклиги; мажбурий келтириш кимга топширилганлиги кўрсатилган бўлиши лозим.

ЖПК 264-модда. **Мажбурий келтириш тўғрисидаги қарорни ёки ажримни бажариш**

Мажбурий келтириш тўғрисидаги қарор ёки ажрим ижро этиш учун иш юритилаётган жойдаги ички ишлар органига топширилади.

Мажбурий келтирилиши лозим бўлган шахсни топган ички ишлар органининг ходими уни қарор ёки ажрим билан таништириб тилхат олади ва мазкур қарорни ёки ажримни чиқарган суриштирувчи, терговчи, прокурор ёхуд судга олиб келади. Бунда қарорга (ажримга) шахс топилган вақт ва жой, уни олиб келиб топширилган вақт, шунингдек унинг мажбурий келтирилиши билан боғлиқ ариза, шикоят ва илтимослар ҳақидаги маълумотнома илова қилиниши лозим.

Ички ишлар органи шахснинг қочиб кетганлиги, таътилда, хизмат сафарида эканлиги, оғир касаллиги ёки бошқа сабабларга кўра йўқлиги оқибатида мажбурий келтиришга имкон бўлмаганлигини аниқласа, бу ҳақда маълумотнома тузади ҳамда қарорни ёки ажримни чиқарган суриштирувчи, терговчи, прокурорга ёхуд судга хабар беради.

Вазиятга ечим. Нукус шаҳар ИИО ФМБ катта терговчиси Т.Б.Ахмедовнинг мажбурий келтириш тўғрисидаги қарорига асосан профилактика инспектори ишончли маълумотларга асосан Я.Ризаевнинг қаерда эканлигига аниқлик киритади, яшаш уйидалиги аниқланган тақдирда уйининг жойлашуви, кириб-чиқиш, қўшнилар уйлари ва бошқа қочиб кетишга имкон берувчи барча ҳолатларга эътибор қаратиши, ёрдамчи кучларни тадбирга жалб этилишини таъминлаши, хонадонни тўрт томондан ўраб олиши, юқорида келтирилган норматив ҳужжатлар талабларига рияо этган ҳолда ўз ҳаракатларини амалга ошириши, Я.Ризаевни ушлаш чорасини кўриши ҳамда яқин қариндошларига МЖтКнинг 194-моддаси ҳамда ЖКнинг 219-моддасига кўра жавобгарликка сабаб бўлиши ҳақида огоҳлантириш беради.

3.3-Мавзу. Жиноят ёки маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилган ҳодиса жойини сақланишини таъминлашда юзага келадиган казуслар.

Амалий машғулот (4-соат)

Вазият: 2023 йил 24 сентябрь куни соат 23:30 ларда Олмазор тумани ИИО ФМБ навбатчилик қисмига туманнинг “Наврўз” МФЙ, Дўстлик кўчасида жойлашган 24-хонадонида босқинчилик жинояти содир этилганлиги бўйича уй эгаси, фуқаро, 1984 йилда туғилган С.С.Сафаров томонидан мурожаат келиб тушади. Унга асосан тезкор-тергов гуруҳи воқеа жойига етиб борди. Тергов ҳаракатларини ўтказиш *(жиноят изларини олиш, сақлаб қолиш)* мақсадида С.С.Сафаровдан ташқари унинг оила аъзоларидан хонадонни тарк этишлари Профилактика инспектори томонидан сўралганда, улар томонидан рад жавоби берилди.

Муаммоли вазият бўйича профилактика инспектори томонидан амалга ошириладиган харакатларнинг ҳуқуқий асослари:

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига, шунингдек бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга асосан ўз ваколатлари доирасида амалга оширади.

Асосий тушунчалар:

Жиноят излари, ашёвий далилларни топиш, ҳодиса содир бўлган вазиятни ва иш учун аҳамиятли бўлган бошқа ҳолатларни аниқлаштириш мақсадида терговга қадар текширувни амалга оширувчи органнинг мансабдор шахси, суриштирувчи, терговчи ёки суд ҳодиса содир бўлган жойни, мурдани, ҳайвонларни, теварак-атрофни, биноларни, нарсалар ва ҳужжатларни кўздан кечиради.

Терговга қадар текширув, суриштирув ёки дастлабки тергов босқичида кўздан кечириш холислар иштирокида ўтказилади. Жиноят иши кўрилаётган вақтда кўздан кечиришга зарурат туғилса, суд бу ҳақда ажрим чиқаради ва кўздан кечиришни тарафлар иштирокида ўтказади.

Зарур ҳолларда терговга қадар текширувни амалга оширувчи органнинг мансабдор шахси, суриштирувчи, терговчи ёки суд кўздан кечириш чоғида ўлчов ўтказади, фотосуратга, кинотасвирга, видеоёзувга туширади, режалар, схемалар, чизмалар тузади, излардан қолиплар ва нусхалар олади. Бу ишларни бажаришга ёрдам бериш учун кўздан кечиришга мутахассислар жалб қилиниши мумкин.

Кўздан кечириш чоғида топилган ва олиб қўйилган барча нарсалар холисларга, тарафларга ва кўздан кечиришнинг бошқа иштирокчиларига кўрсатилиши лозим.

Кўздан кечиришда иштирок этаётган шахслар суриштирувчи, терговчи ва суднинг эътиборини ўзларининг фикрича иш ҳолатларини ойдинлаштиришга ёрдам бериши мумкин бўлган барча ҳолларга қаратишга ҳақлидирлар.

Ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш айнан ана шу жойда жиноят содир этилганлиги ёки унинг излари борлиги ҳақида маълумотлар бўлган тақдирда ўтказилади.

Кечиктириб бўлмайдиган ҳолларда ҳодиса содир бўлган жой жиноят иши қўзғатилишидан олдин ҳам кўздан кечирилиши мумкин.

Катта майдонларни ва биноларни кўздан кечириш бир неча суриштирувчи ёки терговчи томонидан амалга оширилиши мумкин, бунда уларнинг ҳар бири камида икки нафар холис иштирокида кўздан кечириши лозим.

Ҳодиса содир бўлган жойдан олинган нарсалар, ҳужжатлар ва излар ўралади ва муҳрланади. Катта ҳажмдаги нарсалар олинмайди ва муҳрланмайди, лекин терговга қадар текширувни амалга оширувчи органнинг мансабдор шахси, суриштирувчи ёки терговчи уларни сақлаш чораларини кўриши лозим[86].

Кўздан кечириш баённомасини тузиш

ЖПК нинг 90-92-моддаларида назарда тутилган қоидаларга мувофиқ терговга қадар текширувни амалга оширувчи органнинг мансабдор шахси, суриштирувчи ёки терговчи кўздан кечириш ўтказилганлиги тўғрисида баённома тузади, суд эса кўздан кечириш жараёнини ва унинг натижаларини суд мажлиси баённомасида қайд этади.

Баённомада кўздан кечириш давомида топилган барча нарсалар, улар қандай тартибда кўздан кечирилган бўлса, худди шу тартибда, кўздан кечириш пайтида қандай ҳолатда кузатилган бўлса, худди шу ҳолатда қайд этилади. Кўздан кечириш чоғида топилган ва олинган барча излар, нарсалар ва ҳужжатлар санаб ўтилади. Олинган буюмнинг эгасига тегишли маълумотнома ёки баённоманинг нусхаси берилади.

Бундан ташқари, баённомада: кўздан кечириш қайси вақтда, қандай об-ҳавода ва қандай ёруғликда ўтказилганлиги; қандай илмий-техника воситалари қўлланилганлиги ва қандай натижалар олинганлиги; кўздан кечиришда кўмаклашиш учун кимлар жалб қилинганлиги ва кўмаклашиш нимада ўз аксини топганлиги; қандай нарсалар ва ҳужжатлар

[86] Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси 135-137-моддаси.

қай тартибда ва қандай муҳр билан муҳрланганлиги; кўздан кечирилганидан кейин иш учун аҳамиятли бўлган нарсаларнинг қаерга юборилганлиги кўрсатилган бўлиши лозим[87].

Ички ишлар органлари:

жиноятлар, бошқа ҳуқуқбузарликлар ва ҳодисалар тўғрисидаги аризаларни, хабарларни ва бошқа ахборотни, шу жумладан электрон шаклдаги шундай аризаларни, хабарларни ва бошқа ахборотни қабул қилиши ҳамда рўйхатга олиши, мурожаат этувчига қонунчиликда белгиланган тартибда кейинчалик хабар берган ҳолда улар бўйича ўз вақтида чоралар кўриши;

жиноят, маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилган жойга, ҳодиса жойига дарҳол етиб келиши, ғайриқонуний қилмишларга чек қўйиши, фуқароларнинг хавфсизлигига таҳдидларни бартараф этиши, жиноят, маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилганлиги ҳолатларини, ҳодиса ҳолатларини ҳужжатлаштириши, жиноят, маъмурий ҳуқуқбузарлик, ҳодиса изларининг сақланишини таъминлаши;

жисмоний ва юридик шахсларнинг турар жойларига ҳамда бошқа хоналарига мулкдорларнинг ва улар вакилларининг хоҳишига хилоф тарзда ёки улар йўқлигида ички ишлар органлари ходимлари кирганлигининг барча ҳоллари тўғрисида йигирма тўрт соат ичида прокурорни ёзма шаклда хабардор қилиши;

жиноят, маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилган жойда ёки ҳодиса жойида жабрланган фуқароларга, шунингдек ночор аҳволда қолган фуқароларга биринчи тиббий ёрдам ёки бошқа хил ёрдам кўрсатилишини ташкил этиши;

ўз ваколатлари доирасида жиноятлар фактлари бўйича жиноят ишларини қўзғатиши, маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни юритиши;

жиноятларнинг олдини олиш, уларни аниқлаш, уларга чек қўйиш ва уларни фош этиш, шунингдек уларни тайёрлаш ва содир этишга алоқадор бўлган шахсларни аниқлаш ҳамда топиш чораларини кўриши;

айрим процессуал ҳаракатларни бажаришда терговга қадар текширувни амалга оширувчи органларга, суриштирув ва тергов органларига, судга Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексида назарда тутилган тартибда ёрдам бериши;

жиноят ишлари бўйича, зарур бўлган ҳолларда эса жиноят иши қўзғатилгунига қадар, экспертизаларни, маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар бўйича экспертизаларни, шунингдек тезкор-қидирув фаолиятини амалга ошириш мақсадида нарсалар ва ҳужжатларни текширишни тайинлаши ҳамда ўтказиши[88].

Вазиятга ечим:

Профилактика инспектори агар терговга қадар ва тергов ҳаракатларини, тезкор-қидирув ва қидирув тадбирларини ўтказиш, жиноят, маъмурий ҳуқуқбузарлик, ҳодиса ҳолатларини ҳужжатлаштириш ёки жиноят, маъмурий ҳуқуқбузарлик изларини, ҳодиса ҳолатларини сақлаб қолиш учун зарур бўлса, фуқаролардан жиноят, маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилган жойни, ҳодиса жойини тарк этишни талаб қилиш ҳуқуқига эга[89].

3.4-Мавзу. Ҳуқуқбузарликлар содир этишга мойил бўлган шахслар билан мулоқот жараёнида юзага келадиган муаммоли вазиятлар.

Амалий машғулот (4-соат)

Вазият. Олмазор тумани, “Дўстлик” МФЙ, Анор кўчаси, 24-хонадонда яшовчи, фуқаро, 1981 йилда туғилган Ж.С.Жуманов муқаддам бир неча маротаба МЖтКнинг 183, 187-моддалари бўйича маъмурий жавобгарликка тортилган. Шунингдек, маълумотларга

[87] Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси 141-моддаси.

[88] Ўзбекистон Республикасининг 16.09.2016 й. ЎРҚ-407-сон қонуни, 16-модда

[89] Ўзбекистон Республикасининг 16.09.2016 й. ЎРҚ-407-сон қонуни, 17-модда

кўра, унинг маиший масалаларда оила аъзолари ва қўшнилари билан низоли ҳолатларга бораётганлиги аниқланди. Профилактика инспектори фуқаро Ж.С.Жумановни қайта ҳуқуқбузарлик содир этишини олдини олиш мақсадида ИИО ТПга профилактик суҳбат ўтказиш учун телефон орқали бир неча марта чақирганда фуқаро келишдан бош тортди.

Муаммоли вазият бўйича профилактика инспектори томонидан амалга ошириладиган харакатларнинг ҳуқуқий асослари:

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига, Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисидаги Қонун, шунингдек бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга асосан ўз ваколатлари доирасида амалга оширади.

ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил бўлган шахс — ўзининг ғайриижтимоий хулқ-атвори хавфлилиги туфайли ҳуқуқбузарлик содир этиш эҳтимоли ҳолатида бўлган жисмоний шахс.

ғайриижтимоий хулқ-атвор — шахснинг жамиятда қабул қилинган хулқ-атвор нормалари ва қоидаларини бузувчи турмуш тарзи, ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги;

ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш — ҳуқуқбузарликдан жабрланувчига, ғайриижтимоий хулқ-атворли, **ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил бўлган**, ҳуқуқбузарлик содир этган шахсларга ҳуқуқий, ижтимоий, психологик, тиббий, педагогик ва бошқа турдаги ёрдам кўрсатишга, шунингдек уларга жамиятда қабул қилинган хулқ-атвор нормалари ва қоидаларини сингдиришга қаратилган чора-тадбирлар мажмуи[90];

Ички ишлар органи ходими қонуний талаблари бажарилишининг мажбурийлиги

Ички ишлар органи ходимининг ўз ваколатлари доирасида қўйилган қонуний талабларини, шу жумладан қонунга риоя этиш, ҳужжатларни, текширувлар материалларини ва бошқа маълумотларни тақдим этиш, мутахассис ажратиш, ички ишлар органига келиш ҳамда аниқланган қонунбузарликлар хусусида тушунтиришлар бериш тўғрисидаги, қоидабузарликларни, шунингдек уларнинг сабабларини ва содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни бартараф этиш ҳақидаги қонуний талабларини барча давлат органлари, бошқа ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан бажарилиши мажбурийдир.

Ички ишлар органларининг зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун зарур бўлган ахборот, ҳужжатлар ва бошқа материаллар уларнинг қонуний талаби бўйича бепул тақдим этилади.

Ички ишлар органи ходимининг қонуний талаблари устидан шикоят қилиниши уларнинг бажарилишини тўхтатиб турмайди[91].

Вазиятга ечим. Профилактика инспектори Т.Жумановни яшаш жойига ўзи боради ва фуқарони ИИОлари таянч пунктига таклиф қилади, боришдан бош тортган тақдирда МЖтКнинг 194-моддаси тартибида жавобгарлик муқаррарлигидан огоҳлантиради. Чақирувга биноан ҳозир бўлмаса, вазиятга қараб, ёрдамчи куч чақириши, жисмоний куч ёки махсус воситаларни қўллаган (бу ҳақда раҳбарига ва прокурорга тегишли тартибда хабар беради) ҳолда ИИО таянч пунктига олиб боради. Шахсий кўрикдан ўтказиш ва нарсани олиш баённомасини тузади (2 та холис иштирокида). Сўнгра, МЖтКнинг 194-моддасида кўрсатилган ҳуқуқбузарлик фактларини асослаган ҳолда *(ҳолат видеотасвир, гувоҳлар кўрсатуви)* маъмурий баённома расмийлаштиради. Шунингдек, у билан профилактик суҳбат ўтказиб, ҳуқуқбузарлик ва жиноят содир этмаслик бўйича расмий огоҳлантиради. МЖтКнинг 194-моддаси бўйича тўпланган ҳужжатларни ҳудудий ЖИБ судига E-ma`muriy ish портали орқали юборади.

---

[90] Ўзбекистон Республикасининг 14.05.2014 йилдаги 371-сон Қонуни 37-38-моддаси.

[91] Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 16 сентябрдаги “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги Қонуни 10-моддаси.

3.5-Мавзу. Профилактик ҳисобда турган шахслар билан мулоқотда юзага келадиган муаммоли ҳолатлар.

Амалий машғулот (4-соат)

Вазият. Олмазор тумани, “Дўстлик” МФЙ, Анор кўчаси, 24-хонадонда яшовчи, фуқаро, 1981 йилда туғилган С.С.Суюнов МЖтКнинг 183, 187-моддалари бўйича маъмурий жавобгарликка тортилиб, ЖИБ Олмазор тумани суди томонидан маъмурий жазо тайинланган. Суд томонидан ИИБга С.Суюновни профилактик ҳисобга олиш учун суд қарори келиб тушгач, Профилактика инспектори фуқаро С.Суюновни ИИО ТПга телефон орқали бир неча марта чақирганда фуқаро келишдан бош тортиб, жазосини ўтаб бўлганлигини айтиб, келишдан бош тортди.

Муаммоли вазият бўйича профилактика инспектори томонидан амалга ошириладиган харакатларнинг ҳуқуқий асослари:

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига, Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисидаги Қонун, шунингдек бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга асосан ўз ваколатлари доирасида амалга оширади.

Профилактик ҳисобга олиш қуйидаги шахсларга нисбатан юритилади:

илгари судланганларга улар жиноий жазони ўтаганидан сўнг, ўзига нисбатан маъмурий назорат ўрнатилган шахслар бундан мустасно;

ўзига нисбатан суднинг жазо тайинланмаган айблов ҳукми қонуний кучга кирган шахсларга;

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 84-моддасига мувофиқ айбдорлик тўғрисидаги масала ҳал қилинмасдан туриб ўзига нисбатан жиноят иши тугатилган ёхуд реабилитация қилмайдиган асослар бўйича жиноят ишини қўзғатишни рад этиш тўғрисидаги қарор чиқарилган шахсларга;

ўзига нисбатан қамоққа олиш билан боғлиқ бўлмаган эҳтиёт чораси танланган жиноят содир этишда айбланувчиларга;

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 40, 41, 45, 47, 52, 56, 58, 61, 106, 131, 165^1, 183, 184, 184^1, 184^2, 184^3, 187, 188, 188^1, 189, 189^1, 190, 191, 201, 202, 202^1, 240, 241-моддаларида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликларни содир этганларга;

ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларидан қайтганларга[92].

Шахсни профилактик ҳисобга қўйишга қуйидагилар асос бўлади:

ваколатли органнинг ёки мансабдор шахснинг ушбу Қонун 35-моддасининг олтинчи хатбошисида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар бўйича маъмурий жазо қўллаш тўғрисидаги қарори;

ваколатли органнинг ёки мансабдор шахснинг жиноят ишини тугатиш тўғрисидаги ёхуд реабилитация қилмайдиган асослар бўйича жиноят ишини қўзғатишни рад этиш тўғрисидаги қарори;

ўзига нисбатан қамоққа олиш билан боғлиқ бўлмаган эҳтиёт чораси танланган айбланувчи сифатида ишда иштирок этишга жалб қилиш тўғрисидаги терговчининг ёки прокурорнинг қарори;

суднинг қонуний кучга кирган айблов ҳукми;

шахснинг жазони ижро этиш муассасасидан озод қилинганлиги тўғрисидаги маълумотнома;

болалар масалалари бўйича комиссиянинг қарори.

Бир шахсни профилактик ҳисобга қўйиш учун бир қанча асослар мавжуд бўлган тақдирда, асосларнинг ҳар бири бўйича алоҳида-алоҳида профилактик ҳисобга олиш амалга оширилади[93].

---

[92] Ўзбекистон Республикасининг 14.05.2014 йилдаги 371-сон Қонуни 35-моддаси.

[93] Ўзбекистон Республикасининг 14.05.2014 йилдаги 371-сон Қонуни 36-моддаси.

Ушбу Қонун 36-моддасининг биринчи қисмида кўрсатилган асослардан бири мавжуд бўлганда, профилактик ҳисобга олишни амалга ошириш учун масъул бўлган шахс шахсни профилактик ҳисобга қўйиш тўғрисида ички ишлар туман, шаҳар бўлимининг, бошқармасининг бошлиғи томонидан тасдиқланадиган қарор чиқаради. Мазкур қарор шахсни профилактик ҳисобга қўйиш учун асослар мавжудлигидан далолат берувчи ҳужжатлар мансабдор шахс томонидан олинган кундан эътиборан ўн кун ичида чиқарилади.

Шахсни профилактик ҳисобга олиш у профилактик ҳисобга қўйилган пайтдан эътиборан бир йил мобайнида амалга оширилади[94].

Ички ишлар органи ходими қонуний талаблари бажарилишининг мажбурийлиги

Ички ишлар органи ходимининг ўз ваколатлари доирасида қўйилган қонуний талабларини, шу жумладан қонунга риоя этиш, ҳужжатларни, текширувлар материалларини ва бошқа маълумотларни тақдим этиш, мутахассис ажратиш, ички ишлар органига келиш ҳамда аниқланган қонунбузарликлар хусусида тушунтиришлар бериш тўғрисидаги, қоидабузарликларни, шунингдек уларнинг сабабларини ва содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни бартараф этиш ҳақидаги қонуний талабларини барча давлат органлари, бошқа ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан бажарилиши мажбурийдир.

Ички ишлар органларининг зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун зарур бўлган ахборот, ҳужжатлар ва бошқа материаллар уларнинг қонуний талаби бўйича бепул тақдим этилади.

Ички ишлар органи ходимининг қонуний талаблари устидан шикоят қилиниши уларнинг бажарилишини тўхтатиб турмайди[95].

Вазиятга ечим. Профилактика инспектори С.Суюновнинг яшаш жойига ўзи боради ва фуқарони ИИОлари таянч пунктига таклиф қилади, боришдан бош тортган тақдирда МЖтКнинг 194-моддаси тартибида жавобгарлик муқаррарлигидан огоҳлантиради. Чақирувга биноан ҳозир бўлмаса, вазиятга қараб, ёрдамчи куч чақириши, жисмоний куч ёки махсус воситаларни қўллаган (бу ҳақда раҳбарига ва прокурорга тегишли тартибда хабар беради) ҳолда ИИО таянч пунктига олиб боради. Шахсий кўрикдан ўтказиш ва нарсани олиш баённомасини тузади (2 та холис иштирокида). Сўнгра, МЖтКнинг 194-моддасида кўрсатилган ҳуқуқбузарлик фактларини асослаган ҳолда *(ҳолат видеотасвир, гувоҳлар кўрсатуви)* маъмурий баённома расмийлаштиради. Шунингдек, МЖтКнинг 183,187-моддалари бўйича суд қарорига асосан профилактик ҳисобга олиш бўйича процессуал ҳужжатларни расмийлаштиради. Тўпланган ҳужжатларни ҳудудий ЖИБ судига E-ma`muriy ish портали орқали юборади.

4. ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРЛАРИНИНГ ЖАМОАТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ЖАРАЁНИДА ГУРУҲДА (ОЛОМОН) БИЛАН ЮЗАГА КЕЛАДИГАН МУАММОЛИ СИТУАЦИОН ВАЗИЯТЛАР МОДУЛИ.

4.1-Мавзу. Таълим муассасалари ўртасида ўзаро гуруҳбозлик кўринишида бўладиган жанжалларни бартараф этишда юзага келадиган муаммоли ҳолатлар.

Амалий машғулот (4-соат)

Вазият. Бухоро шаҳар, 1-сон умумий ўрта таълим мактабида 11-синф ўқувчиларининг 5-сон умумий ўрта таълим мактаби 11-синф ўқувчилари ўртасида ушбу мактабнинг орқа томонида ўзаро жанжаллашаётганлиги хабари бўйича борилганда, мактаб ўқувчилари профилактика инспекторини кўриб, воқеа жойидан қочиб кетди.

---

[94] Ўзбекистон Республикасининг 14.05.2014 йилдаги 371-сон Қонуни 37-38-моддаси.

[95] Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 16 сентябрдаги “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги Қонуни 10-моддаси.

Муаммоли вазият бўйича профилактика инспектори томонидан амалга ошириладиган харакатларнинг ҳуқуқий асослари:

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига, Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисидаги Қонун, шунингдек бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга асосан ўз ваколатлари доирасида амалга оширади.

Ўзбекистон Республикасининг “Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида”ги Қонунга асосан ички ишлар органлари вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси *(кейинги ўринларда ВЕЎНваҲП)*ни ўз ваколатлари доирасида амалга оширади.

Ички ишлар органларининг ВЕЎН ва ҲПни амалга оширувчи махсус бўлинмалари вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси бўлинмаларидан ҳамда вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказларидан иборатдир. Бундан ташқари, ички ишлар органларининг бошқа бўлинмалари ВЕЎН ва ҲПда ўз ваколатлари доирасида иштирок этади ҳамда зарур ёрдам кўрсатади.[96]

Вояга етмаган деганда ўн саккиз ёшга тўлмаган шахс тушунилади.[97]

Назоратсиз ва қаровсиз вояга етмаган шахслар ким?

Назоратсиз вояга етмаган деганда ота-она ёки ота-она ўрнини босувчи шахслар томонидан вояга етмаганни таъминлаш, тарбиялаш ва унга таълим бериш бўйича ўз мажбуриятларини бажаришдан бўйин товлаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик оқибатида хулқ-атвори назоратсиз қолган вояга етмаган хисобланади.

Қаровсиз вояга етмаган эса аниқ яшаш жойи бўлмаган назоратсиз қолган вояга етмаган деб тушунилади.

Шу билан бирга, вояга етмаганнинг мунтазам равишда спиртли ичимликлар, гиёҳвандлик воситалари, психотроп ёки ақл-ирода фаолиятига таъсир этувчи бошқа моддаларни истеъмол қилишида, фоҳишалик, тиланчилик билан шуғулланишида ифодаланадиган хатти-ҳаракатлари, шунингдек ўзга фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини бузадиган бошқа хатти-ҳаракатлари **ғайриижтимоий хатти-ҳаракатлар** деб аталади[98].

Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмаларининг вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси соҳасидаги **ваколатлари**[99]:

вояга етмаганлар билан ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактика ишини олиб боради;

қидирув эълон қилинган вояга етмаганларни, шунингдек ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган вояга етмаганларни аниқлашга доир чора-тадбирларни амалга оширади ҳамда белгиланган тартибда уларни вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасини амалга оширувчи тегишли органларга ёки муассасаларга юборади;

вояга етмаганларни ҳуқуқбузарликлар ёки бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларни содир этишга жалб қилаётган ёхуд вояга етмаганларга нисбатан бошқа ғайриҳуқуқий қилмишлар содир этаётган шахсларни, шунингдек вояга етмаганларни таъминлаш, тарбиялаш ва уларга таълим бериш бўйича ўз мажбуриятларини бажаришдан бўйин товлаётган ёки лозим даражада бажармаётган ёхуд вояга етмаганларнинг хулқ-атворига салбий таъсир кўрсатаётган ёки улар билан шафқатсиз муомалада бўлаётган ота-оналарни ёки ота-она ўрнини босувчи шахсларни аниқлайди ҳамда уларга нисбатан қонун

---

[96] Ўзбекистон Республикасининг 29.09.2010 й. ЎРҚ-263-сон қонунининг, 10-моддаси

[97] Ўзбекистон Республикасининг 29.09.2010 й. ЎРҚ-263-сон қонунининг, 3-моддаси

[98] Ўзбекистон Республикасининг 29.09.2010 й. ЎРҚ-263-сон қонунининг, 3-моддаси

[99] Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг 2017 йил 12 июлдаги 151-сон буйруғи, Ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмалари фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги Низом 58-банди

ҳужжатларида назарда тутилган таъсир чораларини қўллаш тўғрисида тегишли давлат органлари ва бошқа ташкилотларга таклифлар киритади;

вояга етмаганларнинг, уларнинг ота-онаси ёки ота-она ўрнини босувчи шахсларнинг, шунингдек бошқа шахсларнинг вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилиши билан боғлиқ шикоятлари ва аризаларини кўриб чиқади;

ҳуқуқбузарликлар ёки бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракатлар содир этган вояга етмаганларга нисбатан қонун ҳужжатларида назарда тутилган таъсир чораларини қўллаш тўғрисида вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасини амалга оширувчи тегишли органлар ва муассасаларга таклифлар киритади;

вояга етмаганларни ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказларига ёки ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларига белгиланган тартибда жойлаштириш учун уларга тааллуқли ҳужжатларни тайёрлайди;

вояга етмаганларнинг назоратсизлиги, қаровсизлиги, ҳуқуқбузарликлари ёки бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракатлари фактлари, шунингдек уларга имкон бераётган сабаблар ва шарт-шароитлар тўғрисида тегишли давлат органлари ҳамда бошқа ташкилотларни хабардор қилади;

ҳуқуқбузарликлар ёки бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракатлар содир этган вояга етмаганларни, шунингдек назоратсиз ва қаровсиз қолган вояга етмаганларни қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда ва тартибда ички ишлар органларига олиб боради, бу ҳақда зудлик билан Низомнинг 3-иловасига мувофиқ шаклда баённома тузади ҳамда вояга етмаганлар келтирилганлиги ҳақида уларнинг ота-онасини ёки ота-она ўрнини босувчи шахсларни хабардор қилади;

вояга етмаганларнинг яшаш, ўқиш (иш) жойидаги таълим, маданий-кўнгилочар, спорт-соғломлаштириш муассасаларида, бошқа ташкилотларда, тўгараклар ва клубларда вояга етмаганлар билан олиб борилаётган тарбиявий ишларнинг аҳволини ўрганади;

вояга етмаганларнинг ҳуқуқбузарликлар ёки бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракатлар содир этишига имкон бераётган сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф қилиш тўғрисида тегишли давлат органларига ҳамда бошқа ташкилотларга таклифлар киритади;

вояга етмаганларнинг ҳуқуқбузарликлари ёки бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракатлари тўғрисидаги материалларнинг тегишли органлар ва муассасалар томонидан кўриб чиқилишида иштирок этади;

вояга етмаганлар томонидан содир этилган ҳуқуқбузарликлар ва бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларнинг, вояга етмаганларни таъминлаш, тарбиялаш ва уларга таълим бериш бўйича ўз мажбуриятларини бажаришдан бўйин товлаётган ёки лозим даражада бажармаётган ёхуд уларнинг хулқ-атворига салбий таъсир кўрсатаётган ёки улар билан шафқатсиз муомалада бўлаётган ота-оналар ёки ота-она ўрнини босувчи шахсларнинг ҳисобини юритади, шунингдек статистика ҳисоботини тузиш учун зарур бўлган ахборотни йиғади ва умумлаштиради;

етим болалар ҳамда ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни жойлаштиришда васийлик ва ҳомийлик органларига кўмаклашади.

Ички ишлар органлари ходимлари, **вояга етмаган** шахс **ушлаб турилган ҳар бир ҳолат тўғрисида** унинг **яқин қариндошларига** ёки бошқа **қонуний вакилларига дарҳол хабар бериши шарт**[100]**.**

Вояга етмаганларни назоратсиз қолдиргани учун ота-оналарга жазо борми?

Ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар томонидан вояга етмаган болаларни тарбиялаш ва уларга таълим бериш борасидаги мажбуриятларни бажармаслик,

[100] Ўзбекистон Республикаси 16.09.2016 й. ЎРҚ-407-сон қонуни, 18-модда

шу жумладан вояга етмаган болаларнинг маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этишига олиб келиши маъмурий жавобгарликка сабаб бўлади[101].

Вояга етмаганларга нисбатан жисмоний куч ишлатиш, махсус воситалар ва ўқотар қуролни қўллаш тўғрисида нималарни биласиз?

ёши аниқ кўриниб турган ёки маълум бўлган **вояга етмаганларга нисбатан жисмоний куч ишлатиш тақиқланади** *(бундан уларнинг қуролли қаршилик кўрсатганлиги, фуқароларнинг ёхуд ички ишлар органи ходимининг ҳаёти ва соғлиғига таҳдид этиб, ҳужум қилганлиги ҳоллари мустасно);*[102]

ёши аниқ кўриниб турган ёки маълум бўлган вояга етмаганларга нисбатан **махсус воситаларнинг**, шу жумладан газли ҳамда шикастлантирувчи қуролнинг **қўлланилиши тақиқланади** *(бундан уларнинг қуролли қаршилик кўрсатганлиги ёки фуқароларнинг ёхуд ички ишлар органи ходимининг ҳаёти ва соғлиғига ҳақиқатда таҳдид этиб, гуруҳ бўлиб ҳужум қилганлиги ҳоллари мустасно);*[103]

ёши аниқ кўриниб турган ёки маълум бўлган вояга етмаганларга нисбатан **ўқотар қуролни қўллаш тақиқланади** *(бундан уларнинг қуролли ҳужум қилганлиги, қуролли қаршилик кўрсатганлиги ёки фуқароларнинг ёхуд ички ишлар органи ходимининг ҳаёти ва соғлиғига таҳдид этиб, гуруҳ бўлиб ҳужум қилганлиги ҳоллари мустасно).*[104]

МЖтК 313-модда. **Маъмурий ҳуқуқбузарликлар содир этиш сабаблари ва уларга олиб келган шарт-шароитни бартараф этиш тўғрисидаги тақдимнома**

Ишни кўриб чиқувчи орган (мансабдор шахс) маъмурий ҳуқуқбузарликлар содир этиш сабаблари ва уларга олиб келган шарт-шароитларни аниқлаганда бу сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф қилиш юзасидан чоралар кўриш тўғрисидаги тақдимномани тегишли корхона, муассаса, ташкилот раҳбарига киритади. Раҳбар тақдим келиб тушган кундан бошлаб бир ой ичида уни киритган органга (мансабдор шахсга) кўрилган чоралар ҳақида маълум қилиши шарт.

МЖтК 196-модда. Ҳуқуқбузарлик сабаблари ва шарт-шароитларини бартараф этиш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати, Миллий гвардияси ва ички ишлар органларининг **ёзма тақдимномаларини бажариш чораларини кўрмаслик**

Вазиятга ечим. Юқоридаги ҳуқуқий асосларни инобатга олган ҳолда, профилактика инспектори жанжални тўхтатиш ва ўқувчиларни тарқатиш чорасини кўради, ҳуқуқбузарлик содир этган шахсларни, яъни жанжалнинг асосий “қаҳрамон”ларини таълим муассасаси ходим (ўқитувчи)лари иштирокида аниқлайди, уларни ИИБга ёки таянч пунктига олиб боради, ота-онаси, яқин қариндошларини хабардор қилади, жанжалда тан жарохати ва моддий ва маънавий зарар етказилганлигини аниқлайди. МЖтКнинг 47-моддаси бўйича тегишли ҳужжатларни расмийлаштириб, судга ёки вояга етмаганлари ишлари бўйича комиссияга юборади. Таълим муассасаларга бориб, муҳокама ўтказади. МЖтКнинг 313-моддасига асосан тақдимнома киритади.

Таъминлаш, тарбиялаш ва таълим бериш учун алоҳида шароитларга муҳтож ўн бир ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган вояга етмаганларни ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларига жойлаштириш тўғрисидаги илтимосномани судга юбориш учун зарур бўлган ҳужжатлар тайёрланади ва ўн кун ичида вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссияга тақдим этилади[105].

4.2-Мавзу. Рухсат этилмаган йиғилишлар, митинглар, кўча юришлари ва намойишларда юзага келадиган ситуацион муаммоли вазиятлар.

---

[101] Ўзбекистон Республикаси 22.08.1994 й. МЖТК 47-моддаси

[102] Ўзбекистон Республикаси 16.09.2016 й. ЎРҚ-407-сон қонуни, 22-модда

[103] Ўзбекистон Республикаси 16.09.2016 й. ЎРҚ-407-сон қонуни, 23-модда

[104] Ўзбекистон Республикаси 16.09.2016 й. ЎРҚ-407-сон қонуни, 24-модда

[105] Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг 2017 йил 12 июлдаги 151-сон буйруғи, Ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмалари фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги Низом 47,48-банди.

Вазият. Олмазор тумани, “Беруний” метроси олдида бир гуруҳ талабалар жамоат жойида фуқаролар ва автомашиналар ҳаракатига ҳалақит берган ҳолда Миллий университет ички тартиб қоидаларини ўзгартиришни сўраб митинг ташкил қилишди. ИИОлари ходимларининг митингни тўхтатиш ва тарқалиш ҳақидаги талабларига риоя этишмади.

Муаммоли вазият бўйича профилактика инспектори томонидан амалга ошириладиган харакатларнинг ҳуқуқий асослари:

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига, Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисидаги Қонун, шунингдек бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга асосан ўз ваколатлари доирасида амалга оширади.

Фуқаролар ўз ижтимоий фаолликларини Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ митинглар, йиғилишлар ва намойишлар шаклида амалга ошириш ҳуқуқига эга. Ҳокимият органлари фақат хавфсизлик нуқтаи назаридангина бундай тадбирлар ўтказилишини тўхтатиш ёки тақиқлаш ҳуқуқига эга[106].

митинг – босма, кўргазма, аудиовизуал ва бошқа тарғибот материалларидан (плакат, варақа ва бошқа материаллар) фойдаланган ҳолда ижтимоий ахамияти долзарб масалалар юзасидан жамоатчилик фикрини ифодалаш учун фуқароларнинг белгиланган жойдаги оммавий иштироки;

йиғилиш – давлат органлари эътиборини жалб қилиш мақсадида, махсус ажратилган ва жиҳозланган жойда, ташвиқот материалларидан фойдаланмаган ҳолда, ижтимоий муҳим аҳамиятга эга бўлган масалаларни муҳокама қилиш учун фуқароларнинг биргаликдаги иштироки;

намойиш – бир гуруҳ фуқаролар томонидан тарғибот материалларидан фойдаланган ҳолда жамоатчилик кайфиятини ифодалаш орқали амалга ошириладиган ижтимоий фаолликнинг уюшган шакли ҳисобланади. Намойиш кўча юриши, пикет ёки флешмоб шаклида ўтказилиши мумкин.

кўча юриши – жамоатчилик эътиборини ижтимоий муҳим масалаларга қаратиш мақсадида, олдиндан белгиланган йўналишда пиёдалар йўли ёки кўчанинг (йўлнинг) ҳаракатланиш қисми, шохкўча ва майдонлари бўйлаб фуқароларнинг ташкиллаштирилган ҳаракатланишини назарда тутадиган намойиш шакли ҳисобланади;

пикет ўтказиш – ҳаракатсиз ва овоз кучайтирувчи техник воситалардан фойдаланмаган ҳолда пикет ўтказиладиган объект олдида бир ёки ундан ортиқ фуқаролар томонидан тарғибот материалларидан фойдаланган ҳолда ижтимоий муҳим фикрларни оммавий равишда ифода этилишини назарда тутадиган намойиш шакли ҳисобланади;

флешмоб – олдиндан режалаштирилган оммавий акция бўлиб, намойишнинг бир шакли ҳисобланади, унда катта гуруҳ жамоат жойида пайдо бўлади, олдиндан белгиланган ҳаракатларни (сценарий) бажаради ва кейин тарқалиб кетади;

Митинг, йиғилиш ва намойишлар ўтказиш регламенти –режалаштирилган митинг, йиғилиш ва намойиш тўғрисидаги маълумотлар (мақсади, вақти, жойи, иштирокчилар сони ва бошқа маълумотлар) қайд этилган ҳужжат[107].

Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси 201-модда. ***Йиғилишлар, митинглар, кўча юришлари ёки намойишлар уюштириш, ўтказиш тартибини бузиш***

Йиғилишлар, митинглар, кўча юришлари ёки намойишлар уюштириш, ўтказиш тартибини бузиш — базавий ҳисоблаш миқдорининг олтмиш бараваридан саксон

---

[106] Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 38-модда.

[107] Ушбу тушунчалар Митинг, йиғилиш ва намойишлар тўғрисида Қонун лойиҳасидан олинган. https://regulation.gov.uz/uz/document/21021.

бараваригача миқдорда жарима солишга ёки ўн беш суткагача муддатга маъмурий қамоққа олишга сабаб бўлади.

Диний йиғилишлар, кўча юришлари ва бошқа диний маросимлар ўтказиш қоидаларини бузиш — базавий ҳисоблаш миқдорининг саксон бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима солишга ёки ўн беш суткагача муддатга маъмурий қамоққа олишга сабаб бўлади.

ЖК 217-модда. **Йиғилишлар, митинглар, кўча юришлари ёки намойишлар уюштириш, ўтказиш тартибини бузиш**

Йиғилишлар, митинглар, кўча юришлари ёки намойишлар уюштириш ёхуд ўтказиш тартибини уларнинг ташкилотчиси томонидан бузиш шундай ҳаракатлари учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, — базавий ҳисоблаш миқдорининг икки юз бараваридан уч юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч юз олтмиш соатгача мажбурий жамоат ишлари ёки бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Диний йиғилишлар, кўча юришлари ва бошқа диний маросимлар ўтказиш қоидаларини бузиш, шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, — базавий ҳисоблаш миқдорининг икки юз бараваридан уч юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч юз олтмиш соатгача мажбурий жамоат ишлари ёки бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Вазиятга ечим. Профилактика инспектори митинг бўлаётган жойга етиб бориб, вазият ҳақида ИИО НҚга хабар беради ва ёрдамчи кучларни чақиради, митингнинг ташкилотчи раҳбарларини аниқлаб, митингни тўхтатишни талаб қилади. Агар улар бўйсунишдан бош тортса, ёрдамчи кучлар етиб келгач, жисмоний куч ёки махсус воситаларни қўллаган (бу ҳақда раҳбарига ва прокурорга тегишли тартибда хабар беради) ҳолда ИИО га митингнинг ташкилотчилари ва асосий иштирокчиларини олиб боради. Шахсий кўрикдан ўтказиш ва нарсани олиш баённомасини тузади (2 та холис иштирокида). Сўнгра, МЖтКнинг 201, 194-моддасида кўрсатилган ҳуқуқбузарлик фактларини асослаган ҳолда *(ҳолат видеотасвир, гувоҳлар кўрсатуви)* маъмурий баённома расмийлаштиради. Митингга сабаб бўлган ҳолатлар, шарт-шароитларни аниқлаб, таълим муассасаларга бориб, муҳокама ўтказади. МЖтКнинг 313-моддасига асосан тақдимнома киритади. Тўпланган ҳужжатларни ҳудудий ЖИБ судига E-ma`muriy ish портали орқали юборади.

4.3-Мавзу. Фавқулодда вазиятларда профилактика инспекторлари билан фуқаролар ўртасидаги юзага келиши мумкин бўлган муаммоли ҳолатлар.

Амалий машғулот (4-соат)

Вазият. Наманган шаҳар, “Обод” МФЙ, Анор кўчаси, 40-уй 7-хонадонда табиий газ ва ҳаво аралашмаси натижасида портлаш содир бўлиб, кўп қаватли уйда яшовчи, фуқаролар, ёнғин хавфсизлиги ходимларининг хонадонларни тарк этиш тўғрисидаги огоҳлантиришига қарамасдан, моддий бойликларини сақлаб қолиш мақсадида бир неча маротаба портлаш содир бўлган хонадон жойлашган подъезд (йўлак)дан кириб чиқишаётганлиги сабабли профилактика инспектори фуқароларни киришини таъқиқлади. Фуқаролар профилактика инспекторига қаршилик кўрсатмоқда.

Муаммоли вазият бўйича профилактика инспектори томонидан амалга ошириладиган харакатларнинг ҳуқуқий асослари:

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига, Ички ишлар органлари тўғрисидаги, Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисидаги Қонун, шунингдек бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга асосан ўз ваколатлари доирасида амалга оширади.

Фавқулодда вазият — бу муайян ҳудудда ўзидан сўнг одамларнинг қурбон бўлиши, одамлар соғлиғи ёки атроф-муҳитга зиён етказиши, кишиларнинг ҳаёт фаолиятига каттагина моддий зарар ҳамда унинг бузилишига олиб келиши мумкин бўлган ёки олиб

келган авария, ҳалокат, стихияли офат, эпидемиялар, эпизоотиялар натижасида юзага келган ҳолатдир.

Локал фавқулодда вазиятга фавқулодда вазият натижасида 10 дан ортиқ бўлмаган одам жабрланган, ёхуд 100 дан ортиқ бўлмаган одамнинг ҳаёт фаолияти шароитлари бузилган, ёхуд моддий зарар Фавқулодда вазият пайдо бўлган кунда базавий ҳисоблаш миқдорининг 1 минг бараваридан ортиқ бўлмаганни ташкил этадиган ҳамда Фавқулодда вазият зонаси ишлаб чиқариш объекти ёки ижтимоий мақсадли объект ҳудуди ташқарисига чиқмайдиган Фавқулодда вазият тегишли бўлади[108].

ИИО мажбуриятлари:

авариялар, фалокатлар, ёнғинлар, табиий офатлар ва бошқа фавқулодда вазиятларда аҳолини хабардор қилиш, одамларни қутқариш, уларга биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш, ҳудуднинг зарур участкаларини ўраб олиш (тўсиш) юзасидан кечиктириб бўлмайдиган чоралар кўриши, шунингдек қаровсиз қолган мол-мулкни қўриқлашга доир вазифаларни бажариши;

ИИО ҳуқуқлари:

агар терговга қадар ва тергов ҳаракатларини, тезкор-қидирув ва қидирув тадбирларини ўтказиш, жиноят, маъмурий ҳуқуқбузарлик, ҳодиса ҳолатларини ҳужжатлаштириш ёки жиноят, маъмурий ҳуқуқбузарлик изларини, ҳодиса ҳолатларини сақлаб қолиш учун зарур бўлса, фуқаролардан жиноят, маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилган жойни, ҳодиса жойини тарк этишни талаб қилиш[109];

МЖтК 204[1]-модда. **Аҳолини ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш, шунингдек фуқаро муҳофазаси тўғрисидаги қонунчилик талабларини бажармаслик**

Худди шундай ҳуқуқбузарлик одамлар соғлиғига, юридик ва жисмоний шахсларнинг мол-мулкига зарар етишига олиб келса, шунингдек атроф табиий муҳитга ва одамлар ҳаётига таҳдид солса, — жарима солишга сабаб бўлади.

Табиий ва техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлар тўғрисидаги ахборотни яшириш, ўз вақтида тақдим этмаслик ёки улар ҳақида атайин сохта ахборот тақдим этиш.

МЖтКнинг 119, 132 ва 204[1]-моддаларида назарда тутилган ҳуқуқбузарликлар аниқланган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги органларининг мансабдор шахслари маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома тузади.

Вазиятга ечим. Профилактика инспектори кўп қаватли уйда яшовчи, фуқароларни ва ўзини шахсий хавфсизлигини таъминлайди, ёнғин хавфсизлиги ходимларига фуқаролар ҳалақит қилишини олдини олади, хонадонларни тарк этиш тўғрисидаги огоҳлантиради, киришига йўл қўймайди, фуқаролар профилактика инспекторига қаршилик кўрсатганда, МЖтКнинг 194-моддаси тартибида жавобгарлик муқаррарлигидан огоҳлантиради. Ёрдамчи кучларни, тез тиббий ёрдам ва фавқулодда вазиятлар бошқармасини жалб қилиш чорасини кўради.

4.4-Мавзу. Оммавий тадбирлар ўтказилганда томошабинлар билан юзага келадиган ситуацион муаммоли вазиятлар.

Амалий машғулот (4-соат)

Вазият. Бунёдкор стадионида футбол матчида уч нафар номаълум шахс яшил майдонга сувдан бўшаган пластик идишларни улоқтириб, ўйин ҳакамини сўкиб, ҳақорат қилганлиги ҳолати бўйича профилактика инспектори уларни олдига бориб, ИИО лари биносига таклиф қилганда фуқаролар қонуний талабни бажаришдан бош тортди.

Муаммоли вазият бўйича профилактика инспектори томонидан амалга ошириладиган харакатларнинг ҳуқуқий асослари:

[108] Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори, 27.10.1998 йилдаги 455-сон

[109] Ўзбекистон Республикаси ИИО қонуни 407-сон 16-17-модда.

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига, Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисидаги Қонун, шунингдек бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга асосан ўз ваколатлари доирасида амалга оширади.

МЖтК 200[1]-модда. **Оммавий тадбирлар ўтказиш қоидаларини бузиш**

Оммавий тадбирлар ўтказиш қоидаларини бузиш — фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг беш бараваридан ўн бараваригача, мансабдор шахсларга эса — ўн бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Оммавий тадбирлар ўтказиш қоидалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 29.07.2014 йилдаги 205-сон қарорида белгиланган.

оммавий тадбир — 100 ва ундан кўп кишиларнинг иштирокида ижтимоий-сиёсий (анжуманлар, конференциялар, съездлар ва бошқалар), маданий-оммавий ва кўнгилочар-томоша дастурлари (мусиқий, адабий ва бошқа фестиваллар, концерт, театр, спорт, реклама тадбирлари, халқ сайиллари, цирк, миллий намойишлар ва ўйинлар, кўрик-танловлар ва бошқалар), шунингдек умумхалқ, диний, касб байрамларини ўтказиш мақсадида оммавий тадбирни ўтказиш объектида ташкил қилинадиган фуқароларнинг биргаликда қатнашишлари;

оммавий тадбирни ўтказиш учун рухсатнома — оммавий тадбирни ўтказиш ҳуқуқини берадиган, ваколатли орган томонидан қабул қилинадиган ва оммавий тадбир ташкилотчисига бериладиган қарор[110];

194-модда. **Ички ишлар органлари ходимининг қонуний талабларини бажармаслик**

Ички ишлар органлари ходимининг ҳуқуқбузарликни тўхтатиш, ҳужжатларни текшириш учун тақдим этиш, ички ишлар органларига бориш ёки кўрсатилган муддатда ички ишлар органларида бўлиш тўғрисидаги қонуний талабларини узрли сабабларсиз бажармаслик, транспорт воситасини тўхтатиш, жабрланувчиларга ёрдам кўрсатиш ҳақидаги қонуний талабларини бажармаслик ёхуд ички ишлар органлари ходимининг қонуний талабларига бошқача тарзда бўйсунмаслик, худди шунингдек жамоат тартибини сақлаш ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш вазифаларини амалга ошираётган бошқа шахсларнинг қонуний талабларини бажармаслик, — базавий ҳисоблаш миқдорининг бир бараваридан ўн икки бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, — базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн икки бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жарима солишга ёки ўн беш суткагача муддатга маъмурий қамоққа олишга сабаб бўлади.

183-модда. **Майда безорилик**, яъни жамоат жойларида уятли сўзлар билан сўкиниш, фуқароларга ҳақоратомуз шилқимлик қилиш ҳамда жамоат тартибини ва фуқароларнинг осойишталигини бузувчи шу каби бошқа хатти-ҳаракатларда ифодаланган жамиятда юриш-туриш қоидаларини қасддан менсимаслик маъмурий жавобгарликка сабаб бўлади.

Вазиятга ечим. Профилактика инспектори ҳуқуқбузарлик содир этган фуқароларга МЖтКнинг 183,194-моддалари талабларини тушунтиради, ён атрофдаги фуқароларнинг вазиятга аралашишини олдини олади, ёрдамчи кусларни чақиради, вазиятга қараб агар улар бўйсунишдан бош тортса, жисмоний куч ёки махсус воситаларни қўллаган (бу ҳақда раҳбарига ва прокурорга тегишли тартибда хабар беради) ҳолда ИИО га олиб боради. Шахсий кўрикдан ўтказиш ва нарсани олиш баённомасини тузади (2 та холис иштирокида). Сўнгра, МЖтКнинг 183, 194-моддасида кўрсатилган ҳуқуқбузарлик фактларини асослаган ҳолда *(ҳолат видеотасвир, гувоҳлар кўрсатуви)* маъмурий баённома расмийлаштиради. Агар тегишли суднинг иш вақти тугаган бўлса ҳамда ҳуқуқбузарлар суд мажлисига эртанги

[110] Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори, 29.07.2014 йилдаги 205-сон

куни етиб келмаслиги аён бўлса, профилактика инспектори ушлаб туриш баённомасини тузган ҳолда 24 соатгача ҳуқуқбузарларни ИИО ВСҲ га жойлаштириши мумкин. Кейинги кун тўпланган ҳужжатларни ҳудудий ЖИБ судига E-ma`muriy ish портали орқали юборади ва маъмурий иш судда кўриб чиқилади.

4.5-Мавзу. Аҳолида норозилик кайфияти келтириб чиқарувчи холатларда, улар билан мулоқотда юзага келадиган ситуацион муаммоли вазиятлар.

Амалий машғулот (4-соат)

Вазият. 2022 йилнинг 12 январь куни Олмазор тумани, “Дўстлик” МФЙ, Анор кўчаси, 24-кўп қаватли уйни таъминловчи трансформатор юқори кучланиш таъсирида ёниб кетиб, аҳоли 8 соат электр энергиясиз қолди, бунинг устига газ босимининг пасайиши оқибатида аҳоли хонадонлари иссиқлик таъминотисиз қолди. Ушбу хонадонларда яшовчи фуқаролар маҳалла идорасига, кўп қаватли уй олдига ҳамда ҳудудий электр тармоқлари биноси олдига бориб норозиликларини намойиш қилиб, МФЙ раиси, ҳоким ёрдамчиси ва электр таъминоти ходимларига носамимий муносабат қила бошлашди.

Муаммоли вазият бўйича профилактика инспектори томонидан амалга ошириладиган харакатларнинг ҳуқуқий асослари:

Ўзбекистон Республикасининг Ички ишлар органлари тўғрисидаги қонуни, Жиноят, Жиноят-процессуал ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига, Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисидаги Қонун, шунингдек бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга асосан ўз ваколатлари доирасида амалга оширади.

Ички ишлар органлари:

жиноятлар, бошқа ҳуқуқбузарликлар ва ҳодисалар тўғрисидаги аризаларни, хабарларни ва бошқа ахборотни, шу жумладан электрон шаклдаги шундай аризаларни, хабарларни ва бошқа ахборотни қабул қилиши ҳамда рўйхатга олиши, мурожаат этувчига қонунчиликда белгиланган тартибда кейинчалик хабар берган ҳолда улар бўйича ўз вақтида чоралар кўриши;

жиноят, маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилган жойга, ҳодиса жойига дарҳол етиб келиши, ғайриқонуний қилмишларга чек қўйиши, фуқароларнинг хавфсизлигига таҳдидларни бартараф этиши, жиноят, маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилганлиги ҳолатларини, ҳодиса ҳолатларини ҳужжатлаштириши, жиноят, маъмурий ҳуқуқбузарлик, ҳодиса изларининг сақланишини таъминлаши;

жиноят, маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилган жойда ёки ҳодиса жойида жабрланган фуқароларга, шунингдек ночор аҳволда қолган фуқароларга биринчи тиббий ёрдам ёки бошқа хил ёрдам кўрсатилишини ташкил этиши;

жиноятларнинг олдини олиш, уларни аниқлаш, уларга чек қўйиш ва уларни фош этиш, шунингдек уларни тайёрлаш ва содир этишга алоқадор бўлган шахсларни аниқлаш ҳамда топиш чораларини кўриши[111].

Вазиятга ечим. Профилактика инспектори юқоридаги ҳолат бўйича норози фуқаролар тўпланган жойда жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлайди, фуқаролар томонидан жиноий ва ҳуқуқбузарликлар содир этилишини олдини олади, масъулларни чақирилишини таъминлайди, НҚга ва ИИО раҳбарига хабар беради, вазиятга қараб, ёрдамчи кучларни чақириши мумкин, аҳоли муаммосини дарҳол ҳал этилишини таъминлаш мақсадида фуқароларни тинчлантириш бўйича мурожаат қилиши мумкин. Фуқаролар ва масъуллар ўртасида низоли ҳолатлар сезила бошласа ушбу мулоқотга аралашиши ва уларни тартибга чақириши шарт.

[111] Ўзбекистон Республикасининг 16.09.2016 й. ЎРҚ-407-сон қонуни, 16-модда

5. ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРЛАРИНИНГ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ, МАХСУС-ТЕХНИК ВОСИТАЛАРНИ ҚЎЛЛАШ ВА УЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ ЖАРАЁНИДА ЮЗАГА КЕЛАДИГАН МУАММОЛИ СИТУАЦИОН ВАЗИЯТЛАР МОДУЛИ.

5.1-Мавзу. Профилактика инспекторлари томонидан планшетлардан фойдаланиш тартиби.

Амалий машғулот (4-соат)

РЕЖА:

1. Профилактика инспекторининг планшети ҳақида маълумот.

2. Профилактика инспектори фойдаланувчиларни яратиш юриқномаси.

1-ўқув саволи. Профилактика инспекторининг планшети ҳақида маълумот.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда қонунийликни мустаҳкамлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасида самарали тизимни яратиш ҳамда суд-ҳуқуқ соҳасида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш бўйича салмоқли ишлар амалга оширилди.

Хусусан, фуқаролик, иқтисодий ва жиноят процессида ишларни соддалаштирилган тартибда кўриш амалиёти, шунингдек, замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда мурожаат этиш ҳамда суд ишларини электрон шакллантириш механизмлари муваффақиятли жорий этилди.

Меъёрий-ҳуқуқий асослари:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 апрелдаги ПФ-5005-сон Фармони иловасининг 56-банди *(Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ахборот ресурсларидан ходимларнинг фойдаланилишини таъминлайдиган планшетлар ёки борт компьютерлари асосида масофадан мобил кириш тизимини яратиш)*.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг 2020 йил 7 январдаги “Ички ишлар органларида маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни расмийлаштириш ва кўриб чиқишнинг электрон тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 3-сон буйруғи.

Ўзбекистон Республикаси Олий суд ва Ички ишлар вазирлиги ўртасидаги мавжуд электрон ҳамкорлик доирасида профилактика инспекторларини суд жараёнларида масофадан туриб иштирокини таъминлаш чора тадбирлари тўғрисида йўл ҳаритасининг 2-банди.

Планшетнинг мақсади: Ички ишлар органлари ходимлари томонидан замонавий ахборот технологияларидан кенг фойдаланган холда маъмурий ҳуқуқбузарликларга оид ишларни расмийлаштириш ва кўриб чиқишнинг соддалаштирилган тартибини жорий этиш.

Планшетнинг вазифаси:

ИИО ҳуқуқбузарликлар профилактикаси инспекторлари томонидан маъмурий электрон баённомаларни расмийлаштириш;

Шахсни юз қиёфаси орқали аниқлаш (идентификация қилиш);

ИИВнинг тегишли хизматларидаги мавжуд маълумотлар базалари орқали қидириш;

Воқеа жойидан қизиқиш уйғотган керакли ёзма, овозли ва медиа кўринишдаги маълумотларни жўнатиш;

ИИО ҳуқуқбузарликлар профилактикаси инспекторлари томонидан ҳимояланмаган каналлар орқали маълумотларни узатишни тақиқлаш.

Ахборот тизимининг асосий қуйи тизимлари

1. Баённома шакллантириш;
2. Қарор чиқариш;
3. Кўриб чиқиш;
4. Жаримани удириш.

Бошқа ахборот тизимлари билан ўзаро ҳамкорлиги

Ички ишлар вазирлигининг айрим тизмлари ҳамда вазирлик идораларнинг тизимлари билан: Электрон хукуматнинг ягона биллинг тизими, Олий суд Е-Хсуд, Бош покуратуранинг MIB-портал ва бошқалар.

Маьлумотлар базасида ишлатиладиган ягона идентификатор

1. JShShIR - Жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами
2. Географик код
3. Бошқалар
4. Транспорт воситасининг ID рақами (VIN)
5. STIR - Солиқ тўловчининг индивидуал рақами

2-ўқув саволи. Профилактика инспектори фойдаланувчиларни яратиш йўриқномаси.

1-**Қадам. Авторизация! emi.mvd сўзини Браузер сатригакиринг!**

Очилган ойнада логин ҳамда паролингизни киритинг ва кириш тугмасини босинг.



Агар дастурга кирмаса Ctrl+F5 босинг бу дастурдаги янги бўлган ўзгаришларни юклаболишга имконият беради.





2-Қадам. Фойдаланувчилар ёрлиғини босинг!

3-Қадам. “Фойдаланувчини қўшиш” менюсини танланг. Сизга Шакл-1 (Фуқароларнибиометрик маълумотлар) бўйича қидириш ойнаси очилади.

4-Қадам. Шахсни танланг! Шаклда керакли қидирув параметрларини киритинг. Аниқ натижани қидириш учун тўлиқ шахсга оид маълумотларини киритинг. Масалан: фамилияси, исми, отасининг исми ёки ҳужжатнинг серияси ва рақами. Кейин клавиатурадаги қидириш тугмасини ёки **“F5”** тугмасини босинг.

*(Изоҳ: Контекст шаклда излаш имконияти ҳам мавжуд. Бунда фоиз **%** асосида излабмаълумотларни олиш мумкин.)*



5-Қадам. Қидирув натижаси!

Қидирув тугмасини босганингиздан сўнг, тизим сизга шахс топиб рўйхатини кўрсатиб беради. Керакли шахсни танлаб танлаб радио тугмаси белгисини босинг. Шахсни танлагандан сўнг давомиликтугмасини босинг.



6-Қадам. Фойдаланувчининг маълумотлари!

Кейинги босқич фойдаланувчини қўшиш. Тизимда фойдаланувчи шахс маълумотларини киритишингиз керак.Фойдаланувчи шахснинг керакли параметрларини танланг, Фойдаланувчининг системадаги ролини кўрсатинг ҳамда фойдаланувчининг даражаси белгисини тайинланг. Тўғри параметрларини танланганлиги бўйича ишонч ҳосил қилган бўлсангиз, давом этинг тугмасини босинг.



7-Қадам. Авторизация учун маълумотлари!

Кейинчалик, фойдаланувчини авторизацияси учун маълумотларни киритишингиз лозим. Фойдаланувчи алоқа маълумоти ва хужжат рақамини киритинг ҳамда фойдаланувчи ҳолатини танланг. Кейинги қадам фойдаланувчи Логин ва паролни тўлдириш. Барча майдонларни тўлдиргандан сўнг, давом этиш тугмачасини босинг.



Эслатма: Барча майдонларни тўлдириш мажбурий.

8- Қадам. Тасдиқлаш! Тизим фойдаланувчи қўшиш бўйича оҳирги босқич. Диққат сиз киритган маълумотларга қаранг, агар барчамаълумотлар тўғри бўлса, **ДАВОМИЙЛИК** тугмасини босинг. Акс ҳолда, сиз ҳар доим тегишли тугмани **(ОРТГА ҚАЙТИШ)** босиш орқали ёки 1, 2 ёки 3 қадамнинг ёрлиғини босиш орқали қайтишингиз мумкин.

9-Қадам. Билдиришномалар! Агар барча маълумотларни тўғри киритсангиз, фойдаланувчининг мувоффақиятли киритилганлиги ҳақида хабар берилади.

Маълумот киритишда хатога йўл қўйган бўлсангиз. Сизга тегишли хабар кўрсатилади. Сиз мувоффақиятли фойдаланувчи яратиш учун барча хатоларни тузатишингиз керак бўлади.

5.2-Мавзу. Профилактика инспекторига масофадан туриб мурожаат юбориш ва уни кўриб чиқишг жараёнини кузатиб бориш, аҳоли биланўзаро тезкор мулоқотни йўлга қўйиш, профилактика инспекторлари ва сектор раҳбарлар фаолиятига баҳо бериш имконини берувчи "Smart mahalla" ахборот дастуридан фойдаланиш тартиби.

Амалий машғулот (4-соат)

РЕЖА:

1. Юклаш ва ўрнатиш
2. Ишга тушириш ва рўйҳатдан ўтиш
3. Модуллардан фойдаланиш

"Smart mahalla" Android 5.0 ва ундан юқори версиядаги операцион тизимда ишловчи мобил қурилмалар (смартфон, планшет ва бошқалар) учун мўлжаллангандир мобил иловадир (кейинги ўринларда дастур деб юритилади).

Дастурнинг модуллари ва функтсиялари тўлиқ ишлаши учун мобил қурилмаларда орқа камера ва яқиндаги майдон алоқаси (Неар Фиелд Соммунисатион) мосламаси, шунингдек рақамли картографик ма'лумотларга эга харита дастури мавжуд бўлиши лозим.

Дастур фойдаланувчиларини идентификатсия қилиш рўйҳатдан ўтиш жараёнида тақдим этиладиган телефон рақами орқали амалга оширилади.

1-ўқув саволи: Юклаш ва ўрнатиш

"Smart mahalla" дастурини Google Play ( ) иловалар дўконидан юклаб олиш мумкин.

Бунинг учун мобил қурилмадаги иловалар дўкони учун мўлжалланган махсус дастур ишга туширилади ва излаш майдонига мос равишда Smart mahalla сўзлари ёзилади.



Излаш натижасида топилган Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг “Smart mahalla” дастурини ўрнатиш (Инсталл) мумкин.

Юкланган дастурни ўрнатиш автоматик равишда амалга оширилади ҳамда ўрнатиш натижалари бўйича мобил қурилма ишчи столида “Smart mahalla” дастурининг ёрлиғи (логотип) яратилади.

Дастурга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган тақдирда, ишлаб чиқарувчилар томонидан Google Play иловалар дўконига янгиланишларни жойлаш орқали фойдаланувчиларга дастурнинг сўнгги версияси тақдим этиб борилади.

Дастур учун янгиланишлар мавжудлигини Google Play иловалар дўкони орқали текшириб кўриш мумкин.

Google Play иловалар дўконида дастур учун янгиланиш мавжуд бўлган тақдирда, дастурни янгиламасдан ишлатиш тавсия этилмайди.

Дастурдаги ахборот тариқасида тақдим этиладиган маълумотлар манбаларга киритилган ўзгартиришлар асосида автоматик равишда янгиланади.

2-ўқув саволи. Ишга тушириш ва рўйҳатдан ўтиш

Дастур тегишли ёрлиқ орқали ишга туширилади. Дастур ишга тушиш жараёнида аввал қарши олиш ойнаси, сўнгра фойдаланувчиларни рўйҳатдат ўтказиш ойнаси очилади.

Рўйҳатдат ўтиш ойнасида фойдаланувчини идентификатсия қилиш учун жами 6 турдаги маълумотларни тақдим этиш талаб этилади.

Фойдаланувчи томонидан тақдим этилиши лозим бўлган вилоят, туман ва маҳалла ҳақидаги ёзувлар аввалдан шакиллантирилган маълумотлар асосида тегишли луғатлардан танланади.

Фамилия, исм ва телефон рақами ҳақидаги ёзувлар фойдаланувчи томонидан, ҳақиқий маълумотлар асосида, мустақил равишда киритилади.

Рўйҳатдат ўтиш жараёнида киритилиши лозим бўлган барча маълумотлар мажбурий маълумотлар ҳисобланиб, улар тақдим этилмаган тақдирда жараён муваффақиятсиз якунланади.

Талаб этилган маълумотлар киритилиб, рўйҳатдат ўтиш тугмаси босилгач тизим томонидан фойдаланувчига 6 хонали сонлардан иборат махсус идентификатсия коди келтирилган СМС хабар ёборилади.

Идентификатсия кодини фойдаланувчиларга этказишдаги СМС хабарни юбориш учун мўлжалланган қисқа рақам (хозирги ўринда 3700) ауксион натижаларига кўра аниқланадиган хизмат кўрсатувчи ташкилот томонидан ўзгартирилиши мумкин.

СМС хабарда келтирилган идентификатсия коди ойнадаги тегишли майдонга киритилиб, Кириш тугмаси босилади.

Тизим томонидан тегишли майдонга киритилган идентификатсия коди СМС хабар орқали юборилган идентификатсия коди билан автоматик равишда солиштирилиб, кодлар мослиги аниқланган тақдирда рўйҳатдан ўтиш муваффақиятли якунланади.

Мобил алоқа операторлари ёки абонентнинг нофаоллиги натижасида фойдаланувчига СМС хабар этказиб берилмаган ҳолларда, СМС хабарни қайта юбориш 2 дақиқадан сўнг тизим томонидан автоматик тарзда амалга оширилади.

Рўйҳатдан ўтишда телефон рақамига юбориладиган СМС хабарлар миқдори чекланмаган.

Дастур ўрнатилган хар бир мобил қурилма орқали рўйҳатдат ўтиш учун белгиланган кунлик меъёр 24 соат ичида 3 маротаба. Яъни 1 мобил қурилма орқали 24 соат мобайнида 3 маротаба дастурдан рўйҳатдан ўтиш мумкин.

Рўйҳатдан ўтиш жараёнида танланган маҳалла, фамиля, исм, телефон рақами тизим томонидан бир-бирига боғланади. Хавфсизлик нуқтаи назаридан, келгусида ушбу маҳаллага айнан шу телефон рақами орқали бошқа фамилия ва исм билан рўйҳатдан ўтишга рухсат берилмайди.

3 – ўқув саволи. Модуллардан фойдаланиш

Дастурнинг бош сахифаси қуйидаги кўринишга эга:

СОС модули орқали “101”, “102”, “103”, “104”, “1050” ва “1173” қисқа рақамларига шошилинч хабарларни юбориш имкони мавжуд.

Ушу модулдан “102” тизимига шошилинч хабар йўллашнинг афзаллиги шундаки, мурожаат ижроси доирасида ички ишлар органи томонидан куч-воситалар жалб этилган тақдирда, уларнинг жойлашув жойи ва мурожаат ёки ҳодиса манзилига қараб ҳаракатланишини дастур орқали реал вақт давомида кузатиб бориш мумкин.

Менинг маҳаллам модули маҳалла қайси сектор таркибига кириши, демографик маълумотлари (аҳоли сони, эркаклар сони, аёллар сони, оилалар сони, хонадонлар сони), раиси (фамилияси, исми, отасининг исми ва телефон рақами), маҳалла идораси манзили, шунингдек сектор раҳбари (фамилияси, исми, отасининг исми ва телефон рақами) ва сектор штабининг манзили ҳақидаги маълумотларни тақдим этади.

Ушбу модулда сектор раҳбари фаолиятини баҳолаш учун 1-5 оралиғидаги кўрсаткич шакли мавжуд.

Хар бир фойдаланувчи сектор раҳбарини фақат бир маротаба бахолаши мумкин. Бахо ўзгартирилган тақдирда, янги кўрсаткич тизим томонидан аввалгиси устига ёзиб қўйилади.

Менинг инспекторим модули профилактика инспекторининг асосий маълумотлари (лавозими, унвони, фамилияси, исми, отасининг исми ва телефон рақами), ҳудудий ички ишлар органи ва телефон рақами, ҳуқуқ-тартибот масканининг манзили ва геожойлашуви ҳақидаги маълумотларни тақдим этади.

Модулда профилактика инспектори фаолиятини баҳолаш учун 1-5 оралиғидаги кўрсаткич шакли мавжуд.

Хар бир фойдаланувчи профилактика инспекторини фақат бир маротаба бахолаши мумкин. Бахо ўзгартирилган тақдирда, янги кўрсаткич тизим томонидан аввалгиси устига ёзиб қўйилади.

Шунингдек модулда профилактика инспекторининг тизимга киритилган телефон рақамларига га қўнғироқ қилиш имконияти яратилган.



Ҳудуд геохаритаси модули содир этилган йўл-транспорт ҳодисалари, маъмурий ҳуқуқбузарликлар ва жиноятлар ҳақидаги очиқ маълумотларни ҳудудлар кесимида, давр оралиғида кузатиш учун мўлжалланган.

Маълумотлар ҳодисалар содир этилган ҳудуднинг гео-жойлашуви кўринишида тақдим этилади. Тегишли гео-жойлашув босилганда ҳодиса ҳақидаги тегишли маълумотлар акс эттирилади.

Модулда ҳодисалар турларга бўлинган ҳолда, инфографика кўринишида ҳам тақдим этилади.

Давлат органларига мурожаат модули ҳаволалар орқали давлат органларининг сайтларини очиш, зарурий ахборотлар билан танишиш ва ушбу органларга ўрнатилган тартибда мурожаат йўллаш имконини беради.



Модулда Ички ишлар вазирлиги, Бош прокуратура, Адлия вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги, Давлат хизматлари агентлигининг расмий сайтларига ҳаволалар мавжуд ва ушбу рўйхатни фойдаланувчилар таклифига кўра ўзгартириш мумкин.

Шунингдек модулда ҳаволалар орқали давлат органларининг сайтларига ташрифлар ҳисоби юритилади.

Қидирувдаги ва бедарак йўқолган шахслар модули қидирув эълон қилинган ва бедарак йўқолган деб топилган шахслар ҳақидаги жорий маълумотларни тақдим этади.

Модул орқали шахсларнинг биографик маълумотлари (фамилияси, исми, отасининг исми ва туғилган санаси) бўйича излаш имконияти мавжуд.

Шахсларнинг фамилияси, исми ва отасининг исми бўйича мулти излаш функтсияси йўлга қўйилган. Яни излаш майдонига фамилия, исм ва ота исмдан бири ҳақидаги маълумотлар киритилганда, тизим ушбу маълумотларга мос натижаларни чиқаради.

Секторга мурожаат модулида кўп йўлланадиган мурожаатлар бўйича маълумотлар ҳамда Сектор ҳақида ва Мурожаатларим тугмалари мавжуд.

Кўп йўлланадиган мурожаатлар шакли келиб тушаётган мурожаатлар мазмунидан келиб чиққан ҳолда, асосий администраторлар томонидан шакллантириб борилади.

Сектор ҳақида тугмаси орқали секторларнинг функтсия ва ваколатлариб билан

танишиш мумкин.

Сектор функсия ва ваколатлари шакллари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 январ кунидаги ПҚ-4102-сон “Ҳудудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича секторлар фаолиятини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори ҳамда бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга таянган ҳолда асосий администраторлар томонидан тўлдирилган маълумотлардан ташкил топган.

Мурожаатларим тугмаси орқали очиладиган ойнада аввал юборилган мурожаатлар ҳақида маълумотлар ҳамда Янги мурожаат тугмаси мавжуд.

Янги мурожаат тугмаси орқали секторга мурожаат йўллаш учун мўлжалланган шакл очилади.

Янги мурожаат йўллаш жараёнида мурожаатчи ўзининг биографик маълумотлари ва айрим реквизитларини тақдим этиши лозим.

Фойдаланувчи дастурдан рўйҳатдан ўтиш жараёнида тақдим этган маълумотлари муаллиф сифатида мурожжат йўллаши учун этарли ҳисобланмайди. Шунингдек биографик маълумотлари ва айрим реквизитларини қайта тақдим этиши фойдаланувчи учун дастур орқали оила аъзолари, яқин қариндошлари ва бошқа шахсларнинг мурожаатларини (ариза, шикоят, таклиф) уларнинг ўзларининг номларидан секторга этказишга кўмаклашишига имконият яратади.

Секторлар ўз ваколатлари ва функтсияларидан келиб чиққаниб, белгиланган турдаги мурожаатларни кўриб чиқишларини инобатга олган ҳолда уларга йўллаш мумкин бўлган мурожаат турлари аввалдан шакиллантирилган ва луғат кўринишига келтирилган.

Ойнада Мурожаат ошкоралиги, Ҳолати ва Жинси ҳақидаги ёзувлар аввалдан шакиллантирилган маълумотлар асосида тегишли луғатлардан танланади.



Шаклда мурожаатчи томонидан фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган санаси, телефон рақами, электрон почта манзил ва яшаш манзили ҳақидаги маълумотлар махсус майдонларга киритилиши зарур.

Мурожаатнинг мақсад ва мазмунини ташкил этувчи матн учун шаклда алоҳида майдон ажратилган. Ушу майдонга мурожаатчи томонидан мустақил равишда, ўз фикрини ифодаловчи матн киритилиши мумкин.

Матн орқали фикр тўлиқ баён эта олинмаган ёки мурожаатга тегишли материалларни илова қилишга зарурат туғилган тақдирда, Файл бириктириш тугмаси орқали тегишли файлларни юклаш имконияти мавжуд. Ушбу жараёнда файлларни мобил қурилманинг асосий ёки ўрнатилган маълумот ташувчи хотира қурилмаларидан юклаш мумкин.

Мурожаатга илова тарзида юкланадиган файллар тизим иш фаолиятига салбий таъсир кўрсатмаслиги учун, уларнинг жами ҳажмига 10 мб ва жами сонига 10 тагача чеклов ўрнатилган.

Модул орқали секторга юборилган мурожаатни кўриб чиқиш жараёнини кузатиб бориш имконияти яратилган

Мурожаатлар кўриб чиқиш жараёнига кўра қуйидаги ҳолатларда бўлади:

ЮБОРИЛГАН-;

КЎРИЛГАН-;

МУДДАТИ УЗАЙТИРИЛГАН-;

ЖАВОБ БЕРИЛГАН-;

РАД ЭТИЛГАН-.

Болани масофадан назорат қилиш модули ота-оналарга таълим муассасаларининг турникет, GPS-трекер ва кузатув камералари тизимларига уланган ҳолда фарзандларини назорат қилиб бориш имкониятини беради.

Ушбу модулнинг ишчи ҳолати ва имкониятлари таълим муассасалари билан Ички ишлар вазирлиги ўртасидаги келишувларга боғлиқ.

Ота-оналар ўзларига бириктирилган логин ва парол орқали таълим муассасаларининг ахборот тизимларига мурожаат қилган ҳолда, тегишли имкониятлардан фойдаланадилар.

Бунда, махсус ҳаволалар, уларга кириш учун логин ва парол, шунингдек қурилмаларнинг алохида маълумотлари (ip ва мас манзил) ота-оналарга таълим муассасалари томонидан тақдим этилади.

Менинг ҳужжатларим модули фойдаланувчиларнинг шахсни тасдиқловчи ҳужжатлари ҳақидаги маълумотларни Ички ишлар вазирлигининг тегишли маълумотлар базаларига мурожаат қилган ҳолда олиш учун мўлжалланган

Модул орқали машинада ўқитилувчи майдон ҳамда NFS қурилмага эга ҳужжатлар ҳақидаги маълумотларни ИИВнинг тегишли серверларига мурожаат қилган ҳолда шакллантириш имконияти яратилган бўлиши лозим.

Модулга кириш жараёнида фойдаланувчи томонидан қурилманинг камераси орқали шахсни тасдиқловчи ҳужжатнинг МЎМ қисми ўқитилиши ва таниб олинган маълумотлар тизимга ёзиб қўйилиши керак.

Ушбу маълумотлар келгусида тизим орқали олиш учун сўров юбориладиган қуйидаги функсияларда ўқитиладиган NFC қурилмада мавжуд ёзувлар билан солиштирилиши ҳамда ёзувлар тўлиқ мос келган тақдим тегишли ҳужжатлар ҳақидаги маълумотлар тақдим этилиши лозим:

- ID-карта шакли;
- паспорт шакли;
- манзил варақаси шакли;
- автотранспорт воситасининг техник ҳужжати;
- ҳайдовчилик гувоҳномаси шакли.

Келгусида тизим бошқа ахборот тизимлари билан интегратсия қилиниши натижасида ушбу модулда тақдим этадиган ҳужжатлар таснифи кенгайиши кўзда тутилган бўлиши лозим.

Юкланган ёзувларни дастурнинг сервердаги хотирасида сақлаш, уларни турли қурилмалар орқали рўйхатдан ўтиб юклаш ҳамда давлат хизматларидан фойдаланиш жараёнида реал вақт давомида тақдим этиш учун имконият яратилиши керак.

Ёрдам мўдули (41-расм) фойдаланувчилар томонидан дастур бўйича мурожаат ва таклифлар юбориш (42-расм) ҳамда дастурдан фойдаланиш юзасидан йўриқномалар (43-расм) билан танишиш имкониятини беради.



Юборилган мурожаат ва таклифларни кўриб чиқиш ҳамда дастур йўриқномаларини тўлдириб бориш асосий ва ҳудудий администраторлар томонидан амалга оширилади.

Ушбу услубий қўлланма талабларига риоя этилган тақдирда дастурдан самарали фойдаланиш мумкин.

Дастурнинг секторга мурожаат модули кўриб чиқиш тартиби маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги, фуқаролик протсессуал, жиноят-протсессуал, жиноят-ижроия, иқтисодий протсессуал қонунчилик ва бошқа қонун ҳужжатлари билан белгиланган ҳамда давлат органларининг, шунингдек улар таркибий бўлинмаларининг ўзаро ёзишмаларига нисбатан татбиқ этилмайди.

Дастур орқали мурожаат ва таклифлар йўллашда аҳлоқ-одоб қоидаларидан четга чиқилган тақдирда, қонин ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгарлик белгиланади.

Даструдаги ҳар қандай ҳатти-ҳаракатларга рўйҳатдан ўтиш жараёнида тақдим этилган телефон рақамининг эгаси шахсан масъул ҳисобланади.

5.3-Мавзу. Профилактика инспекторлари ваколатига кирувчи маъмурий ҳуқуқбузарликлар бўйича иш юритувни электрон шаклга ўтказиш ва профилактика инспекторларининг суд мажлисларида “масофавий” тарзда қатнашиш тартиби.

Амалий машғулот (4-соат)

РЕЖА:

1. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги “Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисида ягона электрон иш юритув” ахборот тизими.

2. Суд мажлиси иштирокчиларининг мобил видеоконференцалоқа тизими орқали суд мажлисида иштирок этиш тартиби.

1-ўқув саволи: Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги “Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисида ягона электрон иш юритув” ахборот тизимини яратиш бўйича концепция лойиҳаси.

Ахборот тизимни ишлаб чиқиш, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 24 июндаги 407-сонли қарори мувофиқлиги; Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ахборот тизимнинг эгаси (буюртмачи) этиб белгиланганлиги; Ахборот тизимни ишлаб чиқишнинг асосий мақсади – Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар юритувини рақамлаштириш, замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш, маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни ҳисобини тўғри юритиш ва шаффофлигини таъминлаш, инсон омилини камайтирилиш этиб белгиланганлиги қайд этилди. Ўзбекистон Республикаси ахборот коммуникация технологиялари соҳасига доир норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига мослигини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги “Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисида ягона электрон иш юритув” ахборот тизимини яратиш бўйича ишлаб чиқилган концепция лойиҳасини келгусида амалга ошириш мақсадга мувофиқлигини маълум қилади.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжат номи: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 8 июлдаги “Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни юритишнинг электрон тизимини жорий этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар ҳақида”ги 431-сон қарори.

Ишнинг мақсади: Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисида ягона электрон тизим орқали маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шасларга маъмурий баённомалар шакиллантириш, маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ва ваколатли давлат органлари томонидан тизимдан фойдаланган холда маълумотларни электрон тарзда юритиш. *“E-ma’muriy ish”* маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар бўйича маъмурий жавобгарликка тортилган шахслар тўғрисидаги маълумотларни ваколатли органлар томонидан текшириш, зарур маълумотларни олиш ҳамда улардан фойдаланиш.

Ишнинг вазифаси: *“E-ma’muriy ish”* тизимини ташкил этиш, унинг сифатли ва узлуксиз фаолият кўрсатишини таъминлаш, шунингдек, маъмурий баённома тузишда, маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш, тегишли қарорларни қабул қилиш бунда ваколатли давлат органларининг тизимларидан ҳам самарали фойдаланиш.

Электрон шаклга ўтказиладиган хизматлар рўйхати:

1. Маъмурий ҳуқуқбузарликларни содир этган шахсларга ўрнатилган тартибда жарималарни қўллаш

Ахборот тизимининг асосий қуйи тизимлари:

1. Баённома шакллантириш;

2. Қарор чиқариш;

3. Кўриб чиқиш;

4. Жаримани ундириш.

Бошқа ахборот тизимлари билан ўзаро ҳамкорлиги;

1. Ички ишлар вазирлигининг айрим тизмлари ҳамда вазирлик идораларнинг тизимлари билан: Электрон хукуматнинг ягона биллинг тизими, Олий суд “Е-суд”, Бош покуратуранинг МИБ-портал ва бошқалар.

Маьлумотлар базасида ишлатиладиган ягона идентификатор

1. ЖШШИР - Жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами;
2. Географик код;
3. Бошқалар;
4. Транспорт воситасининг ИД рақами (ВИН);
5. СТИР - Солиқ тўловчининг индивидуал рақами.

Бугунги кунда замонавий ахборот технологиялари кириб бормаган соҳанинг ўзи

қолмади. Ахборот-коммуникация технологиялари кундан-кунга ривожланиб, мамлакатимизда ахборотлаштириш жараёни сезиларли даражада ўсиб бормоқда. Бу, ўз навбатида, фуқароларимиз учун зарур ахборотлардан, турли давлат интерактив хизматларидан кенг фойдаланиш имкониятини яратмоқда.

2-ўқув саволи. Суд мажлиси иштирокчиларининг мобил видеоконференцалоқа тизими орқали суд мажлисида иштирок этиш тартиби

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги “Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисида ягона электрон иш юритув” ахборот тизимини яратиш бўйича концепция лойиҳаси.

1. “Видеоконференцалоқа” тизимига кириш учун ҳозирги кунда амалиётда кўп ишлатиладиган Google Chrome, Opera, Mozilla, Firefox (охирги версиялари тавсия этилади) каби замонавий интернет браузерларидан фойдаланилади.

2. Интернет тармоғига уланган фойдаланувчи қурилмасидаги веб браузер манзил қаторига http://vka.sud.uz манзили терилади.



Янги очилган саҳифадан **“ONE ID орқали кириш”** тугмаси танланади ва https://id.egov.uz веб манзилига ўтилади.

3. Агар фойдаланувчи **ONE ID - ягона идентификация тизими**дан рўйхатдан ўтган бўлса логин ва парол майдонларига тегишли логин ва паролни киритиб **“Kirish”** тугмасини танлаш орқали тизимга кирилади.

Акс ҳолда **“Ro‘yxatdan o‘tish”** тугмаси танланади ва қуйидаги кетма-кетликда маълумотлар тўлдирилади:

- фойдаланувчи шартномасини тасдиқлаш яъни шартлар билан танишиб чиқиб **“Tanishib chiqdim”** тугмасини танлаш;

кейинги ойнада фойдаланувчининг маълумотлари тизим томонидан

- **“Fuqaroligi”** қаторидан рўйхатдан ўтаётган фойдаланувчининг фуқаролиги танланади, **“Ro‘yxatdan o‘tish uslubi”** майдонидан агар сизда ЭРИ (электрон рақамли имзо) мавжуд бўлса, **“ERI kaliti orqali”** акс ҳолда **“ERI kalitisiz”** қатори танланади, **“PIN”** майдонига

фойдаланувчининг шахсий идентификация рақами киритилади (шахсий идентификация рақами тўлдириш тартиби билан ушбу майдондаги **“?”** белгиси орқали танишиш мумкин), **“Pasport raqami”** қаторига паспорт серияси ва рақами киритилади ва **“Keyingisi”** тугмаси танланади;

автоматик юклаб олиниб, **“Keyingisi”** тугмаси босилади;

кейинги ойнада фойдаланувчи логини, пароли, электрон почта манзили (агар мавжуд булса) майдонлари тулдирилади. Автоматик тарзда руйхатдан ўтиш ҳимоя кодидаги рақамлар **“Код”** майдонига кучириб ёзилади, телефон рақами тулдирилиб, **“Tasdiqlash kodini yuborish”** тугмаси танланади ва курсатилган телефон рақамига смс тарзида келган кодни **“Tasdiqlash paroli”** майдонига тулдирилади ҳамда **“Keyingisi”** тугмаси танланади.



- муваффақиятли руйхатдан утилганда бу ҳақда қуйидагича хабарнома акс этади.

-“Yopish/Tugatish” тугмаси танланади ва ушбу йўриқноманинг 2-банди такроран амалга оширилади ҳамда логин ва парол киритилиб **“Kirish”** тугмаси танланади ҳамда тизимга кирилади.

4. Тизимга биринчи марта кирилганда қуйидагича хабарнома чиқади ва ундан **“Принять”** тугмаси танланиб, тизимга кирилади:

5. Тизимга киргандан сўнг фойдаланувчи иштирок этиши зарур бўлган суд мажлиси янги очилган суд мажлислари жадвали саҳифасидаги **“Суд номи”**, **“Худуд”**, **“Судлар”** ва **“Иш кўриладиган сана”** майдонларидан тегишлисини танлаб **“Излаш”** тугмаси орқали

ўзига тегишли бўлган, яъни айнан қайси ишда иштирок этиши лозим бўлган иш топилади ҳамда логин ва парол олинади.



а) **“Суд номи”** қаторидан тегишли суд тури танланади, **“Ҳудуд”** қаторидан тегишли ҳудуд танланади.



б) **“Судлар”** қаторидан тегишли суд ва иш кўриладиган сана танланиб **“Излаш”** тугмаси босилади.



в) **“Суд мажлисига тайинланган ишлар рўйхати”**дан фойдаланувчи иштирок этиши зарур бўлган иш топилади ва **“Логин парол олиш”** устунидаги қулф белгиси танланади.



Янги очилган ойнада рўйхатдан ўтилган иш қайси иш бўйича қайси санада ва қайси вақтда эканлиги ҳамда фойдаланувчи видеоконференция режимида иштирок этиши учун берилган логин ва парол акс этади. Ушбу тақдим этилган логин ва парол фақат юқорида танланган иш учун актуал ҳисобланади. Логин ва парол мобил қурилма ёки компьютер хотирасига сақлаб олинади.



6. Видеоконференцалоқа режимида суд мажлисида иштирок этиш имконини берувчи илова юклаб олинади. Бунинг учун саҳифанинг юқори ўнг қисмида жойлашган **“Юклаб олиш”** тугмасини танлаш орқали видеоконференция яратиш имкониятини берадиган **“TE Desktop”** (компьютер учун) ёки **“TE Mobile”** (мобил қурилма учун) иловаси юклаб олинади. Видеоконференцияни яратиш заруратига қараб MS Windows, iMac, iOS ва Android операцион тизимлари учун мўлжалланган вариантлардан бири танланади.

7. Юклаб олинган дастурни (бизнинг мисолда **“TE Desktop”** (компьютер учун)) **“Ок”** ва **“Далее”** тугмаларини босиш орқали компьютерга ўрнатилади. “Настройка сервера” тугмаси танланиб, адрес ва порт қаторлари расмдаги рақамларга ўзгартирилиб, **“Сохр.”** тугмаси босилади.

8. Тақдим этилган ҳамда сақлаб қўйилган логин ва парол киритилиб, авторизациядан ўтилади ҳамда суд мажлиси тайинланган вақтдан аввалроқ дастур ўрнатилган қурилма сифатли интернет тармоғига уланган ҳолда судья томонидан видеоқўнғироқ бўлиши кутилади.



9. Видеоқўнғироқ амалга оширилганда компьютер экранининг пастки ўнг қисмида қуйидагича кўринишда қўнғироқ пайдо бўлади. **“Видео”** белгиси танланиб қўнғироқ қабул қилиниши билан суд мажлисида иштирок этиш бошланади.

10. Агар дастурда **“You are the only participant”** деган маълумот акс этса, видеоконференцияда фақат фойдаланувчи иштирок этаётганлигини англатади.

11. Камерани ўчириб қўйиш учун **“Отключить локальную камеру”** белгиси танланади.

12. Микрофонини ўчириб қўйиш учун “Отключить звук локального микрофона” белгиси танланади.

13. Овоз динамикасини ўчириш учун **“Отключить звук динамика”** белгиси танланади.

14. ОК

5.4 – Мавзу. Ички ишлар органлари ходимларининг фуқаролар билан ўзаро муносабатларда бодикамерадан фойдаланиш тартиби.

Амалий машғулот (4-соат)

РЕЖА:

1. Бодикамеранинг ички ишлар органлари фаолиятидаги вазифаси.

2. Бодикамеранинг ИИО соҳавий хизматлардаги ўрни.

1 - ўқув саволи. Бодикамеранинг ички ишлар органлари фаолиятидаги вазифаси.

Ички ишлар вазирлиги Жамоат хавфсизлиги хизмати ЙПХ ходими 2020 йил 1 январдан бошлаб хизмат вазифасини бажаришда бодикамералардан фойдаланилишини амалиёти жорий қилинди.

Бодикамера – жамоат жойларида атрофдаги вазиятни, фуқороларнинг ҳаракатлари ва улар томонидан содир этилиши мумкин бўлган ҳуқуқбузарлик ҳолатларини ходимлар томонидан хизмат вазифаларини бажариш вақтидаги ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги)ни аудио-видео ёзув шаклида қайд этувчи ускуна.

Бодикамера орқали ёзиб олинган аудио-видео ёзувлардан профилактик тадбирларда жамоат жойларида шубҳали ҳаракатлар содир этаётган фуқароларни текшириш, содир этилиши мумкин бўлган ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, уларни аниқлаш ҳамда жамоат хавфсизлигини таъминлашда ашёвий далилларни тўплаш, шунингдек, масъул

раҳбарлар томонидан ходимларнинг хизмат ўташ жараёнини текшириш ҳамда назорат қилиш мақсадида фойдаланилади.

Бодикамерага тегишли дастурлар ўрнатилди, сим карталар билан таъминланди ва ҳимояланган VPN-каналлари орқали алоқа йўлга қўйилди. Тармоқни ташкил этиш мақсадида «Ўзбектелеком» АЖнинг уяли алоқа тизими (2G/3G)дан фойдаланилади. Биргина Тошкент шаҳрига 2 минг 876та бодикамера ажратилди.

1-расм. Бодикамера қурилмаси, тавсифи ва вазифалари.

Бодикамерани ходим бошқармайди ва уни ўчириш имконига эга эмас. Барчаси марказий сервер орқали назорат қилинади. Бир марта қувват олганда, 8 соат узлуксиз ишлайди. Қувват тугаганда, автоматик қувватлагичга уланган ҳолда доимий фаолиятини олиб бориши мумкин. Бодикамера 25-30 метргача масофадаги объектни тасвирга ололади ва маълумотлар бир ойгача сақланади.

“Бодикамера” мосламаси аудио- ва видеоконтентни (FullHD форматида) ёзиш ва марказлашмаган тарзда сақлаш, кейинчалик кўриб чиқиш, фавқулодда вазиятларда марказлашган диспетчерлик хизматига “хавотир” сигналини етказиш, реал вақт режимида мобиль гуруҳларнинг жойлашувлари ва фаолиятларинин масофадан туриб мониторинг қилиш имкониятини берувчи мосламадир. Қизиқарлиси, бодикамера мосламаси инфрақизил ёритиш қурилмаси билан жиҳозланган бўлиб, ушбу қурилма тунги вақтда ҳам ўн метрлик масофани ёритиб, видеога олиб бориш имкониятини беради.

Ходимда контентни ёзилиш жараёнига аралашиш, уни таҳрир қилиш ва ўчириш имконияти йўқ: камера, ходим уни қабул қилиш вақтидан бошлаб, қатариб топширгунга қадар видеога олиб боради. Мослама корпуси очилмаслиги учун махсус ҳимоя билан жиҳозланган.

Шунингдек мослама ёрдамида радиоалоқага чиқиш имконияти бўлиб, ушбу имконият ходимларни рациядан беҳожат қилади.

Мосламанинг хотира картасидан серверга маълумотларни кўчириш, махсус дастурий таъминот томонидан WI-FI маълумотлар кўчириш симсиз тармоғи ёрдамида доимий дислокация жойига етиб келгач амалга оширилади (архивга сақлаш жараёни инсон аралашувисиз амалга ошади). Марказ операторида мосламага масофадан туриб боғланиш ва назорат қилиш имконияти мавжуд.

Мониторинг марказидаги махсус электрон картада ҳар бир ходимнинг айни вақтда жойлашган манзили, ҳамда ушбу манзилнинг патруллаш йўналишига мувофиқлиги акс этади.

Бундан ташқари, шу ерда фавқулодда вазиятлар ҳолатларида ҳаракатлар координацияси амалга оширилади: мониторинг марказига автоматик тарзда гео-, аудио- ва видеомаълумотлар ёпиқ (ҳимояланган) алоқа каналлари орқали етказилиб турилади.

Қайд этиш жоизки, бодикамераларни ишга тушириш – шаҳарда қулайлик ва хавфсизлик даражасини ошириш, шунингдек ички ишлар ходимлари ва аҳоли ўртасида ўзаро ҳурматли диалог ўрнатиш йўлидаги муҳим қадамдир.

2 - ўқув саволи. Бодикамеранинг ИИО соҳавий хизматлардаги ўрни.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида” 2021 йил 26 мартдаги ПФ-6196-сон Фармонига мувофиқ:

Жазони ижро этиш тизими ходимларининг шахсий видеорегистраторлар (бодикамералар) билан таъминланган ҳолда хизматни ўташ тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланди. Ҳужжатга асосан ҳар кунлик иш фаолиятини олиб бораётган ёки кунлик хизматга жалб этилган ходим маҳкумларни узлуксиз назорат қилиш ҳамда улар томонидан жиноят ва тартиббузарликлар содир этилишини аниқлаш учун бодикамералар билан таъминланади.

Бодикамера қуйидаги ҳолларда ишлатилади:

- кун тартибидаги тадбирларни амалга оширишда;
- умумий ва кунлик тинтувлар ўтказиш ҳамда кўздан кечириш жараёнида;
- маҳкумларни жазони ижро этиш муассасасига қабул қилишда;
- жиноят ва тартиббузарликлар содир этилганда;
- маҳкумларнинг хулқ-атворини назорат қилишда;
- маҳкумлардан тақиқланган озиқ-овқат маҳсулотлари, нарса ва буюмлар олинганда;
- маҳкумларга нисбатан жисмоний куч, махсус воситалар ҳамда тинчлантириш кўйлагини қўллаш чоғида;
- маҳкумларни ишга олиб чиқиш ва ундан қайтишда;
- маҳкумлар ва фуқароларни қабул қилиш жараёнида;
- фуқаролардан олинган йўқловларни қабул қилишда ҳамда посилка ёки йўқлов ва бандеролларни тарқатиш вақтида;
- маҳкумларнинг ариза ва шикоятларини кўриб чиқишда;
- маҳкумларнинг учрашувларини ўтказиш жараёнида;
- маҳкумларга нисбатан интизомий жазо ва рағбатлантириш чоралари қўлланилаётган вақтда ҳамда маҳкумлар интизомий бўлинмага киритилаётганда ва чиқарилаётганда.

Бодикамера ходим хизмат вазифасини бажаришга киришганидан бошлаб ишга туширилиши ва нарядни топширгунига қадар ишлатилиши лозим (хизмат вазифаси билан боғлиқ бўлмаган ишларни бажариш вақти бундан мустасно).

Бодикамерадан шахсий мақсадларда фойдаланиш, уни бошқа ходимлар, маҳкумлар ва бошқа шахсларга бериш ҳамда ўз хоҳиши билан ўчириб қўйиш тақиқланади. Бодикамера хизмат вақтида доимо ишчи ҳолатда бўлиши шарт.

Шунингдек, маҳкумлар билан бодикамера орқали ёзиб олинган суҳбатларни Интернетга жойлаштириш, маҳкумнинг оила аъзоларига ва бошқа шахсларга бериш тақиқланади.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2022 - 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида» 2022 йил

28 январдаги ПФ-60-сон Фармони ижросини таъминлаш, шунингдек, ички ишлар органларининг патруль-пост хизмати фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш ҳамда замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 22 июлдаги мазкур қарори қабул қилинди.

Қарорга мувофиқ 2023 йил 1 январдан бошлаб ички ишлар органлари фаолиятига босқичма-босқич «E-patrul» тизими жорий этилиб, фуқаронинг шахсини аниқлаш учун ички ишлар бўлимига олиб бориш амалиётидан воз кечилади ҳамда барча маълумотлар жойида планшет орқали текширилиб, ички ишлар органлари патруль-пост хизмати ходимларининг фаолияти «бодикамера»дан фойдаланган ҳолда амалга оширилиши белгиланди.

Шу билан бирга патруль-пост хизмати саф бўлинмалари ходимлари томонидан жамоат жойларида фуқароларнинг шахсини электрон техник воситалар, шу жумладан планшет орқали аниқлаш, ходимларнинг фуқаролар билан ўзаро мулоқотини қайд этиб бориш тартиби, «E-patrul» тизимидан фойдаланиш тартиби ҳамда патруль-пост хизмати саф бўлинмалари ходимларининг мазкур тизимдан фойдаланиш жараёнидаги мажбуриятлари, патруль-пост хизмати саф бўлинмалари ходимлари ҳаракатларини қайд этувчи техник воситалардан фойдаланиш, «бодикамера» орқали қайд этилган маълумотларни ҳисобга олиш ва сақлаш тартиби белгилаб берилди.

5.5-Мавзу. Профилактика инспекторлари томонидан ҳуқуқбузарга нисбатан электрошокер махсус воситасини қўллаш жараёнида юзага келадиган муаммоли ситуацион вазиятлар.

Амалий машғулот (4-соат)

Вазият. 2023 йилнинг 23 август куни Сергели тумани, “А.Дониш” МФЙ, Тонг кўчаси, 17-кўп қаватли уй олдида икки нафар эркак ўзаро жанжаллашиб турганлиги ҳолати бўйича хабарга асосан профилактика инспектори воқеа жойига етиб бориб, улардан жанжални тўхтатишларини талаб қилганда ходимни беписанд қилиб, ундан аралашмасликни сўрашди, профилактика инспекторининг оғзаки кўрсатмаларига бўйсунишмади. Улардан бирининг қўлида отверка борлиги маълум бўлди.

Муаммоли вазият бўйича профилактика инспектори томонидан амалга ошириладиган харакатларнинг ҳуқуқий асослари:

Ўзбекистон Республикасининг Ички ишлар органлари тўғрисидаги қонуни, Жиноят, Жиноят-процессуал ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига, Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисидаги Қонун, шунингдек бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга асосан ўз ваколатлари доирасида амалга оширади.

Ички ишлар органлари:

жиноят, маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилган жойга, ҳодиса жойига дарҳол етиб келиши, ғайриқонуний қилмишларга чек қўйиши, фуқароларнинг хавфсизлигига таҳдидларни бартараф этиши, жиноят, маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилганлиги ҳолатларини, ҳодиса ҳолатларини ҳужжатлаштириши, жиноят, маъмурий ҳуқуқбузарлик, ҳодиса изларининг сақланишини таъминлаши;

жиноят, маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилган жойда ёки ҳодиса жойида жабрланган фуқароларга, шунингдек ночор аҳволда қолган фуқароларга биринчи тиббий ёрдам ёки бошқа хил ёрдам кўрсатилишини ташкил этиши;

жиноятларнинг олдини олиш, уларни аниқлаш, уларга чек қўйиш ва уларни фош этиш, шунингдек уларни тайёрлаш ва содир этишга алоқадор бўлган шахсларни аниқлаш ҳамда топиш чораларини кўриши[112].

Жисмоний куч ишлатилиши, махсус воситалар ва ўқотар қурол қўлланилишидан аввал уларни қўллаш нияти тўғрисида аниқ ифодаланган огоҳлантириш бўлиши керак, бундан ушбу огоҳлантиришнинг имкони бўлмаган ёхуд уларнинг қўлланилишини кечиктириш фуқароларнинг ва ички ишлар органи ходимининг ҳаёти ва соғлиғига бевосита хавф туғдирадиган ҳамда бошқа оғир оқибатларга олиб келиши мумкин бўлган ҳоллар мустасно.

Жисмоний куч ишлатилиши, махсус воситалар ёки ўқотар қурол қўлланилиши юзага келган вазиятга, шахслар хатти-ҳаракатларининг хусусиятига ва хавфлилик даражасига мувофиқ бўлиши керак. Бунда ички ишлар органи ходими ҳар қандай зарарнинг имкон қадар кам бўлишига интилиши шарт.

Ички ишлар органи ходими, агар юзага келган вазиятда махсус воситаларни ёки ўқотар қуролни қўллаш учун мазкур моддада ҳамда ушбу Қонуннинг 23 ва 24-моддаларида назарда тутилган асослар вужудга келиши мумкин деб ҳисобласа, махсус воситаларни ёки ўқотар қуролни қўллаш учун тайёрлаш ҳамда уларни жанговар ҳолатга келтириш ҳуқуқига эга.

Жисмоний куч ишлатилганлиги, махсус воситалар ёки ўқотар қурол қўлланилганлиги натижасида тан жароҳати олган фуқароларга биринчи ёрдам кўрсатилиши, шунингдек имкон қадар қисқа вақт ичида тиббий ёрдам кўрсатиш чоралари кўрилиши, уларнинг қариндошлари эса йигирма тўрт соат ичида бу ҳақда хабардор қилиниши керак.

Жисмоний куч ишлатилган, махсус воситалар ва ўқотар қурол қўлланилган ҳар бир ҳолат тўғрисида ички ишлар органининг ходими бевосита бошлиғига дарҳол ахборот бериши шарт.

Жисмоний куч ишлатилганлиги ва махсус воситалар қўлланилганлиги натижасида жисмоний ёхуд юридик шахсларнинг ҳаётига, соғлиғига ёки мол-мулкига зарар етказилган ҳар бир ҳолат ҳақида, шунингдек ўқотар қурол қўлланилган барча ҳоллар тўғрисида ички ишлар органлари прокурорга дарҳол хабар беради.

Ички ишлар органи ходимининг жисмоний куч ишлатиш, махсус воситаларни ёки ўқотар қуролни қўллаш чоғида ўз ваколатлари доирасидан чиққанлиги қонунда белгиланган жавобгарликка сабаб бўлади.

Агар жисмоний куч ишлатиш, махсус воситаларни ёки ўқотар қуролни қўллаш қонунда белгиланган асослар бўйича ва тартибда амалга оширилган бўлса, ички ишлар органи ходими жисмоний куч ишлатиш, махсус воситаларни ёки ўқотар қуролни қўллаш чоғида жисмоний ва юридик шахсларга етказилган зарар учун жавобгар бўлмайди.

Агар ички ишлар органи ходими томонидан жисмоний куч ишлатилганлиги, махсус воситалар ёки ўқотар қурол қўлланилганлиги натижасида фуқарога тан жароҳати етказилса ёхуд у ҳалок бўлса, ички ишлар органи ходими ҳодиса жойини ўзгаришсиз сақлашга қаратилган чораларни кўриши шарт[113].

Электрошок қурилмаларини қўллаш тартиби

[112] Ўзбекистон Республикасининг 16.09.2016 й. ЎРҚ-407-сон қонуни, 16-модда

[113] Ўзбекистон Республикасининг 16.09.2016 й. ЎРҚ-407-сон қонуни, 21-модда

193. Ички ишлар органлари ходимлари томонидан электрошок қурилмаларини ишлатиш, қўллаш ва улардан фойдаланиш “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги қонун ва бошқа қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

194. Фуқароларнинг ёки ички ишлар органи ходимининг ҳаёти ва соғлиғига бевосита хавф туғилса ички ишлар органи ходими қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ электрошок қурилмасини қўллаш нияти ҳақида огоҳлантирмаслик ҳуқуқига эга.

195. Ички ишлар органи ходимлари қуйидаги ҳолларда электрошок қурилмаларини қўллаш ҳуқуқига эга:

фуқарога ёки ички ишлар органи ходимига қилинган ҳужумни қайтаришда;

гаровдагиларни озод қилишда;

жиноят ёки маъмурий ҳуқуқбузарликка чек қўйишда;

ички ишлар органи ходимларига қаршилик кўрсатилишига чек қўйишда;

жиноят содир этиш чоғида ёки уни содир этганидан кейин дарҳол кўриб қолинган, яширинишга уринаётган шахсларни ушлашда;

ушлаб турилган, қамоққа олинган, маъмурий қамоққа олинган шахсларни, озодликдан махрум қилинган шахсларни, қўриқ остидаги шахслар ва маҳкумларни олиб бориш, қўриқлаб бориш, қўриқлашда ва назорат қилиш давомида уларнинг қочишга уриниши, атрофдагиларга ёки ўзига зарар етказишини бартараф этиш мақсадида, шунингдек, ушбу шахсларни куч ишлатиб озод қилишга бўлган уринишларга чек қўйишда;

зўравонлик билан ушлаб турилган шахсларни, эгаллаб олинган бинoларни, хоналарни, иншоотларни, транспорт воситаларини ва ер участкаларини озод қилишда.

Ички ишлар органи ходими қонунчилик ҳужжатлари билан ўқотар қурол ишлатишга рухсат этилган барча ҳолларда ҳам электрошок қурилмаларини қўллаш ҳуқуқига эга.

197. Ички ишлар органи ходими электрошок қурилмасини қўллагандан сўнг қуйидаги ишларни амалга оширади:

фуқарога нисбатан электрошок қурилмаси қўлланилганда билдирги орқали бевосита командирлари, ҳудудий ички ишлар органи раҳбарларига ҳамда ўрнатилган тартибда прокуратурага хабар берилади;

фуқарога тан жароҳати етказилса ёхуд у ҳалок бўлса, бу хақида имкон қадар қисқа, лекин йигирма тўрт соатдан ошмаган вақт ичида ушбу фуқаронинг қариндошлари ёки яқин шахсларига хабар бериш;

ҳодиса жойини ўзгаришсиз сақлашга қаратилган чораларни кўриш;

тан жароҳати олган фуқароларга ва маҳкумларга биринчи ёрдам кўрсатиш[114].

Вазиятга ечим. Профилактика инспектори жанжални тўхтатиш чораларини кўриши, НҚга хабар бериши, ёрдамчи кучни чақириши, жарохат бўлса 1-тиббий ёрдам кўрсатиш ва чақириши, ўзи ва ҳуқуқбузарларнинг шахсий хавфсизлигини таъминлаши, совуқ қуролни олиб қўйиши, махсус восита электрошокерни қўллаб, уларни қўлига кишан тақиши ҳамда юқорида кўрсатилган ҳуқуқий асосларга кўра ҳаракатларни амалга ошириши керак.

[114] Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг 77-сон буйруғи, Низомнинг 193-197-банди.

ТАХМИНИЙ НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

I. УМУМИЙ БЛОК

1. ЖИСМОНИЙ ТАЙЁРГАРЛИК. СПОРТНИНГ ЯККА КУРАШ ТУРЛАРИНИ (ҚЎЛ ЖАНГИ, КУРАШ, САМБО) ҚЎЛЛАШ

Тик турган ҳолда кураш усуллари

1. Олдинга чалиб йиқитиш усулини кўрсатинг?
2. Олдинга чалиб йиқитишда рақибнинг қаеридан ушланади?
3. Рақибни орқага чалиб йиқитиш усулини кўрсатинг?
4. Рақибни орқага чалиб йиқитиш усулини бажараётганимизда ўзимизни орқага чалиб йиқитмаслиги учун қайси амал бажарилади?
5. Қандай ҳолларда рақибга нисбатан орқага чалиб йиқитиш усули бажарилади?
6. Белдан ошириб ташлаш усулини кўрсатинг?
7. Белдан ошириб ташлаш усулини бажараётганди рақибнинг қаеридан ушланади.
8. Белдан ошириб ташлаш усулини бажараётганда оёқларимиз ҳолати қандай бўлади?
9. Белдан ошириб ташлаш усулини бажараётганда рақибни ердан узиш учун қайси амал бажарилади?
10. Рақиб йиқитилгандан сўнг унинг қўлига оғриқ бериш усулини кўрсатинг?

Қўл ва оёқ билан бериладиган зарбалар. Қўл ва оёқ зарбаларидан ҳимояланиш усуллари

1. Жанговар туриш ҳолатида оёқлар орасидаги масофа қанча бўлади?
2. Жанговар туриш ҳолатида ўнг қўл тирсагининг вазифаси нима?
3. Жанговар туриш ҳолатида калла соҳаси қандай ҳимоя қилинади?
4. Рақиб яқин масофада турганида қайси зарба йўлланада?
5. Рақиб тўғридан мушт билан зарба берганда зарбани тўсиш ва қарши зарба беришни кўрсатинг?
6. Рақибга тўғридан оёқ билан зарба берилганда оёқнинг қайси қисми билан зарба берилади?
7. Рақиб оёғи билан тўғридан зарба берганда унга қарши усулни кўрсатинг?
8. Рақиб оёғи билан тўғридан зарба берганда уни йиқитиб ҳаракатсизлантириш мақсадида нима қилинади?
9. Рақиб оёғи билан ён томондан зарба берганда унга қарши қўлланадиган усулни кўрсатинг?
10. Рақиб оёғи билан ён томондан зарба берганда ҳимояланиб, уни йиқитганда иккинчи оёғи билан зарба бермаслиги учун нима иш қилинади?

Қўлга олиш ва кузатиб олиб бориш усуллари ҳамда ташқи тинтувни ўтказиш тартиби

1. Силтаб қўлга олиш усулида биринчи бўлиб қўлнинг қайси қисмидан ушланади.
2. Силтаб қўлга олиш усулида иккинчи навбатда рақиб танасининг қайси қисмидан ушланади.
3. Силтаб қўлга олиш усулида биринчи бўлиб қайси оёқ олдинга ташланади.
4. Силтаб қўлга олиш усулида рақибнинг қайси тана аъзосига оёқ билан зарба берилади.
5. Туртиш қўлга олиш усулида учинчи навбатда рақибнинг қайси тана аъзосига оёқ билан зарба берилади.
6. Туртиш қўлга олиш усулида тўртинчи навбатда рақибнинг тана аъзосининг қайси томонидан ўнг қўли билан ушланади.
7. Туртиш қўлга олиш усулида биринчи бўлиб қандай харакат бажарилади.

8. Туртиш қўлга олиш усулида иккинчи навбатда рақиб танасининг қайси қисмидан ушланади.

9. Чидамлийлик машқларини бажариш учун қайси машқларни бажариш керак.

10. Кучни ривожлантириш учун қайси машқлар бажарилади.

Совуқ қурол (пичоқ ва бошқа ўткир ускуналар) билан ҳужум қилганда қуролсизлантириш ва қўлга олиш усуллари

1 Рақиб пичоқ билан юқоридан зарба берганда ҳимояланувчи томонидан қайси ҳаракат биринчи навбатда амалга оширилади?

2. Рақиб пичоқ билан юқоридан зарба берганда ҳимояланувчи томонидан чалғитувчи зарба тананинг қайси қисми билан амалга оширилади?

3. Рақиб пичоқ билан юқоридан зарба берганда ҳимояланувчи томонидан оёқ билан бериладиган чалғитувчи зарбани қайси тана аъзосига бериши мумкин?

4. Рақиб пичоқ билан юқоридан зарба берганда ҳимояланувчи томонидан дастлабки ҳимоя қилиш усуллари амалга оширилгандан сўнг, рақиб ерга йиқитилгач, ҳимояланувчи уни қорин қисмига ётқизиш учун унинг бош томонидан қайси томонга айланма ҳаракатни амалга ошириши лозим?

5. Пичоқ рақибнинг ўнг қўлида. Рақиб пичоқ билан пастдан ҳужум қилганда, ҳимояланувчи бир қадам олдинга ташлаб, чап қўлининг қайси қисми билан рақибни пичоқ ушлаб турган қўлини билак қисмига қўйиб ҳимояланилади?

6. Пичоқ рақибнинг ўнг қўлида. Рақиб пичоқ билан пастдан ҳужум қилганда, ҳимояланувчи бир қадам олдинга ташлаб, чап қўлининг билак қисми билан рақибни пичоқ ушлаб турган қўлини билак қисмига қўйиб ҳимоялангандан сўнг, ўнг қўли билан рақибнинг қайси тана аъзосидан ўзига тортади?

7. Пичоқ рақибнинг ўнг қўлида. Рақиб пичоқ билан пастдан ҳужум қилганда, ҳимояланувчи бир қадам олдинга ташлаб, чап қўл билак қисми билан рақибни пичоқ ушлаб турган қўлини билак қисмига қўйиб ҳимояланилади. Ўнг қўлни рақибни елкасига қўйгандан сўнг, қандай ҳаракат амалга оширилади?

8. Пичоқ рақибнинг ўнг қўлида. Пичоқ билан тўғридан кўкрак қисмига зарба берилганда, ҳимояланувчи томонидан биринчи навбатда қандай ҳаракат амалга оширилади?

9. Оёқларнинг куч сифатини ошириш учун қандай машқлар бажарилади?

10. Қўллар куч сифатини ошириш учун қандай машқлар бажарилади?

2. ЖАНГОВОР ТАЙЁРГАРЛИК. ЎҚ ОТАР ҚУРОЛЛАРНИ ҚЎЛЛАШ ВА УНДАН ФОЙДАЛАНИШ ТАРТИБИ. ОММАВИЙ ТАРТИБСИЗЛИК СОДИР ЭТИЛГАНИДА УНИ БАРТАРАФ ЭТИШ БЎЙИЧА МАХСУС-ТАКТИК ХАРАКАТЛАР

ИИО ходимлари томонидан жисмоний куч ишлатиш, махсус воситаларни ва ўқ отар қуролни қўллашнинг ҳуқуқий асослари

1. Ички ишлар органлари ходимлари томонидан жисмоний куч ишлатиш, махсус воситаларни ва ўқотар қуролни қўллашнинг ҳуқуқий асосларини келтириб ўтинг.

2. “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги Қонуннинг 5 боби қандай номланади ва унинг таркибий қисмларини изоҳлаб беринг.

3. Ички ишлар органлари ходимлари томонидан жисмоний куч ишлатиш, махсус воситаларни ва ўқотар қуролни қўллашнинг асосий шартлари санаб ўтинг.

4. Ички ишлар органлари ходимлари томонидан жисмоний куч ишлатиш, махсус воситаларни ва ўқотар қуролни қўллашда қандай ҳолларда Ички ишлар органлари Прокурорга хабар беради?

5. Ички ишлар органлар ходими қандай ҳолларда жисмоний куч ишлатиш ҳуқуқига эга?

6. Ички ишлар органи ходими қандай ҳолларда махсус воситаларни қўллаш ҳуқуқига эга?

7. Ички ишлар органларида қандай турдаги махсус воситалардан фойдаланилади?

8. Ички ишлар органлари ходими томонидан махсус воситаларни қўллашда қандай тақиқлар мавжуд?

9. Ички ишлар органларида Ички ишлар органлари ходимлари томонидан жисмоний куч ишлатиш, махсус воситаларни ва ўқотар қуролни қўллаш билан боғлиқ буйруқ ҳақида маълумот беринг.

10. Жисмоний куч ишлатиш, махсус воситаларни қўллаш кимларга нисбатан тақиқланади?

Ўқотар қуролларни қўллаш ва ундан фойдаланиш тартиби

1. Ички ишлар органи ходими томонидан ўқотар қуролни қўллаш “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги Қонуннинг қаерида келтирилганлигини батафсил изоҳланг.

2. Ички ишлар органи ходими қандай ҳолларда ўқотар қуролни қўллаш ҳуқуқига эга?

3. Ички ишлар органлари ходимлари томонидан ўқотар қуролни қўллашда огоҳлантириш билан боғлиқ жараённи батафсил тушунтириш беринг.

4. Ходим ўқотар қурол қўллаш билан боғлиқ вазият вужудга келганда ўқотар қурол ўрнига махсус воситаларни қўллаш ёки жисмоний куч ишлатиш ҳуқуқуига эгами?

5. Ички ишлар органи ходими қандай ҳолларда ўқотар қуролни огоҳлантиришсиз қўллаш ҳуқуқига эга?

6. Қурол қўллаш кимларга нисбатан тақиқланади ва унинг жисмоний куч ишлатиш, махсус воситаларни қўллашдаги тақиқлар билан фарқи нимада?

7. Ички ишлар органи ходими ўқотар қурол қўллаши натижасида Ички ишлар органлари қайда ҳолларда прокурорга хабар беради?

8. Ички ишлар органи ходими ўқотар қурол қўллаганлиги натижасида фуқаро вафот этса, ходимнинг ҳаракатини шарҳлаб беринг.

9. Ички ишлар органи ходимининг тўхташ тўғрисидаги қонуний талабини бажармаган транспорт воситасининг ҳайдовчисига нисбатан ўқотар қуролни қўллаш мумкинми? Ушбу ҳолатни ҳуқуқий шарҳлаб беринг.

10. Ички ишлар органи ходими қандай ҳолларда ўқотар қуролни жанговар ҳолатга келтириш ҳуқуқига эга?

3. ПСИХОЛОГИК ТАЙЁРГАРЛИК. КОНФЛИКТОЛОГИЯ, МУЛОҚОТ ПСИХОЛОГИЯСИ, НОСТАНДАРТ ВАЗИЯТЛАРДА ЎЗИНИ-ЎЗИ БОШҚАРИШ

Ходимларни нутқ маданияти ва мантиқий фикрлашини ривожлантириш усуллари

1. Нутқ маданиятини таъмин этадиган сифатлар.
2. Нутқ ифодалилиги бу
3. Мулоқот воситаси ва коммуникатив таъсир этиш усуллари.
4. Стереотипизация термини нимани англатади?
5. Нутқ услублари?
6. Расмий нутқ?
7. Илмий нутқ ?
8. Ёзма нутқ?
9. Ички ишлар органларинг ходимларининг нутқ маданиятини ўстириш воситалари
10. Вербал ва новербал мулоқот деганда нима тушунасиз?

Ҳуқуқбузар шахслар билан мулоқот психологияси

1. Мулоқот деганда нимани тушунасиз?
2. Мулоқот турлари ҳақида нималарни биласиз?
3. Мулоқотчанликни қандай тарбиялаш мумкин?

4. Инсонлар билан суҳбатлашиш жараёнида бир неча кичик қоидаларга амал қилиши керак?

5. Мулоқот жараёнида қандай психологик тўсиқлар мавжуд ?

6. Муомаланинг нечта новербал воситалари турлари мавжуд?

7. Шахслараро муносабат деганда нимани тушунасиз?

8. Нотиқлик санъати деганда нимани тушунасиз ?

9. Нутқ маданияти ва нотиқлик санъати тушунчалари орасида қандай ўхшашлик бор?

10. Мулокот воситаси – бу

Турли ностандарт вазиятларда ҳуқуқбузарлик содир этувчи шахслар билан мулоқотда ходимларни ўзини бошқариш усуллари

1. Идентификация – бу
2. Эмпатия – бу
3. Рефлексия – бу
4. Стериотипизация – бу
5. Зўриқишни олиб ташлаш деганда нима тушунасиз?
6. Зўриқиш ҳосил қилиш деганда нима тушунасиз?
7. Шахснинг ожиз томонларидан фойдаланиш деганда нима тушунасиз?
8. Чақириқ (даъват) деганда нима тушунасиз?
9. Қўққисдан саволлар бериш деганда нима тушунасиз?
10. Диққатни чалғитиш деганда нима тушунасиз?
11. Нутқ суръатини жадаллаштириш деганда нима тушунасиз?
12. Низонинг одатда икки хил тури фарқланади булар қандай номланади?

4. ЮРИДИК ТАЙЁРГАРЛИК. ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИ СУБЪЕКТЛАРИ БИЛАН МУЛОҚОТГА КИРИШИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 12 апрелдаги “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги қонунининг мазмун-моҳияти

1. “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги ЎРҚ-474-сон Қонуннинг мақсади нимадан иборат?

2. Қуйидагилардан қайси бири жамоатчилик назоратининг асосий принципларига кирмайди?

3. Қуйидагилардан қайси бири жамоатчилик назорати субъекти ҳисобланади?

4. Қуйидагилардан қайси бири жамоатчилик назоратининг шаклларига кирмайди?

5. Жамоатчилик назорати тўғрисидаги қонунчиликни бузганлик учун жавобгарлик мавжудми?

6. Жамоатчилик назоратининг натижалари қайси ҳужжатда акс эттирилади?

7. Жамоатчилик назорати субъектлари давлат органларига қандай тартибда мурожаат қиладилар?

8. Жамоатчилик назорати субъектлари қандай ҳуқуқ ва мажбуриятларга эгадирлар?

9. “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги ЎРҚ-474-сонли Қонун нечта моддадан иборат?

10. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қайси турдаги ҳисоботларни эшитишга ҳақлидир?

Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 11 сентябдаги “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги қонунининг мазмун-моҳияти

1. Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 11 сентябрдаги “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги қонунининг мақсади.

2. Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 11 сентябрдаги “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги қонунининг давлат иштирокидаги

ташкилотларга ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига нисбатан амал қилишини аниқланг?

3. Қуйидагилардан . . . - ҳуқуқларни, эркинликларни ва қонуний манфаатларни амалга оширишда ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги илтимос баён этилган мурожаат.

4. Қуйидагилардан . . . - бузилган ҳуқуқларни, эркинликларни тиклаш ва қонуний манфаатларни ҳимоя қилиш тўғрисидаги талаб баён этилган мурожаат.

5. Қуйидагилардан . . . - давлат ва жамият фаолиятини такомиллаштиришга доир тавсияларни ўз ичига олган мурожаат.

6. Қуйидагилардан мурожаатларнинг шаклини аниқланг?

7. Қуйидагилардан мурожаатларнинг турини аниқланг?

8. Мурожаатлар уларда қўйилган масалаларни ҳал этиш ўз ваколати доирасига кирадиган давлат органига, ташкилотга ёки уларнинг мансабдор шахсига бевосита ёхуд бўйсунув тартибида юқори турувчи органга берилиши бу - . . . .

9. Ариза ёки шикоят масалани мазмунан ҳал этиши шарт бўлган ички ишлар органига келиб тушган кундан эътиборан қанча муддатда кўриб чиқилади?

10. “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Қонунига биноан мурожаатларни бериш муддатини аниқланг?

Маъмурий ҳуқубузарлик тўғрисида иш юритишда қатнашувчи шахслар ҳамда жиноят процесси иштирокчиларининг процессуал ҳуқуқ ва мажбуриятлари

1. Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар қайси тилларда юритилади?

2. Қуйидагилардан қонуний вакилларга кимлар киради?

3. Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш бўйича аниқланиши керак бўлган бирон-бир ҳолатдан воқиф бўлиши мумкин бўлган шахс ким?

4. Маъмурий ҳуқуқбузарлик йўли билан маънавий, жисмоний ёки мулкий зарар етказилган шахс ким?

5. Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги далилларга ким баҳо беради?

6. Шахс қайси пайтдан бошлаб айбланувчи ҳисобланади?

7. Гумон қилинувчига берилган тўғри таърифни аниқланг?

8. Айбланувчи ким?

9. Қуйидагилардан қандай ҳолларда ҳимоячи иштирок этиши шарт?

10. Жиноят процессида иштирок этувчи бошқа шахсларни қўрсатинг?

5. ХИЗМАТ ЖАРАЁНИДА ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ХОДИМЛАРИНИНГ КАСБИЙ МАДАНИЯТИ ВА ХИЗМАТ ИНТИЗОМИ КОДЕКСИНИНГ АҲАМИЯТИ

Ички ишлар органларида касбий маданият қоидалари, хизмат интизомига оид талаблар, бошлиқлар ва ходимларнинг ўзаро муносабатлари

1. Ички ишлар органлари ходимларининг касбий маданият ва хизмат интизоми кодекси қандай меъёрий ҳужжат билан тасдиқланган?

2. Ички ишлар органлари ходимларининг касбий маданият ва хизмат интизоми кодекси неча бобдан иборат?

3. Ички ишлар органлари ходимларининг касбий маданият ва хизмат интизоми кодекси неча банддан иборат?

4. Ички ишлар органлари ходимларининг касбий маданият ва хизмат интизоми кодекс қоида ва талабларини билиши, уларга қатъий ва сўзсиз риоя қилиши мажбурий қачондан белгиланган?

5. Ички ишлар органлари ходимларининг касбий маданият ва хизмат интизоми кодекси нимани белгилайди?

6. Кодексда ходимлар амал қилишлари мажбур бўлган касбий маданият қоидаларининг нечта асосий талаблари кўрсатилган?

7. Кодексда ходимлар амал қилишлари мажбурдир деб кўрсатилган касбий маданият қоидаларининг энг биринчи асосий талаби нима?

8. Ходимлар ўзларини бошқа шахслар ҳуқуқбузарлик содир этишга ундаб мурожаат қилган ҳар бир ҳолат, шунингдек, бошқа ходимлар томонидан содир этилган ҳар қандай ўзига маълум бўлган ҳуқуқбузарлик ҳақида биринчи кимга хабар бериши зарур?

9. Ходим қонунга яққол зид бўлган (хизмат фаолиятига алоқадор бўлмаган) буйруқ ёки топшириқ олганда зудлик билан кимга хабар бериши керак?

10. Ходимларга тадбиркорлик фаолияти субъекти сифатида ёки унинг номидан бу соҳада қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ амалга ошириладиган, ўзи таваккал қилиб ва ўз мулкий жавобгарлиги остида даромад (фойда) олишга қаратилган фаолият билан шуғулланиши мумкинми?

Ички ишлар органларида касбий маданият ва хизмат интизомини таъминлаш

1. Ички ишлар органларида касбий маданият ва хизмат интизомини таъминлаш учун қандай талаблар қўйилган?

2. Ички ишлар органлари ходимлари ўз касбий фаолиятларини қайси принципларга асосан амалга оширади?

3. Ходимларга нисбатан қандай рағбатлантириш чоралари қўлланилади?

4. Ички ишлар органлари ходимларининг касбий маданияти ва хизмат интизоми кодекснинг қайси бобида белгиланган?

5. Ходимларга нисбатан қандай интизомий жазо чоралари қўлланилиши мумкин?

6. Рағбатлантириш чоралари, қоида тариқасида, қандай қўлланилади?

7. Ички ишлар органлари ходимларининг касбий маданияти қайси бобида белгиланган?

8. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири Кодексда назарда тутилган қандай рағбатлантириш ва интизомий жазо чораларини қўллайди?

9. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг ўринбосари — Маънавий-маърифий ишлар ва кадрлар билан таъминлаш департаменти бошлиғи ички ишлар ходимларига нисбатан қандай жазо чоралари қўллаши мумкин?

10. Ички ишлар органлари хизматига қабул қилиш ва хизматдан бўшатиш ваколатига эга бошлиқлар ходимларга нисбатан Кодекснинг қайси бандида назарда тутилган интизомий жазо чораларини қўллаш ҳуқуқига эга?

II. МАХСУС БЛОК

1. ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРЛАРИНИНГ ФУҚАРОЛАР БИЛАН МУЛОҚОТ ЖАРАЁНИДА ЮЗАГА КЕЛАДИГАН МУАММОЛИ СИТУАЦИОН ВАЗИЯТЛАР

1. Ички ишлар органлари ходимининг қандай талабларини бажармаслик фуқаролар учун маъмурий жавобгарликка сабаб бўлади?

2. Ички ишлар органлари ходими фуқарога мурожаат этганида ўзи ҳақидаги қандай маълумотларни айтиши шарт?

3. Ички ишлар органлари ходими фуқаронинг талабига кўра, қандай ҳужжатни кўрсатиши керак?

4. Агар куч ишлатилмайдиган усуллар ички ишлар органи ходимининг зиммасига юклатилган мажбуриятларнинг бажарилишини таъминламаса, у қуйидаги ҳолларда шахсан ўзи ёки бўлинма (гуруҳ) таркибида ..... . шу жумладан ..... қўллаш ҳуқуқига эга бўлади.

5. Профилактика инспектори қай ҳолатда фуқарони ИИОга олиб бориши мумкин, қай ҳолларда мумкин эмас.

6. Жамоат жойлари деганда нимани тушунилади?

7. Жамоатчилик назорати нима?

8. Жамоатчилик назорати субъектларига кимлар киради?

9. Жамоатчилик назоратининг объектлари деганда нимани тушунамиз?

10. Жамоатчилик назорати субъекти профилактика инспекторининг фаолиятига аралаша оладими?

11. Жамоатчилик назорати бўлган субъектлар ички ишлар органлари ходимларидан сўраган ҳолда уларни фаолиятини видеотасвирга олишлари мумкинми?

12. Вояга етмаган деганда кимни тушунилади?

13. Назоратсиз ва қаровсиз вояга етмаган шахслар ким?

14. Вояга етмаган шахснинг ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларига нималар киради?

15. Ички ишлар органлари ходимлари, вояга етмаган шахс ушлаб турилган ҳар бир ҳолат тўғрисида кимга дарҳол хабар бериши шарт.

16. Чет эл фуқароси ва фуқаролиги бўлмаган шахс ким?

17. Чет эл фуқаросини маъмурий ёки жиноий жавобгарликка тортиш мумкинми?

18. Чет эл фуқаросини ушлаб туриш мумкинми?

19. Мастлик ҳолатидаги шахсларни тиббий ёрдам кўрсатиш пунктларига олиб бориш учун асосий мезонларни аниқланг.

20. Профилактика инспекторининг ҳодиса жойини кўздан кечиришдаги хатти-ҳаракатларини айтиб беринг.

2. ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРЛАРИНИНГ МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚБУЗАРЛИК СОДИР ЭТГАН ШАХСЛАР БИЛАН МУЛОҚОТ ЖАРАЁНИДА ЮЗАГА КЕЛАДИГАН МУАММОЛИ СИТУАЦИОН ВАЗИЯТЛАР

1. Профилактика инспектори фуқарога нисбатан туҳмат, ҳақорат қилиш ҳуқуқбузарликлари бўйича қандай ҳужжатларни расмийлаштиради.

2. Профилактика инспектори фуқарога мурожаат этганида ўзи ҳақидаги қандай маълумотларни айтиши шарт?

3. Профилактика инспектори фуқаронинг талабига кўра, қандай ҳужжатни кўрсатиши керак?

4. Профилактика инспектори томонидан фуқарога нисбатан куч ишлатилмайдиган усуллар яъни профилактик суҳбат, огоҳлантириш ички ишлар органи ходимининг зиммасига юклатилган мажбуриятларнинг бажарилишини таъминламаса, у қуйидаги ҳолларда шахсан ўзи ёки бўлинма (гуруҳ) таркибида қандай ҳуқуқлардан фойдаланиши мумкин.

5. Профилактика инспектори фуқарога нисбатан ўзининг қонуний талабларини бажармаган тақдирда қандай процессуал ҳужжатларни расмийлаштиради

6. Профилактика инспектори фуқаронинг ёнидан гиёҳванд ёки психотроп моддалар борлигини аниқлаган ҳолатдаги ҳаракатлари қандай?

7. Профилактика инспектори вояга етмаган қаровсиз ва назоратсиз шахс аниқланганда қандай ҳаракатларни амалга оширади?

8. Электр энергияси ва табиий газдан фойдаланиш тартиби бузилган ҳолатларда профилактика инспекторининг ҳаракатлари қандай?

9. Профилактика инспектори ит-мушук боқиш қоидаларини бузганлик, ҳайвонларга шафқатсиз муносабатда бўлиш ҳолатларида қандай ҳаракатларни амалга оширади?

10. Бир неча ҳуқуқбузарликни содир этганлик учун маъмурий жазо қўлланиш тартиби қандай?

11. Профилактика инспекторининг йўлларда ўзбошимчалик билан қазиш ишларни олиш борган фуқароларга нисбатан қандай ҳаракатларни амалга оширади?

12. Профилактика инспектори ҳуқуқбузарлик содир этган шахсни маъмурий йўл билан қанча муддат ушлаб туриши мумкин?

13. Карантин қоидаларини бузиш ҳолатларида Профилактика инспектори ҳаракатлари қандай?

14. Транспорт воситаларидан ахлат ёки бошқа нарсаларни ташлаб юбориш ва ободонлаштириш қоидалари бузилганда профилактика инспектори қандай чораларни кўради?

15. Транспорт воситалари ҳайдовчиларининг тўхташ ёки тўхтаб туриш қоидаларини бузганда профилактика инспектори қандай чораларни кўради?

16. Майда безорилик нима?

17. Майда безорилик ва безорилик жиноятининг фарқи нима?

18. Маъмурий йўл билан ушлаб туриш муддати қанча?

19. Вояга етмаган шахсни ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб қилиш деганда нима тушунилади?

20. Вояга етмаган шахснинг кўнгил очиш (дам олиш) жойларида тунги вақтда бўлишига йўл қўйилганда кимларга чора кўрилади?

3. ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРЛАРИНИНГ ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИ ИШТИРОКЧИЛАРИ БИЛАН МУЛОҚОТ ЖАРАЁНИДА ЮЗАГА КЕЛАДИГАН МУАММОЛИ СИТУАЦИОН ВАЗИЯТЛАР

1. Жиноятни содир этишда гумон қилинган шахс қандай асослар мавжуд бўлганда ушлаб турилиши мумкин.

2. Ички ишлар органлари қандай шахсларни ушлаб туришлари мумкин?

3. Ички ишлар органлари чет эл фуқароси ушлаб турилганлиги тўғрисида қайси вазирликка хабар беради.

4. Жисмоний куч ишлатилиши, махсус воситалар ёки ўқотар қурол қўлланилиши .....,.....ва .....мувофиқ бўлиши керак.

5. Мажбурий келтириш тўғрисидаги қарорни тушунтиринг.

6. Мажбурий келтириш тўғрисидаги қарор қандай ижро этилади?

7. Мажбурий келтириш лозим бўлган шахслар тоифасини айтинг?

8. Кўздан кечириш чоғида топилган ва олиб қўйилган барча нарсалар кимларга кўрсатилиши лозим.?

9. Ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечиришда қандай ҳужжатлар расмийлаштирилади?

10. Ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил бўлган шахс бу ?

11. Ғайриижтимоий хулқ-атвор бу ?

12. Профилактик ҳисобга олиш қандай шахсларга нисбатан юритилади:?

13. Шахсни профилактик ҳисобга қўйишга қандай ҳолатлар асос бўлади:?

14. Ички ишлар органи ходимининг қонуний талаблари устидан шикоят қилиниши уларнинг бажарилишини тўхтатиб турадими?

15. Ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш нима?

16. МЖтКнинг қайси моддалари шахсни профилактик ҳисобга олиш учун асос бўлади?

17. Профилактика инспекторининг шахсий кўрикдан ўтказиш ва нарсани олишдаги ҳаракатлари қандай?

18. Профилактик ҳисобга туришнинг муддати қанча?

19. Маъмурий назорат нима?

20. Маъмурий назоратни амалга ошириш тартиби қандай?

4. ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРЛАРИНИНГ ЖАМОАТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ЖАРАЁНИДА ГУРУҲДА (ОЛОМОН) БИЛАН ЮЗАГА КЕЛАДИГАН МУАММОЛИ СИТУАЦИОН ВАЗИЯТЛАР

1. Назоратсиз вояга етмаган ким?

2. Қаровсиз вояга етмаган ким?

3. Вояга етмаганларни назоратсиз қолдиргани учун ота-оналарга жазо борми?

4. Вояга етмаганларга нисбатан жисмоний куч ишлатиш, махсус воситалар ва ўқотар куролни қўллаш тўғрисида нималарни биласиз?

5. Маъмурий ҳуқуқбузарликлар содир этиш сабаблари ва уларга олиб келган шарт-шароитни бартараф этиш тўғрисидаги тақдимнома киритиш тартиби?

6. Митинг нима?
7. Йиғилиш нима?
8. Намойиш нима?
9. Кўча юриши?
10. Пикет ўтказиш бу ?
11. Флешмоб бу ?
12. Митинг, йиғилиш ва намойишлар ўтказиш регламенти бу:?
13. Йиғилишлар, митинглар, кўча юришлари ёки намойишлар уюштириш, ўтказиш тартибини мавжудми?
14. Ички ишлар органи ходимининг фавқулодда вазиятлардаги ҳаракатлари қандай?
15. Оммавий тадбир бу?
16. Оммавий тадбирни ўтказиш учун рухсатнома бериш тартиби қандай?
17. Ички ишлар органларининг оммавий тадбирлардаги ҳаракатлари қандай?
18. Оммавий тадбир турларини айтинг?
19. Ички ишлар органларининг оммавий тартибсизлик ҳолатидаги ҳаракатлари қандай?
20. Оммавий тадбирлар ўтказиш қоидаларини бузиш ҳолатида қандай ҳужжатлар расмийлаштирилади?

5. ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРЛАРИНИНГ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ, МАХСУС-ТЕХНИК ВОСИТАЛАРНИ ҚЎЛЛАШ ВА УЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ ЖАРАЁНИДА ЮЗАГА КЕЛАДИГАН МУАММОЛИ СИТУАЦИОН ВАЗИЯТЛАР

Профилактика инспекторлари томонидан планшетлардан фойдаланиш тартиби

1. Планшет қандай қурилма ҳисобланади?
2. Планшет турларини айтиб беринг?
3. Планшетлар қандай операцион тизимда ишлайди?
4. Профилактика инспекторлари ходими тизимга маълумотларни хато киритса нима бўлади?
5. Тизимни фойдаланувчисини деганда фикрингиз?
6. Нима сабабдан профилактика инспектор ходимларига планшетлардан хизмат фаолиятидан фойдаланиш руҳсат этилди?
7. Профилактика инспекторлари ходимларининг планшетдан фойдаланиш мақсадини тушунтириш?
8. Хизмат фаолиятда планшетнинг вазифаларини айтинг?
9. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг 2020 йил 7 янардаги 3сон буйруғини айтиб беринг?
10. Маълумотлар базаси нима?

Профилактика инспекторига масофадан туриб мурожаат юбориш ва уни кўриб чиқиш жараёнини кузатиб бориш, аҳоли билан ўзаро тезкор мулоқотни йўлга қўйиш, профилактика инспекторлари ва сектор раҳбарлари фаолиятига баҳо бериш имконини берувчи «Smart маҳалла» ахборот дастуридан фойдаланиш тартиби

1. “Smart mahalla” дастур орқали мурожаат ва таклифлар юбориш имконияти борми.
2. “Smart mahalla”дастурининг профилактика инспектори фаолиятини баҳолаш имконияти борми
3. “Smart mahalla” профилактика инспекторининг қандай маълумотлари берилган.
4. Сектор раҳбарини фақат бир маротаба бахолаши мумкин.
5. Менинг маҳаллам модули қандай маълумотлари тақдим қилинган.
6. СОС модули орқали қайси хизматларга хабарларни юбориш имкони мавжуд
7. Дастурдан қайдай усул орқали идентификатсия қтилади.

8. Рўйҳатдат ўтиш ойнасида фойдаланувчини идентификатсия қилиш учун жами нечи турдаги маълумотларни тақдим этиш талаб этилади.

9. “Smart mahalla” қайси турдаги операцион тизимда ишлайди

10. Smart mahalla” дастурини Google Play ( ) иловалар дўконидан юклаб олиш мумкинми.

Профилактика инспекторлари томонидан ҳуқуқбузарга нисбатан электрошокер махсус воситасини қўллаш жараёнида юзага келадиган муаммоли ситуацион вазиятлар

1. TE Desktop қайси дастури нима мақсадда фойдаланади?
2. TE Desktop дастури қайси портдга созланган?
3. Vka.sud.uz сайт орқали қандай маьлумотлар олинади?
4. Видеоконференцияси қайси дастур асосида амалга оширилади?
5. Онлайн Судга планшет орқали қайси дастур орқали амалга оширилади?
6. Онлайн Суд билан “E-ma’muriy ish ” дастури интеграцияци мавжудми?
7. Vka.sud.uz сайтида ONE ID тизимининг вазифаси?
8. ONE ID - ягона идентификация тизими нима?
9. Масофадан ишлаш деганда нимани тушунасиз?
10. Электрон маьлумот бу…?

Профилактика инспекторлари ваколатига кирувчи маъмурий ҳуқуқбузарликлар бўйича иш юритувни электрон шаклга ўтказиш ва профилактика инспекторларининг суд мажлисларида «масофавий» тарзда қатнашиш тартиби

11. “Бодикамера” ўзи нима?
12. Бодикамеранинг мақсади?
13. Бодикамеранинг вазифаси?
14. “Бодикамера” Инфрақизил ёритиш чироғининг умумий тушунчаси?
15. Бодикамеранинг техник кўрсаткичлари қайсилар?
16. Бодикамеранинг Сервер қурилмалари ҳақида тушинчангизни изоҳланг?
17. Бодикамера қайси дастурий таъминотлар билан боғланган?
18. ИИО ходими ўз хизмат вазифаларини бажаришда бодикамерадан фойдаланиш тартиби.
19. Бодикамера қайси Ахборот тизимлари билан боғланган?
20. Ўзбекистонда 2020-йил 1-январдан қайси соҳа ходимлари бодикамера билан фойдаланади?

Ички ишлар органлари ходимларининг фуқаролар билан ўзаро муносабатларда бодикамерадан фойдаланиш тартиби

1. Электрошокер қандай қўлланилади?
2. Профилактика инспектори фуқарога электрошокер қўллашдан олдинги ҳаракатлари қандай?
3. Профилактика инспектори кимларга электрошокеер қўллай олмайди?
4. Профилактика инспектори фуқаро унга ҳужум қилса электрошокер қўллаши мумкинми?
5. Профилактика инспектори фуқарога нисбатан қайси ҳолатда электрошокер қўллай олмайди?
6. Профилактика инспектори фуқаронинг ёнидан гиёҳванд ёки психотроп моддалар борлигини аниқлаган ҳолатдаги электрошокер қўллаши мумкинми?
7. Профилактика инспектори вояга етмаган қаровсиз ва назоратсиз шахсга электрошокер қўллаши мумкинми?
8. Электрошокерни олиб юриш ва фойдаланиш тартиби қандай?
9. Электрошокер қўлланилганлиги тўғрисида кимга ахборот хабар берилади?
10. Электрошокер қўлланиши оқибатлари қандай бўлади?

Глоссарий:

“E-patrul” тизими - текширилаётган шахсни планшет орқали бармоқ изларини планшетнинг махсус сканери ёрдамида, агар бармоқ излари билан идентификация қилиш имкони бўлмаса, юз тузилиши (юзнинг олд томони)ни расмга олиш орқали реал вақт режимида текшириш, тегишли маълумотларни шакллантириш, тўплаш, умумлаштириш, сақлаш, шунингдек, ваколатли давлат органлари ўртасида идоралараро ахборот алмашишнинг марказлаштирилган электрон тизими.

SMS хабарлар – жиноят, ҳуқуқбузарлик ва бошқа ҳодисалар ҳақида мобиль алоқа воситалари орқали юборилган SMS - қисқа матнли хабарлар;

автоматлаштирилган иш жойлари – “102” хизмати оператори (мутахассис)нинг касбий фаолиятини автоматлапггириш учун мўлжалланган, “102” тизимида керакли ҳужжатларни тайёрлаш, таҳрирлаш, қидириш, рўйхатга олиш, жўнатиш ва чоп этишни таъминловчи алоҳида техник ва дастурий воситалар тўплами;

алкоголга қарамлик — алкоголь маҳсулотига патологик ружу қўйиш, алкоголдан сурункали заҳарланишнинг психосоматик (руҳий ва жисмоний) ҳамда ижтимоий оқибатлари билан тавсифланадиган сурункали кучайиб борувчи касаллик (сурункали алкоголизм);

алкоголь ва тамаки маҳсулотлари, тамакини ҳамда никотинни истеъмол қилиш мосламаларининг улгуржи савдоси — алкоголь ва тамаки маҳсулотларини, тамакини ҳамда никотинни истеъмол қилиш мосламаларини кейинчалик сотиш учун етказиб бериш;

алкоголь ва тамаки маҳсулотлари, тамакини ҳамда никотинни истеъмол қилиш мосламаларининг чакана савдоси — алкоголь ва тамаки маҳсулотларини, тамакини ҳамда никотинни истеъмол қилиш мосламаларини ушбу маҳсулотлардан тижорат мақсадларида фойдаланиш ҳуқуқисиз истеъмолчига реализация қилиш;

алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг, тамакини ҳамда никотинни истеъмол қилиш мосламаларининг айланиши — алкоголь ва тамаки маҳсулотларини, тамакини ҳамда никотинни истеъмол қилиш мосламаларини олиб кириш (импорт қилиш), олиб чиқиш (экспорт қилиш), ишлаб чиқариш, қайта ишлаш, сақлаш, ташиш, реализация қилиш;

алкоголь маҳсулотлари — озиқ-овқат хом ашёсидан олинган этил спиртидан ва (ёки) таркибида спирт бўлган озиқ-овқат маҳсулотидан фойдаланган ёки фойдаланмаган ҳолда ишлаб чиқарилган, таркибида этил спиртининг ҳажмий улуши бир ярим фоиздан юқори бўлган озиқ-овқат маҳсулоти;

аноним мурожаат — жисмоний шахснинг фамилияси (исми, отасининг исми), унинг яшаш жойи тўғрисидаги маълумотлар ёки юридик шахснинг тўлиқ номи, унинг жойлашган ери (почта манзили) тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилмаган ёхуд улар ҳақида ёлғон маълумотлар кўрсатилган мурожаат, шунингдек уни идентификация қилиш имкониятини бермайдиган электрон мурожаат ёхуд имзо билан тасдиқланмаган ёзма мурожаат;

ариза — ҳуқуқларни, эркинликларни ва қонуний манфаатларни амалга оширишда ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги илтимос баён этилган мурожаат;

атрофдаги тамаки тутуни — тамаки маҳсулоти чекилаётган ёки олдинроқ чекилган жойнинг атмосфера ҳавосидаги таркибида никотин мавжуд бўлган аэрозоль (буғ, тутун);

аффектив – коммуникатив функция – инсон эмоционал соҳасининг регуляция қилинишини таъминлаш вазифаси. Мулоқот инсон эмоционал ҳолатларининг энг муҳим детерминантасидир. Чунки турли-туман эмоционал ҳолатлар мулоқот жараёнида пайдо бўлади ва ўзгаради.

ахборот хавфсизлиги – “102” тизими маълумотларини йўқотиш ва ўзгартиришга йўналтирилган табиий ёки сунъий хоссали тасодифий ва қасддан бўладиган таъсирлардан ҳар қандай ташувчиларда дастурий ва техник чора-тадбирлар комплекси ёрдамида ахборотнинг ҳимояланганлиги;

ахлоқ – арабча сўз бўлиб, хулқ-атвор, юриш-туриш, тарбия, адаб деган маъноларни англатади. Ушбу тушунча жамиятнинг ахлоқий ҳаётида юз берадиган барча жараёнларни ўзида мужассам этади.

ахлоқий-психологик тадбирлар – ходимларда юксак касбий маданият ва руҳий барқарорликни, шунингдек. хизмат ва кундалик ҳаётда ҳуқуқбузарликларнинг ҳар қандай кўринишларига, шу жумладан коррупцияга нисбатан муросасизлик кайфиятини шакллантириш, фуқаролар билан мулоқот жараёнида касбий муомала маданиятига риоя қилган ҳолда ҳар қандай вазиятда ўзини ички ишлар органлари ходими деган юксак номга муносиб равишда намоён этиш, жамоада ишчанлик ва ижобий муносабат муҳитини яратиш, ўзаро ҳамкорликни мустаҳкамлашга қаратилган тадбирлар;

бевосита мулоқот – бу шахс билан юзма-юз сухбати ҳисобланади, бундай холатда унинг хар бир иштирокчиси ўзлари идрок қилади, алоқа қилади ва хамма мавжуд воситаларни кенг кўллайдилар.

билвосита мулоқот - бу хам алоқа воситаси бўлиб унда шахслар, бўлимлар ва механизмлар иштирок этишади, (масалан, телеграф, телефон орқали гаплашиш).

биргаликдаги фаолият – субъект, объект ва предмети, умумий мақсад, вазифа ва йўналишлари мавжудлиги;

бодикамера - жамоат жойларида атрофдаги вазиятни, фуқароларнинг ҳаракатлари ва улар томонидан содир этилиши мумкин бўлган ҳуқуқбузарлик ҳолатларини ходимлар томонидан хизмат вазифаларини бажариш вақтидаги ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги)ни аудио-, видео ёзув шаклида қайд этувчи ускуна.

ватанпарварлик руҳидаги тадбирлар – ходимларда она – Ватанга муҳаббат, қасамёдига ҳамда хизмат бурчига садоқат туйғуларини шакллантириш орқали уларда маънавий дунёқарашни юксалтириш, шунингдек, ҳар қандай вазиятда жамоат хавфсизлиги ва қонунийликни таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ вазифаларни виждонан ҳамда сидқидилдан бажаришга тайёргарлигини ошириш ҳамда мустаҳкамлашга қаратилган тадбирлар;

видеоконференцалоқа — узоқда жойлашган бир нечта абонентларнинг реал вақт режимида аудио- ва видеоахборот алмашиш имконияти билан ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда интерактив ҳамкорлик қилиши;

вояга етмаган – ўн саккиз ёшга тўлмаган шахс;

вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси – вояга етмаганларнинг назоратсизлиги, қаровсизлигига, улар томонидан ҳуқуқбузарликлар ёки бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракатлар содир этилишига имкон берадиган сабаблар ва шарт-шароитларни аниқлаш ҳамда бартараф этишга қаратилган, якка тартибдаги профилактика иши билан биргаликда амалга ошириладиган ижтимоий, ҳуқуқий, тиббий ва бошқа чора-тадбирлар тизими;

ғайриижтимоий хатти-ҳаракатлар – вояга етмаганнинг мунтазам равишда спиртли ичимликлар, гиёҳвандлик воситалари, психотроп ёки ақл-ирода фаолиятига таъсир этувчи бошқа моддаларни истеъмол қилишида, фоҳишалик, тиланчилик билан шуғулланишида ифодаланадиган хатти-ҳаракатлари, шунингдек ўзга фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини бузадиган бошқа хатти-ҳаракатлари.

гаровга ушлаб турилган шахс – қўлга олинган ёки ушлаб турилган шахсни озод этиш шартлари сифатида давлат ҳокимияти ва бошқарув органларини, халқаро ташкилотларни, шунингдек айрим шахсларни бирон-бир ҳаракат содир этишга ёки бундай ҳаракат содир этишдан тийилишга мажбур қилиш мақсадида террорчилар томонидан қўлга олинган ёки ушлаб турилган жисмоний шахс;

гиёҳвандлик (наркомания) — гиёҳвандлик воситаларига руҳий-жисмоний қарамлик билан боғлиқ касаллик;

гиёҳвандлик (наркотик) воситалари — гиёҳвандлик воситалари рўйхатига киритилган ва Ўзбекистон Республикасида назоратга олинадиган, келиб чиқиши синтетик ёки табиий моддалар, таркибида гиёҳвандлик моддаси бўлган препаратлар ва ўсимликлар;

гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг аналоглари — кимёвий тузилиши ва хоссаларига кўра гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларга ўхшаш, улар сингари руҳиятга фаол таъсир этувчи, келиб чиқиши синтетик ёки табиий моддалар;

гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг муомалада бўлиши — гиёҳвандлик воситалари, — психотроп моддалар ва прекурсорларни олиб кириш (олиб чиқиш), транзит тарзида ўтказиш, сақлаш, бериш, реализация қилиш, тақсимлаш, олиш, ташиш, жўнатиш, ишлаб чиқиш, ишлаб чиқариш, тайёрлаш, улардан фойдаланиш ва уларни йўқ қилиш, шунингдек таркибида гиёҳвандлик моддаси бўлган ўсимликларни етиштириш;

давлат иштирокидаги ташкилот — устав фондида давлат улуши мавжуд бўлган тижорат ташкилоти ёхуд тўлиқ ёки қисман давлат органи томонидан ташкил этилган ёки таъсис этилган нотижорат ташкилоти.

диалогик нутқ – Сўзловчилар баробар тенг, биргаликда фаоллик кўрсатиши хисобланади.

жамоат жойларида алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг истеъмол қилинишини, тамакини ҳамда никотинни истеъмол қилиш мосламаларидан фойдаланишни чеклаш бўйича чора-тадбирларнинг амалга оширилишини таъминлаш учун масъул бўлган шахслар — тасарруфида (мулкида, эгалигида, фойдаланишида) жамоат жойларида жойлашган ҳудудлар, бинолар (хоналар), иншоотлар ва бошқа объектлар, шунингдек жамоат транспорти бўлган жисмоний шахслар ва (ёки) корхоналар, муассасалар, ташкилотлар;

жамоат тартиби – бу амалдаги ҳуқуқ ва ижтимоий (ахлоқ) нормаларга риоя қилиш орқали фуқароларнинг шахсий хавфсизлигини, кўпчилик (омма)нинг хавфсизлигини таъминлашга, ҳудуддаги жисмоний ва юридик шахсларнинг нормал фаолият кўрсатиши, инсонларнинг меҳнат қилиши ва дам олишлари учун қулай шароит яратишга қаратилган, шунингдек, уларнинг шаън-шавкати, инсоний қадр-қиммати ҳамда ижтимоий ахлоқ нормаларини ҳурмат қилиш бўйича асосан жамоат жойларида вужудга келадиган ва тараққий этиб борадиган ижтимоий муносабатлар тизимидир.

жамоат хавфсизлиги – жамиятнинг қонунга хилоф тажовузлар, ижтимоий ва миллатлараро низолар, фавқулодда вазиятлар ва бошқа таҳдидлардан (кейинги ўринларда — таҳдидлар) ҳимояланганлик ҳолати бўлиб, у жамиятнинг барқарор ривожланишига хизмат қилади ҳамда инсоннинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари рўёбга чиқарилишини таъминлайди;

жамоат хавфсизлиги департаменти - ички ишлар органлари жамоат хавфсизлиги бўлинмаларининг фаолиятини мувофиқлаштириш, комплекс таҳлил қилиш ҳамда уларга амалий-услубий ёрдам кўрсатиш ва жамоат тартибини сақлаш фаолиятини ташкил этиш, жамоат жойларида аҳолининг хавфсизлигини таъминлашда ички ишлар органлари куч ва воситаларини самарали бошқариш чораларини кўриш.

жамоат хавфсизлигини таъминлаш – давлат томонидан жамиятни таҳдидлардан ҳимоя қилиш учун белгиланадиган ҳамда доимий равишда такомиллаштириб бориладиган сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий ва бошқа комплекс ташкилий чора-тадбирларни қамраб олувчи яхлит тизим.

жиноят – Жиноят Кодекси билан тақиқланган, айбли ижтимоий хавфли қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик) жазо қўллаш таҳдиди билан жиноят деб топилади.

жиноят – Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг махсус қисми нормаларида жазо қўллаш таҳдиди билан тақиқланган айбли ижтимоий хавфли қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик);

жиноятда иштирокчилик – икки ёки ундан ортиқ шахснинг қасддан жиноят содир этишда биргалашиб қатнашиши иштирокчилик деб топилади.

жорий маълумот – “102” хизматига амалга оширилган қўнғирокдар ва улар юзасидан кўрилган чоралар, натижалар, бартараф этилган ҳолатлар, “102” тизимининг ишчанлик ҳолати бўйича умумлашган маълумотлар ҳамда маслаҳат-маълумот ва прогноз кўрсаткичлари;

жорий маълумот – “102” хизматига амалга оширилган қўнғирокдар ва улар юзасидан кўрилган чоралар, натижалар, бартараф этилган ҳолатлар, “102” тизимининг ишчанлик ҳолати бўйича умумлашган маълумотлар ҳамда маслаҳат-маълумот ва прогноз кўрсаткичлари;

заҳарвандлик (токсикомания) — психотроп моддаларга, шунингдек дорилик хусусиятига эга бўлмаган, келиб чиқиши синтетик ёки табиий, гиёҳвандлик воситаларга ўхшаш руҳиятга фаол таъсир этувчи моддаларга руҳий-жисмоний қарамлик билан боғлиқ касаллик.

ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган вояга етмаган – вояга етмаганнинг назоратсизлиги ёки қаровсизлиги оқибатида унинг ҳаёти ёки соғлиғи учун хавф туғдирадиган ёхуд уни таъминлаш, тарбиялаш ва унга таълим бериш талабларига жавоб бермайдиган шароитда бўлган ёхуд ҳуқуқбузарлик ёки бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракатлар содир этаётган вояга етмаган;

ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган оила – ота-она ёки ота-она ўрнини босувчи шахслар вояга етмаганларни таъминлаш, тарбиялаш ва уларга таълим бериш бўйича ўз мажбуриятларини бажаришдан бўйин товлаётган ёки лозим даражада бажармаётган ёхуд уларнинг хулқ-атворига салбий таъсир кўрсатаётган ёки улар билан шафқатсиз муомалада бўлаётган оила;

интизом – кишилар, жумладан, меҳнат жамоаси аъзоларининг жамиятда таркиб топган ҳуқуқ ва ахлоқ меъёрларига, шунингдек, бирон-бир ташкилот талабларига жавоб берадиган муайян хулқ-атвор ва ўзини тутишга оид тартибқоидалар. Интизом одамларнинг биргаликца яшаши ва фаолият юрити-шини маълум бир тартибга солиб туради. Бунга эса мазкур ижтимоий меъёрлар ва қонунқоидаларни ўзлаштириш, шу билан бирга зарур бўлганда ахлоқий, ҳуқуқий ва маъмурий жавобгарлик ва жазо чораларини қўлланиш йўли билан ҳам эришилади. Интизомнинг қуй-идаги турлари мавжуд: ички Интизом (шахснинг ўзини-ўзи Интизом лилик руҳида тар-биялаши); ҳамма учун умумий Интизом (хусусан, давлат И. и); махсус Интизом – муайян ташкилот аъзолари ёки маълум тоифадаги кишилар учунгина белгиланган Интизом (мас, меҳнат И. и, ҳарбий И. каби).

информацион – коммуникатив функция – ахборот алмашинувини таъминлаш вазифаси. Ахборот алмашинуви турли белгилар тизимлари орқали амалга оширилади.

ички ишлар органи ходими деган номга доғ туширувчи ножўя хатти-ҳаракатлар – ходимнинг жиноий жавобгарликка тортишга асос бўладиган қилмиши;

ички ишлар органлари фаолиятининг асосий принциплари – ички ишлар органлари фаолиятининг асосий принциплари қонунийлик, ягоналик, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига риоя этиш ҳамда ушбу ҳуқуқлар, эркинликлар ва қонуний манфаатларни ҳурмат қилиш, очиқлик ва шаффофликдан иборат.

ички ишлар органларида маънавий-маърифий ишларни ташкил этиш концепциясининг концептуал ғояси – “Ватанга ва халққа садоқат билан хизмат қилиш-олий бурчимиз!” ғояси бўлиб унда давлат мустақиллигини ҳимоя қилиш, ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш, жамоат хавфсизлигини таъминлаш ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини муҳофаза қилиш устувор вазифа сифатида белгиланди.

ички ишлар органларида маънавий-маърифий ишларни ташкил этиш концепция ғоясининг асосий мазмун-моҳияти – фуқароларнинг тинчлиги ва мамлакатда қонун устуворлигини таъминлаш учун ҳар қандай ҳуқуқбузарликка қарши курашишда ўз жонини аямайдиган, ватанпарварлик, фидойилик, садоқат ва ҳалоллик фазилатларига эга ходимларни шакллантиришдан иборат

ички ишлар органларининг асосий вазифалари – ички ишлар органларининг асосий вазифалари фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини, жисмоний ва юридик шахсларнинг мулкини, конституциявий тузумни ҳимоя қилишдан, қонун устуворлигини, шахс, жамият ва давлатнинг хавфсизлигини таъминлашдан, шунингдек ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактикасидан иборат.

ишонтириш – бирор нарса исботсиз тасдиқланадиган ёки инкор этиладиган хабарларни танқидий қарашсиз қабул қилишга қаратилган коммуникатив таъсир кўрсатиш усули.

коммуникатор – Мулоқот жараёнида ахборотни бошқа кишига йўллаётган кишига айтилади.

конфиденциал ахборот – “102” тизимида фойдаланувчилар томонидан фойдаланиш ҳуқуқи чекланган, дастурий-техник чоралар билан ҳимояланиши талаб этиладиган, хизматга ва шахсга оид тезкор маълумотлар.

конфиденциал ахборот – “102” тизимида фойдаланувчилар томонидан фойдаланиш ҳуқуқи чекланган, дастурий-техник чоралар билан ҳимояланиши талаб этиладиган, хизматга ва шахсга оид тезкор маълумотлар;

коррупция – лотинча “corruptio” сўзидан олинган бўлиб, “емирилиш”, “бузилиш” деган маъноларни англатади.

кўчма савдо — товарларнинг стационар савдо объектларидан ташқарида, шу жумладан кўчма савдо объектларидан (дўкончалардан, пештахталардан, чодирлардан, автодўконлардан ва бошқалардан) фойдаланган ҳолдаги чакана савдоси;

қаровсиз – аниқ яшаш жойи бўлмаган назоратсиз қолган вояга етмаган;

қасамёд – қуролли кучлар сафига кираётган ҳар бир фуқаронинг Конституция ва қонун талабларига биноан Ватанни ҳимоя қилишдек муқаддас бурчни бажаришга берадиган тантанали ваъдаси (қасами). Аксарият давлатлар қуролли кучларида қадимдан мавжуд. Хусусан, Ҳарбий қасамёд қабул қилиш ўтмишда Маҳмуд Ғазнавий, Амир Темур армияларида ҳам бўлган. Ҳарбий қасамёд мазмуни халқнинг урф-одатлари, анъаналари билан боғлиқ.

қиздириладиган тамаки маҳсулоти — чекиладиган тамаки маҳсулотининг ингредиентлар қўшилган ёки қўшилмаган тамакидан (тамаки аралашмасидан) иборат бўлган, тамакини қиздириш тизимларида фойдаланиш учун мўлжалланган тури;

қонунийлик принципи – ички ишлар органлари ходимлари ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатлари талабларига аниқ риоя этиши ҳамда уларни бажариши шарт. Қонунларни аниқ бажаришдан ва уларга риоя қилишдан ҳар қандай чекиниш, қандай сабабларга кўра юз берганидан қатъи назар, қонунийликни бузиш ҳисобланади ва белгиланган жавобгарликка сабаб бўлади.

манфаатлар тўқнашуви – “102” хизмати персоналининг шахсий манфаатлари уларнинг ўз хизмат вазифалари ва функцияларини холисона ва беғараз бажаришига таъсир кўрсатадиган ёки таъсир кўрсатиш мумкин бўлган ҳолатлар.

маҳалла ҳуқуқ-тартибот маскани – маҳалла ва қишлоқларда жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш фаолиятини бевосита амалга оширадиган, шунингдек, фуқароларнинг хавфсизлиги ва осойишталигини таъминлаш борасида ички ишлар органлари, бошқа ҳуқуқ-тартибот органлари ва жамоат тузилмаларининг маҳаллалар кесимида биргаликда ишлашини ташкил этадиган ички ишлар органларининг энг қуйи бўғинидаги таркибий тузилмаси ҳисобланади.

маъмурий ҳуқуқбузарлик – қонунчиликка биноан маъмурий жавобгарликка тортиш назарда тутилган, шахсга, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига, мулкчиликка, давлат ва жамоат тартибига, табиий муҳитга тажовуз қилувчи ғайриҳуқуқий, айбли (қасддан ёки эҳтиётсизлик орқасида) содир этилган ҳаракат ёки ҳаракатсизлик тушунилади.

Маънавий-маърифий ишларни амалга ошириш йўналишлари Ички ишлар органларида маънавий-маърифий ишлар қуйидаги йўналишларда олиб борилади: тарбиявий ишлар, тарғибот-ташвиқот ишлари, психологик фаолият, ижтимоий-ҳуқуқий фаолият ва маданий тадбирлар орқали олиб борилади.

маънавият – инсонлар ўртасидаги ўзаро ишонч, хурмат ва эътибор, халқ ва давлат келажагини биргаликда қуриш йўлидаги эзгу интилишлар, ибратли фазилатлар мажмуасидир.

мобиль видеорегистратор - патруль автомобилларида, махсус контингентни ташиш учун мўлжалланган махсус автотранспорт воситалари ва махсус вагонларда аудио-, видеоёзувларни амалга ошириши учун мўлжалланган техник тизим.

мобиль илова – смартфон, планшет ва бошқа мобиль қурилмаларда ишлаш учун мулжалланган “102” тизими платформасида ишловчи дастурий таъминот;

мониторинг тизимлари – назорат остида стационар ва ҳаракатланувчи объектларда ахборот ва сигналларни қабул қилиш, қайта ишлаш учун мўлжалланган қурилма ва дастурий таъминотлар мажмуи;

монологик нутқ – Шахснинг ўз фикрларини оғзаки ёки ёзма равишда ифодалашига айтилади.

мулоқот – Одамлар ўртасида биргаликдаги фаолият эхтиёжларидан келиб чиқадиган боғланишлар ривожланишининг кўп қиррали жараёнидир.

мулоқот – ҳамкорликда фаолият эҳтиёжи билан тақозоланган алоқа ўрнатиш ва уни ривожлантириш жараёни, белгилар тизими орқали субъектларнинг ўзаро таъсирлашуви.

мулоқотда нутқ - мухим рол уйнайди, айниқса унинг равонлиги, терминларни яхши ва ўз жойида тўгри ишлатилиши ва хакозалар. Нутқ эшиттирилиб, ё овоз чиқармасдан айтилиши, ёзиб қўйилади, ёки карсоқов кишиларда бирон-бир мохиятга

мурожаат – Ўзбекистон Республикасининг жиноят-процессуал қонунчилигида ўрнатилган процессуал қоидаларга биноан терговга қадар текширув ёки дастлабки тергов ҳаракатларини олиб бориш шарт бўлган жисмоний ва юридик шахсларнинг жиноят ва ҳодисаларга оид аризалари, хабарлари ва бошқа маълумотлари;

мурожаатнинг дубликати — айни бир жисмоний ёки юридик шахс мурожаатининг кўчирма нусхаси;

назоратсиз – ота-она ёки ота-она ўрнини босувчи шахслар томонидан вояга етмаганни таъминлаш, тарбиялаш ва унга таълим бериш бўйича ўз мажбуриятларини бажаришдан бўйин товлаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик оқибатида хулқ-атвори назоратсиз қолган вояга етмаган;

никотин — тамакининг барглари ва поялари таркибида мавжуд бўлган ёки синтез йўли билан олинган алкалоид;

никотин етказиб беришнинг электрон тизимлари — электр токи (аккумулятор) ёрдамида никотинли ёки никотинсиз суюқликни (картрижларда, резервуарларда ва бошқа контейнерларда) қиздирадиган ҳамда истеъмолчи томонидан нафас орқали ютиладиган аэрозоль (буғ, тутун) ҳосил қиладиган, кўп марта ишлатиладиган мосламалар (бундан тиббий асбоб-ускуналар ва тиббий буюмлар мустасно);

никотинли снюс — сўриш (шимиш) учун мўлжалланган, ўсимлик хом ашёсидан ва никотиндан ёки унинг ҳосилаларидан, жумладан никотин тузларидан (бундан тамаки барги ва (ёки) тамаки ўсимлигининг бошқа қисми, шу жумладан тозаланган тамаки чанги ва (ёки) кесилган тамаки баргининг майда зарралари мустасно) тайёрланган, чекилмайдиган, таркибида никотин мавжуд бўлган, бошқа ингредиентлар қўшилган ёки қўшилмаган маҳсулот тури;

никотинли суюқлик — таркибида никотин миқдори 0,1 мг/мл ҳажмдан кам бўлмаган, тамакини ва никотинни истеъмол қилиш мосламаларида фойдаланиш учун мўлжалланган ҳар қандай суюқлик;

никотинсиз суюқлик — таркибида никотин бўлмаган ёки таркибида никотин миқдори 0,1 мг/мл ҳажмдан кам бўлган, тамакини ҳамда никотинни истеъмол қилиш мосламаларида фойдаланиш учун мўлжалланган суюқлик;

номуносиб ҳаракатлар – ходимнинг ҳуқуқий мақомига хос бўлмаган ва умумэътироф этилган одоб-ахлоқ нормаларига зид, шунингдек маъмурий жавобгарликка асос бўладиган қилмиши;

норасмий мулоқот- бу шахслараро ўзаро мулоқот жараёнида ўзини қизиқтирган у ёки бу маълумотга эга бўлиш.

носвой — шимиш учун мўлжалланган ҳамда тамакидан ва тамакисиз хом ашёдан (ишқордан, оҳакдан, бўрдан) тайёрланган чекилмайдиган тамаки маҳсулотининг тури;

оммавий қабул — давлат органи раҳбарининг ёки бу борада ваколат берилган мансабдор шахсининг жисмоний шахслар ва юридик шахсларнинг вакиллари билан оммавий учрашувларида мурожаатларни қабул қилишга доир ҳаракати;

очиқлик ва шаффофлик принципи – ички ишлар органлари ўз фаолиятини очиқ ва шаффоф тарзда, давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, бошқа ташкилотлар ва фуқаролар, шунингдек оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорликда амалга оширади.

планшет - маълумотлар базаси ахборот тизимига интеграция қилинган техник восита бўлиб, шахсни биометрик идентификацияси (бармоқ изи ёки юз тузилиши)ни электрон равишда олиб, унинг шахсига оид (судланганлиги, қидирувдалиги, профилактик, пробация ва маъмурий назорат ҳисобида туриши ва бошқа) тезкор маълумотларини мобил ҳолатда жойида текшириш воситаси.

прекурсорлар — прекурсорлар рўйхатига киритилган ва Ўзбекистон Республикасида назоратга олинадиган, гиёҳвандлик воситаларини, уларнинг аналогларини ва психотроп моддаларни тайёрлаш учун фойдаланиладиган моддалар;

препарат — моддаларнинг ҳар қандай физик ҳолатдаги, таркибида битта ёки бир нечта гиёҳвандлик воситалари ёхуд психотроп моддалар бўлган аралашмаси;

профилактика инспекторларининг ички ишлар органларининг бошқа соҳавий хизматлари ходимлари билан ҳамкорлик – маъмурий ҳудудга бириктирилган маълум бир ички ишлар органлари таянч пунктида профилактика инспекторлари билан ички ишлар органларининг бошқа соҳавий хизматлари ходимларининг ўзаро биргаликда ушбу бириктирилган ҳудудда жамоат тартибини сақлаш ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасини амалга ошириш, жиноятчиликка қарши курашиш ва аҳолига ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатишга қаратилган, муайян вақт ва жойда амалга ошириладиган, усул ва воситаларга эга қонун ҳужжатлари билан тартибга солинадиган ижтимоий-ҳуқуқий муносабатлар йиғиндиси.

психотроп моддалар — психотроп моддалар рўйхатига киритилган ва Ўзбекистон Республикасида назоратга олинадиган, келиб чиқиши синтетик ёки табиий моддалар;

расмий мулоқот- бу юридик кучга эга, давлат ва жамият манфатини кўзлаган хамда қайд этиладиган мулорқат тури (тергов жараёнидаги сўроқ қилиш).

регулятив – коммуникатив функция – суҳбатдошлар хулқ-атворининг регуляция қилинишини таъминлаш вазифаси. Индивидлар мулоқот жараёнида вербал, жисмоний, новербал йўллар билан бир-бирининг мотивларига, мақсадларига, қарор қабул қилишига таъсир ўтказиши бирор ҳаракатга ундаши ва ҳаракатини назорат қилиши, бир – бирининг хулқ – атворига стимуллаштирувчи ва коррекцияловчи тарзда таъсир кўрсатиши мумкин.

рецепиент – ахборотни қабул қилаётган кишига айтилади.

Call-марказ (қунғироқлар маркази) – ИИО “102” тизимининг ягона телекоммуникация платформасида тармоқланган, Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлар ҳудудларида марказлашган тарзда “102” қисқа рақами орқали қунгироқларни қабул қилиш ва қайта ишлашга мўлжалланган ҳимояланган дастурий-техник таъминоти, асосий ва захира автоматлаштирилган иш жойлари ҳамда операторлар гуруҳи мажмуи.

совуқ қурол – шикаст етказиладиган объект билан бевосита тўқнашиш чоғида одамнинг жисмоний кучи ёрдамида нишонни уриш учун мўлжалланган қурол.

совуқ қурол сифатида фойдаланилиши мумкин бўлган ашёлар - касбий, ишлаб чиқариш ёки спорт фаолиятида ёхуд хўжалик-маиший мақсадларда фойдаланиш учун мўлжалланган, саноат усулида ёки қўлбола тарзда ясалган тиғли, кесувчи ашёлар (пичоқлар, бигизлар ва бошқа учи ўткирланган санчиладиган, кесувчи ашёлар), жисмоний куч ишлатганда шикаст етказиши мумкин бўлган ашёлар (бейсбол биталари, софтбол ўйини учун биталар).

таклиф — давлат ва жамият фаолиятини такомиллаштиришга доир тавсияларни ўз ичига олган мурожаат;

такрорий мурожаат — айни бир жисмоний ёки юридик шахсдан келиб тушган, унинг аввалги мурожаати юзасидан қабул қилинган қарор устидан шикоят қилинаётган ёки бошқача тарзда норозилик билдирилаётган, шунингдек, агар такрорий мурожаат келиб тушган пайтга келиб қонунчиликда белгиланган кўриб чиқиш муддати тугаган бўлса, илгариги мурожаати ўз вақтида кўриб чиқилмаганлиги тўғрисида хабар қилинаётган мурожаат;

тамаки — тамаки маҳсулотини ишлаб чиқариш учун хом ашё олиш мақсадида етиштириладиган, Nicotiana Tabacum ва Nicotiana Rustica турларига тегишли итузумдошлар оиласига мансуб бўлган Nicotiana навидаги ўсимлик;

тамаки маҳсулотининг блоки — тамаки маҳсулотларининг муайян миқдордаги истеъмол ўровларини (қутиларини) ўз ичига олган гуруҳли истеъмол идиши бирлиги;

тамаки маҳсулотининг ва тамакини ҳамда никотинни истеъмол қилиш мосламасининг истеъмол ўрови (қутиси) — тамаки маҳсулотини ва (ёки) тамакини ҳамда никотинни истеъмол қилиш мосламасини бевосита жойлаш ва уни охирги истеъмолчига реализация қилиш учун мўлжалланган, транспортда ташиш ва сақлашнинг тайёрловчи томонидан белгиланган шартларига риоя этилганда кафолат муддати ичида уларнинг истеъмол хоссалари сақланишини таъминлайдиган ўров;

тамакига (никотинга) қарамлик (бундан буён матнда никотинга қарамлик деб юритилади) — тамаки маҳсулотига (таркибида никотин мавжуд бўлган маҳсулотга) патологик ружу қўйиш, никотиндан сурункали заҳарланишнинг психосоматик (руҳий ва жисмоний) оқибатлари билан тавсифланадиган сурункали кучайиб борувчи касаллик;

тамакили снюс — тўлиқ ёки қисман тамаки барги ва (ёки) тамаки ўсимлигининг бошқа қисмидан, шу жумладан тозаланган тамаки чанги ва (ёки) кесилган тамакининг майда зарраларидан ингредиентлар қўшилган ёки қўшилмаган ҳолда тайёрланган, сўриш (шимиш) учун мўлжалланган чекилмайдиган тамаки маҳсулотининг тури;

тамакини қиздириш тизими — қиздириладиган тамаки маҳсулотларини чекиш учун мўлжалланган ҳамда истеъмолчи томонидан нафас орқали ютилиши мақсадида никотинли аэрозоль (буғ, тутун) ҳосил қиладиган электрон мослама, шу жумладан алоҳида ёки бирга сотилишидан қатъи назар, бундай мослама билан бирга фойдаланиш учун тайёрланган ҳар қандай буюм ёки қисм;

тамакини ҳамда никотинни истеъмол қилиш мосламалари — таркибида никотин бўлган ёки никотин бўлмаган истеъмолчи томонидан нафас орқали ютиладиган аэрозолни (буғни, тутунни) олиш учун фойдаланиладиган электрон ёки бошқа асбоблар (мосламалар), шу жумладан никотин етказиб беришнинг электрон тизимлари, тамакини қиздириш тизимлари, чилимлар, трубкалар, муштуклар, шунингдек уларнинг таркибий қисмлари ва элементлари (бундан тиббий асбоб-ускуналар ва тиббий буюмлар мустасно);

таркибида никотин мавжуд бўлган маҳсулотлар — чекиш, шимиш, чайнаш, ҳидлаш ёки бошқача усулларда, шу жумладан тамакини ҳамда никотинни истеъмол қилиш мосламалари ёрдамида истеъмол қилиш учун фойдаланишга тайёрланган, таркибида никотин ёки унинг ҳосилалари, шу жумладан никотин тузлари, эритмалари бўлган маҳсулотлар, никотинли суюқликлар ёки таркибида никотин мавжуд бўлган геллар (бундан

қонунчиликка мувофиқ рўйхатдан ўтказилган дори воситалари ва таркибида никотин табиий ҳолда мавжуд бўлган озиқ-овқат маҳсулотлари мустасно);

таянч пунктлари – туман (шаҳар) ички ишлар бошқармалари (бўлимлари)нинг асосий қуйи бўғини ҳисобланиб, улар ички ишлар органларининг жамоатчилик билан ҳамкорлигини таъминлаш ҳамда қишлоқлар, овуллар ва маҳаллаларда жамоат тартиби, фуқаролар хавфсизлиги, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ҳамда жиноятчиликка қарши курашишни бевосита таъминлаш мақсадида ташкил этилади.

тезкор маълумот – “102” тизими орқали қабул қилинган, тезкор ва кечиктириб бўлмас чоралар кўрилиши талаб этиладиган жиноят, ҳуқуқбузарлик ва бошқа ҳодисалар, шунингдек шошилинч ва фавқулодда вазият ҳақидаги хабар, автоматлашган мониторинг тизимлари сигналлари;

тезкор маълумот – “102” тизими орқали қабул қилинган, тезкор ва кечиктириб бўлмас чоралар кўрилиши талаб этиладиган жиноят, ҳуқуқбузарлик ва бошқа ҳодисалар, шунингдек шошилинч ва фавқулодда вазият ҳақидаги хабар, автоматлашган мониторинг тизимлари сигналлари;

терроризм – сиёсий, диний, мафкуравий ва бошқа мақсадларга эришиш учун шахснинг ҳаёти, соғлиғига хавф туғдирувчи, мол-мулк ва бошқа моддий объектларнинг йўқ қилиниши (шикастлантирилиши) хавфини келтириб чиқарувчи ҳамда давлатни, халқаро ташкилотни, жисмоний ёки юридик шахсни бирон-бир ҳаракатлар содир этишга ёки содир этишдан тийилишга мажбур қилишга, халқаро муносабатларни мураккаблаштиришга, давлатнинг суверенитетини, ҳудудий яхлитлигини бузишга, хавфсизлигига путур етказишга, қуролли можаролар чиқаришни кўзлаб иғвогарликлар қилишга, аҳолини қўрқитишга, ижтимоий-сиёсий вазиятни беқарорлаштиришга қаратилган, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексида жавобгарлик назарда тутилган зўрлик, зўрлик ишлатиш билан қўрқитиш ёки бошқа жиноий қилмишлар;

терроризмни молиялаштириш – террорчилик ташкилотининг мавжуд бўлишини, фаолият кўрсатишини, молиялаштирилишини, террорчилик фаолиятида иштирок этиш учун хорижга чиқиб кетишни ёки Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали ҳаракатланишни таъминлашга, террорчилик ҳаракатини тайёрлаш ва содир этишга, террорчилик ташкилотларига ёхуд террорчилик фаолиятига кўмаклашаётган ёки бундай фаолиятда иштирок этаётган шахсларга бевосита ёки билвосита ҳар қандай маблағ-воситаларни, ресурсларни беришга ёки йиғишга, бошқа хизматлар кўрсатишга қаратилган фаолият;

террорчи – террорчилик фаолиятини амалга оширишда иштирок этаётган, шунингдек террорчилик фаолиятида иштирок этиш учун хорижга чиқиб кетишни ёхуд Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали ҳаракатланишни амалга оширган шахс;

террорчилик гуруҳи – олдиндан тил бириктириб террорчилик ҳаракатини содир этган, бундай ҳаракатга тайёргарлик кўрган ёки уни содир этишга суиқасд қилган шахслар гуруҳи;

террорчилик ташкилоти – икки ёки ундан ортиқ шахснинг ёки террорчилик гуруҳларининг террорчилик фаолиятини амалга ошириш учун барқарор бирлашуви;

террорчилик фаолияти – террорчилик ҳаракатини уюштириш, режалаштириш, тайёрлаш ва амалга оширишдан, террорчилик ҳаракатига ундашдан, террорчилик ташкилотини тузишдан, террорчиларни ёллаш, тайёрлаш ва қуроллантиришдан, уларни молиялаштириш ва моддий-техника жиҳатидан таъминлашдан иборат бўлган фаолият;

террорчиликка қарши операция – террорчилик ҳаракатига чек қўйиш ва унинг оқибатларини минималлаштириш, шунингдек жисмоний шахсларнинг хавфсизлигини таъминлаш ҳамда террорчиларни зарарсизлантиришга қаратилган, келишилган ва ўзаро боғлиқ махсус тадбирлар мажмуи;

террорчиликка қарши операция ўтказиладиган зона – жойнинг ёки акваториянинг алоҳида участкалари, ҳаво бўшлиғи, транспорт воситалари, бинолар, иморатлар, иншоотлар, хоналар ҳамда террорчиликка қарши операция ўтказиладиган доирадаги уларга туташ ҳудудлар;

тиббий огоҳлантириш — алкоголь маҳсулотининг идиши ёрлиғига ёки тамаки маҳсулотининг ҳамда тамакини ва никотинни истеъмол қилиш мосламасининг истеъмол ўровига (қутисига) жойлаштириладиган алкоголь ёки тамаки маҳсулотларини истеъмол қилишнинг инсон соғлиғига салбий таъсири тўғрисидаги ахборот;

унвон – ваколатли органлар томонидан белгиланадиган ва бериладиган ном. Бу алоҳида шахснинг хизматлари ёки касб, хизмат, илмий ва б. малакалари расман эътироф этилганлигини тасдиклайди

Ушбу Кодекс билан қўриқланадиган объектларга зарар етказадиган ёки шундай зарар етказиш реал хавфини келтириб чиқарадиган қилмиш ижтимоий хавфли қилмиш деб топилади.

фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига риоя этиш ҳамда ушбу ҳуқуқлар, эркинликлар ва қонуний манфаатларни ҳурмат қилиш принципи- ички ишлар органлари ўз фаолиятини фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига риоя этиш ҳамда ушбу ҳуқуқлар, эркинликлар ва қонуний манфаатларни ҳурмат қилиш асосида амалга оширади. Ички ишлар органлари фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари уларнинг жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар ҳимоя қилинишини таъминлайди.

фуқароларнинг шахсий хавфсизлиги – бу ҳар бир фуқаронинг ҳаёти, соғлиғи, ҳуқуқ ва эркинликлари, шаън-шавкати ва қадр-қиммати, шахсий ва турар жой дахлсизлигига қарши қаратилган жиноий ва бошқа ҳаракатлардан муҳофаза қилинганлик ҳолатидир.

фуқаролиги бўлмаган шахс — Ўзбекистон Республикасининг фуқароси бўлмаган ва ўзининг чет давлат фуқаролигига мансублигига доир далилга эга бўлмаган шахс;

хабар – жисмоний шахс ёки юридик шахснинг (корхона, муассаса, ташкилот, жамоат бирлашмаси) ваколатли мансабдор шахси ёки оммавий ахборот воситаларининг жиноят содир этишга тайёргарлик кўрилаётган, суиқасд қилинаётган ҳамда тамом бўлган жиноят ва ҳодиса ҳақида берган ахборотларига доир мурожаатлар;

хавф гуруҳидаги ходимлар – хизмат вазифаларини бажаришда бир вақтнинг ўзида ёки бир ой муддат давомида кетма-кет уч ва ундан ортиқ камчиликларга йўл қўйган, хизмат ҳамда хизматдан ташқари пайтда икки ва ундан ортиқ қўпол носоғлом ёки ахлоққа зид ҳаракатлар содир этган, фуқаролар билан зиддиятли муносабатларга киришиши натижасида бир ой давомида уч ва ундан ортиқ асосли мурожаатлар келиб тушган, бир ой муддат давомида бошлиқ (командир)лар билан асоссиз равишда уч ва ундан ортиқ зиддиятли вазиятлар келтириб чиқариб, маънавий-руҳий муҳитга салбий таъсир кўрсатган, шунингдек, оилада якка боқувчи бўлганлиги, икки ва ундан ортиқ вояга етмаган ёки болалигидан ногирон бўлган фарзандларини ёлғиз ўзи тарбиялаётган, яқин қариндошлари (турмуш ўртоғи, туғишган фарзандлари, ота-онаси, ака-укалари, опа-сингиллари, қайнота ҳамда қайнонаси) орасида оғир касалликка чалинганлари бўлган, оиласи нотинч аҳволдаги, оғир ҳаётий вазиятга тушиб қолган ходимлар.

халқаро терроризм – бир давлат ҳудуди доирасидан ташқарига чиқадиган терроризм.

хизмат ёки ижро интизоми бузилиши – ходимнинг юклатилган хизмат вазифаларини бажармаслик ёки лозим даражада бажармасликда, уларни бажаришда белгиланган тартибларга риоя этмасликда ифодаланган қилмиши;

хизмат мажбурияти – норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, шу жумладан, идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ ички ишлар органлари таркибидаги бошқарув органлари, бўлинмалари, ходим ва ҳарбий хизматчиларга юкланган вазифалар ва функциялар ҳамда ҳуқуқ ва мажбуриятлар;

хизмат текшируви хулосаси – хизмат текшируви жараёнида тўпланган далиллар, шу жумладан, ҳужжатлар, шикоят билан мурожаат қилган шахс ва гувоҳларнинг кўрсатувлари, шунингдек, эксперт хулосаси ва мутахассис фикрларига мувофиқ ходимнинг қонунбузилишига алоқадорлиги ва айблилиги масаласини аниқлаш юзасидан тузиладиган якуний ҳужжат.

хизмат, жанговар ва жисмоний тайёргарлик – ходимларнинг ўз хизмат вазифаларини, шу жумладан жисмоний куч ишлатиш, махсус воситалар ва ўқотар қурол қўллаш билан боғлиқ шароитларда бажариш учун зарур бўлган касбий билим ва кўникмаларини такомиллаштириш мақсадида ташкил этилади.

ходим – ички ишлар органлари ходимлари, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг (кейинги матнда – ИИВ) таълим муассасалари курсантлари (тингловчилари), ҳарбий хизматчилари, ишчи ва хизматчилари;

ходимни хизмат вазифасидан вақтинча четлаштириш – ўзига нисбатан хизмат текшируви ўтказилаётган ходимни хизмат текшируви муддатида ўз хизмат мажбуриятларини бажаришдан четлаштириш;

ҳамжиҳатлик – ўзаро ёрдам кўрсатиш ва ўзаро қўллаб-қувватлаш ва ижобий натижаларга эриши;

ҳамкорликнинг мукаммал (оптимал)лиги – ҳар икки томон учун мақбул шакл ва усулларининг қўлланиши;

ҳаракатланиш ҳужжатлари — миллий паспортлар, шунингдек уларнинг ўрнини босувчи бошқа ҳужжатлар бўлиб, улар асосида чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига ҳамда халқаро шартномаларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кириш (ундан чиқиш) ва унинг ҳудудида бўлиш ҳуқуқига эга бўлади.

ҳодиса – табиий ва техноген офатлар, авариялар, инсонлар билан боғлиқ бахтсиз ҳолатлар, эпидемия, эпизоотия, ёнғинлар, фуқароларнинг бедарак йўқолиши, фуқароларнинг ёрдамга муҳтож ҳолатда топилиши ва бошқа терговга қадар текширув ҳаракатларини ўтказиш талаб этадиган воқеалар;

ҳуқуқий маданият – жамиятнинг қонунчилик даражаси, мавжуд қонунлардан аҳолининг хабардорлик даражаси, халқнинг ҳуқуқ нормаларига риоя қилиши ва уларни бажармаган шахсларга нисбатан муросасиз бўлишидир.

ҳуқуқий мафкура – ҳар хил ҳуқуқий ҳодисалар ҳақидаги нуқтаи назар, тушунча, ғоя ва қарашларнинг илмий умумлаштирилган тизимидан иборат.

ҳуқуқий онг – кишиларнинг ҳуқуқ ҳақида тушунча ва билимларга эга бўлиши, шунингдек ҳуқуқ борасидаги тасаввурларнинг инсон онгида акс этишидир

ҳуқуқий руҳият – онг доирасидаги ҳуқуқий ҳодисалар билан боғлиқ ҳолда, онгда юзага келадиган ва унга сингиб кетган ҳис-туйғу, кечинмалар соҳасини ифодалайди.

ҳуқуқий тадбирлар – ходимларда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни оширишга қаратилган тадбирлар;

чекилмайдиган тамаки маҳсулоти — шимиш, чайнаш ёки ҳидлаш учун мўлжалланган тамаки маҳсулоти;

чет эл фуқароси — Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигига эга бўлмаган, бошқа давлат фуқаролигига ва ўзининг бошқа давлат фуқаролигига мансублигига доир далилга эга бўлган шахс;

чет эл фуқаросининг ва фуқаролиги бўлмаган шахснинг идентификацияловчи ID-картаси (бундан буён матнда идентификацияловчи карта деб юритилади) — идентификацияловчи карта эгасининг шахсини ва фуқаролигини, шунингдек Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий рўйхатга олинганлигини тасдиқлайдиган, эгасининг

шахсга доир биографик ва биометрик маълумотлари киритилган электрон жисмни (чипни) ўз ичига олган ҳужжат;

чилим — тамакининг, шунингдек таркибида тамаки мавжуд бўлмаган маҳсулотларнинг туташи ва (ёки) қиздирилиши натижасида ҳосил бўладиган аэрозолни (буғни, тутунни) нафас орқали ютиш учун фойдаланиладиган мослама бўлиб, унда аэрозол (буғ, тутун) суюқлик солинган идиш (чилим сувдони) орқали ўтади;

шахсий манфаатдорлик – “102” хизмати персоналининг шахсан ўзи ёки яқин қариндошлари, шунингдек, улар билан яқин ёки хизмат муносабатларида бўладиган бошқа шахслар учун ҳар қандай наф кўриш ёки афзалликларга эга бўлиш.

шикоят — бузилган ҳуқуқларни, эркинликларни тиклаш ва қонуний манфаатларни ҳимоя қилиш тўғрисидаги талаб баён этилган мурожаат;

электрон мурожаат — белгиланган тартибда ахборот-коммуникация технологиялари воситасида берилган, шу жумладан давлат органининг, ташкилотнинг расмий веб-сайтига жойлаштирилган мурожаат, реал вақт режимида ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда берилган оғзаки мурожаатлар бундан мустасно;

электрон сигарета — электр токи (аккумулятор) ёрдамида мосламадаги никотинли ёки никотинсиз суюқликни қиздирадиган ва истеъмолчи томонидан нафас орқали ютиладиган аэрозоль (буғ, тутун) ҳосил қиладиган, бир марта ишлатиладиган мослама.

эстетика – гўзаллик олами, санъат ва бадиий ижод қонуниятларини ўрганувчи ва ўргатувчи фан.

эътиқод – мавжуд қарашлар, майллар, нуқтаи назарлар, муносабат ва баҳоларни ўзгартириш мақсадида у ёки бу қоида, қараш, қилмишнинг тўғрилигини ёки уларга йўл қўйиб бўлмаслигини мулоқот, тушунтириш ва исботлаш орқали одамларнинг онги, ҳис-туйғулари ва иродасига таъсир кўрсатишдир.

юқимлилик – таъсир кўрсатиш кишиларнинг катта оммасини муайян тарзда, айниқса оммавий тартибсизликлар, диний жазавалар, оммавий психозлар билан боғлиқ равишда интеграция қилувчи махсус усули.

ягоналик принципи – ички ишлар органлари ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлардир ва Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири раҳбарлик қиладиган ягона тизимни ташкил этади.

якка тартибдаги профилактика иши – ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган вояга етмаганлар ва оилаларни ўз вақтида аниқлаш, шунингдек уларни ижтимоий-педагогик реабилитация қилиш ҳамда вояга етмаганларнинг ҳуқуқбузарликлар ёки бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракатлар содир этишининг олдини олишга доир фаолият;

Янги Ўзбекистон – халқимизнинг азалий орзуси бўлиб, тарихий тараққиётнинг барча даврларида миллатнинг етук вакилларини уни руёбга чикариш йулида амалий харакатларга ундаб келган буюк ғояси.

Янги Ўзбекистон стратегияси – фуқароларнинг мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги иштирокини кенгайтириш, уларнинг орзу-интилишларини рўёбга чиқариш, илғор ташаббусларини амалга ошириш, хаётий муаммоларини ҳал этиш, турмуш даражасини юксалтириш, мустақил равишда ўз моддий фаровонлигини ошириши учун етарли ва зарур шароитларни яратиш деганидир.

Янги Ўзбекистон стратегиясининг мақсади – юртимизнинг бахтли ва баркамол инсонлар фаровон яшайдиган, ижтимоий адолат тамойиллари тўлиқ қарор топган, дунёнинг энг ривожланган, барқарор ўсаётган ва инсон капитали юқори бўлган демократик давлатлари қаторидан жой олишини таъминлашдир.

Янги Ўзбекистонни барпо этиш – бу шунчаки хохиш- истак, субъектив ходиса эмас, балки туб тарихий асосларга эга бўлган, мамлакатимиздаги мавжуд сиёсий-хуқуқий, ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий вазиятнинг ўзи тақозо этаётган, халқимизнинг асрий орзу-интилишларига мос, унинг миллий манфаатларига тўла жавоб берадиган объектив заруратдир.

АСОСИЙ АДАБИЁТЛАР:

I. Ўзбекистон Республикаси Қонунлари:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси – 2023 й.
2. Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 16 сентябрдаги «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги Қонуни.
3. Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонуни // Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари тўплами. – Т., 2014. – № 20. – 221-м., 2015. – № 32. – 425-м.
4. Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 29 сентябрдаги “Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги Қонун.
5. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 27 октябрдаги “Наркологик касалликлар профилактикаси ва уларни даволаш тўғрисида”ги ЎРҚ-644-сон қонуни.
6. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси. –Т., 2021. – Lex.uz.
7. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси. –Т., 2021. – Lex.uz.
8. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси.–Т., 2021. – Lex.uz.
9. Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 11 сентябрдаги «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Қонуни.
10. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 17 августдаги “Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги ЎРҚ-633-сон Қонуни.

II. Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари ва Қарорлари

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон Фармони.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 15 апрелдаги “Ички ишлар органлари учун профессионал кадрларни тайёрлашнинг сифат жиҳатдан янги тизимини жорий этиш бўйича чора тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-5076-сонли Қарори.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 17 майдаги “Аҳолига наркологик ёрдам кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-244-сон қарори.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26 мартдаги “Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6196-сон Фармони.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 29 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-27-сонли Фармони.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 2-апрелдаги “Ички ишлар органларининг жамоат хавфсизлигини таъминлашва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасидаги фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-5050-сон Қарори.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 4 апрелдаги “Автомобиль йўлларида инсон хавфсизлигини ишончли таъминлаш ва ўлим ҳолатларини кескин камайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-190-сон Қарори.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 июндаги “Автотранспорт воситаларидан фойдаланишда аҳолига қўшимча қулайликлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-298-сон Қарори.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 7 июлдаги “Автотранспорт воситаларини бошқаришда ва йўналишсиз такси фаолиятини амалга оширишда қўшимча қулайликлар яратиш тўғрисида”ги ПҚ-311-сон Қарори.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 12 июлдаги “2022 - 2026 йиллар давомида амалга оширилиши мўлжалланган «хавфсиз ва равон йўл» умуммиллий дастурини тасдиқлаш тўғрисида” ПҚ-316-сон Қарори.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 августдаги “Ҳудудларнинг жадал ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлашга доир устувор чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3182-сон қарори.

12. Ўзбекистон Республикасининг Президентининг 2019 йилдаги 8 январдаги “Худудларни комплекс ижтимий-иқтисодий ривожлантириш бўйича секторлар фаолиятини янада такоминлаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрсида”ги ПК-4102-сонли қарори.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 19 февраль “Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари фаолияти билан боғлиқ низомларни тасдиқлаш тўғрисида”ги ПҚ-4197-сон қарори.

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 августдаги “Ички ишлар органлари ходимларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3216-сон қарори.

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 15 апрель “Ички ишлар органлари учун профессионал кадрларни тайёрлашнинг сифат жиҳатидан янги тизимини жорий этиш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-5076-сонли қарори.

16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 20 январдаги “Ички ишлар органларини халқчил профессионал тузилмага айлантириш ва аҳоли билан янада яқин ҳамкорликда ишлашга йўналтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-10-сонли қарори.

17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 24 декабрдаги ПҚ - 4075-сон “Жамоат хавфсизлигини таъминлаш самарадорлигини ошириш буйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори.

III. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Қарорлари ва Ўзбекистон Республикаси вазирликларининг ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлари

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 23 июндаги “Маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканлари фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги ВМҚ-343-сонли қарори.

2. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг 2021 йил 16 майда “Маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканлари фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” ги 166-сон буйруғи.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 12 апрелдаги “Йўл ҳаракати қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида”ги ВМҚ-172-сон Қарори.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 26 апрелдаги “Таълим муассасаларида йўл ҳаракати қоидалари тарғиботини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ВМҚ-212-сон Қарори.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 4 июлдаги “Автомототранспорт воситалари ҳайдовчиларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни амалга оширувчи таълим ташкилотларининг рейтингини аниқлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги ВМҚ-353-сон Қарори.

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 8 июлдаги “Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш соҳасига замонавий ахборот технологияларини кенг жорий этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ВМҚ-377-сон Қарори.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 20 июлдаги “Автомототранспорт воситалари ҳайдовчиларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини

ошириш ҳамда уларни имтиҳондан ўтказиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ВМҚ-393-сон Қарори.

8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 23 августдаги “Ҳудудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича секторлар фаолияти самарадорлигини баҳолаш тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ВМҚ-536-сон қарори.

9. Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг 2019 йил 22 январдаги буйруғи “Худудларни комплекс ижтимий-иқтисодий ривожлантириш бўйича Ики ишлар органларига бириктирилган секторлар фаолиятини такоминлаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрсида”ги 19-сонли буйруғи.

10. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг 2021 йил 27 августдаги “Ички ишлар органларида узлуксиз ўқув-карьера жараёни тизимини ташкил этиш тўғрисида”ги 310-сон буйруғи.

11. Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг 25.01.2020 йилдаги “102 автоматлаштирилган маълумотлар тизимини ўз вақтида жорий этиш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги 36-сонли буйруғи.

12. Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг 09.05.2022 йилдаги “Ички ишлар органларининг 102 хизмати фаолиятини такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги 150-сонли буйруғи.

13. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ва ИИВнинг 01.02.2021 йилдаги “Ички ишлар органларининг навбатчилик қисмларига келиб тушаётган жиноятга оид аризалар, хабарлар ва бошқа маълумотларни терговга қадар текширув якунлари бўйича қабул қилинадиган жиноят ишини қўзғатишни рад қилиш тўғрисидаги қарорларни соддалаштирилган тартибда расмийлаштириш қоидаларини тасдиқлаш ҳақида”ги 15-ҚҚ-4 сонли Қўшма қарори.

14. Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 1 декабрдаги 975-сон “Йўл-патруль хизмати ходимларининг йўл харакати қатнашчилари билан ўзаро муносабатлари ҳамда махсус мосламалардан фойдаланиши тартиби туғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги қарори.

15. Вазирлар Маҳкамасининг “Ички ишлар органлари патрул-пост хизмати фаолиятига замонавий ахборот технологияларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2022 йил 22 июлдаги 399-сон қарори.

IV. Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари

1. Мирзиёев Ш.М. “Янги Ўзбекистон стратегияси” Тошкент “Ўзбекистон” НМИУ 2021. –465 б.
2. Ш.Мирзиёев «Буюк келажигимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз». – Т., 2017 й.
3. Ш.М. Мирзиёев “Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси асосида демократик ислоҳотлар йўлини қатъий давом эттирамиз”. Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталари қўшма мажлисидаги нутқи. // Халқ сўзи. – 2021. – 6 ноябрь.
4. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 28 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси./ Халқ сўзи., 2021., № 243 (6678.)
5. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик - ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. – Т., «Ўзбекистон», 2017. – 104 б.

V. Дарсликлар, Ўқув қўлланмалар

1. Юксак маънавият ва қонун устуворлиги асосида яшаш, эл-юртга садоқат, адолат, ҳалоллик фазилатларини ва муомала маданиятини камол топтириш: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2014.

2. Норматов К.Н., Янги Ўзбекистон меъмори. Сиёсий. Т., 2011.136 б.

3. Ички ишлар органларининг жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлаш фаолияти: Дарслик / И. Исмаилов, М.З. Зиёдуллаев, Ф.Н.Шукуров ва бошқ.; генерал-лейтенант Б.А.Матлюбовнинг умумий таҳрири остида. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2019. – 414 б.

4. “Жамоат хавфсизлигини таъминлаш асослари”: Ўқув қўлланма / муаллифлар жамоаси. 2021 йил.- 361-б.

5. Туман(шаҳар) ИИБ навбатчилик қисмларининг хизмат фаолиятиниташкил этиш: Маърузалар курси/У.Э.Расулев, Б.Х.Тўйчиев, Р.Т.Рашитходжаев. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Малака ошириш институти, 2020. – 248 бет.

6. Ички ишлар органларида мурожаатлар ва ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги хабарларни қабул қилиш, қайд этиш ва ҳал этиш тартиби: Ўқув-амалий қўлланма / М.З. Зиёдуллаев.– Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2016. – 70 б.

7. Сирлиев Б.Н. Исмаилова Н., Хакимова И.М. Юридик психологиядан практикум. Ўқув қўлланма. – Академия, 2016.

8. Душанов Р.Х., Фарфиев Ё.А. Касбий психология. Маърузалар курси. Т., 2012.5-27 б.

Интернет сайтлари:

1.http://www.lex.uz (Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси).

2. http://press-service.uz/uz (Ўзбекистон Республикаси Президентининг расмий веб-сайти).

3. www.iiv.uz

4. http://natlib.uz (Алишер Навоий Номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси).

5. http://akadmvd.uz (Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси).

6. http://ziyonet.uz (ZiyoNET таълим портали).

7. http://utube.uz/ru (Utube.uz таълим видеопортали).

8. http://book.uz/ (Электрон адабиётлар кутубхонаси).

9. http://www.xs.uz («Халқ сўзи» газетаси).

10.http://www.legislationline.org/ru (Бюро по демократическим институтам и правам человека ОБСЕ).

Б.Б. РАДЖАБОВ, Ж.Р. РАВШАНОВ.

ФУҚАРОЛАР БИЛАН ИШЛАШ МОДУЛИ

(ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИ ХИЗМАТИ ХОДИМЛАРИ УЧУН)

ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУА

Техник муҳаррир: Н.З. Тасимов

Босишга рухсат этилди _____2023 й. Нашриёт-ҳисоб табоғи _____.
Адади ____ нусха. Буюртма № ___. Баҳоси шартнома асосида

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Малака ошириш институти,
100213. Тошкент шаҳар Ҳусайн Бойқаро кўчаси, 27а-уй.